

Ханафий фикҳи ва унинг далиллари

Мутаржим Анвар Аҳмад

*Шом шаҳарларидаги ханафия мазҳаби фақиҳи фазилатли шайх
Абдурраззоқ Ҳалабийнинг қаламига мансуб муқаддима*

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Ягона ва ёлғиз Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин, у кишидан кейин набий келмайдиган зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловоту саломлар бўлсин.

Албатта диндаги фикҳ ва уни ўрганишга Парвардигоримиз тарғиб қилади: «Ахир улардан – ҳар бир гуруҳдан бир тоифа одамлар (жанг учун) чиқмайдиларми?! (Қолганлари эса Мадинада) динни ўрганиб, (жангга кетган) қавмлари уларнинг олдиларига қайтган вақтларида у қавмлар Аллоҳнинг азобидан сақланишлари учун уларни огоҳлантиргани (қолмайдиларми)?!» (Тавба сураси, 122-оят). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам қуйидаги ҳадислари билан динда фикҳга тарғиб қиладилар: «Кимга Аллоҳ яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди».

Уламоларимиз: «Ҳар бир мусулмонга ўз ақидасини, ибодатини ва муомаласини (одамлар ўзаро қиладиган ишлари: савдо-сотиқ, ижара, никоҳ ва ҳоказони) тартибга соладиган саҳиҳ даражадаги илмни ўрганиш фарздир. Бу нарсаларни саҳиҳ – тўғри бўлишининг йўли фақат фикҳ биландир», деб айтишган. Дарҳақиқат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари бир-бирларидан билмаган масалаларини сўрашарди. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб: «Агар ўзларингиз билмайдиган бўлсаларингиз, аҳли илмлардан сўранглар» (Анбиё сураси, 7-оят), деб айтган.

Ривоятда келадикки, бир момо (онанинг онаси) Абу Бакр розийаллоҳу анҳу олдиларига келиб, у кишидан мерос талаб қилди. Абу Бакр Сиддиқ: «Мен (сиздаги бу масала ҳақида) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳеч нарса эшитмаганман. Сиз кетаверинг, мен асҳобларимдан сўрайман ёки сиз ҳақингизда ўз фикримни қайта кўриб чиқаман», дедилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу пешин намозини ўқиб, сўнгра хитоб қилиб: «Сизлардан бирортангиз буви (момо) ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор нарса эшитганми?» деб сўрадилар. Муғйра ибн Шўба розийаллоҳу анҳу туриб: «Мен гувоҳлик бераман, мен гувоҳлик

бераман, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бувига олтидан бирини ҳукм қилганлар», дедилар. Яна бир ривоятда «бувига олтидан бири едирилади» бўлиб келган. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу: «Сен билан бирга бирор гувоҳ борми?» дедилар. Муҳаммад ибн Маслама розийаллоҳу анҳу: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Муғийра ибн Шўба гувоҳ бўлганидек, у зот алайҳиссалом айтганларига гувоҳлик бераман», дедилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу ҳалиги бувига молнинг олтидан бирини ҳукм қилдилар.

Шундай қилиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоблари у зот алайҳиссаломдан ва бир-бирларидан фикҳни ўрганар эдилар.

Фикҳнинг биринчи манбаси азиз бўлган китоб Қуръони каримдир. Аллоҳ таоло: «Албатта бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур» (Ал-Исро сураси, 9-оят), яна бошқа оятда: «(Эй инсонлар), сизларга Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (Китобга) эргашингиз» (Аъроф сураси, 3-оят), деб айтган.

Иккинчи манба ҳадиси шарифдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда: «Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар» (Ҳашр сураси, 7-оят), деб айтган.

Учинчи манба уммат ижмоъсидир. Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умматим залолатга жам бўлмайди», деб айтганлар.

Тўртинчи манба қиёсдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда: «Бас, эй ақл эгалари, (уларнинг аҳволидан) ибрат олингиз!» (Ҳашр сураси, 2-оят) деб айтган.

Оятдаги эътиборли жиҳат бу – бир нарсани унга ўхшашига қайтаришдир. Бу ҳақда шундай ривоят келади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз розийаллоҳу анҳуни Яманга юбораётиб, унга: «Нима билан ҳукм қиласан?» деганларида, у киши: «Аллоҳнинг Китоби билан, агар ундан тополмасам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари билан, агар ундан ҳам тополмасам, ўз фикрим билан ижтиҳод қиламан», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик даврларида ижмоъ бўлмагани учун уни зикр этмадилар. Мана шу зикр этилган нарсалар диндаги фикҳнинг далиллари, яъни ҳукм олинадиган манбалардир.

Бу шаръий далиллар билан бирга замонамиздаги масалаларга жавоб бера оладиган фикҳ китобига мусулмонлар муҳтож бўлдилар. Бу улуғ ишга серғайрат устоз Шайх Аъсад Муҳаммад Саид ас-Соғуржий ҳазратлари киришдилар.

«Ҳидоя» ва «Ихтиёр» китобининг соҳибларидек, бу киши ҳам далиллар билан бирга тўлиқ баён қилинган Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон раҳматуллоҳи алайҳининг фикҳлари ҳақида китоб тасниф қилдилар. Муаллиф: «Бу китобни ибодат ва муомала қисмларига ажратдим ҳамда буни нодир, қимматбаҳо китоб деб билдим», дедилар. Дарҳақиқат, муаллиф бу китобни таълиф этишда кўп жидду-жаҳд қилдилар. Аллоҳ таоло ушбу китоб муаллифини яхшилиқ билан мукофотласин. Аллоҳ таоло бу китоб билан бизни нафлантирсин. Оламлар Робби Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

*22 рабиъул аввал
1420 ҳижрий йил
Абдураззоқ Ҳалабий*

Муаллиф муқаддимаси

Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. «Аллоҳ кимга яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди», деб айтган саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот ва саломлар бўлсин. Мен Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, албатта Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг қули ва расули ҳамда юборган набийларининг энг яхшиси деб гувоҳлик бераман.

Хурматли ўқувчи учун имом Абу Ҳанифа ҳамда икки соҳиблари Абу Юсуф ва Муҳаммадларга ўхшаб фикҳул ҳанафиядан енгил таржимани тақдим қилдим. «Хайротул Ҳисан» китоби матнида шундай келган: «Ўтганлардан бир кишининг улуғлигига одамлар уни фарқлаши далил бўлади. Буни кўрингки, Али (р.а.) ҳақларида икки тоифа ҳалок бўлди: ҳаддан ташқари яхши кўрувчи ва ҳаддан ташқари ғазабланувчи».

Бу ҳақ – рост калималар Абу Ҳанифага (Аллоҳ у кишини Ўз раҳматига олсин) тааллуқдир. Ҳақиқатдан ҳам одамлар у киши ҳақида мутаассиб бўлиб кетдилар, ҳатто у кишини юборилган пайғамбарлар даражасига яқинлаштириб қўйдилар. Одамлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Ҳанифанинг исмларини зикр қилган, деб ўйлашган. Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлари ва маноқибларини у кишининг рутбаларига нисбат бериш билан ҳаддан ошиб кетишган.

Одамлар яна у зот тўғрилида мутаассибликка берилиб, зиндиқликда, суннатни тарк қилишда, динда ҳужжатсиз фатво беришда айбладилар ва ҳаддиларидан ошдилар ёки у кишининг динига, шахсиятига ва иймонига айб қўйдилар.

Абу Ҳанифанинг шахсиятлари кучли бўлиб, бу билан фикҳни ўз шаҳарларидан ташқарига, яъни бошқа исломий ўлкаларга тарқатганлар. Кўпгина исломий давлатларда одамлар у кишининг фикрларини айтишган. У кишининг фикрларидан муҳолифлар ҳам, мувофиқлар (хайрихоҳлар) ҳам фойдаланиб, муҳолифлар у кишини инкор қилишган, мувофиқлар эса ёрдам беришган.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга муҳолиф бўлганлар у кишини диндаги фикрларида бидъат бор, деб қаттиқ инкор қилишди. Балки улар у зотнинг парҳез ва тақволарини билмасдан тилларига эрк бериб юборишгандир. Агар у кишини кўришганида ёки келтирган далилларини билишганида албатта ҳурматларини жойига қўйиб, фикрларига мувофиқ бўлар эдилар.

Ривоят қилинишича, Шом шаҳрининг фақиҳи Авзоъий Абу Ҳанифага ҳамаср эди. У Абдуллоҳ ибн Муборакка: «Куняси Абу Ҳанифа бўлган, Кўфа шаҳридан чиққан бу бидъатчи ким?» деганида, Ибн Муборак жавоб бермасдан, балки ноаниқ, чигал, фаҳмга оғир келадиган бир масалани ва у ҳақдаги фатвони айта бошладилар. Авзоъий: «Бу фатвонинг соҳиби ким?» деб сўради. Ибн Муборак: «Мен Ироқда йўлиққан бир шайх», дедилар. Авзоъий: «Бу киши машойихлар ичида илм жиҳатидан устунроқ экан. Бориб ундан илмингни кўпайтир», деди. Ибн Муборак: «Бу Абу Ҳанифадир», деб айтдилар.

Кейин Авзоъий Абу Ҳанифа билан Маккада учрашиб, Ибн Муборак айтган масала ҳақида гаплашишди. Абу Ҳанифа эса у масалани тушунтириб бердилар. Икковлари ажралишганидан кейин Авзоъий Ибн

Муборакка: «У кишини кўп илми ва ақли туфайли бахтли деб ҳисоблайман. Аллоҳдан мени мағфират қилишини сўрайман. Мен у киши тўғрисида очиқ хато қилибман. У киши келтирилган хабарларнинг хилофи (акси) эканлар», деди.

Дарҳақиқат, Абу Ҳанифанинг шахсиятлари кучли бўлиши билан бирга чуқур таъсирлари ва нуфузлари бор эди. У кишининг фатво бериш, хабарни аниқлаш, ҳадисни тушуниш ва ундан ҳукмлар чиқаришда ўзларига хос йўллари бор эди.

Шогирдлари ва уларга эргашганлар у зотнинг мазҳабларини чамаси ўттиз йил ёки ундан кўпроқ вақт ичида тарқатдилар. Ким шундай (машҳур мазҳаббоши) бўлса, унинг қаттиқ танқид қилиниши, шахсининг ҳақоратланиши, раъй-у фикрининг сохталаштирилиши ва унга нисбатан мутаассибликларга нишон бўлиши табиийдир.

Абу Ҳанифанинг ҳаётлари

1. Туғилишлари ва насаблари.

Имом Абу Ҳанифа аксарият тарихчиларнинг фикрларига кўра, ҳижратнинг саксонинчи йили Кўфа шаҳрида таваллуд топдилар. Оталари Собит ибн Завтий ал-Фарисий бўлиб, у киши ҳақларида ишончли кишилар машҳур, деб айтишган. Боболари Кобил аҳлидан бўлиб, мусулмон араблар бу шаҳарларни фатҳ қилишганида асир тушган. Бани Тайм ибн Саълаба қавмидан бир киши уни қул қилиб олиб, кейин озод этган. Унинг бу қабила билан дўстлиги бор эди, у бу дўстлик билан Таймий қабиласига мансуб бўлган эди. Бу ривоятни Абу Ҳанифанинг неваралари Умар ибн Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа айтганлар. Лекин Умарнинг акалари Исмоил: «Абу Ҳанифа – у Нўмон ибн Собит ибн Нўмон ибн Мирзабон. Аллоҳга қасамки, бизнинг наслимизда ҳеч ҳам қуллик бўлмаган», деб айтди.

Абу Ҳанифанинг боболари қулми ёки қул эмасми – бунинг аҳамияти йўқ. Асосийси – у зотнинг оталари ҳур (озод) бўлган ҳолларида Абу Ҳанифа туғилганлар. Абу Ҳанифанинг қадрлари, илмлари ва шарафларига боболари ёки оталарининг ё насабларида бирор кишининг қул бўлгани зарар қилмайди. У зотнинг иқтидорлари, ақллари ва тақволари обрўларини намоён (зиёда) қилаверади. Мана шу нарса шарафли эканларига далолат қилади.

Аллоҳ таоло: «Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорингиздир» (Ҳужурот сураси, 13-оят), деб айтган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Салмон Форсий розийаллоҳу анҳу ҳақларида: «Салмон бизнинг аҳли байтимиз, яъни оила аъзозидир», деганлар.

Аллоҳ таоло Қуръонда Нух алайҳиссаломнинг ўғиллари ҳақида у зотга шундай дейди: «Эй Нух, у сенинг аҳлингдан эмас! Албатта у(нинг қилган амали куфр йўлини тутган) ёмон амалдир» (Ҳуд сураси, 46-оят).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Билол Ҳабаший розийаллоҳу анҳуни ўзларига яқин тутганлар, амакилари Абу Лаҳабни эса ўзларидан йироқ қилганлар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ насабларининг Форсга бориб тақалиши у зотнинг қадр-қийматларини пасайтирмайди ва бу нисбат у

кишининг камолотга эришишларига монеъ бўлмаган. У зот қул бўлмай, асли ҳур кишилардан эдилар.

Абу Ҳанифа яшаган асрда илмнинг аксарияти қуллар қўлида бўлган. У зот ва аждодлари улуғ насабга йўқотишгани (эга бўлмагани) билан ҳам Аллоҳ таоло уларга илм билан фахрланишни ато қилди ва бу покроқ, улуғроқ, замонларда узоқ қоладиган ҳамда хотираларда сақланадиганроқдир.

Ибн Ҳажар Маккийнинг «Хайротул Хисон» номли китобларида қуйидагича келади: «Ато ибн Абдуллоҳ билан Ҳишом ибн Абдулмалик ораларида суҳбат бўлиб ўтди. Ато айтадилар: «Мен Ҳишом ибн Абдулмалик қасрига кирсам, у: «Эй Ато! Шаҳарлардаги уламолардан бирор илм аҳли ҳузурингда борми?» деган эди, мен: «Ҳа, эй мўминлар амири», дедим. У: «Мадина аҳли ичида ким фақиҳ?» деб сўради. Мен: «Ибн Умарнинг мавлоси (мавло деб Ислом фатҳи давомида асир бўлиб, кейин озод қилинган қулларга айтилади) Нофеъ», дедим. У: «Аҳли Макканинг фақиҳи ким?» деди. Мен: «Ато ибн Абу Рабоҳ», дедим. Ҳишом: «У қулми ёки арабми?» деди. Мен: «У қулдир», дедим. У: «Яман аҳлининг фақиҳи ким?» деди. Мен: «Товус ибн Кайсон», дедим. Ҳишом: «У қулми ёки араб?» деди. Мен: «У қулдир», дедим. Ҳишом: «Шом аҳлининг фақиҳи ким?» деди. Мен: «Макхул», дедим. Ҳишом: «У қулми ёки арабми?» деди. Мен: «У қулдир», дедим. Ҳишом: «Жазира аҳлининг фақиҳи ким?» деди. Мен: «Маймун ибн Меҳрон», дедим. Ҳишом: «У қулми ёки араб?» деди. Мен: «У ҳам қул», дедим. Ҳишом: «Хуросонда ким фақиҳ?» деди. Мен: «Заҳҳок ибн Музоҳим», дедим. Ҳишом: «У қулми ёки арабми?» деди. Мен: «Қул», дедим. Ҳишом: «Басра аҳлининг фақиҳи ким?» деди. Мен: «Ҳасан ва Ибн Сийрин», дедим. Ҳишом: «Иккови қулми ёки арабми?» деди. Мен: «Иккови ҳам қулдир», дедим. Ҳишом: «Кўфа аҳлининг фақиҳи ким?» деди. Мен: «Иброҳим Нахайй», дедим. Ҳишом: «У қулми ёки араб?» деди. Мен: «У ҳам қул», дедим. Шунда Ҳишом: «Бирортасини қул демасдан жонимни олай дединг-а», деб айтди».

Саҳобалардан кейин илм анча вақт мавлоларда (яъни, ерлик араб бўлмаган, балки фатҳ этилган жойлардаги одамларда) қолди. Нўъмон Абу Ҳанифанинг мавлолардан бўлишининг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Улар Ислом давлатларида марказий илмни эгаллашган. Дарҳақиқат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам илм тезда форс авлодларида бўлиши ҳақидаги хабарларини рост айтганлар. Бу ҳадисни Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар ривоят қилишган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар илм сурайё (юлдузи)да муаллақ туриб қолса (ҳам), уни форс ўғлонлари олишади», деб айтдилар.

2. Абу Ҳанифанинг улғайишлари.

У зот Кўфа шаҳрида улғайиб вояга етдилар. Унда аксар ҳаётларини таълим олиш, музокара, мунозара ва илм ўргатиш билан ўтказдилар. У киши давлатманд одам бўлиб, тижоратчи эдилар. Оталари Собит у кишини болалик чоғларида Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳу билан учраштирганлар. Боболари у кишига мева шарбати қўшиб тайёрланадиган қиём совға қилиб келтирган.

Оилалари бой-бадавлат, фаровон яшашган. Бойликлари шу даражада бўлганидан халифага ҳадя келтиришга имкониятлари бўлган. Ривоят қилинишича, Али розийаллоҳу анҳу Собит ва зурриётларига барака берилишини сўраб дуо қилганлар. Бу нарса Абу Ҳанифанинг оталари

мусулмон бўлганига далолат қилади. Демак, Абу Ҳанифа соф исломий хонадонда вояга етганлар. Бу нарсага ғаразгўйлардан бошқа барча муқаррар деб билинади.

У киши Қуръони каримни ёдлашни илк болалик вақтларидан бошлаган эдилар. Еттита машҳур қорилардан бири Имом Осимдан қироатни ўргандилар. Кўфа шаҳри ўша вақтларда буюк Ироқнинг шаҳарларидан бири эди. Балки ўша вақтда икки буюк шаҳарнинг бири эди.

Ироқда ҳар хил миллатли, турли эътиқодли ва турфа фикрли кишилар бор эди. Абу Ҳанифа ёш, навқирон пайтлариданоқ баъзи фикрли кишилар билан тортишиб, улар билан беллашардилар. Бундай бўлишларидан туғма талантлари хабар бериб турар эди. Лекин у зот тижорат билан ҳам шуғулланиб, бозорларда кўп аралашиб, уламолар билан озроқ қўшилиб юрган чоғларида олимларнинг баъзилари Абу Ҳанифадаги заковат ва илмий ақлларига эътибор қаратиб, қадрлашди ва барча вақтларини тижорат учун ишлатишларини хоҳламай, у кишига бозорларда юрганлари каби уламолар орасида ҳам аралашиб юришни тавсия қилишди. Ибн Ҳажар ал-Маккий айтишларича, Абу Ҳанифа дедилар: «Мен бир куни Шаъбийнинг олдиларидан ўтаётсам, у киши: «Қаерга кетяпсан?» дедилар. Мен: «Бозорга», дедим. У киши: «Нима учун бозорга тез-тез бориб турасан-у, уламоларнинг олдида шундай тез бормаёсан?» дедилар. Мен у кишига: «Тўғри, уларнинг олдида кам бораман», дедим. У киши: «Ундай қилмагин, илм ўрганиш ва уламоларнинг мажлисларида қатнашиш сенга лозимдир. Чунки мен сенда ғайрат ва ҳаракатни кўряпман», дедилар. У кишининг гаплари менинг қалбимда қолди. Ва бозорга тез-тез боришни тўхтатиб, илм олишни ўзимга лозим тутдим. Аллоҳ у кишининг гаплари билан менга фойда берди».

Абу Ҳанифа илмлардан қай бирини танлашни ўйлаб, фикҳга мувофиқ келдилар ва тамоман ўша фанга киришдилар. Усулул ақоиднинг жадал бўлимидан кўп наф олдилар, ҳатто илми каломда бармоқлар билан ишора қилиб кўрсатиладиган даражага етдилар. Кейин фикҳ илмига мойил бўлдилар. У киши ўз даврларининг улуғ машойихларининг фатволарини ўрганишга киришдилар. Кўфа у даврда Ироқ фуқаҳоларининг ватани бўлган. Бу ҳақда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ: «Мен илм ва фикҳнинг конида эдим. Унинг аҳли билан бирга ўтирдим, фуқаҳоларидан бир фақиҳни ўзимга лозим тутдим», деб айтдилар. Ўша киши Ҳаммод ибн Абу Сулаймон эдилар. Абу Ҳанифа бу зотдан фикҳни ўрганиб, то вафот этгунларига қадар бирга юрганлар. У зотнинг устозлари хизматида ўн саккиз йил бўлганлари айтилган.

Имом Зуфар Абу Ҳанифанинг шайхлари Ҳаммод билан бирга бўлганлари ҳақида қуйидагича ривоят қиладилар: «Абу Ҳанифа: «Мен Ҳаммод билан ўн йил бирга турдим. Кейин нафсим мустақил бўлиш талабида мени у кишидан узоқлаштирди. У кишидан ажраб, ўзим бир халқада ўтиришни хоҳладим. Бир куни кеч оқшомда ташқарига чиқдим ва ўйлаган нарсамни қилишга азму-қарор қилгандим. Масжидга кирганимда Ҳаммодни кўриб нафсим у зотдан ажралишимни яхши кўрмай қолди. Мен бориб у киши билан бирга ўтирдим. Бу кеча у кишининг Басрадаги бир қариндошлари вафот этгани ва у кишидан бошқа меросхўри йўқлиги ҳамда у зотга мол-дунё қолдириб кетгани ҳақида хабар келди. Ҳаммод ўзларининг ўринларига менинг ўтиришимни буюрдилар. Мен ижобат қилдим. Кейин Ҳаммод қайтиб келдилар. Мен у зотга олтмишта масалани

кўрсатган эдим, қирқтасида мен чиқарган ҳукмга мувофиқ бўлиб, йигирматасида муҳолиф бўлдилар. Мен ўз-ўзимга у зотдан вафот этгунларига қадар айрилмайман, деб қасамёд қилдим ва устозим боқий дунёга кетгунларича ҳечам ажрамадим», деб айтдилар».

Абу Ҳанифа қирқ ёшга кирганларида Ҳаммод вафот этдилар. У зотдан кейин халқаларини (яъни, дарс ўргатишни) Абу Ҳанифа бошқардилар.

Абу Ҳанифа устозлари Ҳаммоддан фикҳни ўрганаётган вақтларида бу билан чекланиб қолмадилар, балки кўп марта Байтуллоҳга ҳажга бориб, Макка ва Мадинада уламолар билан учрашдилар. Улардан кўпи тобеъин эди. Ўша уламолар билан илмий учрашувлар ўтказиб, ҳадислар ривоят қилиб, фикҳни ўргандилар. У киши билан бирга дарс ўқиганлардан Зайд ибн Али ибн Ҳусайн, Жаъфар ас-Содиқ, Абдуллоҳ ибн Ҳасан, Абу Муҳаммад ан-Нафсуз Закийяларни тилга олиш мумкин. У киши тобеъинлар қаерда бўлсалар ҳам, топиб борардилар. Абу Ҳанифа: «Мен Умар фикҳини, Али фикҳини, Абдуллоҳ ибн Масъуд фикҳини ва Ибн Аббос фикҳини уларнинг асҳобларидан ўргандим», деганлар.

Ҳаммод вафотидан кейин дарс қилиш камайиб кетганида ўқувчиларига келган фатволардан, уларга етиб келган ҳукмлардан дарс бера бошладилар. Бир нарсани ўзининг ўхшашига ёки бир нарсани унинг ўхшашига кучли, тўғри ақл ва балоғатли мантиқ билан қиёс қилардилар. Ҳатто шу алфозда бир фикҳий мазҳабга асос солдилар. Шу билан бир қаторда у киши тижоратни ҳам ташламадилар. У кишининг ишончли, бозорларда айланишларига эҳтиёж қолдирмайдиган тижоратдаги шериклари бўлган. Мана шу илм билан тижоратни жамлаган уламоларнинг ишидир.

3. Абу Ҳанифа – тижоратчи.

Абу Ҳанифа тижоратчи одамни тўрт ҳолат билан сифатлаб, тўғри (ҳалол) тижоратчини худди уламолар орасида баланд даражадаги одамга мисол қилдилар.

Биринчиси – унинг нафси тўқ бўлмоғи, нафсларни фақир, оч қилиб қўядиган таъмани қилмаслиги керак.

Иккинчиси – ўта омонатли бўлиши керак.

Учинчиси – сахий бўлмоқлиги, Аллоҳ унинг нафсини бахилликдан сақлаган бўлиши керак.

Тўртинчиси – ўта диёнатли, қаттиқ тақводор, кундузлари рўзадор, кечалари (намозда) қоим бўлмоғи керак.

Кўпчилик у кишининг тижоратларини Абу Бакр Сиддиққа ўхшатишарди. Уларнинг (бирор нарсани) сотиб олишлари (бирор нарсани) сотишлари каби эди. Улар доимо омонатга риоя қилардилар.

Бир аёл ипак кийимини Абу Ҳанифага сотгани олиб келди. У киши: «Неча пул?» деб сўрадилар. Аёл: «Юз», деди. У киши: «Бу кўйлак бундан қимматроқ туради, қанча дейсиз?!» дедилар. У аёл юз-юз, деб нархини тўрт юзга етказди. У киши: «У бундан қимматроқ туради», дедилар. Аёл: «Мени масхаралаяпсизми?» деди. Абу Ҳанифа: «Бир кишини олиб келинг, у нархини қўйиб берсин», дедилар. Аёл бир киши билан келди. Абу Ҳанифа уни беш юзга сотиб олдилар. У киши ўз нафсларини ўйлашдан олдин сотувчи ҳақида қайғурардилар. У киши сотувчи ғафлатда қолган фурсатдан фойдаланиш ҳақида ўйламасдилар. Аксинча, сотувчини тўғри йўлга солардилар (яъни, бозордаги нарх-наво ва бошқаларни айтиб тушунтирардилар).

Абу Ҳанифа нарса сотганларида харидор фақир ёки дўстлари бўлса, фойдасидан кечиб (арзонга, ўзининг нархига) сотардилар, баъзан эса фойдасининг ҳисобига текинга берардилар.

Абу Ҳанифа олдиларига бир аёл келиб: «Мен бечораҳол, заифаман. Бу кийимни менга ўз нархига сотинг», деди. Абу Ҳанифа: «Уни тўрт дирҳамга ола қолинг», дедилар. Аёл: «Мендай кампирни масхараламанг», деди. Абу Ҳанифа: «Мен иккита кийим сотиб олдим, улардан бирини сотиб олган пулимдан тўрт дирҳам камига сотдим. Бу иккинчи кийим эса менга тўрт дирҳамга қолди (яъни, шуни сизга тўрт дирҳамга сотсам, қилган харажатим ўз ўрнига келади)», дедилар.

У кишининг олдиларига бир дўстлари келиб, ипак сифатли ва фалон рангли кийимни сўради. Абу Ҳанифа: «Сен сабр қилиб тур, мен у кийим келса, иншааллоҳ, олиб қўяман», дедилар. Бир жума ўтмасдан шу хилдаги кийим келди. У кишининг ёнларидан ўша дўстлари ўтиб кетаётганида унга: «Ҳожатингдаги (сен айтган кийим)ни олиб қўйдим», деб ҳалиги кийимни чиқариб бердилар. Дўстлари: «Ундай бўлса, бу қанча бўлди?» деди. У киши: «Бир дирҳам», дедилар. Дўстлари: «Сен менинг устимдан куляпсан, деб гумон қиляпман», деди. Абу Ҳанифа: «Кулаётганим йўқ, мен иккита кийимни йигирма динар-у бир дирҳамга сотиб олдим. Ва улардан бирини йигирма динарга сотдим. Бу эса менга бир дирҳамга қолди», дедилар.

Дарҳақиқат, у киши ҳар бир шубҳа аралашиб қолган нарсада қаттиқ безовта бўлардилар. Агар уни ҳаром деб ўйласалар, фақир-муҳтожларга садақа қилиб юборардилар. Ривоят қилишларича, у киши шерикларига мол жўнатиб, моллардан бирининг айби борлигини, сотаётган вақтда бу айбини айтиб сотишни тайинладилар. Шериклари у молнинг айбини айтишни унутиб сотиб юборди ва ким сотиб олганини ҳам билолмай қолди. Абу Ҳанифа буни билганларидан кейин бу молларнинг ҳамма пулини садақа қилдилар. Шунақа ҳолатлар бўлишига қарамасдан тижоратлари кўп фойда билан чиқар эди. Уларни ўзларига, шайхларининг, муҳаддисларнинг ҳожатларига ишлатардилар, қолган фойдаларни уларга берардилар ва: «Бўларни ўз ҳожатларингизга ишлатинглар, фақат Аллоҳнигина мақтаб ҳамду сано айтинглар. Мен сизларга ўз молимдан эмас, балки Аллоҳнинг фазлу-марҳаматидан бераман», дердилар. Кийган кийимларига кўп эътибор бериб, яхши кийинардилар, у кишини танийдиган одам кийимларига ва бошқа зоҳир бўлган жойларига эътибор беришларини сезардилар.

Абу Ҳанифа умавийлар халифалиги даврида эллик икки йил яшадилар. Аббосийлар халифалиги даврида эса ўн саккиз йил яшадилар. Бир юз ўттизинчи ҳижрий йилда Маккага қочиб бордилар ва унда аббосийлар давлат тепасига келгунича турдилар. Кўфа шаҳрига Абу Жаъфар ал-Мансур подшоҳлиги даврида қайтиб келдилар.

4. Қози бўлишга даъват этилганлари.

Абу Жаъфар ал-Мансур Абу Ҳанифани бош қозилик лавозимига чақирди, аммо у зот кўнмадилар. У Абу Ҳанифадан қозиларга мушкул бўлган ҳукмларни ечиб беришни талаб қилди, у киши рад этдилар. Абу Жаъфар ал-Мансур у кишини уриш ва ҳибс қилиш билан ёки фақат ҳибс қилиш билан азоблади. Муваффақ Маккийнинг «Маноқиб»ларида келишича, Абу Ҳанифа Боғдодга юборилганларида (ташқарига) юзлари ярақлаган ҳолда чиқиб: «Албатта у мени қозиликка чақирибди, мен бу

ишга салоҳиятли эмаслигимни унга айтдим ва биламанки, даъво қилувчиларга далил, инкор қилган кишига қасам лозим», дедилар.

Ўша пайтда Абу Ҳанифа: «Қозиликка сенга (айбларингни билдириб), болаларингга ва раҳбарлар(лиг)ингга тўғри ҳукм чиқара оладиган кишигина ярайди (салоҳиятли). Менда эса бундай нарса йўқ. Албатта сен мени ўзингдан йироқлаштирадиган нарсага чақирдинг», дедилар. Абу Жаъфар: «Нима учун мен юборган нарсани олмадинг?» деди. Абу Ҳанифа: «Амирал мўминининг ўзидан нарса келдимиканки, мен уни рад қилсам! Агар у ўзининг молидан юборганида қабул қилардим. Албатта амирал мўминин менга фақатгина мусулмонларнинг байтул молидаги нарсадан юборди. Уларнинг байтул молида менинг ҳаққим йўқ. Мен уларнинг ортларида жанг қилувчи эмасманки, жангчи олган нарсани олсам, мен уларнинг болаларидан ҳам эмасманки, болалари олган нарсани олсам, мен уларнинг камбағалларидан ҳам эмасманки, фақирлар оладиган нарсани олсам», дедилар. У: «Шу ерда тургин, қозилар сенга муҳтож бўлган вақтларида олдингга келиб туришади», деди.

Абу Ҳанифа қозиликни рад қилдилар, чунки уни хатарли иш деб билганлар. Балки буни ўз устиларига юклашда куч топа олмай қолишларидан шундай қилгандирлар. Муфтийликни ҳам рад қилганлар, чунки қозиларнинг ҳукм қилган масалаларига муҳолиф бўлиб қолинади. У зот ҳукм (қилишлик)нинг барча кўринишини рад қилардилар. Абу Ҳанифанинг рад қилишлари шунчаки бўлмас эди. У киши қозиликни, муфтийликни, атоларни (халифа юборган молни) натижасини ўйламай рад қилдилар. Абу Ҳанифани Мансур ҳибс қилдирди ва уришга буюрди. У кишини бир юз ўн қамчи уришди. У кишига: «Қозиликни қабул қил», деб айтишарди. Абу Ҳанифа: «Мен бу ишга салоҳиятли эмасман», деб айтардилар. У кишига кетма-кет зарба урилавергач, пичирлаб дедилар: «Эй Аллоҳим, Ўз қудратинг билан мендан уларнинг ёмонлигини йироқ қил». Мансурга у киши ҳақида гапиришганида у Абу Ҳанифани зиндондан чиқариб юборди. Ва фатво беришни, одамлар билан бирга ўтиришни, уйларида чиқишни ман қилди. У киши ҳижрий бир юз эллигинчи йилда вафот этдилар. Вафот этгунларича шу ҳолда бўлдилар. Абу Ҳанифа ўзларини покиза, тоза, тортиб олинмаган ерга кўмишларини ва амир тортиб олган, деб сифатланган ерга дафн қилмасликларини васият қилдилар. Абу Жаъфар буни билгач, «Ким менинг (номидан) Абу Ҳанифадан тирик ёки ўлик ҳолида узр сўраб беради?!» деб айтгани ривоят қилинган.

Боғдод аҳолисининг ҳаммаси Ироқнинг фақиҳи Имоми Аъзам жанозаларига йиғилишди. Жанозаларида эллик минг одам қатнашди. У киши Боғдодга дафн этилдилар.

5. Замондошларининг у киши ҳақларидаги мақтови.

У кишининг замондошларидан Вараъул Фузийл ибн Иъёз шундай дейдилар: «Абу Ҳанифа фақиҳ одам эдилар, фикҳда бой деб танилганлар, ўз сафдошлари орасида афзали бўлиб машҳур бўлганлар, кеча ва кундузлар илм ўргатишда катта сабру тоқатли эдилар. Кечани чиройли суръатда ўтказувчи, кўп жим турувчи, кам гапирувчи, ҳатто ҳалол ёки ҳаром ҳақидаги масалада ҳам кам сўзли эдилар. У киши ҳақ нарсага далолат қилишни ҳам чиройли ҳолда адо этардилар».

Жаъфар ибн Робеъ айтадилар: «Мен Абу Ҳанифа билан беш йил бирга турдим. Мен у кишидек узоқ жим турадиган одамни кўрмадим. Агар фикҳдан бирор нарса сўралса, очилиб водийдек оқа бошлардилар».

Замондошларидан Абдуллоҳ ибн Муборак айтадилар: «Абу Ҳанифа илмнинг илиги эдилар».

Яна Аъмоли айтадилар: «Абу Ҳанифа ҳақиқий фақиҳдирлар».

У киши ҳақларида Муҳаддис ибн Журайж шундай дейдилар: «Тезда илмда унга ажойиб бир даража бўлади». Катта бўлганларида эса: «Албатта у фақиҳдир, албатта у фикҳдир», деганлар.

У киши ҳақларида баъзи замондошлари шундай дейишган: «Абу Ҳанифа ўзларидек ҳадисни яхши фаҳмлайдиган одамни билмаганлар. Чунки ҳукмдаги сабаб бўлувчи иллатларни лафз ва муносабатлар орасидан чиқарардилар. Сўздаги маънони гапнинг зоҳирига қараб айтмасдилар. Балки маъносини фаҳмлаб ва иллатни чиқариб ажратиб олардилар-да, ишларнинг муносабатига ва ҳолатларига боғлаб, кейин бино қилардилар. Демак, ўша бино қилган ҳукмлари аслий бўлиб, маънода ўхшашдир».

Абу Ҳанифанинг илмлари

1. У зотда аввалдан бор бўлган ва у киши касб қилган сифатлар.

2. У зот йўлиққан, у кишига таълим берган ва (тўғри) йўлга йўллаб қўйган устозлари, шайхлари ҳақида.

3. У зот ўзларига хос дарс олишлари ва тажрибалари.

Сифатлари – у киши ўз нафсларини тутиб турувчи, ҳис-туйғуларини устидан бошқарувчи, сокин, собитқадам, кучли сабр-бардошли, чидамли, тоқатли бўлганлар. Фикрлари нафсга эргашадиган нарсада чалғимас эди.

Фикрларида мустақил бўлиб, бошқаларнинг фикрига суянмас, озод фикрли киши эдилар. Фақат китобдаги нассга ё суннатга ёки саҳобаларнинг фатволарига бўйсунардилар. Аммо тобеъинларнинг сўзлари тўғри ёки хато эканига қарардилар, чунки тобеъиннинг фикрига тақлид қилиш (шаръий далил деб қараш) вожиб эмас. Ва уларга тақлид қилиш тақводорлар иши эмас.

Шунингдек, у зот Зайд ибн Али, Жаъфар Содиқ, Муҳаммад ал-Боқир, Абдуллоҳ ибн Ҳасан билан учрашганлар. У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларига катта қизиқиш билдирганлар, шу билан бирга улўғ саҳобаларнинг фикрларини уларга бўлган муҳаббат билан, улар олдига борадиган йўл машаққатларига чидаш билан ўрганганлар.

У кишининг фикрлари омма, халққа бўйсунмасдан эркин эди, (фикрлари) хос бир нарсада тўхтаб қолмасди. У кишининг бирор нарсани яхши кўришлари ва бирор нарсадан нафратланишлари фикрларига таъсир қилмаган.

Абу Ҳанифа чуқур фикрли киши бўлиб, аввал айтганимиздек, жонсараклик қилмасдилар.

У зотда тайёргарликсиз саволга жавоб қайтариш хусусияти бор эди. Маъно эса ўзи ёғилиб келаверар эди. Фикрларини одамлардан яширмасдилар. Модомики, ҳақ йўлда бўлсалар, тортишувда жим турмасдилар. Хусуматчиларнинг тилини тийиб қўйиш у зот учун энг енгил иш эди. Мунозаралари ҳақида китоблар тўлиб ётибди. Лайс ибн Саъддан ривоят қилинишича, у киши айтадилар: «Абу Ҳанифани кўришни орзу қилар эдим. Одамлар у зотга савол ёғдирар эди. Бир киши «Эй Абу

Ханифа», деб бир масала ҳақида сўради. Аллоҳга қасамки, жавобнинг тезлиги мени ажаблантирганидек, унинг тўғрилиги ҳам шундай ажаблантирди».

У киши ҳақни талаб қилишда жуда ихлосли эдилар. Ўз фикрларини бу мутлақ ҳақ, бунга шак йўқ, деб мажбурламасдилар, балки уни қабул қилинглари, дердилар. «Бу фикр бизнинг сўзимиздир, биз қодир бўлган энг афзалидир. Ким бизнинг сўзимиздан яхшироғини айтса, демак, у биздан кўра тўғри нарсага яқинроқдир», деб айтардилар.

Агар бир мунозара қилувчи киши саҳиҳ ҳадис зикр қилиб қолса, ҳақ талабида ўз фикрларидан қайтардилар. Саҳобанинг фатвосида ҳам шундай қилардилар.

У зот ўз фикрларида мутаассиб эмасдилар. Балки бошқаларнинг фикрига ҳам қалбларини очиб, ҳаққа бўлган ихлосларини намоён этардилар.

Абу Ҳанифанинг шахсий ва руҳий қувватлари бўлиб, бошқаларни ўзларига жалб қила билганлар. У кишининг кўп шогирдлари бўлган, уларга ўзларининг фикрларини мажбурлаб ўргатмаганлар, балки уларга дарс берганлар ва улардан катталарнинг фикрлари билан ҳам танишганлар. Шогирдлари билан худди ўз тенгдошлари билан мунозара қилгандек баҳслашардилар. Битта фикрда тўхтасалар, ҳамма унинг устида тўхтар эди. Баъзилар эса ўзининг фикрида давом этаверар эди.

Шайхлари ва устозлари – устозларининг ҳаммаси илмда бир йўналишда бўлмаган, улардан ҳадис илмини ва Қуръон фикҳини ўргатганлар бўлган. У кишига Қуръон тафсирини Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ўргатганлар. Шийъаларнинг баъзи фирқалари билан ҳамсуҳбат бўлганлар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам оилаларига нисбатан муҳаббатда улар билан тортишганлар. Улардан ижтиҳодда машҳур бўлган закий фикрли саҳобаларнинг фатвосини ўрганганлар. «Боғдод тарихи»да шундай келган: «Абу Ҳанифа бир куни Мансур (амир) ҳузурига кирдилар, унинг олдида Йсо ибн Мусо бор эди. У Мансурга: «Бугунги кунда бу киши дунёнинг олими (яъни, дунёда тенгсиз олим)», деди. Мансур: «Эй Нўъмон, илмни кимдан олдинг?» деб сўради. У киши: «Умар розийаллоҳу анҳу дўстлари орқали Умардан, Али розийаллоҳу анҳу дўстлари орқали Алидан, Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу дўстлари орқали Абдуллоҳдан, яъни Ибн Масъуддан. Ибн Аббос яшаган даврда у кишидан кўра илмли киши йўқ эди», деганларида, Мансур: «Ўзингни мустаҳкамлаб олибсан», деди».

Ҳақиқатдан ҳам Абу Ҳанифа ўзларининг замонларигача яшаб, узоқ умр кўрган саҳобалар билан учрашганлар. Лекин улардан бирор нарса ривоят қилмаганлар. Улардан Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу тўқсон учинчи ҳижрий йилда, Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розийаллоҳу анҳу саксон еттинчи ҳижрий йилда, Васида ибн ал-Асқоъ розийаллоҳу анҳу саксон бешинчи ҳижрий йилда вафот этганлар. Абу Туфайл Омир ибн Восила розийаллоҳу анҳу бир юз иккинчи ҳижрий йилда омонатни топширганлар.

«Абу Ҳанифа тобеъинлардан саналадими ёки йўқми?» деган саволга жавоб шуки, тобеъин бўлишлари шарт: киши бирон-бир саҳоба билан суҳбатлашмаган бўлса ҳам, учрашган бўлса, тобеъин бўлади. Агар саҳоба билан учрашибгина қолмасдан, балки у билан суҳбатлашиш ва ундан бирор илм ўрганиш лозим бўлса, у ҳолда тобеъинлардан саналмайди.

Лекин у киши баъзи тобеъинлар билан учрашганлари, улар билан бир мажлисда ўтирганлари, улардан ривоят айтганлари ва уларнинг фикҳларини ўрганганлари ҳақида уламолар иттифоқ қилишган. Улардан бири Шаъбий, у киши ҳадис айтиш билан машҳур бўлганлар. Улардан раъй (фикр) билан машҳур бўлганлари жуда кўпдир.

Абу Ҳанифа Ибн Аббоснинг илмларини кўтарувчи Икромдан, Ибн Умарнинг илмларини кўтарувчи Нофеъдан ва Макка фақиҳи Аъто ибн Абу Рабоҳдан илм олганлар. Нофеъ ҳижрий бир юз ўн тўртинчи йилда у кишини шайхлари Ҳаммодга ўқувчи қилиб қолдириб вафот этдилар.

Шайхлари Ҳаммод ибн Абу Сулаймон ал-Ашъарий фикҳни Иброҳим Нахайидан ўрганганлар. Ҳаммод одамларга у кишининг (Нахайининг) раъйларини ўргатардилар. Абу Ҳанифа Нахайи ва Шаъбийлар фикҳини Ҳаммоддан ўргандилар. Нахайи ва Шаъбийлар фикҳни Шурайҳдан, Алқама ибн Қайсдан, Масрук ибн Аждаъдан олишган.

Улар ҳаммаси эса фикҳни икки саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ва Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳудан ўрганган. Аҳли Кўфа шу икки саҳобанинг фикҳини кўп ўрганиш билан икковининг фикҳ илмига меросхўр бўлишди. Ҳатто Деҳлавий: «Ханафий фикҳининг кўмакчиси Иброҳим Нахайининг сўзларидир», деб айтдилар.

Аҳли ҳадис фикҳни Шаъбийдан ўрганган.

Аҳли раъй фикҳни Абу Ҳанифанинг шайхлари Ҳаммоддан, кироатлар, ақоид ва бошқа Қуръон илмларини олим Зайд ибн Алидан олишган. Яна Муҳаммад Боқир ибн Али, Жаъфари Содик ибн Муҳаммад Боқир, Абу Муҳаммад ан-Нафсуз Закийя, Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Ҳасан илмларини ўрганган. Улуғ фикҳни Ислом жамияти турли-туман баҳсли ҳолда ўрганди.

Хос дарслари – Абу Ҳанифа Байтуллоҳга кўп марта борганлар. Биринчи марта боришларида Аъто ибн Абу Рабоҳга учраганлар. У киши Абу Ҳанифадан: «Сен қаерликсан?» деб сўраганларида, Абу Ҳанифа: «Кўфа аҳлиданман», дедилар. Аъто у кишига: «Сен динларида тафриқа қилиб, гуруҳларга бўлиновчи шаҳар аҳлиданмисан?» дедилар. У киши: «Ҳа», дедилар. Аъто: «Сен қайси гуруҳдансан?» деб сўраганларида, Абу Ҳанифа: «Ўтган салафларни сўкмайдиган, тақдирга иймон келтирадиган ва бирор кишини қилган гуноҳи учун кофир санамайдиганларданман», дедилар. Аъто у кишига: «Тўғри йўлни танибсан, шуни ўзингга лозим тут», дедилар.

У зот ҳаж сафарларида Имом Молик олдиларига борадилар, у киши билан фикҳ ҳақида суҳбатлашадилар. Авзоий билан ҳам учрашиб, у киши билан ҳам суҳбатлашадилар. Сафарлари илмий сафар бўлиб, унда ваҳий тушган ерларни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яшаган жой ва рисолат маконларини ўрганганлар. Ҳадисларнинг маъноларини ва дақиқ хабарларни қамраб олардилар. У киши синчков, мужодала ва мунозарага қизиқувчан киши эдилар. Ривоят қилинишича, Абу Ҳанифа йигирма иккита фирқа билан Исломни мудофаа қилиб курашганлар. Шу мунозаралар Макка, Мадина ва Ҳижознинг бошқа жойларидаги сафарларида бўлган.

Абу Ҳанифанинг дарс беришлари ўқувчи-шогирдларига шунчаки дарсни айтиб кетиш бўлмаган, балки ўзлари учун ҳам дарс бўлган. Шогирдларига бир масалани ҳавола қилиб, унинг ҳукмида улар билан мужодала қилардилар, ўз раъй-фикрлари билан далил-исботлар келтирардилар, шогирдлари у кишидан қиёслашда адолат талаб қилардилар, ижтиҳодларида эса муҳолиф бўлишар эди. Баъзида овозларини кўтариб гапиришганидан шовқин-сурон бўлиб кетар эди.

Шогирдлар назарларини барча ноҳияларга қаратганларидан кейин (яъни, масалани ҳар томонлама ўрганиб олганларидан сўнг) дарс давомида келишилган фикрга барчалари иқдор ва рози бўлишарди. Мана шундай дарс бериш шогирдларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам савиясини оширади.

У зот шогирдларини фақат илмни қабул қилиб олувчи эмас, балки мунозара қилувчи этиб тайёрлардилар. Шогирдларига ўз молларидан бериб сийлар ҳамда тақдир зарбалари етганда ёрдамлашардилар. Агар (шогирдларидан) бирортасида илмига ғурурни ҳис қилаётганини билсалар, баъзи тажрибалари билан ундаги ғурурни кетказардилар, ҳатто ўша шогирдлари маърифатдан бўлган фазилатга ўзида эҳтиёж сеза бошларди. Масалан, Имом Абу Юсуфнинг газлама оқловчи ҳақидаги масаласида шундай бўлган. У зот шогирдларига насиҳат қилиш билан ғамхўрлик кўрсатардилар, хусусан, шаъни улуғ шогирдларига шундай қилардилар, бу худди Абу Юсуфга ва бошқаларга қилган тавсияларига ўхшашдир. Ўқувчиларидан ҳамфикр дўстлари бўлган, уларга бутун борлиқларини берганлар. Ҳатто у зот: «Сизлар қалбимдан жой олгансизлар ва хафалигимни кетказувчи ҳамдирсизлар», дердилар.

Абу Ҳанифа фикҳлари

Абу Ҳанифанинг фикҳ ҳақида китоблари бўлмаган, чунки у зотнинг замонларида китоб ёзиш ҳали унча оммалашмаган эди. Саҳобалар давридаги мужтаҳидлар диннинг асли (моҳияти) бўлган китоб (Қуръон) бир ўзи боқий қолиши учун ўз фатволарини китоб қилиб жамлашни ман этардилар.

Кейинчалик уламоларда суннатни, фатволарни ва фикҳни жамлаб китоб қилиш зарурати пайдо бўлган. Абу Ҳанифанинг шогирдлари у кишининг раъйлари, фикрларини девонларга жамлаганлар ва (китоб қилиб) ёзиб қўйганлар, кўпинча у киши аҳён-аҳёнда айтиб турганларида (ёзиб олишлар) бўлган.

Имом Муҳаммад шайхлари Абу Юсуфдан ва бошқалардан олиб ёзганлар. Баъзиларини Абу Ҳанифанинг ўзларидан эшитиб ёзиб олганлар. Ўша пайтда имом Муҳаммад ёшлари ҳали барча Абу Ҳанифадан эшитганларини ёзишга имкон бермас эди. Чунки Абу Ҳанифа вафот этганларида Муҳаммад ўн саккиз ёшда бўлганлар. Имом Муҳаммад ўз китобларини Абу Ҳанифанинг дўстлари (асҳоблари)нинг машҳур девонлар мажмуасидан олиб ёзганлар.

Абу Ҳанифа китоб ёзган ёки фикҳ девонини тузган, деганларнинг сўзлари шунга ишораки, шогирдлари у зотнинг назоратларида ва баъзи-баъзида у зотнинг текширувчилари остида сўзларини девон қилиб, китоб тузганлар. Дўстлари бобларга бўлиб, тартиб-низомли қилиб, аввал таҳорат, кейин намоз, кетидан бошқа ибодат аҳкомлари, сўнг муомала ва мерос ҳукмлари билан тугаган китоб нашр қилишган. Таҳорат, кейин намоз билан бошлашларининг сабаби шуки, эътиқоди тўғри бўлган мукаллафга биринчи намоз буюрилади, яна у намоз – ибодатларнинг хоси ва умумий вожиб (фарз) бўлган нарсадир.

Абу Ҳанифанинг «Муснад»лари

Имом Абу Юсуф Абу Ҳанифадан айтилган ривоятлардан катта қисмини жамладилар ва уни «Асар» деб номладилар. Имом Муҳаммад ҳам шулардан бир қанчасини жамлаб, уни ҳам «Асар» деб номладилар. Ибн Ҳажар Асқоланий «Таъжилил манфаъа» китобида шундай дейдилар: «Муснади Абу Ҳанифа» у кишининг китоблари эмас, Абу Ҳанифа йиғган мавжуд ҳадис китоби «Асар» китобидир. Уни Муҳаммад ибн Ҳасан ривоят қилиб жамлагандир, у кишининг китобларида ва ундан олдинги Абу Юсуфнинг китобларида Абу Ҳанифанинг сўз ва фикрлари мавжуд».

Ҳожи Халифа «Кашфуз Зунун» китобларида «Муснади Абу Ҳанифа»даги ривоят, ундаги ихтилоф ва тартибни зикр қилиб, бу ҳақда ўн бешта ривоятни келтирдилар. У ривоятларни жамлаб, улуғ ҳадис уламолари билан бирга зикр қилдилар. Бу нарса гапдаги (муснадни) у кишига нисбат беришликнинг саҳиҳлигини пастга урмайди. «Муснади Абу Ҳанифа»нинг сўзлари муснад ҳолида Абу Юсуфнинг «Асар»лари ва Муҳаммаднинг «Асар»ларидир.

Абу Ҳанифа наздларидаги фикҳий далиллар

«Боғдод тарихи» китобида Абу Ҳанифадан нақл қилинган ҳолда нимани далил қилганлари ёзилган: «Мен Аллоҳнинг китобидан далил оламан, агар топа олмасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларидан оламан, агар Аллоҳнинг китобидан ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларидан топа олмасам, у зотнинг саҳобалари сўзини оламан. Улардан хоҳлаганимнинг сўзини оламан, улардан хоҳлаганимнинг сўзини олмайман, лекин уларнинг сўзларидан бошқаларнинг сўзига ўтмайман. Агар иш Иброҳим, Шаъбий, Ибн Сирийн, Ҳасан, Ато, Саид ибн Мусаййаб ва бир неча кишиларга бориб тақалса, улар ҳам ижтиҳод қилардилар. Мен ҳам худди улардек ижтиҳод қиламан».

Маккийнинг «Маноқиб»ларида шундай келган: «Абу Ҳанифа носих ва мансухларни қаттиқ текширувчи эдилар, бир ҳадисга, агар у ҳадис у кишининг наздларида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ва саҳобалардан собит бўлган бўлса, ўшанга амал қилардилар. Аҳли Кўфадаги ҳадисларни билувчи эдилар. Шаҳарларидаги ҳадис(лардан олинган ҳукмларга) қаттиқ риоя қилардилар». У зот ҳақларида яна шундай келган: «Абу Ҳанифанинг ишлари каломни ишончлидан олиш, қабохатдан (ёлғон, ишончсиз)дан қочиш, одамларнинг муомалаларига ва қандай яшаётганларига қараш, уларнинг ишларини ислоҳ қилиш эди. Ишларни қиёсга қараб ўтардилар, агар қиёс тўғри келмаса, уларни истехсонга ўтқазардилар, модомики истехсон билан у ишларнинг ҳукмини айтиш мумкин бўлса, шунда турардилар. Агар у ҳам тўғри келмаса, мусулмонлар таомилида қилаётган нарсага (урфга) қайтардилар. Бу наслар (далиллар) мажмуаси Абу Ҳанифа ҳузурларида фикҳий далиллар мажмуасига далолат қилади.

У зотдаги биринчи далил Қуръондир, иккинчиси суннатдир, учинчиси саҳобалар ижмоъси, аммо саҳобалар бир нарсага ихтилоф қилишса, саҳобаларнинг сўзидан бошқаларнинг сўзига ўтмасдилар, балки ўзлари хоҳлаган саҳобанинг сўзларини олардилар ва у кишининг хоҳишлари ўз наздларидаги қиёслашларига боғланган ёки китоб ва суннатдан олинган (чиқарилган) ҳукмий нарсаларга кўпроқ мувофиқроғига тааллуқли эди.

Иккинчи насс – у кишининг шаҳрида одамлар эргашган нарсага агар шаҳардаги одамлар амал қилмаса, эргашмасдилар. Мана шу нарсага барча фуқаҳолар эргашмоғи лозим. Бундан фуқаҳолар ижмоъси билан олинадиган нассдангина истифода этилади, деган сўз чиқади.

Учинчи насс – бир нарсага бирор насс ҳам, саҳобанинг сўзи ҳам келмаган бўлса, агар имкони бўлса, қиёслаш билан (ҳукм) олардилар. Қиёслашнинг имкони бўлмай, истехсонга тўғри келса, истехсон билан (ҳукм) олардилар. Агар истехсонга ҳам тушмаса, унда одамларнинг таомилига, яъни урфга қараб ҳукм олардилар.

Имом Абу Ҳанифа фикрларича, фикҳий далиллар (ҳукм олинадиган манбалар) еттидир: Қуръон, суннат, саҳобалар сўзи, ижмоъ, қиёс, истехсон ва урф.

Биринчи далил – Қуръон.

Абу Ҳанифа Қуръон ва унинг маъноларининг ҳаммасини низом деб билганлар, худди иймондаги икки рукн – қалб билан тасдиқ қилиш ва тил билан иқрор бўлишга ўхшаш. Лекин араб тилини яхши билмай, тили унга айланмайдиган, у билан нутқда қийналадиган одамга то у одам араб тилини яхши билиб, уни (яъни, Қуръонни) осон ўқийдиган бўлгунча Қуръоннинг маъноларини ўқишга рухсат берганлар. Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад айтадилар: «Араб тилидан бошқа тилда Қуръонни қироат қилиш қабул қилинмайди, фақат араб тилини билишдан ожиз бўлганга мумкин».

Фахрул ислом Ал-Баздавий Нух ибн Абу Марямдан, у киши Абу Ҳанифадан ривоят қилишича, Абу Ҳанифа бу фикрларидан омманинг фикрларига қайтдилар. Бу қози Имом Абу Зайд ва барча муҳаққиқларнинг ихтиёр қилганидир, бунга фатво берилган.

Қуръони карим шариат учун манбаларнинг (юқори) мансаби(да)дир, суннат эса Қуръонни баён этишга эҳтиёж туғилганда баён этувчидир. Демак, суннат Қуръон учун баёндир, тақрир учун баёндир, тафсир учун баёндир ва табдил учун баёндир. Табдил – бу насхдир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ойни кўриб рўза тутинглар ва ойни кўриб оғиз очинглар», деб айтган сўzlари Қуръони каримнинг Бақара сураси 185-оятдаги «Рамазон ойидирки...» сўзига тақрирдир.

Қуръондаги намоз, закот, ҳаж баёни келган қисқа оятларни суннат тафсир қилиб баён этган. Чунки бир ишга ҳожат бўлган вақтдан ўша ишнинг баёнини кечиктириш, умумий нарсани хослаш ва амал қилиш вақтини кечиктириш жоиз эмас. Чунки умумий лафздан бўлган мурод лафзни умумдан хусусга нақл қилишдир, хусус бу қарийна (белги, аломат)дир, бас, у муттасил бўлиб, вақт ўтган бўлмаслиги шарт. Албатта умум ҳукмнинг вожиб бўлишида хусус кабидир. Агар хослаш кечикса, унда унга (умумга) амал қилиш вожибдир, шу юзасиданки, у хослашни насх қилган бўлади. Унда у табдил бўлиб қолади, тафсир эмас.

Табдили баён насхдир, агар насх қилувчи Қуръон ёки мутавотир суннат бўлса, у жоиз бўлади.

Иккинчи далил – суннат.

Суннат шаръий масдарлардан мартабада Қуръондан кейинги манбадир. Бу Муоз розийаллоҳу анҳу ҳақларидаги ҳадисдан маълумдир, яъни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишидан: «Нима билан ҳукм қиласан?» деб сўрадилар...». Ва Умарнинг қози Шурайхга ёзган мактубидан билинади. Имом Абу Ҳанифа суннатдан ҳукм олишга суянганлар. Ким у

кишини қиёсни оят ва ҳадисдан олдин қўяди, деб айбласа, ёлғон айтибди. У зот ўзларига қилинган айбни инкор қилиб: «Ким бизнинг номимиздан: «Албатта қиёсни оятдан илгари кўрамиз», деган бўлса, Аллоҳга қасамки, у ёлғон айтибди ва бизга тўхмат қилибди, насс (оят, ҳадис)дан кейин қиёсга эҳтиёж қоладими?!» деганлар. Балки у зот: «Фақат қаттиқ зарурат бўлгандагина қиёсга мурожаат қилинади. Биз аввал Аллоҳнинг китобини, кейин суннатни оламиз, сўнгра саҳобаларнинг фатволарини оламиз ва иттифоқ қилинган нарсага амал қиламиз, агар улар ихтилоф қилишган бўлса, икки масаланинг иллати бир бўлган икки масалани бирининг ҳукмини иккинчисига токи маъно очилгунича қиёс қиламиз».

Ҳадис уламолари ҳадисларни уларнинг ровийларининг сонига қараб уч қисмга бўлганлар: мутавотир ҳадислар, машҳур ҳадислар, оҳад ҳадислар. Мутавотир ҳадислар Абу Ҳанифа наздларида ҳужжатдир, у зот бирор ҳадиснинг мутавотирлигини билатуриб инкор қилганлари ҳеч кузатилмаган. (Мутавотир ҳадислар) ишончли илмни ифодалайди. Биринчи ё иккинчи табақадаги ровийлар сони оҳад бўлган (учтадан кам бўлган), ундан кейинги ровийлар сони кўп бўлган ва бу (ҳадисни) нақл қилган ровийлари ёлғонга нисбат берилган, деб қўрқилмайдиган қавм бўлса, у машҳур ҳадислар сирасига киради. Булар 2 ёки 3-асрда машҳур бўлишган. Мана шу яқиний илмни эмас, балки хотиржамлик илмини шарт қилади. У мутавотирдан пастроқ, оҳад ҳадисдан юқорида туради. Баъзилар: «У яқинни эмас, балки гумонни ифода қилади», деб айтишган.

Баъзилар эса: «Зарурий илмлар юзасидан эмас, балки далил келтириш юзасидан ишочни ифода қилади», дейишган.

Оҳад ҳадислар эса (ҳар авлодда) битта ёки иккита ровий ривоят қилган ҳадисдир. Унда машҳур ҳадиснинг сабаблари топилмайди. Оҳад ҳадисларни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламгача бориб етиши гумонли, эҳтимолли йўл биландир, яқиний илм йўли билан эмас. «Кашфул Асрор» китоби муаллифи Баздавий айтадилар: «Оҳад ҳадисларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга етиши суръат ва маъно жиҳатдан шубҳалидир. Унда суръатий шубҳанинг собитлиги шуки, унинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиши қатъий собит эмас. Ва унда маъно жиҳатидан шубҳанинг собитлиги шуки, уммат уни қабул қилмаган».

Ижтиҳод асрида ҳадислардан саҳиҳлари ғайрисаҳиҳлари билан аралашиб кетгани учун ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёлғон ҳадислар тўқувчилар кўплиги учун оҳад ҳадисларни ҳужжат қилишни инкор қилувчилар бор эди. Шунинг учун жумҳур фуқаҳоларнинг фикри оҳад ҳадисларни ишончли ва адолатли ровийдан бўлак (алоҳида) қабул этиш, ақидавий масалалардан бошқа нарсага ҳужжат қилиш эди. Чунки ақидавий масалаларда шубҳасиз бўлган яқиний далиллар асос бўлиши шарт.

Дарҳақиқат, Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳу таоло оҳад ҳадисларни фуқаҳолардан биринчи бўлиб қабул қилгандилар. Ўша оҳад ҳадис билан ҳужжат қилардилар ёки у тақозо этган фикрга мойил бўлардилар.

Абу Ҳанифа Умар розийаллоҳу анҳунинг қулнинг омонлиги ҳақидаги фатвоси етиб келганида ўз раъй (фикр)ларидан қайтганлар, у кишидан (Умардан) бу нарса оҳад йўл билан ривоят қилинган. Энди Набий алайҳиссаломдан худди шу тариқа йўл билан ривоят қилинган ҳадис қандай қилиб олинмайди? Абу Ҳанифа оҳад ҳадисларни қабул қилиб, уларни ривоят этардилар. Унинг нассини олиб, ҳукмлар иллатини иккинчи

масаладан чиқариб, модомики қиёс тўғри турган экан, (у ҳадисдаги ҳукми айтилган масалани ҳукми айтилмаган бошқа бир масалага) қиёс қилардилар.

Аммо тобеъин ёки табаъа тобеъин ривоят қилган мурсал ҳадисларни Абу Ҳанифа ўзлари билган ёки йўлидан таъсирланган одамлардан қабул этганлар. Улар Абу Ҳанифанинг наздларида шак-шубҳага борилмайдиган ишончли одамлардир. Масалан, Абу Ҳанифа устозларининг устози Иброҳим Наҳайининг йўналишларидан таъсирланиб, хоҳ фикрловчи муҳолиф бўлсин, хоҳ муҳолиф бўлсин, ривоят қилаверганлар. У зот икки ҳолда ҳам ривоятларига шак қилинмайдиган ишончлилар даражасида бўлганлар. Яна Ироқ воизи Ҳасан Басрий ҳам худди шундай ишончли бўлган. Абу Ҳанифа мана шундай кишиларнинг мурсал ҳадисларини қабул қилганлар. Шундай одамларнинг мурсалларини қабул қилиш мутлақ мурсални қабул қилишга далолат қилмайди. Одамларнинг орасида мурсални қабул қилиш у ёқда турсин, ундан фазилатлироқ бўлган муттасил ҳадисни ҳам қабул қилмайдиганлар бор.

Абу Ҳанифа яшаган асрда ҳадислардан мурсалларини қабул қилиш одатий иш эди. Чунки у зот йўлиққан тобеъинлар ёки уларнинг шогирдлари саҳоба исмига тақаб, аниқ қилиб айтарди. Бу ҳол агар улар бир неча саҳобалардан ҳадисни ривоят қилишса, шундай бўларди. Дарҳақиқат, Ҳасан Басрийдан ривоят қилишларича, у зот шундай деганлар: «Агар бир ҳадисга тўртта саҳобий жам бўлса, уни мурсал қиламан. Қачон сизларга менга фалончи бу ҳадисни айтди, десам, демак, у ҳадис ўша фалончиникидир, бошқаники эмас. Қачон сизларга Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, десам, демак, мен у ҳадисни етмишта ёки ундан кўп саҳобадан эшитган бўламан».

Мурсал ҳадислар тобеъинлар орасида Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёлғон, тўқима ҳадис пайдо бўлгунича кўп эди. Кейинчалик уламолар ҳадис санадидаги кишиларни зикр қилишга мажбур бўлишган.

Мана шулар Абу Ҳанифанинг суннатга бўлган қарашларидир. Қуръондан кейин суннатни фикҳларининг устуни қилганлар. Агар ишончли одамлар ривояти билан собит бўлган бўлса, унга юзланардилар. Ва уни қиёсдан олдинга қўйиб, унинг оҳадини Қуръоннинг умумий маъноларидан кейинги ўринга қўярдилар. Агар ривоятлар мусулмонлар ижмоъ қилган қоидалардан бирига зид келиб қолса, бу нарса биров нуқсонли бўлиб, шариатдаги қонунлардан узук-юлук бўлгани учун рад қилардилар. Ва шариатдаги иқдорлардан кам учрайдиганига қайтардилар. У зот билан бирга бу масала ҳақида Ҳижоз фақиҳларининг шайхи Имом Молик ҳамфикр эдилар. Сўнгра Абу Ҳанифа оҳад ва мурсал ҳадисларни ҳам, модомики улар Қуръонга, машҳур суннатга ёки шариат қонун-қоидаларига зид келмаса, қабул қилардилар.

Учинчи далил – саҳобаларнинг фатвоси.

Абу Ҳанифа саҳобаларнинг сўзини қабул қилиб, уларга эргашиш вожиб деб ҳисоблардилар. Агар саҳобалар бир мавзуда кўпфикрли бўлсалар, улардан хоҳлаганларининг сўзини олардилар-да, ундан бошқаларининг сўзига қарши чиқмасдилар. Агар саҳобаларда бирор нарса устида фикр бўлмаса, Абу Ҳанифа ўзлари ижтиҳод қилардилар. Тобеъинларнинг раъйига эргашмасдилар ҳам, тақлид қилмасдилар ҳам, балки саҳобаларга тақлид қилардилар. У киши Умар розийаллоҳу анҳунинг қулнинг омонликка ўтиши ҳақидаги фатволарини эшитиб, бу ҳақдаги

қиёсни тарк қилганлар. Баъзи мазҳабдан чиқувчилар: «У киши раъйни саҳобанинг сўзидан олдин қўяди. Баъзи фуруъларга суяниб, саҳобалар қилаётган фикрларида маъсум эмас. Уларнинг ижтиҳодларида хато бўлиш эҳтимоли бор», дейилган. Лекин саҳобанинг сўзидан нассни олиш талаб қилинган нарса. У зот буни очиқ-ойдин гапирганлар.

Тўртинчи далил – ижмоъ.

Ижмоъ – Ислом умматидаги мужтаҳидларнинг битта асрда яшаб туриб, бир ишнинг ҳукмига иттифоқ қилишларидир. Фахрул ислом Баздавий айтадилар: «Ижмоъда учта даража бор: 1. Улуғи – саҳобалар ижмоъси: мутавотир ҳадис ва қатъий далил. У қатъийликни вожиб қилади. Чунки саҳобалар (воқеага) гувоҳ бўлишган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўз кўзлари билан кўришган. 2. Саҳобалардан кейинги мужтаҳид бўлмаганларнинг ижмоъси: машҳур, тарқалган ҳадис каби. 3. Мужтаҳидлар ижмоъси: оҳад ҳадис каби фақат зонний (эҳтимолий) эътибор қилинади ва унда шубҳа бор. Агар шу ҳамма ижмоъларнинг хабари мутавотир йўли билан ривоят қилинса, унга юқоридагидек амал қилинади, агар ижмоъ хабари оҳад йўли билан ривоят қилинса, у яқинни вожиб қилмайди, ҳатто у саҳобаларнинг ижмоъси бўлса ҳам».

Ижмоъ қиёсдан олдинги ўринга қўйилади. Ким ижмоъни инкор қилса, у динини ботил қилибди. Чунки у усули диннинг ўзагидир. Ижмоъни ҳужжат деб қарор қилган уламолар шу билан бирга унга санад (ровийлар силсиласи) бўлишини ҳам шарт қилишган. У эса ижмоъга (даражасига) боис бўладиган сабабдир (ҳадис ёки қиёс экани). Ижмоъга йиғилишгандан кейин унинг санади ҳақида баҳслашилмайди, балки унинг лозим тутилишини ифода қилувчи ҳужжат деб эътибор қилинади. Бу лозим тутишлик оҳад ҳадис ёки қиёс бўлмайди, балки аслида ижмоъ бўлади, ана шунда қуйидаги ҳадис маъноси ўз аксини топади: «Умматим залолат устида жам бўлмайди». Ижмоънинг уламолар оммасининг наздидаги эътиборлиси шуки, ўша ижмоъ авом томонидан эмас, балки мужтаҳид уламолар томонидан бўлиши керак. У ижмоъ Аллоҳнинг китоби ва Расулининг суннатидан кейинги ҳужжатдир. У Аллоҳнинг китобига ҳамда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг машҳур ва тарқалган суннатларига зид келмайди.

Аксарият олимлар фикрича, ижмоъ зонний ҳужжатдир, у эътиқод масаласида эмас, амалий ишда (ҳужжат)дир. Фақат Имом Аҳмад фикрларича, саҳобалар ижмоъси қатъий ҳужжатдир.

Бешинчи далил – қиёс.

Имом Абу Ҳанифа кўпинча мурожаат қилган нарса – қиёсдир. Бу қиёс ҳукмига насс келмаган ишнинг ҳукмини китоб ё суннат ёки ижмоъдан маълум бўлган ишнинг ҳукми билан икки ҳукмнинг иллати бир бўлгани ҳолда баён қилишдир. Имоми Аъзамнинг ҳадисларни тушунишдаги йўллари сўзнинг кўриниши далолат қиладиган зоҳирий тафсир билан кифояланиш эмас, балки ибора ифода этган ё ишора хабар берган ёки лафзнинг тақозоси далолат этиб, шаърий бўлишга сабаб бўлган ҳадисларни ўрганиш каби нарсалар у зот қиёсни кўп ишлатишларига ундаган.

Дарҳақиқат, (ўша вақтларда) Ироқда ҳадис кам бўлган. Саҳобаларнинг фақиҳлари раъйга кўп эътибор беришганини нисбат беришган. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ёлғон айтишдан кўра раъй (билан ҳукм қилиш)ни ўзларига яхшироқ деб ҳисоблашган. Кўфа шаҳри мадрасасининг шайхи Иброҳим Нахайй: «Саҳоба ёки тобеъин айтди,

дейилиши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар, деб, у зот айтмаган нарсани ёлғон нисбат бериб айтишдан кўра яхшироқдир», деб айтишни афзал билардилар.

Мана шу сабабдан Абу Ханифа қиёсдан кўп фойдаланардилар. Ўзлари билган ҳадислар ва Қуръондаги насслардан ҳукмлар учун бўлган иллатларнинг ҳаммасини истинбот қилиб чиқариб олиб, фаърларга (қисмларга) ажратардилар. Бу иллатларни қоидалар деб эътибор қилиб, насс ворид бўлмаган муаммоларда тақдим қилардилар. Агар у кишининг ҳузурларидаги қиёсга собит бўлган ҳадислардан бирортаси мувофиқ келса, у ҳукмининг қувватини ўша ҳадис билан зиёдалаштирардилар. Агар ҳадис қиёсларига хилоф келиб, ўша ҳадис ровийлари саҳиҳ ривоят шартларига мувофиқ келса, ўша ҳадисни олиб, қиёсни келтирмасдилар. Масалан, Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эсидан чиқиб еб қўйса ёки ичиб қўйса, рўзасини давом эттираверди, чунки бу Аллоҳ унга берган ризқдир», дедилар. У зот қоидаларига хилоф бўлса ҳам, ҳадисни олдилар. Қоидалари бўйича, оғиз очилишининг асоси еган нарса қоринга етиб бориши ёки жимоъ қилиб қўйган бўлиши керак. Бунда қиёснинг иллатини умумий қоида бўйича унутиб, еб-ичганидан ташқаридаги нарсаларда ҳам ишлатилади. Лекин шартлари бўлса ҳам, уни хато нарсага қиёс қилмадилар. Чунки бунда қасд шартлари мужассам бўлмаган. Бу ерда унутиш ҳукми қиёс тақозо этган нарсадан четга чиқиб, нассининг ўзи билан кифояланиб қолаверган.

Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳ айтишларича, иллатли диний насслар фақат шаръий ибодат ёки четлаштирилган ёхуд Набий алайҳиссалом хусусиятларидаги нарсаларда бўлади. Унинг ҳукмини мўминларнинг барчаси ҳам қамраб олавермайди. Иллат деб иллат эканига далил топилган муайян сифатга айтилади.

Олтинчи далил – истехсон.

Истехсон – бу мужтаҳиднинг бир масаладаги ҳукми унга ўхшаш бошқа бир масалада кучли кўринишдаги ҳукмга ўгиришдир. У икки қисмдир: биринчиси – қиёсий истехсон; бир масалада икки сифатни тақозо этадиган икки равшан қиёс бўлишидир. Бири зоҳир истилоҳий қиёс, иккинчиси эса махфий сифат бўлиб, у бошқа бир аслий нарсага эргаштириб юборилади. Мана шу истехсон деб номланади. Фақиҳ ҳукмини кўриб чиқаётган масалада истилоҳий қиёс ва махфий қиёсни бир-бирига мувофиқ эканини кўради. Лекин улардан бири зоҳир – бу масалага ўхшашига амал қилади. Иккинчиси эса махфий – унга ўхшашига амал қилмайди.

Истехсон – бу қиёсни тарк қилиш ва одамлар мувофиқ бўладиган нарсани олишдир. Яна ҳам аниқроқ айтсак, оғирликни ташлаб, енгилликни олиш ва бу диндаги асл нарсадир. Аллоҳ таоло марҳамат қиладики: «Аллоҳ сизларга енгилликни истайди ва сизларга оғир бўлишини истамайди» (Бақара сураси, 185-оят). Истехсонга мисол: ваҳший қушларнинг олдидан қолган қолдиқ гўшт нажас бўлган ҳайвонлар қолдигига ўхшатилади. Ва бу нарса қиёсни вожиб қилади. Лекин истехсон эса бошқа бир махфий қиёсга йўналади, у ҳам бўлса, ваҳший қушларнинг олдидан қолган қолдиғи нажас эмас, чунки улар сувни тумшуклари билан ичадилар, сўлаклари эса бу ҳолда сувга аралашмайди. Эҳтиётга кўра, уни истеъмол қилиш макруҳ, дейишган.

Иккинчи қисм – суннат истехсони, ижмоъ истехсони ва зарурат истехсони. Шаръий манбалар учун қиёс зид келганида ёки Ислом риоя қилишни вожиб этган ишларда у сабаб бўлади. Суннат билан собит бўлиб, қиёсни рад этишни вожиб қиладиган нарса суннат истехсони деб аталади. Унутган ҳолда еб-ичиб қўйса, рўзаси саҳиҳ бўлиши ҳақидаги ҳадис бунга далил бўлади.

Ижмоъ истехсони мусулмонлар йиғилиб, буюртма ишлари битимига ижмоъ қилишидир. Чунки қиёс бу нарса ботил эканини шарт қилган. Сабаб – бу ерда битим қилинаётганда битим ўрни йўқ. Лекин барча замонларда унга амал қилиб келиниб, у дуруст дейилган. Мана шу нарса қиёсни тарк этиб, ижмоъ қилинган нарсадир.

Зарурат истехсонига мисол: ҳовуз ва қудуқларни поклаб тозалаш, ҳовуздаги ёки қудуқдаги сувни тозалаш учун (ҳаммасини) тўкиб ташлаш имконияти йўқ ёки қудуқдаги нажас аралашишидан нажасланган, қайнаб чиқаётган сувнинг барини олиб ташлаб бўлмайди. Шунинг учун қиёсни тарк қилиб, эҳтиёж-зарурат юзасидан истехсонга биноан амал қилинган. Одамларга енгил бўлиши учун бир неча челақ миқдорда сув олиб ташлашга қарор қилинган.

Еттинчи далил – урф.

Урф шаръий далил бўлмагандаги далилдир. Қуръонда ҳам, суннатда ҳам (далил) топилмагандаги далилдир. Агар урф Қуръон ва суннатга хилоф келса, уни рад этиб амал қилинмайди. Чунки нассни амалдан қолдириш ҳисобланади. Урфи омм (умумий урф) барча шаҳарларда бўлади. Урфдан мақсад ҳам шудир. Аммо урфи хос эса бир юртнинг урфидир ё тижоратчиларнинг урфи ёки деҳқонларнинг урфидир. Урф хос бўладими ёки омм (умумий) бўладими, у нассининг олдида туриб амалдан қолдира олмайди. Урфи омм баъзи зонний омм асарларни хослайди. Чунки унинг баъзи кўринишлари урфи оммга тескаридир. Урфи оммга барча Ислом мамлакатларидаги мусулмонлар мувофиқ келишади.

Урфи хос эса агар бирор масалага ундан бошқа далил бўлмаса, у олинади.

Абу Юсуф

У зот Яъқуб ибн Иброҳим ибн Ҳабибул Ансорийдирлар. Насаблари араб, бир юз ўн учинчи ҳижрий йилда туғилганлар ва бир юз саксон иккинчи ҳижрий йилда вафот этганлар. Ёшлиқда камбағал оилада ўсганлар, Кўфадаги Ибн Абу Лайлодан дарс ўрганганлар. Кейин Абу Ҳанифадан дарс олдилар. У киши муҳаддислар билан бирга аралашиб, улардан ҳадис эшитардилар. Уч халифа Маҳдий, Ҳодий ва Рашидлар даврида қози вазифасида ишладилар. У зот ўз раъйларини ҳадислар билан кучлантирувчи аввалги фақиҳлардан бўлиб, Абу Ҳанифанинг асҳоблари ичидаги энг кўп ҳадис ёд олувчилардан эдилар. Фикҳ илми Абу Юсуфнинг масалаларнинг ҳукмларидаги тажрибаларидан фойдаланди. У кишининг қиёси ва истехсони амалий ҳаётдан келиб чиққан. Абу Юсуфнинг кўп китоблари бор, уларда ўз фикрлари ва устозлари Абу Ҳанифанинг фикрларини ёзиб қолдирганлар. Улардан «Осор» китоби, «Хирож» китоби, «Ихтилофи Ибн Абу Лайло» ва бошқа китоблари бор.

Дўстлари Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний

У зот бир юз ўттиз иккинчи ҳижрий йилда туғилиб, бир юз саксон тўққизинчи ҳижрий йилда вафот этганлар. Имом Муҳаммад Абу Ҳанифа билан бирга кўп бўлмаганлар, Абу Ҳанифанинг фикҳларини Абу Юсуф, Саврий Авзоъийдан ўрганганлар. Ироқликлардан раъйни ва билимларни ўрганиб, халифа Рашиднинг қозиси бўлганларидан сўнг имом Молик ҳузурларига бордилар. Бу зот устозлари Абу Юсуфдек қозиларнинг қозиси бўлмасалар ҳам, араб тили ҳамда адабиёти ҳақида чуқур билимга эга эдилар. У зотнинг атрофига жуда кўплаб одамлар (дарс эшитиш учун) йиғилар эди. Бунда Абу Юсуфдан бошқа бирор киши ўзиб кета олмас эди. Устозлари Абу Юсуфдан ташқари барча йиғилар эди. У киши Ироқ фикҳини Абу Юсуфдан мукамал ўргандилар, Ҳижоз фикҳини Ал-Авзоъийдан ўргандилар. Ироқ фикҳи билан Ҳижоз фикҳининг орасини жамладилар.

Имом Муҳаммаднинг китоблари биринчи манба эди. Хоҳ у «Жомеъус сағир» китобига ўхшаш Абу Юсуф ривоятлари бўлсин, хоҳ Ироқ аҳлидан олган ёки Абу Юсуфдан эшитган фикҳлари бўлсин, барчаси биринчи манба саналарди. Ибн Нажим «Баҳрур роиқ»да шундай дейдилар: «Муҳаммад ибн Ҳасаннинг барча таълифлари (ёзган китоблари) «Жомеъус сағир»да сифатланган, у икки шайхнинг Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг иттифоқ қилган масалаларидир».

«Жомеъул Кабир» «Жомеъус сағир»нинг хилофи ўлароқ, Абу Юсуф билан иттифоқ қилишмаган.

У зот китобларини уламолар ишончилиги юзасидан икки қисмга ажратганлар:

1. Зоҳирий ривоят китоблари, у ишончли одамлар ривояти билан имом Муҳаммаддан собит бўлган, у ё мутавотир, ё машҳур ҳадис бўлар эди. «Мабсут», «Зиёdot», «Жомеъус сағир», «Сайрус сағир», «Сайрул Кабир» ва «Жомеъул Кабир» шулар жумласидандир. Ва улар усул деб номлагандир, унга «Ал-Осор» ва «Ҳужжат» китоби қўшилиб келган. Булар ҳанафий мазҳабининг фикҳидаги нақлнинг таянчидир.

2. Ғайри зоҳирий ривоят китоблари. Чунки улар имом Муҳаммаддан ривоятларнинг зоҳири ва собити билан ривоят қилинмаган. Ва улар Абу Юсуфнинг имлолари (айтиб туришлари) билан бўлган. Ҳасан ибн Зиёд ва бошқаларнинг китоблари наводир деб номланган. Ҳанафия мазҳабидаги китоблар усул, наводир, фатво ва воқеалардир. Усул мазҳабнинг аслидир, чунки у санад жиҳатидан кучлидир. Агар наводир у билан зид келса, усул ривояти билан ҳукм қиламиз.

Фатволар ва воқеалар наводир эмас, чунки усул ва наводир мазҳаб аҳлининг сўзларидир, агар у икковидаги ривоят тафовут қилса ҳам.

Мана булар мазҳаб имомлари Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад раҳимаҳуллоҳларнинг кўпи зикр этилмаган қисқа таржимаи ҳоллари, ҳанафия мазҳаби ва унинг манбаларидир. Мен уни Шайх Муҳаммад Абу Зухранинг «Абу Ҳанифа» деб номланган китобларидан олдим ва буни китобхонга тақдим қилдим, токи ўқувчи булар ҳақида билиб, мазҳаб соҳиби Абу Ҳанифа ва у кишининг икки соҳиблари, имом Молик ибн Анас, имом Муҳаммад ибн Идрис, имом Аҳмад ибн Ханбал ва улардан бошқа тўғри йўлга йўлловчи имомларга ўхшаш кишилар билан Аллоҳ бу динга файз берганини билишсин. Аллоҳ таоло уларга Ислому фазлидан энг яхши мукофотларни ато қилсин!

Бу китобга «Ихтиёр» китобини асос қилдим ва ундаги ҳадисларни таҳриж қилдим ёки суннат китобларидан унга мувофиқ келадиган нассларни зиёда қилдим. Агар бажарган нарсаларим тўғри бўлса, у Аллоҳ таолодан, агар қилган нарсаларимда хато бўлса, у ўз нафсимдандир ва мен у хатоларимдан Аллоҳга тавба қиламан ва Ундан мағфират сўрайман. Бу қилган амалимдан, Аллоҳ хоҳласа, фақат яхшилиқни ирода қилдим. Шайхи улуғ бўлган Роббимдан бошлаган нарсамни мукамал тугатишимга муваффақ этишини умид қилиб сўрайман. «Ихтиёр» китобини танлаганимнинг сабаби мен фикҳдаги ибодат аҳкомларини устозим шайх Иброҳим Яъқубийда мазкур китобдан ўқиганман. Устозим ҳанафий фикҳини шайх Абдул Мажид ат-Таробишидан ўрганганлар, у киши эса шайх Атоуллоҳ ал-Кисамдан ўрганганлар. У киши фикҳни «Лубоб»нинг соҳиби Абдул Ғоний ал-Ғонимий ал-Мийдонийда ўқиганлар, у киши эса Саййид Муҳаммад Амин Абидийн, «Хошиятун шаҳийро» соҳибларида ўқиганлар, сўнг бу санад то имом Муҳаммадгача собит бўлган, кейин Абу Юсуф, кейин Абу Ҳанифа. Аллоҳ уларнинг барчасини ўз раҳматига олсин.

Шунингдек, мен Мароқил Фалаҳнинг китобига ёзилган «Шарҳи Таҳтовий»ни у китобни жамлаган устозим шайх Абдул Ваҳҳоб ҳузурларида ўқидим, у китоб фикҳдаги ибодат аҳкомлари ҳақида эди. Устозим ҳанафий фикҳини Шомнинг муфтийси шайх Атоуллоҳ ал-Кисамда ўқигандилар. У зот шайх Абдул Ғоний ал-Ғонимий ал-Мийдонийдан, у киши Саййид Муҳаммад Амин Абидийн, «Ал-Хошия» соҳибидан фикҳни ўрганишган.

Шунингдек, мен фикҳдаги ибодат масалаларини «Ҳидоятун Алаийя» ва «Таҳтовий шарҳи»дан устозим шайх Саъид ал-Бурҳонийда ўқидим. У киши ҳанафий фикҳини Шом муфтийси шайх Атоуллоҳ ал-Кисамда ўқигандилар. У зот шайх Абдул Ғоний ал-Ғонимий ал-Мийдонийдан, у киши Саййид Муҳаммад Амин Абидийн, «Ал-Хошия» соҳибидан фикҳни ўрганишган.

Дарсимиз шайхларнинг уйларида, Тавба масжидида, Дарवेशия масжидида бўлар эди. Бу улуғ имомларнинг ҳаётда бўлишлари кўплаб илм олишга чорлаб, Аллоҳ кўп фазлини менга насиб этди. Чунки улар Аллоҳ илм юқтиргандан ташқари тарбиячи устоз ҳам эдилар.

Ҳурматли ўқувчи учун мен «Ханафий мазҳабидаги фикҳ ва унинг далиллари» деган китобни тақдим қилар эканман, Аллоҳ таолодан уни Ўзи учун холис қилишини сўрайман, албатта У сўрагувчиларнинг энг яхшиси бўлган Зотдир.

*Шарафли илмнинг ходими
Асъад Муҳаммад Саъид ас-Соғуржий*

Таҳорат китоби

Таърифи – «китоб» сўзи луғатда жам қилишдир, «китобат» сўзи эса ҳарфларни бир-бирига жам қилишдир. Таҳорат китоби – таҳорат масалалари тўплами деганидир. «Таҳорат» сўзи луғатда поклик ва унинг акси ифлосликдир.

Таҳорат шариатда махсус аъзоларни ювишдир. Унинг акси ҳадасдир (таҳоратсизлик, нопоклик). Шариатда яна таҳорат таҳоратсизликни

кетказиш ёки кийим ва бадандан нажосатни кетказишдир. Ҳатто терини ошлаш ва таяммум ҳам таҳоратдир.

Таҳорат деб яна поклаш вожиб бўлган ёки мандуб бўлган ўринга покловчи нарсани етказишга ҳам айтилади.

Пок қилувчи нарса бу – сувдир, сув йўқлигида тупроқдир.

Таҳорат икки қисмдир: а) ҳақиқий – сув билан таҳорат қилиш; б) ҳукмий – таяммум.

Сув билан таҳорат қилиш ҳам икки қисмдир: 1) енгил – оддий таҳорат; 2) оғир – жанобат, ҳайз ва нифосдан сўнг қилинадиган ғул.

Таҳоратни фарз қилувчи сабаблар

Таҳорати йўқ одам намоз ўқишни хоҳласа, (аввал таҳорат олиши шарт -ҚЎШДИМ), таҳоратнинг бўлиши сабаби қуйидаги оятда собит бўлган: «Эй мўминлар, намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиғаноқларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз (яъни, нам қўлларингиз билан силангиз) ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз. Агар жунуб бўлсаларингиз, чўмилингиз» (Моида сураси, 6-оят). Оятдаги ҳукм таҳоратсиз кишиларга айтилган.

Ва оятда таҳорат ҳақида «Агар намозга турсангизлар», дейилган, яъни **وَإِنْ كُنْتُمْ** ва жунублик тўғрисида «Агарда жунуб бўлсангизлар», дейилган, **إِذَا** «агар» лафзи араб тилида юз бериши мумкин, кутилган, маҳалмас (маҳолмас) нарсага айтилади.

إِنْ «агар» лафзи эса баъзида бўлиб, баъзида бўлмайдиган ишга айтилади. Намозга туришлик – бу лозим бўлган нарсадир. Жанобатлик эса лозим бўлмаган нарса. Чунки жунублик гоҳида бўлади, гоҳида бўлмайди.

Бу оятнинг ҳукмига кўра, таҳоратнинг фарзи юзни ювиш, икки қўлни тирсагигача ювиш, бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш ва икки оёқни тўпиқлари билан бирга ювишликдир.

«Фарз» сўзи луғатда ўлчамок, аниқламоқдир.

Шариатда эса шубҳа бўлмаган, қатъий далил билан собит бўлган нарсага айтилади, ғул ва таҳоратда аъзоларига масҳ тортгандаги каби. Бу илмий ва амалий фарз бўлиб, фарзи қатъий, деб номланади.

Яна илмий бўлмаган амалий фарзлар бор, улар фарзи ижтиҳодий, деб номланади. Масалан, таҳоратда бошнинг пешона миқдорига масҳ тортишлик.

Қатъий далил билан собит бўлган фарзни инкор қилган одам кофир бўлади, ижтиҳодий далил билан собит бўлган фарзни инкор қилган эса кофир бўлмайди.

Ювишлик – бу (сув) оқизишликдир. Сув оқизишликнинг энг кам миқдори, Имом Абу Ҳанифа ва Муҳаммад фикрларича, (тананинг ювилган қисмидан) бир томчи бўлса ҳам, сув оқиб тушишидир. «Файзул Қодийр» китобида келтиришича, икки томчи сув оқиб тушишидир. Юзнинг чегараси узунасига пешона сатҳидан бошлаб, жағнинг остки қисмигача, энига қулоқ юмшоғидан нариги қулоқ юмшоғигача. Абу Ҳанифа ва имом Муҳаммад фикрларига кўра, қулоқ билан мунж орасининг ўртасидаги оқ жойни ювиш вожибдир. Чунки ўша жой ҳам юз қисмидандир. Таҳорат қилувчи юзини юганда қошлари орасига сув кирмаса ҳам, таҳорати жоиздир. Икки кўзининг ичини ювиш машаққат ва зарар етиши хавфи бўлгани учун соқит

этилган. Кўзнинг бурун тарафдаги ички бурчагига ва қулоқ тарафдаги бурчагига сув етказиш вожибдир.

Икки қўлни тирсаклари билан ҳамда икки оёқни тўпиқлари билан бирга ювиш фарздир. Оятдаги тирсак мирфоқ ёки марфиқ бўлиб келган, мирфақ қўлнинг тирсаккача бўлган қисмидир, оёқнинг тўпиғи бу болдир суяги билан бирлашиб кетган, туртиб чиққан суяқдир.

Тирсак ҳам, оёқнинг тўпиғи ҳам фарзлигига биноан тирсак ва тўпиқ қўл ва оёқни ювиш сирасига киради.

Имом Зуфар бунга хилоф қилиб: «Чегара чегараланган жойга кирмайди, рўзадаги кечага ўхшаш», дейдилар. Имом Абу Ҳанифа, Муҳаммад, Абу Юсуф фикрлари эса қуйидагича: тирсак ва тўпиқлар орқа тарафни соқит қилиш учун чегарадир. Агар улар зикр қилинмаганида эди, қўлнинг ҳаммасини то елкагача ва оёқнинг ҳаммасини юқорисигача ювиш лозим бўларди.

«Рўза»да эса рўза ҳукмини кечагача, яъни кун ботгунча чўзишлик ирода қилинган. Чунки араб тилида савм (рўза) сўзи бир соат бўлса ҳам, оч ўтиришга ишлатилади.

Қўлни ювишда бармоқлардан бошлаб тирсаккача, оёқники ошиқгачадир. Агар бунинг аксини қилса ҳам жоиз. Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Маккадан Мадинага қайтаётган эдик. Йўл бўйидаги сувга етганимизда одамлар аср намозга шошиб қолишди ва шошиб-пишиб таҳорат қила бошлашди. Биз ҳам одамлар олдига бориб таҳорат қилиб тугатдик. Баъзиларнинг оёқлари орқа қисмига сув тегмагани сезилиб турарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(Сув тегмай қолган) оёқ ошиғига дўзахдан олов тегиб, аҳволи вой бўлсин, таҳоратни мукамал қилинглар», дедилар»¹. Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир сафарда кетаётганимизда биздан анча орқада қолиб кетдилар. Аср намози бизни ташвишга солиб турганида у зот билан топишдик. Биз таҳорат қилдик ва оёқларимизга масҳ тортдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баланд овоз билан бизга: «Оловда куядиган оёққа вой бўлсин», дея уч марта айтдилар»².

Бошга пешона миқдорича масҳ тортиш фарздир. У бошнинг тўртдан бир қисмидир. Бош ўзи тўрт бўлакдир: пешона, энса ва икки чакка.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларида қитрий салла ўраган ҳолда таҳорат қилаётганларини кўрдим, у киши қўлларини салла остига текиб бошларининг олди қисмига масҳ тортдилар ва шу ҳолатда бошларидаги салла бузилмади»³. Ҳадисдаги «бошларининг олдинги қисми» дегани Муслим ривоят қилганларидек, пешона деб тафсир қилинади. Саҳобаларимиз учта бармоқни ишлатиб бошга масҳ тортишни белгилашган. Чунки учта бармоқ масҳ тортиш учун ишлатиладиган асбобдир, бу Муҳаммад ривоятларидир. Лекин олдинги ривоят аълороқдир.

¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 214-бет.

² «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 51-бет.

³ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 37-бет.

Имом Шофеъий бошга уч тола соч миқдорича масҳ тортишликни белгиллаганлар. Имом Молик эса бошнинг ҳаммасига масҳ тортишни буюрганлар. Аллоҳ уларнинг ҳаммасини Ўз раҳматига олсин.

Таҳорат суннатлари

«Суннат» сўзи луғатда йўл, йўналиш маъносини билдиради, у йўналиш хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин, фарқи йўқ. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида: «Ким Ислом динида бирор яхши йўналиш очса, унга йўл очганлик учун савоб бўлади ва унга эргашган одамларнинг ҳам савоби унга бўлади, бу билан эргашганларнинг савобидан ҳеч нарса камайиб қолмайди. Ким Ислом динида бирор ёмон йўналиш очса, унга шу йўлни очганлик учун гуноҳ бўлади ва эргашган одамларнинг ҳам гуноҳи унга бўлади. Бу билан эргашганларнинг савобидан ҳеч нарса камайиб қолмайди»⁴, дейилади.

Суннат сўзи шариатда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам доимий қилиб юрган, саҳобаларнинг бири гоҳида тарк қилиб, бажариб юрган амалга айтилади. Суннат сўз ва амални ўз ичига олади. Инсон суннатни бажариш билан савоб олади ва уни тарк қилиш билан маломатга қолади. Суннат икки қисмдир: суннати ҳуда ва суннати завоид. Суннати ҳуда намозни жамоат билан ўқиш ва азон айтиш каби. Суннати завоид эса фарз намозларига қўшиб ўқиладиган суннат намозлари каби.

Булардан келиб чиқадики, баъзи бир суннатни тарк қилувчи инсон фосиқ бўлади, уни инкор қилувчи эса бидъатчи бўлади. Ва яна баъзи суннатни тарк қилувчи инсон фосиқ бўлмайди ва уни инкор қилувчи бидъатчи бўлмайди. Суннати завоидни нафл, деб ҳам атаймиз.

Истинжо

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам халогa (ҳожатга) кирмоқчи бўлсалар, «Эй Аллоҳ, мен Сендан эркак ва урғочи шайтонлардан паноҳ тилайман», дер эдилар⁵.

Истинжо – бу инсоннинг олди ва орқа аъзосидаги қолиб кетган нажосатни сув билан ювиш ёки тош, кесак ва шунга ўхшаш нарсаларни икки чиқиш йўлига тутиб нажосатни артиш.

Истинжо таъкидланган суннатдир (суннати муаккада), чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким орқа аъзосини кесак билан тозаласа, тоқ бажарсин, ким шу ишни қилса, жуда яхши қилибди ва ким қилмаса, унга ножўялик йўқдир»⁶, дедилар.

Эркак киши қалби таскин топгунича сийдик йўлида қолиб кетган сийдикни чиқариб ташлаши лозим.

Аёл кишида истиброга эҳтиёж йўқдир, фақат озгина ўтириб, сўнг истинжо қилади. Эркак киши ўзининг одатига кўра, ё ҳожатхона ичида қаттиқ қадам ташлаб юради ёки бармоқларини аъзосининг устидан юргизади (сийдик чиқариб ташлаш учун) ёхуд қаттиқ йўталади. Таҳорат қилувчи киши сийдикдан пок бўлмагунича таҳорат олиши дуруст эмас.

⁴ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 705-бет.

⁵ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 48-бет.

⁶ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 104-бет.

Истибронинг ҳукми фарздир. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда бу ҳақда шундай дейилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка ёки Мадинадаги деворларнинг бири олдидан ўтаётиб, икки кишининг қабрда азобланаётганини эшитиб қолдилар. У зот алайҳиссалом: «Иккови қабрда азобланыпти, лекин катта гуноҳлари учун эмас», деб, сўнгра: «Улардан бири ҳаётлик даврида сийдигидан сақланмаган эди. Иккинчи эса чақимчилик қилиб юрар эди», дедилар. Кейин хурмо дарахтининг шохини олдилар-да, иккига бўлиб, ҳар бирини қабр устига суқиб қўйдилар. У зотдан: «Эй Аллоҳнинг расули, нима учун бундай қилдингиз?» деб сўрашганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шоядки, шохлар қуригунча икковининг азоби енгиллашиб турса», дедилар»⁷.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам истинжо қилишда давомли бўлиб, унга саҳобаларни ҳам чақирганлар ва: «Кимки олди-орқасини кесак билан тозаласа, тоқ ҳолда бажарсин», деганлар⁸.

Ўнг қўл билан истинжо қилиш макруҳ, лекин чап қўл йўқ бўлса ёки чап қўлни ишлатишга ожиз бўлса, ўнг қўли билан истинжо қилиш мумкин бўлади. Абу Қатода бу ҳақда қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам киши ўз закарини ўнг қўл билан ушлашини ман этдилар»⁹.

Истинжод – сувнинг ўрнини босадиган (кесак ва шунга ўхшаш нарсалар билан) артишлик. Сув ишлатганда эса сувнинг ўзи билан кифояланилади. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай марҳамат қилганлар: «Агар сизлардан бирортангиз ҳожатхонага борадиган бўлса, ўзи билан тозаланиш учун учта тош (кесак) олсин, албатта бу тошлар унга тозаланишга етади»¹⁰.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатга борсалар, мен ва ансорлардан бир бола у кишига идишда сув олиб борардик, у зот шу сув билан истинжо қилардилар»¹¹.

Истинжонинг афзали артиш ва сув билан ювишни жам қилишдир. Ансорийлардан бўлмиш Абу Айюб, Анас ибн Молик ва Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳумлар шундай ривоят қилишади: «Унда пок бўлишликни севадиган кишилар бордир. Аллоҳ эса ўзларини мудом пок тутувчи зотларни севар» (Тавба сураси, 108-оят) ояти нозил бўлганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй ансор жамоаси, Аллоҳ сизларни покликда мақтади. Сизларнинг бу тозалигингиз қайсидир?» деб сўрадилар. Улар: «Эй Расулulloҳ, намозга таҳорат қиламиз, жанобатдан ғусл қиламиз», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шулар билан бирга яна нима қиласизлар?» дедилар. Улар: «Орамиздан бирортамиз ҳожатга борган вақтда сув билан истинжо қилишни яхши кўрамыз», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу шу нарсадир, бу ишни ўзингизга лозим тутинг», дедилар¹².

⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 62-бет.

⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 50-бет.

⁹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 11-бет.

¹⁰ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 105-бет.

¹¹ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 105-бет.

¹² «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 105-бет.

Баъзи ривоятларда келтирилишича эса, «Биздан бирор киши ёки аёл ҳожатга борса, орқа аъзосини ювиб қайтади», дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шу ҳақда сўраётгандим», дедилар.

Инсоннинг ахлат чиқадиган жойининг ўзида нажосат қолган бўлса, ўша нажосат истинжо(д?), дейилади. Нажосат ёйилиб кетиб, кафтнинг чуқурчаси миқдорича бўлса, у истинжо, дейилмайди ва нажосатни сув билан ювиб кетказиш вожиб бўлади. Бу ҳолда кесак ёки қоғоз билан артишлик кифоя қилмайди. Агар суюқ нажосат кафтнинг чуқурчаси миқдоридан ёки қуюқ нажосат тўрт граммдан ошиб кетса, уни сув билан ювиш фарз бўлади.

Истинжони текис тош билан бажармоқ суннатдир, дағал, ғиштга ўхшаш ёки сирпанчиқ тошга ўхшаш нарсалар билан истинжо қилинмайди. Истинжо қилгувчи ўздан ёмон ҳид кетгунича покланади ва орқа аъзосини ҳам яхшилаб тозалайди, лекин рўзадор одам орқа азосини ювишда рўзаси бузилмаслиги учун эҳтиёт бўлиши лозим.

Истинжодан фориғ бўлгандан сўнг қўлини иккинчи бор ювади ва туришдан олдин аъзоларини латта (сочиқ) билан артиб қурилади, токи у одам рўзадор бўлса, маънади сувни ўзига шиммаслиги керак.

Бошқалар олдида авратни очиш ҳаром бўлгани учун истинжо қилаётганда авратни очмайди. Суннатни ҳам қоим қилиш учун гуноҳ содир этмайди. Кийимини кўтариб, орқа аъзосини тош (кесак) билан тозалайди. Агар кесак билан тозаламасдан сув билан кифояланса ҳам, намози дуруст бўлади. Агар нажосат чиқадиган жойида ёйилиб кетган бўлса, қуюқ нажосат оғирлиги тўрт граммдан, суюқ нажосат миқдори кафтнинг чуқурчаси миқдоридан ортиб кетган бўлса, мана шу ҳолатда намоз ўқиш мумкин эмас. Нажосатни кетказадиган холи жой ва сув топиш керак. Аммо одамлар олдида авратини очишига тўғри келади, чунки авратни очмасдан туриб нажосатни кетказиб бўлмайди. Албатта авратни эҳтиёжига яраша очиш керак. Авратни очиш ҳаромлигини эътиборга олган ҳолда иш тутаяди. Лекин холи жой тополмасдан авратини очиб ювмоқнинг имконияти бўлмаса, ювмаслик унга зарар бермайди. Чунки махраждан асосан тушиб кетган нарса эътиборга олинади. Яъни, нажосатнинг асоси инсон танасидан тушиб кетган. Агар холи жой тополмасдан авратни очолмай, суюқ нажосатни кетказишнинг иложи бўлмаса, таҳоратда нажосатни кетказишга узрли бўлади ва шу ҳолда намоз ўқийди, холи жой тополмаганидан кейин авратни очмайди.

Ҳожатхонага, юқорида айтилганидек, «Аъзу...»ни айтиб, чап оёқ билан киради. Нажосат чиқиши осон бўлиши учун чап тарафини босиброқ ўтиради, икки оёғининг орасини кенг қўяди. Зарурат бўлмаса, гапирмайди. Қибла томонга олдини ёки орқасини қилиб ўтириш макруҳи таҳримийдир. Абу Айюб Ансорий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз ҳожатга борадиган бўлса, олдини ҳам, орқасини ҳам қиблага қаратмасин. Балки шарқ ёки ғарб тарафга қараб ўтиринглар», дедилар»¹³. (Бу ҳадис Макка ёки Мадинага нисбатан айтилган, лекин бизнинг диёримизда шимолга ёки жанубга қараб ўтирилади.)

Бино ичида мутлақ ман этилгани учун олди ёки орқа қиблага қаратилмайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзида

¹³ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 47-бет.

базарганлари учун ёпиқ бинода қиблага қараш жоизликка далолат қилади. Ёш болани қибла томонга сийдириш ҳам макруҳдир.

Шамол эсиб турган томонга қараб сийиш макруҳ, чунки шамол унинг нажосатини ўзига қайтариб олиб келади ва кишининг кийими, бадани ифлосланади. Сувга сийиш ва катта таҳоратни ушатиш макруҳ, агар оқиб турса ҳам.

Одамларнинг лаънати ва мазамматига қолмаслик учун қудуқ ёнига, дарё бўйига, соя-салқин жойларга, йўл бўйига, ҳовуз атрофига сийиш ва катта таҳоратни ушатиш ҳам макруҳ.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Икки лаънатланувчидан эҳтиёт бўлинглар», дедилар. Биз: «Эй Расулуллоҳ, у иккиси ким экан?» деб сўрадик. У зот: «Одамларнинг йўлига ва соя-салқин жойига катта-кичик таҳоратни ушатадиган одамдир», дедилар».

Ҳожатхонага Аллоҳ исми ёзилган ёзув ёки Қуръон ёзилган нарса билан кириш макруҳдир. Ҳожатхонадаги киши Аллоҳнинг исмини зикр қилмайди, акса урганда ҳамд айтмайди, ташқарида кимдир акса уриб «Алҳамдулиллаҳ», деса, «Ярҳамукаллоҳ», деймайди, кимдир унга салом берса, алик олмайди, авратларга қарамайди, тупурмайди, ҳаракатни кўп қилмайди, баданини ўйнамайди, юқорига қарамайди, узоқ ўтирмайди, ҳожатхонадан ўнг оёқ билан чиқади ва чиқаётганида бу дуони ўқийди: «Алҳамдулиллаҳиллази азҳаба ўанни аза ва ўафани» (яъни, «Менга офият берган ва мендан азият кетказган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин»).

Таҳорат боби **Таҳоратнинг суннатлари**

Кичик таҳоратнинг биринчи суннати икки қўлни тирсагигача ювмоқдир. Қўлини идиш ичига тиқишга муҳтожми ё бунга муҳтож эмасми ёки уйқудан эндигина турганми ё турмаганми, булардан қатъий назар қўлини билаги билан ювади. Лекин уйқудан эндигина турган бўлса ва қўли ифлосланган, деб гумон қилса, қўлни билаги билан ювиш таъкидланган, шартдир.

Бу ҳақда Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз уйқусидан уйғонса, қўлини идишга тиқишдан олдин уч маротаба ювсин, чунки у кечаси қўли қаерда бўлганини билмайди», дедилар»¹⁴.

Албатта қўл поклаш қуролидир. Шунинг учун поклашни қўлдан бошлаш суннат, қўлни билаги билан ювиш эса унинг пок бўлишига кифоя қилади.

Таҳорат қилишдан аввал «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», деб айтиш таҳоратнинг иккинчи суннатидир. Яна ҳам тўғриси, бунини айтиш мустаҳабдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган таҳорат таҳорат эмас»¹⁵, деб айтганлар. «Таҳорати таҳорат эмас» сўзидан мурод – таҳорати жоиз, лекин унинг фазилати бўлмайди, деганидир. Истинжодан аввал ҳам, кейин ҳам

¹⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 233-бет.

¹⁵ «Сунани Термизий», 1-китоб, 20-бет.

Аллоҳнинг исмини зикр қилиш саҳиҳроқ сўз. Аллоҳ исмини бир эслаб қўйишдир.

Таҳоратнинг учинчи суннати – бу мисвок ишлатиш. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мисвокни доим ишлатиб юрганлар. Мисвок йўқлигида бармоқ тишга сурилади, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бордим ва у зотнинг қўлларидаги мисвок билан тишларини тозалаётганларини кўрдим, у зот уъ-уъ деб оғизларида мисвок билан кўринишидан худди қайт қилаётган одамга ўхшардилар»¹⁶. Тўғрироғи – мисвок ишлатиш мустаҳабдир. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар умматимга машаққат бўлиб қолишини ўйламаганимда эди, уларга ҳар бир намоздан олдин мисвок ишлатишни буюрган бўлардим»¹⁷, деганлар.

Таҳоратнинг тўртинчи суннати уч мартадан оғизни чайқаш ва уч мартадан бурунга сув олиб қоқишдир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доим шу ишни қилардилар. Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳунинг қуллари Ҳумрон ва Ибн Абу Мулайкадан ривоят қилинади. Ҳумрондан таҳорат ҳақида сўрашганида у киши қуйидагиларни гапириб бердилар: «Одамлар Усмон ибн Аффондан таҳорат тўғрисида сўраётганларини кўрдим, Усмон розийаллоҳу анҳу сув олиб келишни буюрдилар. У кишига идишда сув олиб келишди, Усмон розийаллоҳу анҳу идишни ўнг қўлларига эгилтириб қўлларини ювдилар, сўнг қўлларини сувга тиқиб уч марта оғиз чайдилар ва уч марта бурун қоқдилар, юзларини уч марта ювдилар, сўнг аввал ўнг, кейин чап қўлларини уч мартадан ювдилар, сўнгра қўлларини сувга тиқиб бош ва қулоқларига масҳ тортдилар, қулоқларининг ичкари-ташқарисини бир марта ювдилар, кейин икки оёқларини ювдилар ва: «Таҳорат ҳақида сўраётганлар қани? Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай таҳорат қилганларни кўрганман», деб айтдилар».

Али розийаллоҳу анҳу ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳоратлари каби таҳорат қилиб, бошларига бир марта масҳ тортар ҳамда аввал ўнг оёқни, сўнгра чап оёқни уч мартадан ювар эдилар¹⁸.

Уч марта оғизга сув олиш деганда ҳар гал янгидан сув олиш тушунилади. Мана шу нарса учта деган сўзни ифода қилади. Оғизни чайқашда агар рўзадор бўлмаса, муболаға қилиш суннатдир.

Таҳоратнинг бешинчи суннати бошнинг ҳамма қисмига масҳ тортишлик ва бошга масҳ тортиш учун намланган қўл билан қулоққа масҳ тортишдир. Бу ҳақда Миқдом ибн Маъдий Караба розийаллоҳу анҳу шундай ҳадис ривоят қиладилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳорат қилаётганларини кўрдим, бошга масҳ тортишга етганда икки кафтларини бошларининг олдинги қисмига қўйдилар ва гарданларигача юргизиб масҳ тортдилар, сўнг қўлларини масҳ тортиш бошланган жойга қайтардилар, икки қулоқларининг ташқари ва ичкарисига масҳ тортдилар, бармоқларини қулоқлари тешигига киргиздилар»¹⁹.

¹⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 47-бет.

¹⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 68-бет.

¹⁸ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 27-бет.

¹⁹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 30-бет.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳорат қилганларини кўрганларини ривоят қилиб, барча амалларни уч мартадан бажарганларини ва бошлари ҳамда икки қулоқларига эса бир марта масҳ тортганларини зикр қиладилар. Абу Умома розийаллоҳу анҳу ривоятларида икки қулоқ бош қисмидандир,²⁰ дейилган, бу ҳадисдан хилқат эмас, балки ҳукмнинг баёни тушунилади.

Таҳоратнинг олтинчи суннати соқолни ҳилол қилишдир. Бу Абу Юсуф фикрларича, суннатдир. Имом Абу Ҳанифа ва Муҳаммад фикрларича, жоиздир. Ҳилол қилиш – бармоқларни тароқ тишларига ўхшатиб соқолни бириктирмоқдир. Анас розийаллоҳу анҳу бу ҳақда қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилаётганларида қўлларига сув олиб, жағларининг тагига қўйиб соқолларини ҳилол қилдилар, сўнг: «Роббим азза ва жалла менга шундай буюрган», дедилар»²¹.

Таҳоратнинг еттинчи суннати бармоқлар орасини ҳилол қилмоқдир. Луқайт розийаллоҳу анҳу бу ҳақда қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар таҳорат олсанг, бармоқларинг орасини ҳилол қилгин», дедилар». Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ҳам қуйидаги ҳадисни ривоят қилдилар: «Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таҳорат қилганингда қўл ва оёқ бармоқларинг орасини ҳилол қилгин», дедилар». Оёқ бармоқлари жимжилоқ бармоқ билан ҳилол қилинади. Муставрид розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда келтирилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилганларида оёқ бармоқларига жимжилоқ бармоқларини ишқаб ҳилол қилганлар²².

Таҳоратдаги саккизинчи суннат ҳар бир аъзони уч мартадан ювишдир. Юқоридаги оғиз чайиш ва бурун қоқиш қисмида бунга далил бўладиган ҳадис зикр қилинди.

Таҳоратнинг тўққизинчи суннати – таҳоратни ният қилмоқ, бу таъкидланган суннатдир. Ният қалбда бажарилади. Уни тилда айтса ҳам, зарари йўқ. Масалан, «Аллоҳга яқинлик талабида, намоз ўқиш учун таҳорат қилишни ё таҳоратсизликни кетказишни ёки намоз ўқиш учун таҳорат қилишни ният қилдим» ёхуд «Таҳоратни ният қилдим», деб айтади. Унинг вақти юзни юваётганда, ўрни эса қалбдир. (Ниятнинг вақти юзни юваётгандадир, ўрни эса қалбдир.)

Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ фикрларича, таҳоратдаги ният фарздир. Таҳоратни таяммумга қиёс қилиб (ўхшатиб) айтиладиган бўлса, таҳорат – бу ибодатдир, ибодат эса ниятсиз тўғри (саҳиҳ) бўлмайди. Бизнинг мазҳабимизда ҳам ибодатлар учун ният фарздир. Аллоҳ таоло: «Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, У Зот учун динни холис қилган (ихлос билан), тўғри йўлдан олмаган ҳолларида ибодат қилишга буюрилган эдилар» (Баййина сураси, 5-оят), деб марҳамат қилади. Ихлос – у ниятдир. Таҳорат ўзи асли намоз ёки рўзага ўхшаш ибодат эмас. Ният эса ибодат учун шарт қилинди. Масалан, бир киши бир мажлисда бир гапни қайта-қайта такрорлаши макруҳдир. Худди бир гапни қайта-қайта айтиш сувни кўп-кўп ишлатиб исроф қилишга ўхшайди. Ният қилиш эса таяммумда

²⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 33-бет.

²¹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 36-бет.

²² «Сунани Термизий», 1-китоб, 29-бет.

фарздор, чунки тупроқ ўзи аслида тозаловчи ёки таҳоратсизликни кетказувчи эмас. Фақат унда таъббуй маъноси бор, холос. Ибодатга эса ният шартдор, сув эса ўзича табиатан покловчи, тозаловчи нарса ва (сув билан) таҳоратда ниятга эҳтиёж йўқ. Ният қилмасдан таҳорат олса, қурбат ҳосил қилмайди, яъни савоби камроқ бўлади ва бу таҳорат билан намоз ўқиса бўлади, чунки у покловчи сувни ишлатиб таҳорат олган. Таяммум эса унинг аксидор, чунки тупроқ покловчи нарса эмас, фақатгина сув йўқлигида намоз ўқишни ирода қилса, ўшанда покловчи бўлади. Агар киши ният қилмасдан бошқа бир кишига таяммумни ўргатса, намоз ўқиш учун ўша таяммум калит бўла олмайди.

Таҳоратнинг ўнинчи суннати Аллоҳ Қуръонда таҳоратда аъзоларни қай тартибди ювишни зикр қилган бўлса, шундай кетма-кет ювишдор. Бу тартибни тарк қилса, гуноҳкор бўлади, чунки бу тартибда таҳорат қилиш таъкидланган суннатдор. Лекин фарз эмас. Аллоҳ таоло: «Эй мўминлар, намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиғаноқларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз» (сураси, оят), деб марҳамат қилади. Араб тилидаги матнга (яъни, оятнинг ёзилишига) қарайдиган бўлсак, Аллоҳ таоло ҳар бир аъзоларни ювишликни вов (ۉ) ҳарфи билан боғлаган. Бу вов (ۉ) ҳарфи эса жумҳур грамматик ва луғат олимларнинг фикрича, кетма-кет учун эмас, балки жамлаш учундор. Оятдаги «ювинглар» феълидаги фе - ف ўзидан кейин келган нарсаларни умуман ювишни ифода этади.

Имом Шофеъий фикрларича, юқорида зикр қилинган фе - ف кетма-кет ва тартибни тақозо этади. Шунинг учун Шофеъий мазҳабида аъзоларни тартиб билан ювиш фарздор.

Таҳоратдаги ўн биринчи суннат барча аъзоларни бир вақтнинг ўзида, яъни бир бошлаганда ювиб тугатишдор. Имом Молик фикрларича эса, бу фарздор. Бир вақтда ювишлик – бир аъзо қуримасдан туриб, кейинги аъзони шу вақт орасида узмасдан ювишдор.

Узрли сабаб бўлганида таҳоратнинг ҳаммасини бир вақтда қила олмаса, зарари йўқдор. Узр бўлмаган вақтда таҳоратни бўлиб-бўлиб қилиш макруҳдор. Таяммум ҳам таҳоратдагидек бир ўтиришда қилинади.

Таҳоратнинг ўн иккинчи суннати бўйинга масҳ тортишдор. Имом Табаронийнинг Каъб ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисларида келтиришларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилаётганларида уч марта оғиз чайқадилар, бурунларини уч марта қоқдилар, ҳар бир оғиз чайқаш ва бурун қоқишда янги-янги сув ишлатдилар. Юзларини уч марта ювдилар, бошларига масҳ тартаётганларида: «Мана бундай қилинади», деб бошларининг олдинги қисмидан бошлаб, гардан томондан бўйинларининг пастки қисмигача масҳ тортдилар²³.

Таҳоратнинг мустаҳаб амаллари

Мустаҳаб деб маҳбуб нарсага айтилади. Шариатда эса Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам гоҳида қилиб, гоҳида қилмаган ёки ўзлари бажармаган ҳолда тарғиб этган ишларига айтилади. Расулulloҳ

²³ «Мўъжамут Табароний», 19-китоб, 181-бет.

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу тарғиб қилишлари мазкур ишларни яхши кўрганлари учундир, бу ишлар вожиб ёки мажбурий эмас. Бу мустаҳаб амалларни қилган киши савоб олади, агар қилмаса, гуноҳкор бўлмайди.

Таҳорат қилувчи киши ўнг тарафдан бошлаши мустаҳабдир, яъни чап қўлдан олдин ўнг қўлни, чап оёқдан олдин ўнг оёқни ювади. Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисда бу ҳақда шундай дейилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ишларнинг барчасида: ковуш кийишда ҳам, соч тарашда ҳам, таҳорат олишда ҳам ўнг тарафдан бошлашни яхши кўрардилар»²⁴.

Савол туғилади: «Қўл ва оёққа ўхшаш қулоқда ҳам аввал ўнг, сўнгра чап қулоққа масҳ тортиладими?» Жавоб шуки, қўл ёки оёқ бир қўл билан кетма-кет ювилади, шунинг учун ўнг томондан бошланади. Икки қулоққа эса икки қўл билан бараварига масҳ тортилади, бу осон бўлгани учун шундайдир. Агар таҳорат қилувчи кишининг бир қўли бўлмаса ёки ишлатолмаса, яъни у қўли билан қулоғини масҳ қила олмаса, аввал ўнг, сўнгра чап қулоғига масҳ тартади.

Баъзи олимлар икки чакканинг ҳукмини қулоқнинг ҳукмига қўшишади. Таҳорат қилувчи киши аъзолари ювиладиган қисмидан кўпроғига сув етказиши ва чиройли, гўзал суратда, одоб билан таҳорат олиши мустаҳабдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Қиёмат кунини умматим таҳорат қилган жойлари оқ қашқадек белгили ҳолатда чақирилади. Сизлардан ким оқ қашқасини узайтиришни хоҳласа, унга амал қилсин»²⁵, деб айтадилар.

Таҳоратнинг одоблари

А) Кийимига сув сачрашидан эҳтиёт бўлиш учун баланд жойда ўтириш.

Б) Истинжодан бошқа вақтда қиблага қараб таҳорат олиш.

В) Одамлар билан гаплашмаслик.

Г) Таҳоратнинг охиригача ният қилиш.

Д) Қулоққа масҳ тортиш билан бир қаторда қулоқ тешигига жимжилоқ бармоғини тиқиш.

Е) Узуги бўлса ҳам, қимирлатиш, агар узук тор бўлиб, бармоғидаги узукнинг остига сув етгани билинса, уни қимирлатиш мустаҳабдир, агар узукнинг остига сув етмаган бўлса, уни қимирлатиш фарздир.

Ё) Узрли бўлмаган ҳолда ибодатга киришишдан олдинроқ, яъни бемалолроқ бўлиб таҳорат қилиш.

Ж) Таҳоратдан сўнг калимаи шаҳодатни айтиш, бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз таҳорат олса ва таҳоратини мукаммал қилса, сўнг: «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳ» («Ёлғиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ эканига ва Муҳаммад Унинг бандаси ва пайғамбари эканига гувоҳлик бераман»), деб айтса, унга саккиз жаннатнинг эшиклари очилиб, хоҳлаганидан кираверади»²⁶, деб айтдилар.

²⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 226-бет.

²⁵ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 45-бет.

²⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 209-бет.

З) Юзни ювганда сувни қаттиқ урмасдан, майин ювиш.

И) Таҳоратда ювилган барча аъзоларни қуритиб артмаслик, агар артмоқчи бўлса, муболаға қилмайди.

Й) Сув тегиши лозим бўлган барча аъзоларнинг ҳамма қисмига, бармоқдаги узукнинг остигача сув текканига ишонч ҳосил қилиш. Аъзоларни ювиш фарз бўлган жойидан кўпроқ жойни ювиб, қиёматдаги оқ қашқани узайтириш учун ҳаракат қилиш.

К) Таҳоратдан ортиб қолган (сувни) тик турган ҳолда ичиш. Наззол ибн Сабра бу ҳақда қуйидагича ривоят қиладилар: «Мен Али розийаллоҳу анҳунинг пешин намозини ўқиганларини кўрдим, сўнгра одамларнинг ҳожатларини сўраб, улар билан машғул бўлдилар. Аср вақти кирганида ҳазрат Али олдиларига идишда сув олиб келишди. У зот сувдан бир кафт олиб, уни юзлари, қўллари, бошлари ва оёқларига суртдилар. Сўнг қолган сувни олдилар-да, тик турган ҳолда ичдилар. Кейин: «Одамлар бу сувдан ичишни ёқтирмайдилар, мен эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қилганларини (яъни, қолган сувдан тик турган ҳолда ичганларини) кўрганман, бу таҳорати кетмаган одамнинг таҳоратидир», дедилар»²⁷.

Таҳоратдаги макруҳлар

Макруҳ – маҳбуб нарсa ва одобнинг тескарисидир.

Таҳорат қилувчи киши учун мустаҳаб ва одобларнинг аксини бажариш макруҳдир. Улардан:

А) Сувни исроф қилиш. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд розийаллоҳу анҳу таҳорат қилаётганларида олдиларидан ўтаётиб: «Бу қанақа исрофгарчилик, эй Саъд?» деб сўрадилар. Саъд: «Таҳорат қилаётганда ҳам сувнинг исрофи бўладими?» дедилар. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, оқиб турган дарёнинг бўйида турган бўлсанг ҳам, (сувнинг исрофи бўлади)», деб жавоб бердилар²⁸.

Б) Янги сув олиб бошга уч марта масҳ тортиш. Имом Абу Довуд бу ҳақда ўз «Сунан» китобларида: «Усмон розийаллоҳу анҳу ривоят қилган кўп саҳиҳ ҳадислар бошга бир марта масҳ тортишга далолат қилади»²⁹, деб айтганлар.

В) Сувни керагидан жуда кам ишлатиш. Ювиш миқдори суртиш каби бўлиши керак. Шунинг учун ювилган аъзодан ҳеч бўлмаганда икки томчи сув томиши керак, шунда у аъзо ювилган ҳукмига ўтади. Агар шу икки томчи сув ҳам тушмаса, таҳорати асло дуруст бўлмайди.

Г) Узрсиз бўла туриб бировдан ёрдам сўраш. Агар узрли бўлса, ёрдам сўрашнинг зарари йўқ.

Таҳоратнинг сифати

Таҳорат уч хил бўлади: фарз, вожиб ва мандуб.

²⁷ «Сунани Насайи», 1-китоб, 84-бет.

²⁸ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 2-китоб, 3-бет.

²⁹ «Сунани Абу Довуд», 2-китоб, 27-бет.

Таҳорати йўқ киши агар намози бўлса ҳам, таҳорат олиши, тиловат саждаси учун таҳорат олиши, бир оят бўлса ҳам, Қуръонни ушлаш учун таҳорат олиши фарздир.

Байтуллоҳни тавоф қилувчига таҳорат олиш вожибдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Албатта Байтуллоҳни тавоф қилиш намоз ўқиш каби ибодатдир, лекин сизлар тавофда гаплашаверасизлар, ким гапиришга мажбур бўлиб қолса, фақат яхшиликни гапирсин», деб айтдилар.

Агар тавоф ҳақиқий намоз бўлмаганида унинг саҳиҳ бўлиши учун таҳорат шарт бўлмас эди. Шундай экан, таҳоратни вожиб амалда тарк қилиш билан жонлиқ сўйиш шарт. Фарз амални жанобат билан бажариб қўйганга туя сўйиш шарт. Нафл амалларида таҳоратни тарк қилиш билан садақа бериш лозим.

Мандуб таҳорат эса кўп ҳолларда бажарилади. Масалан, уйқуга ётишдан олдин таҳорат қилиш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Ётадиган жойингга бориб ухлашдан аввал намозга таҳорат қилгандек таҳорат қилиб олгин»³¹, деб айтганлар.

Уйқудан уйғонган пайтда таҳорат қилиш – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта таҳорат сўяниб ухлаган одамга вожиб бўлади», дедилар.

Доимий таҳоратда юриш – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрат Билол розийаллоҳу анҳуга: «Эй Билол, сен қайси амалинг билан мендан олдин жаннатга кирдинг? Мен ўтган кун жаннатга кирган эдим, олдимда шитирлаган кавушинг овозини эшитдим», деганларида, Билол розийаллоҳу анҳу: «Ё Расулуллоҳ, мен ҳар азон айтганимда икки ракат намоз ўқийман, ҳар таҳоратим кетган вақтда таҳорат қилиб оламан», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шунинг учунми?» дедилар. Бу ҳадисни Ибн Ҳузайма ривоят қилганлар³².

Билиб-билмай қилиб қўйган хато, ғийбат, ёлғон гапириш, чақимчилик каби гуноҳ содир этса, таҳорат устига таҳорат олиш – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай дейдилар: «Ким таҳорат устига таҳорат қилса, Аллоҳ таоло унга ўнта яхшилик савобини ёзади»³⁴, дедилар.

Бирор ёмон, гуноҳ ишни бажаришни хоҳлаб қолса, таҳорат олиш – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Бирор киши гуноҳ иш содир эмас (қилгандан сўнг) таҳорат қилиб намоз ўқиса, кейин Аллоҳга гуноҳини кечиришини сўраб истиғфор айтса, Аллоҳ унинг гуноҳини кечади», деб, кейин у зот ушбу оятни ўқидилар: «(У тақводор зотлар) қачон бирон-бир нолойиқ иш қилиб қўйсалар ёки (қандайдир гуноҳ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб гуноҳларини мағфират қилишини сўрайдиган, ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Аллоҳгина мағфират этур, деб билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир» (Оли-Имрон сураси, 135-оят)³⁵.

³¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 2081-бет.

³² «Ат-тарғиб ват-тарҳиб», 1-китоб, 472-бет.

³⁴ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 16-бет.

³⁵ «Ат-тарғиб ват тарҳиб», 1-китоб, 363-бет.

Маййитни ювган ва уни кўтарган кишининг таҳорат олиши – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Ким маййитни ювса, ғул қилсин, ким маййитни кўтаган бўлса, таҳорат олсин»³⁶, дедилар.

Барча намозларнинг вақти кирганда таҳорат олиш – Анас розийаллоҳу анҳу бу ҳақда қуйидаги ҳадиси ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни таҳоратлари бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, ҳар бир намозга таҳорат қилардилар»³⁷.

Жанобат учун ғул қилишдан олдин ҳам таҳорат олиш – бу ҳақда Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо шундай дейдилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобатдан ғул қилмоқчи бўлсалар, икки қўллари идишга тикмасдан олдин ювардилар, сўнг жинсий аъзоларини ювиб, кейин намозга таҳорат қилгандек таҳорат олардилар, сўнг сочларига сув қуярдилар ва бошларига уч марта сув қуярдилар»³⁸.

Жунуб кишининг овқат ейишдан, сув ичишдан, ухлашдан олдин таҳорат қилмоғи – бу ҳақда Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар жунуб бўлсалар, овқат ейишдан олдин ёки ухлашдан олдин таҳорат олар эдилар»³⁹.

Ўз аёли билан қўшилишдан олдин ҳам таҳорат олиш – Абу Рофеъ розийаллоҳу анҳу бу ҳақда шундай ривоят қиладилар: «Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз жуфти ҳалолларининг олдига бориб, унисининг ҳам, бунисининг ҳам олдига киришдан олдин ғул қилдилар. Мен: «Эй Расулulloҳ, ҳаммасига битта ғул қилсангиз бўлмайдими?» деб сўрасам, у зот: «Бундай қилганим яхшироқ, ёқимлироқ ва тозароқдир», дедилар».

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу эса қуйидагича ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирингиз гўш аёлига иғшилса ва яна иккинчи марта қўшилмоқчи бўлса, икковининг орасида таҳорат қилсин», дедилар»⁴⁰.

Ғазаби келган вақтда ҳам таҳорат олиш – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Албатта ғазаб шайтондандир, шайтон эса оловдан яратилган, олов эса сув билан ўчирилади, сизлардан бирингиз ғазабланса, таҳорат олсин», дедилар⁴¹.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини ўқиганда, уни ривоят қилганда, илм ўрганаётганда, азон ва иқомат айтаётганда, хутба айтаётганда ҳоҳ у никоҳ хутбаси бўлсин, ҳоҳ жума хутбаси, фарқи йўқ, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларини зиёрат қилаётганда, Арафотда турганда ёки Сафо ва Марва оралиғида саъй қилганда таҳоратли бўлиши мандубдир.

Хилофли масаладан йироқ бўлиш учун гўшт егандан сўнг ҳам таҳорат олиш – Барро ибн Озиб розийаллоҳу анҳу қуйидагича ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан туя гўшти егандан сўнг

³⁶ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 2-китоб, 145-бет.

³⁷ «Сунани Термизий», 1-китоб, 40-бет.

³⁸ «Сунани Термизий», 1-китоб, 70-бет.

³⁹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 57-бет.

⁴⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 56-бет.

⁴¹ «Сунани Термизий», 1-китоб, 54-бет.

тахорат олиш ҳақида сўрашди. У зот: «Ундан кейин таҳорат қилинглари», дедилар»⁴².

Хилофли масаладан йироқ бўлиш учун инсон кафтининг ичи билан ўз закарини ушлаганда ва аёл кишини ушлаганда таҳорат олиши – Сафвон қизи Бусра розийаллоҳу анҳодан қуйидагича ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки ўз закарини ушласа, таҳорат қилмагунича намоз ўқимасин», дедилар»⁴³.

Агар киши таҳорат қилаётганда баъзи аъзоларини ювгани ҳақида биринчи марта шак қилса, аъзоларни ювиш билан гумонини йўқотади. Агар ана шу таҳоратнинг ичида иккинчи марта шак қилса, бу шубҳасига эътибор қилмасдан таҳоратини тугатади.

Таҳоратни бузувчи нарсалар

Жисмлардаги бузилиш таркибни ишдан чиқаради. Маънода эса ифодадан талаб этилган нарсани чиқариб ташлаш тушунилади. Таҳоратдаги талаб этиладиган нарса намоз ва шунга ўхшаш нарсаларни ўқиш учун яроқли бўлишдир.

1. Икки йўлдан чиққан барча нарса агар озгина бўлса ҳам, таҳоратни бузади. Икки йўл – инсоннинг олди ва орқасидаги нажосат чиқиш йўлидир. Чиқиш – чиқадиган ўриннинг бошида намлик зоҳир бўлишидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Сизлардан бирон киши ҳожатхонадан чиққан бўлса», деб айтган (Нисо сураси, 43-оят). (Ҳожатхона оятда «ғоит» дейилган.) Бу ердаги «ғоит» хотиржам бўлинадиган макондир. Инсон қазои ҳожатга эҳтиёжи бўлганда ўша жойга боради ва у жой одамлар назаридан тўсиқ бўлади. Бу оят Аллоҳ таолонинг одамлардан бирортаси ҳожатга бориб келган вақтда сув топа олмаганида таяммумни ва ундаги тартибларни вожиб қилганига далолат қилади. Одамлар ўз танасидан нажосатни чиқариб ташлаш учун ҳожатга бориши лозим. Бу оятдаги «ҳожатга борсангизлар» дегани таҳоратингиз синиб, таҳоратсиз – ҳадас бўлсангизлар, деган маънони билдиради. Ва оят таяммум вожиб бўлишининг сабаби ҳадас, яъни таҳоратсизлик эканига далолат қилади. Таяммум қилишнинг сабаби ҳадас (таҳоратсизлик) бўлганидан кейин таҳорат қилишнинг сабаби ҳам ҳадасдир. Чунки таяммум таҳоратнинг ўринбосаридир. Ўринбосар сабабларда аслга хилоф қилмайди.

Инсоннинг икки йўлидан нима чиқса, таҳорат синади. Агар қурт ёки майда тош ёхуд қон чиқса ҳам, таҳорат синади. Бунга Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадис далилдир: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир (икки йўлдан) чиққан нарсага таҳорат қилинади, ҳар бир кирган нарсага эмас», дедилар»⁴⁴. Яна Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан мавқуф ҳолда мана бу ҳадис ривоят қилинади: «Ҳар бир чиққан нарсага таҳорат қилинади, ҳар бир кирган нарсага эмас ва ҳар бир кирган нарсага рўза очилади, чиққан нарсага эмас».

Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадис ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳоратида истеҳзо кўрган аёлга: «Ҳар бир намоз вақтига таҳорат қилгин, бу таҳоратинг намоз

⁴² «Сунани Абу Довуд», 4-китоб, 249-бет.

⁴³ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 70-бет.

⁴⁴ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 116-бет.

вақти чиққунича (бузилмай туради)»⁴⁵, дедилар. Бу нарса одатда кўринишдан ташқаридаги чиқувчи нажасдир. Кўрт чиқиши, тош чиқиши, икки йўлдан бошқа жойдан нажосат келиши ҳам шунга қиёсланади.

2. Қон чиқишини кўрмасдан туғиш, яъни бир аёл ҳеч жойи қонамай чақалоқ туғди, унинг ҳам таҳорати синади. Бу аёл Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад фикрларича, нуфоса бўлмайди (яъни, нифос кўрмагандан кейин унга нуфоса ҳукми берилмайди) ва бу саҳиҳдир. Нифос қонга тааллуқли нарсадир, у аёлда қон келмади. У аёлдан суюқлик чиқани учун унинг таҳорати кетади. Имом Абу Ханифа эса: «Туғаётган вақтида озгина бўлса ҳам, қон тушиш эҳтимоли бўлгани эътиборга олиниб, эҳтиётдан унга ғусл лозимдир», дедилар.

3. Қон ва йиринг бадандан чиқиб, пок деб ҳукм қилинган жойга оқса, таҳорат синади.

Агар тоза сув баданнинг қавариқ жойидан чиқса, таҳоратни бузмайди. Агар киши бурнига бармоғини тикса, бурнидан қон келмаса, таҳорати синмайди. Борди-ю бурун суягидан қон тушса, таҳорат бузилади, қон тушмаса, бузилмайди. Бирор нарсани тишлаганида ёки мисвок тушганида қон изи бўлиб қолса ва шу билан қон оқмаса, таҳорат бузилмайди. Агар чўп билан тишини кавласа, чўп қон юқи бўлса, таҳорати синмайди, лекин агар тиши қонаб кетиб тупугининг рангини ўзгартирса, унда таҳорат синади.

Агар бурун қоққанда бурнидан йиғилиб қотган қон тушса, таҳорат синмайди, лекин қон томчилаб тушса, таҳорати синади. Бошнинг жароҳатидаги қон агар бошдан оқиб тушса, таҳорат синади, агар жароҳатдан қон чиқса-ю, бошдан оқиб тушмаса, таҳорати синмайди.

Имом Муҳаммад: «Агар бошдаги жароҳатдан қон чиқса ва жароҳат чегарасидан ёйилиб-кўпайиб кетса, таҳорат синади», дедилар. Лекин аввалги сўз саҳиҳроқдир.

Агар жароҳат устида пахта бўлиб, ярадан қон оқа бошласа ва уни пахта билан артиб-шимдириб турилса-ю, пахта артиб турилмаганда қон оқиб кетиши аниқ бўлса, бу ҳолда таҳорат синади.

Агар жароҳатни боғласа, ўша боғлаган нарасаси ҳўл бўлиб қолиб ташқарига ҳам тарқаса, таҳорати бузилади. Борди-ю тарқалмаса, таҳорати бузилмайди.

Агар қулоқдан йиринг ёки шунга ўхшаш суюқлик оқиб оғривса, таҳорати синади, оқаётган вақтида қулоқ оғримаса, таҳорат синмайди. Агар тишларининг ораси қонаса ва тупуги билан аралашганда қон тупукдан кўп миқдорда ёки иккови баробар бўлса, таҳорат синади ва агар тупук қондан кўп бўлса, таҳорат синмайди. Шунга биноан рўзадор одам қон аралаш тупугини ютса, тупукдан қон кўп бўлса ёки иккови баробар бўлса, рўза очилади. Борди-ю тупук қондан кўп бўлса, рўзаси очилмайди. Агар жароҳатдан қон чиқса-ю, жароҳат чегарасидан оқиб чиқмай, ичида қолса, таҳорат синмайди.

Савол туғилади: «Шу ҳолатда у одамда (яъни, жароҳатдан қон чиқиб, ташқарига оқмаса) қон нажас бўладими ёки тоза бўладими?»

«Ҳидоя» китобининг муаллифлари: «Нима таҳорат кетказувчи бўлмаса, у нажас эмасдир», дедилар. Бу фикрни Имом Абу Юсуфдан ҳам ривоят қилишган. Шу фикр тўғридир. Имом Муҳаммаддан уни нажосат деб

⁴⁵ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 116-бет.

ривоят қилишган. Нажосат кийим ва баданга ўхшаш қаттиқ нарсаларга тегса, Абу Юсуфнинг сўзларига фатво қилинади. Сув ва шунга ўхшаш суюқ нарсаларга тегса, Муҳаммаднинг сўзларига фатво қилинади. Агар қайт оғиз тўлишидан озроқ бўлса, бунда хилоф қилинган.

Қон ва йиринг поклаш ҳукмига тааллуқли бўлмаган жойга оқса, таҳорат синмайди. Масалан, қон кўзнинг ичига оқса, таҳорат синмайди, чунки кўзнинг ичи поклаш ҳукмига тааллуқли бўлмаган жойдир. Шунингдек, қон жароҳатнинг ичига оқса, ҳатто жароҳат бурун суягида бўлса ҳам ва яна сийдик чиқмаган ҳолда закарнинг ичига оқса, таҳорат синмайди. Агар бурун суягидан бурун бўшлиғига қон оқса, таҳорат кетади. Чунки бурун бўшлиғи мандублик юзасидан поклаш ҳукмига тааллуқли жойдир. Оқувчи қоннинг таҳоратни синдиришига далил Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўйидаги: «Ҳар бир оқувчи қонга таҳорат қилинади», деб айтган ҳадисларидир.

Бу ҳадисни Ибн Адий «Комил» китобларида ривоят қилганлар. «Бу ҳукми Аҳмад ибн Фаррух ривоят қилган ҳадисларда кўрамиз». Унинг ҳадиси ҳужжат этилмаса ҳам, ёзиб қўйилди. Чунки одамлар у ҳадис заиф бўлса ҳам, унинг ҳадисини кўтариб юришади. Лекин Ибн Абу Ҳотам ўзларининг «Ал-Илал» китобларида: «Биз ҳадисни ундан ёзиб олдик, бизнинг фикримизча, у ростгўйдир. Бу билан бирга Имом Бухорийнинг Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадислари машҳурроқдир: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар ҳайзинг келса, намозни ўқимай тур, ҳайзинг тугагандан сўнг қондан тозаланиб (ғусл қил) ва намозингни ўқи», дедилар»⁴⁶. Ҳишом ибн Урва дедилар: «Отам: «Сўнгра шу вақт келгунча ҳар бир намозингни таҳорат қилиб ўқи», деб айтдилар».

Бу гап Урванинг гапи, дейилмайди. Чунки бунинг сўнгра таҳорат қил, деб айтган сўзи билан аввалги сўзда ишқаллик бор. Аввалги айтилган сўз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидир. Урванинг ривоят қилган гапини Имом Термизий ривояти ҳам тасдиқлайди ва саҳиҳ деб билади⁴⁷.

4. Оғизни тўлдириб қусиш ҳам таҳоратни синдиради. У хоҳ қусқи, хоҳ таом бўлсин, хоҳ сафро, хоҳ сув бўлсин, фарқи йўқ. У оғизни тўлдирган қусқининг ҳаммаси ошқозондан келган бўлиши керак, хоҳ у ошқозонда туриб қолсин, хоҳ турмасин, фарқи йўқ. Чунки истеъмол қилинган нарса ошқозонга тушиши билан нажосатга аралашади. Агар киши еган таоми ошқозонга тушмасдан қайт қилса, уламолар иттифоқича, таҳорати синмайди.

Агар оғизни тўлдириб ё тўлдирмай балғам ташласа, уламолар иттифоқича, таҳорат синмайди. Ва агар қон қусса, у қон оғизни тўлдирмаса ҳам, таҳорат кетади.

Бу ҳақда Абу Дардо розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайт қилиб оғиз очдилар-да, янги таҳорат қилдилар»⁴⁸. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам яна: «Сизлардан бирингиз намоз ўқиётганида қайт қилса ёки егани оғзига

⁴⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 86-бет.

⁴⁷ «Сунани Термизий», 1-китоб, 82-бет.

⁴⁸ «Сунани Термизий», 1-китоб, 59-бет.

келса, бориб таҳорат қилсин, сўнг бирор кишига гапирмаган бўлса, намозини келган жойидан давом эттирсин»⁴⁹, деб айтдилар.

Ибн Журайж: «Агар гапирган бўлса, қайтадан ўқийди», дейдилар. Агар киши қайта-қайта қайт қилса ва бу қусуқларини жам қилганда оғиз тўладиган бўлса, сабабларни бирлаштириб қаралади, агар иккинчи марта қусиши у киши ўзини босиб олмасидан олдин бўлса, бу фикрда келишилган. Агар иккинчи марта қусиши ўзини босиб олгандан кейин бўлса, у фикрда ихтилоф қилинган. Бу имом Муҳаммад сўзлари бўлиб, мана шу саҳиҳроқдир. Абу Юсуф фикрларича, бир ўтиришда бўлиб, оғиз тўлиш билан бузилади. Яна ҳам тўғрироғи – жуда ҳам қийинчилик билан қусқи ушлаб турилса, ўшанда таҳорат бузилади.

5. Бурундан қон келиши ҳам таҳоратни синдиради. Чунки Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу намоз ўқиётганларида бурунлари қонаб кетса, таҳорат қилиб, сўнг бирор кишига гапирмасдан намозларини давом эттирдилар.

Язид Лайсий Саид ибн Мусаййибнинг намоз ўқиётганларида бурунлари қонаб кетганини кўрдилар. Саид Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари Умму Салама розийаллоҳу анҳо онамизнинг ҳужраларига бордилар. Таҳоратлари учун сув олиб келинди. У зот янги таҳорат қилдилар, сўнг қайтиб, намозларини келган жойидан давом эттирдилар⁵⁰.

6. Ўтирмаган ҳолда ухлаш (мумкин) ҚЎШДИМ. Ётиб, ёнбошлаб, чалқанча ётиб ёки суянчиқ олиб қўйилганда у ёқ-бу ёққа қалқиб ухлашлар – буларнинг барчаси таҳоратни синдиради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Орқанинг ичи икки кўздир. Сизлардан ким ухласа, таҳорат қилсин»⁵¹, деб айтдилар.

Қиёмда, рукуъда, саждада, ўтирган ҳолда ухласа, таҳорат бузилмайди. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу бу ҳақда: «Тиззасини қўли билан боғлаб ухласа, ўтириб ухласа, саждада ухласа, модомики ёнбошлаб ухламаса, таҳорати бузилмайди. Агар ёнбошлаб ухласа, таҳорат олади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ёнбошлаб ухлаган кишига таҳорат олиш лозим», деганлар.

7. Ҳушидан кетиб, мажнун бўлиб қолса ҳам, таҳорати синади. Ҳушдан кетиш офат бўлиб, ақлни кетказиб, унга ғолиб келади. У қувватни заифлаштириб, ақлни тўхтатмайди. Мажнунлик ҳам офат бўлиб, ақлни кетказиб, тортиб олади. У ақлни тортиб олиб, қувватни тортиб олмайди. Одам уйқудаги ўзини тута олмаслигидан кўра мажнун ва ҳушдан кетиш ҳолларидаги ўзини тута олмаслиги кучлироқдир. Бу ҳақда Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг касалликлари тўғрисида қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар намоз ўқидиларми?» деб сўрадилар. Биз: «Йўқ, эй Расулulloҳ, улар сизни кутишяпти», дедик. У зот: «Тоғорада сув олиб келинглари», деган эдилар, биз уни олиб келдик. Шунда у зот ғул қилдилар, сўнг одамларнинг олдига қийналиб чиқаётганларида ҳушларидан кетиб қолдилар. Кейин ўзларига келиб: «Одамлар намоз ўқишдими?» деб сўрадилар. Биз: «Йўқ, улар сизни кутишяпти, эй

⁴⁹ «Сунани Дораіутний», 1-китоб, 153-бет.

⁵⁰ «Ал-муватто», 1-китоб, 47-бет.

⁵¹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 52-бет.

Расулulloҳ», дедик. У зот яна: «Тоғорада сув келтиринглар», дегандилар, биз уни келтирдик. Шу сувда у зот ғусл қилдилар...» Аҳмад ибн Юсуф: «Хушдан кетгандаги ғусл қилишни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши кўрдилар ва лекин хушдан кетганда, иншааллоҳ, таҳоратнинг ўзи кифоя қилади», дедилар.

8. Барча рукуъ ва саждали намозларда қаҳқаҳа отиб кулиш таҳоратни бузади. Қиёсга кўра эса, бузилмайди, бу имом Шофеъий сўзларидир. Чунки унда нажосат чиқиши йўқ. Шунинг учун ҳам жаноза намозида, тиловат саждасида, намоздан ташқарида қаҳқаҳа отиб кулиш таҳоратни бузувчи эмас, дейилган. Абул Олиййа мисол қилиб ушбу ҳадисни ривоят қиладилар: «Албатта Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан бирга намоз ўқиётган эдилар, бир кўзи ожиз киши келиб, қудуқ олдидан ўтаётиб унга тушиб кетди. Одамларнинг баъзилари кулдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулган одамларга таҳоратни қайтадан қилиб, намозни қайтариб ўқишни буюрдилар»⁵⁴. Абул Олиййа машҳур киши эдилар. Имом Заҳабий у киши ҳақларида: «Абул Олиййа тобеъинларнинг улуғи ва ишончлисидир», деганлар.

Имом Абу Ҳанифа Мансур ибн Зозондан, у киши Ҳасандан, у киши Маъбад ибн Абу Маъбад Хузойидан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида бир кўзи ожиз киши ҳам намоз ўқишни хоҳлаб улар олдига келаётиб, чуқурга тушиб кетди. Одамлар қаҳқаҳа отиб кулиб юборишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиб бўлганларидан сўнг: «Сизлардан ким қаҳқаҳа отиб кулган бўлса, таҳоратини қайтадан қилиб, намозини бошидан ўқисин», дедилар⁵⁵. Бу ҳадисни Ҳофиз Муҳаммад ибн Талҳа ўз «Муснад»ларида зикр қилганлар.

Ривоятдаги Маъбад Басрадаги хузоъа қабиласидан бўлганлар. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ «Муснад»ларида хузоъалик, деганлар. Ибн Мунда ва Абу Нуъаймлар саҳоба деб зикр қилишган. Бу нарсалар ўзи ва ёнидагилар эшитадиган даражадаги кулгидир. Аммо ўзи эшитадиган даражадагина кулса, таҳоратни бузмасдан, балки намознинг ўзини бузади. Дорақутний Жобир розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятда келтиришларича, кулгида таҳорат йўқ. Бошқа ривоятда келтирилишича, намозда кулган киши ҳақида сўралганида, «Намозини қайтадан ўқийди-ю, таҳоратини янгиламайди», дедилар.

9. Фаҳш ишларга яқин бўлиш ҳам таҳоратни кетказди. Бу ҳақда Муоз розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Бирор киши бирор аёлга йўлиқса-да, ўрталарида танишлик бўлмаса, у киши хотинига бўладиган муомалани эмас, (ШУНДАЙ ЎЗГАРТИРДИМ) балки бўса олиш ва шунга ўхшаш фаҳш ишни қилса, яъни жимоъ қилмаса, бунга қандай қарайсиз?» деб сўради. Шунда Аллоҳ таоло: «Кундузнинг ҳар икки тарафида ва кечадан бир бўлагида намозни тўқис адо этинг! Албатта яхши амаллар ёмонликуноҳларни кетказур...» (Худ сураси, 114-оят) оятини нозил қилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қайтадан таҳорат қилиб, намоз ўқишни буюрдилар»⁵⁷.

⁵⁴ «Сунани Доруқутний», 1-китоб, 169-бет.

⁵⁵ «Сунани Доруқутний», 1-китоб, 167-бет.

⁵⁷ «Сунани Термизий», 4-китоб, 354-бет.

Ғусл боби

Ғуслдаги «ғ» ҳарфи замма билан бўлса, жасадни ювиш ва ювинишда ишлатадиган сув тушунилади. Агар «ғ» ҳарфи касрали бўлса, ғусл қилишда ишлатиладиган совун ва шунга ўхшаш нарсалар тушунилади.

Ғуслнинг фарзлари

Ғуслнинг фарзлари оғизга сув олиб чайиш, бурунга сув олиб қоқиш ва бутун баданни ювишдир. Таҳорат билан ғуслнинг фарқи шуки, таҳоратда юзни ювиш буюрилган. Ғуслда эса бутун баданни ювиш буюрилган. Бурун ва оғизнинг ичи эса юзга кирмайди. Аллоҳ таоло бу ҳақда: «Агар жунуб бўлсаларингиз, чўмилингиз», деб айтган (Моида сураси, 6-оят). Баданнинг барча ювиш мумкин бўлган аъзоларини ювиш фарз қилинди, кўзнинг ичини ювиш шарт эмас, унинг зикри олдин ўтди. Бурун ва оғизни ювиш мумкин бўлса, уларни ювиш зарар қилмайди, шунинг учун бу икки аъзони ювиш вожибдир. Бу сўзларни Али розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадис ҳам таъкидлайди: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жунуб бўлиб (ғусл қилаётганида) жанобатдан сочининг тағларини ювмаса, унга (дўзахдаги) оловдан шундай-шундай қилинади, яъни азоб берилади», дедилар». Али розийаллоҳу анҳу: «Шу сабабдан бошимдаги (сочни) душман тутдим, шу сабабдан бошимдаги (сочни) душман тутдим», деб уч марта айтдилар. Ҳазрат Али сочларини қирдириб юрардилар⁵⁸. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Маймуна онамиз розийаллоҳу анҳо: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ғусл қилишлари учун олдиларига сув келтириб қўйдим. У зот қўлларини икки ёки уч марта ювдилар, сўнг чап қўлларига сув қўйиб олатларини яланғочлаб ювдилар, кейин қўллари билан ерга уриб, сўнгра оғиз чайқаб, бурунларига сув олиб, юзлари ва қўлларини ювдилар, сўнг сувни бутун баданларига қўйдилар, кейин ювинган жойдан нарироққа бориб, икки оёқларини ювдилар», деб айтдилар»⁵⁹.

Сувни тананинг ҳамма жойига имкони борица ўзини қийнамасдан, қийинчиликсиз етказиш вожиб бўлади. Аёл киши фаржининг ичкарасига эмас, ташқарисига сув етказиши вожиб.

Танага сувнинг етишига халақит берадиган барча нарсани, масалан, тирноқдаги лакни ва шунга ўхшашларни кетказиш лозим.

Ғуслдаги фарз бир марта тўлалигича ювинишни ўз ичига олади. Эркаклар олатининг ичи (сийдик йўли)ни ювишда қийинчилик бўлмаса, ювиш фарз қилинди, агар қийналса, ювиш мажбурий эмас. Киндик чуқурчасини ювиш ҳам фарз қилинди, чунки у тана ташқарисиди бўлгани учун ювишда машаққат йўқ. Қулоқнинг тешигини ҳам ювишда хараж йўқлиги учун фарздир. Эркак кишининг соч ўримининг ичига сув етказиш фарз қилинди. Чунки соч ўрими эркак кишига зийнат эмас, уни ёйишда қийинчилик йўқлиги учун ёйиш лозим. Аёл кишининг соч ўримида агар унинг тагига сув етса, ўримни бузиш фарз эмас. Умму Салама розийаллоҳу анҳо онамиз бу ҳақда қўйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Мен: «Эй

⁵⁸ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 65-бет.

⁵⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 71-бет.

Аллоҳнинг расули, ўрилган сочим узун ва қалиндир, жанобатдан ғул қилганда ўримимни бузайми?» деб сўрадим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Соч ўримингга уч марта сув қуйсанг, кифоя қилади, сўнгра бутун танангга сув қуйсанг, пок бўласан», дедилар». Яна бир ривоятда «Соч ўримингни ҳар юганингда кафтинг билан пайпаслаб қўйгин» бўлиб келади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эркак киши сочини ёйсин, сочининг тагига сув етгунича ювсин, аёл кишига эса ундай эмас, сочини ёйиб ўтирмасин»⁶⁰, дедилар.

Агар аёл кишининг сочи мўл-кўл, зич бўлса, яъни сочининг тагига сув етишига монъелик қилса, уни ёйиш зарур.

Соқоли, сочи, мўйлови ва қоши қалин бўлса, ювиш фарз қилинди.

Ғулнинг суннатлари

1. «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» деб бошлаш. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Бисмиллаҳ...» деб айтиш одам боласи аврати билан жин кўзи ўртасида тўсиқдир», деганлар.

2. Бажараётган иши Аллоҳга қурбат ҳосил қилиб савобга эга бўлиши учун ният қилиш.

3. Агар баданида нажосат бўлса, ғулнинг аввалида нажосатни алоҳида ювиб ташлаш. Бу ҳақда Оиша онамиз шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғул қилишни ўнг томондан бошлаб, қуйиб ювардилар, сўнг ўнг томонларида нажосат бўлса, устига сув қуйиб, чап қўллари билан ювардилар»⁶¹.

4. Икки қўлни билагигача ювиш. Бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳо қуйидагича ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобатдан ғул қилсалар, икки қўллари ювишдан бошлардилар, сўнг намозга қилган таҳорат каби таҳорат олардилар»⁶².

5. Жинсий аъзосини нажосат тегмаган бўлса ҳам ювиш. Тик турганда жинсий аъзосига ёпишиб қолган, ўтирганида ёпилиб кетган қисмга хотиржам бўлиш учун сув етказди. Маймуна онамиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жанобатдан ғул қилишлари ҳақидаги ҳадисни ривоят қилиб дедилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қўллари икки ё уч марта ювдилар, сўнг қўллари сув тўла идишга тиқиб жинсий аъзоларини чап қўллари билан ювдилар»⁶³.

6. Намозга таҳорат қилгандек таҳорат олиш. Аъзоларини таҳоратдагидек уч мартадан ювади ва бошга бир марта масҳ тортади. Агар ғул қиладиган жойи сув йиғиладиган бўлса, ғулдан кейин оёғини иккинчи бор ювишга эҳтиёжи борлиги учун оёқларини охирида ювади. Агар ғул қиладиган жойи сув йиғилмайдиган жой бўлса, оёғини ювишни кечиктирмайди.

7. Сувни баданига уч марта қуйиш. Ҳар бир сув қуйганда бутун жасадига сув етиши керак. Жобир ибн Мутъим бу ҳақда шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида одамлар ғул ҳақида баҳслашдилар, қавмнинг баъзилари: «Мен бошимни

⁶⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 65-бет.

⁶¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 259-бет.

⁶² «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 69-бет.

⁶³ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 254-бет.

шундай-шундай юваман», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен бошимга уч марта сув қуяман», дедилар»⁶⁴.

Агар танага ҳар сув қуйишда сув барча баданга тегмаса, уч марта танага сув қуйишдаги суннат ҳосил бўлмайди. Агар ғул қилувчи одам оқар сув ёки шунга ўхшаш сувга шўнғиса ҳамда сувда таҳорат ва ғул қилиш миқдорича турса, уч марта ювишда шарт ҳосил бўлгани учун суннат комил бўлади. Ғулни бошига сув қуйиб бошлайди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бажарганларидек аввал бошини, сўнг ўнг тарафини, сўнгра чап тарафини ювади, чунки ўнг тарафдан бошлаб ювиш мустаҳаб. Кейин ўнг ва чап оёғини ювади, кейин жасадининг барча аъзоларини биринчи юваётганда ишқаб чиқади, иккинчи ва учинчи сув қуяётганида бутун баданига сув тегиб умумлашиши керак.

Барча аъзоларини ишқаб чиқиш суннат, лекин Имом Абу Юсуф қилган ривоятда «Ўзингизни поклангизлар», деган оят хослашлик учун келган, деб ишқаш вожиб, деганлар.

Ғулнинг одоблари

Ғулнинг одоблари таҳоратнинг одоблари каби, лекин ювинаёт пайтда қиблага юзланмайди. Чунки унинг аврати очиқ бўлади. Агар аврати ёпиқ бўлса, қиблага юзланишнинг зарари йўқ.

1. Ғул қилаётган киши гапирмаслиги мустаҳаб. Лекин аврати ёпиқ бўлса, дуонинг зарари йўқ. Аммо аврати очиқ бўлса, макруҳ.

2. Авратига назар ташлаши ҳалол бўлмаган одамларнинг бирортаси кўрмайдиган жойда ғул қилиш мустаҳаб, ғул қилаётганда ёки кийим кияётганда аврати зоҳир бўлиб қолиш эҳтимоли учун шундай. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу бу ҳақда шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Али розийаллоҳу анҳуга буюрган эдилар, у зот сув олиб келдилар. Сўнгра бир кийимни бериб: «Орқангни қилиб мени тўсиб тур», дедилар, кейин: «Аллоҳ азза ва жалла ҳаё ва сатрни яхши кўради», деб айтдилар»⁶⁵.

Агар эркак киши эркаклар олдида ғул қилаётганида тўсадиган нарса топа олмаса, имкон қадар тўсишга ҳаракат қилади. Аёл киши аёллар орасида ҳам шундай қилади, лекин аёл киши эркаклар орасида бўлса, ғул қилишни кечиктиради. Аёл киши ғул қилиш учун ёлғиз ўзи бўлса, яланғоч бўлиши жоиздир, эри билан жимом қилишда ҳам яланғоч бўлиши жоиздир, деб айтилган.

Таҳоратда нима макруҳ бўлса, ғулда ҳам шу нарса макруҳдир. Аммо ғулда дуо қилиш макруҳлар қаторига қўшиб қўйилди. Ғулда ва таҳоратда ишлатиладиган сувнинг миқдори йўқ. Чунки одамларнинг ҳолати бунда ҳар хил бўлади. Сувни исроф ҳам қилмай, тежаб ҳам юбормай, балки ўртача йўлни ўзига лозим тутди.

Ғулни вожиб қиладиган ҳолатлар

1. Эркак киши ва аёл кишидан уйқу ва уйғоқ ҳолларида манийнинг қувват ва шаҳват билан отилиб чиқиши.

⁶⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 258-бет.

⁶⁵ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 2-китоб, 123-бет.

Инзол дегани эркак кишининг белидан, аёл кишининг кўкрагидан суюқлик ажралиб оқиб чиқмоғидир. Маний эса оқ қуюқ суюқлик бўлиб, закардан чиққан вақтда закар бўшашади. Унинг ҳиди гул чангининг ҳидига ўхшайди. Аёл кишининг манийси эса нисбатан суюқроқ сариқ бўлади.

Агар киши жимоъ қилиб ёки қилмасдан эҳтилом бўлса, ё шу тўғрида ўйласа, ё қараса, ё закарини ўйнаса, шу ҳолларда маний ўз жойидан тананинг ташқарисига шаҳват билан отилиб чиқса, у одам жунуб бўлади ва уламоларнинг иттифоқи билан унга ғул вожиб бўлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «Албатта сув сувдандир»⁶⁶, яъни маний суви келса, кетидан сувда ғул қилинади, дедилар. Умму Салама розийаллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Аёл киши эҳтилом бўлгандан сўнг ғул қиладими?» деб сўраганларида, у зот: «Ҳа, агар сувни (манийни) кўрса», деб жавоб бердилар⁶⁷.

Имом Абу Ҳанифа ва Мухаммад айтишларича, ғулни вожиб қилувчи нарса киши белидан манийнинг шаҳват билан ажралишидир, агар закардан чиқмаган бўлса ҳам. Агар киши эҳтилом бўлиб, манийси шаҳват билан белидан ажраб, закарнинг қаттиқлиги маний чиқиши билан бўшашса, кейин шундоғича қолдирса ва шаҳватсиз маний оқса, икки имом фикрларича, бу ҳолда ғул вожиб бўлади. Абу Юсуф эса уларнинг бу фикрларига хилофдирлар. Агар киши жимоъ қилгандан сўнг сиймасдан ва ухламасдан олдин ғул қилса, ғулдан сўнг манийнинг қолгани чиқса, икки имом фикрларича, ғулни қайтадан қилиш вожиб, Абу Юсуф эса уларнинг бу фикрларига хилофдирлар. Агар манийнинг қолгани сийгандан ёки ухлагандан сўнг чиқса, уламолар иттифоғича, ғулни қайтадан қилмайди.

«Баҳрул муҳит» китобида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ айтишларича, агар бўйдоқ шаҳвати кучайиб кетса, таскин топиши учун бир илож қилиб манийни чиқариб ташлайди. Бу ҳаракати учун савоб ҳам, гуноҳ ҳам ёзилмайди. Муаллиф айтади: «Агар зино ёки шунга ўхшаш гуноҳ иш содир қилиб қўйишдан қўрқса, юқорида айтилган ишни бажариш билан икки зарарнинг енгилини бажарган бўлади. Аммо бу хунук иши шаҳват талабида бўлса, жоиз эмас. Ким уйқудан уйғонганида кийимида маний ёки мазийнинг юқини кўрса, унга ғул вожиб бўлади. Бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳо шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кийимида намлик кўрган киши ҳақида сўрашди, аммо эҳтимомлини зикр қилишмади. У зот: «Ғул қилсин», дедилар. Сўнг эҳтилом бўлган, лекин кийими ва танасида намлик топмаган одам ҳақида сўрашди. У зот: «Унга ғул шарт эмас», дедилар. Умму Сулайм розийаллоҳу анҳо: «Аёл киши ҳам ўзида шу ҳолатни кўрса, ғул лозим бўладими?» деб сўраганларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, албатта аёллар эркакларнинг ярмидирлар», деб жавоб бердилар»⁶⁸.

Лекин «Ал-Ихтиёр» китобида айтиладики, аёллар агар эҳтилом бўлиб қолса-да, намликни кўрмаса, уйғонганида орқачалаб ётган бўлса, эҳтиёт юзасидан, ғул вожиб бўлади, чунки маний чиқиб, сўнг қайтиб кириб кетган бўлиши мумкин. Аёлларнинг эҳтиломи зоҳир бўлиши – чиқишлиқдир. Эркакларда эса маний чиқадиган жой тор бўлгани учун

⁶⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 269-бет.

⁶⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 76-бет.

⁶⁸ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 2-китоб, 116-бет.

чиққан маний қайтиб кириб кетмайди. Аёл бошқа томонга ағанаган ҳолда уйғонса, унга ғул вожиб бўлмайди.

Мазий кўринишидан манийга ўхшайди, лекин суюқроқ бўлади. Эҳтиёткорлик юзасидан унга ҳам ғул қилиш вожиб бўлади.

2. Эркак кишининг жинсий аъзоси аёл кишининг жинсий аъзосига кирса, маний тушмаса ҳам, ғул вожиб бўлади. Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эркак ва аёл жинсий аъзоси бир-бирига кирса, ғул вожиб бўлади», деганлар. Мен ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилиб ғул қилдик»⁶⁹. Баъзи ривоятларда: «Эр ва аёл жинсий аъзолари бир-бирига кирса, ғул вожиб бўлди», деб келади. Эр ва аёл аъзоларининг бир-бирига маний оқмасдан киришида ғул вожиб бўлмаслигини билдирувчи кўп ҳадислар эса рухсат учун келган, сўнгра бу ҳукм мансух бўлган. Имом Аҳмад «Муснад»ларида Убай ибн Каъбдан ривоят қиладилар: «Сув сувдандир, деган фатвога Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исомнинг аввалида рухсат берганлар, кейин эса манийдан сўнг ғул қилишга уларни буюрганлар». Ва яна Руфоъа ал-Ақалий ал-Бадрийдан ривоят қилинади, у зот: «Мен Умар розийаллоҳу анҳу ҳузурларида эдим, у кишига: «Зайд ибн Собит маний оқмасдан жимоъ қилганда маний оқмаса (ғул шарт эмас, деб) ўзининг раъйи билан масжидда одамларни фитнага солмоқда», деб айтишди. Умар розийаллоҳу анҳу: «Уни менинг олдимга тез келтиринглар», дегандилар, Зайдни олиб келишди. Умар розийаллоҳу анҳу: «Эй нафсига душман кимса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мажидларида одамларни ўз раъйинг билан фитнага солаётганингни менга айтишди», дедилар. Зайд розийаллоҳу анҳу: «Мен ундай қилмадим, лекин амаким Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган гапларини айтдим», дедилар. Умар розийаллоҳу анҳу: «Қайси амакин?» деб сўрадилар. Зайд розийаллоҳу анҳу: «Убай ибн Каъб», дедилар. Ҳазрат Умар розийаллоҳу анҳу менга қараб: «Ким бу фитна гапни айтди?» деб сўрадилар. Мен: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида шундай қилар эдик», дедим. Умар розийаллоҳу анҳу: «Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраганмидингиз?» дедилар. Мен: «Биз у зот замонларида шундай қилиб, (кейин) ғул қилмасдик», дедим. Умар розийаллоҳу анҳу одамларни йиғганларида улар сув фақат сувдандир, деган фикрга иттифоқ бўлишди. Фақат икки киши Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳу ва Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анҳу бу фикрга қўшилишмади. Улар иккови: «Агар эрнинг жинсий аъзоси аёлининг жинсий аъзосига кирса, ғул вожиб бўлади», дедилар. Али розийаллоҳу анҳу: «Эй мўминлар амири, бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинларидан билиш мумкин», дедилар. Ҳафса онамиз розийаллоҳу анҳога одам юборишди. Ҳафса онамиз: «Менда бу тўғрида илм йўқ. Оишага одам юборинглар», дедилар. Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо: «Агар эр жинсий аъзоси аёли жинсий аъзосига кирса, ғул вожиб бўлади», дедилар. Ҳазрат Умарнинг аччиқлари чиқиб: «Бирор кимсанинг шу ишни бажариб, ғул қилмай юрганини мен эшитмай! Агар эшитиб қолсам, жазолайман», дедилар»⁷⁰.

⁶⁹ «Сунани Термизий», 1-китоб, 73-бет.

⁷⁰ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 2-китоб, 110-бет.

Имом Муслим ўз саҳиҳларида Абул Аъло ибн Шаҳхирдан ривоят қиладилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларининг баъзиси баъзисини мансүх қилганидек, Қуръондаги баъзи оятлар баъзисини мансүх қилади. Албатта сўв сўвдандир, деган ҳадис мансүхдир.

Шунингдек, орқага ватий қилишда сабаб комил бўлгани учун ғуслни вожиб қилади. Ҳамда қилинган кишига ҳам эҳтиёт жиҳатидан ғусл вожиб бўлади. Орқа эса доимий нажосат жойидир. Аллоҳ таоло ҳайз ҳолатида вақтинчалик нажосат борлиги учун фаржга жинсий алоқа қилишни ҳаром қилган. Энди доимий нажосат бўлган жойга жимом қилишнинг ҳаромлиги аълороқдир. Кўп саҳиҳ ва ҳасан ҳадислар аёл кишининг орқасига ватий қилишни ман этиб ворид бўлди.

Бу ҳақдаги ҳадисни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўн иккита саҳоба ривоят қилишган. Имом Аҳмад Хузайма ибн Собит розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло ҳақдан ҳаё қилмайди, аёлларингиз орқаларига ватий қилманглар», дедилар»⁷¹. Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўз аёлининг орқасига жимом қилган лаънатлангандир», дедилар⁷².

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ўз аёлининг орқасига жимом қилса, Аллоҳ таоло унга қиёмат куни қарамайди», дедилар. Имом Товусдан ривоят қилинади. У зот: «Лут қавмининг амали аёлларнинг орқаларига ватий қилишдан бошланган. Ким шу ҳолга тушиб қолса, Аллоҳ таолога тавба қилиб, қилган ишига надомат чекиб, қалби билан у ишга қайтмасликка қарор қилсин», дедилар.

Имом Молик, имом Шофеъий, имом Аҳмад, имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммадлар орқага ватий қилиш фаржга зино қилишга ўхшаш ҳаромдир, дейишади. Қуръони каримда орқага ватий қилиш билан бегона аёлнинг олдига ватий қилиш бир хил фаҳш иш, деб номланган. Аллоҳ таоло Лут алайҳиссалом қавми тўғрисида шундай дейди: «Албатта сизлар шундай фаҳш ишлар қилмоқдасизлар...» (Анкабут сураси, 28-оят). Зинокорлар тўғрисида эса Қуръонда шундай дейилади: «Хотинларингиздан қайси бир аёл фоҳишалик қилса...» (Нисо сураси, 15-оят). Шу сабабли орқа томонга қилувчига ҳам, қилинувчига ҳам эҳтиёт юзасидан ғусл қилиш вожиб.

3. Ҳайз ва нифоснинг тўхташи ғуслни вожиб қилади. Аллоҳ таоло Қуръонда «Хатто поклангунларича» (Бақара сураси, 222-оят), дейди. Яъни, ғусл қилгунларича уларга яқинлик қилишни шиддат билан ман қилади. Имоми Аъзам Амр ибн Масъддан ривоят қиладилар, икковлари қони тўхтаган ҳайзли аёл ҳақида: «У аёл ғусл қилмагунича ҳайз кўрган ҳукмидадир», дейишган. Агар ғусл қилиш вожиб бўлмаганида яқинлашишдан ман этилмас эди. Аммо нифосда ғусл қилиш уламолар ижмоъсига кўра, вожибдир. Муоз розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши нифос кўрган аёллар олдидан ўтиб кетаётиб: «Етти кун кутсин, сўнг тоза бўлганини кўрса, ғусл қилиб намозини ўқисин», дедилар⁷³.

Мустаҳоза аёл ҳайз кўриш одатидаги кунлар ўтса, ғусл қилиши вожибдир. Чунки у шу ҳолатда тоза бўлган ҳукмидадир.

⁷¹ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 16-китоб, 224-бет.

⁷² «Жомиур Ризавий» («Саҳиҳи Бухорий»), 1-китоб, 119-бет.

⁷³ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 176-бет.

Ғуслни вожиб қилмайдиган нарсалар

1. Мазий – у суюқ сув бўлиб, шаҳват пайтида чиқади. Лекин шаҳват билан ёки отилиб чиққанида олат бўшашиб қолмайди. Кўпинча унинг чиққани сезилмайди. У эркаклардан кўра кўпроқ аёлларда содир бўлади. Унга таҳорат қилинади. Бу ҳақда Саҳл ибн Ҳаниф розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Мен мазийси тез чиқиб кетадиган одам эдим ва ундан кўп ғусл қилардим. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраганимда у зот: «Бу ишда таҳорат қилсанг етади», дедилар. Мен: «Эй Расулulloҳ, ундан кийимимга тегса, нима қилай?» деб сўрадим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кафтингда сув олиб кийимингга теккан жойга сув сепишинг кифоя қилади», деб жавоб бердилар»⁷⁴.

2. Вадий – оқ ва қуюқроқ, хира, ҳидсиз бўлиб, сийдикнинг кетидан тушади. Юқорида айтилганидек, вадий қуюқликда манийга ўхшайди, ранги хиралигида эса ўхшамайди. Вадий сийдикдан кейин бир томчи ё икки томчи бўлиб тушади. Ва яна оғир нарсани кўтарганда, жимоъ сабабли ғусл қилгандан сўнг оқиб тушади. Вадий таҳоратни синдиради. «Вадий келганда таҳорат вожиб бўлишининг фойдаси нима? Ваҳоланки, сийишдан олдин таҳорат вожиб бўлган эди-ку», дейилса, қуйидагича жавоб бераман: юқорида зикр қилганимдек, вадий гоҳида сийдиксиз ҳам тушади ёки сийдигини тутиб тура олмайдиган кишиларда унинг фойдаси зоҳир бўлади. Чунки унинг таҳорати сийдиксиз ҳам вадий билан бузилади.

3. Намлик келмасдан эҳтилом бўлиши.

4. Икки йўлдан бирига клизма қилиш ёки бармоғини тиқиш.

5. Ҳайвонни ёки ўликни (маний чиқармасдан) ватий қилиш ва у ҳаромдир.

6. Бокира қизнинг қизлиги олинаётган вақтда маний оқмасдан қизлиги олинмай қолса, ғусл вожиб бўлмайди. Чунки у икки жинсий аъзони қовуштиришни ман этади.

Суннат бўлган ғусллар

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жума намозига, икки ҳайитга, ҳаж ва ёки умрага эҳром боғлаганда, ҳаж қилувчи Арафотда заволдан сўнг ғусл қилишини суннат деб эълон қилдилар. Факиҳ ибн Саъд шундай ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жума куни, арафа куни, рамазон ҳайити ва қурбон ҳайити куни ғусл қилардилар. Факиҳ ибн Саъд розийаллоҳу анҳу ҳам оилаларини шу кунларда ғусл қилишга буюрардилар⁷⁵. Бир киши Али розийаллоҳу анҳудан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғусллари ҳақида сўради. Али розийаллоҳу анҳу: «Жума куни, арафа куни ва рамазон ҳайити куни», деб жавоб бердилар⁷⁶.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Кимки жума кунига етса, ғусл қилсин», деганларини эшитган эканлар⁷⁷. Ибн Умар ўзлари жанобатдан ғусл қилгандек икки

⁷⁴ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 54-бет.

⁷⁵ «Муснади Аҳмад», «Банно» шарҳи билан, 2-китоб, 144-бет.

⁷⁶ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 248-бет.

⁷⁷ «Сунани Термизий», 1-китоб, 308-бет.

хайитга ғул қилардилар. Эҳромга ғул қилиш ҳақида Зайд ибн Собитдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳромга кириш учун ечиниб ғул қилдилар».

Қаттиқ эслатма: зоҳирий поклик ботиний поклик билангина фойда беради. Ботиний поклик қалбнинг ғилли-ғашлардан, гина ва ҳасадлардан пок бўлиб, қалбдан барча дунёвий нарсаларни чиқариб ташлаш, қалб фақат Аллоҳ билан машғул бўлмоқлигидир. Унинг иллатига муҳтож бўлиб эмас, балки Аллоҳнинг Зотиға ибодат қилинг. Аллоҳ таоло сиз мажбур бўлган барча ҳожатларингизни Ўз фазл-марҳамати ва миннати билан раво қилади. Шунда сиз ягона ва ёлғиз Молик Аллоҳга ибодат қилувчи бир банда бўласиз. Ана шунда Ундан бошқа бирор нарсга ўғирлаб олмайди. Ва ҳавойи нафсингиз Унинг хизматидан бошқа нарсга эга бўлмайди.

Ҳасан Басрий: «Кўп ифбатлилар бор. Уларнинг шахвати ҳаракатсиз эди. У тўсиқ шахватини очиб, унга шўнғиган эди, шахватга ботиб қолди. Кўп шахватига қуллар бўлиб, шахватига бошлиқ бўлган эди, оқибатда унга ҳукмрон бўлди».

Агар банда Аллоҳ буюрган ва рози бўлган нарсада Аллоҳ учун холис бўлиб, уни адо этса, юзланган ва қасд қилган нарсасига эриштиради ҳамда билмаган нарсасини билдиради.

Таҳоратга яроқли сувлар ҳақида

Ҳадаслар (яъни, таҳоратсизлик) – кичик ҳадас, катта ҳадас (яъни, катта ҳадас – жанобат, ҳайз, нифосдир).

Нажосатлар – сийдик, катта нажас, оқувчи қон, ҳайз ва нифос қонлари, мазий, вадий, оғизни тўлдириб қайт қилгандаги қусқудир. Таҳоратсизликдан осмон суви, денгиз суви, қор суви, дўл суви ва дарё сувлари билан таҳорат қилинади. Аммо осмон сувлари ҳақида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: «Биз осмондан пок сув ёғдирдик» (Фурқон сураси, 48-оят). Яна: «Сизлар у билан покланишингиз учун, сизлардан шайтон васвасасини кетказиш учун, дилларингизни бир ва қадамларингизни маҳкам қилиш учун устингизга осмондан сув-ёмғир ёғдирган эди» (Анфол сураси, 11-оят).

Денгиз суви ҳақида Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, биз денгизда (кемада) кетаётганимизда ўзимиз учун ичишга озгина сув оламиз. Агар унга ўша ичимлик сувида қилсак чанқаб қоламиз. Денгиз сувида таҳорат олаверамизми?» деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Денгиз суви покдир ва ўлимтиги ҳалолдир», деб айтдилар»⁷⁸. Сувда яшайдиган ҳайвон сувда ўлса, уни фосид қилмайди, у сувда туғилган ва яшаш жойи сув бўлиши керак, унинг жасадидан қон оқиш ёки оқмаслигининг фарқи йўқ. Агар сув қушларига ўхшаб, у ердан озуқа олса-ю, лекин сув ичида нафас олиб яшайдиган бўлса, у нажосатдир.

Қор ва дўл суви ҳақида ҳам Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ушбу ҳадисни ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни намозни бошлаб, қулоқ қоққандан сўнг озгина вақт жим қолдилар, кейин мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Расулulloҳ! Такбир ва

⁷⁸ «Ал-Муватто», 1-китоб, 35-бет.

кироатнинг орасида жим қолганингизда нима дедингиз?» деб сўрадим. У зот: «Мен: «Эй Аллоҳим, мен ва хатоларим орасини машриқ ва мағриб оралиғича узоқ қилгин, эй Аллоҳим, оқ кийимни кирлардан поклаганингдек, хатолардан мени покла, эй Аллоҳим, хатоларимни сув, қор ва дўл билан ювиб ташла, дедим», деб айтдилар»⁷⁹.

Дарё сувлари ҳақида Ибн Аббос шундай дейдилар: «Икки дарё – Баҳр ва Фурот дарёси ҳам сенга зарар бермайди»⁸⁰.

Қудуқ суви ҳақида Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу шундай дейдилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бузоа қудуғидан сув олиб таҳорат қилаётганларида ёнларидан ўтаётиб: «Бу сувга макруҳ қилувчи сассиқ нарсалар тушади, шу сувда таҳорат қиляпсизми?» деб сўрасам, у зот: «Сувни ҳеч нарса нажас қилмайди», дедилар». Баъзи ривоятларда: «Сув покдир, уни ҳеч нарса нажас қила олмайди», деганлар⁸¹.

«Ҳеч нарса нажас қила олмайди» иборасининг маъноси сув ўзгармагуничадир, аммо ўзгарса, у сув ҳолатидан чиқади, сувни поклаш хусусияти қолмайди. Юқоридаги ҳадис Бузоа қудуғи ҳақидадир, у қудуқнинг суви кўпдир. Агар сув кам бўлса, нажосат тушиши билан сув нажас бўлади.

Одамларнинг жоҳилият ва Исломдаги одатлари сувларни тозалаб, нажосатдан сақлаш эди. Саҳобаларда ҳам бу одат бўлиб, улар одамларнинг энг покроғи ва тозаси эдилар. Улар учун сув азиз бўлганини ҳисобга олиб шундай қилардилар. У қудуқ паст ерда жойлашган эди. Сел ўз йўлидаги ифлосликларни оқизиб келиб шу қудуққа ташларди. Шамоллар ҳам ҳар хил нарсаларни учириб келиб шу қудуққа ташларди. Агар сув оқими ва шамол иккови жам бўлиб, қудуққа нарса ташламоқлиги мумкин бўлса, мунофиқлар ҳам шу ишни қилардилар, деб айтиш мумкин.

Бузоа қудуғи боғларга оқадиган сув йўлида жойлашган эди. Сув унда туриб қолмасди. Унинг ҳукми анҳордаги оқиб турган сувнинг ҳукмида эди.

Агар худди шундай ҳолатдаги сувга нажосат тушса, сув нажас бўлмайди. Лекин таъми, ранги ёки ҳиди ўзгарса, нажас бўлади. Савбон розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сув ўзи покдир, агар унинг ҳиди ёки таъми ўзгармаса», дедилар»⁸². Рошид ибн Саид Абу Умома Боҳилийдан ривоят қилишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сувга тушган нарса сувнинг ҳидини ёки таъминини ўзгартирмаса, сув нажас бўлмайди»⁸³, дедилар. Бу ҳадис кўп сувга тааллуқлидир. Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳу: «Агар сув қирқ қўлла (қўза) бўлса, уни ҳеч нарса нажас қила олмайди»⁸⁴, дедилар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу: «Агар сув миқдори қирқ қўлагача (қўза) бўлса, нажас бўлмайди», дедилар⁸⁵. Ибн Мункадир: «Сув қирқ қўлага етса, нажас бўлмайди», дедилар⁸⁶. Иситилган сувда ювинишнинг зарари йўқдир. Бу ҳақда Зайд ибн Аслам оталари Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳунинг қўллари Аслам розийаллоҳу анҳудан ривоят

⁷⁹ «Сунани Насай», 2-китоб, 129-бет.

⁸⁰ Ибн Абу Шайбанинг «Муснаф»и, 1-китоб, 130-бет.

⁸¹ «Сунани Насай», 1-китоб, 174-бет.

⁸² «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 28-бет.

⁸³ «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 28-бет.

⁸⁴ «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 27-бет.

⁸⁵ «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 27-бет.

⁸⁶ «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 27-бет.

қиладилар. Умар ибн Хаттобга сувни мис идишда иситиб беришарди. У зот ўша сув билан ғул қилардилар⁸⁷. Аёл кишидан ортиб қолган сувда таҳорат қилиш жоиздир. Ибн Аббос ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи (бир) аёллари идишда ғул қилдилар. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан таҳорат олмоқчи бўлгандилар, аёллари: «Эй Расулulloх, мен жунуб эдим», деди. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сув жунуб бўлмайди», дедилар»⁸⁸.

Қони йўқ нарсалар сувга тушиб ўлиб қолса, у сув билан таҳорат қилиш жоиз. Иброҳим Нахайй бу ҳақда шундай дейдилар: «Ҳар бир қони оқувчи жонивор тушган сувда таҳорат қилиб бўлмайди. Лекин қўнғизлар, чаён, чигиртка ва жаджад (қора чигиртка)га ўхшаш нарсалар қудуққа тушиб қолса, зарари йўқ». Шауба ибн Ҳажжож: «Қуртнинг турларидан бирини ҳам зикр қилдилар, деб ўйлайман», дедилар.⁸⁹ Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангизнинг сув идишига пашша тушса, уни сувга чўктириб, кейин олиб ташласин, чунки унинг бир қанотида шифо бўлса, бошқа қанотида касаллик бордир», деб марҳамат қилганлар⁹⁰.

Мушриклар идишидаги сувда ҳам таҳорат қилиш жоиз. Имрон ибн Ҳасин шундай ривоят қиладилар: «Қавм орасидан бир киши биздан ажраб, биз билан намоз ўқимади. Намоз ўқиб бўлингандан сўнг Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Эй фалончи, биз билан намоз ўқишингни нима ман қилди?» дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг набийси, мен жунуб бўлиб қолдим», деди. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам унга тупроқ билан таяммум қилишни буюрдилар, у таяммум қилиб намоз ўқиди. Сўнгра ўз маркабида (отида) мендан шошиб ўзиб кетди. Бизда сув талаби бўлиб, қаттиқ сувсаган эдик, биз йўл юриб, халтаси орасидан оёғини осилтириб ўтирган бир аёлга учрадик... Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга буюргандилар, у аёлнинг туяси чўктирилди. Кейин Расулulloх ҳалиги икки мешдан сув олиб оғизларини чайқаб қайтиб, мешга тўқдилар, сўнг уларни бизга бердилар, ўшанда биз ундан ичдик, биз қирқ киши бўлиб, барчамиз чанқоқ эдик. Ўша сувдан ҳаммамиз ичиб, чанқоғимизни босдик. Ҳамда у мешдан идишларимизни тўлдириб ҳам олдик, кейин ҳалиги биродаримизни ювинтирдик...». (Бу ҳадисда Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари зикр қилинмоқда⁹¹.)

Аҳли китобларнинг суви билан ҳам таҳорат қилиш жоиздир. Зайд ибн Аслам оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Биз Шом диёрида бўлганимизда Умар ибн Хаттобга мен сув олиб бордим, у киши сувдан таҳорат қилиб бўлиб: «Бу сувни қаердан олдинг? Чучук сув ва осмон сувларининг орасида бу сувдан ёқимлироғини кўрмадим», деганларида, мен: «Бу сувни мана бу насроний кампирнинг уйидан олдим», дедим. Умар розийаллоҳу анҳу таҳорат қилиб бўлганларидан сўнг у аёлнинг уйига бордилар ва: «Эй кампир, Исломга киргин, саломат бўласан, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақ дин билан юборди», дедилар. У кампир бошини очди, бошидаги сочи сағомага ўхшаб қолган

⁸⁷ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 6-бет.

⁸⁸ «Сунани Термизий», 1-китоб, 44-бет.

⁸⁹ «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 33-бет.

⁹⁰ «Саҳиҳи Бухорий», 8-китоб, 171-бет.

⁹¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 47-бет.

эди (сағома бир ўсимлик бўлиб, гуллари майда, оқ, меваси эса оқиш доғ аралашган бўлади). У кампир: «Мен қари кампирман, ҳозир ўлишим мумкин», деди. Умар розийаллоҳу анҳу: «Эй Алоҳим, Ўзинг гувоҳ бўл», дедилар»⁹².

Агар сувга пок нарса аралашган бўлиб, кўпроқ сифатини ўзгартирган бўлса ҳам, бу сувда таҳорат қилиш жоиз. Сувнинг учта сифати: таъми, ранги, ҳидидир. Агар пок нарса сувнинг иккита сифатини ўзгартирса, у сувда таҳорат қилиш жоиздир. Агар куз вақтида дарахт барглари сувга тушиб уч сифатини ўзгартирса, барча соҳибларимиз фикрича, у сувда таҳорат қилиш жоиз. Бу фикр «Жавҳара» китобида ҳам ёзилган. Ундаги далилнинг асли эса Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилган қуйидаги ҳадисдир: «Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан эҳромда ҳажда эди, туядан йиқилиб бўйни синиб ўлди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни сидр ва сув билан ювинглар ва икки кийими билан кафанланглар, хушбўй нарса сурманглар, бошини ўраманглар, чунки у қиёмат куни сочига ёғ суртилиб, йиғлаган ҳолда келади», дедилар». Баъзи ривоятларда «талбия айтган ҳолда келади», дейилган⁹³.

Мужоҳид Умму Ҳанеъдан ривоят қиладилар. Умму Ҳанеъ: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маймуна онамиз билан барча хамир юки бор идишдаги сувда ғул қилдилар»⁹⁴.

Катта кўлдаги сувда ҳам таҳорат қилиш жоиз. Катталиги, сув кўплигининг эътибори кўлда нажосат сув билан аралашиб кетиш-кетмаслигини фикрлашдир. Агар кўлнинг бир четига нажосат тушса, бошқа бир четига етмайди, деб кўз билан чамаласа, кўлнинг у четини ҳаракатлантирса ҳам, бу чети ҳаракатланмаса, унда таҳорат қилиш жоиз, агар ҳаракатланса, жоиз эмас. Ҳар томони ўн газ бўлиши ҳақидаги сўзга шаръий насс (оят, ҳадис) ворид бўлмаган. Бу миқдор «Ҳидоя» китоби муаллифи, «Қозихон» китоби муаллифларига ўхшаш мутааххир уламоларининг фикридир. Имоми Аъзам ўз фикрларига шаръий миқдор деб билмаган нарсани ҳукм қилмайдилар. Бу ишнинг ҳукмини шу ҳолатга тушган одамнинг фикрига топширадилар. Агар мазкур одам кўлни катта, суви кўп, деб чамаласа, у шунақадир. Бу гап Абу Юсуф ва Муҳаммадлардан ҳам ривоят қилинган.

Агар кўл катта, суви кўп бўлса, суви пок бўлади, уни бирор нарса нажас қила олмайди. Фақат ҳиди ё таъми ёки ранги ўзгарса, нажас бўлади. Кўзалар ҳақидаги ҳадис Бухорий шайхлари Али ибн Мадийний айтганларидек собит эмас. Бу ҳадисни Ҳофиз ибн Абдул Бирр ва бошқалар заиф деб айтганлар.

Ошланган тери идишдаги сувда таҳорат қилиш жоиз. Ибн Ваъла ас-Сабъий: «Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан бу ҳақда сўраб: «Биз мағриб шаҳарларида бўламиз, олдимизга мажусийлар қўлида идиш билан келиб қолади. У идишда сув ва ёғ бўлади», десам, у зот: «Ичавер», дедилар. Мен: «У ҳақда бирор нарса биласизми?» десам, Ибн Аббос: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Тери ошлаш билан пок бўлади», деганларини эшитдим», дедилар»⁹⁵. Ошланган тери устида ёки

⁹² «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 32-бет.

⁹³ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 866-бет.

⁹⁴ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 7-бет.

⁹⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 278-бет.

ошланган терини кийиб намоз ўқиш жоиз. Ошланган теридаги сувда таҳорат олиш ҳам мумкин. Лекин чўчка териси ошланган бўлса, жоиз эмас. Чунки у айни ўзи нажосатдир. Аллоҳ таоло: «Чўчка гўшти, албатта, у рижс-нажасдир» (Анъом сураси, 145-оят), деб марҳамат қилади. Одам териси мукаррам бўлгани учун ошлаш билан ҳам пок бўлмайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар тери ошланса, у покдир», деб марҳамат қилганлар⁹⁶.

Ўлаканинг сочи ва жуни покдир. Язид ибн Абу Хубайб Абул Хайрдан ривоят қиладилар: «Мен Али ибн Ваъла ас-Сабъийда ошланган қўй терисини кўриб, уни ушлаб кўрдим. У: «Нимага буни ушлаб кўряпсан? Мен Абдуллоҳ ибн Аббосдан эшитганман, у зот: «Биз мағрибда бўлганимизда биз билан барбарлар, мажусийлар бўлиб, улар қўчқор келтириб, уни сўйишарди ва биз уларнинг сўйган нарсаларини емасдик. Ва яна тери идиш олиб келишар эди, у идишда ёғ бўлар эди», деганлар. Яна Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу ҳақда сўраганмизда, у зот: «Тери ошлаш билан пок бўлади», деб айтганлар», дедилар», деди».

Соч ва жунни агар қирқса ёки қириб олса, покдир. Лекин юлиб олса, нажосатдир.

Таҳорат қилишга ярамайдиган сувлар

Озгина сувга нажосат тушса, бу сувда таҳорат қилиш жоиз эмас. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Оқмай туриб қолган сувга сиймагин. Кейин ўша сувда ғул қиласанми?» дедилар⁹⁷. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сувни нажосат тушишидан сақлашга буюрдилар. Юқоридаги ҳадисда қайтариқ бор. Бир нарсадан қайтариш унинг зиддига буюришдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз жунуб бўлса, туриб қолган сувда ғул қилмасин», деб (кейин): «Қандай қилинади, эй Абу Хурайра?» дедилар. Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу: «Ундан ташқарига олиб ювинади», дедилар.

Сувга тушган нажосатнинг ранги сувга чиқиб кетса ёки ҳиди ё таъми ўзгарса, бу сув билан таҳорат қилиб бўлмайди. Абу Умома ал-Боҳилий ривоятларида сувнинг ҳиди ёки таъми ўзгарса, нажас бўлади⁹⁸, дейилган.

Ишлатилган сув билан таҳорат қилиш жоиз эмас. Масалан, бир киши ҳадасни (таҳоратсизликни) кетказиш учун ёки бошқа одам қурбат ҳосил қилиш учун сув ишлатди. Аввалгиси ниятсиз, таҳорати йўқ одам таҳорат олишига ўхшаш, иккинчиси таҳорати бўла туриб қурбат ҳосил қилиш (ибодат, савоб) ниятида қайта таҳорат олишидир. Мисол учун бир одам шомни ўқиб, сўнг таҳоратини сақлаб хуфтон вақтига келди, сўнг таҳорати бўла туриб, хуфтон намозига қайтадан таҳорат қилди. Икки ҳолдаги аъзолардан тушган сув ишлатилган сув (яъни, мустаъмал) дейилади, агар бу икки ҳолатдаги оқиб тушган сувларни бир идишга жамласак, бу сувда катта ва кичик ҳадаслар етганида таҳорат қилишга ярамайди.

Агар бир киши таҳоратини бир ўтиришда икки марта қилса, макруҳдир. Иккинчи ишлатган суви истеъмол қилинмаган ҳукмидадир.

⁹⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 278-бет.

⁹⁷ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 230-бет.

⁹⁸ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 28-бет.

Овқатдан олдин ва кейин қўлни ювиш бу ҳақда ҳадис ворид бўлгани учун савобдир.

Агар таҳорати бор одам қўли лой ёки ифлос бўлгани учун ювса, ундан савоб мақсад қилмаса, худди кийим ювилгандаги ёки бошқа нарсалар ювилгандаги сувга ўхшаш истеъмол қилинган сув ҳукмига кирмайди. Агар таҳоратда ювадиган аъзоларини таҳорат фарзи соқит бўлиши учун ювса, ундан фарз соқит бўлгани учун тушган сув истеъмол қилинган (муस्ताъмал) сув ҳукмини олади. Бунга ҳамма иттифоқ қилинган. Таҳорат тўла қилиб бўлинганидан кейин таҳоратсизликни кетказиш, деб номланади.

Ишлатилган (муस्ताъмал) сув ўзи покдир, лекин нажосатлардан пок қилмайди ва ҳадасни кетказмайди. Дарахтнинг суви билан ҳам таҳорат қилиш мумкин эмас. Мевани сиқса ёки уни сиқмасдан меванинг ўзидан сув чиқса, бу сувлар мутлақ сув бўлмагани учун улар билан таҳорат қилинмайди. Сув деган исм уларга берилмайди. Табиати ўзгарган сувда таҳорат қилиш мумкин эмас. Сувнинг табиати, деганда суюқлиги, оқими, чанқоқ босиши, қиздирганда пишиши, масалан, музни иситса, эришига ўхшаш, ясмиқсимон бўлиши, совуқда қуюқлашиб зичлашиши тушунилади. Шунга ўхшаш агар сидр суви қайнатганда қуюқлашиб қолса, таҳорат қилиш жоиз эмас, агар қайнатганда суюқлигича қолса, жоиздир.

Заъфарон, мевалар, дарахт баргларига ўхшаш нарсалар тушиб, барча сифатлари ўзгарган, қайнатилмаган ҳолда қуюлган сувнинг бу ҳолида таҳорат қилиш жоиз. Муҳаррам ва унинг туяси ҳақидаги ҳадисга кўра, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни сидр ва сув билан ювишга буюрганлар. Икки сифати бор суюқлик сувга аралашиб, унда бир сифатигина, масалан, ранги ёки таъми зоҳир бўлса ҳам, бу сувда таҳорат қилиш жоиз эмас. Сутга ўхшаш, ранги ва таъми бор нарса сувга аралашса, сувнинг бирор сифати ўзгармаса, у билан таҳорат қилиш жоиз. Лекин агар бирорта сифати ўзгарса, жоиз эмас.

Бир сифати бор суюқлик сувга аралашиб, ўша сифати сувда зоҳир бўлса, бу сув ҳам таҳорат учун жоиз эмас, атиргул суви ва майда гуллар сувига ўхшаш.

Учта сифати бор суюқлик сувга аралашиб, сувда у суюқликнинг икки сифати зоҳир бўлса, масалан, сиркага ўхшаш, унинг ранги, таъми ва ҳиди бор, бу сув билан таҳорат қилиш жоиз эмас. Сувда суюқликнинг (масалан, сирканинг) ранги ва таъми зоҳир бўлса, у билан таҳорат қилиш мумкин эмас. Агар уч сифатли суюқлик сувга аралашганда биргина сифати сувда зоҳир бўлса, бу сув билан таҳорат қилиш жоиз. Сифати йўқ (ранги, таъми, ҳиди йўқ) суюқлик сувга аралашиб ғолиб келса, бу сув билан ҳам таҳорат олиш жоиз эмас. Ғолиб келиши вазни биландир. Агар суюқлик сувдан кўпроқ миқдорда бўлса, сувдан ғолиб келади ва у билан таҳорат олиш жоиз эмас.

Қудуқ суви билан таҳорат қилиш ҳақида

Қудуққа одам ёки ҳайвон тушиб ўлиб қолса ё нажосат тушган бўлса, у нарсаларни ва сувнинг барчасини қудуқдан чиқариб ташлаб, қудуқ қурилгандан сўнг йиғилган сув билан таҳорат қилиш жоиз. Дорақутний Муҳаммад ибн Сирийндан ривоят қилиб айтадилар: «Бир ҳабаш (негр) замзамга тушиб кетиб ўлди. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу уни олиб

ташлашни ва қудуқдаги барча сувни чиқариб қуритишни буюрдилар»⁹⁹. Ибн Абдул Бирр: «Ибн Сирийн ривоят қилган мурсаллар Саид ибн Мусайиб ривоят қилган мурсаллар каби саҳиҳдир», дейдилар.

Қудуқ сувига мушук ёки қуш ё шунга ўхшаш ҳайвонлар тушиб ўлиб қолса, ўлиги ёрилиб кетмасидан чиқариб ташлангандан сўнг қудуқдан қирқ челақ сув ҳам олиб ташланса, бу қудуқ суви билан таҳорат қилиш жоиз. Имом Шаъбийнинг қуш ва мушук ё шунга ўхшаш нарсалар қудуққа тушиб кетгани ҳақидаги ривоятига кўра, ундан қирқ челақ сув олиб ташланади.

Агар қудуққа товук тушиб кетиб ўлса, ёрилиб кетмасидан ўлиги чиқариб олингандан сўнг қудуқдан етмиш челақ сув олиб ташлангач, қудуқ суви билан таҳорат қилиш жоиз. Ҳаммод ибн Сулаймон бу ҳақда шундай ривоят қиладилар: «Қудуққа товук тушиб кетиб ўлиб қолганда ундан қирқ ёки эллик челақ миқдорида сув чиқариб ташланглар, сўнг унда таҳорат қилаверинглар»¹⁰⁰.

Қудуққа сичқон тушиб ўлиб қолса, ёрилиб кетмасидан ўлиги чиқариб олингандан кейин қудуқдан йигирма челақ сув олиб ташлангач, унда таҳорат қилса бўлади. Имом Таҳовий Анас розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятларига кўра, қудуққа сичқон тушиб ўлиб қолса, ўша соатда ўлиги чиқариб ташланган бўлса, ундан йигирма челақ сув чиқариб ташланади¹⁰¹.

Аммо юқоридаги ҳайвонлар қудуққа тушиб ўлиб қолиб, ўлиги ёрилиб кетган бўлса, қудуқни юқоридагидек сув олиб ташлаш билан поклаб бўлмайди. У ердаги ўлик чиқарилиб, қудуқдаги сувнинг ҳаммаси олиб ташланади. Имом Таҳовий Майсарадан, у киши Али розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятларига кўра, қудуққа сичқон тушиб кетиб ўлиб қолганда қудуқ суви чиқариб ташланади¹⁰².

Агар қудуқ сувининг ҳаммасини чиқариб ташлашнинг имконияти бўлмаса, вожиблик юзасидан икки юз челақ, мустаҳаблик юзасидан эса уч юз челақ сув олиб ташланади. Қудуққа тезак-таппи, торф тушиб кетиши билан суви нажас бўлмайди, лекин қудуққа қараганда у нарсалар кўп тушган бўлса, нажасланади. Чумчуқ ёки каптар тезаги билан қудуқдаги сув фосид бўлмайди.

Одам қудуққа тушиб (ўлмай) чиқса, гўшти ейиладиган ҳайвонлар қудуққа тушиб ўлмасдан чиқса, тушишидан олдин баданига нажосат тегмаган бўлса, бу ҳолларда қудуқнинг суви фосид бўлмайди. Агар қудуққа хачир, эшак, йиртқич қуш ёки йиртқич ҳайвон тушиб кетса ва сўлаги сувга тушмаган бўлса, қудуқни фосид қилмайди, агар сўлаги сувга тушган бўлса, ҳайвонларга қараб поклик, нажосатлик, кароҳатлик юзасидан ҳукм қилинади.

Қудуқда ўлган ҳайвоннинг бир кеча-кундуз турмоғи сувни нажосат қилади. Агар қудуқ ичидаги ўлимтик шишиб кетган бўлса, унинг тушган вақти билинмаса, уч кеча-кундуздан нажосат ҳисобланиб, ўша муддатдаги намозларни янги таҳорат ёки янги ғусл билан қайтадан ўқийди.

Қолдиқ сувлар ҳақида

⁹⁹ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 33-бет.

¹⁰⁰ «Ат-Таҳовий», 1-китоб, 17-бет.

¹⁰¹ «Ат-Таҳовий», 1-китоб, 17-бет.

¹⁰² «Ат-Таҳовий», 1-китоб, 17-бет.

Ҳайз кўрган аёлдан ортиб қолган сув билан таҳорат қилиш жоиз. Шурайх розийаллоҳу анҳунинг Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадислари шунга далолат қилади. У киши Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан: «Аёл киши ҳайз кўрган вақтида ҳам ўз эри билан бирга овқатланидими?» деб сўраганларида, Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо: «Ҳа, мен ҳайз кўрган вақтимда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени олдиларига чақирардилар, мен бирга таом ердим. У зот суякни олиб менга тақсимлаб бердилар, мен суякдан ғажилаб, сўнг қўйиб қўйдим. У зот ҳам суякни олиб ғажидилар, муборак оғизларини суякдаги мен оғзимни қўйган жойга қўйдилар. Ичишга сув келтирган эдилар, уни ўзлари ичишдан олдин менга бердилар. Мен сувни олиб ичдим, сўнг идишни қўйиб қўйдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан ичдилар ва оғизларини менинг оғзим теккан жойга теккиздилар, мен ҳайз кўрган бўлсам ҳам, ортиб қолган қолдиқдан ичдилар»¹⁰³, дедилар.

Мушукнинг олдидан қолган сув билан ҳам покланиш жоиз. Ибн Абу Қатода хотинлари Кабша бинти Каъб ибн Моликдан қилинган ривоятда келтирилишича, Абу Қатода унинг олдига кирганларида Кабша унга таҳорати учун сув тайёрлаб бердилар. Бир мушук сув ичиш учун келган эди, идишни энгаштирдилар. Мушук идишдан сув ичди. Кабша: «Унга қараб турганимда шундай қилаяпсизми?» деди. Абу Қатода: «Эй жиян, ажабланияпсанми?» дедилар. Кабша: «Ҳа», деди. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта мушук нажас эмас, балки у сизларни тавоф қилиб, ораларингизда юрувчидир», дедилар», деб айтдилар.

Имом Молик: «Мушукнинг оғзида нажосат бўлмаса, унинг ҳечқиси йўқ», деб айтганлар¹⁰⁴. Гўшти ейиладиган ҳайвонлар, туя, мол, қўй, отга ўхшаш, агар улар таппи ейишмаган бўлса, олдиларидан қолган сув билан таҳорат қилиш жоиз.

Итнинг олдидан қолган сув билан таҳорат қилиш жоиз эмас, хоҳ у ит чорва ҳайвонларига қарасин, хоҳ деҳқоннинг ити бўлсин, хоҳ қоровул ит бўлсин, фарқи йўқ. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай марҳамат қилдилар: «Сизлардан бирортангизнинг идишини ит яласа, уни тозаласин, сўнг етти марта ювсин». Яна Абдуллоҳ ибн Муъафалдан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам итларни ўлдиришни буюрдилар, сўнгра итлар ҳақида гапириб, ов, подачи ва деҳқонларнинг итига рухсат бердилар. Ва яна: «Агар идишни ит яласа, уни етти марта ювинглар, саккизинчисидан тупроқ билан ишқаланглар», дедилар¹⁰⁵. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у кишининг идишларини ит ялаганда ичидаги сувини тўкиб ташладилар, сўнг уни уч марта ювдилар¹⁰⁶.

Чўчқадан қолган сув билан унинг айна нажас бўлгани учун таҳорат қилиш жоиз эмас. Аллоҳ таоло Анъом сурасининг 145-оятида: «Албатта у рижс-нажасдир», деб хабар беради. Ваҳший ҳайвонлар ичгандан қолган сув билан ҳам таҳорат қилиб бўлмайди, чунки уларнинг сўлаги гўшtidан пайдо бўлади, гўшти эса сутига ўхшаш нажасдир. Ваҳший деб тирноғи ва тиши билан ов қиладиган ҳайвонга айтилади.

¹⁰³ «Сунани Насайи», 1-китоб, 148-бет.

¹⁰⁴ «Ал-Муватто», 1-китоб, 36-бет.

¹⁰⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 235-бет.

¹⁰⁶ «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 66-бет.

Кароҳият билан покланиш жоиз бўлган қолдиқлар

Мушукдан қолган сув билан таҳорат қилиш кароҳият ва покланишлик билан жоиздир, нажосатдан ўзини сақлай олмагани учун. Агар мушук нажосатдан ўзини сақлашга ишонилса ва дайдиб юрмаса, насси (далили) шаръий билан кароҳиятли бўлмайди.

Қафасда бўлмасдан қўйиб юборилган товукнинг ичганидан қолган сув билан таҳорат қилиш макруҳ. Агар унинг тумшуғи нажосатдан пок экани билинмаса, шу шубҳа билан унинг олдидан қолгани макруҳдир. Агар тумшуғи нажосатдан пок бўлса, унда макруҳлик йўқ. Қарға ва калхатга ўхшаш ваҳший қушлар олдидан қолган сув билан таҳорат қилиш ҳам макруҳ, чунки улар тумшуклари билан ўлимтикларни титкилайди. Шу ҳолатда улар қўйиб юборилган товукнинг ҳолатига ўхшайди, агар уларнинг тумшуғида нажосат йўқ, деб ишонилса, ичганидан қолган сув макруҳ бўлмайди.

Таяммум боби

Таяммум – бу умматнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: «Мендан илгари ўтганларга берилмаган беш нарса менга берилди. Ҳар бир набий ўз қавмигагина хос бўлиб юборилар эди, мен эса барча қизил ва қора халқларга юборилдим. Менга урушда ўлжа тушган нарсалар ҳалол қилинди, мендан илгари ўтганларнинг бирортасига ҳам ҳалол қилинмаган. Ер юзи менга тоза, покловчи ва масжид қилинди. Бир киши намоз ўқишни хоҳласа, ер юзининг хоҳлаган жойида намоз ўқийди. Бир ой юриш масофада турган душманларга қўрқинч солиниб, менга нусрат ва ғалаба берилди ҳамда шафоат қилиш ҳуқуқи берилди»¹⁰⁷. Таяммум Мурайсиъ ғазотида машруъ қилинган. Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинишича, онамиз айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан баъзи сафарларга чиқардик, бир гал биз саҳрода ёки қўшин орасида эдик, менинг маржоним узилиб йўлда тушиб қолди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қидиришга тушдилар, одамлар ҳам у зот билан бирга қидиришди. У ерда сув йўқ эди, одамларда ҳам сув қолмаган эди. Одамлар Абу Бакр розийаллоҳу анҳу олдиларига келиб: «Оиша нима қилганини кўрмайсизми? Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва одамларни ҳаракатга тушириб қўйди. Бу ерда сув йўқ, одамларда ҳам сув қолмади», дейишди. Абу Бакр Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келган вақтда у зот менинг оёғимга бошларини қўйиб ухлаётган эдилар. Абу Бакр менга: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва одамларни тўхтатиб қўйдинг, бу ерда ҳам, одамларда ҳам сув йўқ», дедилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу менга таъна қилиб ғабландилар ва Аллоҳ хоҳлаганича нималардир дедилар, сўнг биқинимга қўллари билан туртдилар. Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётган тиззамни қимирлатмасликка ҳаракат қилдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ухлаб қолиб тонг орттирдилар. Аллоҳ таоло шунда таяммум оятини нозил қилди. Усайд ибн Ҳузайр: «Эй

¹⁰⁷ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 371-бет.

Абу Бакр оиласи, бу сизларнинг биринчи баракангиз эмас», деди. Мен миниб юрган туяни турғизган эдик, унинг остидан маржонимни топдик»¹⁰⁸.

Баъзи ривоятларда: «Аллоҳ сени яхшилик билан мукофотласин, Аллоҳга қасамки, бошингга бирор иш тушса, Аллоҳ ундан чиқиш йўлини беради ва Аллоҳ сен сабабли мусулмонларга баракот ато этади», деб айтганлар¹⁰⁹. Абу Зарр розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта пок тупроқ, ўнта зиддига далил бўлса ҳам, мусулмоннинг таҳоратидир, агар сув топса, юзига суртсин. Ана шундай қилиши ўзи учун яхшидир», дедилар»¹¹⁰.

Таяммумнинг луғавий маъноси мутлақ қасд қилишдир. Шариатда эса покланиш учун покиза тупроқни қасд қилиш ёки юз ва икки қўлга покиза тупроқни суртиш таяммум, деб аталади. Агар бир киши сув топа олмаса, у мусофир бўлса, у турган жой билан яқин шаҳарнинг ораси бир мил ёки ундан узоқ бўлса (мил – кўзнинг охириг кўриш чегарасигача бўлган жой, уч фарсаҳ тўрт минг газдир) ва сув ҳақиқатда йўқ бўлса, тупроқ билан таяммум қилади. Аллоҳ таолонинг: «Покиза тупроқ билан таяммум қилинглр», деган оятига кўра (Нисо сураси, 43-оят) бундан эътибор қилинган нарса масофадир, вақт ўтиб кетиши хавфи эмас.

Агар бир киши сув топса, лекин у касал бўлса, агар сув ишлатса, касали кучайиб кетишидан қўрқса ёки сув ишлатса, касали чўзилиб кетиш эҳтимоли бўлса, таяммум қилади. Саид ибн Жубайр Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилишларича: «Касал киши учун тупроқ билан таяммум қилишга рухсат берилди»¹¹¹. Яна Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтишларича, бир кишига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида жароҳат етди, унга ғул қилишни буюришди, у ғул қилиб вафот этди. Бу хабар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етганида, у зот: «Уни ўлдирибдилар, Аллоҳ ҳам уларни ҳалок этсин. Ахир билмасликнинг давоси сўрашлик-ку!» дедилар. Киши ожизлиги сабабли хоҳ уни таҳорат қилдирадиган кишиси бўлсин, хоҳ бўлмасин, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ наздларида у ожиз дейилади. Лекин Абу Юсуф ва Муҳаммад наздларида қодир дейилади. Имоми Аъзам мукаллафнинг бошқа одам ёрдами билан қодирлигини эътиборга олмайдилар, чунки инсон бирор феълни хоҳлаганида қила олса, у қодирга айланади. Шунга ўхшаш агар ўғли ўз мол-дунёсини отасига бериб, отасига итоатда бўлса ҳам, отага ҳаж лозим бўлмайди. Яна кимгадир каффорат тўлаш вожиб бўлса, лекин унда мол бўлмаса, бир инсон унга молини саховат қилиб бериши ҳам шунга ўхшашдир.

Имом Бухорий таълиқ ҳолда ривоят қиладилар: «Ҳасан розийаллоҳу анҳу олдида сув бўлиб, уни ишлатишга ёрдамлашадиган одами йўқ касал ҳақида: «Таяммум қилади», деб айтганлар»¹¹².

Агар жунуб одам изғирин совуқда ғул қилса, ҳалок бўлишидан ёки касалга йўлиқишдан қўрқса, ижмоъга кўра, шаҳардан ташқарида бўлган ҳолда тупроқ билан таяммум қилади. Имом Абу Ҳанифа фикрларича, шаҳарнинг ичида бўлса ҳам, таяммум қилади, бу Имом Муҳаммад ва Абу Юсуф фикрларига хилофдир. Лекин бу ҳолат камдан-кам вақтда содир

¹⁰⁸ «Сунани Насайи», 1-китоб, 163-бет.

¹⁰⁹ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 212-бет.

¹¹⁰ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 212-бет.

¹¹¹ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 178-бет.

¹¹² «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 88-бет.

бўлади. Имоми Аъзам фикрларича, ожизлик ҳақиқатда собит бўлди, унга эътибор қилмоқ лозим.

Амр ибн Осс розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Оссни Зотисалосил ғазотига жўнатган эдилар. Амр ибн Осс: «Жуда кучли совуқ бўлган кечада мен эҳтилом бўлиб қолиб, ўзимга раҳмим келиб, агар ғул қилсам, ҳалок бўламан, деб ўйладим, сўнг таяммум қилдим, кейин асҳоблар билан бомдод намозини ўқидим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қайтиб келганимиздан сўнг бу ҳақда у зотга айтдим. У зот: «Эй Амр, жунуб ҳолингда асҳобларинг билан намоз ўқидингми?» деб сўрадилар. Мен: «Ҳа, эй Расулulloҳ, мен шиддатли совуқ бўлган кечада эҳтилом бўлдим, ўзимга раҳм қилиб, агар ғул қилсам, ҳалок бўламан, деб ўйладим. Аллоҳ таолонинг: «Ўзларингизни ўзларингиз ўлдирмангиз, албатта Аллоҳ сизларга меҳрибон бўлган Зотдир», деган оятини эсладим (Нисо сураси, 29-оят). Сўнг таяммум қилиб намоз ўқидим», дедим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулиб, ҳеч нарса демадилар», деб айтдилар.

Таяммумда икки марта уришлик

Абу Жухайм ибн Ҳорис ас-Сомматул Ансорий шундай ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Жамал қудуғи тарафга юзлангандилар, бир киши у зотга йўлиқиб салом берди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам алик олмай, деворга юзланиб, унда қўллари ва юзларига масҳ тортдилар-да, сўнг саломга алик олдилар»¹¹³. Яна Абу Жухайм ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жамал қудуғи тарафига ё катта, ё кичик ҳожатларини ушатиш учун бордилар, мен уларга салом бердим, у зот саломга алик олмасдан қўллари билан тўсиқ деворга бир зарба урдилар ва у билан юзларини силадилар. Сўнг иккинчи бор қўллари билан деворга урдилар ва у билан қўллари тирсакларигача масҳ қилдилар, сўнг берган саломимга алик олдилар»¹¹⁴.

Нофеъ розийаллоҳу анҳу Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятда «Таяммум икки зарбадир – биринчиси юз учун, иккинчиси икки кафтни тирсаклари билан масҳ қилиш учундир», дейилган¹¹⁵.

Жобир розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Таяммум икки зарбадир, бир уришлик юз учун, иккинчи уришлик икки қўлни тирсаклари билан (масҳ тортиш) учун», деб айтдилар¹¹⁶.

Имом Моликдан «Таяммум қандай (нима) ва у қанақа қилинади?» деб сўрашди. У киши: «Юзга суртиш учун бир марта урилади, қўл учун иккинчи марта урилади ва у билан тирсаккача масҳ тортилади», деб жавоб бердилар¹¹⁷.

Агар таяммумни ният қилиб, тупроқни суртса, жасадига тупроқ тегиши икки марта уришнинг ўрнини босади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

¹¹³ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 88-бет.

¹¹⁴ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 177-бет.

¹¹⁵ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 180-бет.

¹¹⁶ «Ал-Мустадраж», 1-китоб, 180-бет.

¹¹⁷ «Ал-Муватто», 1-китоб, 58-бет.

«Покиза тупроқ билан таяммум қилиб юз ва қўлларингизга суртинглар» (Нисо сураси, 43-оят), деб марҳамат қилади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Таяммум икки уришдир», деб айтган бу ҳадислари таяммум қилувчида кўп содир бўладиган ҳолни ёритиб беради, таяммум қилувчи эса икки марта масҳ қилиш учун икки марта (қўлни тупроққа уришга) амал қилади.

Таяммумда фарз бўлган ҳамма жойга тупроқни теккизиш таяммумнинг таҳорат ўрнига ўтишининг шартидир. Шунинг учун таяммумда бармоқлар орасини ҳилол қилиб, бармоғидаги узукни ечиб, остига тупроқ етказилади. Юзи ва сочининг зоҳирий қисмига масҳ тортади.

Қандай таяммум қилинади?

Имом Абу Юсуф Имоми Аъзамдан «Таяммум қандай бажарилади?» деб сўраганларида, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ: «Тупроқ топиб, унга қўлининг олдини ва орқасини теккизади. Сўнг қўлини кўтариб қоқиб ташлайди ва юзига суртади, икки кафтини жамлаб, кейин қўлининг олди ва орқасини тупроққа уради-да, қўлини кўтариб қоқиб ташлайди, сўнг ҳар бир кафти билан бошқа қўлини тирсаги аралаш ичкарию ташқарисига суртиб масҳ қилади», деб баён қилдилар.

Таяммумда еттита суннат бор: таҳоратдагидек аввалида «Бисмиллаҳ...»ни айтиш, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қилганларидек бир тартибда бажариш, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилганларидек бир ўтиришда орасини узмасдан бажариш, икки қўлни тупроққа теккизгандан кейин ғуборли қўлни олдинга ва орқага юргизиш ҳамда уларни қоқиб ташлаш, бармоқ ораларига тупроқ тегиб кўпроқ пок бўлиши учун қўлни тупроққа ураётганда бармоқлар орасини очиш лозим.

Солим оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга таяммум қила туриб қўлимизни пок тупроққа урдик, сўнг қўлимизни қоқиб ташлаб, юзларимизга суртдик. Сўнг иккинчи марта қўлимизни тупроққа урдик, яна қўлимизни қоқиб ташлаб, тирсаклардан бошлаб кафтгача, тук чиққан жойларини ичкари-ташқари томони билан суртдик»¹¹⁸.

«Нима учун таяммум юз ва қўллар учун хосланди?» деб айтилса, у аслнинг ўрнини босувчидир, асл эса ювишлиқдир. Бош масҳ қилинадиган аъзодир. Оёқлар эса ювиш ва масҳ қилиш орасидадир, дейилган. Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ: «Бизга Аммор ибн Ёсирнинг юзи ва икки кафтига таяммум қилиш ҳақидаги ривоятини олиш, унга суяниш ман этилди, чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юзлари ва икки қўллари тирсакларигача таяммумда масҳ тортган хабарлари собит бўлган». Бу худди Қуръон билан қиёси ёнма-ён (ўрнига) қўйганга ўхшайди. Бир нарсанинг ўринбосари унинг мислича бўлиши керак», деб айтдилар.

Юзга ва кафтларга масҳ тортиш ҳақидаги ҳадис Аммор розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисдан собитроқдир. Ва яна қўлларни елка ва қўлтиқлари билан бирга масҳ қилиш ҳақидаги ҳадисдан ҳам собитроқдир. Лекин тирсаклари билан масҳ қилиш ҳақидаги ҳадис зикр қилинган шохидлар бўлгани учун аълодир. У ҳадис бошқа қиссада келган. Аммор

¹¹⁸ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 180-бет.

розийаллоҳу анҳунинг ривоят қилган ҳадиси таяммум ояти нозил бўлган вақтнинг аввалида бўлган бўлса, бу феъл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етказилган, у зот уларга бу феъл таяммум жоиз бўлишининг энг ками экани ҳақида хабар берганлар. Тирсаклари билан масҳ тортиш ҳақидаги кейин айтган ҳадислари олдинги сўздан аълороқдир ва унга эргашилади. Бу Қуръон, қиёс ва Ибн Умар розийаллоҳу анҳунинг амалларига ўхшайди. Бу яна ҳам саҳиҳроғидир. Ҳадас (тахоратсизлик), жанобат, ҳайз ва нифос таяммумда бир хилдир.

Имрон ибн Ҳасин Ҳузойй ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир йигитнинг қавмдан ажраб, улар билан намоз ўқимаётганини кўрдилар ва: «Эй Аллоҳнинг расули, сени қавм билан бирга намоз ўқишдан нима тўсди?» деб сўрадилар. У: «Эй Расулуллоҳ, мен жунуб бўлиб қолдим, сув эса йўқ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сенга тупроқ билан таяммум қилиш кифоя қилади», дедилар»¹¹⁹.

Абу Мусо Аммор розийаллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, у киши Умар розийаллоҳу анҳуга айтдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени баъзи ҳожатлари учун бир жойга юборгандилар, мен у ерда жунуб бўлиб қолиб, сув топа олмадим, худди ҳайвон белангани каби тупроққа беланиб олдим. Қайтганимиздан сўнг бу тўғрида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилган эдим, у зот: «Мана бундай қилсанг, сенга кифоя қиларди», деб таяммум ҳақида зикр қилдилар».

Имом Абу Ҳанифа ва Муҳаммад фикрларича, ер жинсидан бўлган ҳар бир нарса билан таяммум қилиш жоиздир. Имом Шофеъий: «Экин ўсадиган жойда таяммум қилса жоиз», деганлар. Бу гап Имом Абу Юсуфдан ҳам ривоят қилинади. Аллоҳ таоло: «Пок тупроқ билан таяммум қилинглар», деб марҳамат қилади. Ибн Аббос бу оятни ўсимлик ўсадиган тупроқ, деб тафсир қилганлар. Абу Ҳанифа ва Муҳаммад далиллари оятда келган «саъид» сўзи ер юзасининг исмидир, ер юзасида тепалик, баландликлар бўлгани учун шундай номланди. Оятдаги «тоййиб» сўзи поклик, тоза бўлиш маъносидадир. Бу маъноларда покланиш ўрни назарда тутилган. Имом Абу Ҳанифа ва Муҳаммад фикрларича, ер жинсидан бўлган нарсаларда ғубор, чанг бўлиши шарт қилинмайди. Икки ривоятнинг бошқасида ҳамда Абу Юсуф, имом Шофеъий ва имом Аҳмад фикрларича, ғубори, чанги бўлмаган ер жинсидан бўлган нарсаларга таяммум қилиш жоиз эмас, Аллоҳ таолонинг: «Ундан (тупроқдан) юзларингиз ва қўлларингизга суртинглар», деган оятига кўра. Имом Абу Ҳанифанинг далиллари Нисо сурасидаги «Юзларингиз ва қўлларингизга суртинглар», деган оятдир.

Ният қилиш ҳукми

Таяммумда ният қилиш фарздир, чунки тупроқ кир бўлиб, фақат ният билан покровчи нарсага айланади. Таяммум қилиш учун икки қўлни тупроққа ураётган вақтда ёки аъзоларига тупроқ етказиб, масҳ қилаётганда ният қилади. Таҳоратсизлик етганда таяммум билан пок бўлишни ёки намозга киришиш учун ёхуд ибодатни мақсад қилиб ҳам ният қилади.

¹¹⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 92-бет.

Таяммумни бузадиган нарсалар

Таҳоратни бузадиган нарсалар таяммумни ҳам бузади, чунки таяммум таҳоратнинг ўрнига ўтиб, унинг ҳукмидадир. Сувни топиб олиш ҳам агар уни истеъмол қилишга қодир бўлса, бузади. Топиб олишдан мақсад таҳоратсизликни кетказишга етгудек сувни қўлга киритишдир. Аммо ичимликнинг ўзигагина сув топиб олиш таяммумни бузмайди. Агар таяммум қилиб намоз ўқиса, сўнг сув топиб олса, намози қайтадан (яъни, таҳорат қилиб) ўқилмайди, чунки у буюрилган ишни бажарди. Буюрилган иш эса таяммум қилиб намоз ўқиш. Намоз ўқиш билан аҳддан чиқди. Агар таяммум қилиб намоз ўқиётган чоғда намознинг ичида сувга етишса, таҳорат қилиб намозга юз тутди. Чунки ўринбосар билан мақсад ҳосил бўлишидан олдин аслга қодир бўлди. Чунки таяммум сувга етиш билан бузилади, бас, у намоз ўқувчининг таҳорати синади, қайтадан таҳорат қилиб намозга юзланади.

Таяммум билан қанча фарз намоз ўқиш мумкин?

Киши бир таяммум билан худди бир таҳорат билан ўқиганидек, хоҳлаганича фарз ва нафл намозлари ўқиши мумкин. Бу ҳақда Абу Зарр розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сув топилмаганда пок тупроқ мусулмоннинг таҳоратидир, агар ўша сув ўн йил топилмаса ҳам», дедилар»¹²⁰. «Саҳиҳи Бухорий»да сув бўлмаса, пок тупроқ мусулмоннинг таҳоратига кифоя қилиши айтилган. Имом Ҳасан: «Киши таяммум қилиб намоз ўқишига қилган таяммуми кифоя қилади, токи таҳорати кетмагунича», деганлар¹²¹.

Фарз ёки нафл намозга намознинг вақтидан олдин ё кейин таяммум қилишнинг фарқи йўқ, лекин сув йўқ бўлиши шарт. Аллоҳ таоло: «(Аллоҳ) сизларни поклашни истайди» (Моида сураси, 6-оят) дейиш билан таяммумни ҳам покловчи эканини айтди. «Агар касал бўлсангизлар», деган жойдан бошлаб, то: «Сув топа олмасангизлар» (Моида сураси, 6-оят), деган жойигача бўлган оят худди таҳорат ҳам намоз вақтидан олдин қилинганидек, намоз вақтидан олдин таяммум қилиш жоизлигига далолат қилади, чунки таяммум таҳорат ўрнига жорий этилган ўринбосардир.

Сув топа олмаган кишига сувга етишиб қолишини умид қилиб намозини кечиктириши мустаҳабдир. Чунки бундай қилиш билан икки поклик устида ибодатини адо қилган бўлади.

Агар шаҳарда жаноза намози ҳозир бўлса ва киши имом, яъни ўликнинг валийси бўлмасдан эргашувчи бўлса, борди-ю таҳорат билан машғул бўлганда намоз тугаб қолишидан қўрқса, саҳиҳ таяммум қилади. Чунки жаноза намозининг қазоси йўқ, шунинг учун бу ерда ожизлик таҳқиқ топади. Шунга ўхшаш ҳайит намози вақтида таҳорат билан машғул бўлса, намоз тугаб қолишидан қўрқса, таяммум қилиб ҳайит намозини ўқийди. Чунки ҳайит намози ҳам қайтариб ўқилмайди.

Энди агар у волий, имом бўлса, унинг таяммум қилиши саҳиҳ бўлмайди, чунки ҳайит намозини қайта ўқиш учун унда ҳуқуқ...

¹²⁰ «Сунани Насай», 1-китоб, 171-бет.

¹²¹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 83-бет.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен таҳоратсиз бўлган вақтингда тўсатдан жаноза ҳозир бўлса, таяммум қилгин», дедилар¹²².

Кимки жума намозида ҳозир бўлганида таҳоратга машғул бўлса, жума намози ўқиб бўлинишидан қўрқса, таяммум қилмайди. Чунки жума намозининг ўринбосари бор (яъни, жума намози ўқиб бўлинса, у пешин намозини ўқийди).

Лекин таҳорат қилиб келганидан сўнг жума намозига улгурса, жумани ўқийди. Агар улгурмаса, пешиннинг тўрт ракат фарзини ўқийди. Шунингдек, намоз вақти кам қолган бўлса, таҳорат қилгунича намоз вақти ўтиб кетишидан хавфсираса, таяммум қилмайди, балки таҳорат қилади ва улгурса, намозни вақтида адо қилади, улгурмаса, қазосини ўқийди.

Мусофир одам ўз уловида сувни унутиб қолдирса, таяммум қилиб намоз ўқийди. Имом Абу Ҳанифа ва Муҳаммад фикрларича, бу мусофир агар суви борлиги эсига тушса, намозини қайта ўқимайди. Имом Абу Юсуф фикрларича, қайта ўқийди. Орадаги хилоф сувни уловига ўзи қўйганлиги ёки ўзининг буйруғи билан бошқаси қўйганлигидир. Юқоридаги масала намоз вақтида бўлсин, намоз вақтидан кейин бўлсин, фарқи йўқ. Абу Юсуф далиллари шундай: мусофир сув эсига тушганидан сўнг сувга етишди, ундан олдин эса сув қидириши лозим эди, шунинг учун қайта ўқийди. Икки имомнинг далиллари эса қуйидагича: сув бор жойни билмасдан у сувни топа олмасди.

Таяммум қилувчи бу яқин атрофда сув йўқ, деб фикрлаб ўйласа, унга сув қидириш лозим бўлмайди. Агар у яқин атрофда сув бор, деб гумон қилса, у сув қидирмагунича унга таяммум қилиш жоиз эмас. У одам ғолва миқдорича сув қидириб боради. Ғолва – отилган ўқ масофасигача бўлган жой. Бошқалар бу уч юз газдан тўрт юз газгача бўлган масофа ҳам, дейишган. Агар сафардаги ҳамроҳида сув бўлса, таяммум қилишдан олдин ундан сув сўрайди, аксарият ҳолларда ҳамроҳи ундан сувни ман қилмаслиги мумкин. Агар ҳамроҳи сув бермаса, таяммум қилиб намоз ўқийди, ожизлик таҳқиқ топгани учун. Агар ҳамроҳидан сув сўрамай, таяммум қилса ва намоз ўқиса, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ фикрларича, жоиздир. Чунки унга бегона одамнинг мулкидан сув талаб қилиши лозим эмас. Икки имом: «Жоиз эмас», дейишди. Чунки сув одатда аялмайдиган, оддий нарсадир. Агар ҳамроҳи сувни пулга берадиган бўлса, унинг эса пули бўлса, сув сотиб олиб таҳорат қилишга қудрати етгани учун таяммум жоиз эмас. Имом Абу Ҳанифа фикрларича, сув топа олмаганлар (бирон-бир сабаб билан) намозларини кечиктирадилар. Имом Муҳаммад ва Абу Юсуф фикрларича эса, намоз ўқийдилар ва (сув топилгандан сўнг) қайтариб ўқийдилар. Таҳоратнинг орасига таяммумни аралаштирмайди. Бирор кишида агар сув зарар қиладиган жароҳати бўлса ва унга ғул вожиб бўлса, у баданини ювади, лекин жароҳатли жойини ювмайди, лекин (яна ғул устидан) таяммум қилмайди. Шунга ўхшаш агар таҳорат ювиладиган аъзосида жароҳат бўлса, жароҳат жойини ювмайди, балки аъзосининг бошқа жойини ювиб таҳорат қилади, лекин таяммум қилмайди. Агар инсон танасининг аксарият қисми жароҳатланган бўлса, у таяммум қилади, лекин танасининг соғ қисмини ювмайди. Агар танасининг қоқ ярми жароҳатли, қолган ярми соғ бўлса, бу ҳолатга ривоят келмаган.

¹²² «Жомеъу Ризавий», 1-китоб, 165-бет.

Уламолардан баъзилари таяммум қилади, чунки у мукамал таҳоратдир, дейишса, баъзилари соғлом жойни ювиб, жароҳатли жойларига масҳ тортади, агар масҳ зарар қилмаса, деган фикр билдиришган, чунки у ҳақиқий ва ҳукмий таҳоратдир ҳамда у аълороқдир. Аммо аввалги сўз яхшироқдир.

Икки қўли ва икки оёғи кесилган киши юзида жароҳати бўлса, таҳорат қилмасдан намоз ўқийди ва намозини қайта ўқимади. Баъзи уламолар: «Намоз ундан соқит бўлади», дейишган ва мана шу тўғридир. Шол одам юзи ва икки қўлини ерга суртади, намозини тарк қилмайди, дейишган.

Маҳсига масҳ тортиш ҳақида

Маҳсига масҳ тортиш суннат билан жоиздир. Бу ҳақда ишончли ҳадислар келган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан маҳсиларига масҳ тортганлари ва саҳобаларга маҳсиларига масҳ тортиш учун ижозат берганларига шак-шубҳа бўлмаган, собит ҳадислар бор.

Ҳасан Басрий: «Менда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳсиларига масҳ тортганлари ҳақида етмишта саҳобийдан ҳадис ривояти бор», деб айтганлар.

Хаттоки: «Ким маҳсига масҳ тортишни тўғри деб билмаса, у бидъатчи бўлади, кимки уни тўғри деб билса-ю, лекин азиматни ушлаб, ўзи амалда маҳсисига масҳ торма, айбли бўлади», дейилади.

Абу Айюб розийаллоҳу анҳунинг волийси Афлаҳ одамларга маҳсиларга масҳ тортишни буюрарди, ўзи эса оёғини юварди. Ундан: «Қандай қилиб бизга маҳсига масҳ тортишни буюрасиз-да, ўзингиз оёғингизни ювасиз?» деб сўрашди. У: «Сизларга қийинчилик қилиб, ўзимга гуноҳ ишни қилишим менга қандай ҳам ёмондир (яъни, сизларга оёқ ювишни буюриб, ўзимга осон қилиб маҳсимга масҳ тортиб юришим мен учун қандай ҳам ёмон). Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳсиларига масҳ тортганларини ва саҳобаларга шуни буюрганларини кўрганман. Лекин мен таҳоратни яхши кўрувчи кишидирман», деди¹²³.

Имом Абу Ҳанифа Ҳаммом ибн Ҳорис санади билан қилган ривоятда келтиришларича, Ҳаммом Жарир ибн Абдуллоҳ Бажалийнинг таҳорат қилиб, маҳсиларига масҳ тортганларини кўрганлар ва шу тўғрида у зотдан сўраганлар. У киши: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қила бошлаганларини кўрдим, Моида сураси нозил бўлгандан сўнг эса ўзим ҳам шундай қила бошладим», дедилар¹²⁴.

Яна Абу Ҳанифа Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар санади билан қилган ривоятда келтирилишича, Абдуллоҳ ибн Умар ва Саид ибн Абу Ваққос розийаллоҳу анҳу маҳсига масҳ тортиш ҳақида тортишиб қолишди. Саид: «Мен маҳсига масҳ тортаман», дедилар. Абдуллоҳ: «Бу нарса мени ажаблантиради», дедилар. Кейин Умар ибн Хаттоб ҳузурларига боришган эди, у зот: «Амакинг Саъд суннатни билишда сендан фақиҳроқдир», деб жавоб бердилар¹²⁵.

Муғийра ибн Шўъба розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қазои ҳожат учун ташқарига

¹²³ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 293-бет.

¹²⁴ «Жомеур Ризавий», 1-китоб, 170-бет.

¹²⁵ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 170-бет.

чиқиб қайтаётганларида у зотга обдастада сув олиб бордим ва таҳоратларига сув қуйиб турдим. У зот икки қўлларини, сўнг юзларини ювдилар, кейин қўлларини тирсакларигача ювмоқчи бўлгандилар, чакмонлари торлик қилиб қолди. Кейин қўлларини чакмон остидан чиқариб, тирсакларини ювдилар. Сўнгра бошларига ва маҳсиларига масҳ тортдилар, сўнгра биз билан намоз ўқидилар»¹²⁶.

Ҳар бир таҳоратни шарт қилиб қўйган ҳадасдан таҳорат олаётганда маҳсига масҳ тортиш жоиздир.

Сафвон ибн Ассол розийаллоҳу анҳудан маҳсига масҳ тортиш ҳақида сўралганида у зот: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз мусофир бўлганимизда маҳсимизга уч кунгача масҳ тортишга – у таҳоратсизлик хоҳ бавл бўлсин, хоҳ қазои ҳожатнинг каттаси бўлсин, хоҳ уйқу бўлсин, фарқи йўқ, (рухсат берганлар). Фақат жанобатда ечиб ғул қилинади, деганлар», деб айтдилар¹²⁷.

Масҳ қилишга лойиқ бўлган маҳси икки тўпикни ёпиб турмоғи, теридан бўлмоғи, ичида нарсა бўлмаганда ўзи тик турмоғи, оёққа сув ўтказмайдиган бўлиши, одатдагидай юрганда яроқли бўлиши лозим.

Маҳсига масҳ тортиш шартлари

Мукаммал таҳорат олгандан кейин маҳсини оёққа кийиб олиш шарт қилинди. Бу ҳақда Абдурраҳмон ибн Абу Бакра оталаридан ривоят қилиб айтишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳоратни мукаммал қилиб, сўнг маҳси кийган кишига мусофир бўлса, уч кеча-кундуз, агар муқим бўлса, бир кеча-кундуз маҳсисига масҳ тортишга рухсат бердилар¹²⁸.

Бу ҳадисда маҳси кийишдан олдин таҳорат қилиб олишни шарт қилдилар. Демак, таҳорати йўқ киши таҳоратини мукаммал қилмасдан оёғини ювиб, кийиб олмайди. Таҳоратнинг мукаммал бўлиши хоҳ маҳси кийишдан олдин, хоҳ кейин бўлсин, фарқи йўқ. Ҳатто оёғини ювиб маҳсини кийса, сўнг таҳоратини мукаммал қилса, у кийган маҳсига масҳ тортиш жоиздир.

Муқим киши маҳсисини кийгандан кейин пайдо бўлган таҳоратсизлик кетидан бир кеча-кундуз, мусофир эса уч кеча-кундуз давомида масҳ тартади. Чунки маҳсини кийишдан олдинги поклик ювилган аъзоларники, маҳсиники эмас эди. Маҳси эса оёққа ҳадас етишига монё бўлади, бу ҳолат маҳси оёқда бўлганида ҳадас келса бўлади, маҳсини оёққа кийишдан олдин эмас.

Муғйра ибн Шуъба ривоят қилган ҳадисга биноан, маҳсининг устига масҳ тартади. Муғйра ибн Шуъба: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳсилари устига масҳ тартаётганларини кўрдим», деб айтдилар.¹²⁹

Али розийаллоҳу анҳу: «Агар дин раъй (одамнинг ўзининг фикри) билан бўлганда эди, маҳсининг тагига масҳ тортишдан кўра унинг устига масҳ тортиш аълороқ бўларди, деб айтган бўлар эдим. Лекин мен

¹²⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 229-бет.

¹²⁷ «Сунани Насай», 1-китоб, 84-бет.

¹²⁸ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 194-бет.

¹²⁹ «Сунани Термизий», 1-китоб, 67-бет.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳсилари устига масҳ тортганларини кўрганман», дедилар¹³⁰.

Имом Ҳасан: «Маҳсига масҳ тортиш ҳўл бармоқлар билан устига чизик тортишдир», деб айтдилар¹³¹.

Оёқ бармоқлари тарафидан бошлаб, болдирнинг бошланиш қисмигача масҳ тортиш суннатдир. Жобир розийаллоҳу анҳу бу ҳақда шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг ёнидан ўтиб кетаётганларида, у киши таҳорат қилиб маҳсисини юваётган эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўллари билан бир нарсани сўрагандек бўлиб: «Мен маҳсимга оёқ бармоқлари тарафидан то болдирнинг бошланиш қисмигача мана бундай масҳ тортишга буюрилдим», дедилар ва бармоқлари билан маҳсига чиздилар»¹³². Агар аксини, яъни болдирдан бошлаб оёқ бармоқлари атрофларида тугатса, мақсад ҳосил бўлгани учун жоиздир, лекин бу иши билан суннатга хилоф қилган бўлади. Маҳсига масҳ тортишдаги фарз бўлган миқдор қўлнинг уч бармоқ миқдоридир, чунки масҳ уч бармоқ билан қилинади. Агар маҳсининг уч бармоқ миқдоридаги жойига сув етказилса ҳам жоиз бўлади.

Агар маҳсида оёқнинг учта кичкина бармоғи чиқиб турадиган даражада катта тешик бўлса, бу маҳсига масҳ тортиш жоиз эмас. Чунки қадамнинг асли бармоқлардир, учта бармоқ эса уларнинг кўпроғи, шунинг учун оёқнинг барчаси ўрнига ўтади. Бу ерда оёқнинг кичкина бармоғи билан ҳисобланиши эҳтиёт учундир. Бу тешик миқдори икки маҳсидан ҳар бири учун алоҳида белгиланди. Ҳисоблаш учун бир пой маҳсидаги тешиклар жамланади, бир жуфт маҳсидаги тешиклар эмас. Чунки улардан биридаги тешик иккинчиси билан сафарни тўхтатишни ман қилмайди. Нажосат бунинг хилофидир. Агар ҳар хил ўринда нажосатлар бўлса, улар жамланиб ҳисобланади. Аврат очилиб қолиши ҳам нажосатга ўхшашдир. Яъни, нажосат ҳар жойга тегса, жамлаб ҳисобланади. Аврат ҳам ҳар жойда очилиб қолса, жамлаб ҳисобланади. Маҳси устидан кийиладиган маҳсус оёқ кийимига ҳам масҳ тортиш жоиз, агар ўша нарсани таҳорати кетмасидан олдин кийган бўлса. Борди-ю таҳорати кетганидан кейин бўлса, унга масҳ тортмайди, чунки таҳорат синиши маҳсининг ўзини кийиб юрганда содир бўлган эди.

Пайпоққа масҳ тортиш ҳақида

Қалин, дағал, шаффоф бўлмаган пайпоқларга масҳ тортса жоиздир. Бу Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад фикрларидир. Имоми Аъзам ҳам шу фикрга қайтганлар, фатво ҳам бунинг устида тўхтаган. (Ушбу фатвода зикри келган пайпоқлар ҳозирги кунимиздаги пайпоқлардан бутунлай фарқ қилган... – тарж.) Бу ҳақда Муғййра ибн Шуъба розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилдилар ва пайпоқларига ҳамда оёқ кийимларига масҳ тортдилар»¹³³. Имом Ҳатобий «оёқ кийимларига» деганда оёқ кийимнинг пайпоқ устидан кийиб олган ҳолдагисидир, деб айтганлар. Ўтган салаф олимлар жамоаси қалин пайпоққа масҳ тортишни жоиз деб билганлар. Ва баъзи шаҳар фикҳлари,

¹³⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 42-бет.

¹³¹ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 194-бет.

¹³² «Сунани Ибн Можа», 1-китоб, 551-бет.

¹³³ «Сунани Термизий», 1-китоб, 67-бет.

жумладан, Суфён Саврий, Аҳмад ва Исҳоқлар ҳам шу фикрдалар. Лекин имом Молик, Авзоий ва Шофеъийлар: «Пайпоққа масҳ тортиш жоиз эмас», дейишди. Имом Шофеъий: «Агар пайпоқнинг тагида тагчарм бўлса ва у билан юриш мумкин бўлса, масҳ тортса бўлади», дейдилар¹³⁴.

Юпқа пайпоқларга масҳ тортиш дуруст эмас. Чунки ўтган салаф олимлар замонидаги пайпоқ одатда иссиқни сақлаш ва оёқни иссиқ қилиш учун бўлиб, қалин жундан тўқилган, бу ҳақда «Муснад» китобининг шарҳида ҳам зикр қилинади.

Маҳсига тортилган масҳни бузувчи нарсалар

Таҳоратни нима бузса, маҳсидаги масҳни ҳам шулар бузади, чунки масҳ тортиш оёқ ювишнинг ўрнига ўтувчидир. Бас, шундай экан, асли бузган нарса ўринбосарни ҳам бузади. Маҳсини оёқдан ечиш ҳам оёққа таҳоратсизлик етгани учун масҳни бузади. Шунингдек, бир пой маҳсини ечган бўлса, иккинчисини ҳам ечиши лозим, чунки бу билан таҳоратсизлик етиб, икковини ювиш лозим бўлади. Маҳсининг оёқдан ечилиб кетиши, агар оёқ панжаси маҳсининг қўнжигача келиб қолса, бу ҳолда ҳам маҳсининг масҳи бузилади, чунки бу ҳам ечилганга ўхшайди. Саид ибн Абу Марям Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан бир киши ҳақида сўзлаб: «У маҳсисига масҳ тортар, сўнг қўнглига нимадир келиб, маҳсини ечарди-да, оёғини ювар эди», дедилар¹³⁵.

Аммо маҳси кенг бўлиб, оёқ панжалари жойида тургани ҳолда товони кўтарилиб тушса, бунинг зарари йўқ. Маҳсининг ичидаги бир оёқнинг кўп қисми маҳсидан сув ўтиб кетиб намланса, бу ҳолда маҳсининг масҳи бузилади. Худди шунингдек, оёқнинг кўп қисми нам бўлса ҳам, бузилади. Бу ҳолатда маҳсини ечиб ташлаб оёқни ювиш вожиб. Бу билан ювиш ва масҳ тортиш орасини жамлашдан сақланади.

Муқим ва мусофирлик муддатлари ўтиб кетса ҳам, масҳ бузилади. Мукамал таҳоратдан кейин маҳси кийилиб, таҳорати кетгандан кейин таҳорат қилиб маҳсисига масҳ тортса ё маҳсини ечса ёки панжасининг кўпроғи намланса ёхуд муддат ўтиб кетса, фақат икки оёғини ювади. Таҳорати бўлса, таҳорат қилиш шарт эмас.

Фарълар

Агар мусофир маҳсисига масҳ тортса, бир кеча-кундуздан сўнг муқим бўлса, маҳсини ечиб оёғини ювади, чунки уч кеча-кундуз сафарнинг муддати эди, бу ҳолда эса сафар йўқ, шунинг учун бир кеча-кундуздан ортиғига масҳ жоиз бўлмайди.

Агар мусофир маҳсисига масҳ тортса-ю, бир кеча-кундуз ўтмасдан муқим бўлса, маҳсидаги масҳи бир кеча-кундузгача боқий туради, чунки у муқимдир, бас, муқимлик миқдорича туради. Агар муқим одам маҳсисига масҳ тортса, сўнг бир кеча-кундуз ўтмай, сафарга чиқса, мусофирлик миқдорича (яъни, уч кеча-кундуз) масҳи туради, чунки у мусофир бўлди, ҳукм эса охириги вақтга тааллуқлидир. Лекин муқим одам маҳсисига масҳ тортса-ю, бир кеча-кундуз ўтиб сафарга чиқса, агар у шу ҳолда таҳоратли

¹³⁴ «Маъалимус Сунав», 1-китоб, 63-бет.

¹³⁵ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 289-бет.

бўлса, унга оёғининг ўзини ювиш лозимдир. Чунки таҳоратсизлик фақат оёғида бор бўлган, холос.

Қўл ёки оёқ синганда қўйиладиган тахтакач, гипс ва жароҳатга боғланадиган бинт устига масҳ тортиш жоиздир. Имом Абу Ханифа фикрларича, уларга маҳс тортиш фарз эмас, ҳатто зарарсиз уни тарк қилса ҳам бўлади. Жобир розийаллоҳу анҳу бу ҳақда қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Биз сафарга чиққанимизда ичимиздан бир кишининг бошига тош тегиб ёрилди. Кейин у эҳтилом бўлиб қолиб, ҳамроҳларидан: «Менинг таяммум қилишимга рухсат борми?» деб сўради. Унга: «Сен сувни ишлатишга қодир бўлганинг учун таяммум қилишингга йўл тополмадик», дейишди. У ғул қилди ва вафот этди. Биз сафардан қайтганимизда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хабар берилган эди, у зот: «Бунинг йўлдиришибдики, Аллоҳ уларни ўлдирсин, агар билмасалар, сўрасалар бўларди-ку! Билмасликнинг давоси сўраш-ку! Унга таяммум қилиши, агар жароҳат бўлса, унга латта боғлаб устидан масҳ тортиши ва танасининг бошқа жойларини ювиши кифоя қилар эди», деб айтдилар»¹³⁶.

Агар киши жароҳатланса ёки бирор аъзоси синса, бу аъзоси латта билан боғлаб ёки гипслаб қўйилса, агар ечиш зарар қилса, бутун аъзосини масҳ қилади. Агар масҳ ҳам, латтани ечиш ҳам зарар қилмаса, атрофини ювади ва жароҳатга масҳ тортади. Агар масҳ зарар қилса-ю, латтани ечиш зарар қилмаса, атрофини ювади ва жароҳатдаги бинтнинг устидан масҳ тортади, агар жароҳатга масҳ тортиш ва латтани ечиш зарар қилса, у аъзосининг ҳаммасига масҳ тортади.

Боғланган аъзосининг кўп қисмига масҳ тортади. Танасида иккита боғлам бир-бирига яқин бўлса, орасидаги танасининг соғ қисмига масҳ тортиш кифоя қилади, агар соғ жойни ювганда жароҳатга сув кириб кетса...

Гипсланган жойга масҳ тортиш худди остини ювгандекдир. Унга вақт тайин қилинмайди. Чунки у маҳсига ўхшаб ўринбосар эмас, балки аслдир, масҳ саҳиҳ бўлиши учун у аъзо гипсланишидан олдин ювилган бўлиши шарт қилинмайди, чунки у зарурат учун боғлангандир. Бу ҳолатда таҳоратнинг шарт қилиниши қийинчиликни кетказиш учун эди.

Бир оёқдаги боғланган нарсага масҳ тортиб, иккинчи соғ оёқни ювиш жоиздир, чунки бу аслий бўлгани учун шундайдир. У бу билан асл ва ўринбосарнинг орасини жамлайди. Тузалганидан олдин латта тушиб кетса, узр бўлгани учун масҳни ботил қилмайди. Устига масҳ тортиш худди тагини ювгани кабидир, у нарса жанобат ва таҳоратсизликда фарқи йўқ. Агар жароҳатдаги ёки сингандаги боғламга масҳ қилса, сўнг қаттиқ бўлиши учун устидан яна мустаҳкам қилиб латта ўраса, устидаги боғламга масҳ қилиш жоиздир, тагидаги боғламни ювиш шарт эмас.

Масҳ тортилган латта таги намланиб кетиши билан масҳ ботил бўлмайди. Масҳ қилгандан сўнг боғламни бошқасига алмаштириш жоиздир. Алмаштиргандан сўнг янги боғламга масҳ тортиш вожиб эмас, лекин афзали масҳ тортишдир.

Агар жароҳат ёки синган аъзода касаллик пайдо бўлса, унга сувнинг зарарини даф қилиш учун дори ишлатса, мобода ечиш зарар қилса, зарурат юзасидан масҳ тортиш жоиздир. Чунки зарурат унинг миқдорига ўтади. Маҳсига, гипсга, боғлам ва бошга масҳ тортаётганда ният қилишга

¹³⁶ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 93-бет.

эҳтиёж йўқдир. Буларда ният шарт қилинмади, чунки ушбу ҳолларда сув билан таҳорат қилинмоқда.

Ҳайз боби

Имом Дайлабий ва Дорақутнийлар амирал мўминин Умар розийаллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ азза ва жалла Жаброилни Ҳавво онамиз қон кўрганларида юборгани ҳақида Жаброил ўзлари хабар бердилар. Ҳавво онамиз: «Баъзан мендан қон келганида нима эканини билмайман», дедилар. Жаброил: «Албатта сиздан ва зурриётингиздан қон келади. Уни сизга каффорот ва покланувчи қилиб бердик», дедилар», деб айтдилар»¹³⁷.

Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қиладилар. Оиша розийаллоҳу анҳо: «Биз фақат ҳаж учун йўлга чиқдик, Сариф деган жойга келганимизда мен ҳайз бўлиб қолдим, олдимга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кирганларида мен йиғлаётган эдим. У зот: «Сенга нима бўлди, ҳайз кўрдингми?» деб сўрадилар. Мен: «Ҳа», дедим. У зот: «Албатта бу Аллоҳ таоло Одам Ато қизларига ёзиб тақдир қилган ишдир, Байтуллоҳни тавоф қилишдан бошқа қолган ҳаж амалларингни бажаравергин», дедилар», деб айтдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча аёллари номидан мол сўйиб қурбонлик қилдилар»¹³⁸.

Ҳайз луғатда – оқмоқ, сизмоқ маъносидадир. Шариатда эса соғлом аёл бачадонидан оғриқ билан келадиган қондир.

Ҳайз муддати

Ҳазрат Суфён: «Ҳайзнинг ками уч кун ва кўпи ўн кундир», деб айтганлар¹³⁹. Анас розийаллоҳу анҳу: «Ҳайзнинг энг ками уч кундир», деб айтганлари етиб келди. Юнус Ҳасандан ривоят қиладилар, Ҳасан: «Аёл киши ҳайз кўрганда намоздан етти кун тўхтаб туради, агар покланса, намоз ўқийди, агар покланмаса, яна уч кун кутади, ҳаммаси бўлиб ўн кун намоздан тўхтади, агар ўн кун ичида покланса, намозини ўқийди, бордию покланмаса ҳам, ғул қилиб намозини ўқийверади, чунки у аёл (ўн кундан кейин) истехзога айланади», дедилар. Робеъ ибн Сабиҳ Ҳасандан ривоят қиладилар. Ҳасан: «Ҳайз ўн кун, ундан ошгани мустаҳозадир (касаллик туфайли келадиган қон)», дедилар. Робеъ ибн Сабиҳ Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан эшитганларини айтиб бердилар. Анас ибн Молик: «Ўн кундан ошгани истехзодир», дедилар¹⁴⁰.

Ҳасан розийаллоҳу анҳу дедилар: «Усмон ибн Абул Осс: «Ҳайз кўрувчи аёлнинг ҳайзи ўн кундан ошиб кетса, у истехзо бўлади. Шунга биноан у ғул қилиб намозини ўқийверади», деб айтдилар».

Ато ибн Абу Рабоҳ: «Ҳайзнинг энг ками бир кун, кўпи эса ўн беш кун», дедилар¹⁴¹. Имом Шофеъий ва Ибн Ҳанбал ҳам шундай дейишган.

¹³⁷ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 171-бет.

¹³⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 78-бет.

¹³⁹ «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 210-бет.

¹⁴⁰ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 210-бет.

¹⁴¹ «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 208-бет.

Ҳайз қони кўриш билан қиз бола балоғатга етади. Ҳайз қони маълум вақтгача чўзилади.

Уч кундан кам вақт давомида келса ёки ўн кундан ортиб кетса, у истехоза қонидир. Ҳомиладор аёл қон кўрса, бу ҳам истехоза қонидир, чунки ҳомила сабабли бачадон оғзи ёпиқ бўлади, ундан бола ёки йўлдош чиқмагунича бирор нарса чиқмайди. Ато Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қиладилар. Оиша розийаллоҳу анҳу ҳомиладор аёл қон кўргани ҳақида айтиб: «Бу нарса уни намоздан ман қилмайди», дедилар¹⁴².

Юнус Ҳасандан ҳомиладор аёл қон кўргани ҳақида қуйидагича ривоят қиладилар: «У аёл истаҳзо ҳукмидадир, фарқи намозни ўқийверишидадир». Иброҳим Нахайй қон кўрган аёл ҳақида: «Қонни ювади ва таҳоратини қилиб намозини ўқийди. Ҳомиладор аёл учун ҳайз йўқ», дедилар. Юнус Ҳасандан: «Ҳомиладор аёл тўлғоғи тутса ва бола сабабли қон кўрса, намоздан тўхтаб туради», деб ривоят қиладилар. Абдуллоҳ: «Бола туққунича намозини ўқийди», дедилар.

Ҳайз қонининг сифати тўқ қизил, қорага яқин қон, ўта сассиқ ҳидлидир. Кўпинча юқоридаги сифатда бўлади. Аёл киши ўзининг одатича ҳайз муддатида қизил, сариқ ёки хира суюқлик (қон) кўрса, то соф оқлик кўргунча ҳайз ҳисобланади. Ҳайз тугаётгандаги чиқувчи нарса бурун сувига ўхшайди. Ёки аёллар ўзи синаб кўрувчи пахтага мусаффо қон чиқса, демек, у аёл ҳайздан пок бўлибди.

Али розийаллоҳу анҳу: «Агар аёл киши ҳайзидан пок бўлса, покланганидан сўнг шубҳали нарса кўрса, у шайтоннинг бачадондаги ҳаракатидандир. Агар бурундан қон оққандек қонни ё томчи қонни ёки гўшт ювганда тушгани каби қон кўрса, намозга қилганидек таҳорат қилади, сўнг намозини ўқийверади. Агар топ-тоза, ҳеч қандай кирсиз, тоза қон кўрса, намозини тўхтатиб туради»¹⁴³.

Яна Али розийаллоҳу анҳу: «Ҳайзи олти ё етти кун давом этиб, сўнг кетидан хира ёки сариқ нарса ёхуд бир томчи ё икки томчи қон кўрган аёлга булар ботил нарсалар ва у аёлга бирор нарса зарар бермайди», деб айтганлар¹⁴⁴.

Ҳайз ҳақидаги ҳукмлар

Ҳайз ҳайз кўрувчи аёлдан намозни ман этади. Чунки уни қазо қилиб ўқишда кўп машаққат бордир. Ҳайз кўрувчи аёл рўза тутиши ҳаром, чунки ҳайз рўзага мувофиқ келмайди. Лекин машаққат бўлмагани учун рўзанинг қазосини тутиб бериш вожиб, намознинг қазосини ўқиш эса вожиб эмас. Рўза йилда бир марта келишини назарда тутиб, уни қазо қилишда машаққат йўқ, дейилди. Аммо намоз бир кеча-кундузда беш марта адо этилиб, ҳайз кўрган аёлнинг бир ойда агар ҳайз кўриш одати ўн кун бўлса, эллик маҳал қазо қилиши керак. Бу ўз-ўзидан машаққат туғдиради. Оиша розийаллоҳу анҳо ҳайз кўрганларида Байтуллоҳни тавоф қилишдан бошқа барча ҳаж амалларини бажардилар ва намозни ўқимадилар¹⁴⁵.

Аёл киши ҳайз кўрганида масжидга кириши ҳаром. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда Оиша онамиз розийаллоҳу анҳога:

¹⁴² «Сунани Дорамий», 1-китоб, 228-бет.

¹⁴³ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 216-бет.

¹⁴⁴ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 216-бет.

¹⁴⁵ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 80-бет.

«Байтуллоҳни пок бўлмагунингча тавоф қилмай тур», деганлар¹⁴⁶. Иброҳим Нахайй: «Ҳайз кўрган аёл масжиддан баъзи нарсаларни ишлатади, лекин масжидга кирмайди», дедилар¹⁴⁷. Агар ҳайз кўрган аёл уйи худди Оиша розийаллоҳу анҳо уйларига ўхшаш масжидга қараган туйнукчаси бўлса, қуйидагича ҳаракат қилиши жоиз: «Саҳиҳи Бухорий»да Оиша онамиз шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда эътикофда ўтирганларида бошларини масжиддан (менинг ҳужрамга) чиқарардилар, мен ҳайз кўрган бўлсам ҳам, бошларини ювиб қўяр эдим»¹⁴⁸. Оиша онамиз яна: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга масжиддаги ичимликни олиб беришимни буюрдилар, мен: «Ҳайз кўрганман», дедим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни узатиб юбор, албатта ҳайз сенинг қўлингда эмас», дедилар», деб айтдилар¹⁴⁹. Ҳайз кўрган аёлга масжидга кириши ҳаромдир, лекин масжиддан (ташқарида туриб) бирор нарсани олса бўлади, аммо масжидга бирор нарсани олиб кирмайди.

Жунуб киши ҳам ҳайз кўрганга ўхшаш масжидга кириши ҳаромдир. Бу ҳақда Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир жойдан келганларида саҳобалар уйларига таклиф қилишди. Уларнинг эшиклари масжидга очилган эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уйларингиз эшигини масжиддан бошқа томонга қаратиб очинг», дедилар. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ичкарига кирдилар ва қавмга бирор нарса демадилар, уларга бу ишда рухсат бўлишини (яъни, бу ҳақда оят нозил бўлишини кутиб турдилар). Сўнгга қавмнинг олдида чиқиб: «Бу уйларнинг эшигини масжиддан бошқа томонга очинглар, албатта мен ҳайз кўрган ва жунуб одам учун масжидни ҳалол қилмайман», дедилар»¹⁵⁰, деб айтдилар.

Ҳайз кўрган аёлга Байтуллоҳни тавоф қилиш ҳам ҳаромдир. Агар: «Байтуллоҳ тавофи фақат масжидга кириб қилинади, юқорида эса ҳайз кўрган аёл масжидга кириши ман қилинган, тавофни зикр қилишдан нима фойда?» деб айтилса, жавоби шуки, аёл кишининг масжидга кирганидан кейин ҳайзи келиб қолади, у эса тавоф қилиши керак эди, шу ҳолатни тасвирлаш учундир. Ва яна ҳайз кўрган аёлга Қуръон ўқиши ҳам ҳаром. Бу ҳақда Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳайз кўрган аёл ва жунуб бўлган киши Қуръондан бирор нарса ўқимасин», дедилар¹⁵¹.

Али розийаллоҳу анҳу: «Албатта Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимизга чиқиб Қуръон ўқиб берардилар ва биз билан гўшт ердилар. Жаноботдан бошқа бирор нарса у зотни Қуръон ўқишдан тўсиб қўймас эди»¹⁵², дедилар.

Ҳадисларнинг зоҳирига қараганда, ҳайз кўрувчи аёлга оят ўқиш ва бошқа нарсалар ҳаромликда баробардир. Фуқаҳоларимиз: «Қуръон оятидан бошқани мақсад қилиб айтса, масалан, шукрни ирода қилиб

¹⁴⁶ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 216-бет.

¹⁴⁷ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 264-бет.

¹⁴⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 3-китоб, 60-бет.

¹⁴⁹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 245-бет.

¹⁵⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 60-бет.

¹⁵¹ «Сунани Термизий», 1-китоб, 87-бет.

¹⁵² «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 60-бет.

«Алҳамдулиллаҳ», деса ёки таом ейишдан олдин ёки бошқа нарсада «Бисмиллаҳ...» деса, ҳеч қандай зарари йўқ. Чунки ҳайз ва жунублик Аллоҳнинг зикридан тўсмайди. Қуръонни ҳайз кўрган ва жунуб бўлган сўзма-сўз қилиб, оят орасини ўзиб-ўзиб ўқиса ҳам, зарари йўқ», дейишади. Баъзи уламоларимиз айтишларича эса, агар ҳайз ё нифос кўрган аёл муаллим бўлса, Қуръонни болаларга талқин қилиб орасини ўзиб ўқиши жоиз, лекин оятни бир бутун қилиб, орасини узмасдан талқин қилмайди, чунки у аёл Қуръонни болаларга ўргатиши керак, лекин у ифлосликни ўзидан кетказишга қодир эмас. Шунинг учун у юқоридагича таълим беради. Лекин жунуб одам учун бу иш жоиз эмас, чунки у ифлосликни ўзидан кетказишга қодир. Жунуб одам, ҳайз ва нифос кўрган аёл «Субҳаналлоҳ», дейиши ёки таҳлил айтишининг зарари йўқ.

Ҳайз кўрган аёл эри билан жинсий қўшилиши ҳаром. Аллоҳ таоло бу ҳақда: «Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг, у кўнгилсиз, нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланнгиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз. Пок бўлганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз. Албатта Аллоҳ тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутувчиларни севади» деб айтган (Бақара сураси, 222-оят). Хотини ҳайз кўрганида уни пок деб эътиқод қилган ҳолда яқинлик қилса, кофир бўлади. Аммо ундай эътиқод қилмасдан яқинлик қилса, (садақа) қилиши ва истиғфор айтиш лозим. Баъзилар: «Бир динор садақа қилиши мустаҳаб» ва яна баъзилар: «Ярим динор», дейишган. Бу икки фикрнинг тўғриси – агар ҳайз муддатининг бошида эрига борса, бир динор, агар охирида борса, ярим динор садақа қилади, деб айтилгандир. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар қон қизил бўлса, бир динор, агар қон сарғиш бўлса, ярим динор», дедилар¹⁵³. Динор ҳозирги кунда ярим фунт тиллага тенглашади (фунт – пул бирлиги).

«Бу пулни бериш эркак кишига лозимми ёки икковигами?» дейилса, кўриниб турибдики, бу пулни бериш эркак кишига лозимдир, аёлга эмас. Уни закот йиғувчига беради. Эркак киши ҳайз кўрган аёлини ўпиши, у билан бирга ётиши, киндигидан тиззасигача бўлган жойидан бошқа танасидан манфаатланиши мумкин. Бу фикр Абу Ҳанифа ва Абу наздиларидадир. Имом Муҳаммад: «Баданининг барча қисмидан фойдаланаверади, фақат қон чиқадиган жойга яқинлашмайди», дедилар. Аёл киши ҳайз кўрганда ҳайзини яшириб, эрига билдирмасдан у билан жимоъ қилиши ҳалол эмасдир. Шунингдек, ҳайзи келмаган, яъни пок вақтида эри билан жимоъ қилмаслик учун ҳайзим келди, деб айтиши ҳам ҳалол эмас.

Аммо ҳайз ҳолатида ҳам, пок ҳолатида ҳам аёл кишининг орқа аъзосига яқинлик қилиш ҳаромдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда: «Уларга (яъни, аёлларингизга) Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз» (Бақара сураси, 222-оят), деб марҳамат қилади.

Ҳузайма ибн Собит розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деяётганларини эшитганларини ривоят қиладилар: «Эй

¹⁵³ «Сунани Термизий», 1-китоб, 91-бет.

одамлар, албатта Аллоҳ таоло ҳақни сўзлашдан уялмайди, аёлларингизнинг орқа тарафларидан келманглар»¹⁵⁴.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ҳузурларига бир киши келиб: «Эй Абу Абдурахмон, аёлимга хоҳлаганимча яқинлик қиламанми?» деб сўраган эди, у зот: «Ҳа», деб жавоб бердилар. У: «Қаердан хоҳласам, шу ердан келаманми?» деб сўради. У зот: «Ҳа», дедилар. У: «Қандай хоҳласам, шундай яқинлик қиламанми?» деди. У зот: «Ҳа», деб жавоб айтдилар. Шунда бир киши: «Эй Абу Абдурахмон, бу ёмонликни хоҳлаяптими?» деган эди, у зот: «Йўқ, аёлларингизнинг фақат орқа тешиклари сизларга ҳаромдир», дедилар. «Абдуллоҳдан бу ҳақда сўралганида шундай жавоб бердиларми?» деб айтилганида, у киши: «Ҳа», дедилар¹⁵⁵. Уламолар, жумладан, Товус, Саид, Мужоҳид ва Атолар аёлларнинг орқасига жинсий яқинлик қилишни инкор этиб: «Бу куфрдир», деганлар¹⁵⁶. Чунки Аллоҳ таоло аёл кишини экинзор, деб атади, жинсий яқинлик фарзанд кўриш учундир. Худди ер экин экиш учун бўлгани каби. Ва бу орқага ватий қилишнинг ҳаромлигига далилдир, чунки орқа ахлат чиқариш жойидир, экин экиш жойи эмас.

Таҳоратсиз одам Қуръон ушлаши жоиз эмас, Қуръон ушлашнинг бу ҳукми жунуб, ҳайз ва нифос кўрганга ҳам тааллуққидир. Чунки Қуръон қироат қилиш ҳукми ушлаш ҳукмидан енгилроқдир, энди уларга қироат жоиз бўлмадимиз, демак, ушлаш ундан-да жоиз эмас.

Таҳоратсиз одамда Қуръонни ушлаш ва уни ўқиш орасидаги фарқ шуки, ушлаши учун фақат қўлини ҳалоллайди. Жунуб одам эса қўлини ва оғзини ҳалоллайди. Кўрмайсизмики, жанобатдан қўл ва оғизни ювиш фарздир. Таҳоратсиз одамда эса оғизни эмас, балки қўлни ювиш фарз. Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар оталаридан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуръонни фақат пок (таҳоратли) одам ушлайди», дедилар¹⁵⁷.

Таҳоратсиз одам учун Қуръонни жилди билан, агар у жилд Қуръонга ёпишмай ажраб турган бўлса, ушлаш жоиздир, яъни ушловчи билан ушланган нарса орасида рўмолча ва шунга ўхшаш учинчи нарса бўлиши керак. Лекин Қуръон китобига ёпишган ғилофдан ушлаш таҳоратсиз одамга ҳалол эмас. Чунки у Қуръон китобига тобедир. Таҳоратсиз киши бармоқларини Қуръон варақларига қўйиши ва уни варақлаши жоиз эмас. Фақат қалам ва шунга ўхшаш нарсалар билан варақлаши жоиз. Шунингдек, варақ, материал ва шунга ўхшаш нарсаларга оят ёзилган бўлса, уларни ушлаш таҳоратсиз кишига жоиз эмас. Агар оятдан бошқа нарса ёзилган бўлса, афзали – ушламаслиқдир. Тафсир китобларининг Қуръон ёзилган жойларини таҳоратсиз киши ушлаши мумкин эмас, ундан бошқа жойларини ушлайверади. Лекин тафсир китобида Қуръон ояти тафсиридан кўра кўп бўлса, ушлаши мумкин эмас.

Хулоса

Таҳоратсизлик уч қисмдир:

1) Кичик таҳоратсизлик;

¹⁵⁴ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 261-бет.

¹⁵⁵ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 261-бет.

¹⁵⁶ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 261-бет.

¹⁵⁷ «Мўъжами Табароний», 12-китоб, 242-бет.

2) Ўрта таҳоратсизлик;

3) Катта таҳоратсизлик.

Кичик таҳоратсизлик фақатгина таҳоратни вожиб қилади. Бавл қилиш, катта таҳоратни ушатиш, мазий чиқиши, вадий, ғиз тўлдириб қусиш ва бадандан қон ёки йиринг чиқиб пок ҳукми бўлган жойга оқса, буларда таҳорат қилинади.

Ўрта таҳоратсизлик – бу жанобатдир.

Катта таҳоратсизлик – бу ҳайз ва нифосдир.

Кичик таҳоратсизликнинг таъсири шуки, намоз ўқиш, саждаи тиловат, Мусҳафни ушлаш ҳаром ва Байтуллоҳни тавоф қилиш макруҳ.

Ўрта таҳоратсизликнинг таъсири шуки, юқорида ўтганлар ҳаром ва буларга қўшимча равишда Қуръон ўқиш, масжидга кириш ҳаром.

Катта таҳоратсизликнинг таъсири шуки, юқоридагиларнинг барчаси ҳаром ва бунга қўшимча равишда рўза тутиш, ўз эри билан қўшилиш ҳаром. Аммо талоқ қилиш макруҳ. Жунуб, ҳайз ва нифос кўрганлар учун Қуръонга қараш макруҳ эмас.

Ҳайз кўрган аёлнинг қони (ҳайзи) ўн кундан оз вақтда тўхтаса ва бу тўхташи одатига кўра бўлса, у аёл ғул қилмагунича ёки бирор намоз вақти комил қилмагунича эри билан яқинлик қилиши мумкин эмас. Чунки қон гоҳо оқиб, гоҳо тўхтайди. Қон тўхтаганига ишонч ҳосил қилиш учун ғул лозим бўлади. Комил намоз вақти кирсин, дейилишига сабаб эҳтиёт юзасидандир. Агар ноқис намоз вақтига тўғри келиб қолса, зуҳо, ҳайит намозлари вақтларига ўхшаш, шу вақтларда ҳайзи тўхтаса, у аёл ғул қилмагунича ёки пешин намози вақти ўтгунича эри билан яқинлик қилиши жоиз эмас.

Агар ўн кундан кам вақтда қони (ҳайзи) тўхтаса ва бу тўхташи унинг одатига кўра бўлмаса, у аёлга эри яқинлик қилиши мумкин эмас.

Агар ғул қилса ва одатланган вақти тугаса, яқинлик қилиши мумкин. Чунки кўпинча одатга қайтиш ҳисобга олинади. Лекин одатланмаган ҳолида қон тўхтаса, у аёл ғул қилади ва рамазон ойида бўлса, эҳтиёт юзасидан рўза тутди. Одатланган вақти келсагина, эри уни ватий қилиши мумкин. Агар бу ҳолда унинг одатидан охириги ҳайзи бўлса, у ҳолда ражъийси ботил бўлади. Токи одатланган ҳайзнинг тўхташ вақти келмагунича, у аёл бошқа кишига турмушга чиқа олмайди.

Агар мусофир аёл ҳайзи тўхтаса ва у сув топа олмаса, таҳорат ҳукми билан таяммум қилади. Абу Ҳанифа ва Имом Юсуф фикрларича, бу аёл таяммум билан намоз ўқиганидан сўнг эри яқинлик қилиши мумкин. Лекин ражъий талоқ ҳолида қони тўхтаса, бунинг хилофидир. Икки имом фикрларича, таяммум билан намоз ўқимаса, қони тўхтамайди. Имом Муҳаммад ва Имом Зуфар фикрларича эса, ражъий талоқ қилинган аёл ҳайз кўргандан сўнг ҳайзи худди ғул қилганида тўхтаганидек таяммумда ҳам тўхтайди.

Агар аёл бирор фарз намоз вақтида ҳайз кўрса, пок бўлганидан кейин ўша фарз намозни қазо қилиб ўқимайди, у аёл ўша фарз намозига киришганида ҳайзи келганми ёки ундан олдинми, унинг фарқи йўқ ёки у вақтдан оз қолган бўлиб, фарзни адо этиш учун у ҳаракат қилганми ёки йўқми, бунинг ҳам фарқи йўқ. Ҳасан розийаллоҳу анҳу: «Агар аёл киши фарз намоздан икки ракатини ўқигандан сўнг ҳайз кўрса, покланганидан кейин у намозни қазо қилиб ўқимайди. Агар аёл киши фарз намоз вақти чиққандан кейин ҳайз кўрса, лекин у аёл ўша фарз намозини ўқимаган

бўлса, аёл покланганидан кейин у намозни қазо қилиб ўқишига уламоларимиз ижмоъ қилишган», дейдилар. Ҳасан, Қатода, Иброҳим ва Шаъбий (Аллоҳ барчаларини ўз раҳматига олсин) фикрича, бир намоз вақти кирганда у аёл намозни ўқимай туриб ҳайзи келиб қолса, пок бўлганидан сўнг қазо қилиб ўқийди¹⁵⁸.

Агар аёл киши нафл намоз ўқиётганида ёки нафл рўза тутаятган чоғда ҳайзи келса, пок бўлганидан сўнг у намоз ёки рўзани қазо қилиб ўқиб ё тутиб беради.

Агар қони ўн кун ўтиб тўхтаса, у аёл ғусл қилишидан олдин эри яқинлик қилиши жоиз. Чунки ҳайз ўн кундан ошмайди. Лекин ғуслдан олдин яқинлик қилиш хуш кўрилмаган ишдир. Аллоҳ таолонинг: «Ҳатто пок бўлгунларича» (Бақара сураси, 222-оят), деб айтган сўзи бор. Имом Шофеъий: «Ғусл қилмагунча ватий қилмайди», деганлар. Шунингдек, нифоснинг қирқ кун ўтиб тўхтаганидаги ҳукми ҳам ҳайзни тўхтатганидаги ҳукми кабидир. Энди ўн кун ўтиб ҳайзи тўхташи шарт эмас, ўн кун ўтса, лекин тўхтамаса ҳам, ватий қилиш мумкин.

Икки қон ўртасидаги одатдан ташқари содир бўлувчи поклик

Ҳайз муддатида икки қон орасидаги қон чиқмаслик худди қон оққан ҳукмидадир. Агар аёл киши бир кун қон кўрса, сўнг саккиз кун пок юрса-да, яна кетидан бир кун қон кўрса ёки бир соат қон кўрса, сўнг икки соат кам ўн кун қон кўрмаса, кетидан яна бир соат қон кўрса, имом Абу Юсуф фикрларича, бу муддатнинг ҳаммаси ҳайздир. Орадаги қон кўрмасдан тоза бўлиш қоннинг (ҳайзнинг) давом этиши кабидир. Имом Муҳаммад айтишларича, тўсатдан келган пок бўлиш агар уч кундан бир соат камайса ҳам, қон оқишининг давом этиши кабидир. Агар уч кун ва ундан кўпроқ қон келмай, пок бўлиб турса, унда қарайди, агар поклиги икки қон кўриш муддати ёки қон кўриши поклик муддатида кўпроқ бўлса, қон тўхтаган ҳисобланмай, балки қон давом этган ҳисобланади. Агар поклик муддати икки қон кўриш муддатида кўпроқ бўлса, қарайди. Агар орадаги қон келмай, пок бўлиш вақти икки тарафдаги (олдин ва кейинги) қон келиш вақтларидан кўп бўлса, улардан бирортасини ҳайз қилиш мумкин бўлса, ҳайз бўлади. Иккинчиси истеҳоза бўлади. Агар иккаласини ҳайз дейиш мумкин бўлмаса, унда иккаласи истеҳоза бўлади. Агар аёл киши бир кун қон кўрса, сўнг саккиз кун қон келмасдан тоза юрса, кейин яна бир кун қон кўрса, бу ҳолда у умуман ҳайз кўрмаган бўлади, чунки орадаги поклик икки тарафдаги қон келган вақтидан кўп, яна ҳайзнинг ками уч кун бўлиши ҳам эътиборга олинган.

Агар аёл киши уч кун қон кўрса, сўнг олти кун тоза юрса (қон кўрмаса), кейин яна бир кун қон кўрса, биринчи қон кўриши ҳайз ва иккинчиси истеҳозадир. Агар бир кун қон кўриб, олти кун тоза юрса, кетидан уч кун қон кўрса, биринчи қон истеҳоза ва иккинчиси ҳайздир.

Агар аёл киши тўрт кун қон кўрса, сўнг беш кун тоза юрса, кейин яна бир кун қон кўрса, бу кунларнинг ҳаммаси ҳайз кунларидир. Шунингдек, агар бир кун қон кўрса, кейин беш кун тоза юрса, сўнг тўрт кун қон кўрса, буларнинг ҳам ҳаммаси ҳайздир. Чунки бунда тоза юрган кунлар билан қон кўрган кунлар баробар бўлиб, ораси бўлинмайди.

¹⁵⁸ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 218-бет.

Энди агар бир кун қон кўрса, сўнг икки кун пок юрса, кетидан бир кун яна қон кўрса, ҳаммаси тўрт кун бўлади. Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад фикрларича, ҳаммаси ҳайздор. Имом Муҳаммад бунда тоза юрилган кунлар уч кундан кам эканига эътибор берганлар.

Агар аёл киши уч кун қон кўрса, сўнг олти кун тоза юрса, кетидан яна уч кун қон кўрса, ҳаммаси бўлиб ўн икки кун бўлади. Имом Абу Юсуф фикрларича, аввалги ўн куни ҳайз, қолган икки куни истеҳзодир. Имом Муҳаммад фикрларича, аввалги кўрилган (уч кун) ҳайздор, кейинги кўрилган уч кунлик қон истеҳзоадир. Орадаги тоза юрган вақти эса ҳайздан пок бўлган фурсатдор. Чунки ўн кун ичидаги кўрган иккита қонидан поклиги кўпроқдор. Яъни, ўн кун ичидаги иккита кўрган қони тўрт кун поклиги эса олти кундор.

«Ҳидоя» китобининг муаллифлари: «Имом Абу Юсуф сўзларини олиш енгилроқдор», дейдилар. «Важиз» китобида эса тўғрироғи имом Муҳаммад фикрларидор ва фатво унгадор, дейилган. «Фатово» китобида эса аёлларга осонлик борлиги учун Абу Юсуф фикрларича фатво берилган, деб айтилди.

Икки ҳайз ёки нифос ва ҳайз орасидаги пок юриш муддатининг энг ками ўн беш кеча-кундуздор. Икки нифос орасидаги покликнинг энг ками йилнинг ярмидор (яъни, олти ой). Агар орадаги поклик муддати ярим йилдан кам бўлса ва икки нифос бир-бири билан тенг бўлса, унда фақат аввалгиси нифос деб эътибор қилинади. Икки ҳайз оралиғидаги пок юриш муддатининг энг кўпининг чегараси йўқ, агар аёл умри давомида ҳайз кўрмай пок юрса, рўзасини ҳам тутуди, намозини ҳам ўқийди.

Имом Дорамий Суфёндан ривоят қилишларича, бу зот: «Пок юриш ўн беш кундор», деб айтганлар. Иброҳим Нахайдан қилинган ривоятда эса агар аёл киши бир ойда ёки қирқ кун ичида уч марта ҳайз кўрса, унга аёллардан бўлган одил гувоҳлар намоз ўқишни ҳаром қиладиган ҳайз кўрди, деб гувоҳлик берса, у ўша вақтларни бўш ўтказди (яъни, намоз ўқимай ўтказди)¹⁵⁹, дейилган. Муаллиф айтадиларки: «Бир ойда учта ҳайз кўриш қандай бўлади?» Аммо қирқ кун ичида учта ҳайз кўриш мумкин. Агар уч кун ҳайз кўрса, сўнг ўн беш кун пок юрса, яна уч кун ҳайз кўрса, ўн беш кун пок юрса, яна уч кун ҳайз кўриб, охирги қирқинчи куни покланса, бундай бўлиши мумкин.

Истеҳоза боби

Истеҳоза қони шундайки, аёл киши уни уч кундан кам муддатда ёки ўн кун ҳайз кўргандан кейинги кунларда кўради. Ҳомиладор аёл кўрган қон ҳам истеҳоза қонидор. Нифосли аёлнинг қирқ кундан сўнг ҳам кўрган қони истеҳзоадор. Истеҳоза билан ҳайз қонининг фарқи шуки, истеҳоза қони қизил, суюқ ва ҳидсиз бўлади, ҳайз қони эса ранги ўзгарувчан, қуюқ ва сассиқ ҳидли бўлади.

Урва ибн Зубайр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Абу Ҳубайш қизи Фотима розийаллоҳу анҳо ҳайз кўрган вақтларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Агар (сен кўрганинг) ҳайз қони бўлса, албатта у қора бўлиб, уни билса бўлади. Агар шундай бўлса, намоз ўқимай тур. Агар

¹⁵⁹ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 212-бет.

бундан бошқача бўлса, таҳорат олиб намозингни ўқийвер, чунки бу қон томирдаги (баъзи ўзгаришлар) сабабли келади», дедилар¹⁶⁰.

Истеҳоза қонининг ҳукми бурундан қон оқаннинг ҳукмидадир, у қон намозни, рўзани ва жинсий яқинликни ман қилмайди. Намозни ман қилмагандан кейин рўзани ман қилмаслиги унданда аълороқдир, чунки намоз учун таҳорат қилишга эҳтиёж бор, рўзада эса ундай эмас. Агар қон ҳайз вақтидан, яъни ўн кундан ёки одатланган вақтидан ошиб кетса, у истеҳоза қонидир. Агар аёл одатланган кунларига қайтса, одатланган кунларидан кейинги намозларини агар ўқимаган бўлса, қазо қилиб ўқиши лозим бўлади.

Агар балоғатга етиши билан истеҳоза бошланса, унда ҳар ой ўн кун ҳайз ҳисобланади. Нифос эса қирқ кун ҳисобланади, қолгани истеҳоза қонидир. Имом Абу Юсуф: «У аёлга намоз, рўза ва ражъий талоқда энг кам ҳайз миқдори олинади. Энг кам миқдор уч кундир. Уч кундан сўнг ғусл қилади, намозини ўқийди ва рўза тутати. Агар эри у хотинни ражъий талоқ қилган бўлса, уч ҳайз келишини ҳар бирини уч кундан ҳисоблаб кутади. Эри у хотинни учинчи ҳайзининг (охирги) учинчи куни қайтариб олиши мумкин», дейдилар. Эр-хотин ораларидаги нарсада энг кўп ҳайз муддати олинади, яъни эри уни ўн кундан сўнг ватий қилиши мумкин, деб ҳам айтдилар.

Истеҳзо ва унга далолат қилувчилар ҳукми

Мустаҳоза аёл ва унинг маъносидагилар сийдик тутта олмайдиган, бурнидан доим қон оқадиган, қони оқиб турувчи жароҳати бўлган, ошқозони дам бўлиб, бўшашиб, ел чиқиб кетадиган, касаллик туфайли кўзидан, ё қулоғидан, ё кўкрак учидан, ё киндигидан сув оқиб турадиган одамлардир. Намоз вақти чиқмасдан мубтало бўлган ҳадаслар уларда мавжуд бўлса, узрли бўлишади. Агар бир намоз вақтининг бошидан охиригача қон тўхтаса, улар соҳиби узрликдан чиқадилар.

Узрли одам агар узридан қайтадиган бўлса, узрдан қайтиши вожиб бўлади, агар қайтмайдиган бўлса, имкон қадар камайтириши лозим. Қандай қодир бўлса, шундай узрини кетказади: қон оқишни боғлаш, пахта тиқиш билан қодир бўлганича тўхтатади. Ўтирса, қон тўхтаб турса, тик турганда оқиб кетса, уни қайтариш вожиб ва бу билан соҳиби узрликдан чиқади. Агар рукуъ, сажда қилса, қон оқса, унда ўтириб, имо-ишора билан намоз ўқиши вожиб, чунки намозни сажда қилмасдан (ишора билан) ўқиш намозни ҳадас билан ўқишдан яхшироқдир.

Мустаҳоза аёл ҳар бир учун вақтига таҳорат қилади. Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилдилар: «Фотима, Абу Хубайш қизи Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, мен истеҳзо қони кўравериш, пок бўлмайман, намозимни тарк қиламанми?» деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўқ, албатта бу томир сабабли келади, сен ҳайз кўрувчи эмассан, агар ҳайз келса, намозни ўқимай тур, агар ҳайзинг тугаса, қонингни ювгин-да, намозингни ўқийвер», деб айтдилар». Ҳишом ибн Урва: «Ҳайз вақти келгунича ҳар бир намозга таҳорат қил», дедилар¹⁶¹. Яна баъзи

¹⁶⁰ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 206-бет.

¹⁶¹ «Сунани Термизий», 1-китоб, 82-бет.

ривоятларда Ҳишом: «Отам шундай дер эдилар: «Аввал биринчиси (ҳайз)га ғул қилади, сўнг ундан кейингиси (истеҳзо)га таҳорат қилиб намоз ўқийди», деб айтганлар.

Қумайр Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қиладилар. Оиша онамиздан истеҳзо ҳақида сўрашди, у зот: «Бундан олдинги тарк қилган намозини ўқишни тўхтатиб туради, покланадиган кунида ғул қилади. Сўнг ҳар бир намозига таҳорат қилади ва намозини ўқийди», дедилар¹⁶².

Адий Ибн Собит оталаридан, у зот боболаридан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мустаҳоза аёл ҳар ойдаги ҳайз кунларида намозни тўхтатиб туради. Ҳайзи тугаши билан ғул қилиб, намозни ўқийди ва рўза тутди, ҳар бир намозига таҳорат олади», дедилар¹⁶³. Агар намоз вақти чиқса, мустаҳозанинг таҳорати ботил бўлади, улар кейинги намоз учун қайта таҳорат қилмоқлари лозим. Бу гап икки имом Абу Ҳанифа ва Муҳаммад фикрларидир. Қилган таҳорати билан ўша намоз вақтида, модомики вақт қолган бўлса, хоҳлаганича фарз ва нафл намозларни, назр қилган нарсалар ва мажбуриятларни ўқиши мумкин.

Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ: «Мустаҳоза фарз намозини ўқиб бўлгандан сўнг таҳорати фарз намоз учун ботил бўлади, лекин нафл намозлар учун боқий қолади (яъни, у таҳорати билан нафл намоз ўқиса бўлади)», дедилар. Узр соҳибларининг таҳорати ўша намоз вақти чиқмасидан олдин ботил бўлмайди, фақат узрли ўриндан ташқари жойдан ҳадас келса, бузилади. Намоз вақтининг чиқиши аслида таҳорат бузувчи нарсаси эмас, лекин ҳаражни (қийинчиликни) даф қилиш учун намоз вақти ҳадаснинг зоҳир бўлишини ман қилгувчидир. Энди намоз вақти чиқса, монев йўқолади, олдинги ҳадас эса зоҳир бўлади. Шунга биноан агар узрли одамнинг узри йўқолган пайтда (масалан, қони, йиринги оқишдан тўхтаганда) таҳорат қилса ва намоз вақти чиққунча бошқа сабаблар билан таҳорати кетмаса, намоз вақти чиқса ҳам, олдинги ҳадаси йўқлиги учун таҳорати синмайди. Узрли одамда узрнинг собит бўлиши учун унинг узри бир фарз намоз вақтининг аввалидан охиригача қамраб олган бўлиши шарт қилинди, яъни таҳорат олаётган, намоз ўқиётган вақтларнинг барчасида узрдан холи вақт топа олмаслиги керак, агар фарзнинг ўзига кифоя қилгудек бўлса ҳам. Мана шу нарсаси бошланишдаги узрнинг собит бўлишига қилинган шартдир. Демак, узрнинг боқий қолишига ҳар бир вақтда бир марта узр қони келиши кифоя қилади. Узрнинг йўқ бўлишига тўла қон тўхташи вақтнинг барча қисмида қамраб олган бўлиши керак. Аммо жузъий вақтагиси асло унга кирмайди.

Эслатма: соҳиби узр агар кийимини ювса, намозининг ичида кийими нажосатланадиган бўлса, уни ювиши вожиб эмас.

Нифос боби

Нифос луғатда аёлнинг туғиши маъносида келади. Агар туғса, у аёл нифоса бўлади, туғилган бола эса манфус бўлади. Шариатда бола туғилгандан сўнг ёки боланинг кўп аъзолари чиққандан ёхуд боланинг аъзолари кўрингандан кейин кетидан чиқувчи қондир. Агар бола тўғри тушса, боланинг кўксидан кейин энкайиб тушса, киндигидан кейин

¹⁶² «Сунани Дорамий», 1-китоб, 202-бет.

¹⁶³ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 202-бет.

келадиган қон нифосдир. Бола туққандан сўнг аёл идда ўтирган бўлса, иддаси тугайди. Агар бола туғилишига боғлиқ қасам ичган бўлса, бола туғиши билан қасамини бузади. Бола кўпроқ тирик туғилса, унга мерос собит бўлади ва тирик туғилиб ўлса, жаноза ўқилади. Агар бола туғилганидан кейин қон кўрмаса, у аёл нуфоса бўлмайди. У икки имом фикрларича, фақат таҳорат қилади. Имом Абу Ханифа фикрларича эса, эҳтиётан ғусл қилади, деб олдин ўтган эдик.

Ҳомиладор аёл кўрган қон, туғиш вақтида боланинг кўпроғи чиқмаган вақтдаги келган қон истеҳоза қонидир, агар ҳомиладор ҳайз куни ўн кун давомида қон кўрса ҳам. Чунки ҳомиладорлик пайтида раҳмнинг оғзи бола билан тўсилгани сабабли ҳомиладор аёл ҳайз кўрмайди.

Ҳайз ҳам, нифос ҳам фақат раҳмдан чиқади. Истеҳоза қони хилофича, у раҳмдан эмас, фарждан чиқади. Шунинг учун агар биз ҳомиладор аёл қонини ҳайз, десак, ҳайз ва нифос бирга бўлиб қолиши мумкин, деган бўламиз. Агар ҳомиладор аёл туғишидан олдин қон кўрса, у қонни ҳайз ҳисобласа, туғса ва яна қон кўрса, у аёл нуфоса бўлади, энди у аёл бир вақтда ҳам ҳайз кўрувчи, ҳам нифос кўрувчи бўлди, бундай бўлиши мумкин ва жоиз эмасдир. Ҳомиладор аёл қон кўрса, то бола туққунича намоз ўқиши фарздир, агар намоз ўқимаса, гуноҳкор бўлади.

Нифосни энг кам ва энг кўп вақти

Нифоснинг камига чегара йўқ, кўпи эса қирқ кундир. Энг ками – туғиш вақтида боланинг раҳмдан чиқишидан кейиндир, унга муддат белгилашга эҳтиёж йўқ. Ҳайзнинг хилофича, унинг раҳмдан чиқаётгани уч кун муддатда билинади. Нифоснинг озида намоз ва рўза ҳақида бирор чегара йўқ, лекин кўпи қирқ кундир. Муссатул Аздийя Умму Салама розийаллоҳу анҳодан ривоят қиладилар. Умму Салама: «Нуфосалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида қирқ кун ўтирардилар...», дедилар¹⁶⁴.

Имом Шофеъий: «Олтмиш кун ўтиради», дедилар. Ато ва Шаъбий ривоятларига кўра, агар у аёлнинг қон кўриши чўзилса, олтмиш кунгача кутиб туради, кейин ғусл қилиб намозини ўқийди¹⁶⁵. Бунинг маъноси шуки, аёлнинг раҳми бола билан бўлади, у бола раҳмдан ҳайз қонининг чиқиб кетишига тўсқинлик қилади. У қон тўрт ой йиғилади, ундан кейин руҳ болага киради, то онаси туққунича бола ҳайз қони билан озиқланиб туради. Она туққандан сўнг тўрт ой йиғилиб ётган қон чиқади. Кўпинча аёл ҳар ой бир марта ҳайз кўради, унинг кўпи ўн кундир. Шунга биноан тўртта ўн қирқ кун бўлади. Имом Шофеъий фикрларича эса, ҳайз муддатининг кўпи ўн беш кун, тўртта ўн беш олтмиш кун бўлади. Агар нифос қирқ кундан ошса, (умрида биринчи бор нифос кўрган аёлда) у истеҳоза бўлади. Аммо агар одатланган аёл ундан олдин туққан бўлса, у аёлнинг нифосда одатланган вақти бўлса ва нифосда қирқ кундан ошиб кетса, одатланган кунларини нифос ҳисоблаб, қолган кунлари тарк қилган намозини қазо қилиб ўқийди.

Агар аёл бир қоринда икки бола туғса, у икки боланинг туғилиши ораси олти ойдан кам бўлса, икки имом фикрларича, биринчи боладан

¹⁶⁴ «Сунани Термизий», 1-китоб, 92-бет.

¹⁶⁵ «Сунани Байхақий», 1-китоб, 342-бет.

кейин тушган қон нифос ҳисобланади, агар икки бола туғилиши ораси қирқ кун бўлса ҳам, нифос ҳисобланади, чунки бачадон очилгани зоҳир бўлиб, боланинг кетидан кўринган қон нифос бўлди. Иккинчи боланинг кетидан тушган қон агар икки бола туғилиши орасидаги вақт қирқ кундан кам бўлса, у аввалги нифоснинг давомидир. Туғилиш ораси қирқ кундан кўп бўлса, у қон истеҳозадир, у аёл ғул қилиб намозини ўқийди. Чунки нифоснинг муддати қирқ кундир ва у ўтиб бўлган, ундан кейин у аёлда нифос бўлмайди. Бир аёл кўп бола (масалан, учта) туғса, ҳар бир бола туғилиши ораси олти ойдан кам бўлса, биринчи ва учинчи бола туғилиши ораси эса олти ойдан кўп бўлади. Баъзи фуқоҳоларимиз бу ҳолни бир қориндан тушган, деган фикр билдиришган, улардан Абу Али ад-Дақоқдирлар. Мана шу фикр саҳиҳроқдир.

Нажосатлар ҳақидаги боб

Нажосат – у одамлардан чиқадиган чиқинди ва ҳар бир ифлос, нопок нарсалардир.

Намоз ўқувчи баданини, кийимини, намоз ўқийдиган жойини, яъни оёғи турадиган жой, сажда қиладиган ва ўтирадиган ўрнини нажосатдан покламоқлиги вожиб. Аллоҳ таоло: «Ва кийимингизни поклаб тозаланг» (Мудассир сураси, 4-оят), деб марҳамат қилади. Агар кийимни поклаш вожиб бўлса, баданини ва намоз ўқийдиган жойни поклаш ҳам вожиб, чунки намоз ўқилганда шуларнинг барчасини ўз ичига олади. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу: «Бир аъробий келиб масжиднинг бир чеккасига бавл қилди, одамлар уни уришиб беришди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни бундай қилишдан қайтардилар. У аъробий тўла бавл қилиб бўлганидан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир челақ сувни бавлнинг устидан тўкишни буюрган эдилар, ўша сув қуйиб юборилди», дедилар¹⁶⁶.

Яна Анас розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Биз масжидда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган эдик, бир аъробий келиб тик турди-да, масжидга бавл қила бошлади. Саҳобалар: «Бўлди қил, бас қил», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни уришманглар, қўяверинглар», дедилар. Одамлар жим бўлишди, у бавл қилиб бўлди. Сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аъробийни чақириб, унга: «Албатта бу масжидлар бавл ва чиқинди-нажаслар учун салоҳиятли эмас. Балки бу жойлар Аллоҳнинг зикри, намоз ва Қуръон қироати учундир», дедилар. Ёки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунга ўхшаш гап айтдилар. Сўнг қавмдан бир кишига челақда сув олиб келиб (бавл) устидан қуйишга буюрдилар»¹⁶⁷. У киши айтганларини бажарди.

Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир сут эмадиган болани олиб келишди, у болакай қўйниларига бавл қилиб қўйди, у зот сув олиб келишни буюрдилар. Сув олиб келинган эди, бавл устидан қуйдилар»¹⁶⁸.

¹⁶⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 62-бет.

¹⁶⁷ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 237-бет.

¹⁶⁸ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 237-бет.

Ҳақиқий нажосатларни юқоридаги ҳадислар ва уламолар иттифоқиға кўра, сув билан ювиб поклаш жоиздир. Имом Абу Ҳанифа нажосатларни барча ювувчи суюқликлар билан тозалаш жоиз, дедилар, чунки бу ерда мақсад нима покловчи бўлса, ўша билан нажосатни кетказишдир. Ҳатто агар нажосатли жойни қайчи билан кесиб ташласа ҳам жоиздир. Аммо кўз билан кўриб тозалаб бўлмайдиган ҳукмий нажосатда сувни ишлатиш айни ибодатдир, уни мутлақ сув билан тозалаш лозим. Суюқликнинг ювувчи бўлиши шарт қилинди: сиркага ўхшаш гул суви, чечак суви ва истеъмолга яроқли сувга ўхшаш, аммо сут ва ёғга ўхшаш ювиш хусусияти йўқ суюқликлар ярамайди.

Имом Абу Юсуф: «Кийим ва баданнинг ўртасини ажратиб таҳоратсиз деб эътибор қилингани учун мутлақ сув билангина бадандан нажосат кетади, кийимда эса акси бўлиб, ундан нажосат ҳар бир покловчи суюқлик билан кетади», дейдилар. Имом Муҳаммад Зуфар, Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳимлар: «Фақат мутлақ сув билангина нажосат кетади, чунки нажосат намознинг жоиз бўлишини ман қилиб турувчидир, шундай экан, у фақат сув билангина тозаланади. Ҳукмий нажосатга қиёс қилиб, уни таҳоратсизлик...

Агар кишининг оёқ кийимига нажосат тегса, у ер ва шунга ўхшаш нарсага суртиб ташланади, чунки оёқ кийим қалинлигидан унга нажосат бўлаклари кирмайди, кейин озгина қолган нажосат қурийди, оёқ кийими агар қуриса, нажосат бўлакларини ўзига тортиб олади, агар у тушиб кетса (ерга ишқашлик билан), у билан бирга барча нажосат бўлаклари ҳам тушиб кетади ва у пок бўлади. Лекин қуримаган, ҳўл нажосат билан ифлосланган (оёқ кийим ё кийимдаги) доғ ювмагунча тоза бўлмайди. Чунки бу нажосатни ерга суртиш билан у атрофига ёйилиб кетади ва у жой тоза бўлмайди. Мақбурий Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятда келтирилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз оёқ кийими билан нажосатни босиб олса, тупроқ у учун покловчидир», дедилар¹⁶⁹.

Манийнинг ҳукми

Маний нажосати ғализадир. Оиша розийаллоҳу анҳо: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кийимларидан жанобат (манийси)ни ювиб ташлар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу кийимларининг баъзи жойи ҳўл бўлса ҳам, у билан намозга чиқар эдилар», деб ривоят қиладилар¹⁷⁰. Сулаймон ибн Ясрдан қилинган ривоятда айтилади: «Оиша розийаллоҳу анҳодан кийимга теккан маний тўғрисида сўрадим, улар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кийимларидан манийни ювиб ташлар эдим, кийимларида баъзи жойлари нам бўлиб ювилгани билиниб турарди ва у билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга чиқардилар», деб жавоб бердилар¹⁷¹. Кийимга теккан маний нам бўлса, ювиб ташлаш вожибдир, агар кийимда қуриган маний юқи бўлса, ишқалаб ташлаш кифоя қилади. Асвад ва Ҳаммом Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилишларича, Оиша розийаллоҳу анҳо: «Мен

¹⁶⁹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 105-бет.

¹⁷⁰ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 64-бет.

¹⁷¹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 64-бет.

қуриган манийни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кийимларидан ишқалаб ташлар эдим», дедилар¹⁷². Амра ҳам Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан қилган ривоятда Оиша розийаллоҳу анҳо: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кийимларидан маний агар қуриган бўлса, ишқалаб ташлардим ва агар ҳўл бўлса, юиб ташлардим»¹⁷³, дедилар.

Агар ойна ёки қиличга нажосат тегса, изи кетадиган даражада артиб ташлаш кифоя қилади. Бунга ўхшаш ғадир-будури йўқ, силлиқ нарсалар – шиша, бўялган идиш, сопол идишлар ҳам шундай покланади, чунки нажосат уларнинг ичига кирмайди, устидагини артиш билан кетказилади.

Агар ер юзасига нажосат тушса, қуёш нурида ёки бошқа сабаб билан қуриса, унинг ранги, таъми, ҳиди қолмаса, шу жойда намоз ўқиш жоиздир. Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб: «Ернинг покланиши унинг қуришидир», деганлар¹⁷⁴. Ер сатҳида турган ҳар бир нарсага – деворлар, дарахтлар, ўт-ўланлар ва қамишлар, агар ер юзида турса, ернинг ҳукми ўтади ва у нарсалар қуриши билан пок бўлади. Агар ўт-ўлан ёки қамиш ўриб олинса ва унга нажосат тегса, фақат ювишлик билан тоза бўлади. Тош ер кабидир. Агар ерга нажосат тўкилса, сўнг қуриб асари қолмаса, у ерда намоз ўқиш мумкин, лекин таяммум қилиш мумкин эмас. Чунки намозга поклик шарт қилинган. Таяммумга ҳам пок тупроқ шарт қилинган ва бу шарт Қуръон ояти билан собит бўлган, шунинг учун ҳадис билан собит бўлган нарсага қайтилмайди. Яна далил шуки, намоз енгил нажосат билан жоиздир, таҳорат эса енгил нажосатли нарса билан қилинмайди. Таяммум эса таҳоратнинг ўрнига турадиган нарсадир.

Нажосатнинг қисмлари

Бир кишига нажосати ғализага кирувчи қон, сийдик, гўшти ейилмайдиган ҳайвон сийдиги, ҳавода озиқланмайдиган товук, ўрдак, ғозга ўхшаш қушларнинг ахлати дирҳам миқдорида ёки ундан камроқ тегса, у билан намоз ўқиса бўлади. Чунки оз нарсадан эҳтиёт бўлишнинг имкони йўқ, шунинг учун у авф қилинади. Дирҳам миқдори истинжо қиладиган жойдан қиёс қилиб олинди. Имом Наҳайй ўтирадиган жой (тешигини) дирҳам миқдорича деб ўлчадилар. Тош билан истинжо қилгандан кейин агар чиқувчи нарса истинжодан олдин тешикнинг ҳаммасига теккан бўлса, истинжодан кейин унинг асорати ҳаммасида қолади ва бу жой дирҳам миқдorigа етади. У билан уламолар иттифоқича, намоз ўқиса бўлади. Биз билдикки, дирҳам миқдорича жойда нажас бўлиши шариатда авф қилингандир. Аммо дирҳам миқдоридан ошиб кетса, намоз ўқиш жоиз эмас. Сўнг масофа жиҳатидан дирҳамнинг эътибори ривоят қилинди, кафтнинг кенглигича саҳиҳ сўздир. Оғирлик юзасидан бир мисқол оғирликдаги катта дирҳам миқдори ривоят қилинди, у тахминан тўрт грамм оғирликдир. Мувофиқ қилиб айтадиган бўлсак, масофа суюқ нажаслар учун, вазн эса қуюқ нажаслар учундир. Абу Ҳанифа наздларидаги нажосати ғализа унинг нажосатлигига насс (оят, ҳадисдан далил) келган ва поклигига насс келмаган нарсадир. Нажосат ҳақида уламолар ихтилоф қилганми-йўқми,

¹⁷² «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 238-бет.

¹⁷³ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 125-бет.

¹⁷⁴ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 200-бет.

бунинг фарқи йўқ. Икки имом: «Ҳар бир нарсанинг тозалигига ижтиҳод йўл топмаса, у нажосат ғализадир», дейишди.

Имом Абу Ҳанифа наздларидаги енгил нажосат шуки, у нажосатнинг поклигига ҳам, нажаслигига ҳам нассда (оят, суннат) (далил) келтирилмаган. Икки имом фикрларича, ижтиҳод унинг тозалигига имкон берадиган нарсага енгил нажосат, дейилади.

Нажосати ғалийза – ароқ, отилиб чиққан қон, ўлимтик гўшти, ўлимтик ҳайвон териси (ошладан олдинги ҳолати), гўшти ейилмайдиган ҳайвон сийдиги, агар бу ҳайвон она сутини эмадиган даражада ёш бўлса ҳам, сичқон сийдиги, итнинг ахлати, йиртқич ҳайвонлар тезаги ва сўлаги, товук, ўрдак ва ғозларнинг ахлати, инсон баданидан чиқиб таҳоратни кеткизадиган ҳар бир нарса: оқувчи қон, мазий, маний, вадийлар, истеҳоза қони, ҳайз қони. Бу ҳақда Асмо бинти Абу Бакр шундай дейдилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир аёл: «Эй Аллоҳнинг расули, агар бирортамиз кийимига ҳайз қони тегса, нима қилиши керак?» деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангизнинг кийимига ҳайз қони тегса, уни ишқаб уқалаб ташласин, кейин сув сепсин (сувда ювсин), сўнгра унда намозини ўқийверсин», дедилар»¹⁷⁵. Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо: «Ичимиздан бирортамиз ҳайз кўриб қолса, ювинаётган пайтда кийимдан қонни ишқалаб ташлаб, уни ювар ва бошқа жойига сепиб, сўнгра унда намоз ўқир эди»¹⁷⁶.

Шунингдек, нифос қони, оғизни тўлдириб қусгандаги қусуқ ва юқорида саналганларнинг бари, уламолар иттифоқича, нажосати ғалийзадир. Имом Абу Ҳанифа фикрларича, булар ҳақида нажосатнинг акси бўлиб далил келмаган, икки имом фикрларича эса, ижтиҳод уларнинг поклигига йўл топмагани учун нажосати ғализадир. Шунга биноан, от, хачир, эшак, сигир таппилари ва қўй қумалоғи, имом Абу Ҳанифа фикрларича, нажосати ғалийзадир, чунки нассда уларнинг нажас эканининг акси бўлган хабар келмаган. Икки имом фикрларича эса, юқоридагилар нажосати хафифадир, чунки уламолар у нарсалар ҳақида ўз замонларида ундан сақланиш имконияти йўқлиги учун (у нарса нажас ёки йўқми, деб ихтилоф қилганлар). Аммо бугунги кунда улардан эҳтиёт бўлиш мумкин, бас, бу тўғрида қийинчилик йўқдир.

Енгил нажосат гўшти ейиладиган чорва ва ёввойи ҳайвонлар, от ва оҳу сийдиги кабилардир. Буларнинг тозалигига насс ворид бўлган, уларнинг ичган сувлари ҳам ҳалолдир. Абу Қалоба бу ҳақда Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Укл ва Урайна қабиласидан бўлган одамлар Мадинани қасд қилиб йўлга чиқишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар келишганида эмлаш ва даво бўлиши учун (туянинг) сути ва сийдигидан ичишни буюрдилар. У ердан қайтиб кетиб соғайишгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга бош қилиб қўйган одамни ўлдиришди ва чорва ҳайвонларини ҳайдаб кетишди. Бу хабар эрта тонгда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб келди, у зот уларнинг ортидан аскар юбордилар. Кун кўтарилган вақтда уларни олиб келдилар ва оёқларини кесдилар, кўзларини ўйдилар, иссиққа ташлаб қўйдилар, улар сув сўраганда бермадилар». Абу Қалоба: «Ана шулар (чорвани) ўғирлашган ва (одамларни) ўлдиришган, иймондан сўнг

¹⁷⁵ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 81-бет.

¹⁷⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 81-бет.

кофир бўлишган, Аллоҳ ва Унинг расулига қарши уришишган кимсалардир», деб айтдилар¹⁷⁷.

Бундан кейин умуман сийдик ва унинг жинсидан бўлган нарсадан сақланиш тўғрисида ҳадис ворид бўлганки, Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта умумий қабр азоблари сийдик сабабдир, ундан сақланишлар», деб айтганлар»¹⁷⁸.

Лочин, калхатга ўхшаш гўшти ейилмайдиган қушларнинг ахлати умумий зарурат бўлгани учун енгил нажосатдир. Баъзилар уни тоза, деб ҳам айтишган ва бу фикрни саҳиҳ санашган. Имом Муҳаммад: «Гўшти ейиладиган ҳайвон (чорва)нинг сийдиги Урнайайн ҳадисига кўра, тозадир. Агар нажас бўлганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга сийдик ичишни буюрмаган бўлардилар. Чунки нажас ҳаромдир», дейдилар. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу: «Албатта Аллоҳ азза ва жалла ҳаром қилган нарсани сизларга шифо қилмаган», деб айтганлар¹⁷⁹.

Икки имом: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга шифо бўладиган нарсани ваҳий орқали билганлар. Ҳозир эса унга ўхшаш (ваҳийга ўхшаш) нарса йўқ. Агар ишонч билан ҳаром нарсани тановул қилиши шифо бўлишини билса, уни ейиш мубоҳдир, агар (таом тополмай) ўлимтикни ейиши билан очликдан ўлмай қолишини ишонч билан билса, унда ўлимтикни ейиш мубоҳ.

Агар енгил нажосат кийимга тегса, кийимнинг тўртдан биридан кам бўлса, у кийим билан намоз ўқиши жоиздир. Агар нажосати хафифа – енгил нажосат баданга тегса, теккан жойи ҳар бир аъзонинг тўртдан биридан кам бўлса, у билан ҳам намоз ўқиш жоиздир.

Нажосат ўрнини поклаш

Ювиш вожиб бўлган нажосат теккан жойни поклашда икки йўл бор. Агар нажосатни кўриш имкони бўлса, айна нажосатнинг ўзини бир марта бўлса ҳам, ювиш билан кетказиб пок қилинади, агар унинг асари, ранги, ҳидга ўхшаш асорати қолса ва у асоратни кетказиш мушкул бўлса, унинг зарари йўқ. Уни кетказиш учун қайноқ сув ёки совун ишлатиш вожиб эмас, балки тоза, тиниқ сувнинг ўзи кифоя қилади.

Энди у нажосат кўриб бўлмайдиган, сийдикка ўхшаш нарса бўлса, нажосат теккан жой то ювувчи одам пок бўлди, деб ўйлагунича ювилади. Нажосат чиқиб кетиши учун такрор-такрор ювиш лозим. Нажас кетиши билан тўхтаб қолмайди, балки ўзининг гумони пок бўлди, деб ғолиб келгунича ювади. Уламолар уч марта ювиш миқдорини айтганлар, чунки уч марта ювиш билан ўша тозалик ҳосил бўлади. Зоҳирий сабаб енгил бўлиши учун унинг ўрнига ўтади. (Зоҳирий сабаб – бу уч марта ювишлик. Ўрнида олдин турган нарса – гумон ғолиб келгунича қайта-қайта ювиш уч марта ювиш енгилроқ бўлгани учун унинг ўрнига ўтади.) Бу гапни уйқудан уйғонган одам ҳақидаги ҳадис ҳам таъкидлайди. Ҳар бир ювганидан сўнг кийимни сиқиб ташлаш лозим, чунки сиққанда ичидаги нарсалар сиқилиб чиқиб кетади.

¹⁷⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 65-бет.

¹⁷⁸ «Мўъжами Табароний», 11-китоб, 66-бет.

¹⁷⁹ «Мўъжами Табароний», 9-китоб, 245-бет.

Агар кийимга нажосат тегса ва теккан жойи билинмаса, у кийимнинг ҳаммасини ювади.

Намоз китоби **Намознинг Қуръон ва ҳадисдаги далиллари**

Аллоҳ таоло: «Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва рукуъ қилгувчилар билан бирга рукуъ қилинг» (Бақара сураси, 43-оят); «У Зотдан (Аллоҳдан) қўрқинглар ҳамда намозни тўқис адо қилинглар! Мушриклардан бўлманглар» (Рум сураси, 31-оят); «Аллоҳга У Зот учун динни холис қилган, тўғри йўлдан олмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) адо этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир» (Баййина сураси, 5-оят), деб марҳамат қилади.

Убода ибн Сомит розийаллоҳу анҳудан ривоят этилишича, у киши айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деб айтаётганларини эшитдим: «Аллоҳ таоло фарз қилган беш вақт намоз бор, кимки таҳоратларини чиройли қилиб, намозларини вақтида ўқиса, рукуъларини, хушуъларини мукаммал қилса, унга Аллоҳнинг мағфират қилиш ваъдаси бордир, агар кимки шундай қилмаса, унга Аллоҳнинг мағфират қилиш ваъдаси йўқ, Аллоҳ хоҳласа, уни мағфират қилади, хоҳласа, уни азоблайди»¹⁸⁰.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган Исро воқеаси ҳақидаги ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар: «Аллоҳ таоло умматимга эллик вақт намозни фарз қилди. Мен у билан қайтаётиб Мусо алайҳиссалом ёнларидан ўтиб қолдим. Мусо алайҳиссалом: «Сиз ва умматингизга Аллоҳ таоло нимани фарз қилди?» деб сўрадилар. Мен: «Эллик вақт намозни фарз қилди», дедим. Мусо алайҳиссалом: «Роббингизнинг олдига қайтинг, умматингиз бунга тоқат қилолмайди», дедилар. Мен қайтиб бордим, Роббим ярмидан кечди. Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига қайтиб келиб: «Роббим ярмидан кечди», дедим. Мусо алайҳиссалом: «Роббингизга қайтинг, умматингиз бунга тоқат қилолмайди», дедилар. Қайтиб бордим, яна ярмидан кечди. Мусо алайҳиссаломга қайтиб келдим. Мусо алайҳиссалом: «Роббингизга қайтиб боринг, умматингиз бу нарсага тоқат қилолмайди», дедилар. Мен Роббим ҳузурига қайтиб бордим. Роббим: «У беш вақт намоз бўлди ва (савоби) эллик вақт намозга тенгдир. Менинг ҳузуримда гап ўзгармайди», деди. Мен Мусо алайҳиссалом олдиларига қайтдим, у зот: «Роббингизга қайтинг», дедилар. Мен: «Роббимдан уяламан», дедим»¹⁸¹. Оиша онамиз розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у онамиз: «Намоз икки ракат-икки ракат бўлиб муқимга ҳам, мусофирга ҳам фарз бўлди. Кейин сафардаги намоз шундайлигича қолди, муқимликдаги намоз зиёда бўлди», дедилар¹⁸².

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангизнинг уйининг эшиги олдидан анҳор оқиб турса, унда ҳар куни беш маҳал чўмилса, унда кир қоладими?» деганларида, саҳобалар: «Йўқ, ҳеч қандай кир қолмайди»,

¹⁸⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 115-бет.

¹⁸¹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 93-бет.

¹⁸² «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 478-бет.

дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу нарса беш вақтдаги намоз кабики, Аллоҳ таоло намоз сабабли хатоларни ўчиради», деб айтдилар¹⁸³. Абдулмалик ибн Робеъ оталаридан, у зот боболаридан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ёш бола етти ёшга тўлганида унга намозни ўргатинглар, ўн ёшга тўлганда ўқимаса, уларни уринглар», дедилар»¹⁸⁴. Яна шу ровийдан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламгача марфуъ бўлган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Болаларингиз етти ёшга тўлганда ўринларини алоҳида қилинглари, агар ўн ёшга тўлса, (намоз ўқимагани учун) уринглар», дедилар¹⁸⁵.

Талҳа ибн Убайдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига Нажд аҳлидан бўлган сочлари тўзғиган одам келди, биз унинг баланд овозини эшитдик, лекин нима деганини тушунмадик, у яқин келиб Ислом ҳақида сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир кеча-кундузда беш вақт намоз ўқиш», дедилар. У: «Ундан бошқаси ҳам борми?» деганида, у зот: «Йўқ, қолгани нафл бўлади», деб: «Рамазон ойида рўза тутиш ҳам», дедилар. У: «Менга ундан бошқаси ҳам борми?» деганида, у зот: «Йўқ, қолгани нафл бўлади», деб унга закот ҳақида гапирдилар. У: «Менга ундан бошқалари фарз эмасми?» деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўқ, қолгани нафл бўлади», дедилар. У киши орқасига қайта туриб айтар эди: «Аллоҳга қасамки, бу нарсаларга зиёда қилмайман ва бундан кам ҳам қилмайман», деб айтди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар рост гапирган бўлса, у нажот топибди», дедилар»¹⁸⁶.

Беш вақт намознинг Қуръонда келган далили

Абу Разийн айтадилар: «Нофеъ ибн Азроқ Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ҳузурларига келиб: «Қуръонда беш вақт намоз хабари келганми?» деб сўради. Ибн Аббос: «Ҳа», дедилар ва: «Бас, тунга кириш пайтингизда ҳам Аллоҳни поклаб ёд этинг» (Рум сураси, 17-оят) – бу шом намози, «Тонгга кириш пайтингизда ҳам...» (Рум сураси, 17-оят) – бу бомдод намози, «Осмонлар ва ердаги бор ҳамду сано Уникидир, оқшомга киришдан олдин ҳам (У Зотни поклангиз)» – бу аср намози, «Пешин пайтига киришларингизда ҳам (Аллоҳни поклаб ёд этинг)» (Рум сураси, 18-оят) – бу пешин, «Хуфтон намозидан кейин бу уч вақт сизларнинг авратларингиз (очиқ бўлиши мумкин бўлган вақтлардир)» – бу хуфтон намози», деб айтдилар». Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳ Аллоҳ таолонинг: «Кундузнинг ҳар икки тарафида намозни тўқис адо қилинг» (Худ сураси, 114-оят) ояти ҳақида айтиб: «Булар бомдод намози ва иккинчи тарафидагиси пешин ва аср намозлари, «Кечадан бир бўлагида (намозни тўқис адо қилинг), булар шом ва хуфтон намозларидир», дедилар¹⁸⁷.

Намоз – иймон билан куфр орасини ажратувчидир

¹⁸³ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 462-бет.

¹⁸⁴ «Ал-Мустадрок», 1-китоб, 258-бет.

¹⁸⁵ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 230-бет.

¹⁸⁶ «Сунани Насайи», 1-китоб, 228-бет.

¹⁸⁷ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 359-бет.

Абдуллоҳ ибн Бурайда оталаридан ривоят қилиб айтадиларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта бизнинг ва уларнинг (кофирларнинг) орасини (ажратувчи) аҳд-ваъда – бу намоздир, ким уни тарк қилса, у кофир бўлади», дедилар¹⁸⁸. Аҳд – Аллоҳ таоло Мийсоқ куни мусулмонлардан олган ваъдадир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам саҳобаларидан намоз учун байъат олганлар. Намоз мусулмон ва кофирларнинг орасини ажратувчи нарсадир, у билан мусулмон ва кофирлар ажратилади, агар у адо қилинмаса, унда икки тоифани ажратишга йўл қолмайди. Намозни кофирларга ўхшаган ҳолда тарк қилса, кофир бўлади. Ёки «Кимки уни тарк қилса, кофир бўлади» маъносида мусулмонларга хилоф қилиши куфрга яқинлашишдир, дейилган. Ва яна ким қасддан тарк қилса, кофир бўлади, дейилган.

Имом Аҳмад: «Намозни тарк қилувчи ҳадиснинг зоҳирига кўра, кофир бўлади», дедилар. Аллоҳ билгувчироқдир.

Намоз – инсон аввал ҳисоб берадиган нарсадир

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта қиёмат куни банда биринчи бўлиб ҳисоб берадигани намоздир, агар намози мукамал деб топилса, мукамал деб ёзилади. Агар ундан бирор нарса кам бўлса, «Қаранглар, унда бирорта ўқиган нафл намози борми?» дейди ва фарз намозидан кам бўлса, нафл намозидан олиб, фарз намози мукамал қилинади. Сўнг бошқа амаллари шунга ўхшаш ҳисоб қилинади», дедилар¹⁸⁹.

Намозхон учун жаннатнинг эшиклари очилиши ҳақида

Абу Умома розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий алайҳиссалом: «Агар банда намозда қоим бўлса, унга жаннат эшиклари очилади ҳамда ўзи ва Роббиси орасидаги парда кўтарилади, илгари ҳеч кимни эътиборга олиб қиё боқмаган ҳурлар унга рўбарў бўлади», дедилар¹⁹⁰.

Намоз гуноҳларга каффорот экани ҳақида

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Беш вақт ўқилган намоз ораси ва жумадан жумагача бўлган вақт оралиғидаги гуноҳларга каффоратдир», дедилар¹⁹¹.

Намоз Аллоҳга қилинган амалларнинг энг суюқли экани ҳақида

Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Амалларнинг қайси бири Аллоҳга суюклироқ?» деб сўрасам, у зот: «Вақтида ўқилган намоз», дедилар. Мен: «Кейин қайсиниси?» десам, у зот: «Ота-онага яхшилик қилиш», дедилар.

¹⁸⁸ «Сунани Насайи», 1-китоб, 231-бет.

¹⁸⁹ «Сунани Насайи», 1-китоб, 231-бет.

¹⁹⁰ «Муъжами Табароний», 8-китоб, 250-бет.

¹⁹¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 209-бет.

Мен: «Кейин қайсиси?» деб сўраганимда у зот: «Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш», деб жавоб бердилар»¹⁹².

Банда қай ҳолатда Роббисига яқин бўлиши ҳақида

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Банданинг Аллоҳга энг яқин бўлган ҳоли сажда қилгандадир, шундай экан, саждада дуони кўп қилинглари», дедилар¹⁹³.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиёмда узоқ турганларидан оёқлари шишиб кетгани ҳақида

Оиша розийаллоҳу анҳо айтишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ичидаги қиёмда (узоқ) турганларидан оёқлари ёрилиб кетарди. Оиша розийаллоҳу анҳо: «Эй Аллоҳнинг расули, сизнинг аввалги ва охири гуноҳларингиз кечирилган бўла туриб шундай қиласизми?» деганларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Оиша, шукр қилувчи банда бўлмайми?» деб марҳамат қилдилар¹⁹⁴.

Намоз дўзах ўтини ўчирувчи экани ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир намоз вақти бўлганда бир нидо қилувчи юборилади. У: «Эй одам болалари, туринглари ва ўз нафсингиз учун ўзингиз ёққан оловни ўчиринглари», дейди. Бас, улар турадилар ва таҳорат оладилар, шунда уларнинг хатолари тўкилади, улар намоз ўқийдилар ва икки намоз ўртасидаги гуноҳлари кечирилади. Намоз ўқиб бўлганларидан кейин (баъзи бир гуноҳ ишларни қилишлари сабабли) яна ўзларига ўзлари гўё ўт ёқадилар (яъни, дўзахга тушишга сабаб бўладиган иш қиладилар). Сўнг кейинги (пешин) намози вақти бўлади, унда нидо қилувчи: «Эй одам болалари, туринглари, ўз нафсингиз учун ёққан оловни ўчиринглари», дейди. Бас, улар туриб таҳорат қиладилар ва намоз ўқийдилар, икки намоз ўртасидаги гуноҳлари кечирилади. Агар аср вақти кирса ҳам, шу ҳол бўлади. Шом вақти кирса ҳам, шу ҳол бўлади. Ҳуфтон вақти кирса ҳам, шундай ҳол содир бўлади. Одамлар гуноҳлари мағфират қилинган ҳолда ухлайдилар», деб, сўнгра: «Яхшиликка ёки ёмонликка ботган бўлади», дедилар¹⁹⁵.

Бомдод намозининг фазилати

Анас ибн Сирийн: «Жундуб ибн Абдуллоҳнинг бундай деяётганларини эшитдим», дедилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки бомдод намозини ўқиса, у Аллоҳнинг зиммасидадир (кафиллигидадир).

¹⁹² «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 91-бет.

¹⁹³ «Саҳиҳи Муслим», 4-китоб, 2172-бет.

¹⁹⁴ «Саҳиҳи Ибн Ҳиббон», 4-китоб, 1475-бет.

¹⁹⁵ «Мўъжами Табароний», 10-китоб, 141-бет.

Аллоҳ Ўз зиммасига олишда сизлардан бирор нарса талаб қилмасин, Аллоҳ кимни ана шу ҳолда топса, жаҳаннамга ташлайди», дедилар»¹⁹⁶.

Умора ибн Рувайба оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганларини эшитдим: «Қуёш чиқишидан ва ботишидан олдин намоз ўқиган одам дўзахга тушмайди»¹⁹⁷.

Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким икки салқин намозини ўқиса, жаннатга киради», дедилар¹⁹⁸. Икки салқин намозидан мурод бомдод ва аср намозидир.

Пешин намозининг фазилати

Абдурахмон ибн Ҳумайд оталаридан, у зот эса боболаридан ривоят қилиб айтадилар. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳажр (яъни, пешин намози) кечаси ўқилган намоздандир (яъни, савоби баробардир)», дедилар. Абдурахмон ибн Ҳумайддан ҳажр ҳақида сўрасам, у зот: «Қуёш тиккадан оғандаги вақт», дедилар»¹⁹⁹.

Аср намози фазилати

Аллоҳ таоло бу ҳақда: «Барча намозларни ва, хусусан, ўрта намозни (аср намозини) сақланглар – ўз вақтида адо қилинглар! Ва Аллоҳ учун бўйинсунган ҳолда туринглар» (Бақара сураси, 238-оят), деб айтган. Фузола Лайсий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб мусулмон бўлдим, кейин у зот менга Исломни ўргатдилар ва беш вақт намозни ўз вақтида ўқишни айтдилар. Мен: «Агар бу вақтларда машғул бўлиб қолганимда вақт ўтиб кетса-чи?» деб сўрасам, у зот: «Агар машғул бўлиб қолсанг ҳам, икки маҳал намозда машғул бўлиб қолмагин», дедилар. Мен: «У икки маҳал қайси?» десам, у зот: «Бомдод ва аср намози», дедилар»²⁰⁰.

Абу Басра ал-Ғифорий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан аср намозини қоринлари оч ҳолда ўқидилар. Сўнг: «Бу намоз сиздан олдинги ўтганларга ҳам берилган эди, улар уни ўқимасдан зое қилдилар. Кимки уни вақтида ўқиб муҳофаза қилса, икки баравар кўп савоб ёзилади», дедилар»²⁰¹.

Шом намозининг фазилати

Уммул мўминин Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг ҳузурида намознинг афзали шом намозидир, кимки ундан кейин икки ракат ўқиса, Аллоҳ таоло у учун жаннатда бир уй бино қилади, у уйда бу киши эртаю кеч вақтини ўтайди», дедилар»²⁰².

¹⁹⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 454-бет.

¹⁹⁷ «Сунани Насайи», 1-китоб, 241-бет.

¹⁹⁸ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 2-китоб, 220-бет.

¹⁹⁹ «Мўъжами Табароний», 1-китоб, 134-бет.

²⁰⁰ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 2-китоб, 220-бет.

²⁰¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 268-бет.

²⁰² Табаронийнинг «Мўъжамул Авсат»лари, «Канзул Аъмал»дагидек, 7-китоб, 388-бет.

Хуфтон намозининг фазилати

Усмон розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганларини эшитдим: «Кимки хуфтон намозини жамоат билан ўқиса, у кечанинг ярмигача намоз ўқигандек бўлибди, кимки бомдод намозини жамоат билан ўқиса, у кечанинг ҳаммасида намоз ўқигандек бўлибди»²⁰³.

Витр намозининг фазилати

Абул Валид ал-Адавий айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимизга чиқиб: «Аллоҳ азза ва жалла сизларга бир намоз билан мадад берди, у намоз сизлар учун қизил туялардан ҳам яхшироқдир, ўша витр намозидир. Аллоҳ унинг вақтини сизларга хуфтондан сўнг то тонг отгунгача қилди», дедилар»²⁰⁴.

Абдуллоҳ ибн Бурайда оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: «Витр намози ҳақдир, ким витр ўқимаса, биздан эмас. Витр намози ҳақдир, ким витр ўқимаса, биздан эмас. Витр намози ҳақдир, ким витр ўқимаса, биздан эмас»²⁰⁵.

Қиблага қараб намоз ўқишнинг фарзлиги ҳақидаги боб

Барро розийаллоҳу анҳу айтдилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Байтул Муқаддас томонга қараб ўн олти ой ёки ўн етти ой намоз ўқидик, сўнг қибла ўзгарди». Ва баъзи ривоятларда айтилишича, Байтул Муқаддас тарафга қараб ўн олти ой намоз ўқилди, сўнгра у Каъбага ўзгарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиган киши ансорлар жамоаси олдидан ўтиб кетаётиб: «Гувоҳлик бераманки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юзларини Каъбага қаратдилар», деди. (Шунда) одамлар Каъбага қараб юзландилар²⁰⁶.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Байтул Муқаддасга юзланишлари Қуръон билан собит бўлганми ёки бу у зотнинг ўзларининг ижтиҳодларими?» дейилган саволга Қози Иёз: «Аксарият уламоларнинг фикрига кўра, бу суннатдандир (яъни, ўз ижтиҳодлари), Қуръондан эмас», деб айтдилар.

Қибладан бошқа тарафга юзланиш жоиз бўлган ҳолатлар

Солим Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қиладилар. Абдуллоҳ: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туялари қайси тарафга қараб юрса, шу тарафга қараб нафл намози ва витр намозини ўқирдилар. Лекин унда фарз намозларини ўқимас эдилар», деб айтдилар.

²⁰³ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 454-бет.

²⁰⁴ «Сунани Абу Довуд», 2-китоб, 61-бет.

²⁰⁵ «Сунани Абу Довуд», 2-китоб, 61-бет.

²⁰⁶ «Сунани Насайи», 1-китоб, 243-бет.

Ижтиҳоддан сўнг хатони тўғрилаш

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу дейдилар: «Одамлар бомдод намозини Қубо масжиди тарафга юзланиб ўқиёганларида олдиларига бир одам келди ва: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу кеча ваҳий нозил бўлди, у зот Каъбага юзланишни буюрдилар, бас, сизлар ҳам Каъбага юзланинглар», деди. Одамлар Шом тарафга юзланиб турган эдилар, Каъбага айланиб юзландилар»²⁰⁷.

Агар бир томонни қибла деб билиб, унга қараб намоз ўқиса, сўнг бу хато эканини билса, унинг ичида қибла тарафга ўгирилиб олади.

Намознинг фарз бўлишига далил ҳамда унинг маънолари ва ҳикматлари

Фарз намозларининг фарзлиги Қуръон, суннат ва уммат ижмоъси билан собит бўлган. Қуръонда Аллоҳ таоло: «Албатта намоз мўминларга вақти тайинланган фарз бўлди» (Нисо сураси, 103-оят), деб марҳамат қилади. Суннатда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ислом беш нарсага бино қилинган: ягона Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг расули, деб гувоҳлик бериш – шаҳодат айтиш, намоз ўқиш, закот бериш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш ва рамазон ойида рўза тутиш», дедилар²⁰⁸. Намоз фарз эканига уммат ижмоъ қилган.

Намоз – салот сўзи луғатда дуо маъносидадир. Аллоҳ таоло: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), уларнинг ҳақларига дуо қилинг. Албатта сизнинг дуоингиз улар учун ором-осойишталик бўлур» (Тавба сураси, 103-оят), деб марҳамат қилади (яъни, оятда «солли алайҳим» деб келади, маъноси «уларнинг ҳақларига дуо қилинг» деганидир).

Шариатда эса такбир билан бошланиб, салом билан тугайдиган махсус амалларга айтилади. Намоз Исро ва Меърож кечаси нозил бўлган, ҳадис ва ижмоъга кўра, намоз вақтларининг адади бешдир. Витр намози фарз эмас, балки вожибдир. Фарз намозлари шом намозидан ташқари аслида икки ракат-икки ракат бўлган. Бу ҳол сафардаги намозларда шундай қолган, муқимликдаги намозлар бомдоддан бошқасида кўпайган.

Фарз бўлишининг ҳикмати – неъмат бергувчи Зот Аллоҳга шукр қилиш ва гуноҳларга каффарот бўлиши учундир. Бу ҳақда Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ёнасишлар, ёнасишлар (яъни, гуноҳ содир этасизлар ва дўзахда ёнишга лойиқ бўлиб қоласизлар). Агар бомдод намозини ўқисангизлар, ювилади (яъни, гуноҳлар ювилиб, мағфират қилинасишлар), сўнг ёнасишлар, ёнасишлар (гуноҳ содир этасизлар), агар пешин намозини ўқисангизлар, ювилади. Сўнг яна ёнасишлар, ёнасишлар, агар асрни ўқисангизлар, (гуноҳларингиз) ювилади. Сўнг яна ёнасишлар, куясишлар, агар шомни ўқисангизлар, (гуноҳларингиз) ювилади. Кейин яна ёнасишлар, куясишлар, агар хуфтонни ўқисангизлар, (гуноҳларингиз) ювилади. Сўнг ухлайсизлар ва уйғонгунларингизча ҳеч нарса ёзилмайди», дедилар²⁰⁹.

²⁰⁷ «Сунани Насайи», 1-китоб, 243-бет.

²⁰⁸ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 454-бет.

²⁰⁹ «Ат-Тарғиб ват –Тарҳийб», 1-китоб, 234-бет.

Намоз вақтлари

Намознинг вожиб (фарз) бўлишининг аслий сабаби у Аллоҳ таолонинг азалий хитобидир. Аллоҳ таоло ягона, Ўзи ҳукмларни вожиб қилгувчи Зотдир. Лекин Аллоҳ таолонинг вожиб қилиши бизга номаълум экан, биз унинг ҳукмини чиқара олмаймиз. Шунинг учун Аллоҳ таоло бизга зоҳирий-мажозий, енгил бўлган сабабларни муҳайё қилди, у ҳам бўлса, вақтлардир.

Агар жинни ёки ҳушидан кетган киши аср вақтида – қуёш ботаётганида ўзига келса, икковига ҳам аср намозини ўқиш лозим бўлади. Шунингдек, ҳайз ва нифос кўрган аёл бу вақтда покланса, кичкина бола шу вақтда балоғатга етса, диндан қайтган муртад асрнинг охириги вақтида Исломга кирса, уларнинг ҳаммасига аср намози ўқиш лозимдир. Шундан кейин агар намоз вақти чиқса, сабаб вақтнинг ҳаммасига тааллуқли бўлади ва намознинг вожиблиги комил сифат билан собит бўлади. Агар улар (юқоридагилар) намозини ноқис вақтда адо қилишмаса, комил вақтда (ундан кейинги намоз вақтида) қазо қилиб ўқишлари лозим.

Афзали эса юқоридаги ҳадисларда зикр қилинганидек, намозни вақтнинг аввалида ўқишдир, агар намоз вақти ўтиб, намозини ўқимаган бўлса, гуноҳи кабирага йўл қўйган бўлади.

Бомдод намози вақти

Бешта намоз вақтларининг аввали бомдод намози вақтидир. Фажр – бу субҳ ёки тонгнинг аввалидир, у кеча қоронғулашгандаги қуёшнинг қизиллигидир, у ҳам бўлса, уфқ бўйлаб ёйилган оқликдир, у осмон тарафида бўлади. Лекин чўзилган бўлмайди, чўзилган оқлик бўрининг думига ўхшаш бўлиб зоҳир бўлади, озгинадан сўнг эса йўқолади, шунинг учун у фажри козиб – ёлғончи тонг, дейилади. Бомдод намозининг охириги вақти қуёш чиқмасдан олдинги вақтдир. Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозини тонг кўриниб аниқ бўлганидан кейин ўқирдилар»²¹⁰.

Анас розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб, бомдод намозининг вақти ҳақида сўради. Тонг энди ота бошлаганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан намоз ўқидилар. Эртасига тонг жуда ёришиб кетганида яна намозга иқомат айтишни буюрдилар ва биз билан намоз ўқидилар. Сўнг: «(Бомдод) намози вақти ҳақида сўраган ҳалиги одам қани? Бомдоднинг вақти мана шу икки вақт оралиғидир», дедилар»²¹¹.

Бомдод намозидаги афзал пайт – бу тонг ёришиб оқарган пайтдир, шу вақтда тонг отганига одамнинг ишончи комил бўлади. Баъзи уламолар: «Бу фикр ойдин кечалар учун махсусдир, чунки унда тонгнинг аввали билинмайди, шунинг учун эҳтиёткорлик юзасидан тонгни ёритиброқ ўқишга буюришган», дейишади. Ёки намозда қироатни тонг яхшилаб ёришиб олиши учун чўзиброқ ўқишга буюришган. «Бомдод намозини оқартириб ўқинглар. Шунда унинг савоби кўпроқ бўлади», деб айтилган, ҳадис мана шу фикрни қувватлайди. Бу фикрни ҳанафий уламолардан Имом Таҳовий ихтиёр этдилар.

²¹⁰ «Сунани Насайи», 1-китоб, 270-бет.

²¹¹ «Сунани Насайи», 1-китоб, 270-бет.

Рофеъ ибн Ҳудайж ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бомдод намозини оқартириб ўқинглар», дедилар²¹². Маҳмуд ибн Лабид қавми орасидаги ансорийларнинг биридан ривоят қилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бомдодни (тонгни ҚЎШДИМ) оқартириброк ўқисанглар, ажри каттарок бўлади», дедилар²¹³.

Тонг ёришгандан кейинги намоз ҳақида

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу Ҳафса онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қиладилар. Ҳафса онамиз: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тонг отгандан сўнг фақатгина икки ракат енгил қилиб (бомдод суннати) ўқирдилар», деб айтдилар²¹⁴. Шунга биноан, тонг отгандан кейин икки ракат суннатдан бошқа нафл намоз ўқиш ҳамда таҳияти масжид намози ўқиш макруҳдир.

Пешин намозининг вақти

Пешин – қуёш тиккадан бироз оғиб, заволга кетган вақтдир. У биринчи зоҳир бўлиб, илк ўқилган намоз ҳамдир. Унинг аввалги вақти қуёш тиккадан ботиш томонга сал оғган вақтдир. Бир нарсанинг сояси завол вақтидаги соядан ташқари икки бараварга узайса, шу пешиннинг охирги вақтидир. Шу гап саҳиҳроқдир. Имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад: «Охирги вақти бирор нарсанинг сояси заволдаги соядан ташқари ўзи баробарича бўлса», дейишган. Ва бу фикрга Имом Зуфар ва уч имом Имом Молик, Шофеъий ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбаллар ҳам қўшилганлар. Имом Таҳовий: «Шу охирги фикрни оламиз», деганлар. У Жаброил алайҳиссалом имом бўлганлари ҳақидаги ҳадис баёнидир. Бу бобда мана шу нарса далилдир. Бугунги кунда ҳам одамлар унга амал қиладилар, унга фатво берилгандир. Имоми Аъзамнинг фикрларини олишда эса зиммасидаги нарсани ишонч билан адо этишлик бор. Чунки вақтидан олдин намозни ўқиш дуруст эмас, лекин вақти чиққанидан кейин (қазосини) ўқиш дуруст. Юқоридаги ҳолда пешин вақти боқий тургани ҳолда қандай асрни ўқийди?! Эҳтиёт учун пешин намозини нарсанинг сояси ўз мислича бўлган вақтгача кечиктирмайди. Аср намозини эса фақат нарсанинг сояси икки баравар бўлгандан кейин ўқийди. Намозлар ўз вақтида адо бўлиши учун шундайдир.

Абу Барза Асламий розийаллоҳу анҳу: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин намозини қуёш заволга оғгандан кейин ўқирдилар», деб айтдилар.

Анас розийаллоҳу анҳу: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуёш (тиккадан) ботиш томонга оғганда кейин чиқдилар ва саҳобалар билан бирга пешин намозини ўқидилар», дедилар.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаброил алайҳиссалом сизларга динларингизни ўргатгани келдилар. Бомдод намозини тонг отгандан кейин ўқидилар, пешин намозини қуёш тиккадан ботувчи томонга оғгандан кейин

²¹² «Сунани Насай», 1-китоб, 272-бет.

²¹³ «Сунани Насай», 1-китоб, 272-бет.

²¹⁴ «Сунани Насай», 1-китоб, 283-бет.

ўқидилар, кейин аср намозини нарса сояси ўзининг баробарича бўлгандан кейин ўқидилар, сўнг шомни қуёш ботгандан кейин ўқидилар ва шу вақтда рўздор оғиз очиши мумкин, кейин хуфтон намозини уфқдаги шафақ йўқолгандан кейин ўқидилар. Кейин эрта тонгда келиб, тонг бироз ёришган пайтда бомдод намозини бирга ўқидилар. Пешин намозини нарса сояси ўзининг баробарича бўлгандан кейин бирга ўқидилар. Сўнгра асрни нарса сояси ўзига икки баравар бўлгандан кейин биргалашиб ўқидилар. Шомни бир вақтда, яъни қуёш ботгандан кейин, рўздорга ифтор қилиш мумкин бўлганда ўқидилар. Кейин хуфтон намозини кечадан бир соат ўтгандан кейин ўқидилар. Кейин: «Кечаги намоз вақти билан бугунги намоз оралиғи намозларингиз вақтидир», деб айтдилар», дедилар²¹⁵.

Совуқ кунларда пешинни аввалги вақтда ўқиш мустаҳабдир. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳунинг ривоят қилган ҳадисларига биноан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар кун иссиқ бўлса, (пешин) намозини совутиброқ, яъни бироз кечиктириб ўқирдилар. Агар кун совуқ бўлса, вақтлюроқ ўқирдилар²¹⁶. Иссиқ кунда пешин намозини кечиктириш – таёқча сояси зоҳир бўлиб, иссиқнинг шиддати енгиллашгунича бўлиши мустаҳабдир. Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар иссиқ кучайиб кетса, намозни совутиброқ ўқинглар, чунки иссиқнинг шиддати жаҳаннам иссиқлигидандир», дедилар²¹⁷.

Аср намозининг вақти

Аср вақтининг аввали нарсанинг сояси ўзининг мислича бўлишидан ёки икки баробар бўлишидан зиёдалашган вақтдир. Охири эса қуёш буткул уфқдан ҳақиқий бўлмасдан, ҳиссий ва зоҳирий ботиб кетгунчадир. Чунки ҳақиқий кўринишда қийинчилик бордир, буюрилгани эса имкони етганичадир. Шунинг учун самолётда учиб кетаётган одам рўздор бўлиб, қуёш гардишини кўриб турса ҳам, у рўзасини очмайди. Лекин ер сатҳида турган одам қуёш гардишини кўрмаса ҳам, рўзасини очаверади. Агар қуёш ботгани кўринмаса, (масалан, булутли ҳавода) шарқ тарафдан зулмат кўриниш вақтини ҳисобга олади.

Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Жаброил алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига намоз вақтларини ўргатгани келдилар. Жаброил олдинда турдилар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ортларида, одамлар эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларида турдилар. Қуёш заволадан оғгандан кейин пешин намозини ўқишди. Нарсанинг сояси ўзининг баробарича бўлган вақтда Жаброил алайҳиссалом яна келиб, аввалги каби Жаброил алайҳиссалом олдинда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ортларида, одамлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ортларида туришди ва асрни ўқишди... (ҳадис давом эттириб)... сўнг иккинчи кун, киши сояси ўзининг баробарича бўлган вақтда Жаброил алайҳиссалом келдилар, кеча нима қилган бўлсалар, шундай қилиб, пешин намозини

²¹⁵ «Сунани Насай», 1-китоб, 249-бет.

²¹⁶ «Сунани Насай», 1-китоб, 248-бет.

²¹⁷ «Сунани Насай», 1-китоб, 248-бет.

ўқишди. Кейин киши сояси ўзидан икки баробар узун бўлганда келиб, кеча нима қилган бўлсалар, шуни қилдилар ва асрни ўқишди...»²¹⁸.

Аср намозини қуёш сарғайган вақтгача кечиктиришнинг ёмонлиги

Ало розийаллоҳу анҳу Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳунинг Басрадаги ҳовлиларига пешинни ўқиб бўлганларидан кейин кирдилар. Уйлари масжид ёнида эди. «Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу: «Асрни ўқидингларми?» деб сўрадилар. Биз: «Йўқ, ҳозиргина пешинни ўқиб бўлдик», дедик. У зот: «Асрни ўқиб олинглар», деб айтдилар. Биз туриб асрни ўқидик. Ўқиб бўлганимиздан кейин эса: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Мунофиқнинг намози шундайки, аср намозини кутиб ўтиради, ҳатто қуёш шайтоннинг икки шоҳи орасига келганда тўртта чўқилайди-да (яъни, тўрт ракат аср намозини шошиб-пишиб ўқийди), унда Аллоҳнинг зикрини жуда оз қилади», деб эшитганман», деб айтдилар»²¹⁹.

Олдин айтганимиздек, ўша куннинг асрини қуёш сарғайган пайтда адо қилади, кечиктириш учун зарурат бўлмаса, гуноҳкор бўлади, агар кечиктиришига бирор зарурат сабаб бўлса, унда гуноҳкор бўлмайди. Солим оталаридан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аср намозини йўқотган одам гўё аҳлидан ва молидан ажраган одам кабидир», дедилар.

Аср намозини аввалги вақти да ўқиш

Имом Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг асрни аввалги вақтида ўқиш ҳақидаги далиллари Анас розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ушбу ҳадисдир: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аср намозини ўқиётганларида бирор киши Қубога бориб, яна қайтиб келса ҳам (саҳобалар) намоз ўқишаётган эди...» Бошқа ривоятда: «Қуёш кўтарилган ҳолда эди», деб келган. Яна бошқа ривоятда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аср намозини ўқиётганларида қуёш ҳали кўриниб тик турар ва бирор киши шаҳар четига бориб, қайтиб келганда ҳам қуёш тик турар эди»²²⁰.

Булутли кунда аср намозини макруҳ вақтга тўғри келиб қолмаслиги учун вақтининг аввалида ўқиш суннатдир.

Аср ва бомдод намозларидан кейин нафл намозларини ўқиш ҳукми

Наср ибн Абдурраҳмон боболари Муоз розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. У киши Муоз ибн Афро билан бирга Байтуллоҳни тавоф қилаётганларида Муоз намоз ўқимадилар. «Мен: «Намоз ўқийсизми?» деб сўраганимда, у киши: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Асрдан кейин то қуёш ботгунича намоз йўқ (яъни, ўқилмайди) ва бомдоддан кейин то қуёш чиққунича ҳам намоз ўқилмайди», деб айтганлар», дедилар»²²¹.

²¹⁸ «Сунани Насайи», 1-китоб, 255-бет.

²¹⁹ «Сунани Насайи», 1-китоб, 255-бет.

²²⁰ «Сунани Насайи», 1-китоб, 255-бет.

²²¹ «Сунани Насайи», 1-китоб, 258-бет.

Шомнинг вақти

Қуёш ботгандан кейинги пайт шом намозининг аввалги вақтидир. Охирги вақти оқ шафақ йўқолмасидан уфқда қизил шафақ йўқолганидан кейин уч даража – 12 дақиқага тенг келувчи вақт кетгунича бўлган пайтдир. Бу фикр имом Абу Ҳанифа фикрларидир. Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад: «Қизил шафақ йўқолгунча бўлган пайт», дейишади. Бу фикрни имом Абу Ҳанифа ҳам ривоят қилганлар, унга фатво берилган. Бошқа уч мазҳаб боши имомлар ҳам шундай дейишган.

Абу Ҳанифанинг олдинги сўзларидан қайтганлари ҳақидаги хабар ҳам келган, у киши: «У қизилликдир», дейдилар, у киши барча саҳобаларнинг шафақнинг қизиллиги ҳақидаги айтган сўзларини олганлар. Оқ шафақ уч даражага тенг туради, дейилди, бу уч даража ўн икки дақиқа бўлади, демак, бир даража тўрт дақиқадир.

Бурайда розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир киши келиб, намоз вақти ҳақида сўради. У зот: «Биз билан икки кун тургин», дедилар. Билол розийаллоҳу анҳуга буюргандилар, бомдод намозига иқомат айтдилар ва бомдодни ўқишди. Сўнг қуёш заволга кетганидан кейин буюргандилар, пешинни ўқишди. Сўнг қуёш оқариб кўринган вақтда (азонга) буюрдилар ва асрни ўқишди, сўнг қуёш ботгандан кейин (азонга) буюрдилар ва шомни ўқишди. Кейин шафақ йўқ бўлганидан сўнг (азонга) буюрдилар... Сўнг эрталаб тонг ёришиб кетганида (азон айтишга) буюрдилар, кейин пешин намозини ҳуш келадиган қилиб совутиб ўқидилар, қуёш оқаришдан сал ўтгандан кейин асрни ўқишди. Кейин шафақ йўқолишидан олдин шомни ўқишди, кечанинг учдан бир қисми ўтгандан кейин (азон айтишни) буюрдилар ва хуфтонни ўқишди. Сўнг: «Намоз вақти ҳақида сўраган одам қани? Намозларингиз вақти сизлар кўрган орадаги вақтлардир», дедилар»²²².

Шом намозини аввалги вақтида ўқиш мутлақ суннатдир. Савол: «Шомдан олдин икки ракат нафл намоз ўқиш макруҳми?» Агар икки ракат нафл ўқиш шом намозини кечикиб ўқишга олиб борса, у макруҳдир. Агар ундай бўлмаса, макруҳ эмас. Ҳассон ибн Билол Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларидан бўлган Аслам қабиласига мансуб бир кишидан ривоят қилишича, саҳобалар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга шом намозини ўқиб, сўнггра шаҳар четидаги маҳаллаларига бориб, найзаларини отишар ва найзалари тушган ўринни кўришар эди²²³.

Шом намозини юлдузлар кўринган вақтгача заруратсиз кечиктириш макруҳ, чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шом намозини аввалги вақтида адо этишга жуда қизиқувчи бўлганлар, бу ҳақда юқорида Жобир розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда айтиб ўтилди. «Сўнг шомни икки кунда ҳам (Жаброил) келганларида қуёш ботгандан сўнг ўқидилар». Ва бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: «Сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шом намозини (икки кунда ҳам) бир вақтда, яъни қуёш ботиб, рўзадорга ифтор қилиш мумкин бўлган вақтда ўқидилар», дейилади.

²²² «Сунани Насайи», 1-китоб, 258-бет.

²²³ «Сунани Насайи», 1-китоб, 258-бет.

Шом намозидан кейинги уйқунинг макруҳлиги ҳақида

Абу Барза Асламий розийаллоҳу анҳу фарз намозларининг кайфияти тўғрисида ривоят қилган ҳадисда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизлар атама деб номловчи хуфтон намозини кечиктириброк ўқишни яхши кўрардилар, хуфтондан олдин ухлашни ва ундан кейин гаплашмоқни ёмон кўрардилар», деб айтганлар²²⁴.

Хуфтон намозининг вақти

Хуфтоннинг аввалги вақти шафақ йўқ бўлган вақтдир. Охирги вақти тонг отмасдан олдинги пайтдир.

Жобир розийаллоҳу анҳу ривоят қилган, Жаброил алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга имомлик қилганларининг сифати зикр этилган ҳадисда: «Шафақ йўқ бўлганида (Жаброил алайҳиссалом) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келдилар ва: «Туринг ва хуфтон намозини ўқинг», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб хуфтон намозини ўқидилар...», дейилади²²⁵.

Нўъмон ибн Башир розийаллоҳу анҳу: «Мен охирги хуфтон намозининг вақтини одамлардан кўра билувчироқман. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хуфтон намозини ой ғоиб бўлганида, шафақ кетиши билан бирга ўқир эдилар», дедилар.

Хуфтон намозининг мустаҳаб бўлган вақти

Жобир розийаллоҳу анҳу ривоят қилган, Жаброил алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга имомлик қилганлари ҳақидаги ҳадисда келтирилишича: « (Жаброил алайҳиссалом) хуфтонни ўқишга кечанинг аввалги учдан бир бўлаги ўтгандан кейин келиб: «Туринг ва намоз ўқинг», дедилар. Расулulloҳ хуфтон намозини ўқидилар...», дейилади²²⁶. Абдуллоҳ ибн Амр ва Бурайда розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда ҳам шундайдир. Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимизга кечанинг ярми ўтганида чиқиб... «Агар заиф одам заифлашиб қолмаса ёки касал одам дармонсизланиб қолмаса эди, бу намозни (яъни, хуфтонни) кечанинг ярмигача кечиктириб ўқишга буюрардим», дедилар»²²⁷, дейилади.

Хуфтон намозининг охирги вақти

Мўминлар онаси Оиша розийаллоҳу анҳо айтишларича, бир кеча Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаяллаб чиқавермадилар, ҳатто кечанинг барчаси ўтиб кетди ва масжид аҳли эса ухлаб қолди. Кейин у зот чиқиб намоз ўқидилар ва: «Бу пайт хуфтон вақтидир, агар умматимга

²²⁴ «Сунани Насайй», 1-китоб, 262-бет.

²²⁵ «Сунани Насайй», 1-китоб, 262-бет.

²²⁶ «Сунани Насайй», 1-китоб, 263-бет.

²²⁷ «Сунани Насайй», 1-китоб, 268-бет.

машаққат бўлмаса эди, (шу пайтда хуфтон намозини ўқишга буюрар эдим)», дедилар²²⁸.

Витр намозининг вақти

Витр намозининг вақти хуфтон намозининг вақтидир. Хорижа ибн Хузофа розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимизга чиқиб: «Аллоҳ таоло сизлар учун қизил туялардан ҳам яхшироқ бўлган намоз билан мадад берди, у витр намозидир, Аллоҳ унинг (вақтини) сизларга хуфтон намози билан тонг отгунча бўлган фурсат ичида қилди», дедилар»²²⁹.

«Витр намози ухлашдан олдин ўқиладими ёки кечаси уйқудан туриб ўқиладими?» деб сўралса, витрни ухлашдан олдин ўқиш хавфсизроқдир. Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу бу ҳақда қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Дўстим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам менга уч нарсани тавсия қилдилар: «Витр намозини ўқиб ухлаш, ҳар ой уч кун рўза тутиш ва икки ракат зуҳро намозини ўқиш»²³⁰. Кечаси уйқудан уйғонса, витрни ухлашдан олдин ўқиган бўлса, қайтариб ўқимади. Талх ибн Али ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир кечада икки витр йўқдир», дедилар²³¹.

Намоз ўқиш қайтарилган вақтлар

Уқба ибн Омир ал-Жуханий розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч вақтда бизни намоз ўқишдан ёки ўликларни кўмишдан қайтарардилар: қуёш энди чиқаётган пайтидан то кўтарилиб кетгунча, қуёш қоқ тиккага келган пайтдан то заволга оғгунча, қуёш (нури) заифлашиб (қизариб) ботаётган пайтдан то ботиб бўлгунча»²³².

Бу вақтларда қазо намози ўқиш, тиловат саждасини қилиш, жаноза намозини ўқиш жоиз эмас (мумкин эмас). Фақат ўша куннинг аср намозини қуёш ботаётганда ўқиса бўлади, чунки баён қилганимиздек, намоз (аср намози) вақтидан бир бўлаги ҳали қоим турибди, шу сабабли вожиблик юзасидан адо қилади.

Абу Умома Боҳилий Амр ибн Абасанинг шундай деб айтганларини эшитдилар: «(Мен): «Эй Аллоҳнинг расули! Бирор вақт борми, бошқасидан (Аллоҳга) яқинроқ бўлса? Ёки бирор вақт борми, унда зикр кўп қилинса?» деб сўрадим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа, албатта Аллоҳ таоло бандасига яқин бўладиган пайт кеча ўртасининг охириги бўлагидир. Агар бу пайтда Аллоҳни зикр қилувчилардан бўла олсанг, ҳаракат қилиб улардан бўлгин. Қуёш чиқаётган пайтда намоз ўқимай тур, чунки қуёш шайтоннинг икки шохи орасидан чиқади ва у вақтда кофирлар ибодат қиладилар. Қуёш найза бўйи кўтарилмагунча ва нурлари атрофга тарқалмагунча намоз ўқимай тургин. Сўнгра қуёш куннинг ярмида, чиққан тарафидан ботадиган тарафига оғмагунча (қуёш тиккага келган вақтда)

²²⁸ «Сунани Насайи», 1-китоб, 267-бет.

²²⁹ «Сунани Термизий», 1-китоб, 281-бет.

²³⁰ «Сунани Насайи», 2-китоб, 229-бет.

²³¹ «Сунани Насайи», 2-китоб, 230-бет.

²³² «Сунани Насайи», 1-китоб, 275-бет.

намоз ўқимай тур, чунки у вақтда жаҳаннам эшиклари очилиб, олови кучайтирилади. Ва яна намозни то соя узаймагунича ўқимай тургин. Кейин яна қуёш ботаётганида токи ботиб бўлгунича намоз ўқимай тур, чунки қуёш шайтоннинг икки шохи орасига ботади ва у вақтда кофирлар ибодат қиладилар», деб айтдилар»²³³.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам асрдан сўнг то қуёш ботгунича ва субҳдан (бомдоддан) сўнг то қуёш чиққунича намоз ўқишдан қайтардилар²³⁴.

Бу икки вақтда нафл намозлар ўқилмайди. Лекин қазо намозларни, тиловат саждасини бажариш жоиз. Байтуллоҳни тавоф қилиш бу вақтларга тўғри келиб қолса, икки ракат тавоф намози ўқилмайди.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуёш чиқаётганида ёки ботаётганида намоз ўқишдан қайтардилар»²³⁵.

Мусофир намозларни жамлаб ўқийдиган вақт ҳақидаги боб

Анас розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар шошилиш сафарга чиқсалар, пешин намозини аср вақтигача кечиктириб, икковини бирга ўқирдилар. Шом намозини шафақ йўқолмагунича кечиктириб, шом ва хуфтонни жам қилиб ўқирдилар. Яъни, пешинни унингхирги вақтида ўқиб, асрни унинг аввалги вақтида ўқиб жамлардилар. Шом ва хуфтон ҳам шу тарзда бўлар эди.

Солим Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятда шундай келтирилади: «Икки намоз орасини жамламоқчи бўлсалар, уловларидан тушардилар-да, «Намозга иқомат айтгин», дердилар. Салом бериб бўлганимдан кейин яна: «Иқомат айтгин», дердилар. Намозни ўқиб бўлгач, уловларига миниб кетардилар»²³⁶.

Нофеъ розийаллоҳу анҳу айтдилар: «Биз Ибн Умар розийаллоҳу анҳуга Маккада йўлиқдик, бу кеча у киши биз билан бирга юрдилар, ҳатто кеч кириб кетди, биз у зот намозни унутиб қўйдилар, деб ўйлаб намоз, дедик. У киши сукут сақладилар ва юриб кетавердилар, токи шафақ йўқолишига бироз қолганида тўхтаб (шом) намозини ўқидилар, кейин шафақ ғойиб бўлди, сўнгра хуфтон намозини ўқидилар. Кейин бизга юзланиб: «(Илгари) агар сафар қийинлашиб қолса, биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан шундай қилардик», дедилар»²³⁷. Ибн Шумайл Касир ибн Қоравондадан ривоят қиладилар: «Биз Солим ибн Абдуллоҳдан сафардаги намоз ҳақида сўраб: «Абдуллоҳ (Ибн Умар) намозлар орасини жамлармиди?» деганимизда у: «Йўқ, фақат (юқоридаги тарзда) жам қилиб ўқирди», деди»²³⁸.

Юқоридаги ҳадислар ва Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу баён қилган ҳадисдан шу нарса келиб чиқадики, сафардаги намозни жам қилиб ўқиш – бу кўринишидан жам қилинганга ўхшайди, лекин пешин

²³³ «Сунани Насайи», 1-китоб, 279-бет.

²³⁴ «Сунани Насайи», 1-китоб, 285-бет.

²³⁵ «Сунани Насайи», 1-китоб, 276-бет.

²³⁶ «Сунани Насайи», 1-китоб, 285-бет.

²³⁷ «Сунани Насайи», 1-китоб, 288-бет.

²³⁸ «Сунани Насайи», 1-китоб, 288-бет.

намози пешин вақтининг охирги вақтига, аср намози эса аср вақтининг аввалги пайтига тўғри келади. Шом намози шом вақтининг охирида, хуфтон намози эса хуфтон вақтининг аввалида адо қилингандир.

Бу эса Аллоҳ таолонинг: «Албатта намоз мўминларга вақти тайинланган фарз бўлди» (Нисо сураси, 103-оят), деган оятига риоя қилган ҳолатдаги эҳтиёткорликдир.

Арафот (тоғида) пешин билан асрни жам қилиш ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юриб Арафот (тоғи)га келдилар ва у зот учун жундан тўқилган махсус қуббага тушдилар, қуёш оған вақтда Қасво номли туяларини келтиришни буюрдилар, унга миниб Батнул водий номли жойга келдилар, одамларга хутба айтдилар, кейин Билол азон айтдилар, туриб пешинни ўқишди, яна туриб асрни ўқишди, икковининг орасида бирор нарса ўқишмади»²³⁹.

Муздалифада шом ва хуфтон намозларини жам қилиб ўқиш ҳақида

Саид ибн Жубайр айтадилар: «Мен Ибн Умар розийаллоҳу анҳу билан бирга Арафотдан тушиб келаётган эдим. Жам қилиш вақти келганда Ибн Умар розийаллоҳу анҳу шом ва хуфтон намозини жам қилиб ўқидилар, ўқиб бўлгач: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу жойда мана шундай қилган эдилар», деб айтдилар»²⁴⁰.

Намозни ўз вақтида ўқиш ҳақида

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Қайси амал Аллоҳ азза ва жаллага севимлироқ?» деб сўраганимда, у зот: «Намозни ўз вақтида ўқиш, ота-онага яхшилик қилиш ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш», деб жавоб бердилар»²⁴¹.

Намозга ухлаб қолган ёки уни унутиб қўйган одам ҳақида

Анас розийаллоҳу анҳу айтишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намоздан ухлаб қолган ёки уни эсидан чиқариб ғафлатда қолган одам ҳақида сўрашди. У зот: «Унинг каффорати эсига тушган вақтида намозини ўқишдир», деб жавоб бердилар²⁴².

Абу Қатода ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ухлашда ўтиб кетиш йўқдир, ўтиб кетиши уйғоқликда бўлади. Сизлардан бирортангиз агар намозини унутиб қўйган бўлса ёки намозидан ухлаб қолса, эсига тушганида ўқиб олсин», деб айтганлар²⁴³.

²³⁹ «Сунани Насайи», 1-китоб, 290-бет.

²⁴⁰ «Сунани Насайи», 1-китоб, 290-бет.

²⁴¹ «Сунани Насайи», 1-китоб, 293-бет.

²⁴² «Сунани Насайи», 1-китоб, 294-бет.

²⁴³ «Сунани Насайи», 1-китоб, 297-бет.

Қазо бўлган намозлар қандай ўқилиши ҳақида

Кимки балоғатга етганидан бери ёки мусулмон бўлиб Исломга кирганидан бери намозларининг бирортасини ҳам қазо қилмаган бўлса, кейин кетма-кет бир неча намозини қазо қилса (яъни, ўқиёлмай қолса), Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиганларидек, тартиб билан қазосини ўқийди. Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу бу ҳақда шундай дейдилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик, шунда биз пешинни, асрни, шомни ва хуфтонни ўқишдан тўсилиб қолдик, бу нарса менга оғир ботди ва ўзимга ўзим: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан биргамиз ва Аллоҳнинг йўлидамиз», дедим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Билол розийаллоҳу анҳуга буюрдилар, у киши иқомат айтдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан пешинни ўқидилар, сўнг иқомат айтилиб, биз билан асрни, яна иқомат айтилиб, биз билан шомни, яна иқомат айтилиб, биз билан хуфтонни ўқидилар. Кейин биз томонга келиб: «Ер юзида сизлардан бошқа Аллоҳ азза ва жаллани зикр қиладиган жамоа йўқдир», дедилар»²⁴⁴.

Бомдод намозининг қазоси қандай ўқилиши ҳақида

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга тунда чиқдилар, сўнг сафар давомида бир оз дам олиб ухлаб қолдилар. Қуёшнинг ҳаммаси ёки унинг баъзиси чиққунича уйғонмадилар, қуёш кўтарилиб кетгунича намоз ўқимай турдилар. Кейин намоз ўқидилар ва у ўрта намоз эди²⁴⁵. Абу Маръам розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда эса қуйидагича давом этади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муаззинга буюрдилар, у азон айтди, кейин бомдоддан олдинги икки ракат намозни ўқидилар. Сўнг яна (муаззинга) буюрдилар, у такбир айтди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан (бомдод) намозининг (фарзини) ўқидилар».

Азон боби

Абу Умайр ибн Анас розийаллоҳу анҳу ансорлардан бўлган амакиларидан ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни намозга қандай жамлаш ҳақида ўйлаб бош қотирганларида, у зотга: «Намоз вақти келганда бир кўринадиган белги қилинг, одамлар уни кўрганида бири иккинчисига хабар беради», деб айтишди, бу нарса Расулulloҳ алайҳиссаломга ёқмади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бурғу, яъни карнай-сурнай чалиш ҳақида айтишди, бу ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга маъқул келмади. У зот: «Бундай қилинг, яҳудийлар ишидир», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қўнғироқ (чалиб намозга чақириш) ҳақида айтишди, у зот: «Бу нарса насороларнинг ишидандир», деб унга ҳам унамадилар. Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Абду Рабба розийаллоҳу анҳу ҳам бу ишга киришдилар, у киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

²⁴⁴ «Сунани Насайи», 1-китоб, 297-бет.

²⁴⁵ «Сунани Насайи», 1-китоб, 299-бет.

васаллам қайғурган нарсаларига аҳамиятли эдилар Абдуллоҳнинг тушларида азон эшиттирилди. Баъзи ривоятларда эса Ибн Абдуллоҳ оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Мен ухлаётганимда тушимда олдимга қўлида қўнғироқ кўтарган бир киши келди. Мен унга: «Эй Аллоҳнинг бандаси, қўнғироғингни сотасанми?» дедим. У: «Бунини нима қиласан?» деб сўради. Мен: «Қўнғироқ билан (одамларни) намозга чақирман», дедим. У: «Бундан ҳам яхшироқ бўлган нарсани ҳақида сенга айтмайми?» деганида, мен: «Ҳа», дедим. У: «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду анна Муҳаммадар расулуллоҳ, ашҳаду анна Муҳаммадар расулуллоҳ, ҳаййа ʔалас солаҳ, ҳаййа ʔалас солаҳ, ҳаййа ʔалал фалаҳ, ҳаййа ʔалал фалаҳ, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтасан», деди. Уйғонганимдан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бориб, кўрган тушимни айтдим. У зот: «Бу туш, иншааллоҳ, ҳақдир, сиз Билолга бориб, унга тушингиздаги нарсани ўргатинг, у азон чақирсин, чунки у (Билол)нинг сиздан овози баланроқдир», дедилар. Мен Билол розийаллоҳу анҳу олдида бориб, тушимдаги нарсани унга ўргатдим. Билол розийаллоҳу анҳу эса мен ўргатган нарсалар билан азон айтди. Ушбу азонни Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу уйларида туриб эшитдилар, уйларида ридоларини судраган ҳолда чиқиб: «Сизни ҳақ нарсани билан юборган Зотга (Аллоҳга) қасамки, эй Аллоҳнинг расули, у кўрган тушни мен ҳам кўрдим», дедилар»²⁴⁶.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда эса шундай келтирилади: «У айтган нарсани мен тушимда кўрдим», деганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга ҳамду сано бўлсин, мен ҳам шуни тасдиқлайман», деб айтдилар»²⁴⁷.

Азон фазилати

Молик Абу Заноддан, у киши Аърождан, улар Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намозга азон айтилган вақтда шайтон орқасидан қаттиқ овоз билан ел чиқариб, азон эшитилмайдиган жойгача то айтиб бўлингунича қочиб кетади. Азон айтиб бўлинганидан сўнг яна келади. Намозга такбир айтилганида яна қочади, такбир айтиб бўлинганидан кейин яна келиб, одамнинг ҳамёни бўлиб, уни эслагин, буни эслагин, буни эслолмаган эдинг, деб васваса қиладди. Шунда киши адашиб кетиб, неча ракат намоз ўқиганини билолмай қолади», дедилар»²⁴⁸.

Азонни баланд овоз билан айтишнинг фазилати

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ибн Абу Соъсоа Ансорий ал-Мозанийга: «Қўйни яхши кўришингни ва саҳрода яшашингни кўриб турибман. Агар сен қўйларинг билан ёки саҳрода (кўчманчилар билан бирга) бўлган вақтингда

²⁴⁶ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 134-бет.

²⁴⁷ «Сунани Термизий», 1-китоб, 122-бет.

²⁴⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 149-бет.

намозга азон айтсанг ва овозингни баландлатиб айтсанг, у айtilган азонни эшитган жинлар, инсонлар ва барча нарсалар қиёмат куни унга гувоҳ бўладилар», деб айtilлар²⁴⁹.

Муаззин айтгани каби қайтариб туриш ҳақида

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. ??? «Азонни эшитган вақтингизда муаззин айтган нарсани такрорлаб айтинглар», деб айtdилар²⁵⁰.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик. Билол розийаллоҳу анҳу туриб азон айтди. Айтиб бўлганидан сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким муаззин айтган нарсани худди ўша айтганидек қилиб, ишонч билан такрорласа, жаннатга киради», дедилар²⁵¹.

Алқама ибн Абу Ваққосдан ривоят қилинади. Бу зот: «Мен Муовия розийаллоҳу анҳу ҳузурида ўтирган эдим, шу вақтда муаззин азон айтди. Муовия муаззин айтган азонни такрорлаб турди, муаззин: «Ҳаййа ғалас солаҳ», деганида, Муовия: «Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ», деди. Муаззин: «Ҳаййа ғалал фалаҳ», деганида, Муовия: «Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ», деб, ундан сўнг муаззин айтганини такрорлади. Кейин: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг худди шундай айтганларини эшитганман», ²⁵² деди», деб айtdилар.

Азондан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиш ҳақида

Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганларини эшитганман: «Агар муаззин азонини эшитсангизлар, у айтган нарсани такрорлаб айтинглар. Ва менга саловот айтинглар, кимки менга бир марта саловот айтса, Аллоҳ унга ўн саловот айтгай, сўнг Аллоҳдан менга васила сўранглар, чунки у Аллоҳнинг бандаларидан бир банда етадиган жаннатдаги даражадир, мен ўша банда бўлишимни умид қиламан. Кимки мени васила қилиб сўраса, унга шафоат ҳалол бўлибди»²⁵³.

Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки азонни эшитган вақтида «Аллоҳумма робба ҳазиҳид даъватит таммаҳ, вас солатил қоимаҳ, ати Мухаммаданил васийлата вал фазийлаҳ ва бўасҳу мақомам маҳмудаллази ваъадтаҳ», деб айтса, унга қиёмат куни шафоатим ҳалол бўлади», дедилар²⁵⁴.

Азон луғатда хабар бериш, билдириш маъносидадир. Шариатда эса азон намоз вақти кириши билан махсус сифат, ҳадисларда келган маълум лафзлар билан хабар қилишга айтилади. Уни эркаклар учун беш вақт намозда ва жума намозида айтиш суннати муаккададир. Икки ҳайит, витр,

²⁴⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 149-бет.

²⁵⁰ «Сунани Насайи», 2-китоб, 23-бет.

²⁵¹ «Сунани Насайи», 2-китоб, 23-бет.

²⁵² «Сунани Насайи», 2-китоб, 25-бет.

²⁵³ «Сунани Насайи», 2-китоб, 25-бет.

²⁵⁴ «Сунани Насайи», 2-китоб, 26-бет.

жаноза ва таровеҳ намозида азон айтилмайди. Жобир ибн Самура розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У зот: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан икки ҳайит намозини бир эмас, икки эмас, кўп марта бирга ўқидим ва буни азон ва иқоматсиз ўқидик», дедилар²⁵⁵.

Кусуф намози ҳақидаги ривоятда Оиша розийаллоҳу анҳо: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида қуёш тутилди, у зот азон айтувчини юбордилар, одамлар жамоатга йиғилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдинга чиқиб, «Аллоҳу акбар», деб тўрт ракат намоз ўқидилар...»,²⁵⁶ дедилар.

Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ «Шаҳарда жамоат билан азон ва иқомат айтмасдан намоз ўқийверинглар», деб айтувчи кимсалар ҳақида: «Суннатга хилоф қилиб гуноҳкор бўлдилар», деганлар. Имом Муҳаммад: «Агар шаҳар аҳли азонни айтмасдан тарк этишга ижмоъ қилишса, уларга қарши уруш очилади», деганлар.

Азон Ислom дини шиорларидан бир шиор ҳамда тўғри йўлга йўлловчи суннатлардан бир суннатдир.

Азон Қуръон ва суннат билан собитдир. Қуръонда Аллоҳ таоло: «Сизлар қачон намозга чақирсангиз (азон айтсангиз)...» (Моидасура, 58-оят), деб марҳамат қилади, яна: «Эй мўминлар, қачон жума кундаги намозга чорланса (яъни, азон айтилса)...» (Жума сура, 9-оят), деб марҳамат қилади.

Суннатда келишига далил эса Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Абду Робба ривоят қилган юқоридаги ҳадисдир. Саҳиҳ сўзларга қараганда, азон ҳижратнинг иккинчи йили шаръий бўлган. Унинг айтилишининг сабаби намоз вақтининг киришидир ва намоз вақтининг кириши азоннинг шартидир.

Билол розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Билол розийаллоҳу анҳуга: «Сизга тонг мана бундай кўринмагунича азон айтмай тулинг», деб²⁵⁷ қўлларини энига узатиб кўрсатдилар. Бундан келиб чиқадигани шуки, бомдод намози вақти киришидан аввал азон айтиш жоиздир ва бу биринчи азон бўлади. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биронтангизни Билолнинг азони саҳарлик қилишдан тўхтатиб қўймасин, чунки унинг азони уйғоқларни огоҳ қилиш, уйқудагиларни уйғотиш учундир», деб айтдилар.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Билол кечаси азон айтади. Сизлар то Ибн Умму Мактумнинг азонини эшитгунча (саҳарликда) еб ичаверинглар». Ибн Умму Мактум кўзи ожиз киши эди. У одамлар тонг отди, деб айтмагунича азон айтмас эди», дедилар²⁵⁸.

Азон лафзлари араб тилида бўлиши саҳиҳ бўлиши учун шарт қилинган. Муаззин солиҳ, намоз вақтлари қачон киришини билувчи, таҳоратли, қўшнилариининг ҳолидан хабардор, аҳволини сўраб турадиган, улар орасидаги қолоқларни ўзига эргаштирадиган, баланд ва чиройли овозли бўлмоғи, азонни баланд жойда, қиблага юзланиб айтмоғи лозим.

²⁵⁵ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 604-бет.

²⁵⁶ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 620-бет.

²⁵⁷ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 247-бет.

²⁵⁸ «Муснади Аҳмад», «Банно» шарҳи билан, 3-китоб, 36-бет.

Юқоридаги барча шартлар унда комил бўлиши керак. Худо хоҳласа, тезда бунинг баёнини келтирамиз.

Азонни эшитган одамнинг ҳукми эшитганини қайтариб туришдир. Азон суннати муаккададир, чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳройи арабга азонни ўргатмадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳройи арабнинг хунук намоз ўқиётганини билиб, унга қандай намоз ўқиш кераклигини ўргатаётганларида азонни зикр қилмадилар. Лекин Молик ибн Хувайрисга азон айтиб намоз ўқишни буюрдилар. Бу ҳақда Молик ибн Хувайрис розийаллоҳу анҳу шундай дейдилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бордик, ўшанда ёш йигит эдик, у зот ҳузурларида йигирма кеча турдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам раҳмдил, мулойим киши эдилар. У зот бизни аҳлларимиздан узилиб қолди, деб ўйлаб, биз ташлаб келган оила-аҳлларимиз ҳақида сўрадилар, биз аҳлларимиз ҳақида у зотни хабардор қилдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўз аҳли оилангиз (қабилангиз) ҳузурига қайтиб, у ерда туринглар, уларга (динни) ўргатинглар, намоз вақти бўлганида уларни намозга буюринглар, сизлардан бирингиз азон айтсин, улуғингиз имом бўлсин», дедилар»²⁵⁹.

Азон фарз намозлари учун хоҳ ёлғиз, хоҳ жамоат билан ўқилсин, суннати муаккададир. Салмон Форсий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бир киши саҳродалигида намоз вақти бўлиб қолса, таҳорат олсин, агар сув топа олмаса, таяммум қилсин, агар иқомат айтиб намоз ўқиса, у билан фаришталар намоз ўқийди, агар азон айтиб иқомат билан намоз ўқиса, орқасида кўзга кўринмайдиган Аллоҳнинг лашкари у билан бирга намоз ўқийди», дедилар»²⁶⁰.

Азон ўз вақтида ўқилган намозга, қазо намозга, сафардаги ва муқимликдаги (фарз) намозларнинг ҳаммасига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бажарганларидек суннати муаккададир.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳайбардан қайтишларида дам олиш учун биз билан тўхтадилар ва: «Бизни (бомдод) намозига ким уйғотади?» дегандилар, Билол розийаллоҳу анҳу: «Мен», дедилар. Ҳамма ухлади, ҳатто қуёш чиқиб улгурди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ғафлат етган маконингизни алиштиринглар», деб: «Эй Билол, ухлаб қолдингми?» дедилар. Билол розийаллоҳу анҳу: «Мен сизлар мубтало бўлган нарсага, яъни ухлаб қолишга мен ҳам мубтало бўлдим», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Билолга (азон айтишни) буюргандилар, Билол розийаллоҳу анҳу азон ва иқомат айтдилар...»²⁶¹.

Аёлларнинг азон ва иқомат айтиши макруҳдир, чунки улар сатрга (беркитишликка) буюрилган. Аёлларнинг зуруратсиз овозларини кўтаришлари ҳаромдир. Иқомат эса асосан баланд овозда айтилади, лекин азондан сал пастроқ бўлиши лозим.

Муҳаммад ибн Ҳасан ўз асарларида Ҳаммоддан, у эса Иброҳимдан ривоят қиладилар. Иброҳим: «Аёлларга азон ва иқомат айтиш йўқдир», деганлар²⁶². Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу қизлари Асмо розийаллоҳу

²⁵⁹ «Сунани Насай», 2-китоб, 9-бет.

²⁶⁰ «Мўъжами Табароний», 6-китоб, 249-бет.

²⁶¹ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 403-бет.

²⁶² «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 328-бет.

анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аёлларга азон ва иқомат йўқдир», деганлар²⁶³.

Азон айтиш сифати ҳақида

Азоннинг аввалида «Аллоҳу акбар», деб тўрт марта айтилади. Ҳасан ибн Зиёд Абу Ҳанифадан қилган ривоятларида икки марта, деганлар, имом Абу Юсуф ҳам имом Молик ҳам шундай деганлар.

Кейинги калималарни икки мартадан такрорлайди. Охирги такбирни ҳам бошқа лафзларга ўхшаб икки марта такрорлайди. Икки шаҳодат калимасини таржеъ, яъни овозини бир баланд, бир паст қилиб, ашулага ўхшатиб айтмайди. Чунки Билол розийаллоҳу анҳу барча ҳолатларда ҳам таржеъ қилмаганлар, Ибн Умму Мактум розийаллоҳу анҳу ҳам шундай қилганлар.

Имом Шофеъий: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқларига асосан Абу Маҳзура азонни таржеъ қилиб айтгани учун у суннатдир», дейдилар. Бу гапга жавобан айтаманки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқлари таълим учун, яъни ўргатиш учун эди. У киши эса уни таржеъ учун деб ўйлаган.

Абу Маҳзура Макка шаҳрида муаззин эди ва бу ҳодиса Исломнинг аввалида бўлган. Абу Маҳзура азон айтаётиб, шаҳодат калимасини қавмидан уялиб паст овозда айтган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг қулоғига чертиб, ҳақ нарсани айтишдан уялмасликка ўргатиб, баланд овоз билан (азонни) қайта такрорлашни буюрдилар.

Бу ерда у таржеъ учун эмас, балки таълим учун келганини билишингиз учун қуйидаги ривоят келтирилади: «Абдуллоҳ ибн Муҳайриз Абу Маҳзура розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар, Абу Маҳзура: «Мен бир неча одамлар билан (шаҳардан) ташқарига чиқдим. Ҳунайн йўлида эканимизда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳунайндан қайтиб келаётган эдилар. Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга йўлда йўлиқдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муаззинлари азон айтди. Биз муаззин овозини эшитиб ўзимизни четга олдик, қичқириб-бақириб уни масхаралай бошладик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу овозни эшитиб олдиларига боришимизни буюрдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен овозини баландлатганини эшитганим қайси бирингиз?» деб сўрадилар. Одамларнинг барчаси менга ишора қилишди ва тўғриси айтишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммасини қўйиб юбориб, мени олиб қолдилар. У зот менга: «Туриб намозга азон айт», дедилар. Мен турдим ва у зот буюрган ишдан кўра нарса йўқ эди. Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларида турганимда у зот менга азонни ўзлари айтиб ўргатдилар. «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду анна Муҳаммадар расулulloҳ, ашҳаду анна Муҳаммадар расулulloҳ, дегин», деб, сўнгра яна: «Овозингни чўзиброқ қайтариб айт», дедилар. Кейин яна: «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду анна Муҳаммадар расулulloҳ, ашҳаду анна Муҳаммадар расулulloҳ, ҳайя ғалас солаҳ, ҳайя ғалас солаҳ, ҳайя ғалал фалаҳ, ҳайя ғалал фалаҳ, Аллоҳу акбар, Аллоҳу

²⁶³ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 328-бет.

акбар, ла илаҳа иллаллоҳ, дегин», деб айдилар. Азон айтиб бўлишим билан мени олдиларига чақирдилар ва кумуш солинган ҳамённи бердилар. Кейин муборак қўлларини пешонамга қўйдилар, сўнг юзимдан силаб ўтдилар, кейин кўкрагим ўртасидан, сўнг жигаримдан қўлларини юргизиб ўтдилар, ҳатто қўллари киндигимга етди. Сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг баракаси сен(инг ичинг ва ташқаринг)га бўлсин», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули! Менга Макка шаҳрида азон айтишга буюринг», дедим. У зот: «Дарҳақиқат, сенга шуни буюрдим», дедилар. Мендаги Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ёмон кўриш кетиб қолди. Ва барчаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан муҳаббатга айланди», дедилар».

Абу Маҳзура розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар, у зот: «Эй Абу Маҳзура, азондан бошини (биринчи калимасини) ҳар бир намозга иккитадан айтгин...», деб айтдилар²⁶⁴.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Абу Маҳзура розийаллоҳу анҳуга азонни икки мартадан айтиш буюрилди».

Ибн Умар: «Азон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида (калималари) иккитадан айтиларди», дедилар²⁶⁵.

Иқомат ҳам азон кабидир. Бу ҳақда Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Намоз уч хил ҳолатда бўлди, рўза ҳам уч ҳолатда бўлди...», деб турганларида ансорлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Зайд келиб, қибла томонга юзланди-да: «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду анна Муҳаммадар расулulloҳ, ашҳаду анна Муҳаммадар расулulloҳ, ҳайя ʼалас солаҳ, ҳайя ʼалас солаҳ, ҳайя ʼалал фалаҳ, ҳайя ʼалал фалаҳ, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтди. Сўнг озгина ўша ерда турди, кейин азон қандоқ бўлса, иқоматни ҳам шундоқ айтди, фақат «Ҳайя ʼалал фалаҳ»дан кейин «Қод қоматис солаҳ, қод қоматис солаҳ», деб зиёда қилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бунни Билолга ўргатгин», дедилар. Билол розийаллоҳу анҳу ҳам шундай азон айтдилар²⁶⁶.

Азондаги ҳар икки калиманинг орасини ажратиб, азонни бўлиб-бўлиб айтиш суннатдир, иқоматда эса калималарнинг орасини бўлмай айтади. Бу ҳақда Али розийаллоҳу анҳу шундай дейдилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга азонни тартил билан (калималарнинг орасини ажратиб) айтишни, иқоматни эса ҳазф қилиб, чўзмасдан, қисқа, калималарнинг орасини ажратмасдан айтишни буюрдилар»²⁶⁷.

Байтул Мақдиснинг муаззини бўлмиш Абу Зубайрдан ривоят қилинади: «Олдимизга Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу келдилар ва менга: «Агар азон айтсангиз, баланд овозда, калималарнинг орасини ажратиб, чўзиб айтинг, агар иқомат айтсангиз, тез-тез айтинг», дедилар»²⁶⁸.

Бомдод намозининг азони учун «ҳайя ʼалал фалаҳ»дан сўнг «ассолату хойрум минан навм», деб икки марта айтиш суннатдир. Бу ҳақда Абу Маҳзура шундай дейдилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга азон айтиб юрар эдим ва биринчи бомдод азонида «Ҳайя ʼалал

²⁶⁴ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 233-бет.

²⁶⁵ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 238-бет.

²⁶⁶ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 140-бет.

²⁶⁷ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 238-бет.

²⁶⁸ «Сунани Термизий», 1-китоб, 124-бет.

фалаҳ, assolату хойрум минан навм, assolату хойрум минан навм, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтар эдим»²⁶⁹.

Али ибн Ҳусайн азон айтаётганларида «Ҳайя ʔалал фалаҳ», деганларидан сўнг «Ҳайя ʔала хойрил амал», деб: «Бу аввалги азон», деганлар. Нофеъ ривоят қилиб айтадилар: «Ибн Умар розийаллоҳу анҳу кўпинча азон айтганларида «Ҳайя ʔала хойрил амал», деб зиёда қилиб айтардилар»²⁷⁰.

Азон ва иқоматни қиблага юзланиб тик туриб айтиш суннатдир. Бу ҳақда юқорида Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анҳу ривоятларида келтирдик, унда «қиблага юзлангин», деб айтилган. Фақат сафар зарурати билан уловга минган бўлса, (қиблага юзланмаслик мумкин), бу ҳақда Ҳасан розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарда Билол розийаллоҳу анҳуга (азон айтишни) буюрдилар. Билол розийаллоҳу анҳу уловлари устида азон айтдилар»²⁷¹.

Ато ибн Абу Рабоҳ: «Узрсиз ўтириб азон айтиш макруҳдир», дейдилар.

Муаззин «Ҳайя ʔалас солаҳ», деганда юзини ўнгга бурмоқлиги, «Ҳайя ʔалал фалаҳ», деганда юзини чапга бурмоқлиги мустаҳаб бўлади.

Авн ибн Абу Жўҳайфа оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига борганимда у зот Абтаҳ номли ерда қизил ичида эканлар... (ҳадис давомида) ...Билол розийаллоҳу анҳу азон айтдилар ва оғизларини у тарафга ва бу тарафга, яъни ўнг ва чап тарафга қаратиб: «Ҳайя ʔалас солаҳ ва ҳайя ʔалал фалаҳ», деб айтдилар»²⁷².

Азон айтганда қўлини қулоғига қўймоқ мустаҳабдир. Бу ҳақда Абу Жўҳайфа розийаллоҳу анҳу ҳадис ривоят қилганлар, унда: «Кейин азон айтдилар ва қўлларини қулоқларига қўйдилар, азонни айланиб айтдилар», деб келган»²⁷³.

Азонни миноранинг устида айтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳақда Соиб ибн Язид қуйидагича ривоят қилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида азон жума намозига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарга ўтирганларида айтиларди. Агар минбардан тушсалар, иқомат айтилар эди. Бу ҳол Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида, Абу Бакр ва Умар розийаллоҳу анҳу замонларида давом этди. Усмон розийаллоҳу анҳу замонлари келганда одамлар кўпайди (кўп одамлар Исломга кириб, давлат чегаралари кенгайди). Шунда Усмон розийаллоҳу анҳу муаззинга минбарга чиқишдан олдин (хутбадан олдин) одамлар намоз вақти бўлганини билиши учун Заврода азон айтишга буюрдилар»²⁷⁴. (Завроа Боғдоддаги Дажла дарёси ўтадиган жой, бунда одамлар кўп бўлган.)

Муаззин солиҳ, ишончли, тақводор, азондаги суннатларни – такбирни тўртта айтиш, овозни баланд қўйиб калималарни ажратиб айтиш, иқоматни тез-тез айтиш, намоз вақти кирганини билувчи бўлиши мустаҳабдир.

Бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай ривоят қиладилар. Бу зот: «Имом кафилдир ва

²⁶⁹ «Сунани Насайи», 2-китоб, 14-бет.

²⁷⁰ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 424-бет.

²⁷¹ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 392-бет.

²⁷² «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 395-бет.

²⁷³ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 395-бет.

²⁷⁴ «Мўъжами Табароний», 6-китоб, 146-бет.

муаззин эса омонатгўйдир, Аллоҳ таоло имомни рушди ҳидоятга йўллайди, муаззиннинг (гуноҳларини) авф этади», дедилар²⁷⁵.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхшиларингиз азон айтсин, Қуръонни яхши қироат қиладиганингиз имом бўлсин», дедилар²⁷⁶.

Муаззин баланд овозли бўлиши мустаҳабдир. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Зайд розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисни юқорида келтирган эдик, унда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Зайд розийаллоҳу анҳуга «Билол билан тур, тушингда кўрган нарсангни унга ўргат, у шундай азон айтсин, чунки унинг сендан кўра овози баландроқдир», дедилар.

Азонни таҳорат билан айтиш мустаҳабдир. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фақат таҳоратли одам азон айтсин», дедилар²⁸⁰.

Намоз азон ва иқоматни айтмасдан ёки икковидан бирини айтмасдан ўқиса ҳам, саҳиҳ бўлади. Солим ибн Абдуллоҳ оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муздалифада шом ва хуфтон намозини жам қилиб, ҳеч қайсисига азон айтмай, фақат иқомат айтиб ўқидилар. Икки намоз орасида ва ҳар бирининг кетидан ҳам тасбеҳ айтадилар»²⁸¹.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу Алқама ва Асвад розийаллоҳу анҳумо билан азон ва иқомат айтмасдан намоз ўқидилар. Ва баъзан: «Маҳалланинг азони ва иқомати бизга ҳам кифоя қилади», дердилар²⁸².

Имом келмағунича муаззин намозга иқомат айтмайди, имом келмағунича қавм ҳам (тик) турмайди. Бу ҳақда Жобир ибн Самура розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Билол розийаллоҳу анҳу азон айтардилар, сўнг озгина кутиб туриб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чиққанларини кўрганларидан сўнг намозга иқомат айтардилар»²⁸³.

Абу Қатода оталаридан ривоят қилиб айтадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар намозга иқомат айтилса, мени кўрмағунингизча ўрнингиздан тик турманг», деб айтардилар²⁸⁴.

Каҳмас ривоят қиладилар: «Биз Минода намозга турдик, имом эса ҳали чиқмаган эди. Биздан баъзилар ўтириб олди. Менга Куфа аҳлидан бўлган бир шайх: «Нима учун ўтирдинг?» деди. Мен: «Ибн Бурайда (айтгани) учун ўтирдим», дедим. У шайх: «Абу Бурайда Сомиддир, яъни бошини юқори кўтариб мағрур ҳолда ҳайрон қолган одамдир», деди».

Ибн Асирнинг «Ниҳоя» номли китобларида айтилишича, Али розийаллоҳу анҳу одамларнинг олдига чиққанларида одамлар намозни турган ҳолатда кутаётгандилар. Али розийаллоҳу анҳу: «Сизларга нима бўлдики, бошингизни юқори кўтариб ҳайрон ҳолда турганингизни кўрмоқдаман?!» дедилар.

²⁷⁵ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 426-бет.

²⁷⁶ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 426-бет.

²⁸⁰ «Сунани Термизий», 1 китоб, 129-бет.

²⁸¹ «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 407-бет.

²⁸² «Сунани Байҳақий», 1-китоб, 407-бет.

«Сунани Байҳақий», 1-китоб, 426-бет.

²⁸³ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 148-бет.

²⁸⁴ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 148-бет.

Шом намозидан ташқари азон ва иқомат орасида таҳоратсиз одам таҳорат қилиб олгунича бўлган муддат тўхтаб туриш суннатдир.

Убай ибн Каъб розийаллоҳу анҳу бу ҳақда шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Билол! Азонинг ва иқоматинг орасида озгина тўхтаб ол, токи шу вақтда таом еяётган таомидан фориг бўлсин, таҳорат қилувчи ҳам ўз ҳожатидан фориг бўлсин», дедилар».

Агар масжидга кирган одам азонни эшитса, у масжиддан намоз ўқимагунича чиқиб кетмайди, фақат намозни адо қилиш учун қайтишни қасд қилиб чиқиши ёки бошқа масжидда жамоат билан намоз адо этишни ният қилиб чиқиши мумкин, холос.

Бу ҳақда Абу Шаъсо ривоят қилиб айтадилар: «Биз Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу билан масжидда эдик. Муаззин аср намозига азон айтган пайтда бир киши масжиддан чиқиб кетди. Абу Ҳурайра: «Бу киши Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлди», дедилар».

Намознинг фарзлари ҳақидаги боб

Намознинг фарзлари икки қисмдир:

1. Намоздан олдин бажариладиган фарзлар «шартлар» деб номланади.

2. Намознинг ичида қилинадиган фарзларни «руқнлар» деб аталади. Баъзи шартлар намоз асосидан то охиригача бардавом бўлиши шарт қилинган. Улар таҳорат, авратни ёпиш ва қиблага юзланиш каби. Баъзи шартлар эса намоздан олдинги вақтгагина тааллуқли, ундан бошқага эмас. Масалан, ният, такбири таҳрима, намоз вақтининг кириши ва жума намозига хутба ўқишлар шулар жумласидандир. Намознинг ташқарисида бешта фарз бор: уларнинг биринчиси – таҳорат олиш бўлса, иккинчиси – кийим ва намоз ўқийдиган жойнинг нажосатлардан пок бўлишидир.

Таҳоратсиз одам таҳорат олиши ҳақида имом Абу Ҳанифа Ҳубайб ибн Собитдан қилган ривоятда: «Агар жунуб одам бир қавмга имом бўлиб намоз ўқиб берса, у ва қавм – ҳаммаси намозларини қайтариб ўқийди», деб айтилган. Буни Ҳофиз Талҳа ибн Муҳаммад ўз «Муснад»ларида ривоят қилганлар. Имом Абу Ҳанифа амирал-мўминингача бўлган санадда имом Муҳаммад Ато ибн Абу Рабоҳдан ривоят қиладилар. Бир киши дўстлари билан таҳоратсиз намоз ўқиса, у киши ва дўстлари намозни қайтариб ўқишади, дейилган. Муҳаммад ибн Сийрин: «Биргаликда қайтариб ўқишлари маҳбуброқдир», деганлар. Имом Муҳаммад ҳам ривоят қилиб: «Бу фикрни олиб, унга амал қиламиз», дедилар. Имом Абу Ҳанифа ҳам шундай деганлар («Жомеъур-Ризавий», 1/321).

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангизнинг таҳорати кетса, то таҳорат қилмагунича намози қабул этилмайди», дедилар («Саҳиҳи Муслим», 1/204).

Анас розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир намозга таҳорат қилардилар, биз эса намозларни битта таҳорат билан ўқир эдик» («Сунани Абу Довуд», 1/144).

Нофеъ айтадилар: «Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу агар (намоз ичида) бурунлари қонаб кетса, бориб таҳорат қилардиларда ва ҳеч кимга гапирмасдан (намозларини келган жойидан) давом эттирардилар».

Нажосатлардан тозаланиш ва кийимни поклаш ҳақида Аллоҳ таоло: «...ва кийимларингизни покланг (тозаланг)» (Мудассир сураси, 4-оят), деб марҳамат қилади. Яъни, нажосатлардан сув билан покланинг, чунки намоз фақат тоза кийимда ўқилса, саҳиҳ бўлади. Умму Жухдар Омирий айтдилар: «Оишадан кийимга теккан ҳайз қони ҳақида сўрадим. Оиша розийаллоҳу анҳо: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлганимизда эгнимизда эски кўйлак бўларди, устидан бир кийим ёпиб олар эдик. (Бир куни ҚЎШДИМ) тонг отганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша кийимни олиб кийдилар, кейин чиқиб бомдод намозини ўқиб, сўнггра ўтирдилар. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули! Кийимингизда қон доғи бор экан», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қон доғи теккан жойни ушладилар-да, менга бир болакайнинг қўлида ўралган ҳолда кийимни юбордилар. Ва: «Буни ювгин ва қуритгин, кейин уни менга юбор», дедилар. Мен тоғорани олиб кийимни ювдим, кейин сиқиб қуритдим. Сўнг уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қайтардим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куннинг ярмида қайтиб келганларида эгниларида ҳалиги кийим бор эди», дедилар» («Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 107-бет).

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан намоз ўқиётганларида оёқ кийимларини чап томонга қўйдилар. Қавм буни кўрганидан кейин улар ҳам ечиб, оёқ кийимларини ечиб чап томонга қўйдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларини тугатгач, саҳобаларга: «Нимага оёқ кийимларингизни ечишга тушдингиз?» дедилар. Улар: «Сиз оёқ кийимингизни ечганингизни кўриб биз ҳам оёқ кийимларимизни ечдик», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаброил алайҳиссалом менинг олдимга келиб, оёқ кийимимда нопок нарса борлигини айтдилар. Агар бирортангиз масжидга келсангиз, оёқ кийимига қарасин, агар оёқ кийимида нопоклик ёки азият берувчи нарсани (нажосатни) кўрса, уни артиб ташласин ва у оёқ кийими билан намозини ўқийверсин», деб айтдилар» («Сунани Абу Довуд», 1/175).

Сулаймон ибн Ясор айтадилар: «Мен Оиша розийаллоҳу анҳодан кийимга теккан маний ҳақида сўрадим. Оиша онамиз: «Мен маний юқини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кийимларидан ювиб ташлардим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кийиб намозга чиқардилар. Кийимлари ҳўл бўлиб, ювилгани сезилиб турарди», деб айтдилар» («Саҳиҳи Бухорий», 1/64).

Намоз ўқийдиган жойнинг поклиги тўғрисида Аллоҳ таоло: «Менинг Байтим – Уйимни тавоф қилувчилар, қиём (яъни, намозда тик туриш), рукуъ, сажда қилувчилар (яъни, ўша жойда намоз ўқувчилар) учун пок тутинг» (Ҳаж сураси, 26-оят), деб марҳамат қилган. Пок бўлган жойдан мақсад икки оёқ, икки қўл ва икки тизза тегадиган жойдир. Пешона ҳақида эса саҳиҳроғи Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Мен етти аъзоим билан сажда қилишга буюрилдим», деб айтган ҳадисларидир. Улар – пешона (ва қўллари билан бурунларига ишора қилдилар), икки қўл, икки оёқ, икки қадам (оёқ таги) атрофи. Сажда қилаётганда кийим ва соч йиғиштирилмайди («Саҳиҳи Муслим», 1/354).

Намознинг ташқарисидаги фарзларнинг учинчиси – бу авратни беркитишдир. Аллоҳ таоло: «Эй одам болалари! Ҳар бир намоз чоғида зийнатланингиз, яъни тоза либосда бўлингиз» (Аъроф сураси, 31-оят), деб

марҳамат қилади. Тафсир уламолари: «Зийнат – бу авратни ўраб-беркитадиган нарса», дейишган. Аллоҳ таоло яна: «Ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларни (яъни, устларидаги либосларидан бошқа зеб-зийнатларини номаҳрамларга) кўрсатмасинлар» (Нур сураси, 31-оят), деб марҳамат қилади.

Саид ибн Жубайр, Ато ва Авзоъий аёлларнинг юз, икки кафт ва кийимлари ҳақида гапириб: «Юз ва икки кафт аврат эмас. Аёл кишининг кийими бирор аъзосини ёки бутун баданининг шаклини кўрсатиб турмайдиган бўлса (яъни, тор бўлмаса), зоҳирий зийнатлари аврат эмас», дейишган.

Имом Қуртубий айтишларича, Ибн Ҳувайз Миндод шундай деганлар: «Аёл киши агар гўзал бўлса ва юзи, икки кафти (очиқ юрганда) фитнадан хавф қилинса, у юзи ва икки кафтини беркитиши лозим. Агар аёл қари кампир ёки хунук бўлса, унда юзи ва икки кафтини очиб юриши жоиздир».

Умму Муҳаммад ибн Қунфуз Умму Салама розийаллоҳу анҳодан: «Аёл киши қайси кийимларни кийиб намоз ўқийди?» деб сўради. Умму Салама розийаллоҳу анҳо: «Аёл киши рўмол, дираъ (енги кенг устки кийим), собиғ (яъни, этаги узун бўлган), икки оёқ қадамини устини бекитиб турадиган даражадаги кўйлақда намоз ўқийди», деб жавоб бердилар.

Икки оёқ аврат экани ҳақида ихтилоф бордир. Тўғриси, у ҳам авратдир. «Ҳидоя» китобида: «У аврат эмас», деб келган. Соч ва оёқнинг тўртдан бири, қориннинг, орқанинг, соннинг, қулоқнинг очилиб қолиши намознинг саҳиҳлигини ман қилади. Бу ҳолат, яъни аъзонинг тўртдан бири очилиб қолиши намозда бир рукни адо қилиш давомида очилиб туриш билан давом этса, ана унда намознинг саҳиҳлигини ман қилади.

Агар аёл кишининг бирор аъзосининг тўртдан биридан кам жойи очилиб қолса ва бу ҳолат намоз охиригача давом этса ҳам, намози фосид бўлмай, балки макруҳ бўлади, чунки у аёлга озгина авратни сақлашда машаққат бўлгани учун у авф қилинади, бу нарса эркак кишининг озгина авратига қиёс қилинган. Аммо аъзонинг тўртдан бири очилса, у озгина эмас ва уни беркитишликнинг имкони бор, шунинг учун у аёлнинг аъзосининг тўртдан бири уч марта тасбеҳ айтиладиган вақт давомида очилиб қолса, намози ботил бўлади.

Аёл киши намоз ўқиётганда кўйлагининг этаги оёғининг икки қадамини ёпадиган даражада бўлиши, рўмоли боши ва бўйинини ўраб ёпиб туриши, рукуъ ва сажда ҳолида кийими баданига ёпишиб баъзи аъзолари ва аврат жойларининг шакли кўриниб қолмаслиги учун устидаги ёпинчиғи кўйлагининг ҳамма ёғини рукуъ ва сажда ҳолида ҳам ўраб турмоқлиги мустаҳабдир.

Фуқаҳоларимиз аёл киши намозда ва эҳром (ҳаж)да юзини очиб юриши жоиз эканига иттифоқ қилишган.

Эркак кишининг аврати киндиги остидан то тиззаси остигача бўлган жойдир. Бу ҳақда Амр ибн Шуайб оталаридан, у киши боболаридан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўғилларингизни етти ёшидан бошлаб намоз ўқимагани учун уринглар ва ётадиган ўринларини ажратиб қўйинглар. Сизлардан биронтангиз агар хизматкорни ёки ишчисини уйлантириб қўйса, авратига қарамасин. Албатта унинг киндиги тагидан то тиззасининг остигача авратдир»,

дедилар»²⁹⁷. Ҳадисдан фаҳмладиган нарсга эркак кишининг киндиги остидан то тиззасигача бўлган жойдан бошқа жойларига қараш жоиздир. Лекин шаҳват билан қаралса, унда қараш жоиз эмас.

Эркак кишининг сони авратдир. Бу ҳақда Жарҳад шундай ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Жарҳадни масжидда эғнига чопон кийган, сони очилиб қолган ҳолда кўриб: «Сон авратдир», дедилар»²⁹⁸.

Имом Термизий бу ҳадисни ҳасан-саҳиҳ, деганлар.

Мухаммад ибн Жаҳш розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маъмар розийаллоҳу анҳунинг ёнидан ўтаётиб (сони очилиб қолган ҳолда кўриб): «Сонингни беркитиб ол, эй Маъмар! Чунки сон ҳам авратдир...», дедилар».

Авратни терини ҳам тўсадиган даражадаги мато билан беркитиш вожибдир. Агар юпка мато бўлиб, бадани териси оқлиги, қизиллиги кўриниб турадиган кийим бўлса, у билан намоз ўқиш жоиз эмас. Чунки у кийим билан авратни беркитиш ҳосил бўлмайди. Эркак кишининг бадани ранги бекилиб, шакли билиниб турса-да, бу кийим билан намоз ўқиш жоиздир. Чунки бундан сақланишнинг имкони йўқ. Ҳатто кийим қалин бўлса ҳам, имкони йўқдир. Агар эркак кишининг озгина аврати очилиб қолса, намози ботил бўлмайди. Чунки озгина авратнинг очилиб қолишидан эҳтиёт бўлиш қийин ишдир. Аврати касир – қараш фаҳш бўлган авратдир. Енгил авратда эса фаҳш эмас. Бу жойда одатга қайтилади. Аврат аъзоларидан бир аъзонинг тўртдан бири намознинг ичида бир рукни адо қилиш мобайнида очилиб қолса, намознинг саҳиҳлигини ман қилади (яъни, намоз ботил бўлади). Агар аъзонинг тўртдан бирининг очилиб қолиши намоз ичида бир рукни адо қилиш вақтидан оз бўлса, унда намоз ботил бўлмайди. Чунки озгина очилиб қолган жойни тўсиш машаққатлидир.

Шунингдек, очилиб қолиш қасддан бўлмай, балки билмасдан содир этилган бўлса ҳам, намоз бузилмайди. Лекин қасддан очилса, ҳатто аъзонинг тўртдан биридан кам миқдорда очилса-ю, уни ёпиш имкони бўла туриб ёпмаса, намози саҳиҳ бўлмайди.

Либос-кийим ҳам тўрт қисмга бўлинади: жоиз либос, фазилатли либос, кароҳатли либос, ҳаром либос.

Жоиз либос – бу бошқа кийим топилмаганда авратни беркита оладиган кийим. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан битта кийимда намоз ўқиш тўғрисида сўради. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Барчаларингизда икки кийим борми ўзи?» дедилар²⁹⁹.

Фазилат бўлган либос – бу икки ёки ундан кўп кийимда намоз ўқиш. Бу ҳақда Ибн Абдул Барр Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Умар розийаллоҳу анҳу Нофеъ розийаллоҳу анҳунинг бир либосда намоз ўқиганларини кўриб: «Иккита кийим киймайсанми?» дедилар. Нофеъ: «Хўп бўлади», дедилар. Умар розийаллоҳу анҳу: «Агар сени ташқарига бирор ишга юборсам, биргина кийимда борармидинг?» деб сўрадилар. Нофеъ: «Йўқ», дедилар. Умар розийаллоҳу анҳу: «Аллоҳнинг ҳузурида

²⁹⁷ «Сунани Аҳмад», «Банно» шарҳи билан, 3-китоб, 83-бет.

²⁹⁸ «Сунани Аҳмад», «Албанно» шарҳи билан, 3-китоб, 83-бет.

²⁹⁹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 367-бет.

зийнатланиш яхшими ёки одамларнинг олдидами?» дедилар. Нофеъ: «Аллоҳнинг ҳузурида», дедилар.

Имомдаги либос бошқаларникига қараганда яхшироқ бўлиши таъкидланган, чунки у мўминларнинг олдида турувчи намунали кишидир. Одамларнинг намози имомнинг намозига боғлиқдир.

Макруҳ либос – бу икки тарафдан елкага ташлаб қўйиладиган ридо (кийим) бўлиб, унинг бир тарафи иккинчисига етмайди. Яна кийимни ўзини катта тутган ҳолда такаббурлик билан тўпиғидан узун қилиши эркакларга макруҳдир. Бу ҳақда Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким кийимини такаббурлик билан узун қилиб кийса, Аллоҳ таоло унга қиёмат куни қарамайди», дедилар»³⁰⁰. (Бу ҳол фақат эркаклар учундир.)

Агар кишида иккита кийим бўла туриб битта кийимда намоз ўқиса, намози кароҳиятлидир. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Бурайда оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёпинчиқни елкага ташлаб, белига белбоғ боғламасдан ҳамда эғнида фақат шалвари бўлиб, кўйлак киймасдан намоз ўқишдан қайтарганлар»³⁰¹.

Яна бировдан зўрлик билан олиб қўйилган кийимда намоз ўқиш макруҳи таҳримийдир. Имом Аҳмад: «Бу ҳолда икки сўзининг бирида «Шу ҳолда намоз ўқиш ҳаром», дейилган», дедилар.

Ҳаром бўлган либослар икки қисмдир: биринчиси – нажас бўлган кийим. Уни кийиб ёки унинг устида намоз ўқиш дуруст эмас, чунки нажосатдан покланиш намознинг шарти (фарз)дир. Бу юқорида зикр этилган. Агар нажасли кийимдан бошқа кийими бўлмаса ва у нажосатни кетказадиган нарсга топа олмаса, у кийим билан намозини ўқийди ва бошқатдан қайтариб ўқимайди.

Энди агар кийимнинг тўртдан бири ёки кўпроғи пок бўлса, бошқа кийими бўлмаса, у билан лозим топган ҳолда намозини ўқийди, лекин бу ҳолда яланғоч бўлиб намоз ўқиши жоиз эмас.

Агар кийимнинг тўртдан биридан кам қисми пок бўлса, у одам яланғоч бўлиб намоз ўқиш орасида ихтиёрлидир. Лекин у кийимни кийиб намоз ўқиши намозда авратини беркитиш ва у кийимда пок жойи борлиги юзасидан афзалдир.

Ҳаром бўлган либоснинг иккинчи тури – аёллардан ташқари эркаклар учун хос ҳаром қилинганларидир. Бу ҳақда Ҳузайфа розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Олтин ва кумуш идишларда сув ичманглар, ишлатманглар. Ипак ва кимхобдан тикилган кийимларни кийманглар. У кийимлар бу дунёда кофирлар учун ва охиратда сизлар учундир», дедилар³⁰².

Агар кийимнинг белгиси ё боғичи ипак матодан бўлса ва у ипак тўрт бармоқ миқдорида ё ундан кам бўлса, бу кийимни кийса бўлади. Бу ҳақда Абу Усмон ан-Наҳдий айтишларича, Умар розийаллоҳу анҳу Атаба ибн Фарқадга шундай ёздирдилар: «Албатта Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ипакдан қайтардилар, лекин шундай-шундайлари (агар кийимдаги ипак) икки бармоқ, уч бармоқ ва тўрт бармоқ миқдорида бўлса, зарари йўқдир»³⁰³.

³⁰⁰ «Саҳиҳи Муслим», 3-китоб, 1652-бет.

³⁰¹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 172-бет.

³⁰² «Саҳиҳи Бухорий», 7-китоб, 146-бет.

³⁰³ «Сунани Абу Довуд», 4-китоб, 47-бет.

Қўтир ёки қичима бўлган ва касал одамнинг ипак кийим кийиши касалига нисбатан манфаатли бўлса, мубоҳ-мумкиндр.

Бу ҳақда Анас розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурахмон ибн Авф ва Зубайр розийаллоҳу анҳумоларга сафарда улар қичима бўлиб қолишгани учун ипак кийишга рухсат бердилар»³⁰⁴.

Кейингиси – кийимда суратлар бўлса, уни кийиш макруҳи таҳримийдир. Баъзилар у кийимни кийиш ҳаром, дейишган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ит ва сурат бор уйга фаришталар киришмайди», дедилар³⁰⁵. Ҳаром деб билинмайдиганларнинг ҳужжати «Кийимида рақам ёзилган бўлса, мумкин», деб айтилган ҳадисдир. Энди кимки намоз ўқишга умуман кийим топа олмаса, яланғоч бўлиб ўтириб, оёғини қиблага узатиб, сатрлироқ бўлгани учун рукуъ ва саждаларни имо-ишора билан ўқийди. Агар туриб ёки ўтириб рукуъ ва сажда қилса ҳам жоиз. Чунки ўтиришда аврат аъзоларини сатр қилиш бор, туриб ўқишда эса намоз рукнларини адо қилиш бор. Шунга биноан ўзи афзал деб билганини қилади.

Намознинг ташқарисидаги фарзларнинг тўртинчиси – ниятдир. Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Албатта амаллар ниятларга қараб бўлади». Чунки ният билангина ихлос ҳосил бўлади. Биз эса ихлосга буюрилганмиз. Аллоҳ таоло: «Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, У Зот учун динни холис қилган (яъни, Аллоҳга ихлос қилган ҳолда), тўғри йўлдан оғмаган ҳолда ибодат қилишга буюрилган эдилар», деб марҳамат қилади (Баййина сураси, 5-оят).

Қайси намозни ўқишга ният қилса, нияти такбири таҳрима билан муттасил бўлиши керак. Қалби билан қайси намозни ўқимоқчи эканини билиши лозим, тил билан айтишининг эътибори йўқ, чунки ният қалб амалидир. Умумийси шуки, намозга киришаётиб ният қилади.

Имом Муҳаммаддан уйидан чиқиб, жамоат билан фарз намозини ўқиш ниятида имомнинг олдига келиб, ният қилмасдан такбири таҳрима билан имомга эргашиб намоз бошлаган одам ҳақида сўрашди. Имом Муҳаммад: «Бундай қилиш мумкин, чунки ният қилган нарсасини юзага келтириш учун юзланиши нияти борлигини билдиради. Агар нафл намоз ўқишни хоҳласа, намознинг қайси эканини ният қилиши кифоя қилинади.

Қазо намозлар ниятида қайси фарз намозини қазо қилаётганини тайин қилиши керак. Ўз вақтида ўқиладиган фарз намозидан эса ўша вақтнинг фарз намозини ёки имомнинг намозидек намозни ўқишни ёки имомнинг намозига иқтидо қилишни ният қилади. Бу ҳақда Имом Муҳаммад «Асар» китобларида Ҳаммоддан, у киши Иброҳимдан ривоят қилиб айтадилар: «Агар қавмга намоз ўқиётганда қўшилсанг, сенинг намозинг етарли эмас. Агар имом намоз ўқиётганида орқадагилар бошқа нарса ният қилишса, уларнинг намозлари етарли эмас»³⁰⁶.

Намознинг ташқарисидаги фарзларнинг бешинчиси – бу қиблага юзланишдир. Аллоҳ таоло: «(Эй мўминлар), қаерда бўлсангизлар, юзларингизни Унинг (Масжидул-ҳарам) тарафига бурингиз» (Бақара сураси, 144-оят), деб марҳамат қилган.

³⁰⁴ «Сунани Абу Довуд», 4-китоб, 50-бет.

³⁰⁵ «Саҳиҳи Муслим», 3-китоб, 1665-бет.

³⁰⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 352-бет.

Ҳар бир одам Каъбанинг яқинида бўлса, унинг айни ўзига юзланади. Агар Каъба узоқ бўлса, у жойлашган тарафга юзланади. Чунки инсоннинг тоқати етганича нарсага буюрилган. Молик Нофеъдан, у киши Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Умар ибн Хаттоб: «Агар киши Байтуллоҳ тарафга юзланса, машриқ ва мағрибнинг ораси қибладир»³⁰⁷.

Агар қибланинг қаердалигидан хавфсираса, қодир бўлган томонга қараб намоз ўқийди. Аллоҳ таоло: «Бас, қай тарафга юз бурсангиз, ўша жой Аллоҳнинг тарафидир», деб марҳамат қилади (Бақара сураси, 115-бет).

Қибла – бу Каъба жойлашган ўриндир. Ҳаво ўша ердан бошлаб, то осмонгача кўтарилган қибладир. Ундаги бинонинг эътибори йўқ, чунки у қибладан кўчирилгандир. Ундаги тошга қараб намоз ўқиш жоиз эмас. Каъба атрофидаги аҳоли яшаш жойларининг томида намоз ўқиши жоиздир. Бунинг жоизлиги Каъбадаги бинонинг эътибори йўқлигига далолат қилади. Агар киши қибланинг қаерда эканини билмаса ва унинг олдида қибланинг қаердалиги ҳақида сўрайдиган одам бўлмаса, у ижтиҳод қилиб, ўша томонга юзланади. Агар қиблани биладиган кишини учратиб қолса, ундан сўраши ва сўзига амал қилиш вожиб. Агар хабар хато эканини билса ёки намоз ўқиганидан кейин ижтиҳоди ўзгариб қолса, намозни қайтариб ўқимайди. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Омир ибн Робиъа оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга қоронғу кечада сафарда эдик. Қибла қаерда эканини билмас эдик. Ҳар бир киши ўз ҳолича намоз ўқиди. Тонг отганида бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтдик. Шунда «Бас, қай тарафга юз бурсангиз, ўша жой Аллоҳнинг тарафидир», деган оят нозил бўлди (Бақара сураси, 115-оят)»³⁰⁸.

Агар намоз ўқиётганида қибла бошқа томонда эканини билса, намоз ичида қибла тарафга ўгирилиб олади ва намозини (бузмай) ўқиб тугатади. Бу ҳақда Молик Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Одамлар Қубо масжидида бомдод намозини ўқиётганларида бир киши келиб: «Бу кеча Қуръон(дан оят) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбага юзланишни буюрдилар, сизлар ҳам Каъба тарафга юзланинглар», деди. Улар Шом томонга юзланиб турган эдилар, Каъба тарафга бурилдилар»³⁰⁹.

Агар қибла бир тарафда деб ижтиҳод қилса-ю, ўзи бошқа тарафга қараб намоз ўқиса, у одам аслида (тасодифан) қиблага юзланган бўлса ҳам, унинг ўқиган намози, икки имом фикрларича, фосиддир. Имом Абу Юсуф: «Агар шу ҳолда (тасодифан) қиблага юзланган бўлса, намози жоиз», дедилар. Валлоҳу аълам.

Намознинг рукнлари

Намознинг рукнлари: такбири таҳрима, қиём, қироат, рукуъ, сажда, ташаҳҳуд айтиш миқдорида охирги ўтириш.

³⁰⁷ «Ал-муватто», 1-китоб, 155-бет.

³⁰⁸ «Сунани Термизий», 1216-бет.

³⁰⁹ «Сунани Термизий», 1-китоб, 5-бет.

Биринчиси – такбири таҳрима. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар: «Намознинг калити таҳорат, барча (дунёвий нарсаларни) ҳаром қилувчиси такбир ва ҳалол қилувчи саломдир»³¹⁰. Такбири таҳрима икки имом фикрларича, намознинг шартидир. Имом Муҳаммад фикрларича эса, муттасил бўлиб бирлашиб келгани учун намознинг фарзларидан бир фарздир, яъни рукндир. Қиёслаб айтадиган бўлсак, бу нарса уйнинг эшигига ўхшайди. Албатта эшик уйдан бошқа жойда бўлса ҳам, у уй (жиҳози)дан ҳисобланади.

Унинг такбири таҳрима, яъни ҳаром қилувчи такбир деб номланишига сабаб – у гаплашиш, атрофга қараш, ейиш, ичиш ва шунга ўхшаш мубоҳ нарсаларни ҳаром қилади.

Иккинчиси – қиём. Аллоҳ таоло: «Ва Аллоҳ учун бўйинсунган ҳолда туринглар», деб марҳамат қилади (Бақара сураси, 238-оят).

Бу ҳақда Имрон ибн Ҳусайн розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намоз ҳақида сўрадим. У зот: «Қоим бўлиб (турган ҳолда) намоз ўқи, агар бунга қодир бўлмасанг, ўтирган ҳолда намоз ўқи, агар бунга ҳам қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи», дедилар»³¹¹.

Қиём фарзда ҳам, витрда ҳам бор. Қиёмнинг кўриниши турганда агар қўлни чўзса, тиззасига етмайдиган бўлган ҳолдир, бу қиёмга ва саждага қодир бўлган одам учун. Агар қиёмга қодир бўлиб, саждага қодир бўлмаса, ўтириб имо-ишора билан намоз ўқиса бўлади.

Лекин нафл намозларни қиёмга қодир бўла туриб ҳам ўтириб ўқиса бўлади. Аммо туриб ўқиган афзал. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Оиша розийаллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг то кексайгунларича кечаси ўқийдиган нафл намозларини ўтириб ўқиганларини ҳеч ҳам кўрмаган эканлар, кексайган ҳолларида эса ўтириб намоз ичида қироат қиларканлар, рукуъга кетмоқчи бўлсалар, туриб ўттиз ёки қирқ оят ўқиб, кейин рукуъга кетар эканлар³¹².

Намозда кўп қироат қилиш узоқ тик туришни тақозо қилади, у афзалдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Қайси намоз афзал?» деб сўралганида, у зот: «Тик туриши, яъни қиёми узун бўлгани», деб жавоб бердилар³¹³.

Учинчиси – қироат. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Бас, Қуръондан муяссар бўлгунча ўқинглар» (Муззаммил сураси, 20-оят), деб марҳамат қилади. Бундаги буйруқ вожибликка далолат қилади. Қироат намоздан бошқа нарсада, уламоларимиз ижмоъ қилганидек, вожиб эмас. Вожиблик намозда собит бўлади. Бу ҳақда Абу Усмон ун-Наҳдий ривоят қиладилар: «Менга Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу шундай ҳадисни айтиб бердилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Мадина кўчаларига чиққин ва «Қироатсиз намоз намоз эмас, Фотиҳа сураси ва бирор сура зиёда қилинади», деб нидо қилгин», деб айтдилар»³¹⁴.

Фотиҳа сурасини намозда ўқиш намознинг рукни эмас ва у намозда тайин қилинмаган. Қуръоннинг қайси жойидан бўлса ҳам, қироат қилиш

³¹⁰ «Сунани Термизий», 1-китоб, 5-бет.

³¹¹ «Саҳиҳи Бухорий», 2-китоб, 57-бет.

³¹² «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 216-бет.

³¹³ «Сунани Термизий», 1-китоб, 239-бет.

³¹⁴ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 216-бет.

жоиздир. Бу Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳам иккита фикрларидан биридир. Аллоҳ таоло: «Бас, Қуръондан муяссар бўлганича ўқинглар», деб марҳамат қилади (Муззаммил сураси, 20-оят). Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кирдилар. Бир киши ҳам масжидга кириб намоз ўқиди ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди. У зот алик олдилар ва: «Қайтиб намоз ўқигин, чунки сен ҳали намоз ўқимадинг», дедилар. У олдинги ўқиганидек намоз ўқиди, сўнг келиб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берди, у зот: «Қайтиб намоз ўқигин, чунки сен намоз ўқимадинг», деб уч марта айтдилар. У киши: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, бундан яхши ўқий олмайман, менга намозни қандай ўқишни ўргатинг», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намозга турганингда такбир айтгин, кейин Қуръондан сенга муяссар бўлганича ўқи, сўнг рукуъ қилгин ва рукуъда озгина тургин, сўнг бошингни кўтариб текис ҳолда тик тургин, кейин сажда қилгин ва саждада хотиржам бўлиб, сўнг бошингни кўтариб таскин топган ҳолда ўтиргин ва намознинг ҳаммасини шундай ўқигин», дедилар»³¹⁵.

Бир ривоятда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга «Фақат Фотиҳа сураси ва бирор сура зиёда қилиб ўқилган намоз ҳақиқий намоздир», деб одамларга эълон қилишни буюрдилар»³¹⁶. Имомга иқтидо қилиб намоз ўқиётган одам имомнинг орқасидан қироат қилмайди. Бу ҳақда Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фотиҳа сураси ўқилмаган ҳар бир намоз нуқсонлидир, фақат имомнинг орқасида ўқилганда Фотиҳа сураси ўқилмайди», деб айтдилар»³¹⁷. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ҳам бу ҳақда шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Имом иқтидо қилиниш учундир. У (имом) такбир айтса, сизлар ҳам такбир айтинглар, у қироат қилганида сизлар жим туринглар», дедилар»³¹⁹. Абдуллоҳ ибн Шадод розийаллоҳу анҳу ҳам бу ҳақда ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким имомнинг орқасида иқтидо қилиб намоз ўқиса, имомнинг қироати унга қироатдир, яъни етарлидир», дедилар»³²⁰. Бу мурсал ҳадисдир. Аллоҳ таоло: «Қачонки, Қуръон қироат қилинса, унга қулоқ тутингиз ва жим турингиз, шоядки Аллоҳ тарафидан раҳматга сазовор бўлсангизлар», деб марҳамат қилади (Аъроф сураси, 204-оят). Имом Аҳмад: «Одамлар намозда шундай ҳолда, яъни жим турган ҳолда бўладилар», дедилар. Саид ибн Мусайиб, Ҳасан, Иброҳим, Муҳаммад ибн Каъб ва Зухрий: «Бу оят намоздаги ҳолат ҳақида нозил бўлган», дейишади. Зайд ибн Аслам ва Абул Олия: «Одамлар имомнинг орқасида туриб намоз ўқиб, қироат қилишарди, шунда «Қачонки, Қуръон қироат қилинса, унга қулоқ тутингиз ва жим турингиз, шоядки Аллоҳ тарафидан раҳматга сазовор бўлсангизлар», деган оят нозил бўлди (Аъроф сураси, 204-оят)», дейишди.

Имом Аҳмад: «Исломий уламолардан бирортасининг «Имом қироатини жаҳрий қилганда орқасида иқтидо қилувчи агар қироат қилмаса, намози

³¹⁵ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 182-бет.

³¹⁶ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 216-бет.

³¹⁷ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 327-бет.

³¹⁹ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 327-бет.

³²⁰ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 327-бет.

жоиз эмас», дейилганини ҳеч эшитмадик», дедилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар, тобеъинлар, Хиждоз аҳлидан имом Молик, Ироқ аҳлидан имом Саврий, Шом аҳлидан Авзоий, Миср аҳлидан Лайс ва буларнинг барчалари бирор кишига имом қироат қилиб, эргашган киши қироат қилмаганда: «Унинг намози ботил», деб айтишмаган. Убода ибн Сомий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фотиҳа сураси ўқилмаган намоз намоз эмас», дедилар³²¹. Бу ҳадис ҳақида Суфён: «Бир ўзи ўқиган одам учун айтилган», дейдилар.

Тўртинчиси – рукуъ. Агар икки қўлини узатса, тиззасига етадиган даражадагиси рукуъдир. Аллоҳ таоло: «Рукуъ қилинглари ва сажда қилинглари», деб марҳамат қилади (Ҳаж сураси, 77-оят).

Бешинчиси – сажда қилиш. Унинг мукаммали икки қўл ва икки тиззанинг ҳаммасини, икки қадамни, пешона ва буруннинг учини ерга теккизишдир. Ҳузайфа бир кишининг рукуъ ва саждани мукаммал қилмаётганини кўриб: «Сен намоз ўқимадинг, агар вафот этсанг, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни мойил қилган фитратдан бошқасида ўласан», дедилар³²². Абу Масъуд Ансорий ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рукуъ ва саждада бели текис бўлмаган кишининг намози мукаммал бўлмайди», дедилар»³²³.

Олтинчиси – ташахҳуд айтиш миқдорича охирги ўтириш. Яъни, «Аттаҳиййат...» ҳамда «...ва росулух» деган жойгача бўлган вақт оралиғида ўтириш фарздир. Агар имомга иқтидо қилиб ўқиётган одам охирги қаъдада ташахҳуд айтиш миқдорича ўтирса, имом намозини тугатмасидан олдин у одам намозини тугатиб салом берса ёки гапирса, у одамнинг намози саҳиҳдир. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ибн Масъуднинг қўлидан ушлаб, намоздаги ташахҳудни ўргатдилар: «Аттаҳиййату лиллаҳи вас салавату ват тоййибат, ассаламу ъалайка аййуҳаннабиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ, ассаламу алайна ва ъала ибадиллаҳис солиҳийн, ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулух». Кейин: «Бунинг ўқиб тугатсанг, намозинг тугабди, туришни хоҳласанг, тур ва ўтиришни хоҳласанг, ўтир», деб айтдилар»³²⁴. Бошқа бир ривоятда «...ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулух, дегандан кейин агар намознинг ўртасида бўлса, ташахҳудни ўқиб бўлгандан сўнг туради, агар намознинг охирида бўлса, ташахҳуддан кейин Аллоҳ хоҳлаганича дуо қилади, кейин салом беради», дейилади³²⁵. Агар намоз ўқувчи намознинг шартларидан бир шартни ёки рукнларидан бир рукнни, унга қодир бўла туриб, камчиликка йўл қўйса, намози ботил бўлади ва у одам намозини қайтадан ўқиши вожиб бўлади.

Намознинг вожиблари ҳақида

Намознинг вожиблари қуйидагилар:

1. «Аллоҳу акбар», деб айтиш. Бу ҳақда Руфоъа ибн Рофеъ ривоят қиладилар: «Бир киши масжидга кириб намоз ўқиди... (ҳадис давом этади)

³²¹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 182-бет.

³²² «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 190-бет.

³²³ «Сунани Термизий», 1-китоб, 1655-бет.

³²⁴ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 2-китоб, 4-бет.

³²⁵ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 2-китоб, 4-бет.

... Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларнинг бирортаси таҳорат қилиб, ўз жойида (ҳар аъзосини мукаммал ювиб), кейин такбир айтиб, Аллоҳ азза ва жаллага ҳамд айтиб ва У Зотга сано ўқимагунича унинг намози мукаммал бўлмайди», дедилар»³²⁶.

Бошқа ривоятда «Одамларнинг бирортаси, токи таҳорат олиб, унинг барча арконларини ўз ўрнига қўйиб, кейин «Аллоҳу акбар», деб айтмагунича намоз мукаммал бўлмайди» бўлиб келади³²⁷.

2. Фотиҳа сурасини ўқиш. Бу ҳақда Убода ибн Сомит розийаллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни айтадилар: «Фотиҳа сурасини ўқимаган одамга намоз йўқ (яъни, намози намоз эмас)».

3. Бирор сура қироат қилиш. Бу ҳақда Язийд ал-Фақир ривоят қилиб айтадилар: «Мен Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳунинг шундай деганларини эшитдим, у киши намознинг аввалги икки ракатида Фотиҳа сурасини, охирги икки ракатида ҳам Фотиҳа сурасини ўқидилар. Биз эса Фотиҳа сураси ва ундан кейин зам сура қилиш ҳақидаги ҳадисни гаплашиб турардик».

Имом Байҳақий: «Биз Али, Ибн Масъуд ва Оиша розийаллоҳу анҳумодан юқоридагига далолат қиладиган ҳадисларни ривоят қилдик», дедилар³²⁸.

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга (намозда) Фотиҳа сурасини ва Қуръондан муяссар бўлганича ўқишни буюрдилар»³²⁹.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб дейдилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга «Намоз Фотиҳа сураси ва зам сура ўқиш билангина мукаммал бўлади», деб айтишни буюрдилар»³³⁰.

4. Намознинг аввалги икки ракатида сура зам қилиш. Бу ҳақда Абу Қатода розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин ва аср намозларининг аввалги икки ракатларида уммул китобни, яъни Фотиҳа сурасини ва у билан бирга бирор сурани ўқир эдилар, гоҳида биз бирор оятни эшитар эдик. Биринчи ракатни бошқаларидан узунроқ қилардилар»³³¹.

Жобир розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен пешин ва аср намозларининг аввалги икки ракатида Фотиҳа сурасини ва бирор сурани ўқийман, охирги икки ракатида эса фақат Фотиҳа сурасини ўқийман»³³².

Абу Қатода розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намознинг аввалги икки ракатида Фотиҳа сурасини ва бирор сурани ўқирдилар, охирги икки ракатида эса Фотиҳа сурасининг ўзини ўқирдилар»³³³.

5. Рукуъ ва саждани мукаммал қилиш. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рукуъ ва саждани мукаммал қилинглари, Аллоҳга қасамки, албатта мен орқа тарафимдан сизлар рукуъ қилаётганингизни ва сажда қилаётганингизни кўриб тураман», дедилар³³⁴.

³²⁶ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 226-бет.

³²⁷ «Мўъжами Табароний», 5-китоб, 38-бет.

³²⁸ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 63-бет.

³²⁹ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 60-бет.

³³⁰ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 60-бет.

³³¹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 187-бет.

³³² «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 368-бет.

³³³ Ибн Абу Шайба «Маснаф», 1-китоб, 356-бет.

³³⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 320-бет.

Рукуъ ва саждадаги тасбеҳларни айтиш намознинг мукамаллигига далолат қилади.

Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз рукуъ қилса, рукуъсида «Субҳана роббиййал ъазийм», деб уч марта айтсин, шунда рукуъси мукамал бўлади ва бу рукуънинг энг камидир. Агар сажда қилса, саждада «Субҳана роббиййал аъла», деб уч марта айтсин, шунда саждаси мукамал бўлади ва бу сажданинг энг камидир», дедилар»³³⁵.

Абу Қатода розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларнинг ичидаги ўғриларнинг ёмони намозда ўғирлик қилганидир», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Намозда қандай ўғирлик қилади?» деб сўрашди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рукуъ ва саждасини мукамал қилмайди», дедилар»³³⁶.

Рукуъ ва сажданинг орасида озгина ажратиб тўхтаб туришлик уларнинг мукамал бўлишидир. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намозида рукуъ ва сажда орасида белини тик қилмаган одамнинг намозига Аллоҳ таоло қарамайди», дедилар»³³⁷.

Саждада икки тирсагини ердан кўтариб ерга ёзиб олмаслиги, яъни теккизмаслиги сажданинг мукамаллигига далолат қилади. Бу ҳақда Барро ибн Озиб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар сажда қилсанг, икки кафтингни ерга қўйиб, икки тирсагингни юқори кўтариб тургин», дедилар»³³⁸. Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Саждани аниқ қоидаси билан қилинглари, сизлардан бирортангиз итга ўхшаб саждада қўлини узатиб олмасин», дедилар»³³⁹.

6. Намозда ҳар бир ҳаракатдан кейин озгина тўхтаб олиш.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ёмон намоз ўқиган киши ҳақидаги ҳадисни ривоят қиладилар, унда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар намозга турсанг, такбир айт, кейин Қуръондан сенга муяссар бўлганича қироат қил, кейин рукуъ қил ва рукуъда озгина таскин топиб тур, яъни бирданига туриб кетма, сўнг рукуъдан бошингни кўтариб тикка тур, кейин сажда қил, саждада ҳам озгина таскин топиб тўхтаб тур (яъни, хўроз чўқишига ўхшаб тез-тез сажда қилма), кейин саждадан қайтиб озгина таскин топиб ўтир, сўнг сажда қил, саждада озгина таскин топиб тўхтаб тур ва намозингнинг ҳаммасида шундай қилгин», дедилар»³⁴⁰.

7. Етти аъзоси билан сажда қилиш.

Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен етти аъзоим билан сажда қилишга буюрилдим: пешона (қўллари билан бурунларига ишора қилдилар), икки қўл, икки оёқ, икки қадамнинг учи. Кийимларимизни ва сочи (ёйилиб кетмасин деб) йиғиб ушлаб олмаймиз», деб айтдилар»³⁴¹.

8. Сажда қилганда бурунни ҳам ерга теккизиш.

³³⁵ «Сунани Термизий», 1-китоб, 164-бет.

³³⁶ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 305–306-бетлар.

³³⁷ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 268-бет.

³³⁸ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 281-бет.

³³⁹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 355-бет.

³⁴⁰ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 190-бет.

³⁴¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 354-бет.

Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким сажда қилаётганида бурни ва пешонасини ерга теккизмаса, унинг намози жоиз бўлмайди», дедилар³⁴².

9. Икки сажда орасида ўтириш.

Бу ҳақда Абу Ҳумайд Соъидий Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларини таърифлаб шундай дейдилар: «Кейин эгилиб сажда қилиб «Аллоҳу акбар», дедилар. Сўнг тирсаклари билан қоринлари ўртасини йироқ қилиб, оёқ бармоқларини ҳам очиб, тик қўйдилар. Кейин чап оёқларини ёзиб устига ўтирдилар ва хотиржам ўтирганларидан барча суяклари ўз ўрнига келар эди»³⁴³.

10. Аввалги қаъда ўтириш.

Бу ҳақда Руфоъ ибн Рофеъ ёмон намоз ўқиган киши ҳақидаги ҳадисни айтганлар, унда: «Намозингнинг ўртасида ўтирганингда бемалол, таскин топиб ўтиргин ва чап сонингни ёзиб ўтириб, кейин ташаҳҳуд ўқигин, агар турсанг, ҳам юқоридагидек қилгин, токи намозингни шундай тугатгин», дейилган³⁴⁴.

Абдуллоҳ ибн Бухайна розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан (имом бўлиб) икки ракат намоз ўқидилар, сўнгра ўтирмай туриб кетдилар, одамлар ҳам у зот билан бирга туришди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларини тугатаётганларида биз салом бераётганларига қарадик, у зот такбир айтиб икки марта сажда қилдилар ва у зот саломдан олдинги ўтиришда эдилар, кейин салом бердилар (ва намозни тугатдилар)»³⁴⁵.

11. Ташаҳҳуд ўқиш.

Бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларини такбир ва «Алҳамдулиллаҳи раббил ʼаламийн...»ни қироат қилиш билан бошлардилар. Рукуъ қилганларида бошларини кўтариб ҳам олмасдилар, қуйи тушириб ҳам, балки икковининг ўртасида тутардилар, бошларини рукуъдан кўтарганларидан сўнг то тик турмагунларича саждага кетмасдилар. Саждадан бошларини кўтарганларидан кейин то яхшилаб ўтирмагунларича иккинчи саждага кетмасдилар. Ҳар икки ракатдан кейин «Аттаҳийят...»ни ўқирдилар, ўтирганда чап оёқларини тўшаб, ўнг оёқларини тик қилиб ўтирардилар. У зот ерга думбасини қўйиб, икки оёқни тик қилиб, ерга икки қўлни қўйишдан ҳамда йиртқичлар каби икки тирсакни тўшаб юборишдан ман этардилар. Ва намозларини салом билан тугатардилар»³⁴⁶.

Саййидимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳуга ташаҳҳудни қуйидаги тарзда ўргатганлар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни бизга: «Албатта Аллоҳ сифатидан бири Саломдир. Сизлардан бирортангиз қаъдада ўтирса, «Аттаҳийят» лиллаҳи вас салавату ват тоййибат. Ассаламу алайка аййуҳаннабиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ассаламу алайна ва ʼала ибадиллаҳис солиҳийн», десин. Агар шундай деса, ер юзидаги ва осмондаги Аллоҳнинг барча солиҳ бандаларига етиб боради. «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва

³⁴² «Мўъжами Табароний», 11-китоб, 263-бет.

³⁴³ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 277-бет.

³⁴⁴ «Мўъжами Табароний», 5-китоб, 39-бет.

³⁴⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 399-бет.

³⁴⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 358-бет.

ашҳаду анна Мухаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ», деб айтса, хоҳлаганича сўраш ихтиёри берилади», дедилар»³⁴⁷.

Самура розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга намознинг ўртасидаги қаъдада ёки намозни тугатаётгандаги охириги қаъдада «Аттаҳийят...» деб бошлаб, охиригача ўқишни буюрдилар...»³⁴⁸.

Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Икки ракатдан кейин қаъдага ўтирсангиз, «Аттаҳийяту лиллаҳи вас салавату ват-тоййибат, ассаламу алайка аййуҳан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ...», деб (охиригача) айтинглар», дедилар»³⁴⁹.

12. Салом бериш.

Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг ва чап тарафларига «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ, ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ», деб салом берардилар».

13. Жаҳрий, яъни овоз чиқариб ўқиладиган намозларда жаҳрий ўқиш, махфий қиладиган намозларда ичида ўқиш.

Бу ҳақда Ато ибн Абу Рабоҳдан ривоят қилинади. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга эшиттириб ўқиган намозларида биз сизларга қироатни эшиттириб ўқиймиз, у зот биздан махфий ўқиган намозларида биз ҳам сизлардан махфий (яъни, ичимизда) ўқиймиз», дедилар»³⁵⁰.

Абу Маъмар ривоят қиладилар: «Биз Хаббоб розийаллоҳу анҳудан: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин ва аср намозларида қироат қилармидилар?» деб сўрасак, у киши: «Ҳа», дедилар. Биз: «Бун қандай билардингиз?» десак, «Соқоллари қимирлашидан», деб жавоб бердилар»³⁵¹.

Хориснинг қизи Умму Фазл розийаллоҳу анҳо ўғиллари Ибн Аббоснинг «Вал мурсалати урфа...» деган сурани ўқиётганини эшитиб: «Эй ўғлим, сен бу сурани ўқишинг билан менга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шом намозида ўқиганларини эслатдинг», дедилар»³⁵².

14. Саждаи саҳв қилиш.

Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз агар неча ракат ўқиганига шак қилса, озини танласин, яъни «Икки ракат ўқидимми ё уч ракат?» деб ўйласа, икки ракат ўқиган деб ҳисобласин ва уни тўлдириб ўқисин. Кейин салом берсин, сўнгра икки марта сажда қилсин», дедилар»³⁵³.

15. Сажда ояти ўқилганида тиловат саждасини қилиш.

Абу Рофеъ ривоят қилиб айтадилар: «Мен Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу билан бирга хуфтон намозини ўқидим. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу «Изас самаун шаққат...» сурасини ўқидилар ва унда сажда қилдилар. Мен: «Бу қандай сажда?» деб сўрадим. У зот: «Шу сура ўқилганида Абул Қосим

³⁴⁷ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 302-бет.

³⁴⁸ «Мўъжами Табароний», 7-китоб, 250-бет.

³⁴⁹ «Саҳиҳи Ибн Ҳиббон», 5-китоб, 1951-бет.

³⁵⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 212-бет.

³⁵¹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 212-бет.

³⁵² «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 212-бет.

³⁵³ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 105-бет.

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан шундай сажда қилганман. Мен у зотга йўлиқмагунимча шу сура ўқилганида шундай сажда қилавераман», дедилар»³⁵⁴.

16. Имомга қироатдан бошқасида эргашиш, яъни имом қилган ишни қилиш. Бу ҳақда Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Имом иқтидо этилиши учун жорий қилинган. Агар у туриб намоз ўқиса, сизлар ҳам туринглар, агар у рукуъ қилса, сизлар ҳам рукуъ қилинглар, агар у рукуъдан бошини кўтарса, сизлар ҳам бошингизни кўтаринглар. У: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», деса, «Роббана ва лакал ҳамд», денглар, агар турган ҳолда намоз ўқиса, сизлар ҳам туриб намоз ўқинглар. Агар ўтириб намоз ўқиса, сизлар ҳам ўтириб намоз ўқинглар», дедилар». Абу Абдуллоҳ айтишларича, Ҳумайдий: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Агар имом ўтириб намоз ўқиса, сизлар ҳам ўтириб намоз ўқинглар», дейишлари олдинги касаллик вақтларида эди. Кейинроқ Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтириб намоз ўқидилар, орқаларидаги одамлар туриб намоз ўқишди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга ўтиришни буюрмадилар. Ҳар бир нарсанинг охири, бажарилгани олинади. Бу ерда амал қилинадигани Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охирги амалларидир», деб айтганлар³⁵⁵.

Абдуллоҳ ибн Язиддан ривоят қилинади: «Барро розийаллоҳу анҳу менга ҳадис айтиб бердилар, у киши ёлғон гапирмасдилар. «Саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ортларида намоз ўқишар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъдан бошларини кўтарганларида, мен улардан бирортасининг орқасини эганини кўрмадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешоналарини саждага қўйганларидан кейингина улар ортларидан саждага кетишарди»³⁵⁶.

Бошқа ривоятда эса: «Бошларини рукуъдан кўтарганларида: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», дердилар, биз рукуъдан тик турганимизда у зот юзларини ерга қўйганларини кўрардик-да, сўнгра у зотга эргашиб сажда қилардик»³⁵⁷, дейилади.

Намознинг суннатлари ҳақидаги боб

Намознинг суннатлари қуйидагилар:

1. Такбири таҳрима айтганда икки қўлни кўтариш.

Бу ҳақда Ҳакам ибн Умайр ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга: «Намозга турганингизда икки қўлингизни юқори кўтаринг, қулоғингизга хилоф қилманг. Кейин «Аллоҳу акбар», деб «Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва таборака смука ва таъала жаддук ва ла илаҳа ғайрук», деб айтинг. Агар такбирдан зиёда қилмасангиз ҳам (яъни, такбирнинг ўзини айтсангиз ҳам), сизларга кифоя қилади», деб ўргатардилар»³⁵⁸.

Воил розийаллоҳу анҳу ҳам бу ҳақда қуйидагича ривоят қиладилар. Бу зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозга турганларида

³⁵⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 407-бет.

³⁵⁵ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 169-бет.

³⁵⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 345-бет.

³⁵⁷ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 345-бет.

³⁵⁸ «Мўъжами Табароний», 3-китоб, 218-бет.

икки қўлларини кўтарганлари, ҳатто икки қўлтиқлари кўринганини, бош бармоқларини қулоқларига теккизганларини, кейин такбир айтганларини кўрган эканлар³⁵⁹.

2. Қўлни кўтараётганда бармоқларини ёйиб, ўз ҳолича қўйиш.

Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга такбири таҳрима айтиб қўлларини кўтарганларида бармоқларини ёйиб қўярдилар³⁶⁰. Намозда бармоқларни тутиш ҳолати учтадир: рукуъда бармоқлар орасини очиб туради, саждада эса бармоқларни жипслаб туради, намоздаги бошқа ҳолларда ёйиб, ўз ҳолича туради. Бу ҳақда Алқама ибн Воил оталаридан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ қилганларида бармоқлари орасини очиб турардилар, сажда қилганларида эса бармоқлари орасини зич қилиб жипслардилар»³⁶¹.

3. Такбири таҳримага қўлни кўтараётганда кафтнинг ички қисмини Каъба тарафга қаратиш.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан келган ривоятда у киши айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз намозини бошласа, икки қўлини юқорига кўтарсин, кафтнинг ичини қиблага қаратсин, чунки Аллоҳ азза ва жалла унинг олди томонидадир», дедилар»³⁶².

4. Икки қўлни икки қулоғига кўтариш.

Бу ҳақда Барро розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар намозга киришсалар, икки қўлларини икки қулоқларига яқинлаштириб кўтарардилар, кейин бошқа бундай қилмасдилар»^{362*}. Алқама Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу: «Сизларга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларидек намоз ўқиб берайми?» У зот намоз ўқиганларида фақат аввалида икки қўлларини кўтарардилар, бошқа кўтармасдилар», дедилар³⁶³.

5. Ўнг қўлни чап қўлнинг устига қўйиш.

Бу ҳақда Алқама ибн Воил оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозда ўнг қўлларини чап қўлларининг устига қўйганларини кўрдим»³⁶⁴. Яна шу ровий: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозда турганларида ўнг қўллари билан чап қўлларини ушлаб турганларини кўрдим», деб айтилар³⁶⁵.

Ҳажжож ибн Ҳисон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у киши айтадилар: «Мен Абу Мажлаздан: «Намозда ўнг қўл чап қўл устига қандай қўйилади?» деб сўрасам, у киши: «Ўнг кафтнинг ичини чап кафтнинг орқасига қўйиб, икковини киндикнинг тагига қўяди», дедилар». Бу ривоятни Абу Бакр ибн Абу Шайба ривоят қилганлар. Санади яхши, барча ровийлари ишончлидир.

³⁵⁹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 193-бет.

³⁶⁰ «Сунани Термизий», 1-китоб, 152-бет.

³⁶¹ «Мўъжами Табароний», 22-китоб, 19-бет.

³⁶² «Мўъжамул Авсат», 8-китоб, 7801-бет.

^{362*} «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 200-бет.

³⁶³ «Сунани Термизий», 1-китоб, 162-бет.

³⁶⁴ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 284-бет.

³⁶⁵ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 284-бет.

Воил ибн Хужр розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўнг қўлларини чап қўллари устига, (сўнг иккисини ҚЎШДИМ) киндикларининг тагига қўйганларини кўрдим». Бу ҳадисни Ибн Абу Шайба саҳиҳ санад билан ривоят қилганлар ва уни ривоят қилган кишилар ишончлидир³⁶⁶.

Воил ибн Хужр розийаллоҳу анҳу яна айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай намоз ўқиётганларига албатта назар соламан, у зотга қарадим, у зот такбир айтдилар ва икки қўлларини кўтариб қулоқларига теккиздилар, кейин ўнг қўлларини чап қўллари устига, яъни билак билан тирсаклари ўртасига қўйдилар»³⁶⁷.

6. Такбири таҳрима ва қироат орасида сано ва «Аъзу...»ни айтиш учун сукут қилиш.

Самура ибн Жундуб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан иккита ичида айтиладиган нарсани ўрганиб, ёдлаб олдилар: такбири таҳрима айтгандан кейинги сукут ва қироат қилиб бўлгандан кейин рукуъ вақтидаги сукут³⁶⁸.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда иккинчи ракатга турганларида «Алҳамдулиллаҳи роббил аъламийн», деб бошлардилар ва сукут қилмасдилар»³⁶⁹.

7. Сано дуосини қироат қилиш. Бу ҳақда Абу Жавзо Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни бошлаганларида «Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва таборака смука ва таъала жаддук ва ла илаҳа ғайрук», деб айтардилар³⁷⁰.

8. Нафл намозни бошлагандаги дуо.

Муҳаммад ибн Маслама ривоят қиладиларки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нафл намозни бундай бошлардилар: «Аллоҳу акбар, важжаҳту важҳий лиллази фаторос-самавати вал-арз, ҳанийфан муслиман ва ма ана минал мушрикийн, инна солати ва нусуки ва маҳйайа ва маматий лиллаҳи роббил аъламийн, ла шарийка лаҳу ва бизалика умирту ва ана аввалул муслимийн. Аллоҳумма антал малику ла илаҳа илла анта субҳонака ва биҳамдика». Сўнгра бирор сурани қироат қилардилар³⁷¹.

9. Таъаввузни ичида (махфий) айтиш. Аллоҳ таоло: «(Эй мўмин бандам), албатта қувилган малъун шайтон (васвасаси)дан Аллоҳ паноҳ беришини сўрагин» (Наҳл сураси, 98-оят), деб марҳамат қилади. Таъаввуз бундай айтилади: «Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм».

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси намозга турган вақтларида такбир айтардилар, кейин «Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва таборака смука ва таъала жаддук ва ла илаҳа ғайрук», дердилар, сўнг «Ла илаҳа илаллоҳ», деб уч марта, «Аллоҳу акбар кабийран», деб уч марта айтардилар, кейин «Аъзу биллаҳис-самийил алийми минаш-шайтонир рожийм. Мин ҳамазиҳи ва нафҳиҳи ва нафасиҳи», деб айтардилар»³⁷².

³⁶⁶ «Саҳиҳ Бухорий», 1-китоб, 385-бет.

³⁶⁷ «Мўъжамут Табароний», 22-китоб, 35-бет.

³⁶⁸ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 215-бет.

³⁶⁹ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 235-бет.

³⁷⁰ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 235-бет.

³⁷¹ «Сунани Насайи», 2-китоб, 131-бет.

³⁷² «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 206-бет.

10. Тасмия («Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», дейиш) ва уни махфий айтиш. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у киши «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»ни, таъаввузни, «Роббана лакал ҳамд»ни махфий, яъни ичларида айтар эдилар. Буни Ибн Абу Шайба ривоят қилганлар.

Иброҳим Нахайй айтадилар: «Тўрт нарсани имом махфий ўқийди: «Аъзу биллаҳи минашшайтонир рожийм», «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», «Субҳанака аллоҳумма ва биҳамдика...» ва «Омийн»ни».

Бу ривоятни Имом Муҳаммад «Ал-асар» китобларида, Абдураззоқ ўзларининг «Мусанниф» китобларида ривоят қилганлар.

Ибн Абдуллоҳ ибн Муғаффал ривоят қилиб айтадилар: «Намозда «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», деганимни отам эшитиб қолдилар ва менга: «Эй ўғлим! Бу янглишдир, бидъатдир. Бу бидъатдан эҳтиёт бўл», дедилар. Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ичида Исломдаги янгиликка, бидъатга отамдек ғабблисини кўрмаганман. Отам: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ҳам, Абу Бакр, Умар ва Усмон розийаллоҳу анҳумолар билан ҳам намоз ўқиганман, уларнинг бирортасининг тасмия, яъни «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» айтганини эшитмаганман. Сен намоз ўқиганингда ундай демагин, балки «Алҳамдулиллаҳи роббил аъламийн...», деб айтгин», дедилар».

Абу Исо ат-Термизий айтадилар: «Ибн Муғаффал ривоят қилган ҳадис ҳасан ҳадисдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бўлган аксарият илм аҳли: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али розийаллоҳу анҳумо ва бошқа тобеъинлар наздида унга амал қилинади. Бу ҳақда Саврий, Ибн Муборак ва Аҳмад «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм»нинг жаҳрий, яъни овозни чиқариб айтилганини кўрмаганларини айтиб, тасмияни ичида айтади, дейишган»³⁷³.

11. Намозда қироатни «Алҳамдулиллаҳи роббил аъламийн...», деб бошлаш.

Бу ҳақда Анас розийаллоҳу анҳу қуйидагича ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр, Умар, Усмон розийаллоҳу анҳумолар қироатни «Алҳамдулиллаҳи роббил аъламийн...» билан бошлар эдилар.

12. «Омийн» деб айтиш.

Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар имом «Алҳамду...»дан кейин «Омийн», деса, сизлар ҳам «Омийн», денглар, чунки кимнинг «омийн»и фаришталарнинг «омийн»лари билан мувофиқ келса, у одамнинг аввалги гуноҳлари кечирилади», дедилар³⁷⁴. «Омийн»ни махфий айтиш ҳақида Воил ибн Ҳужр ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан намоз ўқидилар, «... ғойрил мағзуби алайҳим валаззолийн», деб ўқиганларидан сўнг «Омийн», деб овозларини махфий қилдилар. Ўнг қўлларини чап қўлларининг устига қўйиб, кейин ўнг ва чап тарафга салом бериб, намозларини тугатдилар»³⁷⁵.

13. Ҳар бир тушиш ва кўтарилишда такбир айтиш. Бу ҳақда Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ

³⁷³ «Сунани Термизий», 1-китоб, 154-бет.

³⁷⁴ «Сунани Термизий», 1-китоб, 158-бет.

³⁷⁵ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 205-бет.

соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир тушиш ва кўтарилишда, қиёмга туриш ва қаъдага ўтиришда такбир айтардилар. Абу Бакр ва Умар розийаллоҳу анҳу ҳам шундай қилардилар».

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ёки сажда учун эгилаётганларида такбир айтардилар». Булар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳобларидан аҳли илмларининг сўзидир. Улардан кейинги тобеъинлар: «Киши рукуъ ёки саждага эгилаётганида такбир айтади», дейишган³⁷⁶.

14. Рукуъда тиззани ушлаб туриш. Бу ҳақда Умар розийаллоҳу анҳу: «Рукуъда тиззани ушлаб туриш суннатдир», деганлар. Яна: «Тиззани ушлаш сўзларга суннат бўлди, рукуъда тиззани ушлаб туринглар», дедилар³⁷⁷.

15. Рукуъда турганда бармоқлар орасини очиб туриш. Бу ҳақда Алқама ибн Воил оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ қилганларида бармоқлари орасини очиб турардилар»³⁷⁸.

16. Рукуъда турганда орқани, яъни елкани текис қилиб туриш. Бу ҳақда Ибн Аббос ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ қилганларида елкаларини тўғри тутардилар. Шу ҳолда агар (елкаларига) орқаларига сув қуйилса, у сув текис турганларидан оқиб кетмас эди»³⁷⁹.

17. Рукуъга кетишда ва рукуъдан қайтишда икки қўлнинг кўтарилмаслиги («рафъул йадаини»нинг йўқлиги). Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Икки қўл фақат еттита ўринда кўтарилади: намозни бошлаганда, Масжидул-ҳарамга кириб Байтуллоҳни кўрганда, Сафо тоғида турганда, Марвада турганда, одамлар билан Арафотда турганда, жамъда, ҳожилар шайтон (жамра)га тош отаётганида», дедилар³⁸⁰.

18. Рукуъда бошни баланд тутмаслик ёки рукуъда пастга туширмаслик (осилтириб олмаслик). Бу ҳақда Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини сифатлаб: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ қилганларида бошларини юқори кўтариб юбормас эдилар ва пастга ҳам осилтириб тушириб юбормас эдилар», дедилар³⁸¹.

19. Рукуъда камида уч марта тасбеҳ айтиш.

Бу ҳақда Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан биронтангиз рукуъ қилса, рукуъсида «Субҳана роббийал ъазийм», деб уч марта айтсин, шунда рукуъси мукамал бўлади ва бу уч марта айтиш энг камидир», дедилар³⁸².

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нафл намоздаги рукуъларида дуо қилардилар. Бу ҳақда Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида

³⁷⁶ Сунани Термизий, 1-китоб, 160-бет.

³⁷⁷ Сунани Насай, 2-китоб, 185-бет.

³⁷⁸ Ал-мустандрок, 1-китоб, 224-бет.

³⁷⁹ Мўъжам-Табароний, 12-китоб, 305-бет.

³⁸⁰ Мўъжам-табароний. 11-китоб, 305-бет.

³⁸¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 357-бет.

³⁸² «Сунани Термизий», 1-китоб, 164-бет.

кўп дуо қилардилар: «Субҳанакаллоҳумма, роббана ва биҳамдик аллоҳуммағфирли», деб Қуръондаги дуолардан таъвил қилардилар³⁸³.

Яна Оиша розийаллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинади: «Мен бир кеча Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тўшакда йўқотиб қўйдим, қидирган эдим, қўлим саждагоҳда тик турган оёқларига тегди. У зот: «Эй Аллоҳим, ғазабингдан розилигинг билан паноҳ тилайман ва уқубатингдан офиятинг билан паноҳ тилайман. Мен Зотингга лойиқ сано айтолмаслигимдан паноҳ тилайман. Сен Ўзингга қандай ҳамду сано айтган бўлсанг, ўшандайсан», деб дуо қилаётган эдилар³⁸⁴.

Яна Оиша розийаллоҳу анҳо онамиз айтишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рукуъ ва саждаларида «Суббуҳун, қуддусун, роббул малаикати вар-руҳ», деб айтар эдилар³⁸⁵.

20. Имомнинг рукуъдан қайтганда «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», дейиши ва иқтидо қилувчи «Роббана лакал ҳамд», деб айтиши.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай деганлар: «Агар имом рукуъдан қайтаётиб «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», деса, сизлар: «Аллоҳумма роббана лакал ҳамд», денглар. Чунки кимнинг сўзи фаришталар сўзига мувофиқ келса, унинг аввалги гуноҳлари кечирилади»³⁸⁶.

Намозни бир ўзи ўқиётган ёки нафл намоз ўқиётган одам рукуъдан қайтаётганида хоҳласа: «Аллоҳумма роббана лакал ҳамд мил ус самавати ва мил ул арзи ва ма байнаҳума ва мил у ма шиъта мин шайъин баъда, аҳлус санаи вал мажд, ла монеъа лима аътойта вала мўътия лима манаъта ва ла йанфаъу зал жадди минкал жадд», дейди³⁸⁷.

21. Рукуъдан қайтиб туриш вақти рукуъ, сажда ва икки сажда орасидаги ўтириш билан тенг бўлиши. Бу ҳақда Барро розийаллоҳу анҳудан келган ривоятда айтилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саждада, рукуъда ва икки сажда ўртасидаги ўтириш мобайнидаги вақтлари рукуъдан қайтиб то сажда қилгунларигача тик турган вақтларига яқин бўларди³⁸⁸.

22. Намоздаги ҳолат ўзгарганда олдин ҳам, кейин ҳам ортда қолмай такбир айтиш. Бу ҳақда Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу қуйидагича ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни бошлаганларида ва рукуъга кетганларида такбир айтардилар, бошларини рукуъдан кўтариб «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», дердилар. Тик турганларида эса «Роббана лакал ҳамд», дердилар. Саждага эгилаётганларида, саждадан бошларини кўтараётганларида, яна саждага эгилаётганларида, яна бошларини саждадан кўтараётганларида такбир айтардилар. Шу тартибда намозларидаги барча тартиб-ҳаракатларни намозларини тугатгунларича қилардилар. Икки ракат ўқиб бўлганларидан кейин тураётганларида ҳам такбир айтардилар»³⁸⁹.

23. Сажда қилаётганда икки тиззасини икки қўлидан олдин ерга қўйиши. Бу ҳақда Воил ибн Хужр ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ

³⁸³ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 350-бет.

³⁸⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 350-бет.

³⁸⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 350-бет.

³⁸⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 306-бет.

³⁸⁷ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 247-бет.

³⁸⁸ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 225-бет.

³⁸⁹ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 247-бет.

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сажда қилаётганларида икки қўлларида олдин икки тиззаларини ерга қўйганлари, саждадан тураётганларида эса икки қўлларида икки тиззаларидан олдин кўтараётганларини кўрдим»³⁹⁰.

Абдужаббор ибн Воил оталаридан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилаётган чоғларида икки тиззалари икки кафтлари тегишидан аввал ерга тегди. Саждадан турганларида сонларига суюниб, тиззаларида турдилар»³⁹¹.

24. Сажда қилганда икки қўл орасини очиб, бўш қўйиш. Бу ҳақда Маймуна онамиз розийаллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилганларида қўллари орасини бўш қўярдилар, қўзичоқ агар қўллари орасидан ўтиб кетмоқчи бўлса, ўтиб кетарди».

25. Сажда қилганда оёқ бармоқларини букиш, токи оёқ бармоқлари эгилиб қибла тарафга қарасин. Бу иш арабчада «фатх» деб аталади.

Абу Хумайд ас-Саъидий ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ерга эгилган ҳолда сажда қилсалар, икки қўллари елкадан то билаккача бўлган қисми билан қўлтиқ таги атрофи орасини очик қўярдилар, оёқлари бармоқлари орасини очардилар»³⁹². Яъни, оёқ қадамларини тик қилардилар ва оёқ панжаси билан оёқ бармоғи бўлинган жойни босиб, бармоқларини оёқ ичи томон букардилар.

26. Саждада думбани кўтариш. Бу ҳақда Абу Исҳоқ ривоят қиладилар: «Барро розийаллоҳу анҳу бизга қандай сажда қилишни сифатлаб бериб, икки қўллари ерга қўйдилар, орқаларини кўтардилар ва: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қилаётганларини кўрдим», дедилар»³⁹³.

27. Сажда қилганда қўл бармоқларини жинслаштириб, уларни қиблага қаратиб туриш. Бу ҳақда Воил ибн Хужр розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилганларида бармоқларини жипслаштириб турардилар»³⁹⁴. Яна Барро ибн Озиб розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб шундай деганлар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилганларида икки қўллари ерга қўярдилар, икки кафтлари ва бармоқларини қиблага қаратардилар»³⁹⁵.

28. Икки кафт устига сажда қилиш. Бу ҳақда Барро ибн Озиб розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки кафтларининг орқасига сажда қилардилар»³⁹⁶, яъни икки кафтнинг ичини ерга қўйиб сажда қилганлар.

29. Сажда қилганда юзни (пешонани) икки кафт орасига қўйиш. Бу ҳақда Абу Исҳоқ ривоят қилиб айтадилар: «Мен Барро ибн Озиб розийаллоҳу анҳудан «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилганларида юзларини қаерга қўярдилар?» деб сўрасам, у зот: «Икки кафтлари орасига», дедилар»³⁹⁷.

³⁹⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 222-бет.

³⁹¹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 222-бет.

³⁹² «Сунани Насай», 3-китоб, 211-бет.

³⁹³ «Сунани Насай», 2-китоб, 212-бет.

³⁹⁴ «Сунани Насай», 2-китоб, 212-бет.

³⁹⁵ «Сунани Байхақий», 2-китоб, 113-бет.

³⁹⁶ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 227-бет.

³⁹⁷ «Сунани Термизий», 1-китоб, 169-бет.

Баъзи ривоятда Воил ибн Ҳужр розийаллоҳу анҳу: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сажда қилганларини кўрдим ва икки қўллари қулоқлари яқинида эди», деганлар³⁹⁸.

30. Саждада уч марта тасбеҳ айтиш.

Бу ҳақда Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши сажда қилганда «Субҳана роббиййал аъла», деб уч марта айтади, шунда саждаси мукаммал бўлади ва бу миқдор энг камидир», деганлар»³⁹⁹.

31. Саждада оёқ кафтларини ерга бириктириб туриш. Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқотиб қўйдим, у зот мен билан тўшагимда эдилар, у кишини қидирдим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни сажда қилган, оёқ кафтлари ерга жипслашган, оёқ бармоқларининг учи қиблага қараган ҳолда топдим. Ва у зот: «Эй Раббим! Сенинг ғазабингдан розилигинг билан паноҳ тилайман, уқубатингдан авфинг билан паноҳ тилайман, Ўзингдан паноҳ тилайман, Сенга ҳамду сано айтаман, лекин Сендаги барча сифатларингни мақтаб тугата олмайман», деяётганларини эшитдим. У зот ибодатларини тугатгач: «Эй Оиша, шайтонинг тутдими?» дедилар. Мен: «Шайтон деганингиз нимаси?» дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир одам боласининг шайтони бўлади», деб айтдилар. Мен: «Эй Расулуллоҳ, сизда ҳам шайтон борми?» дедим. У зот: «Менда ҳам шайтон бор, лекин Аллоҳ менга унинг устидан ёрдам берди ва у бўйин эгди», дедилар»⁴⁰⁰.

32. Сажда қилганда икки тирсакни ердан кўтариб туриш.

Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Сажда қилганингда икки кафтингни ерга қўй ва икки тирсагингни ердан кўтариб тур»⁴⁰¹. Яна Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Саждада мўътадил турунглари, бирортангиз қўлининг билагидан тирсагигача бўлган жойини ит қўлини узатиб ётгандек узатиб олмасин», деб айтдилар»⁴⁰².

33. Икки сажда ўртасида (намозда) икки тавоннинг устига ўтирмаслик. Бу ҳақда Ҳорисул Аъвар Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Эй Али, ўзимга яхши кўрган нарсамни сенга ҳам яхши кўраман, ўзимга ёмон кўрган нарсамни сенга ҳам ёмон кўраман, сен икки сажда орасида икки товон устига ўтирмагин», дедилар»⁴⁰³.

Бу ҳадис Аъвар ривоят қилгани учун заифдир, лекин аксарият аҳли илм наздларида бу ҳадисга амал қилиниб, ундай ўтириш макруҳ деб билинган.

34. Нафл намозларда икки сажда ўртасида дуо қилиш.

Бу ҳақда Саид ибн Жубайр розийаллоҳу анҳу Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки сажда

³⁹⁸ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 112-бет.

³⁹⁹ «Сунани Термизий», 1-китоб, 164-бет.

⁴⁰⁰ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 228-бет.

⁴⁰¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 356-бет.

⁴⁰² «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 356-бет.

⁴⁰³ «Сунани Термизий», 1-китоб, 174-бет.

ўртасида «Аллоҳуммағфирли варҳамни важбурни ваҳдини варзукни», деб айтардилар⁴⁰⁴.

35. Кейинги ракатга саждадан оёқ учида туриш.

Бу ҳақда Атийятул Авфий ривоят қилиб айтадилар: «Мен Ибн Умар, Ибн Аббос, Ибн Зубайр ва Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳумоларнинг намозда оёқ учида турганларини кўрдим»⁴⁰⁵.

36. Қаъдага ўтирганда чап оёқни текислаб, устига ўтириш ва ўнг оёқни тик қилиш.

Бу ҳақда Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Намозда қаъдада ўтирганда ўнг оёқни тик қилиб, бармоқларини қиблага букиб қаратиб, чап оёққа ўтириш намознинг суннатидандир»⁴⁰⁶.

37. Намозда биринчи ва охириги ўтиришда (қаъдада) икки қўлни икки сонга қўйиб ўтириш ва кўрсаткич бармоқ билан ишора қилиш.

Бу ҳақда Омир ибн Абдуллоҳ Зубайр оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда ўтирсалар, ўнг қўлларини ўнг сонларига, чап қўлларини чап сонларига қўйиб ўтирардилар, кўрсаткич бармоқлари билан ишора қилардилар, бош бармоқларини ўрта бармоқлари устига қўярдилар, чап кафтлари тиззаларини тўсиб турарди»⁴⁰⁷.

Хаффоф ибн Иймон ибн Рухзотул Фифорий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ташаҳҳудда кўрсаткич бармоқлари билан ишора қилишларини айтиб: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозда ўтириб ташаҳҳуд ўқиётганларида бармоқлари билан ишора қилганларини кўрдим. Мушриклар: «У бизни сеҳр қиляпти», дейишарди, лекин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу амаллари билан тавҳидни, Аллоҳнинг ягоналигини ирода қилганлар», дедилар⁴⁰⁸.

38. Аввалги ва иккинчи қаъдада ташаҳҳудни махфий ўқиш.

Бу ҳақда Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб: «Ташаҳҳудни махфий ўқиш суннат амаллардандир», деб айтардилар⁴⁰⁹.

39. Ташаҳҳуддан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиш.

Бу ҳақда Уқба ибн Амр ривоят қилиб айтадилар: «Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб ўтирди. Биз у зот ҳузурларида эдик. У киши: «Эй Расулulloҳ, сизга салом беришни билиб олдик, энди биз намоз ўқиётганимизда, намоз ичида сизга қандай саловот айтамыз?» деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жим бўлиб қолдилар, ҳатто биз бу киши у зотдан савол сўрамаса, яхши эди, деб ўйладик. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар менга саловот айтсанглар, «Аллоҳумма солли аъла Мухаммадин набиййил Умиййи ва ʼала али Мухаммад, кама соллайта ʼала Иброҳийма ва ʼала Али Иброҳийма ва барик аъла Мухаммадин набиййил Умиййи ва ʼала али Мухаммад, кама барокта ʼала Иброҳийма ва ʼала оли Иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд», деб айтинглар», дедилар»⁴¹⁰.

⁴⁰⁴ «Сунани Термизий», 1-китоб, 174-бет.

⁴⁰⁵ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 125-бет.

⁴⁰⁶ «Сунани Насайи», 2-китоб, 236-бет.

⁴⁰⁷ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 131-бет.

⁴⁰⁸ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 133-бет.

⁴⁰⁹ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 133-бет.

⁴¹⁰ «Сунани Термизий», 1-китоб, 179-бет.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга намоз охирида саловот айтиш вожиб эмас. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг қўлларида ушлаб ташаҳҳудни қуйидагича ўргатдилар: «Аттаҳиййату лиллаҳи вас-саловоту ват-тоййибат, ассаламу ъалайка аййуҳаннабиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ, ассаламу ъалайна ва ъала ибадиллаҳис-солиҳийн, ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ». Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шуни айтганингдан кейин сенинг намозинг тугайди, хоҳласанг, туриб кет, хоҳласанг, ўтиравер», дедилар⁴¹¹.

40. Охирги қаъдада маъсур дуоларни айтиш.

Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларида бундай деб дуо қилардилар: «Аллоҳумма инний аъзу бика мин азабил қобри ва аъзу бика мин фитнатил масихид дажжал ва аъзу бика мин фитнатил маҳйа вал мамат. Аллоҳумма инний аъзу бика минал маъсам вал мағрам». Бир киши: «Эй Расулulloҳ, нима учун бу қадар «мағрам»дан, яъни қарзга ботишдан кўп паноҳ тилаяпсиз?» деб сўради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар киши қарзга ботиб қолса, гапирса, ёлғон гапиради ва ваъда қилса, ваъдасига хилоф қилади», дедилар⁴¹².

Абу Бакр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга «Менга бир дуони ўргатсангиз, мен уни намозимда ўқисам», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(Сен): «Аллоҳумма инний золамту нафси зулман касийран, вала йағфируз зунуба илла анта, фағфирли мағфиратан минъиндика варҳамни, аннака антал ғофурур роҳийм», деб айтгин», дедилар⁴¹³.

41. Ўнг ва чап тарафга салом бериш.

«Ассалам» лафзини айтиш вожиб, «ваалайкум ва роҳматуллоҳ», дейиш суннат. Бу ҳақда Абул Аҳвас Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг ва чап тарафларига «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ. Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ», деб салом берардилар⁴¹⁴.

Омир Ибн Саиддан, у киши оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнг ва чап тарафга салом бераётганларини кўрардим, ҳатто шу ҳолда юзларининг оқини кўрардим»⁴¹⁵.

Булар ҳаммаси намознинг аралашиб кетган фарз, вожиб ва суннатларининг сифатидир. Бунда у сифатдан бирор нарсанинг ҳукмига ишора йўқдир.

Намознинг сифати, яъни қандай ўқилиши ҳақидаги боб

Ким намозга киришни хоҳласа, такбир айтади, такбир билан икки қўлини кўтариб икки қулоғи юмшоғига бош бармоғини теккизади. Ундан бошқа такбирларда қўлини кўтармайди. Кейин ўнг қўлини чап қўли устига

⁴¹¹ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 355-бет.

⁴¹² «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 412-бет.

⁴¹³ «Саҳиҳи Муслим», 4-китоб, 2078-бет.

⁴¹⁴ «Сунани Термизий», 1-китоб, 181-бет.

⁴¹⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 409-бет.

қўйиб боғлаб, киндигининг остига қўяди. Аёл киши эса кафти устига кафтини қўйиб, кўрагининг остига қўяди. Қўлни қовуштириб туриш икки имом фикрларича, қиёмнинг суннатиدير, ҳатто сано ўқиладиган ҳолда ҳам қўллари очмайди. Аслида эса барча қиёмларда қўлни қовуштириб туриш зикр қилинган. Қўл қовуштириш бўлмаса, суннат йўқдир, бу саҳиҳдир. Қунут ўқиётганда ҳам, жаноза намозида ҳам қўл қовуштириб турилади. Рукуъдан кейинги туришда ва ийд ҳайит намозларидаги такбирлар орасида қўлини қовуштирамай, очиб ёнига осилтириб туради. Кейин: «Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табарока смук ва таъала жаддук ва ла илаҳа ғайрук», деб санони ўқийди.

Юқоридагидек намозини бошлаганидан кейин агар имом ёки бир ўзи ўқиётган бўлса, «Аъзу биллаҳи минашшайтонир рожийм. Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», дейди. Аллоҳ таоло: «(Эй мўмин бандам), ҳар қачон Қуръон қироат қилсанг, албатта қувилган – малъун шайтон васвасасидан Аллоҳ паноҳ беришини сўрагин» (Наҳл сураси, 98-оят), деб марҳамат қилади. Намозхон «Астайизу» ёки «Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм», дейди. Буларни, яъни таъаввуз ва басмалани овоз чиқармай, ичида айтади, ҳатто жаҳрий ўқиладиган намоз бўлса ҳам. Кейин вожиб бўлган Фотиҳа сурасини ва бирор сурани ёки хоҳлаган сурадан уч оятни зам қилиб ўқийди. Агар имом бўлса, бомдодда, шом ва хуфтон намозларининг аввалги икки ракатида, жума ва икки ийд намозларида қироатни овозини чиқариб ўқийди. Бу нарса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида келиб, Ислоннинг илк давридан ҳозирги кунимизгача мерос бўлиб келган. Пешин ва асрда, шом намозининг учинчи ракатида, хуфтон намозининг учинчи ва тўртинчи ракатларида қироатни махфий, яъни ичида ўқийди. Бу нарса ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан маъсур бўлиб мерос ҳолда қолган.

Саховийнинг «Ал-мақосидул ҳасана» номли китобида Абу Қатода, Хуббоб ва Абу Саид розийаллоҳу анҳумолардан марфуъ ҳолда собит бўлган ривоятлар пешин ва аср намозини ичида ўқишликка, агар бир ўзи ўқиса, овоз чиқариб ўқиладиган намозларни хоҳласа, жаҳрий, хоҳламаса, махфий ўқиши мумкинлигига далолат қилади.

Имом «...валаззолийн», деса, муқтадий ичида «омийн», дейди. Кейин такбир айтиб, рукуъга кетади – такбирни рукуъга эгилишлик билан бирга айтади. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир пастлаш ва кўтарилишда такбир айтардилар. Икки қўли билан икки тиззасига таянади, қўл бармоқлари орасини очади, орқасини текис қилади, бошини орқаси билан тенг тутаяди, бошини кўтариб ҳам юбормайди, эгмайди ҳам. Бармоқлари орасини фақат рукуъда тиззани ушлаш имкони бўлиши учун очиб туради, фақат саждадагина орасини бирлаштириб, зич қилади. Булардан бошқа ҳолларда бармоқларни ўз ўз ҳолича қўяди.

Рукуъда «Субҳана роббийал ъазийм», деб уч марта такрорлайди ва бу суннатнинг камол топиши учун энг камидир. Агар тасбеҳни уч мартадан кўпайтирса, у афзал бўлади. Агар имом рукуъда уч мартадан кўп тасбеҳ айтиб чўзиши жамоатга малол келиб, уларнинг камайиб кетишига сабаб бўлса, унда бу имомга макруҳдир. Кейин бошини кўтаради. Рукуъдан бошини кўтариш билан бирга «Самиъаллоҳу лиман ҳамидах», дейди. Муқтадий «Роббана лакал ҳамд», дейди. Афзали эса «Аллоҳумма роббана ва лакал ҳамд», дейишдир. Имоми Аъзам фикрларича, намоз ўқиётган имом икковини ҳам ўзи айтмайди. Икки имом фикрларича эса, имом тасмий

ва таҳмиднинг (яъни, «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» ва «Роббана лакал ҳамд») орасини жамлайди. Сўнг тикка туриб, кейин саждага эгилиш билан бирга такбир айтади.

Аввал икки тиззани, сўнг икки қўлни ерга қўйиб, юзини икки кафти ўртасига қўйиб, қўл бармоқларини қибла томонга қаратиб, пешона ва бурни билан вожиб бўлган сажда қилади. Узри бўлмаган ҳолда буруннинг ўзи билан сажда қилиш жоиз эмас. Елкасини сиқмасдан очиб туради. Қорни билан икки сони орасини ҳам очиб туради. Оёқ бармоқларини букиб, қиблага қаратади ва оёқ кафтларини ерга жипслаштиради. Аёл киши пастроқ эгилиб ва икки сонига қорнини ёпиштириб сажда қилади. Чунки шу ҳолат унга сатрлироқдир. Эркак икки тирсагини ердан кўтариб, ерга тўшамайди. Саждада уч марта «Субҳана роббиййал аъла», деб айтади ва бу уч марта айтиш суннат комил бўлиши учун энг кам миқдордир.

Кейин бошини саждадан кўтаради, кўтариш билан бирга такбир айтади ва бемалол ўтиргунига қадар саждадан қайтади. Саждадан кўтарилиш миқдори ҳақида ҳар хил фикр айтишган. Саҳиҳроғи шуки, агар саждадан бошини кўтараётган одам саждага яқинроқ ҳолда тўхтаса, у жоиз эмас, яъни у икки сажда орасидаги ўтириш – жалсага кирмасдан сажда қилувчига айланади. Агар унинг саждадан кўтарилиши ўтиришига яқин бўлиб тўхтаса, жоиздир, чунки у ўтирувчига айланади.

Энди ўтирган ҳолида озгина таскин топиб, бемалол ўтирса, яна саждага эгилиб қайтиши билан бирга такбир айтади. Иккинчи марта ҳам аввалгидек сажда қилади. Саждада таскин топганидан кейин, яъни бемалол сажда қилиб озгина тўхтаб олганидан кейин қайта туриши билан бирга такбир айтади ва икки қадамни тикка қилиб туради. Тураётганида оёқ бармоқлари саждагидек кўринишда бўлиб, ўтирмасдан туради. Тураётганда қўлларини ерга тирамайди, саждадан тураётганда ўтириб, кейин туриш ва ерга қўлларини тираб туриш – узри бўлмаганлар учун макруҳдир.

Иккинчи ракатни биринчи ракат каби ўқийди, фақат такбири таҳрима айтиб қулоқ қоқмайди, сано ва таъаввуз айтмайди. Кейин барча арконларни чиройли, мукамал қилади, рукуъ ва саждани озгина таскин топиб, озгина тўхтаб бажаради, рукуъдан қиёмга қайтганда тикка туриб қиёмни комил қилади. Икки сажда орасида ўтириш икки имом фикрларича, фарз эмасдир. Абу Юсуф фикрларича, фарздир. Абу Юсуф далиллари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аъробийга: «Қайтиб намоз ўқигин, чунки сен намоз ўқимадинг», деб айтган сўзларидир. Икки имомнинг далиллари эса пешонани ерга қўйиш ва орқа томонни энгаштириш ҳолати, умуман сажда ва рукуъ деб аталади. Бу ҳол Аллоҳ таолонинг: «Рукуъ қилинглار ва сажда қилинглар», деган сўзига тааллуқлидир (Ҳаж сураси, 77-оят). Озгина таскин топиб туриш эса у ҳолатларнинг давом этишидир. Бир ҳолатга буюриш уни давом қилишни тақозо этмайди. Китобда, яъни Қуръонда келган нарсага бир хабар билан зиёда қилиш жоиз эмас. Имом Абу Юсуф ривоят қилган ҳадис эса вожибликни тақозо этади. Демак, бизда сажда вожиб экан, уни тарк қилган кишига саждаи саҳв вожиб.

Иккинчи ракатда иккинчи саждадан бош кўтарса, эркак киши чап оёғини тўшаб устига ўтиради, шунда унинг чап оёғи думбаси тагида бўлади. Ўнг оёғини тикка қўяди ва оёқ бармоқларини қибла тарафга қаратади. Аёл киши ўтирганида чап думбасига ўтиради ва чап оёғини ўнг

оёғи остидан чиқаради, чунки шу ҳолати авратни беркитиши учун яхшироқдир.

Қўлларини икки сони устига қўяди. Бармоқлари орасини озгина очиб, бармоқлари учларини тиззасигача қилиб узатиб ўтиради ёки чап кафти билан тиззасини тўсиб ўтиради. Ибн Масъуд ривоят қилган ташаҳҳудни ўқийди, шаҳодат жойи келганда бош бармоқ билан ишора қилмайди. Имом Абу Юсуфдан қилинган ривоятда жимжилоғи ва тўртинчи бармоғини букади, ўрта бармоғи билан бош бармоғини халқа қилади ва кўрсаткич бармоғи билан ишора қилади.

Ташаҳҳуд қуйидагичадир: «Аттаҳиййату лиллаҳи вассалавату ваттоййибат ассаламу алайка аййуҳаннабиййу ва роҳматуллоҳи барокатуҳ. Ассаламу ғалайна ва ғала ибадиллаҳис-солиҳийн. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва росулуҳ».

Ташаҳҳуд лафзи билан маънолари, баёний кўринишлари ҳам қасд қилинади. Гўёки Аллоҳ уни тирилтиргани, набийсига, ўзига ва авлиёларига йўллаган салом ҳақида фикр юритади. Аввалги қаъдада бундан зиёда қилмайди. Агар билиб туриб зиёда қилса, макруҳ бўлади. Агар билмасдан зиёда қилса ва у зиёда қилиши «Аллоҳумма солли аъла Муҳаммадив ва ғала оли Муҳаммад»гача бўлса, у саждаи саҳв қилади.

Кейинги икки ракатда – учинчи, тўртинчи ракатларда Фотиҳа сурасини хос қилиб ўқийди, бу афзали ва тўғриси ҳамдир. Агар уч марта тасбеҳ, яъни «Субҳаналлоҳ», деса ёки уч тасбеҳ айтиш миқдорича жим турса ҳам, саҳиҳ бўлади. Намознинг охирида ўтирганда аввалги қаъдада ўтиргандек оёғини тўшаб ўтиради. Вожиб бўлгани учун ташаҳҳудни ўқийди. Кетидан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга «Аллоҳумма солли...» ва «Аллоҳумма борик...» саловотини ўқийди, ҳатто масбук бўлса ҳам. Масбук – бу жамоат намозига кечикиб иқтидо қилган одам. Ёки масбук имом салом бергунича ташаҳҳудни шошмасдан ўқиб туради. Имом салом берганидан кейин қолиб кетган ракатларини ўқишга туради. Саловотни биз суннат, дедик, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ибн Масъудга айтган сўзларига кўра, у кишига ташаҳҳудни ўргатиб: «Агар шуни айтсангиз ёки шундай қилсангиз, яъни ташаҳҳуд айтиш миқдорича ўтирсангиз, демак, намозингиз тамом бўлибди», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намознинг тугашини икки ишдан бирига муаллақ қўйдилар, икки ишдан бири мавжуд бўлса ҳам, намоз тугайди. Бу эса Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтишнинг фарз эмаслигига далолат қилади. Саловот айтиш намоздан ташқарида Қуръондаги буйруққа амал қилган ҳолда, бизнинг фикримизча, вожибдир. Уни намозда айтиш вожиблиги бизга лозим эмасдир.

Кейин Қуръондаги лафзлардан олинган дуони айтади. Масалан: «Роббана атина фид-дунйа ҳасанатан ва фил ахирати ҳасанатан ва қина азабан-нар».

Ёки ҳадисда келган дуолар билан дуо қилади. Масалан: «Аллоҳумма аъзузу бика мин азаби жаҳаннам ва мин ғазабил қобр ва мин фитнатил маҳя вал мамат ва фитнатил масийҳид дажжал. Аллоҳумма инний золамту нафсий зулман касийрон ва ла яғфируз зунуба илла анта фағфирли, мағфиратан мин ғиндик, варҳамни иннака антал ғофурур роҳийм».

Фасоддан сақланган ҳолда одамларнинг гапларига ўхшаш гаплар билан дуо қилмайди. Сўнгра ўнг тарафига қараб салом беради, шунда юзининг оқи кўринадиган даражада бурилсин: «Ассаламу алайкум ва

роҳматуллоҳ», дейди. «Ва барокатуҳ», демайди. Ўтмиш уламолардан бизгача «барокатуҳ», дейиш мерос бўлиб келмагани учун уни айтмайди. Чап тарафига ҳам худди шундай салом беради, чап тарафга ўнг тарафдагидан пастроқ овозда салом бериш суннатдир. Салом бераётганда ўнг тарафдаги кишилар, аёллар ва ҳафиза фаришталарни ният қилади. Чап тарафга ҳам худди шундай. Имом қайси тарафда бўлса, ўша тарафга салом бераётганда масбуқ имомни ҳам ният қилади. Иқтидо қилувчининг салом ҳақида икки имом: «Имомдан кейин салом беради», дейишган. Абу Ҳанифа: «Бу ҳақда икки ривоят бор. Улардан яхшиси имом Таҳовий ихтиёр қилганидир. Муқтадий – иқтидо қилувчи имом ўнг тарафга салом бергунича кутиб туриб ўнг тарафига салом беради. Имом чап томонига салом бериб бўлганидан сўнг муқтадий чап тарафига салом беради», дейдилар.

Намоздаги қироатни жаҳрий ва махфий ўқиш ҳукми ҳақида

Намоз ўқувчиларга қарата имом жамоатни ҳисобга олган ҳолда, яъни жамоат намозида вожиблик юзасидан овозини чиқариб қуйида келадиганларда жаҳрий ўқийди, агар жамоат зиёдалашса, ўша жамоатга муносиб қилиб овозини баландлатиб ўқийди: икки ракатлик бомдод намози, шом ва хуфтон намозининг аввалги икки ракатида, хоҳ у намозлар адо бўлсин, хоҳ қазо бўлсин, жума намозида, икки ҳайит намозида, таровеҳда, рамазон ойидаги витр намозида. Шом ва хуфтон намозидаги биринчи ва иккинчи ракатидан бошқасида, пешин ва аср намозида қироатни махфий ўқийди. Бу нарса Ислоннинг аввалидан бизгача мерос бўлиб келган ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳам нақл қилинган. Бу нарса ҳадисда вожиб бўлган. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Ҳар бир намозда қироат бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бизга эшиттириб ўқиган намозларини биз ҳам сизларга эшиттириб ўқидик, у зот биздан махфий ўқиган намозларини биз ҳам сизларга махфий ўқидик»⁴¹⁶.

Махфий ўқишда ҳарфларни тўғрилаб ўқийди, ичда ўқишнинг энг ками ўзи (нафси) зўрға эшитишидир.

Намозни бир ўзи ўқиётган одам хоҳласа, ичида ўқийди, хоҳласа, овозини чиқариб, ўзи эшитадиган қилиб ўқийди. Жамоатга ўхшаб адо бўлиши учун яқка ўқилгандаги афзали жаҳрий ўқишдир. Кундуз кунда ўқиладиган нафл намозни махфий ўқийди, кечаси ўқиладиган нафл намозда эса ихтиёрли, яъни хоҳласа, ичида, хоҳласа, жаҳрий ўқийди.

Пешин ва аср намозининг барча ракатларида ёлғиз ўқувчи ёки имом агар у Арафотда ўқилаётган бўлса ҳам, вожиб бўлгани учун ичида ўқийди.

Витр намози ҳақидаги боб

Витр намозини ўқиш имом Абу Ҳанифа розийаллоҳу анҳу фикрларича, вожибдир. Бу Абу Ҳанифанинг охириги сўзлари ва мазҳабларидаги зоҳир нарса бўлиб, у энг тўғрисида.

Бу ҳақда Бурайда Асламий ривоят қилиб айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Витр намозини ўқиш ҳақ, ким витрни

⁴¹⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 297-бет.

ўқимаса, у биздан эмас, витр намозини ўқиш ҳақдир, кимки витрни ўқимаса, у биздан эмас. Витр ҳақ, ким витрни ўқимаса, у биздан эмас», дедилар»⁴¹⁷.

Амр ибн Осс розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у киши жума кунни одамларга хитоб қилиб айтдилар: «Абу Басра розийаллоҳу анҳу менга бу ҳадисни айтиб берди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло бир намозни зиёда қилди ва у витрдир, уни хуфтон намози билан бомдод намози орасида ўқинглар», дедилар».

Абу Тамийм Жайшоний Амр розийаллоҳу анҳудан бу ҳадисни ривоят қиладилар: «Менинг қўлимдан Абу Зарр розийаллоҳу анҳу ушлаб масжидга, Абу Басра розийаллоҳу анҳу ҳузурларига олиб бордилар. Абу Зарр: «Амр ҳозир айтган нарсани сен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганмидинг?» деб сўрадилар. Абу Басра розийаллоҳу анҳу: «Мен у гапни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитдим», дедилар». Ривоят қилувчилар саҳиҳ кишилардир. Фақат шайх Аҳмад ишончли кишидир⁴¹⁸.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки витрни ўқимасдан ухлаб қолса ёки витрни ўқишни ёдидан чиқарса, эсига тушганида ўқиб олсин», дедилар⁴¹⁹.

Имомдан ривоят қилинишича, витр суннатдир. Икки имом ҳам у сўзни олганлар. Бошқа имомдан ривоят қилинишича эса, у фарздир. Имом Зуфар бу сўзни олганлар. Энди уч хил фикрни мувофиқлаштирсак: витр амалда фарздир, эътиқодда вожибдир, собит бўлишликда суннатдир. Витрни инкор этувчи кофир бўлмаслигига уламоларимиз ижмоъ қилишган. Витрни ниятсиз ўқиш жоиз эмас, ундаги ҳар бир ракатга қироат қилиш вожиб, уни узрсиз ўтириб ўқиш жоиз эмас. Ибн Умар розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бомдоддан олдин витр намозини ўқинглар», дедилар»⁴²⁰. Витр уч ракат ўқилади, унинг ораси салом билан ажратмай ўқилади. Оиша розийаллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кечаси ўқийдиган намозларини сифатлаб шундай деганлар: «Кечаси тўрт ракат намоз ўқидилар, унинг яхшилигини, чиройли ва узоқ ўқилганини сифатлаб беришни сўрама, кейин яна тўрт ракат намоз ўқидилар, у намознинг чиройлилигини ва узоқ ўқилганини сифатлаб беришни сўрама. (Яъни, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечасидаги намозларини жуда узун ва ниҳоятда чиройли, ҳусни одоб билан, хушуъ, ҳузуълар билан ўқиганлар.) Кейин уч ракат намоз ўқидилар»⁴²¹.

Яна Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам витр намозининг икки ракатини ўқиб бўлганларидан кейин салом бермасдилар. Яъни, намозда давом этиб, учинчи ракатини тугатардилар».

Яна Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам витр намозини уч ракат ўқирдилар ва охириги ракатида тугатиб салом берардилар».

⁴¹⁷ «Муснади Аҳмад», «Банно» шарҳи билан, 4-китоб, 274-бет.

⁴¹⁸ «Муснади Аҳмад», «Банно» шарҳи билан, 4-китоб, 279-бет.

⁴¹⁹ «Сунани Абу Довуд», 2-китоб, 65-бет.

⁴²⁰ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 302-бет.

⁴²¹ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 304-бет.

Амирул-мўминин Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу шу тартибда витр ўқиганлар, аҳли Мадина ҳам у кишидан ўрганиб олиб, шундай ўқишган⁴²².

Имом Ҳасанга «Ибн Умар розийаллоҳу анҳу витрининг иккинчи ракатидан кейин салом берардилар», деб айтилса, у киши: «Умар розийаллоҳу анҳу улардан фақиҳроқ бўлганлар, Умар розийаллоҳу анҳу учинчи ракатга такбир айтиб турардилар», деб айтдилар⁴²³.

Агар иккинчи ракатдан кейин ўтиришни унутса ва туриб кетса, қайтиб ўтирмайди. Витр намозининг ҳар бир ракатига вожиб бўлгани учун Фотиҳа сурасини ва бирор сурани ёки учта оятни зам қилиб ўқийди, учинчи ракатида рукуъдан олдин қунут ўқимоқчи бўлганда такбир айтади ва қўлини намозни бошлаганда қандай кўтарган бўлса, шундай кўтаради ва қўлини қовуштириб қунут ўқийди.

Осим айтадилар: «Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан қунут дуоסי ҳақида сўрадим. У киши: «Рукуъдан олдин ўқилади», дедилар. Мен: «Фалончи сизни қунут рукуъдан кейин ўқилади, деб айтганингизни гапирмоқда», дедим. Анас ибн Молик: «Ёлғон айтибди», дедилар, кейин бу ҳадисни айтиб бердилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ой рукуъдан кейин қунут ўқиганлар ва унда Сулайм қабиласини дуоибад қилдилар».

Имом Муҳаммад айтадилар: «Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозида қунут ўқирмидилар?» деб сўрашди. У киши: «Ҳа», дедилар. «Рукуъдан олдинми ёки кейин?» деганларида, у киши: «Рукуъдан кейин енгил ўқирдилар», дедилар».

Абу Муҳаммад Дорамий айтадилар: «Мен шундай дейман ва шу фикрни оламан. Мен бу фикрни олган одамни фақат уруш пайтида кўрдим»⁴²⁴.

Қунут витр намозида ҳадисдаги хабарларга биноан ўқилади. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам витр намозини уч ракат ўқидилар. Биринчи ракатига «Саббиҳисма роббиқал аъла...»ни, иккинчи ракатига «Қул йа аййуҳал кафирун...»ни, учинчи ракатига «Қул ҳуваллоҳу аҳад...»ни зам қилиб ўқирдилар»⁴²⁵.

Қунутда қуйидаги машҳур дуони айтиш суннатдир: «Аллоҳумма инна настаъийнука ва настаҳдийк ва настағфирук ва натувбу илайк ва нуъмину бика ва натаваккалу ʼалайк, ва нусний ʼалайкал хойро куллаҳ нашкурука ва ла накфурук ва нахлаъу ва натруку май йафжурук. Аллоҳумма ийяка наъбуду ва лака нусоллий ва насжуду ва илайка насъа ва наҳфиду ва наржу роҳматака ва нахша ʼазобака, инна ʼазабакал жидда бил куффари мулҳиқ»⁴²⁶.

Маъноси: «Аллоҳим, Сенинг ёрдам беришингни, ҳидоят қилишингни, гуноҳларни кечишингни сўрайман. Сенга тавба қилдим, иймон келтирдим ва Сенга суяндим. Яхшиликларнинг барчаси билан Сени сифатлаймиз, Сенга шукр қиламиз, ношукрлик қилмаймиз, Сенга фожирлик қилганлардан четлашамиз. Эй Раббим, Сенга ибодат, намоз, сажда қиламиз ва Сени йўлингда саъй-ҳаракат қилиб, раҳматингни умид қиламиз,

⁴²² «Сунани Дорамий», 2-китоб, 374-бет.

⁴²³ «Сунани Дорамий», 2-китоб, 374-бет.

⁴²⁴ «Сунани Дорамий», 2-китоб, 374-бет.

⁴²⁵ «Саҳиҳи Бухорий», 2-китоб, 64-бет.

⁴²⁶ Ибн Абу Шайба, 2-китоб, 265-бет.

азобингдан қўрқамиз, албатта ҳақ азобинг кофирларга рўпара қилинувчидир».

Ёки Ҳасан ибн Али розийаллоҳу анҳу боболари саййидимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрганган ушбу дуо ўқилади: «Аллоҳуммаҳдиний фийман ҳадайти ва ʼафини фийман ʼафайта ва таваллани фийман таваллайта ва барик ли фийма аътойта ва қиний шаррома қозайта, иннака тақзи ва ла йуқзо алайк ва иннаҳу ла йазилу ман валайта табарокта роббана ва таъалайта»⁴²⁷.

Агар қунутни яхши ўқий олмаса ёки уни ёдламаган бўлса, «Аллоҳуммағфирлана», деб уч марта айтади ёки «Роббана атина фид-дунйа ҳасанатав ва фил ахирати ҳасанатав ва қина ʼазабан-нар», дейди.

Уйқудан олдин витр намозини ўқиш ҳақида

Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розийаллоҳу анҳуга: «Витр намозини қачон ўқийсиз?» дедилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу: «Кечанинг аввалида, хуфтондан кейин», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сиз-чи, эй Умар?» деганларида, Умар розийаллоҳу анҳу: «Кечанинг охирида», деб айтдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сиз, эй Абу Бакр, ишончлисини ушлабсиз, яъни эҳтиёткорликка жазм қилибсиз. Сиз, эй Умар, қувватни ушлабсиз», дедилар»⁴²⁹.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Дўстим менга уч нарсани тавсия қилдилар: витр намозини ўқиб ухлаш, ҳар ойда уч кун рўза тутиш ва икки ракат зуҳро намозини ўқиш»⁴³⁰. Ким ухлаб қолиб витр намозини қазо қилиб қўйишдан қўрқса, у олдин витрни ўқиб, кейин ухлаши афзалдир. Ким бундан қўрқмаса, у витрни кечанинг охирига кечиктириб ўқиши афзал.

Бир кечада витр такрор ўқилмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир кечада икки витр йўқ», деганлар⁴³¹. Бу ҳадис ҳар бир ҳолда одатига кўра, бирон нарсани икки марта такрорлашга қизиқадиганларга қарши айтилгандир.

Витрдан кейин нима дейди?

Абдурахмон ибн Абза розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Соббиҳисма роббикал аъла...», «Қул йа аййуҳал кафирун...» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад...» сураларини зам қилиш билан витр ўқирдилар. Агар (намоз ўқиб бўлиб) тарқалиб кетишни хоҳласалар, баланд овоз билан уч марта «Субҳанал маликул Қуддус», дердилар»⁴³².

Намозга Фотиҳа сурасидан бошқа сурани тайин қилишнинг макруҳлиги

⁴²⁷ «Сунани Насайй», 3-китоб, 248-бет.

⁴²⁹ «Муснади Аҳмад», «Банно» шарҳи билан, 4-китоб, 282-бет.

⁴³⁰ «Сунани Насайй», 3-китоб, 229-бет.

⁴³¹ «Сунани Насайй», 3-китоб, 229-бет.

⁴³² «Сунани Насайй», 3-китоб, 250-бет.

Намоздан бирортасига бир сурани, айна ўзини тайин қилиш жоиз эмас. Фақат Фотиҳа сураси вожиблик юзасидан тайин қилинган. Намоз ўқувчи учун Фотиҳа сурасидан бошқа сурани намозга тайин қилиб, яъни доим шу сурани ўқиб бошқа сурани ўқимасдан юриши макруҳдир. Чунки унинг шундай қилишида бошқа сураларни ўқимаслик ва ўқиб юрган сурани бошқаларидан афзал, деб нотўғри тушуниб қолишлик бор.

Жума куни бомдод намозига Сажда ва «Хал ата...» сураларининг ҳаммасини ўқиб тугатиш вожиб, бошқа сура жоиз бўлмайди, деган тушунча билан тайин қилиб ўқиш макруҳ. Лекин ўқувчи қайси сурани бўлса ҳам, ўқиш жоиз деб билса, лекин бу икки сурани Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўқиганлари учун табаррук билиб ўқиса, макруҳ бўлмайди, балки мандубдир. Лекин икковидан бошқа сураларни ҳам аҳён-аҳёнда ўқиб туриш шарт қилинади, токи жоҳил одам у икковидан бошқаси кифоя қилмайди, деб ўйламаслиги учун.

Намоздаги қироат ҳақида боб

Намоз учун кифоя бўладиган қироатнинг энг ками Қуръон исмига алоқадор бўлган бир оятдир. Агар икки калимадан, таркиб топган бўлса, ҳеч ихтилофсиз жоиздир. Масалан, Аллоҳ таолонинг бу сўзига ўхшаш «Лам ялид» (Ихлос сураси, 3-оят) ёки «Сумма назара» (Муддассир сураси, 21-оят). Булар олти ҳарфдан ташкил топган. Лекин оят битта калимадан ташкил топган бўлса, масалан, Аллоҳ таолонинг «Ар-роҳман», «Мудҳамматан» ёки «Сод» сўзига ўхшашларга машойихларимиз ихтилоф қилишган, тўғрироғи, у жоиз эмас. «Жавҳара» китобида «Мухит» китобидан нақл қилиб айтилишича, намоздаги қироат беш турга бўлинади: фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб ва макруҳ.

Фарз қироат – бу намозга жоиз бўладиган даражада қироат қилиш.

Вожиб қироат – бу Фотиҳа сурасини ва бир сурани зам қилиб ўқиш.

Суннат қироат – бу бомдод намозига Муфасссал, узун сураларини ўқиш, хуфтонда Муфасссалнинг ўртача сураларини ўқиш, шомда Муфасссалнинг қисқа сураларини ўқиш.

Сулаймон ибн Ясор Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Абу Ҳурайра: «Мен кўп одамларнинг орқасида иқтидо қилиб намоз ўқиганман, лекин фалончининг орқасида намоз ўқиганимда унинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларига ўхшатиб ўқиганичалик (намоз ўқиган) бошқасини кўрмадим», дедилар.

Сулаймон айтадилар: «Улар пешин намозининг олдинги икки ракатини узоқ ўқирдилар ва учинчи, тўртинчи ракатларини енгил, яъни қисқароқ қилиб ўқирдилар, асрни енгил ўқирдилар. Шом намозига Муфасссалнинг қисқа сураларини, хуфтон намозига Муфасссалнинг ўрта сураларини, бомдодга эса Муфасссалнинг узун сураларини зам қилиб ўқирдилар»⁴³³.

Муфасссал бу – Қуръоннинг еттидан бирининг охириги бўлагидир. Аввали Ҳужурот сураси Муфасссал деб номланди, чунки қисқа суралари каломдаги фаслга ўхшаб бир бобга бўлинди. Узун суралари Ҳужуротдан Аммагача, булар бомдод ва пешин намозларида ўқилади. Баъзилар фақат пешинда ўқилади, бомдодда эмас, дейишади. Аср ва хуфтонда ўрта суралар ўқилади. Ўрта суралар Буруждан то «Лам якун...»гача. Шом

⁴³³ «Сунани Насайи», 2-китоб, 167-бет.

намозида қисқа суралар «Иза зилзилат...»дан охиригача ўқилади, деб айтилган.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг бомдод намозидаги қироатлари

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бомдод намозининг биринчи ракатига Бақара сурасидаги оятни – «Қулув аманна биллаҳи ва ма унзила илайна...» оятини охиригача ва иккинчи ракатида «Аманна биллаҳи вашҳад бианна муслимун...»ни ўқиганлар ва «Қул йа аййуҳал кафирун...»ни, «Қул ҳуваллоҳу аҳад...»ни ўқиганлар. Яна Рум ва Қоф сураларини, Таквир, муаввазатайнни (Фалақ ва Нос сураларини) ўқиганлар. Жума куни субҳ намозида «Танзулус сажда...» ва «Ҳал ата ъалал инсон...»ни ўқирдилар. «Иза зулзилат...»ни икки ракатда ҳам ўқиганлар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бомдод намозида олтиштадан то юзтагача оят ўқирдилар⁴³⁴.

Пешин ва аср намозидаги қироат ҳақида

Барро розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг орқаларида пешинни ўқир эдик. У зотдан Луқмон ва Зарият сурасидаги оятлардан кейин бир оят эшитиб қолардик».

Анас розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Набий соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга пешин намозини ўқидим. У зот аввалги икки ракатга бу икки сурани қироат қилдилар: «Саббиҳисма роббикал-аъла...» ва «Ҳал атака ҳадисул ғошия...». Бу ҳадисда икки имомнинг далиллари пешин намозида биринчи ракатни иккинчисидан узун қилмасликдир.

Абу Қатода розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам биз билан пешин намозини ўқидилар. Бизга оятни эшиттириб, аввалги икки ракатида узун ўқидилар. Пешин намози олдинги ракатларини, бомдод намози аввалги ракатини узун ўқидилар, иккинчи ракатида эса ундан қисқароқ ўқидилар». Бошқа ривоятда: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам биз билан аср намозининг аввалги икки ракатидан биринчисини узунроқ, иккинчисини қисқароқ ўқидилар», дейилади. Бу ривоятни имом Муҳаммад олганлар. Икки имом айтишича, бомдод намозининг биринчи ракатини узун қилади, кечикканлар етиб олиши учун. Чунки бомдод вақти бошқа намоз вақтларидан фарқлироқ, уйқу ва ғафлат вақтидир.

Жобир ибн Самура розийаллоҳу анҳу айтишларича, Набий соллalloҳу алайҳи васаллам пешин ва аср намозларида «Вассамаи затил буруж...», «Вассамаи ват-ториқ...» ва шунга ўхшаш сураларни ўқир эдилар. Яна шу ровийдан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам пешин намозида «Вал лайли иза яғша...»ни, асрда ҳам шу каби сураларни ўқирдилар⁴³⁵. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам икки ҳайит ва жума намозларида «Сабби ҳисма роббикал аъла...» билан «Ҳал атака ҳадисул ғошия...»ни ўқирдилар. Агар ҳайит намози жума намози билан бир кунга тўғри келиб қолса, бу икки сурани икки намозга ўқир эдилар.

⁴³⁴ «Сунани Насайи», 2-китоб, 154-бет.

⁴³⁵ «Сунани Насайи», 2-китоб, 167-бет.

Шом намозидаги қироат ҳақида

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шом намозида Муфассалнинг қисқа сураларини ва Мурсалот, Тур, Ҳамим ва Духон сураларини ўқиганлар. Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шом намозида Аъроф сурасини икки ракатга бўлиб ўқидилар»⁴³⁶.

Хуфтон намозидаги қироат ҳақида

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз розийаллоҳу анҳуга хуфтон намозида «Сабби ҳисма роббикал аъла...», Ваз-зуҳа, «Иза самаъаун фатарат...»ни ўқишга, яна «Вал-лайли иза яғша...», «Иқро бисми роббика...»ни ўқишни буюрдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам охирги хуфтон намозида «Ваш-шамси ва зуҳаҳа...» ва шунга ўхшаш сураларни ўқир эдилар.

Барро ибн Озиб розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан хуфтон намозини ўқидим, у зот хуфтонда «Ват-тийни ваз зайтун...»ни ўқидилар».

Қироатда нимани жаҳрий ва нимани махфий ўқиш ҳақида

Зухрий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Бомдод намозининг икки ракатининг ҳаммасида Фотиҳа сураси ва бир сурани жаҳрий ўқиш, пешин намозининг аввалги икки ракати ҳар бирида Фотиҳа сураси ва бир сурани ичида махфий ўқиш, пешиннинг кейинги учинчи, тўртинчи ракатида Фотиҳа сурасининг ўзини махфий ўқиш, асрни ҳам пешин каби ўқишни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннат қилганлар. Намоз ўқувчи имом шом намозининг аввалги икки ракатининг ҳар бирида Фотиҳа сурасини ва бир сурани жаҳрий ўқийди. Охирги ракатида эса Фотиҳа сурасини махфий ўқийди. Хуфтон намозининг аввалги икки ракатида Фотиҳа сурасини ва бир сурани ҳар бирига жаҳрий ўқийди. Охирги учинчи, тўртинчи ракатга Фотиҳа сурасининг ўзини махфий ўқийди. Имомнинг орқасида турган муқтадийлар жим туришади, имом жаҳрий ўқиган сураларни эшитиб турадилар ва бирортаси имом билан бирга жўр бўлиб ўқимайди. Ташахҳудни имом ва орқасидаги одамлар икки ракатдан кейин ўтиришганида ўқишади». Буни Абу Довуд ўз «Мурсал»ларида ривоят қилганлар ва яна Ҳасан розийаллоҳу анҳудан ҳам ривоят қилишади. Ҳасан розийаллоҳу анҳу мурсаллари саҳиҳроқдир.

Жума намози ва икки ҳайит намозида жаҳрий ўқиш ҳақида

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жума ва икки ҳайит намозларида қироатни жаҳрий ўқиганлари ҳақида у зот билан бирга намоз ўқиган саҳобанинг қилган ривояти юқорида берилди.

⁴³⁶ «Сунани Насайи», 2-китоб, 170-бет.

Ҳорис Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, Али розийаллоҳу анҳу: «Икки ҳайит намозида қироатни жаҳрий қилиш ва икки ҳайит кунида саҳрога, яъни кенгчиликка чиқиш суннатдир», деганлар⁴³⁷.

Бомдод намозининг қазосини жаҳрий ўқиш ҳақида

Имоми Аъзам Иброҳим Нахайй санади билан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарда бироз дам олиш учун тўхтадилар ва: «Ким бизни кечаси қўриқлайди?» дедилар. Ансорлардан бир ёш йигит: «Эй Аллоҳнинг расули! Сизларни мен қўриқлайман», деди. Йигит уларни қўриқлаётиб, тонг отай деганда кўзлари юмилиб ўхлаб қолди. Қавм қуёшнинг қиздиришидан уйғонди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб таҳорат олдилар ва саҳобалар ҳам таҳорат қилишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муаззинга буюрдилар, муаззин азон айтди, у зот икки ракат намоз ўқидилар, кейин намозга иқомат айтилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан бирга бомдод намозининг қироатини (қазосини) жаҳрий қилиб, худди ўз вақтида ўқигандек ўқидилар». Имом Муҳаммад бу ҳадисни «Ал-асар»ларида ривоят қилганлар.

Қироатда нима мустаҳаб ва нима макруҳлиги ҳақида

Бомдод намозида мусофир бўлмаган муқим киши Фотиҳа сурасидан ташқари биринчи ракатида ўттиз ёки қирқ оят ўқиши, иккинчи ракатида эса Фотиҳа сурасидан ташқари йигирмадан ўттизтагача оят ўқиши мустаҳабдир. Фотиҳа сураси ёлғиз ўзини ўқиш ёки Фотиҳа билан бир ё икки оят ўқиш ёхуд Фотиҳа сурасини ўқимасдан бирор сурани ўқиш макруҳдир. Яна биринчи ракатда бир сурани, иккинчи ракатда ундан юқоридаги сурани ёки биринчисидан бир оят, иккинчисидан ундан юқоридаги оятни ўқиши макруҳ бўлади. Агар биринчи ракатда «Қул аъзу бироббин-нас...»ни ўқиса, иккинчисидан ҳам «Қул аъзу бироббин-нас...»ни ўқийди.

Агар Фотиҳа сурасидан кейин бир қисқа оятни уч марта кетма-кет ўқиса, бу ҳақда баъзилар жоиз эмас ва баъзилар жоиз, деб санашган.

«Фатово» китобида ёзилишича, бир оятнинг ярмини икки марта ўқиса ёки бир оятдан бир калимани қайта-қайта ўқиса, ҳатто у калималар бир оят миқдорича бўлса ҳам, жоиз эмас⁴³⁸.

Жамоат намози ҳақидаги боб Жамоат намозининг фазилати

Абу Умома розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: «Кимки фарз намозни жамоат билан ўқиш учун борса, у худди ҳаж қилгандек бўлибди. Кимки нафл намоз ўқиш учун борса, у мукамал умра қилгандек бўлибди»⁴³⁹.

Яна шу ровий айтишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки таҳоратли бўлиб, фарз намози ўқиш учун жамоатга борса, унинг

⁴³⁷ «Саҳиҳи Бихорий», 1-китоб, 436-бет.

⁴³⁸ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 438-бет.

⁴³⁹ «Мўъжами Табароний», 8-китоб, 127-бет.

савоби эҳромдаги ҳожининг савоби кабидир. Кимки зуҳо намозини ўқиш учун борса, унинг савоби умра қилувчининг савоби кабидир. Бир намознинг кетидан ўқилган намоз, агар орасида бекорчи гаплар (лағв) бўлмаса, у Иллийинга ёзилади», дедилар⁴⁴⁰.

Нофеъ розийаллоҳу анҳу Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жамоат билан ўқилган намоз ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти марта фазилатлидир, яъни савоби ортиқдир», дедилар⁴⁴¹.

Молик Абу Зиноддан, у киши Аъраждан, у киши Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мен бир нарсани қасд қилдим. Ўтин териб келишни буюрсам, ўтин териб келинса, кейин намозга буюрсам, азон айтилса ва бир кишига буюрсам, у намозга имом бўлса, кейин мен хилоф қилган кишилар (яъни, жамоат намозига келмаганлар)нинг уйларини ёндирсам. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, сизларнинг бирортангиз агар семиз танани ёки икки отадиган ўқни топиб олишини билса ҳам, хуфтон намозига келарди», дедилар⁴⁴².

Икки отадиган ўқ бу – икки ўқ, уни киши отиб, олдиндаги нарсани қўлга киритади.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Имомга эргашилиб жамоат билан ўқилган намоз бир ўзи ўқиган намоздан йигирма беш марта афзал», дедилар⁴⁴³.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Ҳақиқатан мен жамоатимизга қараб кўрдимки, намозга фақат нифоқи билиниб қолган мунофиқ ёки касал одам келмас экан, ҳатто касал одам икки кимса ўртасида юриб бўлса ҳам, жамоат намозига келади», дедилар. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўғри йўлга бошловчи суннатни ўргатдилар. Азон айтилган масжидда жамоат билан намоз ўқиш тўғри йўлга бошловчи суннатдандир»⁴⁴⁴.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бажариш билан Аллоҳ (унинг ҚЎШДИМ) даражасини кўтарадиган ва хатоларини йўқотадиган бир амални сизларга далолат қилайми?» дедилар. Саҳобалар: «Ҳа, эй Расулulloҳ», дейишди. У зот: «Таҳоратни қийинчилик пайтида мукамал қилиб, масжидларга кўп қадам босиб бориш, намоздан сўнг кейинги намозни кутиш. Шуларни ўзингизга маҳкам ушланглар», дедилар⁴⁴⁵.

Икки киши ва ундан кўпи жамоатдир

Молик ибн Хувайрис розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Икки киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди, улар сафарга чиқишмоқчи эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар иковингиз

⁴⁴⁰ «Мўъжами Табароний», 8-китоб, 176-бет.

⁴⁴¹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 156-бет.

⁴⁴² «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 156-бет.

⁴⁴³ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 450-бет.

⁴⁴⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 453-бет.

⁴⁴⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 219-бет.

сафарга чиқсангиз, азон айтинг, кейин иқомат айтинг, сўнг каттароғингиз имом бўлсин», дедилар»⁴⁴⁶.

Бошқа ривоятда: «Намоз вақти кирганида азон айтинг, кейин иқомат айтинг, сўнг каттароғингиз имом бўлсин», дейилади.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйида ва бозорида ўқиган намозидан йигирма беш марта савоби кўпроқдир. Бундай кўпайиш агар у таҳоратини чиройли қилса, кейин (уйидан ёки бошқа жойдан) масжидга фақат намоз ўқиш учун чиқса, шанда (шаънда) барча босган қадамига даражаси кўтарилиб, хатолари кечиради. Агар бориб намоз ўқиса, у то жойнамоз устида экан, фаришталар унга қуйидагича саловот айтишни тўхтатишмайди: «Аллоҳумма солли алайҳ, аллоҳуммар ҳамху», яъни «Аллоҳим, унга саловот йўлла, Аллоҳим, раҳм айла». Сизларнинг бирортангиз намозни кутиб турган бўлса, у гўё намозда тургандек савоб олибди», дедилар»⁴⁴⁷.

Имом Бухорий яна шу ровийдан ўз «Саҳиҳ»ларида ривоят қилишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кеча ва кундуз фаришталари бомдод намозида тўпланадилар», дедилар. Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу: «Агар хоҳласанглар, «Зеро, тонгги ўқиш (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир» (Исро сураси, 78-оят), деган оятни ўқинглар», дедилар.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким таҳоратини чиройли қилса, сўнг юриб борса, одамларни, яъни жамоатни намоз ўқиб бўлган ҳолда топса ҳам, Аллоҳ унга жамоат намозида ҳозир бўлган ва намоз ўқиганидек савоб беради. Бу билан жамоатнинг савоби камайиб қолмайди», дедилар»⁴⁴⁸.

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига келганида у зот намоз ўқиб бўлган эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бу ўқилган намознинг устига яна савоб кўпайтириб, намоз ўқиб тижорат қилади?» деганларида бир киши у билан бирга намоз ўқиди». Бошқа ривоятда: «Абу Бакр розийаллоҳу анҳу туриб у киши билан намоз ўқидилар, лекин Абу Бакр розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиган эдилар», деб келади.

Намозга қандай борилади?

Абу Қатода розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиётганимизда бир неча одамнинг шовқин-сурони эшитилди. Намоз ўқиб бўлганларидан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга нима бўлди? Бу ишингиз нимаси?» дедилар. Улар: «Намозга шошилдик», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ундай қилманглар, намозга келаётган чоғингизда ўзингизга сукунатни лозим тутинг, етиб келган ракатингизни ўқинг, кеч қолиб, ўтказиб юбориб йўқотган ракатингизни тўлдириб ўқинг», дедилар»⁴⁴⁹.

⁴⁴⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 153-бет.

⁴⁴⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 156-бет.

⁴⁴⁸ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 69-бет.

⁴⁴⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 154-бет.

Ўқилган намозни имомга иқтидо қилиб қайта ўқиш

Молик Нофеъ розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Бир киши Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан «Мен уйимда намоз ўқиган эдим, кейин имом билан ўқиладиган намозга етишдим. Мен у имом билан ҳам намоз ўқийманми?» деб сўраганида, Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу: «Ҳа», дедилар. У киши: «Қай бирини намозим деб қабул қиламан?» дедилар. Ибн Умар розийаллоҳу анҳу: «Бу нарса сенинг қўлингда эмас. Бу иш Аллоҳга ҳаволадир. Аллоҳ хоҳлаганини ўша вақтнинг фарз намози деб қабул қилади», дедилар»⁴⁵⁰.

Молик Нофеъдан ривоят қилишларича, Абдуллоҳ ибн Умар: «Ким шом ёки бомдод намозини ўқиса, сўнгра шу намозларни имом жамоат билан ўқиётганини кўрса, у намозларни қайта ўқимайди», дер эдилар⁴⁵¹.

Имом Мухаммад: «Шу сўзларнинг ҳаммасини олиб, унга амал қиламиз. Ибн Умар розийаллоҳу анҳунинг шом ва бомдод намозларини қайта ўқимаслик ҳақидаги сўзларини оламиз. Чунки шом намози тоқдир, бомдоддан кейин эса нафл ўқилмайди. Бизнинг фикримизча, аср намози ҳам шундоқдир, у шом ва бомдодга ўхшайди», дедилар. Имом Абу Ханифанинг ҳам фикрлари шундайдир.

Имомликка бир-бирини «Сен чиқ», деб сансалор қилишнинг кароҳияти

Салом бинти ал-Ҳурр ал-Фазорийдан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Масжид аҳли намоз ўқиб берувчи имом топа олмасдан бир-бирларига сансалор қилиши қиёматнинг аломатидир», деб айтганлар⁴⁵².

Уқба ибн Омир ал-Жухайний розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: «Ким бир қавмга имом бўлса, намоз вақтини топиб ўқиса, қавмга ҳам, имомга ҳам савоб. Ким имом бўлса-ю, камчиликка йўл қўйса, имомга зиён, лекин қавмга зиён эмас»⁴⁵³.

Узр сабабли жамоатни тарк қилиш

Маҳмуд ибн Робъдан ривоят қилинади. «Итбон ибн Молик розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Бадр ғазотида иштирок этган ансорий саҳобаларидан эдилар. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули! Кўзим хиралашиб қолди, мен имом бўлиб қавмимга намоз ўқиб бераман. Агар ёмғир ёғса, мен билан қавмим орасидаги водийда сув тўлиб оқади. Мен уларнинг масжидларига бориб, имом бўлиб намоз ўқиб бера олмайман. Эй Аллоҳнинг расули, сиздан шуни хоҳлайманки, менинг уйимга бориб, ундан бир жойни намоз ўқиш учун танлаб олиб, у ерда намоз ўқиб берсангиз», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Худо

⁴⁵⁰ «Ал-муватто», 1-китоб, 117-бет.

⁴⁵¹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 158-бет.

⁴⁵² «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 158-бет.

⁴⁵³ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 210-бет.

хоҳласа, тезда шундай қиламан», дедилар-да, қуёш кўтарилганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу у кишиникига келишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйга кириш учун Ибн Моликдан изн сўрадилар. У киши изн бердилар. У зот уйга кириб ўтирганларидан кейин: «Уйингнинг қаерида намоз ўқиб беришимни ёқтирасан?» дедилар. У киши уйнинг бир жойига ишора қилдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ерда туриб такбир айтдилар, биз ортларида турдик, у зот икки ракат намоз ўқиб салом бердилар»⁴⁵⁴.

Нафл намозни жамоат бўлиб ўқишнинг жоизлиги

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У кишининг бувилари Мулайка розийаллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўзлари пиширган таомга чақирдилар. У зот таомдан едилар, кейин: «Туринглар, сизларга намоз ўқиб бераман», дедилар. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен кўп кийилавериб қорайиб кетган ёпинчиқни ерга ёзиб, устига сув сепдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга чиқиб турдилар, орқаларидан мен ва бир етим бола саф тортиб турдик, бувим бизнинг орқамиздан турдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга икки ракат намоз ўқиб бериб, кейин кетдилар»⁴⁵⁵.

Жамоат бўлиб намоз ўқиш вожибга яқин суннати муаккададир. «Тухфа» китобида ёзилишича, Аллоҳ таолонинг: «Рукуъ қилгувчилар билан рукуъ қилинлар!» (Бақара сураси, 43-оят) деган сўзига биноан, жамоат бўлиб намоз ўқиш вожибдир. Суннатлигига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадислари далилдир: «Азон айтилган масжидда жамоат билан намоз ўқиш тўғри йўлга йўлловчи суннатдандир»⁴⁵⁶. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир қишлоқда уч киши яшаса-да, азон ва иқомат айтмай намоз ўқишса, шайтон уларни ўраб олади. Ўзингга жамоатни лозим тут, чунки бўри ҳам жамоатдан ажратганни ейди», дедилар⁴⁵⁷.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна марҳамат қиладилар: «Албатта шайтон инсонга қўйнинг душмани бўри бўлганидекдир (кабидекдир). Бўри ажралиб қолган қўйни ейди. Ўзингизга эҳтиёт бўлинг ва жам бўлиб юринг, ўзингизга жамоатни, кўпчиликни, масжидни лозим тутинг»⁴⁵⁸.

Жамоат намози вожибга яқин бўлган суннати муаккада бўлиб, у қачон киши узрли бўлса, соқит бўлади. Масалан, ёмғир ёғиб туриши ва кечанинг қоронғи кундаги бўрон, шунингдек, сийдик ё ахлатдан бўшанаётганда ёки касал бўлса ёки касалга қаровчи бўлса ёки моли йўқолиб кетишидан хавфсираб қўриқлаётган бўлса ёки кечки овқат ҳозирланиб, хуфтонга иқомат айтилса, нафси овқатга ташна бўлиб турган бўлса ёки хуфтон вақтидан бошқа пайт таом ҳозирланса, нафси уни ейишни жуда хоҳласа, шунингдек, кўзи ожиз бўлса, ҳатто боришга йўлбошловчиси бўлса ҳам, имом Абу Ҳанифа фикрларича, вожиб эмас. Икки имом фикрларича,

⁴⁵⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 455-бет.

⁴⁵⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 455-бет.

⁴⁵⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 453-бет.

⁴⁵⁷ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 5-китоб, 175-бет.

⁴⁵⁸ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 5-китоб, 175-бет.

боришга йўлбошловчи топса, унга бориш лозимдир. Ўтириб қолган одамга, юролмайдиганга, қўли ва оёғи қарама-қаршисига кесилганга, оёғи кесилганга, юра олмайдиган ёши катта мўйсафидга ҳам жамоатга бориш вожиб эмас.

Жамоатнинг энг ками икки кишидир, агар бир киши билан намозни биладиган ёш бола намоз ўқиса, у ҳам жамоат бўлади. Агар уйда аёли ёки боласи билан намоз ўқиса ҳам, жамоатнинг фазилати берилади. Агар киши ухлаб қолса ёки жамоатга боришни унутиб қўйса, ўз аҳли оиласини жамлаб, уйда улар билан бирга намоз ўқиши мустаҳабдир.

Сафга тааллуқли бўлган нарсалар ҳақида

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу айтадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эркаklar сафининг яхшиси олдиндаги саф, ёмони орқадаги сафдир. Аёллар сафининг яхшиси орқадаги саф, ёмони олдиндаги сафдир», дедилар⁴⁵⁹.

Ирбоз ибн Сория розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи сафдагиларга уч марта истиғфор айтардилар, яъни гуноҳларини кечиришини сўрардилар, иккинчи сафга бир марта айтардилар»⁴⁶⁰.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам имом орқасида эркаklar ва орқасидан ёш болалар туришини буюрганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу айтишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менинг ортимдан балоғатга етган ва оқиллар турсин, кейин шуларга яқин даражадагилар турсин», деб уч марта айтдилар. «Баъзида овозларни баланд қилиш, шовқин-сурон, фитна, низолашиш, хусуматлашишдан эҳтиёт бўлинг», дедилар.

Қайс ибн Ибод розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Мадинада масжидда биринчи сафда туриб намоз ўқиётган эдим, орқамдан бир киши келиб мени орқага тортди-да, ёнимга туриб олди. Аллоҳга қасамки, мен намозимни англаёлмай қолдим. Намозни тугатгандан кейин қарасам, у Убай ибн Каъб эканлар. У киши: «Эй йигит, Аллоҳ сени ёмон аҳволга солиб қўймасин. Албатта бу ҳолатда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга сафнинг ёнидан туришимизни айтганлар», деб қиблага юзландилар»⁴⁶².

Абдурахмон ибн Фонмин айтадилар: «Абу Молик Ашъарий розийаллоҳу анҳу ўз қавмига қарата: «Сизларга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларидек намоз ўқиб берайми? Олдинда эркаklar сафи, кейин ёш болалар сафи, кейин аёллар сафи туради», дедилар»⁴⁶³.

Сафнинг текис бўлиши ҳақида

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга такбири таҳрима айтишдан олдин бизга юзланиб: «Бир-бирингизга зич ва тўғри турунлар, сизларни орқамдан бўлса ҳам, кўриб тураман», дедилар»⁴⁶⁴.

⁴⁵⁹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 326-бет.

⁴⁶⁰ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 214-бет.

⁴⁶² «Ал-мустадрок», 1-китоб, 214-бет.

⁴⁶³ «Муснади Аҳмад», «Банно» шарҳи билан, 5-китоб, 298-бет.

⁴⁶⁴ «Муснади Аҳмад», «Банно» шарҳи билан, 5-китоб, 310-бет.

Барро ибн Озиб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз намозга сафда турганимизда олдимизга келардилар, сафни текислаш учун елкамиз ёки кўкрагимизни ушлардиларда: «Сафда ҳар хил турманглар, балки текис туринглар, қалбларингиз ихтилофли бўлиб қолади, яъни шундай бўлмаслиги учун текис туринглар», дердилар»⁴⁶⁵.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сафларда текис туринглар, албатта сизлар фаришталарнинг сафлари билан сафланасизлар. Елкаларни бир-бирига теккизиб зич туринглар, ораларингдаги бўш жойларни жипслашиб беркитиб туринглар, ёндагиларга азият берманг, ораларингизда шайтонга бўш жой қолдирманг, кимки сафни етиштирса, Аллоҳ унга етишади, кимки сафни узса, Аллоҳ уни узади», дедилар⁴⁶⁶.

Имоми Аъзам Ҳаммоддан ривоят қилиб деганлар: «Мен Иброҳимдан биринчи саф нима учун иккинчи сафдан фазилатли эканини сўрадим. У: «Биринчи саф тўлмагунича иккинчи сафга турма!» деди». Буни имом Муҳаммад ибн Ҳасан «Ал-Асар»ларида ривоят қилганлар ва: «Бу фикрни оламиз, агар биринчи саф тўлса, иккинчи сафга туриш лозим, биринчи саф тўлганда сафдошига заҳмат қилиб турмайди, чунки у азият берган бўлади. Азиятдан кўра иккинчи сафга туриш яхшироқдир», деганлар. Имом Абу Ҳанифа ҳам худди шундай деганлар⁴⁶⁷.

Аёлларнинг имомликка ўтиши ва уларнинг жамоат бўлиб намоз ўқиши ҳақида

Райта ал-Ҳанафия розийаллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар: «Оиша розийаллоҳу анҳо бизга имом бўлиб фарз намозида орамизда турдилар». Иброҳим Нахайй: «Оиша розийаллоҳу анҳо рамазон ойида аёлларга имом бўлиб уларнинг ўртасида турардилар», дедилар⁴⁶⁸.

Иброҳим Нахайй Оиша розийаллоҳу анҳони нафл намозига имом бўлганлар, деб айтганлар. Аёл кишининг аёлларга имом бўлиши кароҳатлидир. Имом Камол, имом Шофеъий ва имом Аҳмад ибн Ҳанбал аёл кишининг аёлларга имом бўлишини кароҳатсиз, жоиз, деган фикрга бордилар. Имом Молик аёл кишининг имомлигини мутлақ ман қилдилар. Имом Шаъбий, Нахайй ва Қатодалар аёл кишининг фарз намоздан бошқа нафл намозга имом бўлишини жоиз деб билишган. Валлоҳу аълам.

Ёш боланинг имомлиги

Балоғатга етмаган боланинг имомлик қилиши фақат нафл намозларда, таровеҳ ва икки ҳайит намозида жоиз. Ихтиёр қилингани шуки, барча намозларда ёш боланинг имомликка ўтиши жоиз эмас, чунки ёш боланинг ўқиган намози нафлдир, катта одам ўқиган нафл намоз кичик боланинг нафл намозидан кучлироқдир. Икрима розийаллоҳу анҳудан ривоят

⁴⁶⁵ «Муснади Аҳмад», «Албанно» шарҳи билан, 5-китоб, 310-бет.

⁴⁶⁶ «Муснади Аҳмад», 5-китоб, 312-бет.

⁴⁶⁷ «Ҷомеъур Ризавий», 1-китоб, 452-бет.

⁴⁶⁸ «Сунани Дорақутний», 1-китоб, 404-бет.

қилинади. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу: «Бола то эҳтилом бўлиб, балоғатга етмагунча имомликка ўтмайди», дедилар⁴⁶⁹.

Нафл ўқувчининг орқасидан фарз намоз ўқувчи иқтидо қилиши ҳақида

Имоми Аъзам Ҳаммоддан, у киши Иброҳимдан ривоят қиладилар: «Агар бир қавм намоз ўқиётганида улар орасига кириб, иқтидо қилиб, уларнинг намозини ният қилмасдан, балки бошқа намозни ният қилсанг, сенинг намозинг жоиз эмас. Агар имом намозини ўқиса ва орқасидагилар бошқа намозни ният қилиб ўқиса, имомнинг намози жоиз ва орқасидагиларнинг намози жоиз эмас». Буни имом Муҳаммад «Ал-Асар»ларида ривоят қилганлар⁴⁷⁰.

Муоз ибн Руфоъадан ривоят қилинишича, Бани Салама қабиласидан бир йигит Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларига келиб: «Эй Расулulloҳ, Муоз ибн Жабал биз кундузи ҳориб-чарчаб ухлаётганимизда келиб намозга чақиради. Биз унинг олдида чиқсак, у намозни бизга чўзиб ўқийди», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Муоз ибн Жабал, фитначи бўлмагин, ё мен билан намоз ўқи, ё енгил қилиб қавминг билан намоз ўқи», дедилар. Кейин: «Эй Сулайм, сенда Қуръондан нима бор?» дедилар. У: «Мен Аллоҳдан жаннатни сўрайман ва дўзахдан Аллоҳнинг паноҳини сўрайман. Аллоҳга қасамки, сизнинг ва Муознинг овози қандай ҳам яхши», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менинг ва Муознинг овози Аллоҳдан жаннатни сўраш ва дўзахдан Унинг паноҳини сўрамоқлик эмасми? (Яъни, биз Қуръонни ўқишимиз билан шуларни сўраймиз)» дедилар. Кейин Сулайм: «Эртага тезда қавм душманга йўлиққанида, иншааллоҳ, менинг қанақа эканимни кўрасизлар», деди. Шу вақтда одамлар Уҳуд жангига тайёргарлик кўришар эди. Сулайм Уҳуд жангига чиқди ва шаҳид бўлди, Аллоҳ уни Ўз раҳмати ва розилигига олсин⁴⁷¹.

Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Муоз розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан хуфтон намозини ўқирдилар, кейин қавмларидаги масжидга бориб, уларга намоз ўқиб берардилар»⁴⁷².

Бир кишига имом бўлинганди қандай туриш ҳақида

Кимки имомга бир ўзи иқтидо қилса, у имомнинг ўнг тарафида туради. Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Мен холам Маймуна розийаллоҳу анҳо уйларида тунадим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ухладилар. Кечанинг анчаси ўтганидан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан туриб, осилиб турган мешдан енгил таҳорат қилдилар. (Таҳоратларини ҳадис ровийларидан бири Амр жуда оз вақтда қилдилар, деб айтди.) Кейин туриб намоз ўқидилар. Мен ҳам туриб, у зот таҳорат қилган жойларида таҳорат қилдим, сўнг бориб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чап томонларида турдим.

⁴⁶⁹ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 225-бет.

⁴⁷⁰ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 465-бет.

⁴⁷¹ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 5-китоб, 243-бет.

⁴⁷² «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 240-бет.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг жойимни ўзгартириб, ўнг томонларига суриб қўйдилар»⁴⁷³.

Имоми Аъзам Ҳаммоддан, у киши Иброҳимдан икки киши тўғрисидаги келтирган ривоятда улардан бири дўстига – иккинчисига имом бўлиши ҳақида айтиб: «Имом муқтадийнинг чап тарафида туради», дедилар. Бунимом Муҳаммад «Ал-Асар» китобларида ривоят қилганлар ва: «Бу фикрни олиб, унга амал қиламиз», дедилар. Бу ҳақда Абу Ҳанифанинг ҳам фикрлари шундай: иқтидо қилувчи имомнинг ўнг тарафида туради.

Икки кишига имом бўлгандаги ҳолат

Агар жамоат уч киши бўлса, имом олдинга чиқиб туради. Қолган иккови эса орқасида ўқийди. Бу ҳақда Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шомни ўқишга турдилар, мен ҳам келиб у зотнинг чап тарафларида турдим. Дўстим келди ва биз у зотнинг орқаларида саф бўлдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кийимда, унинг икки томонини бир-бирига қарама-қарши қилиб, биз билан намоз ўқидилар»⁴⁷⁴.

Имомнинг ўнг тарафида туришнинг мустаҳаблиги

Барро розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орқаларида намоз ўқиганимизда у зотнинг ўнг тарафларида туришни ва у зот бизга юзлари билан юзланишларини яхши кўрардик»⁴⁷⁵.

Имомликка ҳақлироқ киши тўғрисида

Абу Масъуд Ансорий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қавмга Аллоҳнинг Китоби – Қуръонни яхшироқ ўқийдигани имом бўлади, агар қироатда баробар бўлса, суннатни билувчироғи ўтади. Агар суннатни билишда ҳам тенг бўлса, унда ҳижратни аввалроқ қилгани ўтади. Агар ҳижратда ҳам тенг бўлса, унда аввал Исломга киргани ўтади» (баъзи ривоятда: «Ёши каттаси ўтади»), дедилар»⁴⁷⁶. Бу ҳадисни имом Муҳаммад ибн Ҳасан «Ал-Асар»ларида ёзиб қолдирганлар ва: «Бундаги ҳукми оламиз», деганлар. Баъзилар: «Аллоҳнинг Китобини яхшироқ ўқийдиган», дейишди. Чунки одамлар ўша замонда Қуръонни яхши ўқиб, динда фақиҳроқ эдилар. Агар ҳозирги замонда ҳам одамлар ўшандай бўлишганида уларнинг орасида Қуръонни яхшироқ ўқувчи имом бўларди. Агар одамлар ундай бўлмаса, яъни қироатда тенг бўлса, улардан фақиҳроғи ва намознинг суннатини билувчироғи имом бўлади. Агар бошқасининг қироатидек қироат қилса, ҳадисга мувофиқ улардан Қуръонни яхшироқ ўқийдигани ва намознинг суннатини билувчироғи имомликка лойиқроқдир. Имом Абу Ҳанифа ҳам шундай деганлар.

⁴⁷³ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 206-бет.

⁴⁷⁴ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 5-китоб, 294-бет.

⁴⁷⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 492-бет.

⁴⁷⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 465-бет.

Мусулмон киши ҳар бир яхши ва фожирнинг ортидан намоз ўқийди. Бу ҳақда Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фарз намозни ҳар бир яхши ва фожир мусулмон ортидан ўқиш вожибдир, агар у кабоирни (гуноҳи кабира) содир этган бўлса ҳам», дедилар»⁴⁷⁷.

Кўр одамнинг имомлиги жоиздир, бу ҳақда Қатода розийаллоҳу анҳу Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ибн Умму Мактумни ўзларига ўринбосар қилганларида у киши кўзлари ожиз бўла туриб, одамларга имом бўлиб намоз ўқиб берганлар»⁴⁷⁸.

Имом Шофеъий кўзи ожиз одамнинг имом бўлишини жоиз деб билганлар. Имом Нававий кўзи очиқ одамнинг кўзи ожиз одамга имомлик қилиши яхшироқ, деганлар, чунки кўр одам намозни бузадиган нажосатдан четлана олмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам кўпинча кўзи кўрадиган одамларни имомликка ўтказганлар. Кўзи кўрадиган одамнинг кўр одамга улуғроқлигини ҳанафий, ҳанбалий ва моликийлар айтганлар. Чунки кўзи кўрадиган одам нажосатдан сақланишга ва ўз ижтиҳоди билан қиблага юзланишга қодирдир. Бу фикр кучлироқдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ибн Умму Мактумни ғазотга чиқиб кетаётганларида ўзларига ўринбосар қилишлари эса Ибн Умму Мактумнинг ожизликларидир, чунки ғазотдан фақат ожизларгина қолишар эди. Балки урушдан қолганлар ичида Ибн Умму Мактумнинг ўрнини босадигани йўқдир.

Уй эгаси имомликка ўтишга ҳақлироқдир, агар меҳмонга илтифот кўрсатса, мумкин. Бу ҳақда Абу Атийя ривоят қилиб айтадилар: «Молик ибн Хувайрис бизнинг намоз ўқийдиган жойимизга келди. Намозга иқомат айтилди. Биз унга: «Олдинга чиқиб намоз ўқинг, яъни имом бўлинг», дедик. У бизга: «Ичингиздан олдин имом бўлиб юрган бир кишини олдинга чиқаринг. Мен нимага сизларга намоз ўқиб бермаганим ҳақида айтиб бераман. Чунки мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Кимки бирор қавмни зиёрат қилса ёки меҳмонга борса, уларга имом бўлиб намоз ўқиб бермасин, қавмдан бир киши уларга имом бўлсин», деб айтганларини эшитганман», деди»⁴⁷⁹.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бир кишига ўз аҳли оиласида ҳеч қачон имом бўлма, бир кишига ҳукмронлиги бор жойда ҳеч қачон имом бўлма, унинг уйидаги тантанага ўтирмагин, агар у сенга изн берса ёки унинг рухсати билан ўтиргин»⁴⁸⁰.

Ўтириб намоз ўқувчининг имомлик қилиши узри сабабли дуруст. Орқадаги одамлар эса туриб намоз ўқишади. Бу ҳақда Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам отга миндилар ва отдан йиқилиб тушдилар, от ўнг томонга ўйноқлаб кетди. Фарз намозлардан бирини ўтириб ўқидилар, биз ҳам орқаларида ўтириб намоз ўқидик. Намоз ўқиб бўлинганидан кейин: «Албатта имом эргашишлик учун ижро этилган. Агар у туриб намоз ўқиса, сизлар ҳам туриб намоз ўқинглар, агар у рукуъ қилса, сизлар ҳам рукуъ қилинглар. Агар у рукуъдан бошини кўтарса, сизлар ҳам бошларингизни кўтаринглар, агар у: «Самиъаллоҳу лиман ҳамидах», деса, сизлар:

⁴⁷⁷ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 162-бет.

⁴⁷⁸ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 162-бет.

⁴⁷⁹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 162-бет.

⁴⁸⁰ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 465-бет.

«Роббана лакал ҳамд», денглар. Агар у ўтириб намоз ўқиса, сизлар ҳам ўтириб намоз ўқинглар», деб айтдилар»⁴⁸¹.

Бу ҳадис мансук, яъни ҳукми бекор бўлган. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлимларидан олдин касал бўлганларида ўтириб намоз ўқиганлар, орқаларидаги одамлар туриб намоз ўқишган. Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисларда келтирилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юриб келиб Абу Бакр розийаллоҳу анҳунинг чап тарафларига ўтирдилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу туриб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса ўтириб намоз ўқирдилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларига иқтидо қилардилар, одамлар эса Абу Бакр розийаллоҳу анҳунинг намозларига иқтидо қилишарди⁴⁸².

Кимнинг орқасида намоз ўқиш макруҳ?

Талҳа розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у киши бир қавмга имом бўлиб намоз ўқидилар. Намоз тугаганидан сўнг: «Ҳузурларингизга чиқишдан олдин сизларга бош бўлишимга рухсатингизни сўрамабман. Менинг ўқиб берган намозимга розимисизлар?» деганларида, улар: «Ҳа, эй Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаси, ким уни қариҳ кўрди?» дейишди. Талҳа розийаллоҳу анҳу: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қайси бир киши бир қавмга имом бўлса, у қавм унинг имом бўлишини қариҳ кўрсалар, унинг азон айтиб ўқиган намози жоиз эмас», деганларини эшитганман», дедилар⁴⁸³.

Жуҳода ал-Аздий айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: «Ким бир қавмга имом бўлса, улар уни қариҳ кўрсалар, унинг намози ўмровидан юқорига кўтарилмайди»⁴⁸⁴.

Агар имом золим бўлса ёки золим бўлмаса, уни қариҳ кўрганларга гуноҳ бўлади. Агар имомни бир ёки икки-уч киши қариҳ кўрса, уларга намоз ўқиб беришининг зарари йўқ, агар қавмнинг аксарияти уни қариҳ кўрса, бунинг зарари йўқ.

Имом намозни енгил ўқишга буюрилган

Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анҳу асҳобларига хуфтон намозини чўзиб ўқидилар, бир киши четда ўзи намоз ўқиди. Муоз розийаллоҳу анҳу бундан хабар топиб: «У четда ўқиган мунофиқ», дедилар. Бу гап ҳалиги кишига етганида у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига кириб Муоз айтган нарсанинг хабарини берди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Муоз розийаллоҳу анҳуга: «Эй Муоз, фитначи бўлишни хоҳлайсанми (яъни, фитначимисан)? Агар имом бўлсанг, «Ваш-шамси ваз-зуҳаҳ...»ни, «Саббиҳисма роббикал аъла...»ни, «Иқро бисми роббика...»ни, «Вал-лайли иза яғша...»ни, яъни қисқа қилиб ўқигин», дедилар»⁴⁸⁵.

⁴⁸¹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 167-бет.

⁴⁸² «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 173-бет.

⁴⁸³ «Мўъжами Табароний», 1-китоб, 115-бет.

⁴⁸⁴ «Мўъжами Табароний», 2-китоб, 282-бет.

⁴⁸⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 340-бет.

Абу Масъуд Ансорий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб: «Мен фалон киши намозни чўзиб ўқигани учун субҳ намозидан кечикаман», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мавъизаларида бундай қаттиқ ғазабланганларини ҳеч кўрмаганман. У зот: «Эй одамлар, орангизда бездирувчилар бор. Қай бирингиз одамларга имом бўлиб намоз ўқиса, қисқа қилсин, чунки унинг орқасида қариялар, заифлар ва ҳожатмандлар бор», дедилар»⁴⁸⁶.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу айтишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар сизлардан бирортангиз одамларга имом бўлса, намозни енгилроқ қилиб ўқисин, чунки уларнинг орасида кичик ва қариялар, заиф ва касаллар бор. Агар ёлғиз бўлса, хоҳлаганича ўқийверсин», дедилар»⁴⁸⁷.

Анас розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларида ўқиганимдек мукамал ва енгил намозни бошқа ҳеч бир имомнинг орқасида ўқимадим»⁴⁸⁸. Яна шу ровийдан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен намозга киришиб, уни узоқ ўқимоқчи эдим. Шунда ёш боланинг йиғисини эшитдим, онаси боласига нисбатан меҳри кучлилигидан намозимни енгил қилиб ўқидим», дедилар»⁴⁸⁹.

Имомдан олдинлаб кетишнинг ҳаромлиги

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бошини (сажда ёки рукуъда) имомдан олдин кўтарадиган одам Аллоҳ унинг бошини эшакнинг бошига айлантриб қўйишидан қўрқмасмикин?!» дедилар»⁴⁹⁰.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан намоз ўқидилар. Намозни ўқиб бўлганларидан кейин юзлари билан биз томонга ўгирилдилар ва: «Эй одамлар, мен имомингизман. Бас, шундай экан, рукуъда, саждада, қиёмда ва намозни тугатишдаги саломда мендан илгарилаб кетманг. Мен сизларни олдимдан ҳам, орқамдан ҳам кўриб тураман», дедилар»⁴⁹¹.

Имоми Аъзам Ҳаммоддан, у киши эса Иброҳимдан ривоят қиладилар. Имом салом бериб токи (намозни) тугатмагунича киши бошини айлантриб салом бермайди. Лекин намоз ишини имом унга билмаса, зарари йўқ. Бунимом Муҳаммад «Ал-Асар» китобларида ривоят қилганлар. Биз шу фикрни олиб, унга амал қиламиз, эҳтимол имом саломдан кейин саждаи сахв қилар. Лекин имом намоз ишларида фикҳ бўлмаса, орқасидагиларнинг намозни тугаллашида зарар йўқ. Бу фикрни Абу Ҳанифа ҳам айтганлар»⁴⁹².

Имомнинг намози бузилганда муқтадийнинг намозни қайта ўқиши

⁴⁸⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 340-бет.

⁴⁸⁷ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 340-бет.

⁴⁸⁸ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 342-бет.

⁴⁸⁹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 342-бет.

⁴⁹⁰ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 320-бет.

⁴⁹¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 320-бет.

⁴⁹² «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 475-бет.

Хубайб ибн Абу Собитдан ривоят қилинади: «Жунуб одам бир қавмга имом бўлиб намоз ўқиб берса, унга намозини қайта ўқиши ва одамлар ҳам намозларини у билан бирга қайта ўқишлари вожиб». Буни имом Муҳаммад «Ал-Асар» китобларида ривоят қилганлар.

Имоми Аъзам Ҳаммоддан, у киши Иброҳимдан ривоят қиладилар: «Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу асҳоблари билан шом намозини ўқидилар, у киши намознинг ҳеч бир ракатида бирор нарса ўқимасдан намозларини тугатдилар. Асҳоблари: «Эй амирал мўминин, намозда бирор сура ўқишингиздан нима тўсди?» ёки «Нимага бундай қилдингиз?» деб сўрашди. У киши: «Мен карвонни Шом шаҳрига бориш учун жиҳозладим. Юриб-юриб Шомга етиб бордим», дедилар. Умар розийаллоҳу анҳу намозларини қайта ўқидилар ва асҳоблари ҳам намозларини қайта ўқишди».

Бу ривоятни имом Муҳаммад «Ал-Асар» китобларида ривоят қилганлар ва: «Шу фикрни оламиз, унга амал қиламиз», деганлар. Бу фикрни имом Абу Ҳанифа ҳам: «Агар имом жунуб ҳолда намоз ўқиса ёки таҳоратсиз намоз ўқиса ё бир сабаб билан намози бузилса, орқасидагиларнинг ҳам намози бузилади», дедилар.

Имом намозда ўрнига бирор иқтидо қилувчини қўйиши

Муҳаммад ибн Ҳорис ибн Абу Зирордан ривоят қилинишича, Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу асҳобларига имом бўлиб, улар билан намоз ўқиётган эдилар, бурнилари қонаб кетди, қўллари билан бир кишини ушлаб олдинга чиқариб, ўз ўринларига қўйиб кетдилар ва бориб таҳорат қилдилар. Сўнг ҳеч кимга гапирмай, намозларининг қолганини ўқидилар. Бу ривоятни Айший ўз жузъларида ривоят қилганлар⁴⁹³.

Намознинг мандублари, яъни мустаҳаблари

1. Намоздан олдин таом ейиш. Бу ҳақда Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар таом ҳозир бўлса, шомни ўқишдан олдин таом еб олинглар ва овқатдан олдин намозга шошилманглар», дедилар»⁴⁹⁴.

2. Намоздан олдин сийдик ва ахлатдан бўшаниш. Бу ҳақда Ҳишом ибн Урва розийаллоҳу анҳудан, у киши Абдуллоҳ ибн Арқам розийаллоҳу анҳудан, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилишади: «Агар намоз ҳозир бўлиб турса, киши ҳожатга боришни хоҳласа, ичини бўшатишдан бошласин»⁴⁹⁵.

Яна Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар намоз ҳозир бўлса ва ҳожатхонага бориш лозим бўлса, ишни ҳожатхонадан бошланглар», дедилар⁴⁹⁶.

3. Намозда орзуларни қисқа қилиш. Бу ҳақда Умму Салама розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз намоз ўқисангиз, ҳаёт билан видолашган одам

⁴⁹³ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 475-бет.

⁴⁹⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 392-бет.

⁴⁹⁵ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 332-бет.

⁴⁹⁶ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 257-бет.

каби намоз ўқинглар, худди ҳаётга ҳеч ҳам қайтмайдигандек бўлсин», дедилар⁴⁹⁷.

4. Намозни чиройли ўқиш. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Бир кун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биз билан намоз ўқидилар, намозни тугатиб: «Эй фалончи, намозингни чиройли қилиб ўқимайсанми? Намоз ўқувчи қандай намоз ўқиётганига қарамайдими? Чунки ўзининг фойдасига намоз ўқийди-ку», дедилар»⁴⁹⁸.

5. Рукуъ ва саждани мукамал қилиш. Абдуллоҳ ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир киши намоз ўқиётиб рукуъсини мукамал қилмаётганини кўрдилар. Шунда у зот: «Агар бу одам шу ҳолича ўлиб кетса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг миллатидан бошқасида ўлади», дедилар. Сўнгра яна у зот: «Рукуъсини мукамал қилмаган ва саждасида ер чўқилаб уни тез бажарган одамнинг мисоли худди оч одамнинг хурмо ейишига ўхшайди, икки хурмо еса ҳам, очлигини кетказмайди», дедилар»⁴⁹⁹.

6. Намозда сокин бўлиб, у ёқ-бу ёққа бурилиб диққатни бўлмаслик. Бу ҳақда Абу Зарр розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло бандасидан намозини қабул қилишдан тўхтамайди, токи бандаси у ёқ-бу ёққа ўгирилиб диққатини бузмагунича, агар банда у ёқ-бу ёққа ўгирилиб, юзини бошқа томонга бурса, Аллоҳ ундан нари кетади», дедилар⁵⁰⁰.

Жобир ибн Самура розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг олдимизга чиқиб: «Сизлар икки қўлларингизни қайсар отлар думларини тик қилиб олгани каби юқорига кўтариб олганингизни кўрмоқдаман, намозда сокин бўлинглар», дедилар»⁵⁰¹.

7. Намозни хушуъ билан ўқиш. Аллоҳ таоло: «Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида қўрқув ва умид билан бўйин эгувчи кишилардир» (Мўминун сураси, 1–2-оятлар), деб марҳамат қилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намоз икки-икки ракатлидир, ҳар икки ракатида ташаҳҳуд, хушуъ қилиш, тазарру ва сокин бўлиш бор ҳамда икки қўлингизни Роббингга кўтариб, кафтинг ичини юзингга қаратган ҳолда: «Эй Роббим, эй Роббим!..» деб айтасан», дедилар⁵⁰².

8. Намоздаги тавозеъ. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Аллоҳ таоло: «Ҳар бир намоз ўқувчи ҳам намоз ўқийвермайди. Албатта азаматимга тавозеъли бўлган, Мен ҳаром қилган нарсалардан шаҳватини тийган, маъсиятимни қилмаслик учун қатъий турган, оч одамга таом берган ва яланғочни кийинтирган одамнинг намозини қабул қиламан», дейди»⁵⁰³.

9. Қалбни машғул қилаётган нарсани даф этиш ҳамда кийган кийими эътиборини намоздан четга олмаслиги. Бу ҳақда саййида Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу

⁴⁹⁷ «Муснади Фирдавс», «Канзул ғамал»да келганидек, 7-китоб, 524-бет.

⁴⁹⁸ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 319-бет.

⁴⁹⁹ «Мўъжами Табароний», 4-китоб, 115-бет.

⁵⁰⁰ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 236-бет.

⁵⁰¹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 321-бет.

⁵⁰² «Сунани Термизий», 1-китоб, 239-бет.

⁵⁰³ «Муснадил Фирдавс», 3-китоб, 179-бет ва «Ал-Канз», 7-китоб, 530-бет.

алайҳи васаллам белгилари бор кийимда намоз ўқидилар. Шунда у зот кийимнинг белгисига, яъни чизиги, гулига қарадилар. Намозларини тугатганларидан кейин: «Бу кенг кийимни Абу Жаҳм ибн Ҳузайфага олиб боринглар. Менга анбижанийя келтиринглар, чунки бу кийим намозимдан эътиборимни тортди», дедилар»⁵⁰⁴.

10. Намоздан олдин қўлда таом юқи, ҳиди бўлса, уни ювиб ташлаш. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Жаъфар розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз намозга турса, икки қўлини овқат ҳиди ва ёғидан ювсин. Чунки овқат ҳиди ва юқидан кўра фаришталарга шиддатлироқ нарса йўқ. Банда намозга турганида фариштаннинг оғзи очилади. Банданинг оғзидан чиққан ҳар бир оят фариштаннинг оғзига киради», дедилар»⁵⁰⁵.

11. Намоз қиёмида узоқ туриш. Аллоҳ таоло: «Ва Аллоҳ учун бўйинсунган ҳолда туринглар» (Бақара сураси, 238-оят), деб марҳамат қилади. Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намознинг афзали қиёмда узоқ туришдир», деганлар»⁵⁰⁶. Жобир розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга «Қайси намоз афзал?» дейилганида, у зот: «Қиёми узун бўлгани», деб айтдилар»⁵⁰⁷.

12. Елкани елкага ёпиштириб туриш. Бу ҳақда Анас розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар: «У зот: «Сафингизни тўғриланглар, чунки мен сизларни орқа тарафимдан ҳам кўриб тураман», дедилар. Бир-биримизнинг елкамиз ёнимиздаги дўстимизнинг елкасига, оёғимиз ёнимиздагининг оёғига тегиб турарди»⁵⁰⁸.

13. Елкаларни юмшоқ қилиб туриш. Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг яхшиларингиз намозда елкаларини юмшоқ қилганингиздир», дедилар»⁵⁰⁹.

14. Бомдод намозидан кейин ўтириш. Бу ҳақда Жобир ибн Самурадан ривоят қилинади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам субҳ намозини ўқиганларидан кейин қуёш чиққунича жойнамоzlаридан турмас эдилар. Қуёш чиққанидан кейингина турардилар»⁵¹⁰. Баъзи ривоятда «То қуёш тўла чиқиб олмагунича» бўлиб ҳам келади.

Намозда содир бўлса зарар қилмайдиган нарсалар

1. Аллоҳга бўлган қўрқувдан йиғлаш. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Шиххир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ўқиганларини кўрдим. У зотнинг йиғинларидан кўксиларида худди тегирмондаги сувнинг шилдирашига ўхшаш кўз ёшининг шилдираши бор эди»⁵¹¹.

2. Акса урувчининг ҳамд айтмоқлиги. Бу ҳақда Руфоъа ибн Рофеъдан ривоят қилинади: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

⁵⁰⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 392-бет.

⁵⁰⁵ «Муснади Фирдавс», 3-китоб, 179-бет ва «Ал-Канз», 7-китоб, 530-бет.

⁵⁰⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 471-бет.

⁵⁰⁷ «Сунани Термизий», 1-китоб, 239-бет.

⁵⁰⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 175-бет.

⁵⁰⁹ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 101-бет.

⁵¹⁰ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 463-бет.

⁵¹¹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 238-бет.

ортларида туриб намоз ўқиётиб, акса урдим ва: «Алҳамдулиллаҳи ҳамдан касийран таййибан мубарокан фийҳи мубарокан алайҳи, кама юҳиббу роббуна ва ярзо», дедим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиб бўлиб: «Намозда ким гапирди?» дедилар. Ҳеч ким индамади. Иккинчи марта: «Ким гапирди?» дедилар. Ҳеч ким индамади. У зот учинчи марта: «Ким гапирди?» дедилар. Мен: «Гапирган мен эдим, эй Аллоҳнинг расули!» дедим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўшанда нима дединг?» дедилар. Мен: «Алҳамдулиллаҳи ҳамдан касийран таййибан мубарокан фийҳи мубарокан алайҳи, кама юҳиббу роббуна ва ярзо», дедим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, бу ҳамдлар саксондан ортиқ фариштани қай бирлари у билан юқорига кўтарилишлари ҳақида шошиб қолишди», дедилар»⁵¹².

3. Табассум қилиш. Бу ҳақда Жобир розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари билан аср намозини ўқиётган эдилар, намозларида табассум қилдилар. Намоз ўқиб бўлинганидан сўнг у зотга: «Эй Аллоҳнинг расули! Намоз ўқиётганингизда табассум қилдингизми?» дейилган эди, у зот: «Албатта менинг олдимдан Микоил алайҳиссалом ўтиб кетаётганларида икки қанотларида ғубор бор эди, у зот менга қараб кулдилар, мен ҳам у зотга қараб табассум қилдим. Микоил қавмнинг талабини бажариб қайтаётган эдилар», дедилар»⁵¹³.

4. Шайтонни лаънатлаш. Бу ҳақда Абу Дардо розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга тураётганларида биз у зотнинг шундай деяётганларини эшитдик: «Сенинг ёмонлигингдан Аллоҳдан паноҳ тилайман». Кейин: «Аллоҳнинг лаънати билан сени лаънатлайман», деб уч марта айтиб, гўёки қўлларини бир нарсани олиш учун чўзгандек бўлдилар. Намоздан фориғ бўлганларидан кейин биз: «Эй Аллоҳнинг расули! Бундан олдин бундай деганингизни эшитмаган эдик ва бундан ташқари қўлингизни олдинга узатганингизни кўрдик», деб айтсак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта Аллоҳнинг душмани Иблис дўзахдан бир чўғ (ўт) олиб келиб, уни юзимга қўймоқчи бўлди. Мен: «Сенинг ёмонлигингдан Аллоҳдан паноҳ тилайман», деб уч марта айтдим, кейин: «Аллоҳнинг мукамал лаънати билан сени лаънатлайман», деб кечиктирмасдан тез-тез уч марта айтдим. Сўнг у чўғни олмоқчи бўлдим. Аллоҳга қасамки, агар биродаримиз Сулаймоннинг дуолари бўлмаганида эди, у боғланган ҳолда Мадина аҳлининг болалари ўйнайдиган нарсага айланарди», дедилар»⁵¹⁴.

5. Қўл билан салом бериш. Бу ҳақда Ибн Умар розийаллоҳу анҳу Суҳайб розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида ёнларидан ўтиб кетаётиб салом бердим, у зот менга ишора билан алик олдилар»⁵¹⁵.

Бу ҳадиснинг ровийси Лайс айтадилар: «У зот бармоқлари билан ишора қилганлар деб ҳисоблайман». Бошқа ривоятда Ибн Умар айтадилар: «Мен Суҳайб розийаллоҳу анҳудан «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

⁵¹² «Сунани Термизий», 1-китоб, 251-бет.

⁵¹³ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 175-бет.

⁵¹⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 385-бет.

⁵¹⁵ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 316-бет.

васаллам қандай қилиб саломга алик олганлар?» деб сўрадим. У: «Мана бундай қилиб», деб қўли билан ишора қилди»⁵¹⁶.

6. Орқа ўгириб турган киши ортидан намоз ўқиш. Бу ҳақда Нофё розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Ибн Умар розийаллоҳу анҳу намоз ўқишда бўлсалар-да, тўсиқ бўлиши учун масжид устунларидан бирортасини топа олмасалар, «Менинг олдимда тўсиқ бўлиб, орқангни ўгириб тур», дердилар». Бунини Ибн Абу Шайба ривоят қилганлар. Шуврийнинг бошқа ривоятида: «Ибн Умар розийаллоҳу анҳу бир кишини ўтказиб қўйиб, орқасида намоз ўқирдилар, одамлар у ўтирган кишининг олдида ўтиб кетаверардилар», деб келади.

7. Оёқ кийимида намоз ўқиш. Бу ҳақда Шидод ибн Авс ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Оёқ кийимларингизда намоз ўқийверинглар, бунда яҳудийларга хилоф қилинглар», дедилар»⁵¹⁷.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз намоз ўқиса, оёқ кийимини кийиб олсин ёки уни ечиб, икки оёғининг ўртасига қўйсин, токи бошқа одам ундан азият чекмасин», дедилар. Бошқа бир ривоятда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз намоз ўқиганида иккита оёқ кийимини ўнг ёки чап тарафига қўймасин, лекин чап тарафда одам бўлмаса, қўйиши мумкин. Уларни икки оёғи ўртасига қўйсин», дедилар⁵¹⁸.

8. Рўмолнинг устида намоз ўқиш. Бу ҳақда Маймуна розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида мен қаршиларида эдим, ўшанда ҳайз кўргандим. Баъзан сажда қилганларида менга кийимлари тегарди. У зот рўмол устида намоз ўқирдилар»⁵¹⁹.

Муғйра ибн Шўба розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўйра ва ошланган тери устида намоз ўқирдилар»⁵²⁰.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ўта иссиқ кунларда намоз ўқирдик, агар бирортамиз юзини ерга қўйишга қодир бўлмаса, кийимини ерга ёзиб, унинг устига сажда қиларди»⁵²¹.

9. Намозда энгил ҳаракат қилиш. Бу ҳақда Саййида Оиша розийаллоҳу анҳо онамиз ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида ухлаётган эдим, оёғим у зотнинг қибла тарафларида эди, у зот сажда қилганларида мени қўллари билан босардилар, мен эса оёғимни йиғиб олар эдим, у зот турганларида оёғимни яна узатиб олар эдим. У кунларда уйларда чироқ бўлмаган(Кимнинг гапи?)»⁵²².

Абу Қатода розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида олдиларида у зотнинг

⁵¹⁶ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 316-бет.

⁵¹⁷ «Мўъжами Табароний», 7-китоб, 290-бет.

⁵¹⁸ «Ал-мустандрок», 1-китоб, 259-бет.

⁵¹⁹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 177-бет.

⁵²⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 177-бет.

⁵²¹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 177-бет.

⁵²² «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 123-бет.

қизлари Зайнаб розийаллоҳу анҳонинг қизлари турарди. У қизча Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бўйинларида эди, рукуъ қилганларида уни қўярдилар, саждадан тураётганларида эса яна олиб бўйинларига қўярдилар»⁵²³.

10. Намозда кўз қирини ташлаб қараш. Бу ҳақда Икрима розийаллоҳу анҳунинг биродарларидан бири ривоят қилиб айтади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларида бўйинларини бурмасдан, кўз қирларини ташлаб қарардилар»⁵²⁴.

Намознинг макруҳлари

1. Намозда майда тошларни сидириш. Бу ҳақда Муъайқиб розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозда майда тошларни сидириш ҳақида сўрадим. У зот: «Шундай қилиш лозим бўлиб қолса, бир мартага рухсат», дедилар»⁵²⁵.

2. Сочни ўриб йиғиб қўйиш. Бу ҳақда Абу Рофеъ розийаллоҳу анҳудан келган ривоятда айтилишича, у киши Ҳасан ибн Али розийаллоҳу анҳу намоз ўқиётганларида ёнларидан ўтдилар. Ҳасан сочларини ўриб орқага ташлаб олгандилар. Абу Рофеъ эса сочларини ўримидан бўшатиб ёзиб юбордилар. Ҳасан розийаллоҳу анҳу у кишига ғазабланиб қараган эдилар, Абу Рофеъ: «Намозингизга қаранг ва ғазабланманг, чунки мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Соч ўрими шайтоннинг улушидир», деганларини эшитдим», дедилар»⁵²⁶.

3. Мудраб ўтириш. Бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз агар намоз ўқиётганида мудраса, ўтириб олсин. Чунки мудраган ҳолда намоз ўқиса, у киши истиғфор айтмоқдами ёки ўз нафсини маломат қилмоқдами билмайди», дедилар»⁵²⁷.

4. Юқорига қараш. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намозда кўзларини осмонга қаратадиган қавмлар бу ишларини тўхтатадилар ёки кўзлари кўриш қобилият бўлиши аслига қайтмайди», дедилар»⁵²⁸.

5. Икки кўзни юмиш. Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз намозда турганида икки кўзини юммасин», дедилар»⁵²⁹.

6. Намозда эснаш. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намозда эснаш шайтондандир, агар бирортангиз эснаса, қодир бўлгунича эсноқни тўхтатсин», дедилар»⁵³⁰.

7. Қибла тарафга тупуриш. Бу ҳақда Нофеъ розийаллоҳу анҳу Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжиднинг қибла тарафида балғамли тупукни кўриб қолдилар

⁵²³ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 123-бет.

⁵²⁴ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 115-бет.

⁵²⁵ «Сунани Термизий», 1-китоб, 235-бет.

⁵²⁶ «Сунани Термизий», 1-китоб, 237-бет.

⁵²⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 61-бет.

⁵²⁸ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 321-бет.

⁵²⁹ «Мўъжами Табароний», 11-китоб, 29-бет.

⁵³⁰ «Сунани Термизий», 1-китоб, 230-бет.

ва туриб уни қириб ташладилар ёки уни қўллари билан қиртишлаб ташладилар. Кейин одамларга аччиқланиб юзландилар-да: «Аллоҳ таоло ҳар бирингиз намози олди тарафидадир. Сизлардан бирортангиз намозида олди тарафига балғам ташламасин», дедилар»⁵³¹.

8. Ўнг тарафига тупуриш. Бу ҳақда Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз намозда бўлса, олдига ва ўнг тарафига асло тупурмасин, лекин чап томонига, оёғининг тагига тупурсин. Агар жой тополмаса, кийимига бундай қилсин», деб кўрсатиб бердилар»⁵³².

9. Намозда у ёқ-бу ёққа қараш. Бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозда у ёқ-бу ёққа қараш ҳақида сўрадим, у зот: «Бу нарса шайтон бандадан ўғирлайдиган ўғрилиқдир (нарсадир)», дедилар»⁵³³.

10. Бармоқларни бир-бирига чалкаштириш. Бу ҳақда Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз уйда таҳорат қилса, кейин масжидга келиб, намоз ўқиб уйига қайтса, шу орада мана бундай демасин ва бармоқлари орасини чалкаштирмасин», дедилар»⁵³⁴.

11. Бармоқларни қирсиллатиш. Бу ҳақда Муоз ибн Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намозда кулувчи, у ёқ-бу ёққа қаровчи ва бармоқларини қирсиллатувчи бир манзилдадир»⁵³⁵, яъни ҳукми бирдир, дедилар.

12. Икки қўли билан салом бериш. Бу ҳақда Жобир ибн Самра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиганимизда «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ, ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ», дер эдик, у зот қўллари билан икки ёнларига ишора қилардилар».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Нима учун қўлларингизни қайсар отларнинг тик турган думлари каби қилиб оласиз? Сизлардан бирингиз қўлини сонига қўйиб, кейин ўнг ва чап томондаги биродарига салом бериши кифоя қилади», дедилар»⁵³⁶.

13. Рукуъ ва саждада Қуръон қироат қилиш. Бу ҳақда Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳудан келган ривоятда айтилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ипак ва сарғиш рангли кўйлак кийишдан, тилла узук тақишдан ва рукуъда Қуръон қироат қилишдан қайтарганлар»⁵³⁷.

14. Устунлар орасидаги саф. Бу ҳақда Абдул Ҳамид ибн Маҳмуд ривоят қилиб айтадилар: «Мен жума куни Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу билан бирга намоз ўқидим. Биз сафда отлиқларгача сурилиб бордик. Баъзимиз олдинга ва баъзимиз орқага кетиб қолдик, яъни сафимиз текислиги бузилди. Анас розийаллоҳу анҳу: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида бу ҳолатдан сақланар эдик», дедилар»⁵³⁸.

⁵³¹ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 102-бет.

⁵³² «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 102-бет.

⁵³³ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 181-бет.

⁵³⁴ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 206-бет.

⁵³⁵ «Мўъжами Табароний», 20-китоб, 190-бет.

⁵³⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 322-бет.

⁵³⁷ «Сунани Термизий», 1-китоб, 165-бет.

⁵³⁸ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 180-бет.

15. Намозда пуфлаш. Бу ҳақда Абу Солиҳ ривоят қилиб айтадилар: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари бўлмиш Умму Салама онамиз розийаллоҳу анҳонинг олдиларига кирдим. У ерга Умму Саламанинг акаларининг ўғли ҳам кирди ва уйларида икки ракат намоз ўқиди. Сажда қилган вақтида тупроқни пуфлади. Умму Салама унга: «Эй акамнинг ўғли! Пуфламагин. Чунки мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматкорлари Ясор пуфлаганида «Аллоҳ учун юзингни ғуборли қилавер», деганларини эшитганман», дедилар⁵³⁹.

16. Кийимни осилтириб олиш. Бу ҳақда Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозда кийимни осилтирган ҳолида кийишдан ҳамда оғизни кийим билан ёпиб олишдан қайтардилар»⁵⁴⁰.

Садал – киши кийими олдини боғламай очиқ қолдириб, икки ёндан тушириб олмоқлигидир. Баъзилар: «Изорининг ўртасини бошига қўйиш ва икки тарафини елкасига ташламасдан, ўнг ва чап тарафга тушириб қўйиши нимадир. Агар чўпонга ўхшаб кийимининг икки қўлини тикмай, шунчаки елкасига ташлаб олса ҳам, осилтириб олган бўлади», дейишди.

17. Кийимни тушириб, осилтириб қўйиш. Бу ҳақда Ибн Масъуд ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деяётганларини эшитдим: «Ким намозда изорини такаббурлик билан осилтириб олса, унга Аллоҳдан Ўзи ҳалол қилган ва ҳаром қилган нарсаларидан ҳеч нарса йўқ». Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан қилинган ривоятда бошқа бир ривоятда: «Албатта Аллоҳ таоло изорини такаббурлик билан осилтириб олган кишининг намозини қабул қилмайди», дейилади⁵⁴¹.

Кийимини осилтириб олиш – бу киши кийимини узун қилиб, юрганда ерга тегадиган қилиб олиши, у буни кибр ва кеккайишлик юзасидан қилади.

18. Елкасиз кийимда, яъни кийса, елкаси очиқ турадиган кийимда намоз ўқиш. Бу ҳақда Аърож Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз елкасида ҳеч нарса йўқ биргина кийимда намоз ўқимасин», дедилар⁵⁴².

19. Кийимни осилиб кетмаслиги учун ушлаб олиш. Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен еттита аъзоим билан сажда қилишга, кийим ва сочининг осилиб қолишининг олдини олиб, ушлаб олмасликка буюрилдим», дедилар⁵⁴³.

20. Намоздаги ўғирлик. Бу ҳақда Абу Қатода розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлар ичида ўғирликнинг энг ёмони намозини ўғирлаганидир», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули! Намозни қандай ўғирлайди?» дейишди. Шунда у зот: «Рукуъ ва саждасини мукамал қилмайди», дедилар⁵⁴⁴.

21. Саждада икки тирсагини тўшаш ва қарға чўқигани каби сажда қилиш. Бу ҳақда Абдурахмон ибн Шибл ал-Ансорий розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саждада ёввойи ҳайвонга ўхшаб икки тирсакни ерга тўшашдан, қарға

⁵³⁹ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 84-бет.

⁵⁴⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 174-бет.

⁵⁴¹ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 172-бет.

⁵⁴² «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 169-бет.

⁵⁴³ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 354-бет.

⁵⁴⁴ «Мўъжами Табароний», 3-китоб, 242-бет.

чўкишига ўхшатиб тез-тез сажда қилишдан ва саждага кетаётганда туя чўкишига ўхшаб чўкишдан қайтардилар»⁵⁴⁵.

22. Икки думбага ўтириб, икки болдирни тепага қилиб ўтириш. Ва яна икки сажда орасида икки оёқ қадамига ўтириб, икки думбани икки оёқ орқасига қўйиш ҳам ман қилинган. Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Икки сажда ўртасида оёқни тик қилиб, думбага ўтирмагин»⁵⁴⁶.

Икки қадамга ўтиришнинг жоизлиги Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ворид бўлган, у кишидан икки қадамни тик қилиб думбага ўтириш ҳақида сўрашганида, у зот суннатдир, дедилар⁵⁴⁷.

23. Катта сурат ёки ит бор уйда намоз ўқиш. Бу ҳақда Буср ибн Саид розийаллоҳу анҳу Зайд ибн Холид Абу Талҳа розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Зайд: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: «Ит ва сурат бор уйга фаришталар кирмайди». Буср айтадилар: «Кейин Зайд шикоят қилди, биз уни кўргани кирсак, эшигидаги пардада сурат бор эди. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллари Маймуна розийаллоҳу анҳо онамизнинг асранди ўғиллари оталари Абдуллоҳ Хувлоний розийаллоҳу анҳуга: «Зайд бизга аввалги кун суратлар ҳақида хабар бермадими?» десам, Абдуллоҳ: «Фақат кийимдаги бир сон миқдорисидагига рухсат», деганини эшитмадингизми? Бундан нақшни ва гул солишни, яъни кашта тикишни, тикилган кашта нақшларини ирода қилган», деди. Мен: «Хатто тикилган кашта бўлса ҳам, ундан қайтарилган», дедим». (ШУ ҲАДИСНИ ЎҚИНГ)

Бу ҳақда Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафардан қайтиб келганларида эшигимга парда тўсиб қўйгандим, унда кўп қанотли отлар расми бор эди. У зот менга буюргандилар, мен уни олиб ташладим»⁵⁴⁸.

Дурнук – бу кўринмаслик учун тўсиладиган нарса.

24. Намоз ўқувчининг олдидан ўтиш. Бу ҳақда Абу Жухайм розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намоз ўқувчининг олдидан ўтувчи одам нима бўлишини билганида эди, у қирқ (кун, ой, йил) кутиб туришни унинг олдидан ўтишдан кўра яхшироқ деб биларди», дедилар. Абу Назр: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қирқ кун ё ой ёки йил, дедиларми, билмайман», деб айтдилар⁵⁴⁹.

Намоз ўқувчининг олдида сутра (тўсиқ) қўйиши

Намоз ўқувчи озгина ўнг томонга ёки чап томонга бурган ҳолда тўсиқ қилиб қўйиши мустаҳабдир. Бунда у нарса билан очиқ ернинг ёки бинонинг ораси бўлиши фарқи йўқ. Намоз ўқувчи унга яқин бўлиши лозим ва тўсиқ билан намозхоннинг ораси сажда қилиш имкони миқдорича, уч зирёдан ошиб кетмаслиги керак. Сафларнинг ораси ҳам шундайдир. Тўсиқнинг узунлиги бир қулоч ёки бир қулочнинг иккидан бир қисми бўлади. Унинг қалинлиги найза ёки бармоқ қалинлигича бўлади.

⁵⁴⁵ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 303-бет.

⁵⁴⁶ «Сунани Термизий», 1-китоб, 174-бет.

⁵⁴⁷ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 381-бет.

⁵⁴⁸ «Саҳиҳи Муслим», 3-китоб, 1665-бет.

⁵⁴⁹ «Ал-муватто», 1-китоб, 131-бет.

Агар тўсиқ учун ҳасса тополмаса, олдига тошларни ёки тупроқни тўплаб қўяди ёки бирор матони тўсиқ қилиб қўяди. У ҳам бўлмаса, жойнамозни чўзиб қўяди ёки чизик чизиб қўяди. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз намоз ўқиса, юзининг тўғрисиغا, яъни олдига бирор нарса тўсиқ қилиб қўйсин. Агар ҳеч нарсани тополмаса, унда ҳассани тик қилиб қўйсин, агар унда ҳасса бўлмаса, олдига чегаралаб чизик чизиб қўйсин. Шунда олдидан ўтган нарса унга зарар қилмайди», дедилар»⁵⁵⁰.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Икки ҳайит намозида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учун ерга найзани суқиб қўйишарди, у зот уни тўсиқ қилиб намоз ўқирдилар»⁵⁵¹.

Саҳл ибн Абу Ҳасма розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз тўсиқ қўйиб намоз ўқиса, у сутрага яқинроқ турсин, шунда шайтон унинг намозини кеса олмайди», дедилар.

Миқдод ибн Асвад қизлари Зубоъа оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам устунни ё ҳассани ёки дарахтни тўсиқ қилиб намоз ўқиётганларида бу тўсиқлар у зотнинг ўнг ёки чап томонларида турганини кўрганман»⁵⁵².

Билол розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Ибн Умар розийаллоҳу анҳу у кишидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбага кирганларида нима қилганлари ҳақида сўрадилар. Билол: «Ўнг тарафларидан иккита устун ва чап тарафларида битта устун бор эди. Орқаларида учта устун бўлган ҳолатда турдилар. Кейин ўзлари ва қибла тараф орасини уч зироъ қилиб намоз ўқидилар», дедилар⁵⁵³.

Бизнинг фикримизча, олдидан ўтувчини қайтаришнинг кераги йўқдир. Бу ҳақда Абдуллоҳ «Завоиди муснад»да Иброҳим Ибн Саъддан ривоят қилинади. «Отам оталаридан эшитиб менга айтиб бердилар: «Намоз ўқиётган эдим, бир киши олдимдан ўтди, мен уни ман қилган эдим, айтганимни қилмади. Мен Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳудан бу ҳақда сўрасам, у зот: «Эй укамнинг ўғли, у сенга зарар бермайди», дедилар»⁵⁵⁴.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларида ҳеч нарса бўлмаган ҳолда намоз ўқидилар. Яна намоз ўқисалар, одамлар олдиларидан ўтиб кетишарди. У зот билан Каъба орасида тўсиқ йўқ эди⁵⁵⁵.

Имом Нававий ўтувчини қайтариш – таъкидланган мандуб амалдир. Қози Иёз айтадилар: «Ўтувчини қурол билан ўлдирмасликка ва ҳалок қилмасликка уламолар ижмоъ қилишди». Бу айтилганларнинг барчаси намозида камчиликка йўл қўймаган, балки эҳтиёт бўлиб ва тўсиқ ортида намоз ўқиган ёки олдидан одам ўтмайдиган жойда намоз ўқиган киши учундир. Агар намоз ўқувчи олдига тўсиқ қўймаган бўлса, олдидан ўтиб кетаётган одамни қайтарадими ё уни ушлаб ўзидан нари қиладими?

⁵⁵⁰ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 128-бет.

⁵⁵¹ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 128-бет.

⁵⁵² «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 128-бет.

⁵⁵³ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 128-бет.

⁵⁵⁴ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 136-бет.

⁵⁵⁵ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 145-бет.

«Тўғрироғи – уни қайтармайди. Бу ҳолда унинг олдидан ўтиш ҳаром эмас, лекин макруҳдир», деб айтганлар.

Агар масжидга кирувчи биринчи сафда бўш ўрин топса, у иккинчи сафнинг олдидан ўтиб иккинчи саф камчилиikka йўл қўйгани учун ҳалиги жойга туради.

Имомнинг сутраси орқадагиларга ҳам кифоя қилиши

Агар жамоат бир намозни имом орқасида ўқиётган бўлса, унда сафлар оралаб юриш жоиздир. Чунки имомнинг тўсиғи орқасида намоз ўқиётганга ҳам тўсиқдир. Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Мен ва Фазл урғочи эшақда келдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан Арафотда намоз ўқиётган эдилар. Биз сафнинг баъзисининг олдидан ўтиб, эшақдан тушдик-да, уни ўтлашга қўйиб юбориб, сафга кирдик. Менга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч нарса демадилар»⁵⁵⁶.

Намоз ўқувчининг олдида кўндаланг бўлиб ётиш жоиздир. Бу ҳақда Урва Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқирдилар. Оиша онамиз у зотнинг олдиларида ётган ҳолда у томонга, яъни Оиша розийаллоҳу анҳо ётган томонларига қараб намоз ўқирдилар. Бошқа бир ривоятда жанозани кўндаланг қўйишнинг жоизлиги айтилган⁵⁵⁷.

Намозни бузадиган нарсалар

1. Одамлар сўзлаб юрадиган нарсани гапириш. Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга у зот намозда турганларида салом берардик, у зот алик олардилар. Нажоший ҳузуридан қайтганимизда у зот намозда турганларида салом берсак, у зот алик олмадилар. Биз: «Эй Аллоҳнинг расули, илгари намоздалигингизда сизга салом берсак, сиз алик олардингиз», десак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта намоз ичида менинг алик олишим машғулликдир», дедилар»⁵⁵⁸. Зайд ибн Арқам розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Биз илгари намозда сўзлашиб, киши ёнидаги дўсти билан (бошқа) гаплашаварар эди. «Ва Аллоҳ учун бўйинсунган ҳолда турунглр» (Бақара сураси, 238-оят) амри нозил бўлганидан кейин биз жим туришга буюрилиб, гаплашишдан қайтарилдик»⁵⁵⁹.

2. Акса урувчи «Алҳамдулиллаҳ», деса, «Ярҳамукаллоҳ», дейиш. Бу ҳақда Муовия ибн Ҳакам ас-Сулмий розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиётган эдим, қавмдаги бир киши акса урди. Мен: «Ярҳамукаллоҳ», дедим. Одамлар менга бирданига қарашди. Мен: «Оналаринг боласиз қолгурлар! Сизларга нима бўлдики, менга қараяпсизлар?» дедим. Улар қўллари билан сонларини ура бошлашди. Улар мени жим қилмоқчи бўлишарди, лекин мен сукут сақладим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

⁵⁵⁶ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 142-бет.

⁵⁵⁷ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 3-китоб, 141-бет.

⁵⁵⁸ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 383-бет.

⁵⁵⁹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 381-бет.

васаллам намоз ўқиб бўлганларидан кейин, отам ва онам ҳаққи, у зотдан олдин ҳам, кейин ҳам у зотчалик яхши таълим берадиган устозни кўрмадим, Аллоҳга қасамки, у зот менга қовоқларини ҳам солмадилар, мени урмадилар, сўкмадилар ҳам, балки: «Албатта бу намозда одамларнинг каломидан бўлган нарсани айтиш тўғри бўлмайди. Балки намоз тасбеҳ, такбир ва Қуръон қироатидир», дедилар».

3. Намозда кулиш. Бу ҳақда Хумайд ибн Хилол ривоят қилиб айтадилар: «Абу Мусо розийаллоҳу анҳу асҳоблари билан намоз ўқидилар. Одамлар бир нарсани кўриб кулишди. Абу Мусо розийаллоҳу анҳу намоз ўқиб бўлганларидан кейин: «Сизлардан ким кулган бўлса, намозни қайта ўқисин», дедилар»⁵⁶⁰. Жобир розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Намозда кулган одам таҳоратини қайта қилмайди, яъни унинг таҳорати синмайди»⁵⁶¹.

4. Намозда қаҳқаҳа отиб кулиш. Бу ҳақда Иброҳим Нахайй ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва асҳоблари намоз ўқиётганларида кўзлари ожиз бир киши келди. Шунда у қоқилиб қудуққа йиқилиб тушди. Одамлар кулиб юборишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кулганларга таҳоратни янгилаб, намозни қайта ўқишни буюрдилар». Бу ҳадисни Абул Олия мурсал ҳолда ривоят қилган.

5. Намозда кийимида намлик мавжуд бўлиши. Бу ҳақда Холид ибн Лажлаж ривоят қиладилар. Бир куни Умар ибн Хаттоб одамлар билан намоз ўқиб тургандилар, аввалги икки ракатдан кейин қаъдага узоқ ўтирдилар. Ўринларидан турганларида орқага чекиндилар ва қавмдан бир кишини қўллари билан ушлаб олдинга, ўзларининг ўринларига қўйдилар. Аср намозига чиққанларида одамлар билан намоз ўқидилар. Ўқиб бўлганларидан сўнг Умар ибн Хаттоб минбарнинг четини ушлаб, Аллоҳга ҳамду сано айтиб: «Эй одамлар, мен намозга таҳорат қилдим-да, аёлим олдидан ўтдим, мен ва аёлим орамизда Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлди. Намозда эканимда кийимимда намликни топдим. Ўзимга икки ишдан бирини ихтиёр этдим: ё мен сизлардан уялиб, Аллоҳга журъат қиламан, яъни гуноҳкор бўламан, ё Аллоҳдан уялиб, сизларга журъат қиламан, яъни ёмон кўринаман. Мен учун Аллоҳдан уялиб, сизларга журъат қилишим суюклироқ бўлди. Чиқиб таҳорат қилиб қайтиб келдим-да, намозимни ўқидим. Ким менинг ҳолимга тушса, мен бажарганимдек қилсин», дедилар»⁵⁶².

Бу ривоятда таҳорат кетганда намознинг бузилиши ҳамда имом ўзининг ўрнига ўринбосар қўйиб кетиши жоизлиги бор.

Намозни бузмайдиган нарсалар

1. Намоз ўқувчининг олдидан нима бўлса ҳам ўтиши. Бу ҳақда Фазл ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Биз чўлда эканимизда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга келдилар. У зот билан бирга Аббос розийаллоҳу анҳу ҳам бор эдилар. У зот саҳрода олдиларида бирор тўсиқ йўқ бўлган ҳолда намоз ўқидилар. Эшакларимиз ва итлар олдиларидан ўтиб турди. Бу нарса намозга зарар қилмади»⁵⁶³.

⁵⁶⁰ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 174-бет.

⁵⁶¹ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 171-бет.

⁵⁶² «Сунани Байхақий», 3-китоб, 114-бет.

⁵⁶³ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 191-бет.

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намозни ҳеч нарса бузмайди. Агар олдингиздан бирор нарса ўтиб қолса, қўлингиздан келганича уни четлатинг, чунки у шайтондандир», дедилар⁵⁶⁴.

Абу Довуд айтадилар: «Агар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган икки хабар бир-бирига зид келса, у зотдан кейин саҳобалар қайси бирига амал қилишганига қаралади. Аёл кишининг намозхон олдидан ўтиши намозни бузмайди, эшак намозни бузмайди, намозни ҳеч нарса бузмайди».

2. Намозда таҳорат кетиши. Бу ҳақда Ҳишом ибн Урва розийаллоҳу анҳу оталаридан, у киши Оиша розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар биронтангизнинг намозда таҳорати кетса, бурнини ушласин ва бориб таҳорат қилсин», дедилар⁵⁶⁵.

Ҳоким айтадилар: «Мен Ҳофиз Дорақутнийнинг шундай деяётганларини эшитдим: «Абу Бакр Шофеъий Сайруфий: «Мусулмон уламоларнинг кучлиларидан ҳар бир фатво берувчиси албатта шу ҳадисдан фатво олган», деб айтганлар».

3. Намозда бурун қонаши. Бу ҳақда Али розийаллоҳу анҳу: «Агар намозда кишининг бурни қонаса ёки қайт қилса, гапирмасдан таҳорат қилсин-да, келиб намозини давом эттирсин», дедилар. Нофеъ розийаллоҳу анҳу: «Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу агар намоз ичида бурни қонаса, бориб таҳорат қиларди, шу аснода гапирмасдан қайтиб келиб, ўқиётган намозини давом эттирарди», дедилар.

Саид ибн Мусаййиб (2 та й бор) ва Аъто розийаллоҳу анҳудан ҳам худди шундай ривоят қилинган: «Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу бурни қонаса, чиқиб қонни юварди, кейин қайтиб келиб ўқиётган намозини давом эттирарди».

Масбуқ намознинг кечиккан қисмларини қандай адо қилиши ҳақида

Имом салом берганидан кейин масбуқ ўқий олмаган аввалги ракатларни ўқийди. Намоз бошлаётгандаги дуони, яъни санони, кейин «Аъзу...»ни, сўнг «Бисмиллаҳ...»ни, ундан кейин Фотиҳа ва бирор сурани зам қилиб ўқийди. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар намозга иқомат айтилса ҳам, секин юриб келиб, етган жойидан намозни ўқисин, етолмаган жойини саломдан кейин ўқисин», деганлар⁵⁶⁶.

Макруҳ бўлган намозлар

1. Бомдод намозидан кейин қуёш чиққунича бўлган вақтдаги намоз. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аср намозидан кейин то қуёш ботгунича бўлган вақтда ҳам намоз ўқишдан қайтардилар ва бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича бўлган вақтда намоз ўқишдан қайтардилар»⁵⁶⁷.

⁵⁶⁴ «Ал-мустадрок», 1-китоб, 184-бет.

⁵⁶⁵ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 256-бет.

⁵⁶⁶ «Жомеъул аҳадис», 1-китоб, 401-бет.

⁵⁶⁷ «Сунани Насайй», 1-китоб, 276-бет.

2. Аср намозидан кейин то қуёш ботгунича бўлган вақтдаги намоз. Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Мен бир эмас, балки бир неча Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан, хусусан, энг суюқлиси Умар ибн Хаттобдан эшитганман: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича бўлган вақтда аср намозидан кейин то қуёш ботгунгача бўлган вақтда намоз ўқишдан қайтардилар»⁵⁶⁸.

3. Қуёш чиқаётгандаги намоз. Бу ҳақда Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз қуёш чиқаётган ва ботаётган вақтда намоз ўқишни қасд қилмасин», дедилар. Шу ровий бошқа ривоятида: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуёш чиқиши ва ботиши пайтида намоз ўқишдан қайтардилар», дейди.

4. Куннинг қоқ ярмида, яъни қуёш тиккага келгандаги намоз. Бу ҳақда Уқба ибн Омир розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Уч вақтда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни намоз ўқишдан ёки шу вақтларда ўликларимизни кўмишдан қайтарардилар: қуёш оқариб чиқаётгандан то тўла кўтарилиб бўлгунича вақтда, пешинда қуёш тиккага келгандан то оғгунича бўлган вақтда, қуёш заифлашиб ботаётгандан токи ботиб бўлгунича бўлган фурсатда»⁵⁶⁹.

5. Фарз намозга иқомат айтилганда нафл намоз ўқиш. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар намозга иқомат айтилса, фақатгина фарз намоз ўқилади, бошқаси эмас», деб айтдилар⁵⁷⁰.

Ман қилинган намозлар

1. Таҳоратсиз намоз ўқиш. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким таҳоратсиз бўлса, то таҳорат олгунча унинг намози қабул этилмайди», дедилар. Ҳазрамавтлик бир киши: «Эй Абу Ҳурайра, бу қандай ҳадис?» деганида, у киши: «Орқадан овозсиз ва овозли ел чиқарувчи ҳақида айтилган ҳадис», дедилар⁵⁷¹.

2. Жунуб одамнинг намоз ўқиши. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Намозга иқомат айтилиб, сафлар текисланганида олдимизга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқдилар. Жойнамозда турганларида ўзларининг жунуб эканлари эсларига тушди ва бизга: «Маконингиздан тарқалмай туринглар», дедилар, сўнг қайтиб бориб ғул қилдилар, кейин олдимизга чиққанларида бошларидан сув томарди. Сўнг такбири таҳрима айтдилар. Биз у зот билан бирга намоз ўқидик»⁵⁷².

3. Ҳайз кўрган аёлнинг намоз ўқиши. Имом Бухорий бу ҳақда таълиқ ҳолда ривоят қилиб айтадилар: «Ато (Аътоми?) Жобирдан ривоят қилиб: «Оиша розийаллоҳу анҳо ҳайз кўрганларида (ҳажнинг) ҳамма амалларини

⁵⁶⁸ «Сунани Насайи», 1-китоб, 276-бет.

⁵⁶⁹ «Сунани Насайи», 1-китоб, 276-бет.

⁵⁷⁰ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 493-бет.

⁵⁷¹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 45-бет.

⁵⁷² «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 74-бет.

бажариб, фақат Байтуллоҳни тавоф қилмадилар ҳамда намоз ўқимадилар», дедилар»⁵⁷³.

Фарз намоз учун жамоатга етишиш

Билингки, азон айтилганидан кейин то фарз намоз ўқиб бўлингунича масжиддан чиқиш ҳалол бўлмайди. Бу ҳақда Абу Шаъсо ривоят қилиб айтадилар: «Биз масжидда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу билан ўтирган эдик, муаззин азон айтди. Бир киши туриб масжиддан чиқа бошлади. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу у кишини то масжиддан чиқиб кетгунича кўзлари билан кузатиб туриб: «Бу киши Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлди», дедилар»⁵⁷⁴.

Билингки, умумий суннат ва нафл намозларни уйда ўқиш афзалдир. Бу ҳақда Зайд ибн Собит розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хасафадаги ёки Ҳасийрдаги кичкина ҳужрани бошпана қилиб турдилар. Ҳужрадан чиқиб у ерда намоз ўқидилар». Ровий: «Одамлар у зотга эргашиб, иқтидо қилиб намоз ўқишга келдилар», деди. «Кечқурун (улар) ҳозир бўлиб туришди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса уларнинг олдига чиқишни кечиктирдилар. У зот уларнинг олдига чиқавермагач, овозларини баландлатиб эшикка тош отишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдига ғазабланиб чиқдилар-да: «Бу қилиғингизни сизларнинг зарарингизга гуноҳ деб ёзиб қўйилади, деб ўйладим. Сизлар ўйланингизда намоз ўқишни лозим тутинг. Албатта кишининг энг яхши намози ўйидаги ўқиган намозидир, фақат фарз намозлар бундай эмас», дедилар»⁵⁷⁵.

Намознинг қазосини ўқиш

Намоз қандай ўқилмай қолган бўлса, худди шундай қилиб қазосини қодир бўлган пайтда ўқийди. Абу Қатода розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хутба айтиб дедилар: «Сизлар кундузи ва кечаси юрасизлар. Иншааллоҳ, эртага сувга етишасизлар», дедилар. Одамлар бирин-кетин бўлиб эмас, умуман тарқалдилар. Шу вақтда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўл юрдилар, ҳатто кеча ёришиб кетди. Мен эса ёнларида эдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мудроқ босиб, уловларидан оғиб кета бошладилар, мен олдиларига бориб, у зотни уйғотмасдан суяб турдим, ҳатто у зот уловларида тўғриланиб олдилар. Кейин юриб бориб, ҳатто кечанинг вақти ўтди, у зот яна уловларидан оғиб кетдилар. Мен у зотни суяб турдим, токи уловларида тўғриланиб олдилар. Кейин яна кетаётиб, вақт саҳарнинг охирига келганда олдинги иккита оғишдан ҳам кучли оғиб кетдилар, ҳатто уловдан тушиб кетишларига оз қолди. Мен олдиларига бориб, у зотни суяб турдим, у зот бошларини кўтариб: «Ким бу?» дедилар. Мен: «Абу Қатодаман», дедим. «Қачондан бери мен билан юрибсан?» дедилар. Мен: «Кечаси билан шундай юрибман», дедим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Набийсини сақлаганинг учун

⁵⁷³ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 80-бет.

⁵⁷⁴ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 453-бет.

⁵⁷⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 54-бет.

Аллоҳ сени сақласин», дедилар. Кейин: «Одамлардан хуфя юрганимизни кўрдингми?» дедилар, сўнгра: «Бирор нимани кўрдингми?» деб сўрадилар. Мен: «Мана бу отлиғ кишини», дедим, сўнгра: «Бу бошқа отлиғ эди. Жамланганимизда еттита суворий бўлдик», деб айтдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлдан узоқлашиб, бошларини ерга қўйдиларда: «Намозларимизни муҳофаза қилинглар», дедилар. Биринчи бўлиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйғонганларида елкаларига қуёш нури тушиб турган эди. Биз эса кўрқиб, уйғониб кетдик. У зот: «Отланинглар», деб айтдилар. Биз уловларимизга миндик-да, йўлга тушдик. Қуёш кўтарилиб кетганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уловларидан тушдилар, сўнгра мендаги ичида озроқ суви бор мешни сўрадилар. Ундаги таҳорат устига бир таҳорат олдилар. У мешда сув озгина қолди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кейин менга: «Бу мешингни биз учун сақлагин, тезда унда бир хабар – яхшилик бор», дедилар. Кейин Билол намозга азон айтдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ракат намоз ўқидилар, кетидан бомдод намозини (фарзини) ўқидилар ва ҳар куни нима қилсалар, ўшани бажардилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уловларига миндилар ва биз ҳам уловларимизга миндик. Биз бир-биримизга шивирлаб: «Намозимиздаги хатоликка йўл қўйганимизга нима каффорат бўларкин?», дедик. У зот: «Сизлар учун мендан ибрат олиш бор-ку?» деб, уйқуда хатолик йўқдир. Хатолик эътиборсизлик билан намозини бошқа намоз вақти киргунича ўқимай юрган одамда бўлади. Ким шундай қилса, у намози эсига тушганда ўқиб олсин. Эртасига намозни ўз вақтида ўқиб олсин», дедилар⁵⁷⁶.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким намозни эсдан чиқарса ёки намоз вақтида ухлаб қолса, унинг каффорати намозни эслаганида ўқишидир», дедилар⁵⁷⁷.

Яна шу ровийдан қилинган бошқа ривоятда, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз намоздан ухлаб қолса ёки ундан ғофил қолиб, унутиб қўйса, эсига тушганида намозини ўқиб олсин. Албатта Аллоҳ таоло: «Мени зикр қилиш учун намозни тўкис адо қил» (Тоҳа сураси, 14-оят), деган», деб айтдилар⁵⁷⁸.

Вақтида ўқиладиган намоздан олдин қазо намозини ўқийди, фақат вақтида ўқиладиган намоз қазо бўлиши хавфи бўлгандагина вақтида ўқиётган намозни ўқийди. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки намоз ўқишни эсидан чиқарса, кейин у бошқа намоз ўқиш учун йиғилган жамоатдаги имомнинг олдида ҳалиги намози эсига тушса, у имом ўқиётган фарз намозни бирга ўқийди, ўқиб бўлганидан сўнг унутиб қўйган намозини ўқийди. Кейин имом билан ўқиган намозини қайта ўқийди», дедилар⁵⁷⁹. Агар вақт бемалол бўлгандагина шундай қилинади. Лекин бир намознинг охирги вақтида қазо намозни ўқиганида вақтида ўқиётган намознинг вақти ўтиб кетиш хавфи бўлса, вақтидаги намозни ўқий веради. кейин қазони ўқийди. Чунки бундаги ҳикмат – йўқ бўлган нарсани талаб қила туриб, бор бўлган нарсани йўқотишни тақозо этмайди. Албатта ўз вақтида намоз ўқиш

⁵⁷⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 472-бет.

⁵⁷⁷ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 477-бет.

⁵⁷⁸ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 477-бет.

⁵⁷⁹ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 221-бет.

Китоб (Қуръон) билан собит бўлган, тартибга риоя қилиш эса оҳод хабар билан собит бўлган, агар вақт бемалол бўлса, оҳод хабарга амал қилинади. Агар вақт оз қолган бўлса, Қуръонга амал қилиш аълороқдир.

Агар кўп намозларни қазо қилган бўлса, қазосини тартиб билан ўқийди. Бу ҳақда Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга душманнинг рўпарасида жангда бўлдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва биз пешин, аср, шом ва хуфтон намозларини ўтказиб юбордик. Ярим тун бўлганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб пешин намозини ўқишдан бошладилар. Уни ўқиб бўлиб, аср, сўнг шом, кейин хуфтон намозини бирин-кетин ўқидилар»⁵⁸⁰.

Намозни унутиб қўйса, тартиб соқит бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким намозни унутса ёки вақтидан ухлаб қолса, унинг каффорати эсига тушганда ўқишдир», деганлар. Қазо намозини ўқиш вақти эсига тушгандаги вақтдир. Агар эсига тушмаса ва қазо намози иккита бўлса, уларни бир вақт жамламаган бўлса, тартиб вожиб бўлмайди. Намоз вақти оз қолганида ҳам, юқорида айтганимиздек, тартиб соқит бўлади. Қазо намозлар кўп бўлганда ва еттинчи намоз вақти кирганида, яъни олтита намоз қазо бўлиб еттинчи намоз вақти кирганида, саҳиҳ сўзга кўра, тартиб соқит бўлади. Ихтиёр қилингани намозлар оз бўлгандагина тартибга қайтади.

Қазо намозини жамоат билан адо этиб, азон ва иқомат айтиб ўқилади. Бу ҳақда Абу Қатода розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик, қавмдаги баъзилар: «Бироз дам олиш учун тўхтасангиз», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен бомдод намози вақтида ухлаб қолишингиздан қўрқаман», дедилар. Билол розийаллоҳу анҳу: «Мен сизларни қўриқлаб тураман», дедилар. Ҳаммалари ётиб ухлашди. Билол розийаллоҳу анҳу орқалари билан туяларига суяндилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйғонганларида қуёш бир томони чиқиб бўлган эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Билол! Айтган гапинг қани?!» дедилар. Билол розийаллоҳу анҳу: «Мени ҳеч қачон бундай уйқу босмаган эди», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта Аллоҳ таоло хоҳлаганида руҳларингизни олади, хоҳлаган вақтида уларни қайтаради. Тургин, эй Билол, одамларни намозга чақириб азон айтинг», дедилар. Билол розийаллоҳу анҳу азон айтдилар, қуёш кўтарилиб кетган вақтда таҳорат қилишди, кейин иқомат айтдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан намоз ўқидилар»⁵⁸¹.

Беш вақт намозни вақтида ўқиёлмай қолса, қазо қилиб ўқийди, витрни ҳам қазо қилиб ўқийди. Бу ҳақда Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки витрни ўқимасдан ухлаб қолса ёки уни ўқишни унутса, эсига тушганида ёки уйғонганида ўқисин», дедилар⁵⁸². Зайд ибн Аслам розийаллоҳу анҳу ривоят қилишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким витр намозини ўқимасдан ухлаб қолса, эрталаб турганида ўқиб олсин», дедилар⁵⁸³.

⁵⁸⁰ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 219-бет.

⁵⁸¹ «Сунани Насайй», 2-китоб, 106-бет.

⁵⁸² «Сунани Термизий», 1-китоб, 290-бет.

⁵⁸³ «Сунани Термизий», 1-китоб, 290-бет.

Бомдод намозининг суннати ҳам фарзи билан бирга қазо қилиб ўқийди. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннати сафарда ухлаб қолганларида қазосини ўқиганлар.

Абу Марям розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдик, кечаси йўл юрдик, тонгга яқин қолганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уловларидан тушдилар ва ухладилар, одамлар ҳам ухлашди. У зот қуёш чиқиб, нурлари бизга тушганидан кейин уйғондилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муаззинга буюрдилар, у азон айтди, сўнгра бомдоддан аввалги икки ракат суннат намозни ўқидилар. Кейин муаззинга буюрдилар, у иқомат айтди, у зот одамлар билан бирга фарзини ўқидилар...»⁵⁸⁴

Имом Муҳаммад роҳимаҳуллоҳу айтадилар: «(Агар бомдод намозининг суннати) ёлғиз ўзини ўқимаган бўлса ҳам, қазо қилиб ўқийди». Бу ҳақда Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки бомдод намозининг икки ракат суннатига етиша олмаса, уни қуёш чиққанидан кейин (қазо қилиб) ўқисин», дедилар»⁵⁸⁵.

Пешин намозининг аввалги тўрт ракат суннат намозини ўқишга улгура олмаса, пешин намозидан кейин қазо қилиб ўқийди. Бу ҳақда Саййида Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам агар пешин намозидан олдинги тўрт ракат суннат намозини ўқишга улгурмасалар, уни пешин намози фарзидан кейин ўқирдилар»⁵⁸⁶. Чунки вақт пешин вақтидир ва у тўрт ракат намоз пешиннинг суннатидир. Имом Абу Юсуф фикрларича, у тўрт ракат суннат намозни пешиннинг икки ракат суннатидан олдин қазо қилади. Чунки у тўрт ракат икки ракат суннатдан олдин шаръий бўлган. Имом Муҳаммад фикрларича эса, тўрт ракатни икки ракатдан кейин қазо қилиб ўқийди. Чунки у тўрт ракатли суннат ўз вақтидан қазо бўлган. Энди иккинчиси ҳам ўз вақтидан ўтказиб юборилмайди. Бу аср намози суннатининг хилофичадир. Чунки асрнинг суннати пешинники каби таъкидланмаган.

Нафл намозлар ҳақидаги боб **Таъкидланган суннатлар ва мустаҳаб намозлар**

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари Умму Ҳабиба розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси бир банда ҳар куни Аллоҳга ўн икки ракат намоз ўқиса, Аллоҳ унга жаннатда бир уй бино қилади», дедилар⁵⁸⁷. Буни Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо баён қилиб: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин намозидан олдин уйимда тўрт ракат намоз ўқирдилар. Кейин чиқиб, одамлар билан пешин намозининг фарзини ўқирдилар, сўнг уйга кириб икки ракат намоз ўқирдилар. Одамлар билан шом намозининг фарзини ўқирдилар, кейин уйга кириб икки ракат суннати ўқирдилар. Одамлар билан хуфтон намозини ўқирдилар, кейин уйга кириб икки ракат суннати

⁵⁸⁴ «Сунани Насай», 1-китоб, 297-бет.

⁵⁸⁵ «Сунани Термизий», 1-китоб, 266-бет.

⁵⁸⁶ «Сунани Термизий», 1-китоб, 266-бет.

⁵⁸⁷ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 503-бет.

ўқирдилар...» (Ҳадис давом этиб, охирида Оиша розийаллоҳу анҳо: «Тонг отганида икки ракат намоз ўқирдилар», дедилар.)⁵⁸⁸

Буларнинг ҳаммаси таъкидланган суннат бўлиб тарк қилинмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бомдод намозининг икки ракат суннати агар сизларга отлиқлар ҳужум қилаётган бўлса ҳам тарк қилмасдан ўқинглар», дедилар⁵⁸⁹. Оиша розийаллоҳу анҳо айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нафл намозларнинг ҳар бирига бомдод намозининг икки ракат суннатичалик қаттиқ эътибор қилмаганлар»⁵⁹⁰. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдоднинг икки ракат суннатида қироатни енгил қилардилар, ҳатто Оиша онамиз розийаллоҳу анҳо: «У зот Фотиҳа сурасини ўқидилармикин?» дердилар⁵⁹¹. У зот бомдоднинг икки ракат суннатида «Қул йа аййуҳал кафирун...» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад...»ни ўқирдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешиндан олдинги тўрт ракатни ва бомдоддан олдинги икки ракатни ўз ҳолига ташлаб қўймасдилар, яъни қандай бўлмасин, ўқирдилар⁵⁹².

Абу Айюб Ансорий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуёш тиккадан заволга оққандаги тўрт ракат намозни доим иштиёқ билан ўқирдилар». Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, сиз доим қизиқиб ўқиётганингизни кўрганим бу қандай намоз?» деб айтдим. У зот: «Қуёш заволга кетган вақтда осмон эшиклари очилади. Пешин намози ўқилганидан кейин улар ёпилади. Мен учун пешин намози ўқиётганида яхшилик кўтарилишини ёқтираман», дедилар⁵⁹³.

Пешин намозидан кейинги икки ракат суннат намозига яна икки ракат қўшиб ўқиш мустаҳаб бўлади. Бу ҳақда Умму Ҳабиба розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким пешин намози фарзидан олдин тўрт ракат намоз ва кейин тўрт ракат намоз ўқиса, Аллоҳ таоло унинг этини дўзахга ҳаром қилади», дедилар. Мен шу гапларни эшитганимдан бери бу намозларни тарк қилмадим»⁵⁹⁴.

Аср намозидан олдин ҳам тўрт ракат намоз ўқиш мустаҳабдир. Бу ҳақда Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аср намозидан олдин тўрт ракат намоз ўқиган кишига Аллоҳ раҳм қилсин», дедилар⁵⁹⁵.

Шом намозидан кейинги нафл намозларининг фазилати ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки шом намозидан кейин олти ракат намоз ўқиса, бу ракатлар орасида ёмон гап гапирмаса, у ўн икки йил ибодат қилганнинг савоби берилади», дедилар⁵⁹⁶.

Оиша онамиз розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Кимки шом намозидан кейин йигирма ракат намоз ўқиса, Аллоҳ унга жаннатда бир уй бино қилади»⁵⁹⁷.

Хуфтон намозидан кейин тўрт ракат намоз ўқиш мустаҳабдир. Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

⁵⁸⁸ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 503-бет.

⁵⁸⁹ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 221-бет.

⁵⁹⁰ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 228-бет.

⁵⁹¹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 228-бет.

⁵⁹² «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 201-бет.

⁵⁹³ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 201-бет.

⁵⁹⁴ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 200-бет.

⁵⁹⁵ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 200-бет.

⁵⁹⁶ «Сунани Термизий», 1-китоб, 272-бет.

⁵⁹⁷ «Сунани Термизий», 1-китоб, 272-бет.

васалламга марфуъ қилинган ҳолда: «Кимки охирги хуфтон намозидан кейин тўрт ракат намоз ўқиса, аввалги икки ракатида «Қул йа аййуҳал кафирун...» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад...»ни зам қилиб ўқиса, кейинги икки ракатида «Танзилуссажда...», ва «Табаракаллази биадихил мулку»ни зам қилиб ўқиса, бу ўқиган намози учун лайлатул қадр кечаси ўқилган тўрт ракат намоз каби савоб ёзилади»⁵⁹⁸. Жума намозидан кейин тўрт ракат намоз ўқиш ҳам суннатдир. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз жума намозини ўқисангиз, ундан кейин тўрт ракат намоз ўқинг», дедилар»⁵⁹⁹.

Жума намозидан олдин ҳам тўрт ракат намоз ўқиш мустаҳабдир. Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу жума намозидан олдин ва кейин тўрт ракат намоз ўқирдилар⁶⁰⁰. Саҳоба шундай қилганлари учун ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйида уч марта айтган «Ҳар икки азон оралиғида хоҳловчилар учун намоз бордир деб айтган сўзларига биноан мустаҳабдир»⁶⁰¹.

Нафл намозларини ўқишга киришган киши бардавом ўқиши ёки вақтида ўқий олмаса, қазосини ўқиши лозим. Аллоҳ таоло: «Амалларинигизни ботил-бефойда қилиб қўйманглар», деб марҳамат қилади (Муҳаммад сураси, 33-оят). Нафл намозни бардавом ўқувчи одам худди нафл рўзага қиёслаб амал қилиши лозим. Чунки рўза тутишни ният қилган одамга рўзада бардавом бўлиши, агар тута олмаса, қазосини тутиб бериши вожиб. Бир киши: «Мен нафл рўза тутдим», деди. Лекин уни биродари зиёфатга чақирган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Биродаринг сен учун зиёфат ташкил этиб, тақлиф қилса, рўзангни очгин ва бошқа бир кун бунинг ўрнига рўза тутиб бергин», дедилар⁶⁰².

Нафл намозларни туриб ўқишга қуввати бўла туриб ташаҳхудда ўтиргандек ўтириб ўқиш жоиз. Бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳо шундай деганлар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтириб намоз ўқирдилар, ўтирган ҳолларида қироат қилардилар, қироатларидан ўттиз ёки қирқ оят миқдорида қолганда туриб қироат қилардилар. Кейин рукуъ қилардилар, сўнг сажда қилардилар, сўнгра иккинчи ракатда ҳам худди шундай қилардилар»⁶⁰³.

Лекин ўтириб намоз ўқиганнинг савоби туриб намоз ўқиганнинг савобининг ярмичадир. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Менга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўтириб ўқиган кишининг намози намознинг ярмидир», дедилар». Мен у зотнинг олдиларига борсам, ўтириб намоз ўқиётган эканлар. Мен қўлимни бошларига қўйдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сенга нима бўлди, эй Абдуллоҳ ибн Амр?» дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули, сиз «Ўтириб намоз ўқиган кишининг намози намознинг ярмидир», деб айтганингизни менга гапириб беришди. Лекин сиз ўзингиз ўтириб намоз

⁵⁹⁸ «Мўъжами Таброний», 11-китоб, 346-бет.

⁵⁹⁹ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 600-бет.

⁶⁰⁰ «Сунани Термизий», 2-китоб, 18-бет.

⁶⁰¹ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 218-бет.

⁶⁰² «Сунани Доракутний», 2-китоб, 178-бет.

⁶⁰³ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 505-бет.

ўқияпсиз-ку!» дедим. У зот: «Тўғри, лекин мен сизларнинг бирортангиз каби эмасман», дедилар»⁶⁰⁴.

Бомдод намозининг суннати таъкидланган суннатларидандир. Агар узри бўлмаса, эҳтиёткорлик юзасидан уни туриб ўқийди. Агар бирорта нафл намозни туриб бошласада, кейин ўтириб давом эттирса, Абу Ҳанифа фикрларича, жоиздир. Икки имом фикрларига кўра жоиз эмас, чунки тик туриш назр каби(охиригача туриб, намоз ўқишни) лозим қилади. Бунда Имом Абу Ҳанифанинг фикрлари ихтиёр қилингандир.

Кечаси ўқиладиган нафл намозлар

Кечасидаги нафл намоз салом билан икки ракат ўқилади. Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу холалари, Маймуна розийаллоҳу анҳоникида тунаганлари ҳақидаги ҳадисда айтилган. Жумладан Ибн Аббос (р.а.): «Кейин бориб у зотнинг ёнларида турдим, у зот қўлларини бошимга қўйиб, ўнг қулоғимдан ушлаб бурадиларда, икки ракат намоз ўқидилар, кейин яна икки ракат, сўнг яна икки ракат ўқидилар...», дейилади⁶⁰⁵.

Ёки тўрт ракатни бир салом билан ўқийди. Бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рамазонда ҳам, бошқаларда ҳам кечаси ўқиган намозларини ўн бир ракатдан зиёда қилмаганлар: тўрт ракат намоз ўқирдилар, у намознинг чиройлилигини ва узунлигини сиз сўраманг, сўнг тўрт ракат намоз ўқирдилар, у намознинг ҳам гўзаллигини ва узунлигини сиз сўраманг, яъни жуда чиройли суратда ва узун қилиб ўқидилар, кейин уч ракат намоз ўқирдилар...»⁶⁰⁶

Ёки бир салом билан олти ракат ўқийди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кечасидаги намозлари ҳақида Оиша розийаллоҳу анҳо: «Расулulloҳ (с.а.в.) кексайгач, олти ракат намоз ўқирдилар, еттинчисига витр ўқирдилар»⁶⁰⁷.

Ёки бир салом билан саккиз ракат ўқийди. Бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳо: «Ҳар икки ракатнинг бошида ўтириб ташаҳҳуд ўқигандан кейин охирида бир марта икки тарафга салом беради».

Икки ракат бошида ўтириш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кечасидаги намоз икки-икки ракатдан ўқилади», деб айтганлар. Эҳтимол, буни айтишдан мурод ҳар икки ракатда агар салом бермасдан турса ҳам, ташаҳҳуд ўқишдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ҳар икки ракатда ташаҳҳуд ўқилади», деган ҳадислари юқоридаги ҳадиснинг тафсири бўлади.

Кечасидаги нафл намозларни кундузи ўқиладиган нафл намозга ўхшаб, бир салом билан тўрт ракат ўқиш, Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳи фикрларича, афзалдир. Бу Оишани (р.а.) ривоятларига биноан шундайдир. Икки имом эса айтишганки: «Кечасидаги ўқиладиган нафл намоз иккита-иккитадир», деб айтишган. Ибн Умар розийаллоҳу анҳу тафсирларига кўра ҳар икки ракатда салом берилади. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан

⁶⁰⁴ «Сунани Доракутний», 2-китоб, 178-бет.

⁶⁰⁵ «Муснади Аҳмад», «Албино» шарҳи билан, 4-китоб, 250-бет.

⁶⁰⁶ «Саҳиҳи Муслим», 4-китоб, 509-бет.

⁶⁰⁷ «Фатхур Роббоний», 4-китоб, 259-бет.

«Ҳадисдаги иккита-иккита лафзи нима?» деб сўрашди. У зот: «Ҳар икки ракатда салом бериш», дедилар⁶⁰⁸.

Имом Шофеъий ва Имом Аҳмадлар (Аллоҳ уларнинг барчасини раҳматига олсин) шу фикрни олишган. Кўп сажда қилишдан кўра қиёмда узоқ туриш афзалдир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло: «Ва Аллоҳ учун бўйинсунган ҳолда турунглари» (Бақара сураси, 238-оят), деб марҳамат қилади. Чунки қиёмда Куръон қироат қилиш рукуъ ва саждада айтиладиган тасбеҳдан афзалдир.

Таровеҳ намози

Рамазон кечаларида ўқиладиган нафл намоз таровеҳ деб номланади. Мусулмонлар авваллари шу таровеҳ намозига жамланганларида ҳар икки саломдан кейин бир мунча ракат намоз ўқишлик миқдорича дам олардилар. Абу Салама розийаллоҳу анҳу Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рамазон ойида қатъий буюрилган ҳолда кечаси намоз ўқишга тарғиб қилиб: «Ким рамазон ойида иймон билан савоб умидида намозда қоим бўлса, унинг аввалги ўтган гуноҳлари кечирилади», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар ҳамки саҳобалар рамазонда таровеҳ ўқишни давом эттиришди. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу ва Умар (р.а.)ни ҳалифалигини илк даврларида ҳам иш шундай давом этди»⁶⁰⁹.

Таровеҳ намози суннати муаккададир. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни рамазон ойининг баъзи кечаларида ўқиганлар. Бардавомликни тарк қилганларидаги узрни баён қилиб берганлар. У ҳам бўлса, бизга фарз бўлиб қолишдан қўрққанларидир. Урва ибн Зубайр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Оиша розийаллоҳу анҳо шундай хабар берадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечанинг ярмида чиқиб, масжидда намоз ўқидилар. Кишилар у зотга иқтидо қилиб, у зотдек намоз ўқишди. Эрталаб одамлар бу ҳақда гаплашиб, уларнинг кўпчилиги йиғилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иккинчи кечада чиқдилар ва намоз ўқидилар. Одамлар у зотдек намоз ўқишди. Эрталаб одамлар бу ҳақда эслашар эди. Учинчи кечада масжид аҳли яна ҳам кўпайиб кетди. У зот чиқиб намоз ўқидилар, одамлар у зотдек намоз ўқишди. Тўртинчи кеча келганида масжид эгшасини йўқотиб қўйди. Яъни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдида чиқмадилар. Масжиддагилар намоз, деб чақира бошлашди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдида бомдод намози вақтида чиқдилар. Бомдод ўқиб бўлинганидан кейин одамларга юзланиб, шаҳодат калимасини айтиб, кейин: «Бу кечадаги ишингиз мендан махфий эмас, лекин мен тўнги намоз сизларга фарз бўлиб қолиб, уни ўқишдан ожиз қолишларингиздан қўрқдим», дедилар»⁶¹⁰.

Оиша розийаллоҳу анҳодан Имом Бухорий ривоят қилган яна бир ҳадисда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқидилар ва бу рамазон ойида эди», деб келади⁶¹¹.

⁶⁰⁸ «Фатхур Роббоний», 4-китоб, 266-бет.

⁶⁰⁹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 523-бет.

⁶¹⁰ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 524-бет.

⁶¹¹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 396-бет.

Асад ибн Амр Абу Юсуфдан ривоят қилиб айтадилар: «Мен Абу Ханифадан таровеҳ ҳақида ва Умар розийаллоҳу анҳу таровеҳни нима қилганлари ҳақида сўрасам, у зот: «Таровеҳ намози таъкидланган суннатдир. Умар розийаллоҳу анҳу уни ўзларидан тўқиб чиқармаганлар ва унда бидъатчи ҳам бўлмаганлар. Одамлар Убай ибн Каъб розийаллоҳу анҳу ҳузурларига тўпланиб, таровеҳни жамоат бўлиб ўқишган. Кўп сонли саҳобалар, шунингдек, Усмон, Али, Ибн Масъуд, Аббос ва у кишининг ўғли, Талҳа, Зубайр, Муоз, Убай ва бошқа, муҳожир ва ансорларнинг ҳеч бири таровеҳни рад этишмаган. Балки улар таровеҳнинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатлари эканини билганлари ҳолда уни ўқишга буюришди».

Абу Зарр розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтдилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга рамазонда рўза тутдик. Рамазон ойидан етти кун қолгунича бизга учрамадилар. Кейин олдимизга чиқиб, биз билан кечанинг учдан бир қисми ўтгунича намоз адо этилар. Рамазоннинг тугашига олти кун қолганида биз билан намоз адо этмадилар. Рамазон тугашига беш кун қолганида биз билан ярим кечагача намоз ўқидилар. Биз: «Эй Аллоҳнинг расули, бу кечанинг қолганида ҳам бизга нафл намоз ўқиб берсангиз эди», дедик. У зот: «Ким имом билан намозини тугатгунича намозда бирга бўлса, унга кечаси намозда қоим бўлганлик савоби ёзилади», дедилар. Кейин рамазон ойидан уч кун қолгунича биз билан учрашмадилар. Рамазон ойига уч кун қолганида чиқиб биз билан намоз ўқидилар. Аҳллари ва аёлларини ҳам чақирдилар. Биз билан яна намозда шунчалик узоқ қоим бўлдиларки, биз фалаҳдан хавфсираб қолдик». У кишидан: «Фалаҳ нима?» деб сўралди. «У саҳарлик вақтидир», дедилар. (Яъни, у киши: «Намозда узоқ турганимиздан саҳарлик вақти кириб қолмадимикин?» деб хавфсирай бошладик», дедилар.)⁶¹²

Абдурахмон ибн Абдул Қоррий айтадилар: «Мен Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу билан бирга рамазон ойидаги бир кечада масжидга чиқдим. Одамлар масжидда турли жойларга жойлашиб олиб, ўз-ўзига намоз ўқиган, бошқа бир киши бир неча тўда ўқиётган намозга иқтидо қилган. Умар розийаллоҳу анҳу: «Агар буларга бир қорини бош қилсам, яхши бўлар эди, деб ўйлайман», дедилар. Кейин қасд қилиб уларни Убай ибн Каъб розийаллоҳу анҳу ҳузурига тўпладилар, яъни Убай ибн Каъб имом бўлиб уларга таровеҳ ўқиб берадиган бўлдилар. Сўнгра мен Умар розийаллоҳу анҳу билан бошқа кечада масжидга чиқдим. Одамлар қориларига иқтидо қилиб намоз ўқишарди. Умар розийаллоҳу анҳу: «Бунча ҳам яхши бу бидъат, ухлаб қолганлар ҳозир намозда қоим турганлардан афзалдир», дедилар. У зот бу сўз билан кечанинг охирини ирода қилгандилар, яъни ҳозир ухлаётганлар кечанинг охирида туриб намоз ўқишади ва бунинг савоби кўпроқ бўлади. Бу ердаги одамлар эса кечанинг аввалида қоим бўлгандилар»⁶¹³.

Таровеҳнинг суннати жамоат билан ўқишдир, лекин кифоя қиларлик йўл билан (жамоатга қийин қилиб қўймасдан) ўқилади. Агар таровеҳни масжид аҳли тарк қилса, гуноҳкор бўладилар, агар жамоатга чиқмай, ёлғиз ўзлари уйларида ўқишса, гуноҳкор бўлмайдилар.

⁶¹² «Сунани Термизий», 2-китоб, 150-бет.

⁶¹³ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 396-бет.

Имом Термизий «Сунан»ларида: «Аҳли илм рамазон ойида неча ракат намоз ўқиш ҳақида ихтилоф қилдилар. Баъзилари витрни қўшиб, қирқ бир ракат ўқилади, деб фикр билдирдилар. Бу Мадина аҳлининг фикридир, бунга Мадинада амал қилинади. Али, Умар розийаллоҳу анҳу ва улардан бошқа Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларининг аксари йигирма ракат ўқишни айтишган. Бу сўзни Суфён Саврий, Ибн Муборак ва имом Шофеъийлар (Аллоҳ барчаларини ўз раҳматига олсин) айтишган. Шофеъий: «Шаҳримиз Маккада худди шундай, йигирма ракат намоз ўқишаётганини билдим», дедилар. Молик Язид ибн Румон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтдилар: «Одамлар Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу замонида рамазонда йигирма уч ракат намоз ўқишарди»⁶¹⁴. Язид ибн Хусайфа Соиб ибн Язиддан ривоят қилиб: «Одамлар Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу даврида рамазонда йигирма ракат намоз ўқиб унда «Улар икки юз оят ўқишардилар. Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳу даврларида эса қиёмда узоқ туришнинг шиддатидан одамлар ҳассаларига суяниб турардилар»⁶¹⁵.

Миқсам Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам рамазон ойида жамоатсиз йигирма ракат намоз ва витрни ўқирдилар» (Бу ҳадис заиф)⁶¹⁶. Абул Хасийб ривоят қилиб айтадилар: «Сувайд ибн Ғифла рамазонда бизга имом бўлиб, беш бўлак таровеҳ намозини йигирма ракат қилиб ўқиб берардилар»⁶¹⁷.

Абул Ҳасно ривоят қиладилар: «Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳу бир кишига одамлар билан беш бўлак таровеҳ намозини йигирма ракат қилиб ўқишга буюрдилар»⁶¹⁸.

Абу Абдураҳмон ас-Саламий Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Али розийаллоҳу анҳу рамазонда қориларни чақириб, улардан бирига одамлар билан йигирма ракат намоз ўқишга буюрдилар». Ровий: «Али розийаллоҳу анҳу ўзлари одамларга витрни ўқиб берардилар», деб айтдилар⁶¹⁹.

Абу Салама ибн Абдураҳмон розийаллоҳу анҳу Оиша розийаллоҳу анҳудан: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозлари рамазонда қандай бўлган?» деб сўрадилар. Оиша розийаллоҳу анҳо: «У зот рамазонда ҳам, бошқа ойларда ҳам ўн бир ракат намоздан зиёда қилмасдилар. Тўрт ракатдан қилиб ўқирдилар у ракатларнинг гўзаллиги ва узунлигини сиз сўраманг. Кейин уч ракат ўқирдилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг расули...»

Соиб ибн Язид айтадилар: «Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу Убай ибн Каъб ва Тамим Дорий розийаллоҳу анҳуларга одамларга ўн бир ракат намоз ўқиб беришни буюрдилар». Ровий айтадилар: «Қори икки юз оят ўқиб, айёмни узун қилганидан асоларимизга суяниб турардик, биз фақат тонг отиб қолишидан хавфсираб тарқалардик»⁶²⁰.

Довуд ибн Хусайн розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Аърож розийаллоҳу анҳу: «Мен одамлар рамазондаги витр намозида қунут

⁶¹⁴ «Алмуватто», 1-китоб, 105-бет.

⁶¹⁵ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 496-бет.

⁶¹⁶ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 496-бет.

⁶¹⁷ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 496-бет.

⁶¹⁸ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 496-бет.

⁶¹⁹ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 496-бет.

⁶²⁰ «Алмуватто», 1-китоб, 105-бет.

(дуосида) кофирларни лаънатлаётганларини билдим. Қори Бақара сурасининг ҳаммасини саккиз ракат таровеҳ намозида ўқирди. Агар у Бақара сурасини ўн икки ракатда ўқиса, одамлар у қори энгил ўқиди, деб ўйлашарди»⁶²¹.

Абдуллоҳ ибн Абу Бакр розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Отам шундай деганларини эшитдим: «Биз рамазон ойида кечаси намоз ўқиб бўлиб тарқалиб, ходимларни тонг отиб қолиши хавфидан таом тайёрлашда шошилтирардик»⁶²².

Икки ривоятни жамлаш мумкин. Улар аввал ўн бир ракат намоз ўқишар эди. Кейин эса йигирма ракат намоз ва уч ракат витрни ўқишар эди. Валлоҳу аълам.

Таровеҳ намозини жамоат билан ўқиган яхшими ёки якка ҳолдами?

Ибн Муборак, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Исҳоқ ибн Раҳавайҳ рамазон ойида имом билан намоз ўқишни ихтиёр қилганлар. Бу ҳақда Саълаба ибн Абу Молик Қуразий ҳадис ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рамазон кечаси масжидга чиқиб, масжиднинг бир четида одамлар намоз ўқиётганини кўрдилар ва: «Анавилар нима қилишяпти?» дедилар. Бир киши: «Эй Аллоҳнинг расули! Улар Қуръон ёдлашмаган, Убай ибн Каъб уларга Қуръон ва намоз ўқиб имомлик қилиб бераяпти, деди. У зот: «Яхши қилишибди ёки намозга етишибди», деб уларни қариҳ кўрмадилар»⁶²³.

Имом Шофеъий роҳматуллоҳи алайҳ агар киши қори бўлса, унинг ёлғиз ўқишини ихтиёр қилдилар. Бунга далил қилиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги: «Сизларнинг қилган ишингизнинг сабабини билдим. Эй одамлар, ўз уйингизда намоз ўқинглар, чунки киши ўқиган намозининг афзали уйидагисидир. Фақат фарз намозларнигина жамоат билан масжидда ўқилади», дедилар»⁶²⁴.

Мужоҳид Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Ибн Умар розийаллоҳу анҳуга бир киши: «Мен рамазонда имомнинг ортидан намоз ўқийверайми?», деганида Ибн Умар розийаллоҳу анҳу: «Қуръонни ўқий олмайсанми?» дедилар. У киши: «Ўқий оламан», деди. Ибн Умар: «Эшак каби жим тураверасанми? Намозингни уйингда ўқигин», дедилар»⁶²⁵.

Энди одамларнинг кўпчилиги Қуръонни кам ўқиганлиги, уни ёдламаганлиги учун, агар уйларида таровеҳ ўқийдиган бўлсалар, таровеҳда дангасалик қилишлари эҳтимоллиги борлиги учун уларнинг жамоатга чиқишлари аълороқдир. Имом ва қавм ҳар икки ракатда такбири таҳримадан кейин сано ўқишади. Имом ташаҳҳудга бирор дуони зиёда қилади. Аммо қавмга малол келса, зиёда қилмайди. Ташаҳҳуддан кейин саловот ўқийди. Чунки саловат Имом Шофеъий фикрларича, фарздир. Дуоларни айтмайди. Намоздаги мункар, яъни ҳарфлари билинмайдиган, яхши тушунилмайдиган даражада тез ўқиш, Аъзу ва бисмиллаҳни

⁶²¹ «Алмуватто», 1-китоб, 105-бет.

⁶²² «Алмуватто», 1-китоб, 105-бет.

⁶²³ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 495-бет.

⁶²⁴ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 494-бет.

⁶²⁵ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 494-бет.

айтмаслик, сокин турмаслик, тасбеҳни ва орада дам олишни тарк қилиш каби ишлардан четланади.

Таровеҳ намозининг вақти хуфтон намози билан тонг отишнинг орасидаги пайтдир. Хуфтон намозидан олдин таровеҳ ўқиш жоиз эмас. Аммо витрдан кейин ўқиса, жоиздир. Таровеҳни туриб ўқишга қуввати бўла туриб ўтириб ўқиса, макруҳ бўлади. Чунки уни ўқиш кўп таъкидланган. Таровеҳда бир марта хатми Қуръон қилиш суннатдир. Қавмнинг дангасалиги сабабли рамазонда Қуръон хатм қилишни тарк қилмайди. Рамазон ойидан бошқа ойларда витрни жамоат билан ўқимайди. Чунки саҳобалар рамазон ойидан бошқа ойларда витрни жамоат билан ўқишмаган. Афзали рамазон ойида витрни жамоат билан адо этишдир. Чунки Умар розийаллоҳу анҳу одамларга фарзда ва витрда имом бўлардилар. Витр намозида қунут ўқиганда, Имом Абу Юсуф фикрларича, уни жаҳрий ўқимайди. Ундаги афзал тарафи махфий ўқишдир. Имом Муҳаммад: «Имом қунутни овозини чиқариб жаҳрий ўқийди, иқтидо қилувчи омийн, дейди», деб айтганлар.

Кусуф ва хусуф намози

Кусуф ва хусуф – бу осмон жисмининг бошқа бир осмон жисми ва Ер орасидан ўтиши натижасида ҳалиги жисм нурининг умумий ёки жузъий тўсилишидир. Хусуф ой тутилишига хос қилинди. Кусуф эса қуёш ва юлдузлар тутилишига хос қилинди. Қуёш ва ойнинг тутилишига сабаб Ер ва ой қоронғу жисмдир. Агар ой Ернинг соясидан ўтса, унда ой Ердан қуёшни тўсиб қўяди ва хусуф – ой тутилиши содир бўлади. Агар ер ой соясидан ўтса, ойдан қуёшни тўсиб қўйиб, кусуф содир бўлади. Хусуф ой тўлганда содир бўлади. Ой уфқ (горизонт)нинг тепасида кўриниб, барча шаҳарлар унга гувоҳ бўлади. Аммо кусуф арабий ойнинг бошида содир бўлади. Шу шарт биланки, қуёшнинг чамбарагидан ойнинг ўтиш йўли 18,5 даража узоқликдан зиёда бўлмасин ва Ер билан ойнинг орасидаги масофа кичик бўлиб, то ер ойнинг соясидан ўтиб кетиши керак. Кусуф ойнинг шарқдан ғарб томон ҳаракатланиши натижасида жуда кўп жойларда, ҳар хил вақтларда содир бўлади.

Қуёш нур таратувчи копток, Ер эса унинг атрофида сузиб юрувчи, Ой эса Ер атрофида айланувчи дейилади. Қачонки, ой Ер билан қуёш орасида туриб қолса, ер юзининг қуёшга қараб турган (қуёш нури тушиб турган) тарафидан нурни тўсиб қўяди, шунда қуёш тутилди, яъни кусуф бўлди, деб айтилади. Қачон Ер қуёш билан ойнинг орасида туриб қолса, қуёш нурини ойдан тўсади ва соясини ойга тушириб, уни хиралаштириб қўяди. Шунда ой тутилди, хусуф бўлди, деб айтилади.

Кусуф ва хусуфнинг барчаси умумий ва жузъий бўлиши махфий бўлмаганидек, икковидан ҳар бири кейингисига мутлақ бўлиб ҳам келади. Қуёшни ҳам, ойни ҳам Роббимиз таборака ва таоло юргизиб қўйган. Абу Бурда Абу Мусо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Қуёш тутилганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Қиёмат бўлиб қолдимикан, деб қўрқиб, ўринларидан турдиларда масжидга бориб қиёми, рукуъси ва саждасини узун қилиб намоз ўқидилар. Мен бундай қилганларини ҳеч кўрмагандим. Кейин у зот: «Бу оят-мўъжизаларни, бирор кимсанинг ўлгани ёки туғилгани учун эмас, балки Аллоҳ улар билан Ўз бандаларини қўрқитиб огаҳлантириш учун юборади. Агар сизлар булардан

бирортасини кўрсангиз, Аллоҳнинг зикрига, Унга дуо қилиш ва истиффор айтишга шошилишлар», дедилар»⁶²⁶.

Зиёд ибн Алоқа розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Мен Муғйра ибн Шўба шундай деяётганларини эшитдим: «Иброҳим (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғиллари) вафот этган куни қуёш тутилди. Одамлар: «Қуёш Иброҳимнинг ўлими сабабли тутилди», дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта қуёш ва ой Аллоҳнинг оят ва аломатларидан биридир. Бирор киши ўлгани сабабли ҳам ёки туғилгани сабабли ҳам тутилмайди. Агар икковининг тутилганини кўрсангиз, то равшан бўлгунича Аллоҳга дуо қилишлар ва намоз ўқинлар», дедилар»⁶²⁷.

Кусуф намози суннати муаккададир, у нафл намозига ўхшаб икки ракат ўқилади. Бу ҳақда Маҳмуд ибн Лабид розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Иброҳим ибн Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлган куни қуёш тутилди... (ҳадис давомида). Кейин намозга турдилар ва бизнинг тушунишимизча, «Алиф лам ро китобун, деб...» (Худ сурасидан) баъзи оятларни қироат қилдилар. Кейин рукуъ қилиб, тикка турдилар. Сўнг икки марта сажда қилдилар. Кейин туриб олдинги ракатда бажарганларидек қироат, рукуъ, саждаларни қилдилар»⁶²⁸.

Нўмон ибн Башир розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуёш тутилганида сизларнинг намозингиз каби рукуъ ва сажда қилиб намоз ўқирдилар»⁶²⁹.

Самура ибн Жундуб розийаллоҳу анҳу қуёш тутилиши ҳақида узун ҳадис ривоят қилиб, Расулulloҳ с.а.в. биз билан намозга турдилар, қиёмда шунчалик узоқ турдиларки, бунчалик намозда узоқ турмаган эдилар. Биз овозларини эшитмас эдик. Кейин шундай узун рукуъ қилдиларки, намозда ҳеч бундай рукуъ қилмагандилар. У зотнинг овозларини эшитмас эдик. Кейин иккинчи ракатда ҳам шундай қилдилар. Қуёшнинг ёруғлашиши у зотнинг иккинчи ракатда ўтиришларига тўғри келди...», дейилади»⁶³⁰.

Абу Бакра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида қуёш тутилди. У зот шошилиб кийимларини судраган ҳолда олиб масжидга бордилар. Одамлар йиғилди. У зот икки ракат намоз ўқидилар, ундан кейин қуёш ёришиб, равшан тортди...»⁶³¹.

Жума ўқийдиган имом одамларга кусуф ва хусуф намозини ўқиб, уни жаҳрий ўқимайди, хутба ҳам қилмайди. Чунки булар ҳадисларда нақл қилинмаган. Самура розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: «Биз у зотнинг овозларини эшитмасдик. Уларга қироатни узун қилардилар», деб айтилган. Бу ҳақда ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кусуф намозининг биринчи ракатида Бақара сурасини ўқиш миқдорича, иккинчисидан эса Оли-Имронни ўқиш миқдорича тик турганлар. Агар имом одамларга намоз ўқиб бермаса, битта-биттадан бўлиб икки ракат ёки тўрт ракат намоз ўқишади. У намоздан кейин қуёш равшанлашгунича дуо қилишади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

⁶²⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 210-бет.

⁶²⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 210-бет.

⁶²⁸ «Фатҳур Роббоний», 6-китоб, 185-бет.

⁶²⁹ «Фатҳур Роббоний», 6-китоб, 187-бет.

⁶³⁰ «Фатҳур Роббоний», 6-китоб, 190-бет.

⁶³¹ «Фатҳур Роббоний», 6-китоб, 192-бет.

бу ҳақда: «Агар тутилишга ўхшаш бир нарса кўрсангиз, Аллоҳнинг зикрига, Унга дуо қилишга ва истиффор айтишга шошилишлар», деб буюрганлар. Бошқа ривоятда: «Намозга шошилишлар», дейилган. Бунинг маъноси Аллоҳни зикр қилиш ва дуо қилиш, Унга истиффор айтиш деганини англатади. Яна бир ривоятда: «Агар тутилишни кўрсанглар, Аллоҳни зикр қилиб такбир айтиб, намоз ўқиб, садақа беринглар», деб келади⁶³².

Кусуф намози ҳақида бир неча ривоятлар ворид бўлган. Улардан бирида келишича, у икки ракат ўқилади. Ҳар бир ракатида иккита рукуъ ва иккитадан сажда қилинади. Яна бирида келишича, икки ракат ўқилади, ҳар бир ракатида учтадан рукуъ қилинади. Яна бир ривоятда икки ракат ўқилиши, ҳар бир ракатида тўрттадан рукуъ қилиниши айтилган. Яна бирида келишича, икки ракат, ҳар бир ракатида беш марта рукуъ қилинади, дейилган. Валлоҳу аълам.

Ой тутилишида, яъни хусуфда ҳар бир киши ёлғиз ўзи намоз ўқийди. Чунки у кечаси содир бўлгани учун жамоатга йиғилиш ҳам узрли бўлади. Шунингдек қоронғуликда, бўронда душман хавфи борлигида ҳам шундай бўлади.

Истисқо намози

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Роббингиз азза ва жалла айтади: «Агар бандаларим Менга итоат қилишса, албатта уларни кечасидаги ёмғир билан сийлаб, кундузи уларга қуёшни чиқариб, момақалдиноқ овозини уларга албатта эшиттирмас эдим»⁶³³. Аллоҳ таоло бандаларининг уларга буюрган нарсаларини бажариб, қайтарилган нарсаларидан четланишларини яхши кўради. Агар шундай қилишса, уларга кечаси сув беради, чунки ёмғирнинг кечаси ёғишида машаққат йўқлиги учун раҳматдир. Ёмғирнинг кундузи ёғиши уларнинг баъзи ишларини вақтинча тўхтатишига сабаб бўлиб, ҳаракат ва юришдан ман қилади, булут борлиги учун қуёш чиқишини тўсади. Натижада унинг нурларидан фойдаланишмайди. Аллоҳга итоат этувчиларлардан Жамики машаққатни кўтаради. Аллоҳ уларга момақалдиноқ овозини ундан ваҳимага тушмасликлари учун эшиттирмайди. Бу раҳматни охириги чегарасидир

Роббимизнинг ҳаром қилган нарсаларидан четланмаслик Аллоҳнинг Ўз бандаларига ғазабини чақирувчи, қаҳатчилик, қурғоқчилик билан улардан интиқом олинишига сабаб бўлувчидир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Агар шукр қилиб, иймонли бўлсаларингиз, Аллоҳ сизларни нега азобласин?! Ахир Аллоҳ (бандаларининг тоат-ибодатларига савоб ато этиши билан) шукр қилувчи ва билгувчи бўлган Зот-ку!» (Нисо сураси, 147-оят.) Агар уларга қаҳатчилик ва қурғоқчилик тушса, демак, Роббиларининг улардан рози эмаслигини белгисидир. Улар Роббиларига қайтиб, тавба қилиб, истиффор айтишлари лозим. Шунда Аллоҳ азза ва жалла Ўз раҳмати билан уларга ёрдам беради.

Истисқо (ёмғир сўраб дуо қилиш намози) ҳақида Қуръонда Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Парвардигорингиз (Аллоҳ)дан мағфират сўранглар, албатта У ўта мағфиратли бўлган Этдир. Шунда у Зот

⁶³² «Саҳиҳи Бухорий», 206-бет.

⁶³³ «Саҳиҳи Бухорий», 210-бет.

устингизга осмондан ёмғир қуйдирур. Сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад берур ҳамда сизларга боғу бўстонлар ато қилур ва сизларга оқар дарёлар ато қилур» (Нух сураси, 10–12-оятлар).

Аллоҳ таоло Ўз мададини истиғфорга тааллуқли қилди. Яна Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Эй қавмим, Парвардигорингиздан мағфират сўрангиз, сўнг Унга тавба-тазарру қилингиз. Шунда У Зот устингизга осмондан ёмғир қуйдирур, куч-қувватларингизга яна куч-қувват қўшур» (Худ сураси, 52-оят).

Абу Ханифа айтадилар: «Истисқода жамоат билан ўқиладиган суннат намоз йўқдир». Албатта истисқо юқоридаги икки оятга кўра, дуо ва истиғфордин. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу бу ҳақда ривоят қилдилар: «Бир киши жума куни масжидга минбарнинг тўғрисидаги эшикдан кирди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса турган ҳолда хутба ўқиётган эдилар. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларида турди ва: «Эй Аллоҳнинг расули, моллар ҳалок бўлди, йўллар кесилди. Аллоҳга дуо қилинг, бизга ёрдам берсин», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қўлларини кўтариб: «Аллоҳим, бизга сув – ёмғир бер», дедилар. Аллоҳга қасамки, биз осмонда бунча кўп қават-қават булутлар ва шунга ўхшаш нарсани кўрмаган эдик, орамизда, уйдаги ёриқ орасида ва ҳовлининг (тепасида ҳам бунча булутни кўрмаган эдик). Унинг орқасидан қалқон каби булут кўринди. У булут осмоннинг ўртасига келганда ёйилди, сўнгга ёмғир ёғдирди. Аллоҳга қасамки, бир ҳафтадан бери қуёшни кўрмадик. Келаси жума масжидга бир киши ўша эшикдан кириб келди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам турган ҳолда хутба ўқиётган эдилар. У киши: «Эй Аллоҳнинг расули, моллар ҳалок бўлди, йўллар кесилди, Аллоҳга дуо қилинг, Аллоҳ ёмғирни тўхтатсин», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини кўтариб: «Аллоҳим, бизнинг фойдамизга булутларни жамлаб, бизнинг зараримизга булутларни жамламагин, эй Аллоҳим, булутларни тўп-тўп қилгин ва уларни қирларга, водийларга ва дарахт, ўсимликларга юбор», дедилар. Ёмғир тўхтади, биз чиқиб, қуёшда юра бошладик»⁶³⁴.

«Саҳиҳи Бухорий»да: «Дарҳақиқат, мен булутларнинг ўнг ва чап тарафдан камайиб бораётганини, ёмғир ёғдираётганини, лекин аҳли Мадинага ёмғир ёғдирмаётганини кўрдим», деб келади. Яна бир ривоятда: «Мадина шаҳрини ташқарисидан булутлар кийим ўралгандек ўраб олдилар», дейилади. Яна бошқа ривоятда: «Мадина шаҳрининг осмони очилди. Булутлар унинг атрофига ёмғир ёғдирар, Мадинага эса бир томчи ҳам ёмғир ёғмасди. Мен Мадинага қарадим, у худди тожга ўхшар эди.

Имом Муслим ривоят қилган бошқа бир ривоятда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайси тарафга қўллари билан ишора қилсалар, ўша жой булутлардан очиларди, ҳатто мен Мадинани кўрганимда у булутлар орасидаги тешикка ўхшарди»⁶³⁵.

Анас ибн Молик ривоят қилиб айтадилар: «Саҳро аҳлидан бўлган бир аъробий Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига жума куни келди ва: «Эй аллоҳнинг Расул, чорва, аҳл ва одамлар ҳалок бўлди», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини кўтариб дуо қилдилар. Одамлар ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан

⁶³⁴ «Саҳиҳи Бухорий», 199-бет.

⁶³⁵ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 614-бет.

бирга қўлларини кўтариб дуо қилишди. Масжиддан чиқмасимиздан ёмғир ёға бошлади. Ёмғир то кейинги жума кунигача тинмай ёғди. Ҳалиги киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, мусофир кечикиб, йўллар беркилди», деди». Бошқа бир ривоятда: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, у зот икки қўлларини туширмасларидан олдин тоғлар каби булутлар пайдо бўлди. Сўнг у зот минбардан тушмасларидан мен ёмғирнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам соқолларидан оқиб тушаётганини кўрдим», дейилади⁶³⁶.

Бу ишлар жума куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда хутба ўқиётганларида бўлган.

Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад айтадилар: «Истиско намозида имом одамлар билан икки ракат намоз ўқийди». Икковларининг фикрича, бу суннат намоздир. Ҳайит намозининг эътибори билан бу намозни овозни чиқариб жаҳрий ўқийди. Абу Юсуф: «Бир марта хутба ўқийди», дедилар. Имом Муҳаммад: «Иккита хутба ўқийди», дедилар. Икковларининг фикрича, хутбанинг улуғи истифдордир. Имом қиблага қараб дуо қилинади ва намоз ўқийди, кейин хутба ўқийди. Хутба давомида кийимини ағдариб – тескари қилиб, турган ҳолда дуо қилади. Қавм кийимларини ағдармайдилар. Икки имомнинг далиллари Аббод ибн Тамимнинг ривоятидир: «Аббоднинг амакилари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан эдилар. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан ёмғир сўрагани чиқдилар. Аллоҳга тик турган ҳолда дуо қилиб, кейин қибла тарафга юзланиб кийимларини ағдарган эдилар, одамларга сўв берилди, яъни ёмғир ёға бошлади».

Яна Аббод, амакиларидан қилган ривоятда: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ёмғир сўрагани чиқиб, қибла тарафга юзландиларда кийимларини ағдариб қўйдилар. Кейин икки ракат намозни овоз чиқариб ўқидилар», дейилади⁶³⁷.

Икки имом фикрича, агар кийими тўрт бурчакли мато бўлса, устини ичига ўгириб олади, агар кийими думалоқ мато бўлса, ўнг тарафни чап тарафга, чап тарафини ўнг тарафга қилади. Одамлар ва имом намозгоҳга истиско намозини ўқиш учун хушў қилган ҳолда чиқадиладар. Чунки бу ҳолат сўровчини ижобат этилишига яқинроқдир. Одамлар ўзларини хор тутган ҳолда эски кийимда шашмасдан чиқишади. Зиммийлар, яъни мусулмон давлатида яшаётган бошқа дин вакиллари – истискода қатнашмайди. Чунки одамлар дуо қилишга чиқадиладар, кофирларнинг дуоси эса фақат залолатдир. Кофирлар йиғилишида лаънат тушиши гумон қилинади, шундоқ экан улар раҳмат талабида чиқишмайди.

Қаерга ёмғир ёғса, ундан баҳраманда бўлиш суннат. Собит ал-Баноний Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирлигимизда ёмғир ёғиб қолди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кийимларини йиғиб ёмғирдан теккизиб олдилар, ҳатто у зотнинг таналарига ёмғир тегди. Биз: «Эй Расулulloҳ, нимага бундай қилдингиз?» десак У зот: «Чунки у Робб таолонинг ҳузуридан яқиндагина тушди», дедилар. Маъноси: «Албатта ёмғир раҳматдир, у Аллоҳ таолонинг яратишига яқиндир. Шунинг учун бу ёмғир шу сифати билан табаррук бўлди». Имом Нававий айтадилар:

⁶³⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 184-бет.

⁶³⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 202-бет.

«Мусулмон кишига ёрдам Аллоҳнинг фазл ва раҳматидан нозил бўлади, деб эътиқод қилиши лозим. Агар бу ҳаракатни мажозий йўл билан юлдузга мансуб қилса ва бу юлдуз Аллоҳнинг ёрдами, раҳматининг тушишига сабабдир деса, унда зарар йўқ, аммо Аллоҳнинг ёрдами бўлмиш ёмғирни юлдузга ҳақиқий деб нисбат берса, у кофир бўлади».

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло осмондан баракасини тушириш билан одамларнинг бир фирқаси кофир бўладилар. Аллоҳ раҳмати бўлмиш ёмғирни туширса, одамлар: «Юлдузлар ундай-бундай жойлашгани учун ёмғир ёғди», дейишади», дедилар⁶³⁸.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида одамларга ёмғир ёғди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамлардан шукр қилувчилари ва кофирлари бўлади. Баъзилар: «Бу Аллоҳнинг раҳматидир», дейишади, баъзилари: «Дарҳақиқат, ёмғир, об-ҳавонинг ўзгариши сабабли ёғди», дейишади», дедилар. Шунда: «Юлдузларнинг ботар жойларига қасам ичаман...»дан то: «... ва сизлар (Қуръонни) ёлғон дейиш(дек бадбахтлик)ни ўзларингизнинг ризқ-насибаларингиз қилиб олурсизларми?!» (Воқеа сураси, 75-82 оятлар.) ояти нозил бўлди⁶³⁹.

Саждаи саҳв боби **Намозида шак қилган киши ҳақида**

Ато ибн Ясор айтадилар: «Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс ва Каъбул Ахбор розийаллоҳу анҳумолардан намозида неча ракат ўқиганини билолмай, «Уч ракат ўқидими ё тўрт ракат ўқидими?» деб шак қилаётган одам ҳақида сўрадим. Иккови: «У кейин яна бир ракат ўқисин ва у ўтирганида иккита сажда қилсин», дейишди»⁶⁴⁰.

Иброҳим Нахайй фарз намозида «Тўрт ракат ўқидимми ё уч ракат ўқидимми?» деб билолмай, унутиб қўйган одам ҳақида гапириб: «Агар у биринчи марта унутиб қўйган бўлса, у намозини қайта ўқийди. Агар унутиши кўп бўлса, у тўғри деб ҳисоблаганига риоя қилади, агар фикрида кўпроқ намози тугаган, деб ўйласа, унда намозни тугатиб, икки марта саждаи саҳв қилади. Агар у фикрида кўпроқ уч ракат ўқиди, деб ўйласа, унда бир ракат қўшиб ўқийди, кейин иккита саждаи саҳв қилади». Бу фикрни Имом Муҳаммад «Ал-Асар»ларида ривоят қилиб, шу фикрни оламиз», дедилар. Бу сўзни имом Абу Ҳанифа ҳам айтганлар⁶⁴¹.

Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Агар бирортангиз намоз ичида шак қилиб уч ракат ўқиганми ё тўрт ракат ўқиганми, билмаса, у гумонининг афзалига қараб риоя қилсин, агар гумони кўпроқ уч ракат ўқиганига кетса, туриб унга тўртинчи ракатни қўшсин. Кейин ташаҳҳудни ўқиб, салом бериб, икки марта саждаи саҳв қилсин. Агар гумони афзали тўрт ракат ўқиганига кетса, у ташаҳҳуд ўқийди, сўнг салом беради, сўнгра икки марта саждаи саҳв қилади». Бу ривоятни Имом Муҳаммад «Ал-Асар»ларида ривоят қилганлар ва: «Бу фикрни оламиз. Фақат унда шу

⁶³⁸ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 84-бет.

⁶³⁹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 84-бет.

⁶⁴⁰ «Алмуватто», 1-китоб, 90-бет.

⁶⁴¹ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 679-бет.

ҳолат биринчи марта бўлаётган бўлса, у намозини қайта ўқигани яхшидир», дедилар⁶⁴².

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким намози ичида шак қилса, у ўтирганида икки марта (саҳв) саждаси қилсин», дедилар. Яна бир ривоятда: «Салом берганидан кейин икки марта сажда қилсин», деган лафз билан ҳам келган⁶⁴³.

Алқама розийаллоҳу анҳу Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Ибн Масъуд саломдан кейин саждаи саҳв қилдилар. Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саломдан кейин саждаи саҳв қилганларини айтиб бердилар⁶⁴⁴.

Алқама розийаллоҳу анҳу Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқидилар, намозда ё зиёда қилдилар, ё камроқ қилдилар. Салом берганларидан кейин биз: «Эй Аллоҳнинг расули, намозда бирор нарса юз бердимиз?» десак у зот: «Агар намозда бир нарса содир бўлса, уни сизларга билдирардим. Лекин мен ҳам башарман, сизлар унутганингиздек мен ҳам унутаман. Қай бирингиз намозида шак қилса, қайси бири тўғриликка энг муносиб эканига қарасин. Сўнг уни мукамал қилсин, кейин салом берсин ва икки марта (саҳв) саждаси қилсин», дедилар»⁶⁴⁵.

Намоздан кейинги шак

Иброҳим айтадилар: «Агар намозингни ўқиб бўлганингдан кейин таҳоратда, ё намозда, ё қироатда гумонинг пайдо бўлса, унга эътибор берма». Бу ривоятни Имом Муҳаммад «Ал-Асар»ларида ривоят қилиб, шу фикрни оламиз», деганлар. Бу Абу Ҳанифанинг ҳам сўзларидир.

Фарз намозда аввалги қаъдани тарк қилиш

Абдурахмон ибн Ҳурмуз Абдуллоҳ ибн Бухайнат ал-Аздий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан эдилар, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин намозини ўқиётиб, аввалги икки ракатда ўтирмасдан туриб кетдилар, одамлар ҳам у зот билан бирга туришди. Намоз тугаётганда одамлар у зотнинг салом беришларини кутишди, у зот ўтирган ҳолларида такбир айтиб («Аллоҳу акбар» деб), салом беришдан олдин икки марта сажда қилдилар, кейин салом бердилар»⁶⁴⁶.

Икки ракатнинг бошида салом бериш ҳақида

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу айтишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ракатни ўқиб тугатдилар. У зотга Зул йадайн, яъни икки узун қўл эгаси лақабини олган киши: «Намозни қаср қилдингизми ёки унутдингизми, эй Аллоҳнинг расули?» деди. Набий соллаллоҳу алайҳи

⁶⁴² «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 679-бет.

⁶⁴³ «Фатҳур Роббоний», 4-китоб, 132-бет.

⁶⁴⁴ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 377-бет.

⁶⁴⁵ «Сунани Насайй», 3-китоб, 28-бет.

⁶⁴⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 165-бет.

васаллам: «Зул йадаини тўғри айтдими?» деганлар. Одамлар: «Ҳа», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб кейинги икки ракатни ўқидиб, сўнг салом бердилар, кейин такбир айтиб, намозда сажда қилганларидек ёки ундан узунроқ сажда қилдилар, кейин такбир айтдилар, сўнгра намозда сажда қилгандек ёки ундан узоқроқ сажда қилдилар⁶⁴⁷.

Уч ракат ўқиб салом бериш ҳақида

Муовия ибн Ҳудайж розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни намоз ўқиб салом бердилар. Лекин намоздан бир ракат қолган эди. Бир киши бунинг билиб: «Намозингиздан бир ракатини унутдингиз», деди. У зот қайтиб масжидга кирдилар. Билол розийаллоҳу анҳу буюрдилар, у киши намозга иқомат айтдилар. У зот одамлар учун бир ракат намоз ўқидилар. Мен одамларга бунинг хабарини бердим. Улар менга: «У кишини танийсанми?» дедилар. Мен: «Йўқ, агар уни кўрсам, танийман», дедим. У менинг олдимдан ўтди, мен: «Бу ўша», дедим. Одамлар: «Бу Талҳа ибн Убайдуллоҳ-ку», дейишди».

Имрон ибн Ҳусайн айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аср намозида уч ракат ўқиб салом бердилар. Кейин уйларига кириб кетдилар. У зотнинг олдиларига Хирбоқ исмли бир киши: «Намозни ноқис қилдингиз, эй Аллоҳнинг расули», деди. У зот кийимлари, ридоларини осилтириб, ғазабланган ҳолда чиқдиларда: «У рост айтдими?» дедилар. Одамлар: «Ҳа», дейишди. У зот туриб қолган бир ракатни ўқиб, кейин салом бердилар. Сўнг икки марта сажда қилиб, кейин яна салом бердилар»⁶⁴⁸.

Пешин намозини беш ракат ўқиган одам ҳақида

Алқама розийаллоҳу анҳу Абдуллоҳдан (р.а.) ривоят қиладилар. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин намозини беш ракат ўқидилар. У зотга «Намоз зиёда бўлди», деб айтилди. У зот: «У нима?» дедилар. Бир киши: «Беш ракат намоз ўқидингиз», деди. У зот салом берганларидан сўнг икки марта сажда қилдилар».

Уч марта сажда қилган одам ҳақида

Иброҳим унутиб уч марта сажда қилган киши ҳақида гапириб: «У кишига саждаи саҳв лозимдир», дедилар. Бу сўзни Имом Муҳаммад «Ал-Асар»ларида ривоят қилиб, фикрни оламиз», дедилар. Бу Абу Ҳанифанинг ҳам фикрларидир.

Унутиб намозини охирига етказмаган ёки турган ҳолида тугатган одам ҳақида

Муғийра ибн Шўъба розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар имом икки ракатдан кейин турсада тўла туришидан олдин эсига тушса, ўтириб намозини тугатади.

⁶⁴⁷ «Сунани Термизий», 1-китоб, 247-бет.

⁶⁴⁸ «Сунани Насайи», 3-китоб, 26-бет.

Агар у тўла турган бўлса, қайтиб ўтирмайди ва иккита саждаи саҳв қилади», дедилар»⁶⁴⁹. Яна Муғийрадан (р.а.) қилинган ривоятда: «Бирортангиз шак қилиб охирги икки ракатдан кейин тўла туриб кетса, иккита сажда қилсин, агар тўла турмаган бўлса, ўтирсин ва унга саждаи саҳв лозим ҳам эмас», деб айтилган⁶⁵⁰.

Ишончга биноан амал қилиш

Солимдан ривоят қилинади. Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу: «Агар бирортангиз намозида шак қилиб, намозидан баъзисини унутиб ўқимаганман, деб ўйласа, шунга биноан амал қилиб, унутган жойини ўқисин ва ўтирганида иккита саждаи саҳв қилсин», дедилар⁶⁵¹.

Абдуллоҳ ибн Бухайнат ал-Аздийдан ривоят Надинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин намозида ўтириш лозим бўлган жойда ўтирмасдан туриб кетдилар. Намозларини тугатаётганларида салом беришдан олдин ҳар бирига такбир айтган ҳолда икки сажда қилдилар. Одамлар ҳам у зот билан бирга унутган нарсалари эвазига икки марта сажда қилишди⁶⁵².

Саждаи саҳвда ташаҳҳуд айтиш

Имрон ибн Ҳусайн розийаллоҳу анҳу айтишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан намоз ўқидилар, намозларида ниманидир унутдилар. Иккита сажда қилиб, кейин ташаҳҳуд ўқидилар, сўнг салом бердилар⁶⁵³.

Салом бергандан кейин саждаи саҳв қилиш

Абдуллоҳдан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин намозини беш ракат ўқидилар. У зотга «Намозда зиёда бўлди», деб айтишганида у зот қаерда?» дедилар. Одамлар: «Беш ракат ўқидингиз», дейишди. У зот салом берганларидан кейин иккита сажда қилдилар⁶⁵⁴.

Иқтидо қилувчига имомнинг саждаи саҳв қилиши кифоя экани ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу оталаридан ривоят қилдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Имомнинг ортида турган кишига саҳв саждаси йўқдир. Агар имом унутса, унга ва орқасидагиларга саҳв саждаси лозим бўлади. Агар имомнинг орқасидаги одам унутса, унга саҳв саждаси йўқ. Имомнинг бажаргани унга кифоя қилади», дедилар⁶⁵⁵.

⁶⁴⁹ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 343-бет.

⁶⁵⁰ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 378-бет.

⁶⁵¹ «Алмуватто», 1-китоб, 90-бет.

⁶⁵² «Саҳиҳи Бухорий», 241-бет.

⁶⁵³ «Сунани Термизий», 1-китоб, 245-бет.

⁶⁵⁴ «Саҳиҳи Бухорий», 240-бет.

⁶⁵⁵ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 277-бет.

Иброҳимдан ривоят қилинади. Бу зот: «Агар имом намозда бир нарсани унутса, саждаи саҳв қилса, у билан бирга сажда қил. Агар имом саждаи саҳвни қилмаса, сен ҳам сажда қилмайсан», дедилар. Бунини Имом Муҳаммад «Ал-Асар»ларида ривоят қилиб: «Бу фикрни оламиз», дедилар. Бу Абу Ҳанифа розийаллоҳу анҳунинг ҳам фикрларидир.

Фарз ва нафл намозлардаги саждаи саҳв баробардир

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз намоз ўқий бошласа, шайтон келиб унга намозини (бузиш мақсадида) васваса қилади, ҳатто у қанча ўқиганини ҳам билмайди. Агар бирортангизда шундай бўлса, ўтирган ҳолида иккита сажда қилсин», дедилар⁶⁵⁶.

Хулоса

Кимки намозда неча ракат ўқиганини билмасдан шак қилса, бу ҳолат унга балоғатга етиб намоз ўқиб юрганидан бери илк марта содир бўлаётган бўлса, у намозини қайтадан ўқийди. Агар бу шак унда кўп марта содир бўлса, гумони ғолиб келганига биноан амал қилиб, тўғрисига риоя қилади. Агар гумони бўлмаса, у ишончига биноан амал қилади. Фарз бўлган қаъдаи охирнинг бўлиши эҳтимоли бор ҳар жойда қаъда фарзини тарк қилишдан сақланган ҳолда ўтиради.

Саждаи саҳв қилиш намоздаги зиёдалик учун ёки ноқислик, яъни ўқилмай қолган қисми бўлса ҳам вожибдир. Саломдан кейин икки марта сажда қилади, кейин ташаҳҳуд ўқиб салом беради. Агар саломдан олдин сажда қилса ҳам жоиз, лекин аввалги сўз аълороқдир. Бир марта саломни ўнг тарафга бериш билан кифояланади. Баъзилар икки тарафга салом бериш тўғрироқдир», дейишди. Кейин такбир айтади ва сажда қилади, кейин такбир айтиб, бошини кўтаради. Сўнг такбир айтиб, иккинчи бор сажда қилади. Сўнгра бошини кўтариб, ташаҳҳуд айтади ва дуолар қилиб, сўнгра салом беради.

Агар киши намозида намознинг жинсидан бўлиб, лекин аслидан бўлмаган бир амални зиёда қилса, унга саждаи саҳв лозимдир. Масалан, икки марта кетма-кет рукуъ қилиш, чунки иккинчи рукуъ намознинг жинсидандир, лекин у зиёда бўлганлигидан намоз амали эмас.

Агар намозда бирор вожиблиги суннат билан билинган амални тарк қилса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Аввалги қаъдада ўтирса ёки ўтириш лозим жойида туриб кетса, сажда тиловатини ўз ўрнида қилмаса, Фотиҳани ўқимаса, қунутни ўқимаса, такбирларини айтмаса, қайси ўтиришда бўлса ҳам, ташаҳҳудни ўқимаса ёки икки ҳайит намозларининг такбирларини айтмаса, имом махфий ўқиладиган намозни овозини чиқариб ўқиса ёки жаҳрий ўқиладиган намозни намоз жоиз бўладиган даражада махфий ўқиса, унга саждаи саҳв қилиш вожиб бўлади. Охирги иккитасида, яъни имом жаҳрий ўқийдиган намозни махфий ўқиса ёки аксинча бўлса, саждаи саҳвнинг вожиблигига уламолар орасида ихтилоф бор. Имом Кархий: «Унга саҳв йўқдир», деб айтдилар. «Ҳидоя»да ҳам шундай дейилган. имом Нотифий эса унга саждаи саҳв вожиблигини айтадилар.

⁶⁵⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 242-бет.

Имомнинг (бирор нарсани унутиб) саҳв қилиши эргашувчига ҳам саждаи вожиб қилади. Агар имом сажда қилмаса, эргашувчи ҳам сажда қилмайди. Агар иқтидо қилувчи адашса, у имомга ҳам иқтидо қилувчига ҳам саждаи саҳв лозим эмас. Кимки аввалги ўтиришни унутса (яъни туриб кета бошласа), сўнг у ўтириш ҳолатига яқинроқ бўлганида эсига тушса, қайтиб ўтиради ва ташаҳҳуд ўқийди. Агар у қиём – тикка туриш ҳолатига яқинроқ бўлса, қайтиб ўтирмайди ва охирида саждаи саҳв қилади.

Кимки охирги қаъда ўтиришни унутса ва бешинчи ракатга туриб кетса, у бешинчи ракатга сажда қилмаган бўлса, қайтиб ўтиради ва бешинчи ракатни бекор қилади, сўнггида саждаи саҳв қилади.

Агар бешинчи ракатни сажда қилиш билан мукаммал қилса, унинг фарз намози ботил бўлади. Имом Абу Ханифа ва Имом Юсуф фикрларича, намози нафлга айланади. Унга яна бир ракат қўшиб, мандуб ҳолда тоқ бўлмаслиги учун олти ракат қилиб ўқимоғи лозим. Агар бир ракат қўшиб ўқимаса, зарари ҳам йўқ ва саждаи саҳв ҳам қилмайди.

Агар тўртинчи ракатда ташаҳҳуд айтиш миқдорича ўтирса, кейин бешинчи ракатига салом бермасдан туриб кетса, қаъдаи охирни аввалги ўтириш деб ўйлагани учун ўтирган ҳолида салом бериш учун қайта ўтиради.

Қайта ўтирганида ташаҳҳудни қайта ўқимасдан салом беради. Агар у турган ҳолида салом берса, намози саҳиҳ бўладию, лекин у суннатни тарк этган бўлади. Чунки ўтирган ҳолда салом бериш суннатдир. Агар бешинчи ракатни сажда қилиш билан мукаммал қилган бўлса, унга яна бир ракатни қўшиб ўқийди, чунки нафл намозини тоқ тугаллаш макруҳдир. Шунда намози мукаммал тугайди. Зиёда ўқиган икки ракати унга нафл намоздир. Лекин саҳиҳ ривоятга кўра, фарз намознинг суннатида ўтмайди. Ҳалиги намозининг охирида салом беришни ўз вақтидан кечиктиргани учун саждаи саҳв қилади.

Тиловат саждалари

Қуръондаги сажда оятлари:

Аллоҳ таоло Аъроф сурасининг 206-оятида: «Албатта Парвардигорингизнинг ҳузуридаги зотлар, яъни фаришталар Унга ибодат қилишдан ор қилмайдилар. Уни поклайдилар ва Унгагина сажда қиладилар».

Аллоҳ таоло Раъд сурасининг 15-оятида: «Осмонлар ва ердаги барча жонзот ва уларнинг соялари хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, эртаю кеч фақат Аллоҳгагина сажда қиладилар – бўйсунадилар».

Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 49-оятида: «Осмонлар ва ердаги барча жониворлар ва фаришталар ҳам кибр ҳаво қилмаган ҳолларида ёлғиз Аллоҳга сажда қилурлар».

Аллоҳ таоло Ал-Исро сурасининг 107-оятларида: «Айтинг: «Эй мўминлар, сизлар хоҳласангиз, унга ишонинглар, хоҳласангиз, ишонманглар. Зотан, Қуръон нозил бўлишидан илгари илм, яъни Таврот берилган кишилар Қуръон тиловат қилинган вақтда сажда қилган ҳолларида юзлари билан йиқилурлар. Ва улар: «Эй пок Парвардигор! Албатта Парвардигоримизнинг («Мен сўнгги пайғамбаримни юборурман ва унга Қуръон нозил қилурман», деган) ваъдаси адо қилингувчи ваъдадир», дейдилар.

Улар йиғлаган ҳолда юзлари билан йиқилурлар ва Қуръон уларнинг хокисорликларини зиёда қилур» .

Аллоҳ таоло Марям сурасининг 58-оятда: «Қачонки, уларга Раҳмон оятлари тиловат қилинса, сажда қилган ва йиғлаган ҳолларида йиқилурлар».

Аллоҳ таоло Ҳаж сурасининг 18-оятда: «Эй Муҳаммад, сиз осмонлардаги ва ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар ва барча жониворлар ҳамда кўпдан-кўп инсонлар ёлғиз Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми? Кўп одамларга эса кофир бўлганлари сабабли азоб ҳақ бўлгандир. Кимни Аллоҳ хор қилиб қўйса, бас, уни ҳеч ким азиз қилувчи бўлмас. Албатта Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани қилур».

Аллоҳ таоло Фурқон сурасининг 60-оятда: «Қачон мушрикларга: «Раҳмонга сажда қилинглар», дейилса, улар: «Нима у Раҳмон? Сен буюрган нарсага сажда қилаверамизми?» дейишар ва бу сўз уларни янада йироқлаштирар».

Аллоҳ таоло Намл сурасининг 25-26-оятларида: «Бас, улар Аллоҳга сажда қилмагунларича ҳақ йўлда ҳидоят топмаслар. Аллоҳ осмонлар ва ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган ва ошкор қиладиган барча нарсаларни ҳам биладиган Зотдир. Аллоҳ – ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар унинг Ўзигина бордир. У улуғ Арш эгасидир».

Аллоҳ таоло Сажда сурасининг 15-оятда: «Бизнинг оятларимизга, фақат қачон у оятлар зикр қилинса, сажда қилган ҳолларида йиқиладиган ва кибр-ҳаво қилмаган ҳолларида ҳамду сано айтиш билан Парвардигорларини поклайдиган зотларгина иймон келтирурлар».

Аллоҳ таоло Сод сурасининг 24-25-оятларида: «Парвардигоридан шошиб ҳукм чиқаргани учун мағфират қилишини сўради ва саждага эгилган ҳолида йиқилиб, тавба-тазарруъ қилди. Бас, Биз унинг ўша хатосини мағфират қилдик. Шак-шубҳасиз, унинг учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат, яъни жаннат бордир».

Аллоҳ таоло Фуссилат сурасининг 37-38-оятларида: «Кеча ва кундуз, қуёш ва ой Унинг танҳолиги ва қудратига далолат қиладиган оят-аломатларидандир. Агар сизлар Аллоҳга ибодат қилувчи бўлсангизлар, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар, балки уларнинг барчасини яратган Зотга – Аллоҳга сажда қилинглар. Энди агар кофирлар Аллоҳга сажда қилишдан кибр-ҳаво қилсалар, бас, билингки, Парвардигорингизнинг ҳузуридаги зотлар, яъни фаришталар кечаю кундуз ҳеч зерикмасдан, малолланмасдан у Зотга тасбеҳ айтурлар – сажда қилурлар».

Аллоҳ таоло Нажм сурасининг 62-оятда: «Бас, сизлар ёлғиз Аллоҳга сажда ва ибодат қилинглар!».

Аллоҳ таоло Иншиқоқ сурасининг 21-оятда: «Уларга Қуръон қироат қилинган вақтда эса унга иймон келтириб, Яратганга сажда қилмайдилар».

Аллоҳ таоло Алақ сурасининг 19-оятда: «Йўқ, эй Муҳаммад! Сиз унга итоат этманг ва ёлғиз Аллоҳга сажда, ибодат қилиб, У Зотга яқин бўлинг!», деб айтган.

Сажданинг фазилати улуғдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда қилишга одамларни тарғиб қилиб қизиқтирганлар. Касир ибн Мурра айтадилар: «Мен Абу Фотима шундай деяётганини эшитдим: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сажда қилишни

кўпайтиринглар. Чунки банда Аллоҳга сажда қилса, Аллоҳ у қилган саждаси билан даражасини кўтаради», дедилар»⁶⁵⁷.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар одам боласи сажда оятини ўқиб, сажда қилса, шайтон йиғлаб унинг олдидан кетади ва: «Э воҳ!.. У саждага буюрилди ва сажда қилди, унга жаннат берилди. Мен сажда қилишга буюрилдим, осийлик қилдим. Менга дўзах берилди», дейди», дедилар»⁶⁵⁸.

Тиловат саждасини қилиш сажда оятларидан бирини ўқиган кишига ва уни эшитганга, хоҳ намозда, хоҳ ундан ташқарида, хоҳ у (оят)ни жаҳрий, хоҳ махфий ўқиётган бўлсин, вожибдир.

Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳ бўлган йили сажда оятини ўқидилар. Одамларнинг барчаси сажда қилдилар, улар ичида уловига ва ерга сажда қилувчилар ҳам бор эди, ҳатто уловдагилар қўлларига сажда қилишар эди»⁶⁵⁹.

Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида ўтирган эдик, у зот Қуръон ўқиб, унинг давомидан сажда оятини ўқидилар ва сажда қилдилар, биз ҳам у зот билан бирга сажда қилдик».

Саҳобаларнинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоздан ташқарида сажда қилишлари иззатли суннатдир.⁶⁶⁰

Ториқ ибн Абдурраҳмон Саъид ибн Мусайб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Сажда оятини эшитган одамгагина сажда қилиш вожибдир»⁶⁶¹. Имом Бухорий ривоят қилишларича, Усмон розийаллоҳу анҳу: «Сажда оятини эшитиб турган одамгагина сажда қилиш вожибдир», дедилар⁶⁶². Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда ояти бор сурани ўқирдилар ва сажда қилардилар, биз ҳам у зот билан бирга сажда қилардик, ҳатто бирортамиз пешонасини ерга қўйишга бўш жой топа олмай қолар эди»⁶⁶³.

Абу Мижлаз Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин намозида сажда қилиб, сўнг турардилар. Одамлар у зот бирор сажда ояти бор сурани ўқиганларини билишар эди»⁶⁶⁴. Абу Мажлаз яна Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам пешин намозини ўқидилар. Биз у зот танзилус сажда сурасини ўқидилар, деб ўйладик». Бу ҳадис икки имом шартларига биноан саҳиҳдир. У саҳиҳ ва ғариб суннатдир. Имом сажда оятини овозини чиқариб қироат қилганида сажда қилиш лозим бўлгандек, уни ичида махфий ўқиганида ҳам сажда қилади, яъни унга барибир тиловат саждаси вожиб бўлади⁶⁶⁵.

⁶⁵⁷ «Мўъжами Табароний», 22-китоб, 322-бет.

⁶⁵⁸ «Фатхур Роббоний», 4-китоб, 157-бет.

⁶⁵⁹ «Алмустадрок», 1-китоб, 219-бет.

⁶⁶⁰ «Алмустадрок», 1-китоб, 222-бет.

⁶⁶¹ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 322-бет.

⁶⁶² «Саҳиҳи Бухорий», 213-бет.

⁶⁶³ «Саҳиҳи Бухорий», 214-бет.

⁶⁶⁴ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 322-бет.

⁶⁶⁵ «Алмустадрок», 1-китоб, 221-бет.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга ўқиб берган ва у сабабли сажда қилган аввалги сура

Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга биринчи бўлиб Ҳаж сурасини ўқиб сажда қилганларида одамлар ҳам сажда қилишди. Фақат бир киши тупроқни қўлига олиб, унга сажда қилди. Мен унинг кофир ҳолда ўлдирилганини кўрдим», деб айтдилар⁶⁶⁶.

Қатъий (сажда қилиниши лозим бўлган) сажда оятлари

Абу Зарр розийаллоҳу анҳу Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Саждаларнинг қатъийлари тўрттадир: «Алиф лом мим танзил...» (Сажда сураси), «Ҳо мим сажда...» (Фуссилат сураси), «Иқро бисми роббикаллази холақ...» (Алақ сураси) ва Нажм сураларидир».

Абу Зарр розийаллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Саждаларнинг қатъийлари тўрттадир: «Алиф лом мим танзил...» (Сажда сураси), «Ҳо мим сажда...» (Фуссилат сураси), «Иқро бисми роббикаллази холақ...» (Алақ сураси) ва Нажм сураларидир».

Сод сурасидаги сажда ояти

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Сод сураси саждаларнинг қатъийларидан эмас. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўқиб, сажда қилаётганларини кўрдим»⁶⁶⁷.

Абу Саид Худрий айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбардаликларида Сод сурасини ўқидилар. Сажда оятига етганларида минбардан тушиб сажда қилдилар, одамлар ҳам у зот билан бирга сажда қилишди. Бошқа бир куни у зот у (Сод сураси)ни ўқидилар. Сажда оятига етганларида одамлар сажда қилишга ҳозирланишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу фақат Набийнинг тавбасидир. Лекин мен сизларнинг сажда қилиш пайида (саждага шайланиб) турганингизни кўрдим», деб, минбардан тушдилар ва сажда қилдилар, одамлар ҳам сажда қилишди»⁶⁶⁸.

Иншиқоқ сурасидаги сажда ояти

Абу Салама розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳунинг «Иншиқоқ сураси, 1-оятни ўқиб, у сабабли сажда қилганини кўриб, Эй Абу Ҳурайра! Мен сажда қилганингизни кўрмадим-а?» дедим. У киши: «Мен агар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сажда қилганларини кўрмаганимда сажда қилмаган бўлар эдим», дедилар»⁶⁶⁹.

Тиловат саждаси намоздан бир бўлакдир

⁶⁶⁶ «Алмустадрок», 1-китоб, 221-бет.

⁶⁶⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 212-бет.

⁶⁶⁸ «Сунани Абу Довуд», 2-китоб, 59-бет.

⁶⁶⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 213-бет.

Намозга нима шарт қилинса, тиловат саждасига ҳам шу нарса шарт қилинади: унга ҳам таҳорат лозим. Бу ҳақда Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб: «Киши сажда фақат таҳоратли бўлсагина, сажда қилади», деб айтдилар.

Имом Зухрий: «Киши таҳоратли бўлсагина, сажда қилади. Агар сенга сажда ояти ўқилса, яъни уни эшитсанг ва тайёр бўлсанг, қиблага юзлангин», дедилар.

Тиловат саждаси – бу икки такбир орасидаги салом берилмайдиган саждадир. Ҳасан Басрий: «Агар сажда оятини ўқисанг, такбир айт ва сажда қил, бошингни кўтарганингда ҳам такбир айт. Саждада салом йўқ. Иброҳим Наҳайдан бўлган ривоятда айтилишича, у киши сажда қилдилар ва салом бермадилар», деб айтдилар.

Сажда учун туриш

Умму Салама Аздия розийаллоҳу анҳо айтадилар: «Мен Оиша розийаллоҳу анҳонинг Мусҳаф ўқиб, сажда оятига етганларида ўринларидан туриб, сажда қилганларини кўрдим»⁶⁷⁰.

Сажда қилганда нима дейилиши ҳақида

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб: «Эй Расулulloҳ! Мен бу кеча тушда кўриладиган нарсани кўрдим. Мен гўё дарахтнинг орқасида туриб намоз ўқиётган эканман. Тушимда сажда оятини ўқиб сажда қилибман. Дарахт менинг саждамга эргшиб у ҳам сажда қияпти. Унинг сажда қилгандаги гапларини эшитдим, у: «Эй Аллоҳим, бу саждам билан мен учун Ўз ҳузурингда ажр-савоб ёзгин, саждамни мен учун Ўз ҳузурингда захира қилгин, сажда қилганлигим сабабли мендан гуноҳларимни кечиргин, Довуд алайҳиссаломдан Ўз ҳузурингда саждасини қабул қилганингдек, менинг ҳам саждамни қабул этгин», деб айтар эди», деди. Ибн Аббос Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сажда оятини ўқиганларини, сўнг сажда қилганларини саждада эканликларида ҳалиги киши дарахтнинг сўзларини айтиб берганидек дуо қилаётганларини эшитдим», дедилар⁶⁷¹.

Абул Олия Оиша розийаллоҳу анҳодан шундай ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси Қуръондаги сажда оятларини ўқиб, қилган саждаларида шундай дер эдилар: «Сажада важҳи лиллази холақоҳу ва шаққо самъаҳу ва басораҳу биҳавлиҳи ва қувватиҳи, фатабарокаллоҳу аҳсанал холиқийн». Маъноси: «Юзим уни Яратгувчига сажда қилди, унинг қулоғи ва кўзи Аллоҳнинг куч ва қуввати билан ёрилди. Яратгувчиларнинг энг яхшиси бўлган Аллоҳ табарруқдир, улугдир»⁶⁷².

Яна Оиша розийаллоҳу анҳо дан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси мен билан тунадилар. Мен у зотни йўқотиб қўйдим ва у зот баъзи жуфти ҳалоллари олдиға кетдилар, деб

⁶⁷⁰ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 326-бет.

⁶⁷¹ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 320-бет.

⁶⁷² «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 320-бет.

ўйладим. У зотни излаб сажда қилаётган ҳолларида топдим. Қўлимни у зот устиларига қўйдим ва: «Эй Роббим! Менинг ошкора ва махфий қилган хатоларимни мағфират қилгин», деяётганларини эшитдим»⁶⁷³.

Юқорида ўтганидек, агар имом сажда оятини тиловат қилса, у сабабли имом ҳам эргашувчи ҳам сажда қилишини билиб олдингиз. Агар киши намозда бўлмасдан сажда оятини эшитса, у ҳам сажда қилади. Агар намоз ўқувчи намоз ўқимаётган четдаги одамдан сажда оятини эшитса, намозхон намозини ўқиб бўлганидан кейин сажда қилади. Кимки сажда оятини намозда ўқиса-ю, лекин намозда сажда қилмаса, ундан тиловат саждаси соқит бўлади, яъни сажда қилиши шарт эмас. Ким агар бир жойда сажда оятини кўп марта такрорласа, унга битта сажда қилиш кифоя қилади. Агар сажда оятини ўқитувчилар ва ўрганувчилар такрорлашига эҳтиёж бўлса, саждаи тиловатни қайта-қайта қилиш уларга машаққат туғдиради. Шунинг учун улар охирида бир марта тиловат саждасини қилишлари кифоядир. Чунки Жаброил алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга сажда сураси ё оятини ўқиб берардилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига уни эшиттириб ўқиб бериб, фақат бир марта сажда қилардилар.

Мен: «Оят бир ва макон бўлиши шарти билан», деб айтаман.

Намозда турганида сура охирида сажда ояти бўлса

Асвад розийаллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Агар сажда ояти суранинг охирида бўлса, намоздалик пайтида хоҳласа рукуъ қилсин, хоҳласа сажда қилиб олсин», дедилар⁶⁷⁴.

Тиловат саждасини намознинг рукуъсига қўшимча яна бир рукуъ билан ёки намознинг саждасига қўшимча яна бир сажда қилиш билан адо этади. Тиловат саждасини намознинг рукуъси билан тиловат саждасини ният қилиб адо қилса ҳам мумкин, шунда намознинг рукуъси рукуъсига, ҳамда тиловат саждасига кифоя қилади. Ёки бўлмаса, хоҳласа, намозда сажда оятини ўқиши биланоқ сажда қилади, кейин туриб суранинг давомини ўқийди, сўнг рукуъ ва саждаларни одатдагидай бажаради. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Мен Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳунинг намозда Нажм сурасида сажда қилганларини, кейин туриб бошқа сурани бошидан бошлаб ўқиганларини кўрдим»⁶⁷⁵.

Касал одамнинг намози ҳақидаги боб

Агар касал одам туриб ўқиш узрли бўлса, ўтириб рукуъ ва сажда қилган ҳолда намоз ўқийди. Агар рукуъ ва сажда қила олмаса, боши билан имо-ишора қилиб, саждасини рукуъдан пастроқ қилиб ўқийди.

Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Бурайда розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Имрон ибн Ҳусайн: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўтириб намоз ўқиган одам ҳақида сўрадим. У зот: «Ким туриб намоз ўқиса,

⁶⁷³ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 320-бет.

⁶⁷⁴ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 323-бет.

⁶⁷⁵ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 323-бет.

афзалдир. Ким ўтириб намоз ўқиса, унга туриб намоз ўқиганнинг ярим савоби берилади. Ким уйқусираб, яъни ухлаганга ўхшаб ётган ҳолда намоз ўқиса, унга ўтириб ўқиганнинг ярим савоби берилади», дедилар»⁶⁷⁶.

Имрон ибн Ҳусайн айтдилар: «Мен бавосир касали билан хасталаниб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозни қандай ўқиш ҳақида сўрадим. У зот: «Туриб намоз ўқи, агар унга қодир бўлмасанг, ўтириб ўқи. Агар унга ҳам қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи», дедилар»⁶⁷⁷.

Имрон ибн Ҳусайн ривоят қилиб айтадилар: «Мен дармонсиз, касалманд киши эдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўтириб намоз ўқиш ҳақида сўрадим. У зот: «Ўтириб ўқиган намозинг савоби туриб ўқиган намозингнинг савоби ярмидир. Кишининг ётиб ўқиган намозининг савоби унинг ўтириб ўқиган намозидаги савобнинг ярмидир», дедилар»⁶⁷⁸.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Мадинага келганимизда унинг шиддатли иссиғидан вабо касалига чалиндик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар олдига чиққанларида одамлар тасбеҳ айтган ҳолда ўтириб, намоз ўқиётган эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўтириб намоз ўқувчининг савоби туриб намоз ўқувчининг савоби ярмичадир», дедилар»⁶⁷⁹.

Ўтириб намоз ўқувчи худди ташахҳуддаги каби ўтиради. Агар унга қодир бўлмаса, хоҳлаганича ўтиради, истаса, чордона қуриб ўтиради. Абдуллоҳ ибн Зубайр розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай-шундай дуо қилаётганларини, қўлларини эса тиззаларига қўйган ҳолда чордона қуриб ўтирганларини кўрдим».

Агар рукуъ ва сажда қилишга ожиз бўлса, унда боши билан имо-ишора қилиб ўқийди. Бу ҳақда Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам касал одамни кўргани борсалар, у ёстиққа (бошини қўйиб) намоз ўқияпти, у зот ёстиқни отиб юбордилар. Касал одам бир шохни (бошини қўйиб) намоз ўқиш учун олди. У зот уни ҳам олиб отиб юбордилар ва: «Ерга сажда қилиб намоз ўқигин, агар бунга қодир бўлмасанг, имо-ишора билан намоз ўқигин. Сажданга қилган ишорангни рукуъингга қилган ишорангдан пастроқ қилгин», дедилар»⁶⁸⁰. Билиб олганингиздек, касал одам бирор нарсани, унга сажда қилиш учун юзига кўтариб олиб бормади.

Бу ҳақда Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар, Ибн Умар: «Агар касал одам сажда қила олмаса, у боши билан имо-ишора қилади. Юзига бирор нарсани кўтармайди», дедилар»⁶⁸¹.

Агар рукуъга қодир бўла туриб, саждага қодир бўлмаса, имо-ишора билан намоз ўқиши баёни бор. Агар ташахҳудда ўтиргандек ўтириб, имо-ишорага ожиз бўлса ёки чордана қуриб ўтиришдан ожиз бўлса, ўнг ёнбошига ётиб намоз ўқийди. Бу ҳақда Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Касал одам агар қодир бўлса, туриб намоз ўқийди. Агар қодир

⁶⁷⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 219-бет.

⁶⁷⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 219-бет.

⁶⁷⁸ «Фатхур Роббоний», 5-китоб, 152-бет.

⁶⁷⁹ «Алмуватто», 1-китоб, 119-бет.

⁶⁸⁰ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 306-бет.

⁶⁸¹ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 307-бет.

бўлмаса, ўтириб намоз ўқийди. Агар сажда қилишга қодир бўлмаса, имо-ишора билан ўқийди ва саждага қилган ишораси рукуъсига қилган имо-ишорасидан пастроқ бўлади. Агар ўтириб ўқишга қодир бўлмаса, қиблага юзланган ҳолда ўнг ёнбошига ётиб намоз ўқийди. Агар ўнг томонига ёнбошлаб намоз ўқишга қодир бўлмаса, унда чалқанча ётиб, оёқларини қибла томонга узатиб намоз ўқийди», дедилар⁶⁸².

Бу ҳақда Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Касал одам оёқларини қиблага узатиб, орқасига чалқанча ётган ҳолда намоз ўқийди». Бу ривоят агар касал ёнбошлаб ётиб намоз ўқий олмасадир⁶⁸³.

Мусанниф: «Ўтириб ўқувчининг намози туриб ўқувчининг савоби ярмичадир, деб баён қилиб келган ҳадислар, туриб ўқишга қодир бўла туриб ўтириб нафл ўқиган ва туриб ўқишга қодир бўла туриб, ўтириб фарз ўқиган одамга тааллуқли бўлиб, ўтириб ўқиган намози саҳиҳ бўлмайди. Туриб ўқишдан ожиз бўлган касал одам эса ўтириб ўқиса ҳам, унинг ажри-савоби мукамалдир», деб айтдилар. Бу ҳақда Қосим ибн Мухаймира Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар, Расулulloҳ (с.а.в.): «Одамларнинг бирортаси жасадига бало, касаллик етса, Аллоҳ таоло амалларни ёзувчи сақлайдиган фаришталарга буюриб: «Бандамга ҳар кун ва кечаси қилган яхши амалларини ва Менга боғланган амалларини ёзинглар», дейди».

Аллоҳнинг раҳмати касаллик турмайдиган қилиб қўйган одамга тааллуқлидир ёки соғ пайтида қилиб юрган яхши амалини қилишдан ожиз бўлиб, уни қилолмай қолса, у амалнинг ажридан бирортасини камайтирмаслиги ҳам Аллоҳнинг раҳматидир. Фарз намозни туриб ўқишдан ожиз бўлган бемор намозни ўтириб ёки имо-ишоралар билан ўқиса, унинг намози дуруст бўлиб, унга туриб намоз ўқиганнинг савоби ёзилади.

Масалан, мусофир одам ўқиб юрган таҳажжуд намозини сафар монельлик қилиб ўқиёлмай қолди. Узри бўлгани учун то узри йўқолгунича унга таҳажжуд намози ўқиганни савоби ёзилади.

Абу Мусо ал-Ашъарий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар банда касал бўлса ёки сафарга чиқиб мусофир бўлса, унга соғлик вақтида ва муқимлик вақтида қилган амали каби савоб ёзилади», дедилар⁶⁸⁴.

Агар касал одам боши билан имо-ишора қилиб намоз ўқишга қодир бўлмаса, у намозини кейинга суради. Икки кўзи билан ҳам, қалби билан ҳам, икки қоши билан ҳам имо қилиб намоз ўқимайди. Агар ўқимаган намозлари кўпайиб, олтитага етса, ундан соқит бўлади. Бундай кишига қазо қилиб ўқиш машаққат бўлгани учун лозим эмас. Ҳушидан кетган одамни ҳам ўқимаган намозлари бештадан кам бўлса, қазо қилиб ўқийди. Агар олтитага етиб, ундан ошиб кетса, қазо қилиб ўқимайди. Агар касал одам туришга қодир бўлиб, рукуъ ва сажда қилишга қодир бўлмаса, турмасдан ўтириб, имо билан намоз ўқиш жоиз. Агар соғлом одам туриб намоз ўқишни бошласа, сўнг унинг касаллиги қўзғаб қолса, ўтириб рукуъ ва сажда қилиб бордию рукуъ ва саждага қодир бўлмаса, имо-ишора билан намозини тугатади. Агар ўтиришга ҳам қодир бўлмаса, чалқанча ётиб

⁶⁸² «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 307-бет.

⁶⁸³ «Сунани Байҳақий», 2-китоб, 302-бет.

⁶⁸⁴ «Саҳиҳи Бухорий», 4-китоб, 70-бет.

намозини ўқийди. Агар намозининг баъзисини имо билан ўқиса, кейин намозининг ичида рукуъ ва саждага қодир бўлса, намозини қайтадан бошлаб ўқийди. Чунки қолган намозини рукуъ ва сажда қилиб ўқиса, унда кучли нарсани заифга бино қилган бўлади.

Жума намози ҳақидаги боб Жума кунининг фазилати

Абу Лубоба ибн Абдул Мунзирдан (р.а.) ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жума куни кунларнинг саййиди ва Аллоҳ ҳузурида кунларнинг энг улўғидир. У кун Аллоҳ азза ва жалла ҳузурида фитр (рамазон ҳайити) ва азҳо (қурбон ҳайити) кунларидан ҳам улўғроқдир, унда беш нарса бор: Аллоҳ у кунда Одам Атони яратган, у кунда Одам Атони ер юзига туширган, у кунда Одам Атони вафот эттирган, у кунда бир соат борки, банда Аллоҳдан нимаики сўраса, сўраган нарсаси ҳаром бўлмаса, Аллоҳ унга сўраганини беради, у куни қиёмат қоим бўлади. Ҳар бир муқарраб фаришта, осмон, ер, ҳар бир ўсимлик, тоғлар, денгизлар жума кунда мушфиқ бўлиб, яъни Аллоҳдан раҳм-шафқат кутиб, азобидан хавфсираб турадилар», дедилар⁶⁸⁵.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуёш чиққан кунларнинг энг яхшиси жума кунидир, у кунда Одам Ато яратилган, у кунда жаннатга кирган, у кунда жаннатдан чиқарилган, қиёмат фақат жума куни қоим бўлади», дедилар⁶⁸⁶.

Авс ибн Авс Сақафий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Жума куни энг афзал кунингиздир. Унда Одам Ато яратилган ва у кунда жони олинган, у кунда сур чалинади, қиёматнинг бошланиши ва ҳушдан кетиш у кунда бўлади, яъни қиёматнинг даҳшатидан одамлар ҳуши бошидан учиб, лол бўлиб қоладилар, у кунда менга кўпроқ салавот айтинглари. Албатта айтган салавотингиз менга етади», дедилар. Саҳобалар: «Сизнинг жасадингиз чириб, сочилиб кетган бўлади-ку, саловотимиз қандай етиб боради?» дейишганида у зот: «Албатта Аллоҳ азза ва жалла пайғамбарларнинг жасадларини ейишни ерга ҳаром қилган», деб айтдилар⁶⁸⁷.

Уммати Муҳаммадиянинг жума кунига ҳидоят қилиниши

Аърож Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилдилар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитган эканлар: «Биз бу дунёда охирги, қиёмат кунда эса аввалгиларимиз. Биздан олдин китоб берилганлар бўлиб, бу кунлари (яъни жума) уларга фарз бўлди, улар у кунда ихтилоф қилдилар. Аллоҳ бизни у кунга ҳидоят қилди. Одамлар жума куни бизга эргашадилар, яҳудийлар эртасига, яъни шанба куни, насронийлар эртасидан кейинги кун, яъни якшанба куни йиғиладилар»⁶⁸⁸.

⁶⁸⁵ «Фатхур Роббоний», 6-китоб, 3-бет.

⁶⁸⁶ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 585-бет.

⁶⁸⁷ «Алмустадрок», 1-китоб, 278-бет.

⁶⁸⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 174-бет.

Жума кунда ғулнинг ҳукми

Имоми Аъзам Нофеъдан, у киши Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки жума кунига етса, ғул қилсин», дедилар⁶⁸⁹. Молик Мақбурийдан, у киши Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Абу Ҳурайра: «Ҳар бир балоғатга етган одамга жума куни ғул қилиш вожибдир», деб айтдилар. Молик Нофеъдан, у киши Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз жума кунига етса, ғул қилсин», дедилар⁶⁹⁰. Ибн Адий Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар, у киши айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жума куни, гарчи динорчалик идишда бўлса ҳам ғул қилинглари», дедилар⁶⁹¹. Имоми Аъзам Аббондан, у киши Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жума куни таҳорат олса, мунча ҳам яхши, кимки ғул қилса, ғул афзалдир», дедилар⁶⁹².

Ҳаммод Иброҳим Нахайдан ривоят қиладилар. Мен Иброҳим Нахайдан жума кундаги, қон олгандаги, икки ҳайитдаги ғул ҳақида сўрасам у зот: «Агар ғул қилсанг, яхши қилибсан, агар қилмасанг, сенга гуноҳ йўқ», дедилар. Мен унга: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки жумага етишса, ғул қилсин», деб айтмаганларми?», десам у зот: «Айтганлар, лекин у вожиб ишлардан эмас, фақат Аллоҳ таолонинг: «Бир-бирингиз билан савдо қилганда гувоҳ келтиринг» (Бақара сураси, 282-оят), деган сўзи кабидир. Кимки гувоҳ келтирса, у яхши қилибди, ким келтирмаса, унга гуноҳ йўқ. Аллоҳ таолонинг: «Энди қачон намоз адо қилинган, ер юзига тарқалинглари» (Жума сураси, 10-оят) сўзи кабидир. Кимки тарқалса, зарари йўқ, ким намоздан кейин ўтирса, унга ҳам зарари йўқ», дедилар». Буни Имом Муҳаммад «Муватто»да ривоят қилганлар⁶⁹³.

Ато ибн Абу Рабоҳ розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Биз Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ҳузурларида ўтирган эдик, жума намози вақти бўлиб қолди. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу таҳоратга сув келтириб таҳорат қилдилар. У кишига баъзи асҳоблари: «Ғул қилмайсизми?» дейишди. У киши: «Бугун кун совуқ», деб таҳорат қилдилар». Буни Имом Муҳаммад «Муватто»да ривоят қилганлар⁶⁹⁴.

Жума кундаги ғулнинг фазилати

Абу Айюб розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жума куни шундай деяётганларини эшитганларини айтадилар: «Ким жума куни ғул қилса ва унда атир бўлсада, ундан сепса, кийимларини яхшисини кийса, сўнг уйдан чиқиб масжидга борса, масжидда олдинги сафга ўтиш мақсадида одамлар елкасидан ўтмаса,

⁶⁸⁹ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 518-бет.

⁶⁹⁰ «Алмуватто», 1-китоб, 95-бет.

⁶⁹¹ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 518-бет.

⁶⁹² «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 518-бет.

⁶⁹³ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 518-бет.

⁶⁹⁴ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 518-бет.

имом чиққанида гапирмасдан жим турса, унинг бу жума билан келгуси жума орасидаги гуноҳлари кечирилади»⁶⁹⁵.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки ғул қилиб, кейин жума намозига борса, масжидда қодир бўлганича намоз ўқиса, имом хутба ўқиб бўлганича жим ўтирса, сўнг имом билан жума намозини ўқиса, унинг бу жума билан бошқа жума орасидаги ва Яна уч кунни қўшиб, гуноҳлари кечирилади», дедилар⁶⁹⁶.

Жума кунда хушбўй суртиб, мисвок ишлатиш ҳақида

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу ривоят қилишларида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир балоғатга етган одамга ҳар жума ғул қилиш мисвок ишлатиш агар мавжуд бўлса, хушбўйлик суртиш лозим», дедилар⁶⁹⁷.

Жума кундаги зийнатланиш

Абдуллоҳ ибн Салом розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарда туриб шундай деяётганларини эшитган эканлар: «Сизларнинг биронтангиз топа олса, меҳнат кийимидан ташқари иккита кийимни жума куни кийишга махсус сақлаб турсин!»⁶⁹⁸

Жума намозида салла кийиш

Амр ибн Ҳурайс розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жума намозида одамларга хутба айтаётганларида бошларида қора салла бўларди». Яна бир ривоятда: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда турганларида кўрдим. У зот бошларида қора салла, икки тарафини икки кифтлари ўртасидан осилтириб қўйгандилар», дейилади⁶⁹⁹.

Жума кундаги сафар

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Равоҳа розийаллоҳу анҳуни кичик қўшин билан жўнатдилар, бу иш жума кунига тўғри келиб қолди. Абдуллоҳнинг асҳоблари эрталаб жўнаб кетишди, у киши: «Мен қоламан ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга жума намозини ўқиб, кейин уларга етиб оламан», деди. У киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиганидан кейин у зот Ибн Равоҳани кўрдилар ва: «Эрталаб асҳобларинг билан кетишингга нима монень бўлди?» деб сўрадилар. У киши: «Мен сиз билан бирга жума намозини ўқишни, сўнгра уларга етиб олишни хоҳладим», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

⁶⁹⁵ «Мўъжами Табароний», 4-китоб, 161-бет.

⁶⁹⁶ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 587-бет.

⁶⁹⁷ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 581-бет.

⁶⁹⁸ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 283-бет.

⁶⁹⁹ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 990-бет.

васаллам: «Агар ер юзидаги нарсаларни эҳсон қилсанг ҳам, эрталаб вақтли кетишинг фазилатини билолмайсан», дедилар»⁷⁰⁰.

Жума куни заволадан (куннинг қоқ ярми, қуёш тиккадан оғган пайт) олдин сафарга чиқиш макруҳ эмас, заволадан кейин жума намозини ўқимасдан сафарга чиқиш макруҳи таҳримийдир.

Жума намозини тарк қилишнинг катта гуноҳлиги

Абул Жаъд аз-Зомрий розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни шундай деяётганларини эшитдим: «Ким учта жума намозини кетма-кет, эътиборсизлик билан тарк қилса, Аллоҳ унинг қалбини муҳрлаб қўяди»⁷⁰¹.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ва Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, икковлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбар тепасида шундай деяётганларини эшитишган экан: «қавмлар жумани тарк қилишни тўхтатишади ёки Аллоҳ уларнинг қалбларини муҳрлаб қўяди, сўнгра улар ғофиллардан бўлиб қоладилар»⁷⁰². Самура Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар, Расулulloҳ (с.а.в.): «Кимки жума намозини ўзрсиз тарк қилса, у бир динор садақа қилсин, агар топа олмаса, унда ярим динор садақа қилсин», дедилар⁷⁰³.

Жумага бориш кимга вожиб ва кимга вожиб эмаслиги ҳақида

Имоми Аъзамдан санади Муҳаммад ибн Каъб ал-Қарозийгача бўлган ривоятда келтирилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тўрт тоифа одам бор, уларга жума йўқ: аёл киши, қул, касал ва мусофир», дедилар. Бунини Имом Муҳаммад «Ал-Асар»да ривоят қилганлар ва Абу Ҳанифа ҳам агар юқоридаги тўрт тоифа шундай қилсалар, жоиздир», деганлар⁷⁰⁴.

Абу Мусо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар, Набий (с.а.в.): «Жума ҳар бир мусулмонга жамоатда адо этиши вожибдир. Фақат тўрт тоифа бундан мустасно: бировнинг мулки бўлган қул, аёл, балоғатга етмаган бола ва касал», дедилар⁷⁰⁵.

Жума намозига эрта келишнинг фазилати

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки жума куни жанобатдан ғул қилгандек ғул қилса, кейин жума намозига борса, у гўё бир туя қурбонлик қилгандек бўлибди, кимки ундан кейин иккинчи соатда борса, гўё бир сигир қурбонлик қилгандек бўлибди, кимки учинчи соатда борса, у шохдор қўчқор қурбонлик қилгандек бўлибди, кимки тўртинчи соатда борса, у гўёки товўқни қурбонлик қилгандек бўлибди. Кимки бешинчи соатда борса,

⁷⁰⁰ «Сунани Термизий», 2-китоб, 20-бет.

⁷⁰¹ «Мўъжами Табароний», 22-китоб, 365-бет.

⁷⁰² «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 591-бет.

⁷⁰³ «Фатхур Роббоний», 6-китоб, 24-бет.

⁷⁰⁴ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 524-бет.

⁷⁰⁵ «Алмустадрок», 1-китоб, 288-бет.

у гўё тухумни қурбонлик қилгандек бўлибди. Имом чиққанидан кейин фаришталар зикрни эшитишга ҳозирланадилар», дедилар⁷⁰⁶.

Жума намози шаҳардаги жомеъда ўқилади

Жума намозини фақат шаҳардаги жомеъда ўқиш саҳиҳ бўлади. У шаҳар жомеъси – ҳукмларни амалга оширувчи қозиси ва амири бор мавзелар ёки шаҳарга тобе жойлар, яъни шаҳардан азон эшитилиб турадиган жойлардир. Жума намозини жуда ҳам чекка қишлоқларда ўқиш жоиз эмас. Имом Бухорий Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидларида ўқилган жумадан кейинги биринчи жума ўқилган масжид Баҳрайндаги Жувасий деган мавзедаги Абдул Қайс масжиди бўлган⁷⁰⁷.

Бу ривоят Валид ибн Муслим қилган ривоят билан бир-бирига зид эмас. Валид ибн Муслим Абу Абдурахмондан ривоят қилишларича, Али розийаллоҳу анҳу: «Жума намози ва такбири ташриқ фақат жомеъ шаҳарда ўқилади», дедилар⁷⁰⁸. Чунки Баҳрайндаги Жувасий деган жой Баҳрайннинг қўрғони бўлиб, у шаҳардир.

«Мабсут» китобининг соҳиби айтадилар: «Жувасий Баҳрайндаги шаҳардир». Қишлоқ (қорятун) лафзини шаҳарга (Мадинага) ишлатиш Қуръони карим луғатидир. Аллоҳ таоло: «Бу Қуръон икки қишлоқ(нинг бири)дан бўлган улўғ одамга нозил қилинганида эди», (Зухруф сураси, 31-оят), деб марҳамат қилади. Икки қишлоқ – бу Макка ва Тоиф шаҳарларидир.

Саид ибн Осс оиласининг хизматчисидан ривоят қилинишича, у киши Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттобдан Макка ва Мадина орасидаги қишлоқда жума ўқилиши ҳақида сўради. Абдуллоҳ: «Ҳа, агар уларнинг амири бўлса, тшпланиб жума ўқисин», дедилар.

Ато айтадилар: «Агар қишлоқлар бир-бирига жипслашиб, қўшилиб кетган бўлса, улар жума намозини ўқишади»⁷⁰⁹.

Валид ибн Муслим айтадилар: «Мен Лайс ибн Саъддан жума ҳақида сўрасам у зот: «Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда жамоат бўлса ва уларга амир бўлса, тўпланиб жума ўқишга буюрилганлар. Искандария аҳли, Миср шаҳарлари, денгиз соҳилдаги шаҳарлар Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу ва Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳу даврларида икковларининг буйруқларига асосан жуманамози ўқилган. У шаҳарларда саҳобалар ҳам бўлишган»⁷¹⁰.

Жаъфар ибн Барқон айтадилар: «Умар ибн Абдулазиз Адий ибн Адий ал-Кандийга қўйидаги мактубни ёздилар: «Кўчманчи бўлмаган, ўтроқ яшайдиган ҳар бир қишлоқ аҳолисига қаранг, уларга амир тайинланг, кейин у амирга буюринг, уларга жума ўқиб берсин»⁷¹¹.

Жума ўқиш фақат амирнинг ёки унинг ноибининг буйруғи билан бўлиши мумкин. Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Жума

⁷⁰⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 174-бет.

⁷⁰⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 176-бет.

⁷⁰⁸ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 178-бет.

⁷⁰⁹ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 178-бет.

⁷¹⁰ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 178-бет.

⁷¹¹ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 178-бет.

намози, ташриқ, фитр (рамазон ҳайити) ва қурбон ҳайити намозлари фақат шаҳардаги жомеъларда ва катта шаҳарларда ўқилади»⁷¹².

Жума намозининг вақти

Жуманинг шартларидан бири вақтдир. Уни пешин вақтида ўқилса, саҳиҳ бўлади, пешин вақтидан кейин ўқиш саҳиҳ эмас. Бу ҳақда Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан шундай ривоят келади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қуёш тиккадан оғган вақтида жума намозини ўқиганлар»⁷¹³. Анас розийаллоҳу анҳунинг бу ривоят қилган ҳадиси саҳиҳ, ҳасан ҳадисдир. Бу ҳадисга аксарият аҳли илм жам бўлишган, албатта жума намозининг вақти пешин вақти каби қуёш тиккадан оғган пайтдадир. Агар жума намози ўқиладиганда пешин вақти чиқса, у жума намозига ўтмайди ва пешин намози бўлиб қолади.

Иёс ибн Салама ибн Акваъ оталаридан ривоят қилиб айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга қуёш тиккадан оғган пайтда жума намозини ўқир эдик, кейин соя чўзиладиганида қайтардик»⁷¹⁴.

Жума кундаги азон ҳақида

Соиб ибн Язид розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Бу зот жума намозининг аввалги азони Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар розийаллоҳу анҳу даврларида жума куни имом минбарга чиққанида айтилар эди. Усмон розийаллоҳу анҳу халифалик даврларида одамлар кўпайгани учун, у зот жума куни иккинчи марта Аз-Завро деган жойда азон айтишга буюрдилар. Икки марта азон айтиш ҳақидаги иш шундан собит бўлди.

Имом минбарга чиққанида ўтириш

Имом Аъзамдан исноди Умар розийаллоҳу анҳугача борадиган ривоятда айтилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жума куни минбарга кўтариладиганларида хутба ўқишдан олдин енгилгина ўтириб олардилар.

Намоздан олдин хутба ўқилишидан мақсад жамоатнинг жума намозига етиб кела олиши учундир, агар кар ёки ухлаётган бўлсалар ва хутба қаср қилмасдан ёки намоздан кейин бўлса ёхуд жамоат ҳозир бўлмасдан хутба ўқилса, у ўринга ўтмайди.

Хулоса шуки, бир кишининг намозга ҳозир бўлиши кифоя қилади. Хутбадаги суннат – имом иккита хутба ўқишидир. Бу ҳақда Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан қилинган ривоятда, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам иккита хутба ўқирдилар. Минбарга кўтарилганларида то муаззин азон айтиб бўлгунча ўтирдилар, кейин туриб хутба ўқирдилар, кейин гапирмасдан бироз ўтириб, сўнг туриб хутба ўқирдилар⁷¹⁵.

Жобир ибн Самура розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам жума намозида икки хутба ўқирдилар,

⁷¹² Ибн Абу Шайба

⁷¹³ «Сунани Термизий», 2-китоб, 7-бет.

⁷¹⁴ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 588-бет.

⁷¹⁵ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 285-бет.

икковининг орасида ўтириб, Қуръон ўқир ва одамларга зикр-насихатлар айтардилар»⁷¹⁶. Агар имом хутбани Аллоҳга ҳамд айтиш ва таҳлил каби Аллоҳнинг зикрининг ўзини айтиш билан қисқа қилса, Абу Ҳанифа фикрларича, жоиздир. Аллоҳ таоло: «Дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар», деб марҳамат қилади (Жума сураси, 9-оят). Усмон розийаллоҳу анҳу: «Алҳамдулиллаҳ», дедилар, қолганини ўқиёлмай тутилиб, қийналиб қолдилар, минбардан тушиб жума намозини ўқидилар. Икки имом: «Хутба деб аташ саҳиҳ бўлиши учун зикр узун қилиниши керак, хутбанинг энг ками ташаххуд ўқиш миқдорича ўқилганидир», деб айтишди.

Агар имом ўтириб ёки таҳоратсиз хутба ўқиса ёхуд икки хутба орасида ўтирмаса ё хутба ўқиётганида одамларга юзланиб турмаса ҳам, Зикр ва ваъздаги мақсад ҳосил бўлгани учун хутбаси жоиздир. Лекин юқорида келган хабарга хилоф бўлгани учун макруҳдир.

Хутба ўқувчи имомга одамлар юзланиб туришлари мустаҳабдир. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарга чиққанларида биз у зотга юзимиз билан юзланиб турардик»⁷¹⁷. Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ва Анас розийаллоҳу анҳу ҳам имомга юзланиб ўтиришган. Ато ибн Ясор Абу Саид ал-Худрийнинг шундай деяётганини эшитганларини ҳикоя қилиб бердилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни минбарга чиқиб ўтирдилар, биз эса атрофларида ўтирдик»⁷¹⁸.

Хутба ўқилганида жим туриб уни эшитиш ҳақида

Абдуллоҳ ибн Саъид айтадилар: «Мен Саъид ибн Мусайб розийаллоҳу анҳуга «Бир бола имом хутба ўқиётганида акса урди, фалончи унинг аксасига жавоб берди, яъни у акса уриб «Алҳамдулиллаҳ», деса, бу жавоб бериб «Ярҳамукаллоҳ», деди. Бунга қандай қарайсиз?» дедим. У зот: «Унга айт бундай қилмасин», дедилар.

Бунини Имом Муҳаммад «Ал-Асар»да ривоят қилганлар, биз бу фикрни оламинг, хутба намоз кабидир, унда акса урувчига жавоб бериш йўқ, саломга алик олинмайди».

Абу Ҳанифа ҳам шундай деганлар.

Яна Саъид ибн Мусайб розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлари ҳақида хабар бердилар: «Агар жума куни имом хутба ўқиётганида дўстингга, ёнингдаги одамга «Жим бўл!» десанг, беҳуда сўзни айтибсан»⁷¹⁹.

Имомнинг минбарга ўтириши нафл намоз ўқишни кесади, яъни шу вақтда нафл намоз ўқимади, имомнинг хутба ўқиши эса гаплашишни кесади, яъни сўзлашишни ман қилади. Лекин имомнинг минбарга ўтирганида жума намози саҳиҳ бўлиши учун зарурий бўлган, тартибли келган қазо намозларни ўқиса бўлади. «Кимки намозидан ухлаб қолса...» деган ҳадисга биноан жума лозим бўлиши учун ўқишни бошлаган намозини имом хутба ўқиб, намозни ҳам ўқиб бўлгунича ўқиб олиши мумкин.

⁷¹⁶ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 588-бет.

⁷¹⁷ «Сунани Термизий», 2-китоб, 10-бет.

⁷¹⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 181-бет.

⁷¹⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 184-бет.

Жума ўқиш учун масжидга кирганида имомжим турган бўлса, икки ракат намоз ўқиб олиш мумкин. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангиз жума куни масжидга келса, имом хутба ўқиётган бўлса, икки ракат намоз ўқисин ва уни қисқароқ қилсин», деб айтдилар⁷²⁰.

Хутба ўқиладиган пайтда эшитувчилар амри маъруф қилиши, тасбеҳ айтиши, ейиши, ичиши, ёзиши, акса урганга жавоб қайтариши, саломга алик олиши макруҳдир. Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам исмлари зикр қилинса ҳам, овозини чиқариб саловот айтиши жоиз эмас, балки уни ичида айтади. Шунга фатво берилган. Қавм қўлларини кўтариши, тилида омин деб жаҳрий айтиши жоиз эмас, агар шундай қилса, гуноҳкор бўлади, манна шу тўғриси бўлиб, унга фатво берилган.

Жамоатнинг ҳозир бўлиши

Жума намозининг саҳиҳ бўлиш шартларидан бири жамоатдир. Чунки жума сўзи жамоат сўзидан иштиқоқ қилиб олинган. Абу Ҳанифанинг фикрларича, жамоатнинг энг ози имомдан ташқари учта солиҳ, имомликка ярайдиган одамнинг бўлишидир. Чунки Аллоҳ таолонинг «Дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар» (Жума сураси, 9-оят) қавлидаги «боринглар» жам, кўплик сийғасидир, у сийға кўпгина одамларнинг ҳозир бўлишини талаб қилади. Оятдаги кўплик сийғасини билдирувчи вов ҳарфи зикрга боровчиларни кўп бўлишини ифода этади.

Солим ибн Абу Жаъд ривоятларида, Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу шундай ҳадисни айтиб бердилар: «Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиётган эдик, бирдан таом ортилган карвон келиб қолди. Одамлар унинг олдида кетиб қолдилар, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўн иккита киши қолди. Шунда қуйидаги: «(Эй Мухаммад!) Қачон улар бирон тижоратни ёки ўйин-кулгини кўриб қолсалар, ўшанга қараб сочилиб-тарқалиб кетурлар ва сизни (минбарда) тик турган ҳолингизда тарк қилурлар» (Жума сураси, 11-оят)⁷²¹ ояти нозил бўлди.

Икки имом фикрларича: «Жамоатнинг энг ози имомдан ташқари икки киши бўлишидир. У иккови жума намозининг биринчи саждасигача бўлиши шарт қилинди. Агар биринчи саждадан кейин тарқаб кетишса, жума намози имомнинг бир ўзи билан мукамал бўлади. Имомдан бошқа бирортанинг намозга имомликка ўтишининг кераги йўқ. Имом икки ракат жума намозини жаҳрий ўқийди. Чунки юқоридаги ҳадисларда шундай келган. Икки ракат жума намози фарзига бирор сура тайин қилинмаган. Имоми Аъзам Ҳаммоддан, у киши Иброҳимдан қилган ривоятда келтирилишича, имом жума намозини бошлаб охирида ўтирганида масжидга бирор киши кириб келса, аввал такбир айтиб, намозга иқтидо қилади, улар билан бирга ташаҳҳудда ўтиради, имом салом берганида тик туриб икки ракат намоз ўқийди». Буни Имом Мухаммад ибн Ҳасан «Ал-Асар»да ривоят қилганлар.

Имом Молик Ибн Шихобдан ривоят қиладилар, Ибн Шихоб: «Кимки кечикиб жума намозининг бир ракатига улгурса, у имом салом берганидан

⁷²⁰ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 597-бет.

⁷²¹ «Саҳиҳи Бухорий», 184-бет.

кейин туриб иккинчи ракатни қўшиб ўқисин», дедилар⁷²². Агар кечиккан одам имомга ташахҳудда ўтирганида иқтидо қилса ёки саждаи саҳвада иқтидо қилиб улгурса ҳам намозни имом салом берганидан кейин туриб икки ракат ўқиб тугатади. Имом Абу Ханифа ва Абу Юсуф фикрларича, жума намози қабул бўлади. Имом Муҳаммад эса: «Агар у иккинчи ракатни кўпроқ қисмига – рукуъсига етиб иқтидо қилса, у намози жума намози бўлади. Агар иккинчи ракатнинг камроқ қисмига етиб келса, яъни имом рукуъдан бошини кўтараётганда етиб келса, у намози пешин намозига ўтиб, у тўрт ракат ўқийди, фақат у жума намозини ўқишни ният қилгани учун ният қилган нарсасининг хилофини адо қилган бўлади дейилган», деб айтдилар.

Имомнинг такбирини одамларга эшиттириш

Агар имомнинг овози қавмнинг ҳаммасига етмаса, иқтидо қилгувчилар, яъни қавмдан бир киши имомнинг такбирини қавмга эшиттиришга масъул бўлиши жоиз. Бу масаланинг асли Жобир розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисдир: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоблари қочиб, хаста бўлганларида биз у зотнинг орқаларида иқтидо қилиб намоз ўқидик, у зот ўтириб намоз ўқидилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу у зотнинг такбирларини одамларга эшиттириб турдилар...»⁷²³

Мусофир, аёл киши, касал одам ва қулга, юқорида айтилганидек, жума намози вожиб эмас. Сурункали касаллик билан касалланган одамга, кўрга, душмандан хавфсировчига, узрлига, қишлоқда яшовчига жума намози вожиб эмас. Агар улар жума вақтида ҳозир бўлиб, одамлар билан бирга намоз ўқишса, шу вақтнинг фарзи бўлиб уларга жоиз бўлади, чунки улар машаққат чекиб, худди мусофир рўза тутганга ўхшаб қоладилар.

Мусофир, касал ва бошқаларга аёл кишидан ташқари жума намозига имом бўлишлари жоиздир, чунки уларга жума намози ўқиш рухсатдир. Агар улар жума намозига келишса, фарз ҳолида воқеъ бўлади. Кимки уйда имом жума намозини ўқимасдан олдин пешин намозини ўқиса, унинг жумага бормаслик учун узри бўлмаса, ҳаром бўлган гуноҳ содир этибди. Чунки у қатъий бўлган фарзни тарк қилди. Ўқиган пешин намози мавқуф ҳолда жоиз бўлади. Агар бир киши жума намози ҳозир бўлаётганда уни ўқиш учун юзланса, ҳали жума ўқилмаган бўлса, Абу Ханифанинг фикрларича, ҳаракат қилгани боис пешин намози ботил бўлади, гарчи у имомга иқтидо қилмаган бўлса ҳам. Икки имом фикрларича, унинг намози ботил бўлмайди, фақат имом билан бирга ўқисагина, ботил бўлади, чунки у пешинни ният қилган, имом жумани ният қилган. Агар имом жума намозини ўқиб бўлганидан кейин ҳаракат қилса, унинг пешин намози ботил бўлмайди.

Икки ҳайит намози ҳақидаги боб

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида Мадина аҳлида икки

⁷²² «Алмуватто», 1-китоб, 97-бет.

⁷²³ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 309-бет.

кун бўлиб, у икки кунда жоҳилиятдаги каби ўйин-кулги қилишарди. Шунда у зот: «Мен сизларнинг олдингизга келдим, жоҳилиятда сизларга икки кун бор эди, унда сизлар ўйин-кулги қилардингиз, Аллоҳ сизларга у икковининг ўрнига улардан яхшироғини, яъни қурбон ҳайити ва рамазон ҳайити», деб айтдилар⁷²⁴.

Ҳайит куни ноғора чалиш

Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу Оиша розийаллоҳу анҳо олдиларига **кирганларида, олдиларида иккита жория қиз бор эди. Бу кунлар** ҳайит кунлари эди, иккови ашула айтиб ноғора чалишарди (баъзи ривоятда икки жория ноғора билан ўйнашарди, деб келган). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кийимларини устларига ташлаб ётгандилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу у икковини бақириб, ўдағайлаб тўхтатдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам устларини очиб: «Эй Абу Бакр! Қўяверинг, чунки бугун ҳайит кунидир», дедилар⁷²⁵.

«Саҳиҳи Бухорий»да эса «...Ушбу кунлар ҳайит байрами кунларидир», деб келади. Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу Оиша розийаллоҳу анҳонинг олдиларига кирганларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам у ерда эдилар. У кун ё рамазон, ё қурбон ҳайити кунлари эди. Оиша розийаллоҳу анҳо ҳузурларида иккита ашулачи аёл ансорийлар буос куни айтадиган ашулани айтардилар. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу: «Шайтоннинг сурнайи», деб икки марта айтдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Абу Бакр, бу икковини тек қўйинг, ҳар бир қавмнинг ҳайит байрами куни бор, бизнинг ҳайитимиз бугунги кундир», дедилар⁷²⁶.

Оиша розийаллоҳу анҳо айтадилар: «Ҳайит куни ҳабашлар масжидга рақс тушиб келишди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мени чақирдилар. Мен бошимни у зотнинг елкаларига қўйиб (бошқа ривоятда ёноқларини ёноғимга қўйиб мени турғиздилар, деб келади). Уларнинг ўйинларига қарай бошладим. Ҳатто кўзимни бошқа ёққа қаратдим. Оиша розийаллоҳу анҳо: «Ёш араб жория қиз қодир бўлганидек ўйинга қодир бўлинглар», деб айтдилар⁷²⁷.

Икки ҳайитда безаниш

Икки ҳайитда энг яхши ва тоза кийимлар билан безаниш суннат бўлган. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Умар розийаллоҳу анҳу ипакдан ясалагн бозордан сотиб олинган жубба кийимни олиб, уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келтириб: «Эй Расулulloҳ, бу кийимни сотиб олинг, уни кийиб ҳайитга ва олдингизга келувчилар учун безанасиз», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу кийим охиратдан насибаси йўқлар учун», дедилар⁷²⁸.

⁷²⁴ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 277-бет.

⁷²⁵ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 608-бет.

⁷²⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 808-бет.

⁷²⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 188-бет.

⁷²⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 188-бет.

Жаъфар ибн Муҳаммад оталаридан, у киши боболаридан ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир ҳайитда йўл-йўл чопон кийиб безанар эдилар»⁷²⁹.

Яна Жаъфар ибн Муҳаммад айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир ҳайитда салла киярдилар»⁷³⁰.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ҳар ҳайитда энг яхши кийимларини киярдилар.

Зулҳижжа ойининг ўнинчисидаги амалнинг фазилати

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зулҳижжанинг (аввалги) ўн кунлигида қилинган амалдан кўра афзалроқ амал йўқдир», деганларида, Аллоҳнинг йўлидаги жиҳоддан ҳамми? дейилди. Шунда у зот: «Аллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам лекин бир киши жони ва молини тикиб чиқиб кетсада бирор нарса билан қайтмаса ана шу кишигина афзал амал қила олади», дедилар. Дорамий ривояти.

Саид ибн Жубайр агар зулҳижжани ўн кунлиги кирса шу даражада ўзларини қийнаб ибодатга шўнғирдиларки ҳатто амалларни бажаришга қурбилари етмай қолишига оз қолар эди.

Қурбон ҳайити куни масжидга бориш йўлида овозини чиқариб такбир айтиш суннатдандир. Бу ҳақда Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Ибн Умар икки ҳайитда масжиддан чиқиб то намоз ўқийдиган жойга боргунча такбир айтардилар⁷³¹.

Дорақутнийдан қилинган ривоятда эса «Имом келгунича такбир айтардилар», деб келади.

Ато ибн Соиб Абу Абдураҳмон ас-Суламийдан ривоят қилиб айтадилар: «Саҳобалар қурбон ҳайити куни рамазон ҳайитидан кўра кўпроқ такбир айтишар эди»⁷³².

Шаҳарларда яшовчи эркаклар жамоасига фарз намоздан кейин такбири ташриқ айтиш вожибдир. Вожиблиги Аллоҳ таолонинг қўйидаги: «Санокли кунларда Аллоҳни зикр қилинглари» (Бақара сураси, 203-оят) сўзига биноандир. «Зикрдан мурод такбири ташриқдир», деб айтилган.

Али (р.а.): «Жума, ташриқ, фитр ва қурбонликлар фақат шаҳардаги жомеъ ёки каттак шаҳарлардадир», дедилар.

Ташриқ – у Халил ва Назр ибн Шумайллардан нақл қилинган такбирдир. Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳ ҳам шу фикрга борганлар. Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад эса: «У, яъни такбири ташриқ фарз намозни ўқийдиган ҳар бир одамга вожибдир. Чунки такбир фарз намоз кетидан айтилади. Шундай экан, фарз намозни адо қилгувчига такбири ташриқ айтиш вожибдир», дедилар. Имом Абу Ҳанифанинг далиллари Ҳаммод Иброҳимдан, у киши Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятларидир. Ибн Масъуд ташриқ кунларидаги намозларда такбир айтардилар, такбирларини арафа куни бамдод намози сўнгидан айтишни бошлаб, то қурбонлик кунининг эртаси аср намозигача айтардилар, кейин

⁷²⁹ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 280-бет.

⁷³⁰ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 280-бет.

⁷³¹ «Алмустадрок», 1-китоб, 298-бет.

⁷³² «Алмустадрок», 1-китоб, 298-бет.

тўхтатардилар. Такбирлар қуйидагича эди: «Аллоҳу акбар, аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд»⁷³³.

Икки имомни далиллари Умар ибн Саид қилган ривоятдир. «Бизнинг олдимизга Ибн Масъуд келдилар, у киши арафа куни бомдоддан бошлаб, то ташриқ кунларининг охиригача, яъни учинчи қурбонлик кунини асригача такбир айтардилар», дедилар⁷³⁴.

Ҳайит намозига ғусл қилиш

Ҳайит намозига ғусл қилиш ва мисвок ишлатиш мустаҳабдир. Бу ҳақда Молик Нофеъдан, у киши Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Ибн Умар (р.а.) фитр куни эрталаб намоз ўқийдиган жойга боришдан аввал ғусл қилардилар.

Ҳайит куни қайси пайт таом ейиш мустаҳаб экани ҳақида

Рамазон ҳайитида намозга чиқишдан олдин таом ейиш мустаҳибдир. Бу ҳақда Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр (рамазон) ҳайити намозига хурмо еб, кейин чиқардилар»⁷³⁵.

Қурбон ҳайитида эса ҳайит намозидан қайтиб келиб, қурбонлик учун жониворни сўйгандан кейин таом ейиш мустаҳибдир. Бу ҳақда Бурайда розийаллоҳу анҳу ривоят қилишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр (рамазон) ҳайити куни ҳайит намозига чиқиш олдида таом ердилар, қурбон ҳайити куни эса ҳайит намозидан қайтиб келгунча таом емасдилар. Қайтиб келгандан сўнг қурбонлик қилинган жониворнинг гўшtidан ердилар⁷³⁶.

Икки ҳайит намозига бориш-келишда йўлни бошқа-бошқа қилиш

Икки ҳайит намозига бир йўлдан бориб, йўл гувоҳ бўлиши учун қайтишда бошқа йўлдан қайтиш мандуб амалдир. Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр ҳайити ва қурбон ҳайити куни ҳайит намозга юриб чиқар ва қўлларида найза бўлар эди. Намоз ўқиганларида ўша найзани олдиларига тўсиқ қилиб ерга санчиб қўярдилар»⁷³⁷.

Жобир розийаллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайит куни намозга бориш-келиш йўлини бошқа-бошқа қилардилар», деб айтдилар.

Ҳайит намозининг вақти

Ҳайит намозининг вақти қуёш чиқиб, найза бўйи кўтарилиб, нафл намоз ўқиш мумкин бўлган пайтдадир. Язид ибн Ҳумайр руҳабийдан

⁷³³ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 568-бет.

⁷³⁴ «Алмустадрок», 1-китоб, 298-бет.

⁷³⁵ «Саҳиҳи Бухорий», 189-бет.

⁷³⁶ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 375-бет.

⁷³⁷ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 281-бет.

ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан Абдуллоҳ ибн Буср розийаллоҳу анҳу одамлар билан бирга рамазон ёки қурбон ҳайити куни намозга чиқдилар. Имомнинг ҳайит намозини секинлик қилаётган инкор қилган ҳолда: «Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга шу соатда ҳайит намозини ўқиб бўлиб тасбеҳ айтишга киришган бўлардик», дедилар».

Ҳасан: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қурбон ёки фитр ҳайитига қуёш мукамал чиқиб бўлганида борардилар»⁷³⁸.

Икки ҳайит намози азон ва иқоматсиз ўқилади

Имоми Аъзам Ҳаммоддан, у киши Иброҳимдан ривоят қиладилар. Иброҳим: «Икки ҳайит намози хутбадан аввал ўқилади. Кейин имом намоздан сўнг минбарга кўтарилади, намозни эса азон ва иқоматсиз ўқийди». Буни Имом Муҳаммад «Ал-Асар»ларида ривоят қилганлар.

Жобир розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ҳайит куни намозга шоҳид бўлиб бирга ўқидим. У зот намозни хутбадан олдин, азон ва иқоматсиз бошладилар»⁷³⁹.

Қурбонлик қилиш вақти

Қурбонлик қилиш вақти ҳайит намозидан кейиндир, намоздан олдингиси шунчаки гўшт учун сўйилган бўлиб қурбонликка ўтмайди. Барро ибн Озиб розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қурбон ҳайити куни намоздан сўнг бизга хутба ўқиб: «Ким бу ўқиган ҳайит намозимизни ўқиса ва биз қурбонлик қилганимиздек қурбонлик қилса, унинг қурбонлиги қабул бўлибди. Ким намоздан олдин қурбонлик қилса, намози қабул бўлиб, сўйган нарсаси қабул бўлмабди», дедилар. Барро розийаллоҳу анҳунинг тоғалари Абу Бурда ибн Ниёр: «Эй Расулulloҳ, мен қўйимни намоздан олдин қурбонлик қилдим ва бугунги кунни ейиш ва ичиш куни деб билиб, қўйимни уйимдаги биринчи қурбонликка сўйилган қўй бўлишини яхши кўрганим учун шундай қилдим. Намозга келиш олдида нонушта қилиб едим», деганларида Расулulloҳ (с.а.в.): «Қўйнинг гўштга сўйилган қўйдир, яъни у қурбонликка ўтмайди», дедилар. Абу Бурда: «Эй Расулulloҳ, бизда бир барваста ёш улоқ бор, у менга иккита қўйдан ҳам севимлироқ, уни сўйсам қурбонликка ўтадимиз?» деб сўрагандилар. Расулulloҳ (с.а.в.): «Ҳа, сендан кейин ҳеч кимга жоиз эмас», дедилар»⁷⁴⁰.

Ҳайит куни аёлларнинг намозгоҳга чиқиши

Умму Атиййа айтадилар: «Биз ҳайит куни ҳайит намозига чиқишга буюрилгандик, ҳатто бегона нигоҳлардан яширилган бокира қизларимиз ҳамда ҳайз кўрганлар ҳам ҳайит намозига чиқишарди. Аёллар одамларнинг орқасида яшириниб, жамоатнинг такбирларига қўшилиб такбир айтарди,

⁷³⁸ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 282-бет.

⁷³⁹ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 375-бет.

⁷⁴⁰ «Саҳиҳи Бухорий», 189-бет.

уларнинг дуоларига қўшилиб дуо қилардилар, ушбу куннинг баракасидан ва покланишидан аёллар умид қилардилар»⁷⁴¹.

Яна Умму Атиййа айтадилар: «Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ёш ўспирин ҳамда, бегона кўзлардан яширилган қизларимизни ҳайит намозига чиқаришимизни, ҳайз кўрган аёлларимизнинг эса масжиддан четланишини буюрдилар»⁷⁴².

Ҳайит намозига болалар билан чиқиш

Нофеъ Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ҳайит намозига Фазл ибн Аббос, Абдуллоҳ, Аббос, Али, Жаъфар, Ҳасан, Ҳусайн, Усома ибн Зайд, Зайд ибн Ҳориса ва Айман ибн Умму Айман розийаллоҳу анҳумолар билан бирга чиқиб, овозларини таҳлил ва такбир билан баланд кўтарган ҳолда борардилар. Боришда икки йўлни танлаб олиб, бирида масжидгача борардилар. Ҳайит ўқиб бўлганларидан кейин келган йўлларида бошқасида уйларида қайтардилар».

Ёмғирли кунда ҳайит намози масжидда ўқилади

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилишларича, ҳайит куни уларга ёмғир ёға бошлади, шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайит намозини масжидда ўқиб бердилар⁷⁴³.

Ҳайит намози ўқиладиган жойда ҳайит намозидан олдин ва кейин нафл намоз ўқиш мандуб (мустаҳаб) эмас. Бу ҳақда Саъид ибн Жубайр Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр ҳайити куни ҳайит намозига чиқдилар, икки ракат ҳайит намози ўқидилар. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам намоз ўқимадилар. Ўшанда Билол розийаллоҳу анҳу у зот билан бирга эдилар»⁷⁴⁴.

Хутбадан олдин намоз ўқиш

Ато Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр ҳайити куни туриб намоз ўқидилар, намозни хутбадан олдин бошладилар. Кейин одамларга хутба ўқидилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хутбани ўқиб бўлганларидан кейин минбардан тушиб аёлларнинг олдида бордилар. Билол розийаллоҳу анҳунинг қўлларига сўяниб аёлларга зикр ва насиҳат қилдилар. Билол кийимларини ёйиб қўйгандилар, аёллар садақа ташлашди». Ровий айтадилар: «Бир аёл билагузугини ташлади, аёллар садақаларини ташлашаверди-ташлашаверди»⁷⁴⁵.

Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар розийаллоҳу анҳумолар ҳайит намозини хутбадан олдин ўқишарди», деб айтдилар⁷⁴⁶.

⁷⁴¹ «Саҳиҳи Бухорий», 192-бет.

⁷⁴² «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 279-бет.

⁷⁴³ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 301-бет.

⁷⁴⁴ «Саҳиҳи Бухорий», 195-бет.

⁷⁴⁵ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 297-бет.

⁷⁴⁶ «Алмустандрок», 1-китоб, 298-бет.

Икки ҳайит намозининг ракатлари сони

Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Қурбон ҳайити намози икки ракат, Рамазон ҳайити намози ҳам икки ракат, мусофирнинг намози икки ракат, жума намози икки ракат бўлиб, шу икки ракат билан мукамалдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тилларида у қаср эмас эди»⁷⁴⁷.

Имом одамлар билан ҳайит намозини икки ракат ўқийди. Унда такбири таҳримани айтиб, кетидан уч марта такбир айтади, сўнг Фотиҳани ва бир сурани зам қилиб ўқийди, кейин такбир айтиб рукуъ қилади. Иккинчи ракатни Фотиҳа ва бир сурани зам қилиб ўқишдан бошлайди, сўнг уч марта такбир айтади, кейинги тўртинчи такбирни рукуъга кетиш учун айтади. Намоздаги зиёда қилинган такбирларни айтганда икки қўлини кўтаради.

Имом ҳар бир зоида такбир (такбири завоид) орасида уч марта тасбеҳ айтиш миқдорича тўхтаб олиши мустаҳабдир. У такбирлар орасида суннат бўлган зикр йўқ. Бу ҳақда Макхулдан шундай ривоят қилинади. «Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу билан бирга ўтирган у кишининг шогирдлари Абу Оиша менга шундай хабар берди: «Саъид ибн Осс Абу Мусо ва Ҳузайфа ибн Ямондан «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қурбон ва фитр ҳайити намозида қандай такбир айтардилар?» деб сўради. Абу Мусо: «У зот жаноза намозига айтган такбирларидек тўрт марта такбир айтардилар», деди. Ҳузайфа: «У рост айтди», деди. Абу Мусо: «Мен Басрада уларга имом бўлганимда худди ўшандай қилиб такбир айтардим», деди. Абу Оиша: «Мен шу вақтда Саъид ибн Осснинг ёнида эдим», дедилар».

Абу Исҳоқ ас-Сабиъий Абдуллоҳ ибн Мусодан ривоят қиладилар: «Саъид ибн Осс Ибн Масъуд Ҳузайфа ва Абу Масъуд розийаллоҳу анҳум ҳузурларига одам юбориб, улардан ҳайит намозидаги такбир ҳақида сўради. Улар жавоб беришни Ибн Масъудга топширишди. Ибн Масъуд: «Қироатдан олдин тўрт марта такбир айтасан, кейин қироат қиласан, ўқиб бўлганингдан сўнг такбир айтиб рукуъ қиласан. Кейин иккинчи ракатга турасан, қироат қиласан, ўқиб бўлганингдан сўнг тўрт марта такбир айтасан», дедилар»⁷⁴⁸.

Мен бу ҳадис санадидаги кишиларнинг бири Абдурахмон ибн Собит ибн Савбондир, деб айтаман.

Байҳақий у киши ҳақларида: «Яҳё ибн Муъийн уни заиф қилди. Лекин у солиҳ киши эди», дедилар. Мен айтаманки, Байҳақий рост айтди, лекин Аз-Заҳабий «Ал-Мийзан» китобида шундай дейди: «Ибн Муъийн: «Унинг ҳечқиси, яъни зарари йўқ», деганлар. Абу Довуд: «Унда динида саломатлик бор эди, у дуоси ижобат бўладиган банда эди», деган. Абул Ҳотам: «У ишончли эди, Даҳим исмли зот уни ишончли», деган. Усмон ибн Саъид Ибн Муъийн ҳақида ривоят қилиб: «У заиф», деган. Имом Аҳмад: «Унинг ривоят қилган ҳадислари инкор қилингандир», деган. Насайй: «Унинг ривояти қувватли эмас», деган. Солиҳ Жазра: «У ростгўй, лекин

⁷⁴⁷ «Сунани Насайй», 3-китоб, 183-бет.

⁷⁴⁸ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 290-бет.

Қадарий тоифасидан эди», деганлар. Ибн Адий: «Ҳадислари заиф деб ёзилади», деган».

Абдураззоқ Абдуллоҳ ибн Ҳорисдан ривоят қилиб айтадилар: «Мен ибн Аббос Басрада ҳайит намозида тўққиз марта такбир айтганлари, икки марта қироатнинг ўртасида ҳам айтганларига гувоҳ бўлганман. Муғийра ибн Шўъба розийаллоҳу анҳунинг ҳам шу ишни қилганларига гувоҳ бўлганман». Абдуллоҳ ибн Хориснинг бу ривоятларидаги Ибн Аббоснинг қандай қилганларини Хомид ал-Хаззо, у кишининг ишларини Ибн Масъуднинг қилганлари билан тўғри келган, деб изоҳлаб бердилар.

Алқама Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Икки ҳайит намозидаги такбир биринчи ракатида бешта, иккинчисида эса тўрттадир». Ибн Абдул Барр «Тамҳид» китобида: «Бунга ўхшаш нарсая раъй билан бўлмай, балки мавқуф ҳолда бўлади. Чунки етти билан ундан камроқ ёки кўпроғини раъй ва қиёс жиҳатидан фарқи йўқ», деганлар. Ибн Рушд «Ал-Қавоид»да шундай деганлар: «Бундаги саҳобанинг иши мавқуфдир, қиёс бунга кирмайди. Ибн Масъуд бу феълда саҳобалар ва тобеъинлар жамоасига мувофиқ келдилар. Саҳобалар жамоасининг зикри юқорида ўтди. Тобеъинлар ҳақида эса Ибн Абу Шайба «Мусаннаф» китобида зикр қилган. Такбир ҳақидаги ҳадисларни санади заифдир. Аҳмад ибн Ҳанбал: «Икки ҳайит намозидаги такбир ҳақида саҳиҳ ҳадислар ривоят қилинмаган», деганлар.

Икки ҳайит намозида қироатни жаҳрий, овозини чиқариб ўқиш суннатдир. Бу ҳақда Ҳорис Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Икки ҳайит намозида қироатни жаҳрий ўқиш суннат амалдир. Икки ҳайит куни намоз ўқиладиган кенг ерга чиқиш суннатдандир»⁷⁴⁹.

Агар барча жамоат ҳайит намозини биринчи куни ўқимасалар, уни эртасига ўқийдилар. Бу ҳақда Абу Бишр Абу Умайр ибн Анасдан у амакисидан қилган ривоятда келтирилишича, бир қавм ҳилол, янги чиққан ойни кўришди-да бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига бориб, гапиришган эди. У зот уларга тонг отгандан кейин оғизни очиб юбориб, рўза тутмасликка ва эртасига фитр ҳайити намозига чиқишга буюрдилар⁷⁵⁰. Қурбон ҳайитида эса қурбон ҳайити намозини эртаси ва индинига ўқидилар. Ундан кейинги кунларда ҳайит намозини ўқимадилар.

Ҳайит намозидан кейин иккита хутба ўқишлик суннат амалдир. Намоз ўқувчи қавм хутбани эшитиб ўтириш билан тарқаб кетиш орасида ихтиёрлидир. Яъни, хоҳласа, хутбани эшитиб ўтиради, хоҳласа, туриб кетаверади.

Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Соиб розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайит намозини ўқидилар ва: «Ким кетишни истаса кетаверсин, ким хутбага қулоқ тутиб қолишни хоҳласа, қолсин», дедилар»⁷⁵¹. Қоим бўлиш – жим ўтиришдир, ҳайит хутбасини эшитиш эса вожиб эмас.

Имом икки хутба орасида бир ўтириб олиб, ўтирганида гапирмайди. Хутбада асосий гапини садақа улашиш хусусида фикр юритади.

Мусофирнинг намози ҳақидаги боб

⁷⁴⁹ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 295-бет.

⁷⁵⁰ «Сунани Насайй», 3-китоб, 180-бет.

⁷⁵¹ «Сунани Насайй», 3-китоб, 185-бет.

Холид ибн Усайд қабиласидаги бир кишидан ривоят қилинишича, у киши Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан: «Эй Абу Абдурахмон, (яъни Абдуллоҳ) биз Қуръонда муқимликда ва хавфда ўқиладиган намозни топдик. Лекин мусофирнинг намозини топмадик», деб сўраганларида, Ибн Умар: «Эй акамнинг ўғли, Аллоҳ азза ва жалла бизга Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни юборган. Биз ҳеч нарсани билмаймиз. Фақат у зот қилган нарсани кўрганимиздек амал қиламиз халос», дедилар⁷⁵².

Яъло ибн Умайя розийаллоҳу анҳу Умар ибн Хаттобга: «Агар кофирларнинг фитналаридан қўрқсангизлар, фарз намозни қисқартириб ўқишингизда сизларга гуноҳ йўқ», деган сўзи бор. Энди мусофирликда одамлар омонда-тинчликда бўладилар-ку», десалар. Умар розийаллоҳу анҳу: «Сен ажабланган нарсага мен ҳам ажабланиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан шу ҳақда сўрасам, у зот: «Аллоҳ таоло уни сизларга садақа қилган, Аллоҳнинг садақасини қабул қилинглар», дедилар»⁷⁵³.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Оиша розийаллоҳу анҳо айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга аввалига намоз икки ракат-икки ракатдан фарз бўлди, фақат шом намози уч ракат бўлди. Сўнг Аллоҳ таоло муқимликда пешин, аср ва хуфтон намозларини тўрт ракатдан қилиб мукамал қилди. Сафарда эса энг аввал фарз бўлгани – икки ракатдан ўқилиши муқаррар қолди»⁷⁵⁴.

Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Сафардаги намоз икки ракат, қурбон ҳайити намози икки ракат, фитр ҳайити намози икки ракат жума намози икки ракат бўлиб. Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тилларида қаср бўлмай икки ракатдир»⁷⁵⁵.

Сафарда қаср вожибдир. Буни Али ва Умар, Ибн Умар, Ибн Аббос розийаллоҳу анҳулар шундай дейишган. Буни Умар ибн Абдулазиз, Қатода ва Ҳасан розийаллоҳу анҳудан ривоят қилишган. Бунга ҳужжат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча сафарларида қасрни ўзларига лозим тутганлари ҳамда сафарда тўрт ракат қилиб тўлиқ ўқиганлари ҳақида ҳадис собит бўлмаганидир. Бу ҳақда Урва ибн Зубайр Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари Оиша онамиз розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Оиша (р.а.): «Намоз сафарда ҳам, ҳозирда, яъни муқимликда ҳам икки ракат-икки ракат бўлиб фарз бўлди. Сафардаги намоз шундай қолди. Ҳозир яъни муқимликдаги намоз зиёдалашди»⁷⁵⁶.

Молик ибн Анас розийаллоҳу анҳудан санади Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳугача бўлган ривоятда келтирилишича, у киши Маккага келганларида имом бўлиб икки ракат намоз ўқидилар, кейин: «Эй Макка аҳли, намозингизни тўлиқ қилиб ўқиб олинглар, албатта биз мусофир қавмимиз», дедилар⁷⁵⁷.

Сафарни истаб пиёда уч кеча-кундуз юрган одам шаҳардаги уйлардан узоқлашса, мусофирга айланади. Тоғда эса унга лойиқ бўлган нарса эътибор қилинади. Денгизда эса шамол кучи билан юрувчи елканли

⁷⁵² «Алмуватто», 1-китоб, 124-бет.

⁷⁵³ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 478-бет.

⁷⁵⁴ «Фатхур Роббоний», 5-китоб, 92-бет.

⁷⁵⁵ «Фатхур Роббоний», 5-китоб, 92-бет.

⁷⁵⁶ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 478-бет.

⁷⁵⁷ «Алмуватто», 1-китоб, 126-бет.

кеманинг шиддатли ҳам, секин ҳам эсмаган, балки мўътадил эсиб турган шамол ёрдамидаги юриши эътибор қилинади. Уч кеча-кундуз қанча юриши чамалаб қаралади ва бу масофани асос қилиб олади. Бу ҳақда Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар, Тамим ад-Дорий Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳудан денгизда кема сузиш ҳақида сўради, чунки у кишининг денгизда катта тижорати бор эди. Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу унга намозини қаср қилиб ўқишни буюрдилар, чунки Аллоҳ: «Аллоҳ сизларни қуруқликда ва денгизда юргизиб қўйган Зотдир» (Юнус сураси, 22-оят), деб айтган. Мусофир ўз шаҳрига киргандагина ёки бирор шаҳар ё қишлоқда ўн беш кун туришни ният қилса, сафарнинг ҳукми кетади. Агар у одам ўн беш кундан кам туришни ният қилса, туриши чўзилиб кетса ҳам, у мусофирдир», дедилар.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинада фарз намозни тўрт ракат ўқидилар, Зулхулайфада эса икки ракат қилиб қаср ўқидилар»⁷⁵⁸. Нофеъдан ривоят қилинади: «Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу агар ҳаж ёки умрага борсалар, намозни Зулхулайфадан бошлаб қаср ўқирдилар»⁷⁵⁹.

Молик айтадилар: «Сафарни ирода қилиб чиққан киши қишлоғининг уйларида нарига чиқмагунича намозини қаср қилиб ўқимади. Қайтишида қишлоғининг биринчи уйига учрамагунича ёки унга яқинлашмагунича намозини тўлиқ, яъни муқимлардек ўқимади». Имом Муҳаммад «Ал-Муватто»да ривоят қилиб айтадилар: «Агар мусофир сафарга чиқса, туяда ва пиёда юришда уч кеча-кундуз мукамал юришни ирода қилмаса, у намозини комил, муқимлардек ўқийди. Агар шуни ирода қилса, ўз шаҳридан чиқиб, шаҳардаги уйлар орқада қолиб кетгандан кейин намозини қаср ўқийди». Бу Абу Ҳанифани сўзлари ҳамдир. Бунинг далили Шурайх ибн Ҳонеъ қилган ривоятдир, Шурайх Али розийаллоҳу анҳудан маҳсидаги масҳнинг муддати ҳақида сўрадилар. Али розийаллоҳу анҳу: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳси муддатини мусофир учун уч кеча-кундуз, муқим учун бир кеча-кундуз деб белгилаганлар», дедилар⁷⁶⁰. У ҳукмлар ўзгарадиган сафардир.

Молик Нофеъдан, у киши Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Ибн Умар Ҳайбаргача намозни қаср ўқиганлар ва «Бу уч кеча яъни мусофирлик ҳукми тааллуқли бўладиган масофадир», дедилар⁷⁶¹.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу: «Узоқдан қорайиб кўриниб турган уйлариингиз сизларни мусофир эканман, деб алдаб қўймасин», дедилар⁷⁶².

Яна у зот: «Сизлардан бир кишининг ўз қишлоғидан кетиб, сизларга имом бўлиб намозини қаср ўқиши ва «Мен мусофирман», дейиши сизларни, демак, биз ҳам имомдек қаср ўқирканмиз, деб алдаб қўймасин», дедилар.

Буни Имом Муҳаммад «Ал-Асар»да ривоят қилганлар.

Биз шунга амал қиламиз, агар сафардаги юриш муддати уч кеча-кундуздан кам бўлса, у одам намозини комил қилиб муқимлардек ўқийди. Агар юриш уч кеча-кундуз ва ундан ортиқ бўлса ва у ерларда ўша кишини

⁷⁵⁸ «Сунани Дорамий», 1-китоб, 355-бет.

⁷⁵⁹ «Алмуватто», 1-китоб, 124-бет.

⁷⁶⁰ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 232-бет.

⁷⁶¹ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 136-бет.

⁷⁶² «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 136-бет.

оиласи ё қариндош-уруғлари бўлмаса, ўн беш кун ва ундан ортиқ туришни ният қилмаса, у намозини қаср ўқийди.

Агар ўша ерни ўзига ватан қилиб олиб у ерда ўн беш кун ва ундан ортиқ турса, у ўша ерда турар экан, намозини комил қилиб муқимлардек ўқийди. Агар у ердан ўз аҳлига қайтиш учун сафарга чиқса, намозни қаср қилиб ўқийди. Намозни қаср ўқишига сабаб бўладиган уч кеча-кундуз туяда юриш ва пиёда юриш ҳисоби биландир⁷⁶³.

Бугунги кунда у масофа тахминан саксон тўрт километрга тўғри келади.

Мужоҳиддан ривоят қилинади: «Ибн Умар розийаллоҳу анҳу агар бирор жойда ўн беш кун туришга қарор қилсалар, намозни комил ўқирдилар»⁷⁶⁴.

Саъийд ибн Жубайр: «Агар мусофир ўн беш кундан ортиқ туришни ирода қилса, намозини комил қилиб ўқийди», деб айтардилар. Буни Ибн Абу Шайба ривоят қиладилар. Саид ибн Мусаййаб: «Агар мусофир ўн беш кун бир жойда муқим турса, у намозини комил қилиб ўқийди, агар ундан кам турса, у намозини қаср қилиб ўқийди», деб айтдилар. Буни Ҳушайм ривоят қилдилар. Агар мусофир ўн беш кун туришга азму қарор қилмаса, балки ундан кам туришни ният қилса, у намозини қаср ўқийди, ҳатто у ерда бир йил турса ҳам. Бу ҳақда Абу Зубайр Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Табук ғазотида бўлдим, у ерда у зот бир неча ўн кун турдилар, биз ҳам у зот билан бирга бўлдик, у зот намозни то уйларига қайтгунларича икки ракатдан оширмадилар, яъни қаср ўқидилар»⁷⁶⁵.

Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Биз Озарбайжонда олти ой ғазотдалик пайтимизда қор ёғди. Ўшанда намозни икки ракат, яъни қаср қилиб ўқидик».

Солим оталаридан ривоят қиладилар. Оталари: «Мен бир жойда кўпроқ туриб қолсам, мусофирнинг намозини ўқийман, гарчи ўн икки кеча тутилиб қолсам ҳам», дедилар. Яҳё ибн Абу Касир Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳоблари Баромухримуз номли жойда тўққиз ой туриб у ерда намозни қаср қилиб ўқишди».

Сафарда икки намознинг орасини суратий жамлаш

Аъраждан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукка сафар қилганларида пешин билан аср намозини жам қилиб ўқиганлар⁷⁶⁶. Буни Имом Молик ва Имом Муҳаммад «Ал-Муватто»да ривоят қилишган ва: «Шунга амал қиламиз», деганлар. Икки намозни жам қилиш бирини кечиктириб охирги вақтида, иккинчисини эса аввалги вақтида ўқиш билан бўлади. Бу ҳақда Нофеъ ва Абдуллоҳ ибн Воқид ривоят қиладилар, Ибн Умар розийаллоҳу анҳунинг муаззинлари: «Намоз», деганларида, Ибн Умар: «Тўхтамай юравер», деб шафақ ғойиб бўлишидан олдин тўхтаб шомни ўқишган, кейин шафақ ғойиб бўлишини кутиб туришган, сўнг хуфтон намозини ўқишган, сўнгра: "Расулulloҳ соллаллоҳу

⁷⁶³ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 703-бет.

⁷⁶⁴ Ибн Абу Шайба, «Маснаф», 2-китоб, 455-бет.

⁷⁶⁵ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 152-бет.

⁷⁶⁶ «Алмуватто», 1-китоб, 122-бет.

алайҳи васалламга бирор иш шошилич келса, мен ҳозир қилганимдек бажарардилар», дедилар⁷⁶⁷.

Сафардаги намозни жамъут таъхир қилиш ривоятда келгандир. «Саҳиҳи Бухорий»да Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам агар қуёш тиккадан оғмасдан, пешин вақтидан олдин йўлга чиқсалар, пешин намозини аср вақтигача кечиктирардилар, кейин икковини жам қилиб ўқирдилар, агар қуёш тиккадан оғган бўлса, пешин намозини ўқиб, кейин йўлга чиқардилар»⁷⁶⁸.

«Саҳиҳи Муслим»да ҳам, Анас розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шошилич сафар келиб қолса, пешин намозини асрнинг аввалги вақтигача кечиктирардилар, сўнг икковини жам қилиб ўқирдилар. Шомни ҳам кечиктириб, шафақ ғойиб бўлганда хуфтон билан орасини жам қилиб ўқирдилар»⁷⁶⁹.

«Саҳиҳи Муслим»да Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга саккиз марта намозни жамлаб ва етти марта намозни жам қилиб ўқидим. Кейин: «Эй Абу Шаъсо, улар пешинни кечиктириб, асрни вақтлироқ, шомни кечиктириб, хуфтонни вақтлироқ ўқиган, деб ўйлайман», десам у: «Мен ҳам шундай деб ўйлайман», деди⁷⁷⁰.

Қутайба ибн Саъид Лайс ибн Саъддан қилинган биргина ривоятни айтганлар. Термизий: «Бу ривоятни Лайдан бошқа бирор одам ривоят қилганини билмаймиз», дедилар. Лайс Язид ибн Абу Хубайбдан, у киши Абу Туфайлдан, у киши Муоз розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган бу ҳадис ғариб ҳадисдир. Абу Довуд айтадилар: «Қутайба Лайдан, у Язиддан, у Абу Туфайлдан, у Муоз розийаллоҳу анҳудан ҳадис ривоят қилмаган, фақат Қутайбанинг ўзи, ёлғиз ривоят қилган, у ҳам бўлса: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук ғазотида агар қуёш тиккадан оғмасидан олдин йўлга чиқсалар, пешин намозини кечиктириб, уни аср билан жам қилиб бирга ўқирдилар. Агар қуёш тиккадан оғанидан кейин йўлга чиқсалар, аср намозини вақтлироқ ўқиб, пешин ва аср намозларини жам қилиб ўқиб, кейин йўлга чиқардилар. Агар шомдан олдин йўлга чиқсалар, шом намозини кечиктириб, хуфтон билан бирга ўқирдилар. Агар шомдан кейин йўлга чиқсалар, хуфтон намозини вақтлироқ қилиб, уни шом билан бирга ўқирдилар»⁷⁷¹ ҳадисидир».

Аҳли илм орасида машҳур бўлган ҳадис Абу Зубайр Абу Туфайлдан, у киши Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисдир. Муоз ибн Жабал: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук ғазотида пешин ва аср намозлари орасини жам қилардилар, шом ва хуфтон намозлари орасини ҳам жам қилиб ўқирдилар», деб айтганларида ровий: «Бундан нимани мақсад қилганлар?» деди. Умар (р.а.) «Умматларига машаққат бўлмаслигини хоҳлаганлар», деб айтдилар⁷⁷².

Мен айтаманки, булардан фаҳмладиган нарсаси шуки, агар кишига сафарда намозни жам қилиш зарурати туғилиб қолса, жамъу тақдим қилмасдан жамъу таъхир қилади. Фақат Арафотда жамъу тақдим қилади.

⁷⁶⁷ «Сунани Абу Довуд», 2-китоб, 6-бет.

⁷⁶⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 219-бет.

⁷⁶⁹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 489-бет.

⁷⁷⁰ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 491-бет.

⁷⁷¹ «Сунани Термизий», 2-китоб, 33-бет, «Сунани Абу Довуд», 2-китоб, 7-бет.

⁷⁷² «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 490-бет.

Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Азҳоб ғазотида жамъу таъхир қилганлари ҳақида ҳадис бор. Жамъу тақдим қилганлари ҳақида фақат Арафотдагина ривоят қилинган. Аллоҳ таоло мусулмонларга намозни ўз вақтида фарз қилган, вақти кирганда ўқилган намоз қазо қилиб ўқилган намоз ва ҳали вақти кирмасдан ўқилган намоздан аълороқдир. Валлоҳу аълам.

Нофеъ айтадилар: «Мен Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу билан бирга йўлга чиқдим. У ўзига қарашли бир ерга бормоқчи эди. Йўлда бир манзилда тўхтадик. Унинг олдида бир киши келиб: «Абу Убайднинг қизи София ўзидаги нарсани қидирмоқда, у уни топиб олади, деб ўйламайман», деди. Бу асрдан кейинги вақтда бўлаётган гап эди. Ибн Умар тезда йўлга чиқди, у билан бирга қурайшлик бир киши ҳам бор эди. Биз йўл юрдик, ҳатто кўёш ботди. Мен дўстим намозни ўз вақтида ўқийди, деб ўйлаб: «Намоз», деб эслатдим. У менга жавоб бермай, юришда давом этди. Шафақнинг тугашига яқин келганида тўхтаб шом намозини ўқиди. Кейин шафақ ғойиб бўлгандан сўнг туриб биз билан хуфтон намозини ўқиди. Сўнг бизга қараб: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бирор нарса шошилиш бўлиб қолса, мана шундай қилардилар», деди»⁷⁷³.

Бу Ибн Жобирнинг Нофеъдан қилган ривоятидир.

Аътоф ибн Холиднинг Нофеъдан қилган ривоятида эса шундай келади: «Биз Ибн Умарга «Намоз», деб эслатдик. У юриб кетаверди, то шафақ ғойиб бўлай деганда тўхтаб шом намозини ўқиди. Сўнг бизга юзланиб: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бирор ишга шошганимизда мана шундай қилар эдик», деди»⁷⁷⁴.

Мана бу суратий жамдир. Шом намозини шомнинг охириги вақтида, шафақ ғойиб бўлишидан аввал ўқиди. Хуфтон намозини эса шафақ ғойиб бўлгандан сўнг, хуфтоннинг аввалги вақтида ўқиди.

Сафардаги нафл намозлар

Баъзи фуқаҳолар сафарда нафл намоз ўқилмайди, деган фикрга келганлар ва бунга далил сифатида қуйидаги ҳадисни келтирганлар: Ҳафс ибн Осимдан ривоят қилинишича, у зот: «Касал бўлиб қолганимда Ибн Умар розийаллоҳу анҳу мени кўргани келдилар. Мен ундан сафарда тасбеҳ айтиш ҳақида сўрадим. Ибн Умар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда ҳамроҳ бўлдим ва у зотнинг сафарда тасбеҳ айтганларини кўрмадим. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади: "(Эй мўминлар), сизлар учун Аллоҳнинг пайғамбари (иймон-этиқоди ва хулқ-атвори)да гўзал намуна бордир" (Аҳзоб сураси, 21-оят). У зот сафарда имкон бўлмагунича, нафл намоз ўқимаганлар», дедилар»⁷⁷⁵.

Баъзи фуқаҳолар сафарда нафл намоз ўқилади, дейишган ва бу аксарият илм аҳлини сўзидир. Уларнинг фикрларича, сафарда нафл намоз ўқилади ва нафл намоз ўқувчига эса улуғ фазл бордир. Атиййа ва Нофеъ Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга муқимликда ҳам, сафарда ҳам намоз ўқидим. У зот билан бирга муқимликда пешин намозининг тўрт ракат

⁷⁷³ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 393-бет.

⁷⁷⁴ «Сунани Доракутний», 1-китоб, 393-бет.

⁷⁷⁵ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 480-бет.

фарзини ва кетидан икки ракат суннاتини ўқидим. У зот билан сафарда пешин намозининг икки ракат фарзини қаср қилиб ва кетидан икки ракат суннатини ҳам ўқидим, аср намозини ҳам сафарда икки ракат ўқидим. У зот асрдан кейин ҳеч қандай намоз ўқимадилар. Шом намози муқимликда ва сафарда баробар уч ракатдир, у муқимликда ҳам, сафарда ҳам қисқартирилмайди. У кундузи ўқиладиган витр, яъни тоқ намоздир. Ундан кейин икки ракат нафл намоз ўқилади»⁷⁷⁶. Бу ҳадис ҳасандир.

Қаср ўқиган мусофирга иқтидо қилганлар туриб намозини мукаммал қилиши ҳақида

Бу ҳақда Савфон ривоят қилиб айтадилар: «Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Савфонни кўргани келди. Бизга имом бўлиб икки ракат намоз ўқиб кейин тугатди. Биз туриб намозни мукаммал қилиб ўқидик». Нофеъ ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу агар сафардаликларида муқим имомга иқтидо қилиб намоз ўқисалар, тўрт ракат тўлиқ ўқирдилар. Агар ўзлари намоз ўқисалар, унда икки ракат қилиб қаср ўқирдилар»⁷⁷⁷.

Мусофир агар имом бўлиб ёки ёлғиз ўзи намоз ўқиса, тўрт ракатли намозни қаср қилиб ўқийди. Агар муқим одамга иқтидо қилиб ўқиса, муқимнинг намозидек тўрт ракат тўлиқ ўқийди.

Имом Муҳаммад «Ал-Асар» китобларида ушбу ривоятни келтирадилар: «Мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу Макка шаҳрида одамларга имом бўлиб пешин намозини қаср қилдилар ва: «Эй Макка аҳли, мен мусофирман. Ким шаҳар аҳлидан бўлса, у намозини тўлиқ ўқисин», дедилар. Шаҳар аҳли намозларини тўлиқ қилиб ўқидилар». Имом Муҳаммад: «Шу фикрни оламиз, агар муқим одам мусофирга намозда иқтидо қилса, мусофир намозини қаср қилиб тугатса, муқим туриб намозининг қолганини ўқиб комил қилади». Имом Абу Ҳанифа ҳам шу фикрга мувофиқлар», деб айтдилар.

Иброҳим айтадилар: «Агар мусофир муқимга иқтидо қилса, намозни тўлиқ ўқийди». Буни Имом Муҳаммад «Ал-Асар»да ривоят қилиб шу фикрни оламиз. Агар мусофир муқимга намозда иқтидо қилса, унга муқимнинг намозидек тўрт ракат намоз вожиб бўлади. Абу Ҳанифа ҳам шу фикрга мувофиқлар», деб айтганлар.

Абу Баҳлаз айтадилар. (имом Байҳақий Абу Баҳлаз ўрнига Абу Мижлаз деганлар)

Ибн Умар розийаллоҳу анҳуга: «Мен мусофирликда муқим кишилар ўқиётган фарз намознинг икки ракатига улгурдим», десам Ибн Умар (р.а.): «Улар каби ўқигин», дедилар»⁷⁷⁸.

Буни Абдураззоқ ривоят қилганлар. Абу Мижлаз: «Мен Ибн Умар розийаллоҳу анҳуга: «Мусофир муқим одамлар ўқиётган намознинг икки ракатига улгурди. Унга бу икки ракат кифоя қиладими ёки уларнинг намозларидек намозни ўқиши керакми?» деб сўрасам у зот кулимсираб: «Уларнинг намозларидек намоз ўқийди», дедилар»⁷⁷⁹.

⁷⁷⁶ «Сунани Термизий», 2-китоб, 22-бет.

⁷⁷⁷ «Алмуватто», 1-китоб, 126-бет.

⁷⁷⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 715-бет.

⁷⁷⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 1-китоб, 715-бет.

Мусофир кўчиб кетган шаҳрига кириб келса, у ерда ҳам қаср ўқиши ҳақида

Ким бир шаҳарда туғилса, кейин у ердан кўчиб кетиб бошқа шаҳарда истиқомат қилса, сўнгра у шаҳарга қайтса, у ерда мусофирдек намоз ўқийди. Бу ҳақда Яҳё ибн Исҳоқ ривоят қилиб айтадилар: «Мен Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳунинг шундай деяётганларини эшитдим: «Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Мадинадан Маккага келдик. У зот фарз намозларни қаср қилиб то Мадинага қайтгуниimizча икки ракат-икки ракат ўқидилар». Мен: «Маккада қанча турдинглар?» дедим. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу: «Биз у ерда ўн кун турдик», дедилар»⁷⁸⁰.

Кимки бир шаҳарда туғилса, у шаҳар унинг ватанидир. Кимки бир шаҳарда яшаб оилали бўлса, у шаҳар ҳам унинг ватанидир. Кимки бир шаҳарга келиб, ундан кетмасдан яшаб қолишга азм қилса, гарчи у ерда унинг оиласи бўлмаса ҳам, ўша шаҳар унинг ватани бўлади.

Ўзи яшаб турган шаҳридан бошқа шаҳарда ота-онаси бўлса, лекин у шаҳарда оиласи бўлмаса ва ўзи ота-онаси билан бир шаҳарда яшамаса, ўша шаҳар унга ватан бўлмайди. Фақат у киши ўзи яшаб турган ватани бўлмиш шаҳрини тарк қилса ва у ота-онаси яшайдиган шаҳарда яшашни қасд қилсагина, у шаҳар унга ватан бўлади. Бир кишининг иккита ёки ундан кўп ватани бўлиши мумкин. Агар у ўз шаҳридан оиласи билан эмас, балки ўзи бошқа шаҳарга кетса ва у ерда янги оила қурса, у иккинчи ватан бўлиб қолган шаҳри аввалги ватанини ботил қилмайди. У кишининг ватани иккита бўлади, бу ҳолда намозини мусофир каби йўлдагина ўқийди.

Кимки бир шаҳарга келса ва унда ярим ой ёки ундан кўп туришни ният қилса, тўрт ракат қилиб ўқийди агар у ерда ният қилган ярим ой ҳам турмасдан бошқа бир сафар сабабли чиқиб кетиб сафаридан яна шу шаҳарга қайтиб келса ҳам, у муқимга айланмайди, фақат ярим ой ёки ундан кўпроқ туришга янгидан ният қилсагина, у муқим бўлади.

Хафс ибн Осим (р.а.) Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр розийаллоҳу анҳу, Умар розийаллоҳу анҳу ва Усмон розийаллоҳу анҳулар билан бирга олти йил Минода намоз ўқидим. Улар мусофирнинг намози каби ўқишарди»⁷⁸¹.

Кейинчалик Усмон розийаллоҳу анҳу Маккадан уйланиб у ерга келганларида пешин, аср ва хуфтон намозларини тўрт ракат-тўрт ракатдан ўқирдилар. Агар Мино ёки Арафотга чиқсалар, у ерларда намозни қаср қилиб ўқирдилар. Ҳаж қилиб бўлганларидан кейин Минода туриб қолсалар ҳам, намозларини то Маккадан чиқиб кетгунларича мукаммал, яъни тўлиқ қилиб ўқирдилар. Абдурахмон ибн Абу Заббобдан ривоят қилинишича, Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳу Минода тўрт ракат намоз, яъни тўлиқ қилиб ўқидилар. Одамлар бунга эътироз билдиришган эди у зот: «Эй одамлар! Мен Маккага келганимда у ерлик аёлга уйландим. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Кимки бир шаҳардан

⁷⁸⁰ «Саҳиҳи Бухорий», 214-бет.

⁷⁸¹ «Фатхур Роббоний», 5-китоб, 102-бет.

уйланса, у ерда муқимнинг намозини ўқисин», деб айтганларини эшитганман⁷⁸².

Мусофир то ўз шаҳрига кирмагунича намозини қаср ўқиши ҳақида

Али ибн Робийъа қўллари билан Шом тарафга ишора қилиб: «Биз Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анҳу билан бирга ана ўша ёққа юзланиб йўлга тушдик. У киши икки ракат-икки ракат намоз ўқидилар. Биз қайтиб, Кўфа шаҳрига яқинлашиб, кўзимиз Кўфага тушганида, яъни шаҳар кўринганида намоз вақти бўлиб қолди. Одамлар: «Эй мўминлар амири, бу Кўфадир, энди намоз тўлиқ ўқиладими?» деб сўрашди. У киши: «Йўқ, фақат шаҳарга кирганимиздан кейин тўлиқ ўқилади», дедилар»⁷⁸³.

Икки намоз орасини узрсиз жам қилиш гуноҳи кабирадир

Абу Қатода ал- Адавийдан ривоят қилинади: «Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу ҳокимларга қуйидагича мактуб ёздилар: «Уч нарс гуноҳи кабиралардандир: икки намоз орасини узрсиз жам қилиш, жанг майдонидан қочиш ва талон-тарож қилиш»⁷⁸⁴.

Бу ҳақда заиф ҳадислар кўп бўлиб «Сунани Байҳақий»га қаранг.

Мусофир бир жойда ўн беш кун ёки ундан ортиқ туришни ният қилиш билан муқимга айланади. Икки жойда туришни ният қилмай балки бир жойни уй қилиб туришни ният қилиши билан муқимлиги саҳиҳ бўлади. Чунки яшаш жойи уйдир.

Фарз намознинг қаср ёки тўлиқ ўқилишидаги эътибор қилинган нарс намоз вақтининг охиридир. Агар бир киши ўз шаҳрида бўлганида пешин намозига азон айтилса, лекин у ҳали пешин намозини ўқимаган бўлса, кейин у киши бошқа намоз вақти кирмай туриб сафарга чиқса, у пешин намозини қаср ўқийди. Агар мусофир одам намозининг охириги вақтида муқим бўлса, у намозини тўлиқ ўқийди.

Мусофирнинг муқимга намоз вақтидан ташқари ўқиган намозига, иқтидо қилиши икковида фарз такрор қарор топгани учун жоиз эмас. Бунда аввалги икки ракатнинг охирида ўтириш имом бўлмиш муқимга вожиб, иқтидо қилувчи мусофирга эса фарз. Бу ҳолда иқтидо қилувчининг ҳоли имомни ҳолидан кучлироқ бўлиб, бу эса кучлини заиф устига юклаш бўлиб саҳиҳ эмас. Мусофир муқим имомга биринчи жуфтликда иқтидо қилганда шундай. Агар у имомга иккинчи жуфтликда, яъни учинчи ва тўртинчи ракатларда иқтидо қилса, бу ҳолда муқим имомга қироат суннатдир, иқтидо қилувчи мусофир учун эса қироат фарз. Имомнинг қироати иқтидо қилувчининг қироати ўрнига ўринбосар бўлолмайди.

Осий ва итоаткор рухсатда, яъни сафарда намозни қаср ўқиш, рўза тутмаслик ва бошқаларда баробардир

⁷⁸² «Фатхур Роббоний», 5-китоб, 115-бет.

⁷⁸³ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 146-бет.

⁷⁸⁴ «Сунани Байҳақий», 3-китоб, 169-бет.

Осий ва итоаткор рухсатда бир хилдир, чунки бу ҳақда насслар умумий келган. Аллоҳ таоло: «Энди сизлардан бирон киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда рўза тутмаган кунларининг саноғини бошқа кунларда тутати» (Бақара сураси, 184-оят); «Агар бетоб ёки сафарда бўлсангизлар ё сизлардан бирон киши ҳожатхонадан чиққан бўлса ёки хотинларингиз билан яқинлашган бўлсангизлар ва мазкур ҳолларда сув топа олмасангизлар, покиза тупроқ билан таяммум қилинг» (Нисо сураси, 43-оят), деб мараҳамат қилади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бу рухсат ҳақида шундай дейдилар: «Мусофир маҳсига орасини бўлмасдан уч кеча-кундуз масҳ тортади. У сафарни мубоҳ ҳолда бошлаган, кейин эса осийликни ният қилган одамга ўхшаб қолади. Лекин Аллоҳ таолонинг: «У сизларга фақатгина ўлакка, қонни, тўнғиз гўштинигина ҳаром қилди. Энди кимки золим ва ҳаддан ошмаган ҳолида ночор вазиятда қолса, гуноҳкор бўлмайди...» (Бақара сураси, 173-оят), деган оятида ейиш лаззатлиниш учун эмаслиги ва зарурат миқдоридан ортиқча емаслик тушунилади.

Биз осийликни рухсат учун сабаб қилмаймиз, бу ердаги сабаб фақат сафар бошланиши ва бошқа машаққатга йўлиқишдир. Эҳтиёт бўлинадиган нарса эса осийликдир. Сафар рухсатни мубоҳ деб ифода қиладиган нарса бўлиб қолади.

Қўрғонларга қарши жанг қилишда ва душманга йўлиққанда ўқиладиган фарз намоз ҳақида

Имом Бухорий қилган ривоятда Авзоъий: «Агар жангда ғалабага яқинлашиб қолишган бўлса ва намозга қодир бўлишмаса, улардан ҳар бир киши ўзича бўлса ҳам, имо-ишора билан намоз ўқийди. Агар улар имо-ишора билан намоз ўқишга қодир бўлмасалар, намозни то жанг тугагунча ёки ўзлари тинч бўлганларича кечиктирадилар ва намозни икки ракат ўқийдилар. Агар бунга ҳам қодир бўлмасалар, икки сажда билан бир ракат намоз ўқийдилар. Агар бунга ҳам қодир бўлмасалар, такбирнинг ўзи уларга кифоя қилмай, намозни то тинчигунларича кечиктирадилар», деб айтдилар. Бу ҳақда Макхул ҳам шундай деганлар. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу: «Мен тонг ёришиб Тустар қўрғонига ҳужум қилинаётганида ўша ерда бўлганман. Уруш алангаси шиддатли бўлганидан бомдод намозини ўқишга қодир бўлолмадик, намозни фақат кун кўтарилиб кетгандагина ўқидик. Бомдодни Абу Мусо розийаллоҳу анҳу билан бирга ўқидик. Ўшанда қўрғон дарвозалари очилиб, биз ғалаба қилдик. Менга бу намоз дунё ва ундаги нарсалардан ҳам қизиқарли эди», дедилар⁷⁸⁵.

Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Ҳандақ уруши куни Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу келиб, Қурайш кофирларини сўка бошладилар ва: «Эй Расулуллоҳ! Қуёш ботай деб қолди, мен эса ҳали аср намозини ўқимадим», дедилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга қасамки, мен ҳам ҳали уни ўқимадим», дедилар. Қуёш уфққа бота бошлади. У зот таҳорат қилиб, қуёш ботганидан кейин асрни, сўнгра ундан кейин шом намозини ўқидилар»⁷⁸⁶.

⁷⁸⁵ «Саҳиҳи Бухорий», 187-бет.

⁷⁸⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 187-бет.

Жаноза ҳақидаги боб

Агар мўминнинг нафсига ё молига ёки боласига бирор мусибат етса, у сабр қилувчиларнинг ажр-савобига етишиш учун сабр қилиши керак. У ажрнинг миқдорини айтишга ҳеч ким қодир эмас. Аллоҳ таоло бу ҳақда: «Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур» (Зумар сураси, 10-оят), деб марҳамат қилган.

Абу Саид ва Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳулар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деб айтганларини эшитганларини ривоят қилганлар: «Мўминга бирон-бир дард ё қийинчилик ёки касаллик ёхуд хафачилик етиб, уни ташвишлантириб, қийнаб қўйса, гуноҳига каффорат бўлади»⁷⁸⁷.

Жобир ибн Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Соибнинг олдига кириб: «Эй Умму Соиб, сенга нима бўлди, нега индамаяпсан?» деган эди, Умму Соиб: «Безгак, Аллоҳ уни баракали қилмасин», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Безгакни сўкмагин, чунки олов темирнинг зангини кеткизганидек, у ҳам одам боласининг хатоларини кеткизади», дедилар»⁷⁸⁸.

Мен айтаманки, агар у банда ўзига етган касаллик ё мусибатга сабр қилса, буни Аллоҳнинг синов-имтиҳони деб ҳисобласа ва Аллоҳ таолонинг ғазабини келтирадиган сўзларни айтмаса, албатта у унинг хатоларига каффорат бўлади. Лекин сабр қилмаса ва буни Аллоҳнинг синови деб ҳисобламаса, у учун бу нарсада ажр-савоб йўқ.

Касалликлар гуноҳларга каффоратдир

Омир ар-Ромм айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам касалликлар ҳақида зикр қилиб: «Агар мўминга бирор касаллик етса, сўнг Аллоҳ унинг шифосини берса, у касаллик унинг олдинги гуноҳларига каффорат бўлиб, келажаги учун ваъз бўлади. Агар мунофиқ касал бўлиб, сўнг тузалса, у гўёки эгалари боғлаб қўйиб, сўнг қўйиб юборган, уни нимага боғлашганини ва нимага ечиб юборишганини ҳам билмайди», деганларида, атрофдагилардан бир киши: «Эй Расулulloҳ, касаллик нима? Аллоҳга қасамки, мен ҳеч қачон касал бўлмаганман», деган эди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тур, сен биздан эмассан», дедилар»⁷⁸⁹.

Касал одам соғломлик вақтида қилиб юрган амалларини касаллик сабабли қилолмаётган бўлса ҳам, бажаряпти, деб ёзилади. Бу ҳақда Абу Мусо розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапни бир марта эмас, икки марта ҳам эмас, яъни кўп марта айтаётганларини эшитганман: «Агар банда бирор солиҳ амал қилиб юриб бу амалини касаллик ё сафар туфайли бажара олмай қолса, унга ана шу солиҳ амалини соғломлик вақтида ёки муқимлик вақтида қилганидек ажр ёзилади»⁷⁹⁰.

⁷⁸⁷ «Саҳиҳи Муслим», 4-китоб, 1993-бет.

⁷⁸⁸ «Саҳиҳи Муслим», 4-китоб, 1993-бет.

⁷⁸⁹ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 182-бет.

⁷⁹⁰ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 182-бет.

Агар бемор одам ажали яқинлашганини сезса, у Аллоҳга йўлиқишни суюкли деб билиши лозим, токи Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни суюкли деб ҳисоблайди. Бу ҳақда Убода ибн Сомит розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки Аллоҳга йўлиқишни севимли деб билса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни севимли деб билади. Кимки Аллоҳга йўлиқишни ёмон кўрса, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни ёмон кўради», дедилар. Оиша розийаллоҳу анҳо ёки Расулulloҳнинг (с.а.в.)нинг аёлларидан баъзиси: «Биз ўлимни ёмон кўрамиз», дейишганида у зот сизлардаги ундай эмас, лекин мўминга ўлим ҳозир бўлганида унга Аллоҳнинг розилиги ва каромати башорат қилинади. Унга олдидаги нарсдан бошқа бирор нарса севимлироқ бўлмайди ва у Аллоҳга йўлиқишни севимли билади. Агар кофирга ўлим ҳозир бўлса, унга Аллоҳнинг азоби ва уқубати башорат қилинади. У олдидаги нарсдан бошқа бирор нарсани ёмонроқ деб билмайди ва у Аллоҳга йўлиқишни ёмон кўради, Аллоҳ ҳам унга йўлиқишни ёмон кўради», дедилар⁷⁹¹.

Вафот этган кишини ўнг томони билан қиблага юзлантириш

Бу ҳақда Барро ибн Озиб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Агар ётоғинга бориб ётмоқчи бўлсанг, намозга таҳорат қилгандек таҳорат ол, кейин ўнг тарафинг билан ёт ва: «Аллоҳумма асламту важҳи илайка, ва фаввазту амри илайка, ва алжаъту зоҳри илайка, роғбатан ва роҳбатан илайка, ла малжаъа ва ла манжа минка илла илайка, аманту бикитабикаллази анзалта ва бинабиййикаллази арсалта» («Эй Аллоҳим, юзимни Сенга бўйсуниб юзлантирдим, ишимни Ўзингга топширдим, орқам, елкам билан Ўзингга суяндим, яъни Ўзингнинг мададинга ишониб, орқа қилдим. Ўзингни раҳматингдан умидвор бўлиб ва қаҳрингдан қўрққан ҳолимда Сендан бошпана ва нажот (сўрадим), булар фақат Ўзингнинг раҳматингдандир, нозил қилган китобинг (Қуръон)га иймон келтирдим ва юборган набийингга ҳам иймон келтирдим»), дегин. Агар уйқунгдан турмай вафот этсанг, Ислом фитратида вафот этасан. Уйқудан олдинги охирги гапинг шулар бўлсин», деб айтдилар⁷⁹².

Иброҳим Нахайй: «Маййит қиблага юзлантириб қўйилади», деб айтдилар. Бу ҳақда Ибн Абу Қатода розийаллоҳу анҳу шундай ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келган даврларида Барро ибн Маърур ҳақида сўрадилар. Одамлар: «У вафот этди. Эй Аллоҳнинг расули, молини учдан бирини сизга қолдиришини ҳамда жони чиқиши билан юзини қиблага юзлантириб қўйишни васият қилди», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фитратга етишибди, мен молининг учдан бир қисмини унинг боласига қайтардим», деб кейин бориб унга жаноза намозини ўқидилар ва: «Эй Аллоҳим, Баррони мағфират қил, жаннатингга киргиз ҳақиқатда шундай қилингансан», дея дуо қилдилар⁷⁹³.

⁷⁹¹ «Саҳиҳи Бухорий», 8-китоб, 132-бет.

⁷⁹² «Саҳиҳи Бухорий», 1336-бет.

⁷⁹³ «Алмустадрок», 1-китоб, 353-бет.

Ўлим олдида турган кишига калимаи шаҳодатни талқин қилиш

Вафот этаётган кишига калимаи шаҳодатни талқин қилиб айтиб турилади. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу марфуъ ҳолда ривоят қилиб айтадилар: «Вафот этаётган одамларга «Ла илаҳа иллаллоҳ», деб айтиб-ўргатиб турунлар. Чунки мўминнинг жони юмшоқлик билан сизиб чиқиб кетади. Кофирнинг жони эса эшакнинг жони чиққандек шиддат ва қаттиқлик билан чиқади»⁷⁹⁴. Бу ривоятнинг санади ҳасан.

Муоз ибн Жабал розийаллоҳу анҳудан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг охирги сўзи «Ла илаҳа иллаллоҳ» бўлса, у жаннатга киради», дедилар»⁷⁹⁵.

Маййит олдидаги энг яхши калом

Кимки маййитнинг олдида ҳозир бўлса, у маййит ҳақида яхши гапларни гапирмоқлиги, бошқаларни ҳам у ҳақда яхшилиқни гапиришга буюрмоғи лозим. Бу ҳақда Умму Салама розийаллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар маййит олдида ҳозир бўлсангиз, яхшилиқни гапиринг, чунки фаришталар сиз айтган гапларингизга омин деб туришади», дедилар. Абу Салама вафот этганида мен: «Эй Расулуллоҳ, нима деб айтайин?» десам, у зот: «Эй Аллоҳим, уни мағфират қил, унинг орқасидан яхши оқибат қолдир, дегин», дедилар. ҳақиқатда эрим орқасидан Аллоҳ таоло менга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни қолдирди»⁷⁹⁶.

Яхши сўзларнинг улуғидан бири истиржо, яъни «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун», деб айтишдир. Бу ҳақда Умму Салама розийаллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бирортангизга мусибат етса, «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун. Аллоҳумма андака ихтасобту мусибати, фаажирни фийҳа ва абдил ли биҳа хойрон минҳа («Биз Аллоҳникимиз ва биз Унга қайтгувчимиз. Эй Аллоҳим, бу мусибатингни Ўзингдан бўлган синов деб билдим, ундан менга ажр-савоб бергин ва ундан яхшисини менга ўринбосар қилиб бергин)» десин», дедилар»⁷⁹⁷.

Яна яхши ишлардан бири Ёсин сурасини тиловат қилишдир. Бу ҳақда Маъқал ибн Ясор розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўликларингизга Ёсинни ўқинглар», дедилар»⁷⁹⁸.

Маййитни ўпиш ҳақида

Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Усмон ибн Мазъун вафот этганида уни йиғлаб ўпганлар»

⁷⁹⁴ «Мўъжами Табароний», 10-китоб, 189-бет.

⁷⁹⁵ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 190-бет.

⁷⁹⁶ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 190-бет.

⁷⁹⁷ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 190-бет.

⁷⁹⁸ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 190-бет.

ёки «...икки кўзларидан ёш оққан»⁷⁹⁹. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида, у зотни ўпганлар. Агар бирор киши вафот этса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилганларидек, ияги боғланади ва кўзи юмиб қўйилади. Умму Салама розийаллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Саламанинг олдида кирганларида у кишининг кўзлари очиқ ҳолда вафот этган эди, у зот юмиб қўйдилар»⁸⁰⁰.

Маййитга йиғлаш ҳақида

Ўликка кўз ёш қилиб йиғлашнинг зарар йўқ. Бу ҳақда Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Саъид ибн Убода касалликка чалинганларида у кишини кўргани Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абдурахмон ибн Авф, Саъид ибн Абу Ваққос ва Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳулар киришди. Унинг олдида киришганида ҳушидан кетиб қолган ҳолда кўриб: «У вафот этдими?» дедилар. Одамлар: «Йўқ, эй Расулulloҳ», дейишган эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йиғладилар. У зот йиғлаганларини кўриб бирга кирганлар ҳам йиғлашди. У зот: «Эшитмайсизлармики, Аллоҳ таоло кўз ёши ва қалб маҳзунлиги учун азобламайди. Лекин мана бу учун азоблайди ёки раҳм қилади», деб тилларига ишора қилдилар»⁸⁰¹.

Маййитга уввос тортиб, гапириб йиғлаш ҳақида

Маййитга уввос тортиб, гапириб йиғлаш ҳаромдир. Бу ҳақда Абу Молик ал-Ашъарий ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умматим тарк қилмаган тўрт нарса жоҳилият ишларидандир: хасаби (аслзодалиги) билан фахрланиш, насабни таҳқирлаш (пастга уриш), юлдузлардан ёмғир талаб қилиш, уввос тортиб, гапириб йиғлаш. Кимки ўликка уввос тортиб, гапириб йиғлайдиган бўлса, сўнгра у тавба қилмасдан ўлса, қиёмат куни эғнида қатрондан (суюқ модда суртилган) кийим ва зирхли қоплама билан қайта тирилади», дедилар⁸⁰².

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уввос тортиб, айтиб йиғлаган кишидан ўзларини йироқ қилиб, сочни қирдириб олдирган, овозини баландлатган ва қонунни бузган биздан эмасдир», деганлар.

Байъат қилган аёллардан бири ривоят қилиб айтади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биздан яхши ишларда у зотга осий бўлмаслигимиз ҳақида юзларни тимдаламасликка, вой бўлсин, деб қарғамасликка, ёқаларни йиртмаслигимиз ва сочларни ёзиб юбормасликка байъат қилдилар».

Ўлик учун йиғлашганида шу сабабдан азобланишадими?

Аллоҳ таоло бу ҳақда: «(Қиёмат кунида) ҳеч бир кўтаргувчи (яъни, гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юкини (яъни, гуноҳини) кўтармас» (Фотир сураси, 18-оят), деб айтган. Демак, маййит йиғлангани сабабидан азобланмайди. Фақат маййит уларга додлаб йиғлашни васият қилган бўлса, унда азобланади. Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ворид бўлган

⁷⁹⁹ «Сунани Термизий», 2-китоб, 229-бет.

⁸⁰⁰ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 190-бет.

⁸⁰¹ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 636-бет.

⁸⁰² «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 644-бет.

«Албатта маййит тирикнинг йиғиси билан азобланади» ривояти ҳақида Оиша розийаллоҳу анҳо шундай дейдилар: «Абу Абдурахмонни (яъни, юқоридаги ривоят ровийсини) Аллоҳ мағфират қилсин. Аммо у ёлғон айтмади, лекин унутиб қўйган ёки ривоят айтишда хато қилган. Бу ривоятнинг ҳақиқати қуйидагича: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир яҳудий аёл қабри олдидан ўтиб кетаётганларида, у аёлга аҳли оиласи йиғлаб туришган экан. У зот: «Улар бу аёлга йиғлашяпти, у аёл эса қабрида азобланыпти», дедилар⁸⁰³.

Ўлгани маълум бўлгандан кейин уни ювиш, кафанлаш, жаноза ўқиш ва кўмишни тезда қилиш мустаҳабдир. Бу ҳақда Али розийаллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар. Набий алайҳиссалом айтадилар: «Уч нарсa кечиктирилмайди: намоз вақти бўлса, жаноза ҳозир бўлса, балоғатга етган қизга муносиб куёв чиқса», дедилар⁸⁰⁴.

Талҳа ибн Барро розийаллоҳу анҳо касал бўлганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўргани келиб: «Талҳани вафот этади, деб ўйлайман, агар шундай бўлиб қолса, менга хабар беринглар ва уни кўмишга шошилиглар, чунки мусулмон мурдаси аҳли оиласи орасида қолиб кетиши лозим эмас», дедилар⁸⁰⁵. Маййитни ювиш кифоя бўлган ҳолда вожибдир. Бу ҳақда Убай ибн Каъб розийаллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одам Ато узун бўйли киши эдилар, – дея у ҳақда узун ҳадисни зикр қилиб, охирида, – мени ва Роббимнинг элчиларини холи қўйинглар. Улар менинг ҳузуримга киритилгандир. Элчилар жонини олдилар, сув ва сидр билан уни уч марта ғусл қилдириб, кафанлаб, жаноза намоз ўқиб кўмдилар, кейин: «Бу сендан кейин одамлар орасида суннат бўлди», дейишди».

Бошқа бир ривоятда: «Унинг руҳини олдилар, кейин ғусл қилдириб, хушбўй нарсалардан сепиб кафанладилар, сўнг унга жаноза намози ўқиб, чуқур қазишди, сўнгра дафн қилдилар, кейин: «Эй Одам фарзандлари, бу сизнинг ўликларингизга қиладиган суннатингиздир, мана шундай қилинглр», дейишди», деб айтилган⁸⁰⁶.

Маййитни ювиш

Абу Рофеъдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки маййитни ювиб, ундаги камчиликларни яширса, у қирқ мартаба мағфират қилинади. Кимки бирор маййитни кафанласа, Аллоҳ унга жаннатдаги сундус ва истаброқ (ипак)дан бўлган кийимни кийдиради. Кимки маййитга қабр қазиса ва қабрга маййитни дафн қилса, унга гўё қиёматгача маскан тутадиган уй қуриб берганнинг ажри берилади», дедилар⁸⁰⁷.

Яна шу ровийдан қилинган бошқа ривоятда: «Кимки маййитни ғусл қилдириб, ундаги камчиликларни яширса, қирқ марта катта гуноҳи мағфират қилинади. Ким маййитни кафанласа, Аллоҳ унга сундус ва

⁸⁰³ «Сунани Термизий», 2-китоб, 236-бет.

⁸⁰⁴ «Жомеъул Аҳадис», 3-китоб, 676-бет.

⁸⁰⁵ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 200-бет.

⁸⁰⁶ «Алмустадрок», 1-китоб, 345-бет.

⁸⁰⁷ «Алмустадрок», 1-китоб, 354-бет.

истаброқ (ипак)дан бўлган кийим кийгизади. Кимки унга қабр қазиб, уни кўмса, гўё маййитга қайта тирилгунча бўлган фурсат маскан қуриб берибди», деб келади.

Сув маййит баданининг барча қисмига етадиган даражада ва ғул қилдириш имконида маййитни ечинтиради, ғул вақтида авратини бирор нарса билан ёпиб қўяди. Бу ҳақда Осим ибн Замра Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сонингни очик қолдирмагин ҳамда тирик ва ўликнинг сонига ҳеч ҳам қарамагин», дедилар.

Маййитни ўринга ётқизиб, аъзолари (қўл-оёқ ва бошқалари)ни текис қилиб, хушбўй нарсалардан сепиб қўйилади. Бу ҳақда Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар маййитнинг атрофига хушбўй нарса сепсангиз, тоқ қилиб қўйинглар», дедилар»⁸⁰⁸.

Хушбўй нарса сепиш ёмон ҳидни кеткизиш учундир. Маййитнинг киндигидан пастдаги авратни ғассол қўлига латта ўраб олганидан кейин ювади, шунда унинг қўли маййит авратига тегмайди. Маййитни намозга қилганидек таҳорат қилдиради, чунки таҳорат ғулнинг суннатидир. Бу ҳақда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Атийяга қизларини ғул қилдираётганида: «Ювишни ўнг тарафидан ва таҳорат қиладиган жойларидан бошланглар», деб айтганлар⁸⁰⁹. Маййитнинг сувни қайта чиқариш мумкин бўлмагани ва ундай қилишга узрли бўлгани учун оғзи чайилмайди ва бурни қоқилмайди.

Маййит сув ва сидр ёки совун билан ювилади. Чунки у маййитни яна ҳам тоза қилгувчиروқдир. Ювишдан мақсад эса тоза қилишдир. Умму Атийя у зот қизларини юваётгандаги айтилган ҳадисда шундай келади: «Уни уч марта ёки беш марта ё ундан кўпроқ сув ва сидр билан ювиб, охирида кофур (камфора) ёғидан суртинглар»⁸¹⁰.

Иссиқ сув кирларни кўпроқ кеткизгувчидир. Юқорида ворид бўлганидек, тоқ ҳолда ювилади, чап тарафи билан ётқизиблиб, ўнг тарафи, сўнгра ўнг тарафи билан ётқизиблиб, чап тарафи ювилади. Ҳадисга биноан, ювишни ўнг тарафдан бошлайди. Сўнгра маййитни ўтқизиблиб, қорни юқоридан пастга қаратиб ишқаланади, шунда қорнида бирор нарса қолмай чиқиб кетиб, кафанлари булғанмайди.

Маййитнинг сочи ва соқоли таралмайди. Иброҳимдан ривоят қилинишича, Оиша розийаллоҳу анҳо бир аёлнинг маййит сочини тараётганини кўриб: «Маййитингизни пешона сочини нимага тушириб, матоб қўясизлар. Яъни, пешона сочини ёйиб қўясизлар?» дедилар⁸¹¹.

Агар маййитдан бирор нарса чиқса, у ювиб ташланади, қайтадан ғул қилдирилмайди. Чунки ғул насс билан билинди. Кейин мурда кафанлари ҳўл бўлмаслиги учун қуритилиб, сўнг хушбўй атир сепилади. Ҳанут (атир навларидан бири)ни бошига ва соқолига суртилади. Кофурни (камфора) ҳам сажда қиладиган жойларига сурилади, чунки хушбўй нарса истеъмол қилиш суннатдир. Хушбўйни сажда қиладиган жойларга хослашнинг сабаби у жойларнинг шарафидандир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

⁸⁰⁸ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 196-бет.

⁸⁰⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 247-бет; «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 106-бет.

⁸¹⁰ «Саҳиҳи Бухорий», 247-бет; «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 106-бет.

⁸¹¹ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 795-бет.

васаллам маҳрамининг атир сепишидан қайтариб, ғулнинг охирида маййитнинг қизига атир сепишга буюрдилар.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (ҳажда) уловдан йиқилиб, бўйни синиб ўлган одамни юваётган асҳобларига қарата: «Уни сув ва сидр билан ювинглар, иккита кийим (кафан) билан кафанланглар, хушбўй суртманглар, бошини ўраманглар, чунки у қиёмат куни талбия айтган ҳолда тирилади», дедилар»⁸¹².

Маййитни кафанлаш

Маййитни оқ матодан ишланган учта бичилган кафан билан кафанланади: қомис, изор ва лифофа. Бу суннат бўлган кафандир. Оиша розийаллоҳу анҳо айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пахтадан бўлган, оқ бўздан тикилган учта кийим (кафан) билан кафанланганлар»⁸¹³.

Кафанлаш қуйидагича бўлади: аввал лифофа ёзилади, кейин изор, сўнгра маййит қамис билан ўралади. Қамис елкадан то оёқ тагигача узун бўлади. Изор соч ўрмидан то оёқ тагигача бўлади. У (изор) маййитга биринчи чап тарафдан, сўнгра ўнг тарафдан буклаб ўралади. Ҳаётдаги ҳолатини эътибор қилган ҳолда шундай қилинади. Кейин лифофа ҳам шундай қилинади, у ҳам соч ўрмидан оёқ тагигача узун бўлади. Агар изор ва лифофа ҳаётдаги ҳолатни эътибор қилган ҳолда кифояланишса, яъни қамисга ўрашмаса ҳам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳрамни шундай кафанлашни буюрганлари учун бу иш жоиздир. Лекин битта кийим (кафан) билан кафанланмайди, фақат зарур пайтдагина мумкин. Мусъаб ибн Умайр розийаллоҳу анҳу шаҳид кетганларида битта кийим билан кафанланганлар. Абдурахмон ибн Авф розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мусъаб ибн Умайр ўлдирилди, у мендан яхшироқ эди. У чопонига кафанланди, агар боши ўралса, икки оёғи очилиб қоларди, агар икки оёғи ўралса, боши очилиб қоларди...»⁸¹⁴

Аёл кишининг кафани ҳам шундайдир, фақат унга рўмол ва кўкрагининг устидан боғлаб қўйиладиган хирқа (латта) зиёда қилинади. Аёл кишига аввал қамис кийгизилади, сўнг устидан рўмол ўралади, қамис устидан хирқа боғланади. Кейин изор, сўнгра лифофа, ҳаётдаги кийиниш ҳолига эътибор қилган ҳолда шундай ўралади. Мана шу суннат бўлган кафандир. Лайло бинти Қониф Сақафийя айтадилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қизлари Умму Гулсум вафот этганида уни юваётганлар орасида эдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи бўлиб бизга белдан оёқ тагигача бўлган матони бердилар, кейин жуббани, яъни елкадан оёқ тагигача бўлган матони узатдилар. Кейин химор (рўмол)ни, кейин малҳафани бошнинг тепасидан то оёқ тагигача бўлган жойни ёпадиган матони) узатиб юбордилар, кейин охирги кийим (кафан)гача киритиб юбордилар». Ровий айтади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ташқарида, эшикнинг олдида битта-битта узатиб турардилар»⁸¹⁵.

⁸¹² «Саҳиҳи Бухорий», 249-бет.

⁸¹³ «Саҳиҳи Бухорий», 248-бет.

⁸¹⁴ «Саҳиҳи Бухорий», 250-бет.

⁸¹⁵ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 200-бет.

Балоғат ёшига етган ҳам балоғатга етган кабидир. Балоғат ёшига етмаган бола эса икки мато: изор ва ридо билан кафанланади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кафанни қимматбаҳосини ишлатиб, унда ҳаддан ошишдан қайтариб ёмон кўрган ҳолда: «Кафан хусусида қимматбаҳо қилиб, ҳаддан ошиб кетманглар. Чунки маййитдан уни тезлик билан ечиб олинади», дедилар⁸¹⁶.

Жанозада қатнашиб, маййитга жаноза намози ўқиш

Мусулмоннинг бошқа мусулмон устидаги ҳаққи жанозасига қатнашишдир. Бу ҳақда Аъло оталаридан, у киши Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмоннинг бошқа мусулмон биродари устидаги ҳаққи олтиладир», деганларида «Эй Расулulloҳ, улар қайсилар?» деб сўрашди. Шунда у зот: «Агар мусулмон биродарингга йўлиқсанг, унга салом бер, агар сени чақирса, ижобат қилиб боргин, агар сендан насиҳат қилишингни сўраса, унга насиҳат қил, агар акса уриб Аллоҳга ҳамд айтса, сен унга «Ярҳамукаллоҳ», деб айт, агар касал бўлса, бориб зиёрат қил, агар ўлса, унинг жанозасида иштирок эт», дедилар»⁸¹⁷.

Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки бир мусулмон жанозасига иймон ва савоб умидида ихлос билан қатнашиб, жаноза намозини ўқиса ва қабрга бориб дафн қилиб келса, у киши икки қийрот ажр-савоб билан қайтади. Ҳар бир қийрот Уҳуд тоғидек келади. Кимки бир мусулмоннинг жаноза намозида қатнашиб, дафн маросимида қатнашмай қайтса, у бир қийрот савоб билан қайтади», дедилар»⁸¹⁸.

Имом Аҳмад қилган ривоятда эса: «Ҳар бир қийрот Уҳуд тоғидан ҳам каттароқдир», деб келган. Бошқа бир ривоятда: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нафси Унинг (қудрат) қўлида бўлган Зотга қасамки, бир қийрот Унинг тарозусида Уҳуд тоғидан оғирроқ келади», дейилади.

Аёл киши жанозага қатнашмайди. Бу ҳақда Умму Атийя розийаллоҳу анҳу: «Биз аёллар жанозада қатнашишдан қайтарилдик, уни адо этиш бизга қарор қилинмади», деб айтдилар⁸¹⁹.

Жаноза намозини ўқиш маййит учун шафоатдир. Аллоҳ таоло мусулмонларнинг шафоатини қабул қилади. Бу ҳақда Оиша розийаллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитиб шундай деганлар: «Қайси бир маййитга мусулмонлар умматидан юзтаси жаноза намози ўқиб, барчалари шафоат сўрашса, уларнинг шафоати қабул бўлади».

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси бир мусулмон киши вафот этса, унинг жанозасига Аллоҳга ширк келтирмаган қирқта мусулмон қатнашса, Аллоҳ таоло уларни унга шафоатчи қилади, яъни мағфират сўраб, ўқиган жаноза намозларини қабул қилади», дедилар»⁸²⁰.

⁸¹⁶ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 199-бет; «Саҳиҳи Муслим», 4-китоб, 1705-бет.

⁸¹⁷ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 200-бет.

⁸¹⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 14-бет.

⁸¹⁹ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 646-бет.

⁸²⁰ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 655-бет.

Жаноза намозини султон ёки унинг ноиби имом бўлиб ўқиб беради, улар бўлмаса, қози, кейин маҳалла имоми ўқиб беради. Чунки маййит уларнинг имомлик қилишига тириклик ҳолида рози бўлган. Кейин яқин қариндошлари имом бўлади. Отаси эса ўғлидан аввалги ўринда туради. Шулар жаноза намозига имом бўлиб ўқиб беришга ҳақлидир.

Имом маййит аёлнинг ўртасида туради. Бу ҳақда Самура ибн Жундуб розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Нифослик пайтида ўлган аёлга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам орқаларида туриб жаноза намозини ўқидим, у зот у аёлнинг ўртаси баробарида турдилар»⁸²¹.

Шунингдек, эркак киши жанозасида имом маййитнинг кўкраги баробарида туради.

Имом орқадаги намозхонларни уч сафга тизади. Бу ҳақда Молик ибн Хубайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси мусулмон вафот этганида мусулмонлардан уч сафи жаноза намозини ўқишса, унга (жаннат) вожиб бўлади», деб айтдилар»⁸²².

Жаноза намози тўрт такбирлидир. Бу ҳақда Жобир розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Асҳима Нажошийга ғойибдан жаноза намозини тўрт такбир билан ўқидилар⁸²³.

Биринчи такбирда икки қўлини қулоқ юмшоғига кўтаради, кейин ўнг қўлини чап қўли устига қўяди. Намознинг охиригача қолган такбирларда қўлини кўтармайди. Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жаноза намозидан аввалги такбирда икки қўллари кўтариб, қолганларида ундай қилмасдилар⁸²⁴.

Биринчи такбирдан кейин Аллоҳга ҳамду сано айтади (яъни, сано дуосини ўқийди). Иккинчи такбирдан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтади. Учинчи такбирдан кейин ўзига, маййитга ва мўминларга дуо қилиб, мағфират тилайди, яъни жаноза дуосини ўқийди. Тўртинчи такбирдан кейин салом беради. Агар маййит балоғатга етмаган ёш бола бўлса, унда учинчи такбирдан кейин «Аллоҳумма ижъалҳу лана фаротан ва зухрон, шафиъан мушаффиъан» (Эй Аллоҳим, уни бизга пешвоз чиқувчи, уни бизга заҳира ҳамда шафоатчи қилгин), деб айтади. Бу ҳақда Саъид ал-Мақбурий оталаридан ривоят қилиб айтадилар. У киши Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан: «Жаноза намозини қандай ўқийсиз?» деб сўрадилар. Абу Хурайра розийаллоҳу анҳу: «Маййитнинг аҳли менга эргашади, маййитни ерга қўйганимдан сўнг такбир айтиб, Аллоҳга ҳамд айтиб ва Унинг пайғамбарига саловот айтаман, сўнг: «Эй Аллоҳим, у Сенинг қулинг, қулингнинг ўғли ва чўрингнинг ўғлидир. У Сендан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Сенинг банданг ва пайғамбаринг, деб бу киши гувоҳлик берган эди. Сен у ҳақда яхшироқ биласан. Эй Аллоҳим, агар у муҳсин, солиҳ бўлса, унинг эҳсонини, савобини зиёда қил, агар у гуноҳкор бўлса, гуноҳидан ўтгин. Эй Аллоҳим, жанозанинг ажридан бизни маҳрум қилмагин, ундан кейин бизни фитналантирмагин, деб айтаман», дедилар»⁸²⁵.

⁸²¹ «Саҳиҳи Бухорий», 261-бет.

⁸²² «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 202-бет.

⁸²³ «Саҳиҳи Бухорий», 262-бет.

⁸²⁴ «Сунани Доракутний», 2-китоб, 75-бет.

⁸²⁵ «Алмуватто», 1-китоб, 177-бет.

Жаноза намозида Қуръон тиловат қилиш ва ташаххуд айтиш ҳам йўқ. Бу ҳақда Молик Нофеъдан, у киши Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар. Ибн Умар розийаллоҳу анҳу жаноза намозида Қуръон қироат қилмасдилар⁸²⁶. Агар жаноза намозини ўқувчи дуо қилиш нияти билан Фотиҳа сурасини қироат қилса, унинг зарари йўқ, агар Қуръондан бирор сура тиловат қилиш билан ўқиса, унда макруҳ бўлади.

Ёш гўдак туғилаётганида овози эшитилса, сўнг вафот этса, унга исм қўйиб, ювинтирилади ва унга жаноза ўқилади. Агар овози чиқмасдан туғилса, у бирор матога ўралади, унга жаноза ўқилмайди. Бу ҳақда Жобир розийаллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Гўдак то йиғламагунича жаноза ҳам ўқилмайди, мерос ҳам олмайди ва мерос ҳам қолдирмайди», дедилар⁸²⁷.

Имом жаноза намозини ўқиб бўлиб, ўнг ва чап тарафига салом беради. Бу ҳақда Алқама ва Асвад розийаллоҳу анҳумолар Абдуллоҳ розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч нарсани бажарардилар, одамлар эса у нарсаларни тарк қилишди. Улардан бири жанозанинг охирида намозда салом бергандек салом беришдир»⁸²⁸.

Агар майитга намоз ўқилмай дафн қилинган бўлса, мурда ҳали чириб, парчаланиб кетмаган, деб гумон қилинса, қабри устига келиб жаноза намози ўқилади. Бу ҳақда Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Масжид супуриб юрувчи бир қора киши ёки аёл вафот этганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билмай қолдилар. Бир куни у тўғрида эслаб: «Унга нима қилди?» дедилар. Одамлар: «Эй Расулulloҳ, у вафот этди», дейишди. У зот: «Мени чақирмадингизми?» дедилар. Одамлар: «Шундай-шундай бўлган эди», деб уни паст санагандай бўлишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унинг қабрини менга кўрсатинглар», деб қабрига бориб, унга жаноза намозини ўқидилар»⁸²⁹.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрда намоз ўқишлари майитнинг яқин дўстлиги учун эди.

Ғойибга жаноза ўқилмайди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Асҳима Нажошийга ўқиган жаноза намозлари ҳозирий жаноза бўлган: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўриб турганлар, мусулмонлар эса кўрмаганлар. Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ» китобларида Имрон ибн Ҳусайндан ривоят қилишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам турдилар, саҳобалар орқаларидан саф тортишди, саҳобалар Нажошийнинг жанозаси уларнинг олдида турибди, деб фикрлашди. Бу ҳадисни Авзоъий Яҳё ибн Абу Касирдан, у киши Абу Қилобадан, у киши Абу Муҳаллабдан ривоят қилган, деб санадларни айтганлар. Абу Авонанинг Аббон ва бошқалар йўли билан келган ривоятида Яҳёдан: «Биз у зотнинг орқаларидан Нажошийнинг жаноза намозини ўқидик. Биз фақат уни олдимизда деб ҳисоблардик», дедилар. Бу намоз Нажоший учун хос бўлган. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ундан бошқа ғойиб майитга жаноза ўқиганлари собит бўлган эмас. Аммо у зотнинг Муовия Музанийга ўқиган намозлари бундан бошқачадир. Бунда мурда солинган тобут кўтарилган

⁸²⁶ «Сунани Термизий», 2-китоб, 248-бет.

⁸²⁷ «Сунани Термизий», 2-китоб, 248-бет.

⁸²⁸ «Сунани Байҳақий», 4-китоб, 43-бет.

⁸²⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 262-бет.

пайтда жаноза ўқиганлар. Мана шундай Муовияга жаноза намози ўқилгани учун бу одат Мадинага кўчиб борди. Ҳадис заифдир. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Табук ғазотида эдик. Қуёш нур таратиб чиқди. Қуёшнинг бундай чиққанини авваллари ҳеч кўрмаганман. Мана шундай, Муовия ибн Муовия Лайсий шу куни Мадинада вафот этди. Аллоҳ азза ва жалла унга жаноза намоз ўқишга етмиш минг фариштани юборди». «Нимага бундай бўлди? Қайси амалидан у шундай мартабага эришди?» дейилганда «У «Қул ҳуваллоҳу аҳад...»ни кечаю кундуз, юрганда, турганда, ўтирганда кўп ўқирди», деб айтилди. «Эй Расулulloҳ, сизга ерни қисқартирсам, яъни орадаги масофани яқин қилсам, унга жаноза намози ўқийсизми?» дейилган эди, у зот: «Ҳа», дедилар. Унга жаноза намозини ўқидилар, сўнг қайтдилар⁸³⁰.

Эркакларни аёллардан илгари қўйиш

Агар бир неча жаноза ҳозир бўлса, яъни орасида эркак ва аёл маййитлар бўлса, у ҳолда эркакларни имом тарафга яқин қилиб ва аёлларни қибла тарафга яқин қилиб қўйилади. Абу Довуд Ҳорис ибн Навфалнинг мавлоси Аммордан ривоят қилишларича, Аммор Умму Гулсум ва унинг ўғлининг жанозасида бўлган, шунда болани имомнинг олдида қўйишди, бунга эътироз билдирилганида, қавмда Ибн Аббос, Абу Саид Худрий, Абу Қатода ва Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳулар бор эди, улар: «Бу суннатдир», дейишди⁸³¹.

Ман қилинган вақтларда жаноза намози ўқишнинг макруҳлиги

Қуёш чиқаётганида ва ботаётганида, қуёш тиккага келганида то заволга ўтгунча жаноза намозини ўқиш макруҳдир. Бу ҳақда Уқба ибн Омир розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Уч вақтда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни намоз ўқишдан ёки ўликларимизни дафн қилишдан қайтарар эдилар: қуёш чиқаётган пайтдан то кўтарилиб кетгунча, пешин вақти қуёш қоқ тиккага келган пайтдан то ботиш тарафга оғгунча, қуёш бота бошлаганидан то ботиб бўлгунча ёки у зот айтганларидекдир»⁸³².

Ибн Муборак: «Бу ҳадисдаги «ўликларимизни дафн қилиш»нинг маъноси жаноза намози ўқишдир», деганлар.

Жинояти ва гуноҳига яраша ҳад ижро этилиб, вафот этганларга жаноза ўқиш ҳақида

Имрон ибн Ҳусайн ривоят қиладилар: «Жухайна қабиласидан бўлган бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келди. У аёл зинодан ҳомиладор бўлган эди... (ҳадис давомида) ... сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни тошбўрон қилишга амр қилдилар, у аёл

⁸³⁰ «Сунани Байҳақий», 4-китоб, 50-бет.

⁸³¹ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 208-бет.

⁸³² «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 208-бет.

тошбўрон қилиб ўлдирилди. Кейин у зот аёлга жаноза намозини ўқидилар. Умар розийаллоҳу анҳу у зотга: «Эй Аллоҳнинг расули, у аёлга жаноза намозини ўқидингиз, у зино қилган эди-ку?!» деган эдилар, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У аёл шундай тавба қилдики, агар унинг тавбасини Мадина аҳлидан етмиш кишига бўлиб берсам, у тавбаси уларни қамраб олган бўларди. Аллоҳ таолонинг ҳукми учун ўз нафсидан воз кечгандан ҳам афзалроқ тавбани топа олармидингиз, эй Умар?» дедилар»⁸³³.

Ўзини ўзи ўлдирганга жаноза намози ўқилмайди

Жобир ибн Самра розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига найза билан ўзини-ўзи ўлдирган кишини олиб келишди, у зот унга жаноза намози ўқимадилар»⁸³⁴.

Лаҳад ёрма (қабр)дан афзалдир

Саъд ибн Абу Ваққос розийаллоҳу анҳунинг ўлимларидан олдин касал бўлганларида шундай деганлари ривоят қилинади: «Менга лаҳад қазинглар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинганидек, лаҳад оғзига ғишт теринглар»⁸³⁵.

Абу Довуд Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Лаҳад бизгадир, ковак шаклидагиси эса биздан бошқаларгадир», дедилар»⁸³⁶.

Маййитнинг суюғи эҳтиромлидир

Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Маййитнинг суюғини синдириш уни тирик ҳолидаги синдириш каби ёмондир», дедилар»⁸³⁷.

Маййитни қабрга қўювчи одам ҳақида

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қизларининг қабрга қўйилаётганига гувоҳ бўлганмиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабр устида ўтирган эдилар, мен у зотнинг икки кўзлари ёшланаётганини кўрдим. У зот: «Орангизда бу кечаси (аёлига) яқинлик қилмаган киши борми?» дедилар. Абу Талҳа розийаллоҳу анҳу: «Мен», дедилар. У зот: «Қабрга туш», дегандилар, Абу Талҳа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари қабрига тушдилар»⁸³⁸.

Маййит қабрга қибла тарафдан киритилади. Бу ҳақда Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар розийаллоҳу анҳулар маййитни

⁸³³ «Саҳиҳи Муслим», 3-китоб, 1324-бет.

⁸³⁴ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 672-бет.

⁸³⁵ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 665-бет.

⁸³⁶ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 213-бет.

⁸³⁷ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 213-бет.

⁸³⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 2-китоб, 96-бет.

қабрига қибла тарафдан киритганлар»⁸³⁹. Бу ривоят санадида Абдуллоҳ ибн Харрош бор, уни Ибн Ҳиббон ишончли деб ҳисоблаганлар, бир жамоат эса уни заиф дейишган.

Маййитни қабрга қўювчи «Бисмиллаҳи ва ʼала миллати расулиллаҳи», дейди. Бу ҳақда Ал-Баззор Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Агар жанозанинг, яъни маййитнинг қабрга қўйилаётганида ҳозир бўлсанг, одамлар ўтирган бўлишса, сен ўтирмагин, лекин қабр четида тургин, маййитнинг эгаси уни қабрга олиб тушганда сен: «Бисмиллаҳи ва ʼала миллати расулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи васаллам. Аллоҳумма ʼабдука назала бика ва анта хойру манзулин биҳи, холлифид-дунйа холфа зоҳриҳи, фажъал ма қодама алайҳи хойрон мимма холлафа, фаиннака қулта: «Ва ма индаллоҳи хойрун лил-аброр» (Оли-Имрон сураси, 198-оят). (Яъни: «Аллоҳнинг исми ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам миллатларини айтган ҳолда Эй Аллоҳим, банданг Сенинг ҳузурингга борди. Сенинг ҳузуринг у учун энг яхши борадиган жойдир. Дунёсини ўзидан кейин ортида қолдиргин. Унинг олдидаги нарсасини ортида қолган нарсасидан яхшироқ қилгин. Албатта Сен шундай деб марҳамат қилгансан: «Яхшилар учун Аллоҳ ҳузуридаги нарса, яъни савоб-ажр кофирларнинг муваққат кайф-сафоларидан афзалроқдир» (Оли-Имрон сураси, 198-оят).

Ҳоким Баёзийдан, у киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Маййит қабрга қўйилаётганда уни қўювчилар: «Бисмиллаҳи ва биллаҳи ва ʼала миллати расулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи васаллам»⁸⁴⁰.

Абу Довуд Ибн Умардан шундай ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам маййитни қабрга қўяётган вақтларида: «Бисмиллаҳи ва ʼала суннати расулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи васаллам», деб айтардилар».

Маййит қабрида ўнг тарафи билан қиблага юзлантирилиб қўйилади. Бу ҳақда Ҳоким Умайр ибн Қатода розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажида: «Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг дўстлари бўлган намозхонлар шундайки, улар ўзларига фарз қилинган беш вақт намозни ўқийдилар ва рамазон ойида рўза тутадилар... (ҳадис давом этади) ... Байтул ҳарамни тириклик ва ўлик ҳолингизда қиблангиз деб билишингиз...» деб келган⁸⁴¹.

Маййитнинг яратилган нарсаси бўлмиш тупроққа дафн қилиниши

Тупроқдан яратилган одамзот яна қайтиб тупроққа дафн қилинади. Бу ҳақда Ҳоким Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам янги кўмилган қабрнинг олдида ўтаётиб: «Бу кимнинг қабри?» дедилар. Одамлар: «Эй Аллоҳнинг расули! Бу фалон ҳабашийнинг қабри», дейишди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ла илаҳа иллаллоҳ (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ),

⁸³⁹ «Мўъжами Табароний», 11-китоб, 67-бет.

⁸⁴⁰ «Алмустадрок», 1-китоб, 266-бет.

⁸⁴¹ «Алмустадрок», 1-китоб, 59-бет.

Аллоҳнинг осмони ва еридан у ҳабаший ўзи яратилган тупроғига бориб етди», дедилар»⁸⁴².

Жундуб ибн Суфёндан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар Аллоҳ бандани бир ерда жонини олишни хоҳласа, ўша ерга ҳожатини тушириб қўяди, яъни у жойга боришга мажбур бўлади», дедилар»⁸⁴³.

Қабр текис қилиб эмас, дўмса қилиб қўйилади. Бу ҳақда Бухорий Суфён Таммордан ривоят қиладилар, Абу Бакр ибн Иёш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини дўмбоқ қилиб қўйилганини кўрган эканлар»⁸⁴⁴.

Қабрни гипс ва оҳаклар билан суваб қўйиш макруҳдир. Бу ҳақда Жобир розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрни гипс билан суваб қўйиш, унинг устига ўтириш ва устига бино қуришдан қайтардилар»⁸⁴⁵.

Яна шу ровийдан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларни гипслаб қўйишдан қайтардилар»⁸⁴⁶.

Қабрлар ёнида намоз ўқиш ҳам макруҳдир. Бу ҳақда Имом Муслим Абу Марсад Ғанавийдан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қабрларнинг устига ўтирманг ва унга қараб намоз ўқиманг», деганлар»⁸⁴⁷.

Агар бир мусулмон одамнинг кофир бўлган яқин қариндоши вафот этса, кийимидаги нажосатни ювгандек уни ювади ва уни матога ўраб, тупроққа кўмади. Бу ҳақда Абу Довуд Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бориб: «Қари залолатдаги, яъни мусулмон бўлмаган амакингиз вафот этди», десам, у зот: «Бор, амакингни тупроққа топшир, яъни кўмгин. Кейин то менинг олдимга келгунча ҳеч нарса гапирмагин», дедилар. Мен бориб, уни тупроққа кўмдим ва у зотнинг олдиларига келдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга буюрдилар, мен ғул қилдим ва у зот мени дуо қилдилар»⁸⁴⁸.

Агар хоҳласа, уни ўзининг миллатига топширади, улар ўликларига нима қилсалар, унга ҳам шундай қиладилар. Кофирга жаноза намози ўқилмайди, шаръий ғул қилдирилмайди, кафанланмайди ҳам. Мусулмонларнинг қабрларига дафн ҳам этилмайди.

Маййит қабрга дафн этилганидан кейин тарқалиш олдидан истиғфор айтиш

Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам маййитни дафн қилиб бўлгандан кейин у ерда туриб: «Биродарингизга истиғфор айтинглари ва унинг собит туришини

⁸⁴² «Алмустадрок», 1-китоб, 367-бет.

⁸⁴³ «Алмустадрок», 1-китоб, 367-бет.

⁸⁴⁴ «Саҳиҳи Бухорий», 274-бет.

⁸⁴⁵ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 667-бет.

⁸⁴⁶ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 667-бет.

⁸⁴⁷ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 668-бет.

⁸⁴⁸ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 215-бет.

сўранглар, чунки ҳозир қабрдаги савол-жавоб бошланади», деб айтардилар»⁸⁴⁹.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу маййитни қабрга кўмиб бўлганидан кейин у ерда туриб: «Эй Аллоҳим, банданг Сенга қайтарилди, Сен унга меҳрибон бўлиб раҳм қилгин. Эй Аллоҳим, ёнини ердан узоқ қил, унинг руҳи учун осмон эшикларини очгин, уни Ўзингнинг ҳузурингда чиройли ҳолда қабул эт! Эй Аллоҳим! Агар у муҳсин, солиҳ одам бўлса, унинг яхшилигини, савобларини кўпайтир» ёки «... унинг яхшилигини зиёда қил, агар у гуноҳкор бўлса, унинг гуноҳидан кечгин», деб айтардилар.

Амр ибн Осс розийаллоҳу анҳу қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Ислом дини ўзидан олдинги гуноҳларни ўчиради... (охирида) ... мени дафн қилганингизда устимга тупроқ тортинглар, кейин қабрим атрофида қурбонликка аталган қўйни сўйиб, гўшти тарқатилгунча бўлган муддатда туринглар, токи мен сизлар ердалигингизда Роббим элчиларига нима деб жавоб қайтараётганимни кўрай»⁸⁵⁰.

Қабр олдида Қуръон тиловат қилиш

«Шуабил иймон» китобининг тўртинчи жузъи, 539-бетида қуйидагилар ҳақида манфаатли баҳслар зикр қилинган. Улар маййит дафн қилинганидан кейин унга талқин қилиш ва Қуръон ўқиш ҳукми, ўликларни бир ердан бошқа ерга кўчириш ҳукми, маййит аҳлига таом қилиб бериш ва таъзияда ўтириш ҳақидадир. Яна қабрларни зиёрат қилиш, ўликларга қилинган эҳсоннинг савоби етиши, Ибн Таймиянинг ўликларга Қуръон ўқиши ҳақидаги айтган сўзлари, қабр фитналари, қабр азобидан сақловчи сабаблар баён этилган⁸⁵¹.

Аёлларнинг қабр зиёрат қилиши

Аёлларга қабрларни зиёрат қилиш жоиздир. Бу ҳақда Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир аёл қабр олдида йиғлаб турганида ёнидан ўтдилар ва: «Аллоҳдан кўрққин ва сабр қилгин», дедилар. У аёл: «Мени ўз ҳолимга қўйинг, чунки мендаги мусибат сизга етмаган», деди. У аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни танимади. Шунда унга: «У зот Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдир», дейишди. У аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламинг эшиклари олдида келди, у ерда эшикбонларни кўрмади ва: «Мен сизни танимабман», деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, ҳақиқий сабр мусибат етиши биланоқ, яъни илк вақтида бўлади (чунки кейин банда барибир чидаб ўзини босиб олади)», дедилар⁸⁵².

Абдуллоҳ ибн Абу Малайка ривоят қилиб айтадилар: «Абдуррахмон ибн Абу Бакр розийаллоҳу анҳу Макка пастидаги Хубший номли тоғда вафот этди⁸⁵³. Уни Маккага кўтариб олиб бориб, ўша ерга дафн қилишди.

⁸⁴⁹ «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 215-бет.

⁸⁵⁰ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 112-бет.

⁸⁵¹ «Шўъбатул иймон», китоби, ¼ мужаллад, муаллиф шайх Асъад ас-Соғаржий, 1997 йил, Дарул Каламут тийб, Дамашк, Байрут.

⁸⁵² «Саҳиҳи Бухорий», 2-китоб, 95-бет.

⁸⁵³ Хубший – Макканинг пастроғидаги тоғ.

Оиша розийаллоҳу анҳо Абдурахмон ибн Абу Бакр розийаллоҳу анҳу қабрига келиб: «Аллоҳга қасамки, агар кўмилмасингдан олдин ҳозир бўлганимда эди, сени дафн қилмасдим, фақат вафот этганинг сабабидан дафн қилмоқдаман. Агар сенга шохид бўлганимда, яъни кўрганимда эди, ҳозир сени зиёрат қилиб ўтирмасдим», дедилар⁸⁵⁴.

Аёлларнинг қабр зиёрат қилишининг макруҳлиги

Сўзга кўра, уларнинг қабрларни кўп зиёрат қилишидир. Имом Термизий Абу Хурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларни зиёрат қилувчи аёлларни лаънатладилар. Термизий айтадилар: «Баъзан аҳли илмлар бу ҳадис Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларни зиёрат қилишга рухсат беришларидан аввал бўлган, деб фикр билдирадилар. Кейинчалик у зот рухсат бердилар, у рухсатларига эркаклар ва аёллар ҳам кирган». Имом Термизий бу ҳадисни ҳасан-саҳиҳдир, деганлар. Бунини Имом Муслим ҳам Бурайда розийаллоҳу анҳудан қуйидагича ривоят қилганлар: «Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, энди эса уларни зиёрат қилаверинглар»⁸⁵⁵. Баъзилар: «Аёлларнинг қабрларни зиёрат қилишининг макруҳлиги фақатгина уларнинг сабри камлиги ва жазавалари кўплиги учундир», деб айтишди⁸⁵⁶.

Оиша розийаллоҳу анҳо: «Эй Аллоҳнинг расули, қабристонда ўликларга нима дейман?» деганларида у зот: «Ассаламу ʼала аҳлид-дияри минал мўминийна ва муслимийн ва ярҳамуллоҳул мустақдимийна минна вал мустаъхирийн ва инна иншааллоҳу бикум лалаҳиқун» (яъни, «Мўминлар ва муслимлардан бўлган диёр аҳлига салом бўлсин, Аллоҳ биздан илгари ва кейин ўтганларни раҳм қилсин, биз, Аллоҳ хоҳласа, сизларга албатта йўлиқурмиз»), дедилар⁸⁵⁷.

Аммо Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларни зиёрат қилувчи аёлларни, у ерларни масжид тутиб олган, у ерларда олов ёқадиган аёлларни лаънатлаганлар», деб айтилган. Бу ҳадисни Имом Термизий ривоят қилганлар. Имом Ҳоким қилган ривоятда келтирилишича, кунларнинг бирида Оиша розийаллоҳу анҳо қабристондан келаётганларида Ибн Абу Мулайка: «Эй мўминлар онаси, қаердан келяпсиз?» дедилар. У онамиз: «Иним Абдурахмон ибн Абу Бакрнинг қабридан», дедилар. Ибн Абу Мулайка: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларни зиёрат қилишдан қайтарганлар-ку!?» деганларида, Оиша онамиз: «Ҳа, қайтарганлар, кейин зиёрат қилишга буюрдилар», дедилар⁸⁵⁸.

Ўликларни сўкишдан қайтариш

⁸⁵⁴ «Сунани Термизий», 2-китоб, 260-бет.

⁸⁵⁵ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 672-бет.

⁸⁵⁶ «Сунани Термизий», 2-китоб, 260-бет.

⁸⁵⁷ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 672-бет.

⁸⁵⁸ «Сунани Байҳақий», 4-китоб, 78-бет.

Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилиб айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўликларни сўкманглар, чунки улар олдин қилиб ўтган нарсаларига ярашасини кўриб бўлдилар», дедилар»⁸⁵⁹.

Имом Байҳақий Саид ибн Зайд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кофирни сўкиш билан мусулмонга азият берманглар», дедилар»⁸⁶⁰.

Маййит жаннат ё дўзахга тушиши ёки унинг мағфират қилиниши ҳақида шаҳодат берилмайди, ҳатто у маййит шаҳид кетган бўлса ҳам. Фақат Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кимга шаҳодат берган бўлсалар, ўшаларгагина шохид бўлинади.

Умму Ало ривоят қилиб айтадилар: «Бизникида Усмон ибн Маъзум истиқомат қилиб турарди, у бемор бўлганида биз уни то вафот этгунича парвариш қилдик. Сўнг биз унинг кийимига ўраб қўйдик. Олдимизга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кирдилар. Мен (маййитга қарата): «Эй Абу Соиб, сенга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. Аллоҳ сени иззат-икром қилгани ҳақида шаҳодат бераман», дедим. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ уни иззат-икром қилганини қаердан биласан?» дедилар. Мен: «Отам ва онам сизга фидо бўлсин, эй Расулulloҳ, мен билмайман», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аммо Усмон, Аллоҳга қасамки, иймон билан кетди. Мен у ҳақда яхшилиқни албатта умид қиламан. Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳнинг расули бўла туриб унга нима бўлишини билмайман», дедилар. Аллоҳга қасамки, бундан кейин ҳеч қачон бировни мақтамайман. Бу нарса мени маҳзун қилди. Ухлаб тушимда Усмоннинг бир булоғи оқаётганини кўрдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келиб, бу ҳақда хабар бердим, у зот: «Бу унинг амалидир», дедилар»⁸⁶¹.

Шаҳид ҳақида

«Лисонул араб» китобида: «Шаҳид – бу Аллоҳни йўлида ўлдирилган одамдир», дейилган. Шаҳидлар руҳи жаннатдаги баргларда осифлиқ турган яшил қушлардадир. Шаҳид – бу тирикдир. Назр ибн Шумайл тафсирида шаҳид ҳақида фикр юритиб, у Роббисининг ҳузурида тирикдир. Абу Мансур бу ҳақда: «Аллоҳ йўлида жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардир! У зотлар Аллоҳ Ўз фазли-карами билан берган неъматларидан хушнуд ҳолларида баҳраманд бўлмоқдалар» (Оли-Имрон сураси, 169-оят), яъни уларнинг арвоҳлари Дорус-саламда тирик ҳолда ҳозирдирлар, бошқаларнинг арвоҳлари эса қайта тирилиш кунига қолдирилгандир», деб таъвил қиламан», дедилар.

«Таърифот» китоби соҳиблари: «Ҳар бир балоғатга етган, пок мусулмон зулм қилинган ҳолда ўлдирилса ва унинг ўлими билан хун вожиб бўлмаса, у шаҳиддир», деганлар.

Ҳукмлардаги асл шаҳид Уҳуддаги шаҳидлардир. Абу Довуд Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уҳудда сизларнинг биродарларингизга мусибат етиб, улар шаҳид кетдилар, Аллоҳ таоло уларнинг арвоҳларини ҳавода кўк яшил

⁸⁵⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 275-бет.

⁸⁶⁰ «Сунани Байҳақий», 4-китоб, 75-бет.

⁸⁶¹ «Саҳиҳи Бухорий», 538-бет.

қуш қилди, у жаннат анҳорларидан ўтади, унинг меваларидан ейди, Аршнинг соясидаги тилладан бўлган, муаллақ турган қандилларда бошпана топади. Уларнинг энг яхши ейишларини, ичишлари ва уларга яхши гапиришларини кўриб: «Ким бу биродарларимизни биздан ҳам юқори мартаба етказди?» дейишса, улар албатта биз жангда воз кечмаслик ва жиҳоддан юз ўғирмаганимиз учун жаннатда тирик ҳолда ризқланиямиз», дейишади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло: «Мен уларни сизлардан юқори даражага етказдим», дейди. «Аллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардир!...» (Оли-Имрон сураси, 169-бет)⁸⁶², деб ҳам оят нозил қилди.

Уқба ибн Омир розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд жангида ўлдирилганларга жаноза намозини ўқидилар...»⁸⁶³ Имом Муслим Уқба ибн Омир розийаллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни чиқиб Уҳуд аҳлига маййитга ўқиладигандек жаноза намози ўқидилар...»⁸⁶⁴ Имом Байҳақий Абу Молик Ғифорийдан ривоят қилиб айтадилар: «Уҳудда ўлдирилганларнинг тўққизтасини олиб келишди, ўнинчиси Ҳамза розийаллоҳу анҳу эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга жаноза намозини ўқидилар. Кейин уларни олиб кетишди. Сўнг яна тўққизта шаҳидни олиб келишди, у зот уларга ҳам жаноза ўқидилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кундаги шаҳидларнинг ҳаммасига намоз ўқиб бўлгунларича Ҳамзанинг маййити ўша жойда, яъни ҳар тўққизта маййитнинг ўнинчиси бўлиб турди».

Шаҳид ювилмайди. Бу ҳақда Каъб ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд жанги куни: «Ким Ҳамза розийаллоҳу анҳунинг ўлигини кўрди?» дедилар. Қуролланмаган бир киши: «Мен унинг ўлигини кўрдим», деди. У зот: «Бизни бошлаб бор, уни кўрайлик», дедилар. У чиқиб Ҳамзанинг ўлиги олдига келди ва унинг қорни ёрилганини, ўлиги майиб қилиниб, таҳқирланганини кўрди. Кейин: «Эй Расулulloҳ, Аллоҳга қасамки, унинг жасадини майиб қилиб таҳқирлашибди», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўришни қариқ билдилар. Сўнг шаҳидларнинг орқасида туриб: «Мен буларга шоҳидман. Уларни қони билан, яъни ювмасдан ўранглар, чунки бирорта жароҳат бўлса, қиёмат куни у жароҳатидан қон оқиб туради, унинг ранги қон рангида, ҳиди эса мушк ҳидли бўлади», дедилар. Сўнг: «Қуръон аҳллари, яъни қориларни олдинга қўйиб, уларни лаҳадга дафн қилинлар», дедилар⁸⁶⁵.

Имом Абу Ҳанифа айтадилар: «Агар шаҳид кетган одам оқил, болиғ, пок бўлса, у ғусл қилинмайди. Агар ёш бола, жунуб киши, ҳайзли ёки нифосли аёл шаҳид кетса, у ғусл қилинади». Ҳайз кўрган ёки нифоси келган аёл ҳам худди шундайдир. Аммо ёш болани инсониятнинг ўликларини ювилгани каби аслидай ювилади. Лекин катталарда шаҳидликнинг асари қолиб, гуноҳларга каффорат бўлувчи шаҳодат борлиги учун биз ғуслни тарк қиламиз. Бу маъно эса ёш болада йўқ, яъни балоғатга етмаган болада каффорат бўладиган гуноҳнинг ўзи йўқ, у ҳали мукаллаф эмас, бас, ундаги ҳол аслга қараб қилинади.

⁸⁶² «Сунани Абу Довуд», 3-китоб, 25-бет.

⁸⁶³ «Саҳиҳи Муслим», 4-китоб, 1795-бет.

⁸⁶⁴ «Сунани Байҳақий», 4-китоб, 12-бет.

⁸⁶⁵ «Сунани Байҳақий», 4-китоб, 11-бет.

Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад фикрларича: «Болиғга қиёсан ёш бола ҳам ва жунуб ҳам ғул қилдирилмайди. Чунки жанобатдан ғул қилиш ўлим келиши билан соқит бўлган. Ўлим билан вожиб бўлган нарса эса, яъни ўликни ювиш унинг ҳаққида йўқдир, чунки у шаҳид кетган. Ҳайз ва нифос кўрган аёл ҳам шу кабидир».

Имом Абу Ҳанифанинг жунуб одам, яъни шаҳид ҳолда ўлганнинг ғули ҳақидаги сўзларига далили Абдуллоҳ ибн Зубайр розийаллоҳу анҳунинг Уҳуд қиссаси ҳақидаги ривоятидир. Унда айтилишича, Шаддод ибн Авс ўлдирилди, уни Ибн Шаъуб Ханзала ибн Абу Омир дейишарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта дўстингизни фаришталар ғул қилдиришяпти, унинг аёлидан бу ҳақда сўранглар», дедилар. Аёли: «У (жиҳодга) чақириқни эшитганида жунуб ҳолида чиққан эди», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шунинг учун фаришталар уни ғул қилдиришаётган экан», деб айтдилар⁸⁶⁶.

Кимки бир маъракада майитни жароҳатсиз кўрса, унинг шаҳид кетганига шак борлиги учун ғул қилдиради. Шаҳид ўзининг кийимига кафанланади, суннатга риоя қилган ҳолда агар кийими кам келса, қўшилади, агар кўп келса, олиб ташланади.

Бу ҳақда Жобир розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Бир кишининг кўкраги ёки халқумга ўқ тегиб ўлди, уни ўз кийимига ўрашди. Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик»⁸⁶⁷. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳудда ўлдирилганларнинг эгнелиридан темир ва териларни ечиб олишга буюрдилар. Чунки улар кафаннинг кийимларидан эмасди. Ҳоким «Алмустадрок»да ривоят қиладилар, имом Заҳабий уни айтмай кетганлар. Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Ҳамза йўл-йўл, тарғил кийимга кафанланди, у билан бошини ўрашса, оёғи чиқиб қоларди, агар оёғини ўрашса, боши очилиб қоларди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга бошини ўрашни, икки оёғини эса изхир (хушбўй қамиш) ташлашни буюрдилар»⁸⁶⁸.

«Муртасса» дегани жангда йиқилиб, заифлашган, жангдан тирик чиқиб, сўнгра ўлган одамдир. Саълаб айтади: «У шундай кишики, уни жанг майдонидан яримжон ҳолда олиб чиқишган. Агар тирик турмай ўлган бўлса, у муртасса эмас». Муртассага мисол Умар розийаллоҳу анҳудирлар. Агар жангдан заифлашиб чиққан одам таом еса ёки ичимлик ичса, даволанса, дунё ишларидан бирор нарсани васият қилса, нарсасотса, олса, намоз ўқиса, маъракадан тирик ҳолда кўтариб чиқилса, ақли бўлиб ҳушидан кетмай, бир кундан кўп яшаса, сўнгра ўлса, у ғул қилинади. Чунки у ҳаётнинг яхшиликларидан баҳраманд бўлиб, зулмнинг асари енгиллашган, шунинг учун унинг ҳолатида Уҳуд ёки бошқа жанглардаги шаҳидлар маъноси қолмайди. Умар розийаллоҳу анҳу ҳам муртасса бўлганлар, шунинг учун у кишини вафотларидан сўнг ғул қилдиришган. «Саҳиҳи Бухорий»да келишича, у кишига суиқасд қилинганидан сўнг яшаганлар, кўп гапларни гапирганлар, хурмо сиқмаси ва сут ичганлар. Байҳақий у киши суиқасддан сўнг уч кун яшаганларини айтганлар.

«Истизкор» китобида айтилишича, уламолар шаҳид кофирлар билан бўлган жанг майдонидан тирик ҳолда олиб чиқилса ва у жанг майдонида

⁸⁶⁶ «Сунани Байҳақий», 4-китоб, 15-бет.

⁸⁶⁷ «Сунани Байҳақий», 4-китоб, 14-бет.

⁸⁶⁸ «Алмустадрок», 2-китоб, 12-бет.

ўлмаса, яшаб, еса, ичса, сўнгра ўлса, у албатта ғусл қилинади ва унга Умар ва Али розийаллоҳу анҳуларга қилинганидек жаноза намози ўқилади, деган фикрга жам бўлишган.

Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳу жангсиз шаҳид бўлганлар, шу билан бирга у кишини ўз кийимларида ва қонлари билан дафн қилиб, ғусл қилдиришмаган. Чунки у киши мусулмонларнинг қўлида зулм қилинган ҳолда ўлдирилганлар, у кишига мол, хун вожиб бўлмаган.

Шаръий ҳад қоим қилиниб ўлган ёки қасос қилиб ўлдирилган киши, юқорида айтилганидек, ғусл қилинади ва жаноза намози ўқилади. Бузуқчилик, фаҳш ишларни қилувчи ва йўлтўсарларга жаноза намози ўқилмайди. Чунки улар ер юзида фасод қилиб юрганлар. Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай деган: «Бу жазо улар учун бу дунёда расволик – шармандалик бўлур» (Моид сураси, 33-оят). Жаноза намози шафоатдир. Улар эса бунга ҳақли эмаслар.

Масжидлар боби Масжидларнинг фазилати

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга севимлироқ шаҳарлар уларнинг масжидларидир. Аллоҳни ғазаблантирадиган шаҳарлар уларнинг бозорларидир», деганлар»⁸⁶⁹.

Убайдуллоҳ ибн Хувлоний Усмон ибн Аффон розийаллоҳу анҳунинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидлари бино қилинаётганида одамларга шундай деяётганларини эшитган эканлар: «Албатта сизлар кўпайишдингиз. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитганман: «Кимки масжид бино қилса (ҳадиснинг ровийси Бакир: «Уни шундай деган деб ҳисоблайман», дедилар), Аллоҳнинг розилигини талаб қилиб масжид қурса, Аллоҳ таоло унга худди шундайин жаннатда уй бино қилади»⁸⁷⁰.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: «Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган, намозни тўқис адо этган, закотни ҳақдорларга ато қилган ва ёлғиз Аллоҳдангина қўрқадиган зотларгина обод қилурлар. Ана ўшалар ҳидоят топувчи зотлар бўлсалар, ажаб эмас» (Тавба сураси, 18-оят).

Масжидни кенгайтириш

Зайд ибн Аслам айтадилар: «Мадина масжидининг ёнида Аббос ибн Абдулмуталлибнинг ҳовлиси бўларди. Умар розийаллоҳу анҳу унга: «Ҳовлингни менга сот», деб ҳовлини масжидга қўшиб уни кенгайтирмоқчи эдилар. Аббос эса ҳовлини сотишдан бош тортди. Умар розийаллоҳу анҳу: «Унда менга совға қил!» дедилар. У яна бош тортди. Умар розийаллоҳу анҳу: «Уни ўзинг кенгайтир», дедилар. У яна кўнмади. Умар розийаллоҳу анҳу: «Шулардан бирини танлашинг керак», дедилар. У унга кўнмади. Умар розийаллоҳу анҳу: «Сен ва менинг орамизда бир кишини ҳакам қилиб ол», дедилар. У Убай ибн Каъб розийаллоҳу анҳуни ҳакам қилиб олди.

⁸⁶⁹ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 464-бет.

⁸⁷⁰ «Саҳиҳи Бухорий», 96-бет.

Иккови Умар розийаллоҳу анҳу билан хусуматлашиб, Убай Умар розийаллоҳу анҳуга: «Сен уни рози қилмагунингча у ҳовлисидан чиқиб кетмайди, деб ўйлайман», дедилар. Умар розийаллоҳу анҳу унга: «Сен бу ҳукмингни Аллоҳнинг китобидан олдингми ёки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлариданми?» дедилар. Убай: «Мен буни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан олдим», дедилар. Умар розийаллоҳу анҳу: «У нима?» дегандилар, Убай ибн Каъб: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: «Сулаймон ибн Довуд Байтул-мақдисни қураётганларида ҳар гал деворни бино қилганларида у бузилиб қолар эди. Аллоҳ таоло унга бегона киши ҳаққида то уни рози қилмагунингча бино қилмасликни ваҳий қилди». Умар розийаллоҳу анҳу бу гапни эшитиб, режаларини тарк қилдилар. Аббос шундан кейин ўз ҳовлисини масжидга қўшиб масжидни кенгайтирди». Буни Абдураззоқ ривоят қилган⁸⁷¹.

Ибн Мусайб айтадилар: «Умар розийаллоҳу анҳу Аббос ибн Абдулмуталлибнинг ҳовлисини сотиб олиб, масжидга қўшиб, масжидни зиёда қилмоқчи бўлди. Аббос ҳовлисини унга беришдан бош тортди. Умар розийаллоҳу анҳу: «Бу ҳовлини албатта оламан», дедилар. Сўнг: «Мен ва сенинг орамизга Убай ибн Каъбни ҳакам қилгин», дедилар. У: «Хўп», деди. Иккови Убай розийаллоҳу анҳунинг олдиларига бориб бўлган гапни айтишди. Убай розийаллоҳу анҳу: «Аллоҳ таоло Сулаймон ибн Довудга Байтул-мақдисни бино қилишни ваҳий қилди. Ер бир кишиники эди. Сулаймон ундан ерни сотиб олиб, пулини бераётганида у киши: «Сен менга бераётганинг яхшими ёки мендан олаётганингми?» деди. Сулаймон: «Сендан олаётганим яхшидир», деди. У киши: «Мен бу пулга сотиб олишингга рухсат бермайман», деди. Кейин Сулаймон ерни ундан кўпроқ пулга сотиб олмоқчи бўлди. У киши ҳалигидек қилиб икки ёки уч марта қайтарди. Сулаймон унга: «Мен у ерингни ўртага одам қўйиб сотиб оламан, мендан қайси бири яхши деб сўрамайсан», деб шарт қўйди. Сулаймон ундан ерни у киши қўйган ҳакамнинг гапи билан сотиб олмоқчи бўлди. Ҳакам ўн икки минг тилло қинтор тилла нархга ҳукм қилди. Сулаймонга буни бериш оғирлик қилди. Аллоҳ таоло унга: «Агар ўзингни нарсангдан бермоқчи бўлсанг, ўзинг биласан, агар бизни ризқимиздан берсанг, у рози бўладиган қилиб бергин», деб айтди. Мен ҳам Аббосни то уни рози қилмагунингча ўз ҳовлисига ҳақли деб ўйлайман», дедилар. Аббос: «Сен менинг фойдамга ҳукм қилдинг, мен у ҳовлимни муслмонларга садақа қилиб бердим», деди». Буни Абураззоқ ривоят қилган⁸⁷².

Қайси масжид биринчи бўлиб қурилгани ҳақида

Абу Зарр розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен: «Эй Расулulloҳ! Қайси масжид ер юзига биринчи бўлиб қурилган?» деб сўрадим. У зот: «Масжидул-ҳарам», деб айтдилар. Мен: «Кейин қайсиси?» деб сўрадим. У зот: «Масжидул-Ақсо», дедилар. Мен: «Икковининг қурилиши орасида қанча вақт бўлган?» дедим. У зот: «Қирқ йил. Албатта қайси жой, хона,

⁸⁷¹ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 307-бет.

⁸⁷² «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 307-бет.

уйда намозни ўқисанг, у масжиддир», деб айтдилар»⁸⁷³. Мен айтаманки, биринчи бўлиб Масжидул-ҳарамни саййидимиз Иброҳим алайҳиссалом қурганлар. У киши қурганларидан кейин шунча, яъни қирқ йил вақт ўтиб биринчи бўлиб Масжидул-Ақсога Яъқуб алайҳиссалом асос солганлар.

Масжид қандай қурилади?

Нофеъ ҳикоя қилишларича, Абдуллоҳ у кишига шундай деб хабар берган экан. «Масжид Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида ғишдан қурилган, томи хурмонинг баргсиз шохлари билан ёпилган, устунлари хурмо дарахтининг ёғочидан бўлган. Абу Бакр розийаллоҳу анҳу унга ҳеч нарсани зиёда қилмадилар. Умар розийаллоҳу анҳу унга зиёда қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларидаги ғишлари ва баргсиз хурмо шохларига зиёда қилдилар, устунларини ёғочлар билан маҳкамладилар. Сўнгра Усмон розийаллоҳу анҳу уни ўзгартириб, кўп нарсани зиёдалаштирдилар. Деворини тарашланган ва нақшинкор тошлардан, устунларини нақшинкор тошдан, шифтини саж дарахтидан қилдилар»⁸⁷⁴.

Масжидда аёллар учун эшик қилиш

Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжид бино қилаётганларида аёллар учун ҳам эшик қурдириб: «Бу эшикдан эркакларнинг биронтаси ҳам кирмасин», дедилар». Нофеъ айтадилар: «Мен Ибн Умар розийаллоҳу анҳунинг бу эшикдан кирганини ҳам, чиққанини ҳам кўрмадим». Буни Абу Довуд «Ат-Тайоласий»да ривоят қилганлар⁸⁷⁵.

Масжиди Набавийнинг минбари

Саҳл айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир аёлга: «Дурадгор ғуломингга буюргин, менга ўтиришим учун ёғочлардан минбар ясаб берсин», деб одам юбордилар. У аёл ўзи: «Эй Расулуллоҳ, ўтиришингизга бирор нарса қилиб берай. Чунки менда дурадгор ғулом бор», деб айтган эди»⁸⁷⁶.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарлари билан уйлари орасининг фазилати

Абдуллоҳ ибн Зайддан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уйим ва минбарим орасида жаннат боғларидан бир боғ бордир», дедилар»⁸⁷⁷.

Қубо масжиди ва унда намоз ўқиш фазилати

⁸⁷³ «Саҳиҳи Муслим», 1-китоб, 370-бет.

⁸⁷⁴ «Саҳиҳи Бухорий», 95-бет.

⁸⁷⁵ «Жомеъур Ризавий», 1-китоб, 311-бет.

⁸⁷⁶ «Саҳиҳи Бухорий», 96-бет.

⁸⁷⁷ «Сунани Насай», 2-китоб, 35-бет.

Абдуллоҳ ибн Дийнордан ривоят қилинади: «Ибн Умар розийаллоҳу анҳу ҳар шанба Қубо масжидига борардилар ва: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар шанба у ерга борганларини кўрганман», дердилар». Бошқа бир ривоятда: «У ерга уловга миниб ва пиёда ҳолда борардилар», деб келган⁸⁷⁸. Абу Умома ибн Саҳл ибн Ҳаниф айтадилар: «Отам айтадиларки: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки Масжиду Қубога келса ва унда намоз ўқиса, у киши учун умра савоби берилади», деб айтдилар»⁸⁷⁹.

Тақвога асосланиб қурилган масжид

Ибн Абу Саид Худрий оталаридан ривоят қиладилар: «Икки киши тақвога асосланган масжид ҳақида баҳслашиб қолишди. Улардан бири: «У Қубо масжидидир», деди. Бошқаси: «У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларидир», деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У менинг масжидимдир», дедилар»⁸⁸⁰.

Имом Нававий: «Бу ҳадис Масжиди Набавийнинг Қуръонда зикри келган тақвога асосланган масжид эканига далилдир ва баъзи муфассирлар у масжид Масжидул-Қубо деган гапларига раддиядир», деб айтганлар.

Ироқий «Шарҳ ут-Термизий»да тақвога асосланган масжид Масжидул Қубо эканига далолат қиладиган кўп ҳадислар ворид бўлган. Мен айтаманки, тақвога асосланган масжид бу ҳам Масжиди Набавий, ҳам Масжиди Қубодир», деб айтдилар.

Масжидлардан қайси бирига сафар қилиб борилади?

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Масжидлардан фақат учтасига уловни ҳозирлаб сафар қилишга ҳақлидир: Масжидул-ҳарам, мана бу менинг масжидим (Масжиди Набавий) ва Масжидул-Ақсо», деб айтдилар⁸⁸¹.

Шайх Субкий унинг маъноси ҳақида шундай дейдилар: «Шу учта шаҳарларнинг фазли учун уларга сафар қилиб борилади, ер юзининг бошқа бирор бўлагида сафар қилиб бориладиган даражада бунчалик зотида фазилати бўлган жой йўқдир. Аммо шу учтасидан бошқа шаҳарлардаги масжидларга зотидаги фазилат учун эмас, балки зиёрат учун, жиҳод учун, илм олиш учун ёки шунга ўхшаш нарсалар учун борилади».

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Бир аёл касалликка чалиниб: «Агар Аллоҳ менга шифо берса, албатта Байтул-Муқаддасда намоз ўқийман», деди. У аёл тузалиб, йўлга чиқишни ирода қилиб тайёрланди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни аёллари Маймуна розийаллоҳу анҳо у аёлга салом бериб келиб қолдилар. У аёл бу ҳақда гапирган эди, Маймуна розийаллоҳу анҳо: «Ўтиринг, йўлга чиқманг, тайёрлаган озуқангизни енг, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидларида намоз ўқинг. Чунки мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

⁸⁷⁸ «Саҳиҳи Муслим», 2-китоб, 1016-бет.

⁸⁷⁹ «Сунани Насайи», 2-китоб, 37-бет.

⁸⁸⁰ «Сунани Насайи», 2-китоб, 37-бет.

⁸⁸¹ «Сунани Насайи», 2-китоб, 37-бет.

васалламнинг шундай деганларини эшитдим: «Масжиди Набавийдаги ўқилган намоз бошқа масжидларда ўқилган мингта намоздан афзалдир, фақат Каъбадаги масжид ундай эмас», дедилар»⁸⁸².

Масжидул-ҳарамда ўқилган намоз Масжиди Набавийдагидан афзалдир. Уч мазҳаббоши имомлар, Ибн Ваҳб, Ибн Ҳабиб, Ал-Моликиёнлар шу фикрдадирлар.

Имом Молик ва бир жамоат бунинг маъноси ҳақида: «Масжиди Набавийдаги ўқилган намоз Масжидул ҳарамдаги намоздан фазилатлироқдир, фақат мингта намоздан эмас, шунчаки ўзи фазилатли», деб айтишган.

Масжидул-ҳарамдаги ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларидаги намознинг фазилати

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу масжидимда ўқилган намоз ундан бошқа масжидлардаги ўқилган мингта намоздан афзал, фақат Масжидул-ҳарам бундан мустасно», дедилар»⁸⁸³.

Жобир розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу масжидимдаги ўқилган намоз бошқа масжидларда ўқилган мингта намоздан афзал, фақат Масжидул-ҳарам бундан мустасно. Масжидул-ҳарамда ўқилган намоз юз мингта намоздан афзалдир», дедилар»⁸⁸⁴.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу масжидимдаги ўқилган намоз ундан бошқа масжидлардаги ўқилган мингта намоздан афзалдир, фақат Масжидул-ҳарам бундан мустасно. Масжидул-ҳарамда ўқилган намоз бундаги ўқилган юзта намоздан афзал», дедилар»⁸⁸⁵.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки менинг масжидимда қирқта намоз ўқиса, улардан бирортасини қазо қилмаса, у учун дўзахдан озодлик, азобдан нажот ва нифоқдан поклик ёзилади», дедилар. Бунинг ровийлари саҳиҳ ровийлардир.

Масжидул-Ақсодаги ўқилган намоз фазилати

Абу Дардо розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Масжидул-ҳарамда ўқилган намоз юз мингта намозга тенг, менинг масжидимда ўқилган намоз мингта намозга тенг. Байтул Мақдисда ўқилган намоз беш юзта намозга тенг», деб айтдилар»⁸⁸⁶.

Масжидга боришнинг фазилати

⁸⁸² «Сунани Насайи», 2-китоб, 35-бет.

⁸⁸³ «Сунани Насайи», 2-китоб, 35-бет.

⁸⁸⁴ «Фатхур Роббоний», 23-китоб, 246-бет.

⁸⁸⁵ «Фатхур Роббоний», 23-китоб, 246-бет.

⁸⁸⁶ «Ат-тарғиб ват-тарҳиб», 2-китоб, 216-бет.

Уқба ибн Омир ал-Жуханий розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитиб айтадилар: «Агар киши таҳорат қилса, сўнг намоз ўқиш учун масжидга борса, намоз ўқиса, унинг гуноҳ-савобларини ёзиб юрадиган икки ёзувчи фаришта масжид томон юрган ҳар бир қадамига ўнта ҳасанот ёзгай. Намозни кутиб ўтирувчи худди намозда тургандай савоб олади. У одам уйдан чиқиб, масжидга бориб қайтиб келгунича унга намоз ўқиётганлар қаторида савоб ёзилади»⁸⁸⁷.

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар бир кишини масжидларга бориб юришга одатланганини кўрсангиз, унинг иймонли эканига гувоҳ бўлинг», деб айтдилар». Аллоҳ азза ва жалла шундай марҳамат қилади: «Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган, намозни тўқис адо этган, закотни ҳақдорларга берган, ёлғиз Аллоҳдангина кўрқадиган зотларгина обод қилурлар» (Тавба сураси, 18-оят)⁸⁸⁸.

Масжидга қандай кириб-чиқиш ҳамда нима деб айтилиши ҳақида

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу шундай дер эдилар: «Масжидга кирганда ўнг оёқ билан кириш, чиқаётганда эса чап оёқ билан чиқиш суннатдандир»⁸⁸⁹. Абу Ҳумайд ва Абу Усайд розийаллоҳу анҳумолардан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз масжидга кираётганида: «Аллоҳумма ифтах ли абваба роҳматика», десин (яъни: «Эй Аллоҳим! Менга раҳмат эшикларингни очгин!»), чиқаётганида эса: «Аллоҳумма инний асъалука мин фазлик» (яъни: «Эй Аллоҳим, мен Сенинг фазлингдан сўрайман»), деб айтади», дедилар»⁸⁹⁰.

Абу Довуд розийаллоҳу анҳудан келган ривоятда эса: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтсин, сўнгра шундай десин», деб келган. Термизийдан келган ривоятда эса: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кираётганларида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиб, сўнгра: «Роббиғфирли зунуби вафтахли абваба роҳматик», деб айтардилар. Чиқаётганларида эса Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот ва салом айтиб, сўнг: «Роббиғфирли зунуби вафтахли абваба фазлик» («Эй Роббим, менинг гуноҳларимни мағфират қилгин ва менга фазлинг эшикларини очгин»), деб айтардилар», деб келади⁸⁹¹.

Масжидга кирганида ўтиришдан олдин намоз ўқишга амр қилингани ҳақида

Абу Қатода розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз агар масжидга кирса, ўтиришидан аввал икки ракат намоз ўқисин», дедилар⁸⁹². Масжидга кирганда намоз ўқимасдан ўтиришга ёки масжиддан намоз ўқимасдан

⁸⁸⁷ «Алмустадрок», 1-китоб, 211-бет.

⁸⁸⁸ «Алмустадрок», 1-китоб, 212-бет.

⁸⁸⁹ «Алмустадрок», 1-китоб, 218-бет.

⁸⁹⁰ «Сунани Насайи», 2-китоб, 53-бет.

⁸⁹¹ «Сунани Термизий», 1-китоб, 197-бет.

⁸⁹² «Сунани Насайи», 2-китоб, 53-бет.

чиқиб кетишга рухсат бор, лекин бу ишни доим қилмайди. Бу ҳақда Каъб ибн Молик розийаллоҳу анҳу ўзларининг тавбаси ҳақидаги ҳадисларида ривоят қиладилар, унда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга қараб ўтирдилар...», яна: «... мен у ерга бордим, вақтики, салом берганимда, у зот ғазабли табассум қилдилар, сўнгра кел, дедилар. Мен бориб у зотнинг олдиларига ўтирдим, у зот менга: «Нимага бизга хилоф иш қилдинг?» дедилар...» деган жойдан то: «Тур, бу ердан кет, яъни Аллоҳ сенга ҳукм чиқаргунича бу ердан тургин», дедилар. Мен туриб ортимга қайтдим...» жойигачадир⁸⁹³.

Масжидда овозни баланд чиқариб гапиришдан ман этилгани

Соиб ибн Язид розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Мен масжидда турган эдим, бир киши мени чақирди. Қарасам, Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу эканлар. У киши: «Бориб анави иккитасини менинг олдимга олиб кел!» дедилар. Мен бориб икковини олиб келдим. Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу: «Сизлар кимсизлар?» ёки «Сизлар қаерликсизлар?» дедилар. У иккови: «Биз Тоиф аҳлиданмиз», дейишди. У киши: «Агар сизлар шаҳар аҳлидан бўлганингизда овозингизни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида баланд кўтарганингиз учун азоблаб таъзирингизни бериб қўярдим», деб айтдилар⁸⁹⁴.

Амр ибн Шуайб оталаридан, у киши боболаридан, у киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар. Набий алайҳиссалом масжидда ўзаро шеърый айтишувлардан, олди-сотдидан, жума куни масжидда намоздан олдин халқасимон давра бўлиб ўтиришларидан қайтардилар⁸⁹⁵. Мен айтаманки, масжидда ўзаро шеърлар айтишувидан қайтарилгани ёмон шеърлар хусусидадир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳассон ибн Собитга масжидда шеър айтишга рухсат бердилар ва унга: «Менга жавоб қил, Аллоҳим уни руҳул қуддус билан қўллагин», дедилар⁸⁹⁶. Жума куни масжидда ҳалқа давра бўлиб ўтиришдан қайтариш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мажлисларидан четга чиқиб қолишлик юзасидандир. Аммо имом хутба ўқиш вақтида одамлар томонига юзланиш мандуб амалдир. Бу ҳақда Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда турганларида биз у зотга юзимиз билан юзланиб турардик». Жобир розийаллоҳу анҳу айтадилар: «Бир киши келиб йўқотиб қўйган нарсасини масжидда эълон қилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Топа олмагин», дедилар.

Ер ютганлар ва азобланганлар жойида намоз ўқишдан қайтариш

Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мана бу азоб етганларнинг қишлоғига кирманглар, фақат йиғлаган ҳолдагина киринглар. Агар

⁸⁹³ «Сунани Насайи», 2-китоб, 54-бет.

⁸⁹⁴ «Саҳиҳи Бухорий», 100-бет.

⁸⁹⁵ «Сунани Термизий», 202-бет.

⁸⁹⁶ «Сунани Насайи», 2-китоб, 48-бет.

йиғламасанглар, уларнинг олдига кирманглар, шунда уларга етган нарса сизларга етмайди», дедилар⁸⁹⁷.

Мен айтаманки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Самуд диёридаги тош соҳиблари ҳақида бу гапни айтганлар.

Умар розийаллоҳу анҳу (насронийларга): «Биз сизларнинг черковларингизга, ундаги бут ва суратлар сабабли кирмаймиз», деб айтдилар. Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу синагог (яхудийлар ибодатхонаси)да намоз ўқийверганлар, фақат суратлари, ҳайкаллари бўлган синагогда намоз ўқимаганлар. Синагог аҳли, яъни яҳудийлар ҳақида Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ана у қавмлар агар улардан бирор солиҳ банда ёки солиҳ киши ўлса, унинг қабрига масжид қурдилар. Унга мана шу суратларни чиздилар. Булар Аллоҳнинг наздидаги махлуқотларнинг ёмонларидир», дедилар⁸⁹⁸.

Масжидда таҳоратсиз бўлишдан ман этилгани

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг ҳар бирингиз таҳорати кетмаганунича намоз ўқиётган вақтида фаришталар у учун қуйидагича саловот айтиб туришади: «Аллоҳуммағфирлаҳу, Аллоҳуммарҳамҳу (Эй Аллоҳим! Унинг гуноҳларини мағфират қил, эй Аллоҳим, унга раҳм қил!)»⁸⁹⁹.

Масжидга тупуришдан қайтариш

Абу Саид Худрий розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хурмо меваси ғужуми бор новдаларни яхши кўрардилар, уни қўлларида кўймай масжидга кирдилар. Шунда масжиднинг қибла тарафидаги тупук-балғамни кўрдилар ва уни қиртишлаб ташладилар. Сўнг одамларга ғазабланган ҳолда ўгирилиб: «Сизлардан биронтангиз юзига тупуришса, хурсанд бўладими? Сизлардан бирингиз қиблага юзланса, у фақат Роббиси азза ва жаллага юзланади, ўнг тарафда фаришта бўлади. У одам ўнг тарафига ҳам, қибла тарафга ҳам тупурмасин. У чап тарафига ёки оёғи остига тупурсин. Агар у бу ишда шошилиб қолса, кийимига тупуради ва уни баъзи қисми билан уқалаб ташлайди», дедилар»⁹⁰⁰.

Мен айтаманки, бу иш дастрўмоллар кўп бўлмаган замонда эди. Аммо бугунги кунда агар тупуришга эҳтиёжли бўлса, дастрўмолига тупуради. Аълороғи эса масжиднинг бир чеккасига бориб тупураётгандаги овози имкон даражасида эшиттирмасдан бажаради.

Масжидда зарурат юзасидан мусофир, бўйдоқ ва шуларга ўхшаш одамга ухлаш мубоҳдир. Бу ҳақда Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдларига Укдан бир неча киши келди. Улар суфада бўлгандилар»⁹⁰¹. У Масжиди Набавийнинг суфаси эди, ўша суфани аҳли суфа бошпана қилишганди.

⁸⁹⁷ «Саҳиҳи Бухорий», 93-бет.

⁸⁹⁸ «Саҳиҳи Бухорий», 93-бет.

⁸⁹⁹ «Саҳиҳи Бухорий», 93-бет.

⁹⁰⁰ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 130-бет.

⁹⁰¹ «Саҳиҳи Бухорий», 93-бет.

Нофеъ айтадилар: «Менга Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳу хабар бердилар: «Аҳли бўлмаган ёш йигит ва бўйдоқ бўлганларида Масжиди Набавийда ухлар эди»⁹⁰².

Саримсоқ, пиёз ёки ёмон ҳид пайдо қиладиган нарса еган одамнинг масжидга кириши ман этилади. Чунки бунда масжидда намозхонларнинг ёмон ҳиддан камайиб кетиш хавфи бор. Бу ҳақда Жобир розийаллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи куни: «Кимки мана бу дарахт ўсимликдан, яъни саримсоқ пиёздан еса...» дедилар, кейин: «Саримсоқ, пиёз, куррос (япалоқ баргли пиёз нави)дан еса, бизнинг масжидимизга яқинлашмасин, чунки инсон азият чекадиган нарсадан фаришталар ҳам азият чекишади», дедилар»⁹⁰³. Яна бу ҳақда Маъдон ибн Абу Талҳа ривоят қиладилар: «Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу: «Эй одамлар, сизлар икки дарахт ўсимлигини ейсизлар, мен у икковини ярамас нарса деб биламан, у пиёз ва саримсоқдир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам агар у икковининг ҳиди бир кишидан келаётганини билсалар, унга Боқийъ қабристонида чиқиб кетишга буюрардилар. Кимки уларни емоқчи бўлса, пишириб есин», дедилар»⁹⁰⁴.

Ҳайз кўрган ва жунуб бўлган киши ҳам масжидга кириши ман этилади. Бу ҳақда Даждожа қизи Жасро ривоят қилиб айтадилар: «Мен Оиша розийаллоҳу анҳонинг шундай деб айтганларини эшитдим: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келганларида, саҳобаларининг уй эшиклари масжидга қараб очилган эди. У зот: «Бу уй эшикларини масжиддан бошқа тарафга қаратиб очинглар», дедилар. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ичкарига кириб кетдилар. Қавм уларга рухсат нозил бўлишидан – ваҳийдан умидвор бўлиб, ҳеч нарса қилмадилар. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб: «Бу уй эшикларини масжиддан бошқа тарафга қаратиб очинглар. Албатта мен масжидни ҳайз кўрган ва жунуб учун ҳалол қилмайман», деб айтдилар»⁹⁰⁵.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туя боқиладиган туяхонада намоз ўқишдан қайтардилар. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қўйлар қўрасида намоз ўқийверинглар, туялар боқиладиган хонада намоз ўқиманглар», дедилар»⁹⁰⁶.

Яна Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам еттита жойда намоз ўқишдан қайтардилар: гўнгхонада, қассобхона (қушхона)да, қабр устида, йўл устида, ҳаммомда, туяхонада, Байтуллоҳнинг устида»⁹⁰⁷.

Абу Муслим тайёрлади

admin@islom.uz

⁹⁰² «Саҳиҳи Бухорий», 93-бет.

⁹⁰³ «Сунани Насайи», 2-китоб, 43-бет.

⁹⁰⁴ «Сунани Насайи», 2-китоб, 43-бет.

⁹⁰⁵ «Сунани Абу Довуд», 1-китоб, 60-бет.

⁹⁰⁶ «Сунани Термизий», 1-китоб, 217-бет.

⁹⁰⁷ «Сунани Термизий», 1-китоб, 217-бет.